



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
ҲАМКОРЛИК  
АСОСЛАРИ



И.А. ҲАМЕДОВ, А.М. АЛИМОВ

**Ўзбекистон Республикасида  
ташқи иқтисодий  
фаолият асослари**

ДАРСЛИК

Тошкент

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
«Адабиёт жамғармаси» нашриёти

2001

67.412.2я73

X 23

**Китоб Очиқ Жамият институти —  
Кўмак Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси  
кўмагида чоп этилган.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори,  
профессор М.Х. Раҳмонқулов**

**Ҳамедов И.А., Алимов А.М.**

**Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари:**  
Дарслик / Масъул муҳаррир: Ҳ. Бобоев.-Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашр., 2001.-328 б.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги,  
Жаҳон иқтисодети ва дипломатия университети.

**I. Муаллифдош.**

«Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари» китоби  
олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик ва иқтисодий мута-  
хассисликлари бўйича таҳсил олаётган талабалари учун дарслик ҳисобланади.

Китоб 9 бобдан иборат бўлиб, уларда Ўзбекистонда ташқи иқтисодий  
фаолият ва унинг турларининг ҳуқуқий, ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий-  
ҳуқуқий жиҳатлари аниқлаб ёритилган.

Асарда бой далилий, меъёрий-ҳуқуқий ва ахборот тусидаги маълумотлар  
жамланган. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг мураккаб ташкилий-ҳуқуқий жи-  
ҳатлари оммабош тилда, аммо жиддий илмий даражада таҳлил қилинган.

Ушбу китоб ҳуқуқ, иқтисодиёт ва халқаро муносабатларни чуқур ўрга-  
нувчи талабалар учун дарслик, ўқув қўлланмаси сифатида нашрга тавсия қили-  
нади. У, шунингдек, ҳуқуқшунос мутахассислар, амалиётчи юристлар, та-  
шқи иқтисодий ва ташқи сиёсий идораларнинг ходимлари учун ҳам қизиқар-  
ли ва фойдали бўлиши мумкин.

**ББК 67.412.2я73**

©Ҳамедов И.А., Алимов А., 2001 йил.

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги нишонланаётган даврда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларига зарур бўлган «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолияти асослари» дарслигининг чоп этилиши муҳим амалий ва назарий аҳамиятга моликдир ва чуқур рамзий маънога эгадир.

Бундан бир неча йиллар муққадам республикада ушбу йўналишдаги дарсликнинг чоп этилишини тасаввур этиш ҳам қийин эди.

Бугунга келиб ташқи иқтисодий фаолиятда юзлаб корхоналар, минглаб тадбиркорлар ва давлат хизматчилари иштирок этмоқдалар. Лекин бу иштирокчиларнинг кўпчилиги ташқи иқтисодий фаолият асослари билан яхши таниш эмас. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг кўлами ва обрў-эътибори кўп жиҳатдан бу соҳадаги мутахассисларнинг ўз ишини яхши билишига, пухта-аниқ ва тезкорлик билан ишлашига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, давр талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрлаш ишини такомиллаштириш бизнинг фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлиши керак. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш олий ўқув юртлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Кадрларни дастлабки тайёрлаш қанчалик пухта асосли бўлса, уларнинг бўлажак касб-кор фаолияти шунчалик сифатли ва самарали бўлади. Мазкур дарслик муаллифлари мустаҳкам ва пухта билим берилишини ўз оқдларига мақсад қилиб қўйишган. Дарслиқда ташқи иқтисодий фаолият асослари фани тизимли баён қилинади, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият тизимини ташкил этиш ва унинг ҳаракат қилиш механизми тушунтирилади, унинг илмий, амалий жиҳатлари ҳақида, ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида сўз боради.

Бу Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият бўйича тайёрланган биринчи дарслиқдир. У бугунги куннинг ўткир зарурияти туфайли пайдо бўлди. Шубҳасиз, дарслик такомиллаштирилиши ва тўлдирилиши зарур. Бироқ, ташқи иқтисодий фаолият мутахассисларини сифатли тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш вазифасини у муваффақиятли бажаради, деб умид қиламиз.

*С.С. Фуломов, академик,  
Ўзбекистон Республикаси олий  
ва ўрта махсус таълим вазири.*

## КИРИШ

Ташқи иқтисодий алоқалар моддий, молиявий ва заковат бойликларининг мамлакатлар ўртасида алмашинишининг турли йўналишлари, шакллари ва воситаларини ифодаловчи яхлит тизимдир. Бу исталган мамлакат иқтисодиётидаги энг мураккаб соҳа бўлиб, ўз ривожланиши учун атрофлича ёндашишни тақозо этади. Ўзбекистоннинг сиёсий мустақилликка эришиши ва бозор муносабатларига ўтиши, СССР тарқалганидан кейин Ўзбекистон геосиёсий ҳолатининг тубдан ўзгариши, босқичма босқич иқтисодий ислохларнинг амалга оширилиши мамлакат тараққиётида ташқи иқтисодий алоқаларнинг ролини анча кўтарди. Ўзбекистон учун нафақат узоқ хориж, балки яқин қўшнилар билан ҳам хўжалик ва савдо алоқалари ташқи иқтисодий алоқаларга айланди. Шу муносабат билан миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ташқи иқтисодий омилнинг аҳамияти кескин ошди. Айни вақтда ҳам айрим хўжалик субъектларининг, ҳам давлатнинг умуман ташқи иқтисодий фаолияти моҳияти сон ва сифат жиҳатидан тубдан ўзгарди. Ташқи иқтисодий омилнинг кучайиши амалга оширилаётган бозор ўзгаришлари, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти, ички бозорнинг ташқи бозор билан ҳамкорлигининг шаклланаётган бутунлай янги асослари талабларидан келиб чиқади.

Ҳозирги босқичда ташқи иқтисодий алоқаларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши бу жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга янада юксак талаблар қўяди. Турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, валюта-молия, хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий алоқаларни амалга ошира оладиган мутахассисларга эҳтиёжини таъминлаш учун Ўзбекистон олий ўқув юртларида таълимнинг кундузги ва сиртқи шаклларида таҳсил олувчи талабалар ташқи иқтисодий фаолият масалаларига ва муаммоларига бағишланган турли фанларни ўрганадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий ташкилотлар ва фирмалар билан ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иқтисодий-ташкилий муносабатлари бундай курсларнинг мавзуси ҳисобланади. Ўрганишдан мақсад – ташқи иқтисодий алоқаларнинг турли жиҳатлари бўйича тегишли билимларни беришдан иборатдир.

«Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари» дарслиги ўқув юртлари талабаларини ўқитиш, мамлакат иқтисодиёти турли тармоқларининг раҳбарлари ва мутахассисла-

рини қайта тайёрлаш учун мўлжалланган. Унда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асослари қисқача ифодаланади, Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият амалиёти ва техникаси батафсил баён қилинади. Дарсликнинг вазифаси — шу каби масалаларни янада чуқур ўрганиш ва амалий ўзлаштириш, олинган билимларни амалда қўллашга зарур асосни таъминлашдан иборатдир. Амалий йўналишни кучайтириш учун дарликда статистик маълумотлар, мисоллар келтирилади, ташқи иқтисодий фаолият соҳасига оид қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорлари шарҳланади.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ва халқаро иқтисодий фаолиятни, шунингдек хўжалик юритишнинг бошқа соҳаларини ўрганувчи мутахассислар турли хил ва айни вақтда ўзаро боғлиқ муаммоларга дуч келмоқдалар. Ушбу курс ниҳоясида бу хусусият тушунарли бўлади, бу масалани узвий кўриб чиқишни тўғри танлашнинг аҳамиятини кўрсатади, бу ўринда муаллифлар ўқув дастурлари талабларига ва тўпланган тажрибага таянадилар. Ўрганилаётган предметнинг катта ўзгарувчанлиги биров қийинчилик туғдиради, бу эса ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги янги ахборотларга эга бўлиб боришни, қўшимча адабиётлардан ва иқтисодий маълумотлардан фойдаланишни талаб қилади.

Дарслик мундарижаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган Ўзбекистонда узлуксиз таълим давлат стандарти тизимига тўла мос келади, талқинларнинг кенг қамровлиги ва теранлиги ундан турли курслар дастурларини тайёрлаш учун асос сифатида фойдаланишга имкон беради. Дарслик муаллифлари фикрларни аниқ ва мантиқан изчилликда ифодалашга, методик ёндашув ва терминологиянинг бирхиллигига эришишга ҳаракат қилганлар. Дарслик амалий йўналганлиги туфайли нафақат талабалар учун, балки тадбиркорлар, хусусий ва давлат муассасаларининг ходимлари учун ҳам фойдали бўлади.

Бундай дарслик ўзбек тилида биринчи марта чоп этилаётгани учун унда айрим камчиликлар, батафсилроқ ёритилиши керак бўлган ўринлар бўлиши мумкин. Муаллифлар ушбу дарсликни тақомиллаштиришга қаратилган барча таклифларни қабул қилишга тайёрдирлар.

\* \* \*

Муаллифлар ушбу дарсликни тайёрлашда кўрсатган ёрдамлари учун иқтисод фанлари номзоди, доцент Л.В. Алимова ва халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассиси Х.Х. Нормуродовга ўз самимий миннатдорчиликларини билдирадилар.

## БИРИНЧИ БОБ

### ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ НАЗАРИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

#### 1.1. Ташқи иқтисодий алоқалар тушунчаси, моҳияти ва таснифи

Цивилизациянинг ривожланиши алоҳида олинган давлатларни халқаро ҳўжалик алоқаларига мунтазам равишда жалб этишга олиб келади, бу эса ягона жаҳон иқтисодиётини барпо этишга имкон яратади. Дунёдаги барча мамлакатлар умумий иқтисодий қонунларга кўра ривожланади, улар халқаро муносабатлар иқтисодий характерининг устувор бўлишини шартлайди.

Эҳтиёжларнинг доимо мураккаблашиб борадиган таркиби, ресурсларнинг жуда камлиги ва олисдалиги нафақат алоҳида олинган давлат ичидаги ҳудудлар ўртасида, балки турли давлатлар ва жаҳон минтақалари ўртасида ҳам янада самаралироқ айирбошлаш воситаларини талаб этади.

Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг ўсиши нотекис юз беради, бу ҳам халқаро айирбошлашни кенгайтириш заруратини юзага келтиради; ушбу жараёнлар янги бозорларни (товарлар, хизматлар, меҳнат, ахборот, молия ва бошқа бозорларни) ривожлантиришга, хом ашёни олиб киришга, технология ва ахборотларни айирбошлашга, илмий, илмий-техника, ишлаб чиқариш, маданий ва бошқа ташқи иқтисодий алоқаларга имкон яратади.

Ўзбекистонда кўплаб қорхона ва бирлашмалар, корпорация ва компаниялар, фирма ва бошқа ташкилотлар хорижлик шериклар билан ташқи савдо алоқаларини муваффақият билан ривожлантирмоқдалар, хорижлик инвесторлар иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқдалар, халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигини бутун чоралар билан кенгайтирмоқдалар ва чуқурлаштирмоқдалар. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ушбу шакллари миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Ана шу таъсир натижаларининг таҳлили ва халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этишни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларини белгилаш ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи иқтисодий фаолият тушунчаларининг мазмуни тўғрисидаги аниқ тасаввурга асосланиши керак.

**Ташқи иқтисодий алоқалар — иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида давлат ва унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимидир.**

Давлат субъектларига улар зиммасига давлат томонидан юклан-

ган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тасарруфчилари киради. Булар ўзини ўзи бошқарадиган ҳудудлар, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар (акциядорлик жамиятлари, давлат корхоналари, кичик ва ўрта корхоналар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва ҳоказолар)дир.

Бинобарин, ташқи иқтисодий алоқалар — бир аниқ мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан халқаро меҳнат тақсимоти, фан ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳамда бошқа омилларга асосланган ишлаб чиқариш, савдо, сиёсий ва бошқа хил муносабатларидир. **Ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни рўбга чиқариш жараёнидир.**

Ташқи иқтисодий алоқалар халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва фанни ихтисослаштириш, хўжалик ҳаётини байналмиллаштириш жараёнидан объектив равишда келиб чиқади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида олинган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирига боғлиқлигининг кучайиши билан белгиланади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг иқтисодий мазмуни биргаликдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларида ифодаланади, буларда турли мамлакатларнинг корхоналари муайян товарлар ёки хизматларни тайёрлашга ихтисослашади, сўнгра уларни айирбошлайдилар. Товар айирбошлаш пулли ёки пулсиз асосда амалга оширилиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда айирбошлаш асосан биринчи вариант бўйича юз беради, яъни хориждан маҳсулот оладиган тараф унинг эгасига барча харажатларни тўлайди. Турли хил туҳфалар, инсонпарварлик ёрлами, ишларни мувофиқлаштириш, умумий қарорларни муҳокама ва қабул қилиш, тажриба алмашиш, стандартларнинг халқаро миқёсда бирхиллаштирилиши, атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирлар ва ҳоказолар айирбошлашнинг пулсиз турларига киради.

Шундай қилиб, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари турли соҳаларда: ташқи савдо, фаолиятнинг илмий-техника, ишлаб чиқариш, инвестиция, валюта-молия ва кредит, ахборот, маданий ва спорт турлари, меҳнат ресурсларини олиб ўтишда ўрнатилади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ана шу барча турларини қуйидаги шакллارга бирлаштириш мумкин: савдо (товарларни айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш), қўшма тадбиркорлик, ҳамкорликнинг бошқа турлари. Улар халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида айниқса кенг тарқалган.

Ташқи иқтисодий фаолият ташқи савдога асосланади, чунки бундай фаолият туфайли мамлакатлар ўз ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятига эгадирлар.



Халқаро савдога замонавий қарашлар ўз ичига бир нечта назарияни олади, у Адам Смит аллақачон таърифлаб берган мутлақ устунлик назариясидан (1776 йил) бошланади<sup>1</sup>. У ҳар бир мамлакатда бошқа мамлакатлардагига қараганда анча кам чиқимлар билан товарлар ва хизматларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга имкон берадиган мутлақ устунлик мавжудлигини исботлаб берди (бундай устунлик табиий тусда бўлиши ёки иқтисодий ривожланиш жараёнида эгалланиши мумкин). Савдо ўзаро фойдали бўлиши учун мамлакатларнинг ҳар бири шундай мутлақ устунликка эга бўлиши керак, лекин у ишлаб чиқариш фаолиятининг турли йўналишларидан ўрин олиши лозим. Турли давлатлар иқтисодий фаолиятини ихтисослаштиришнинг асосий шарт-шароитларидан бири ҳам ана шундадир. Смит назариясидан ихтисослаштириш қанчалик чуқур бўлса, мамлакат оладиган фойда ҳам шунчалик кўп бўлади деган хулоса келиб чиқади.

Д.Рикардонинг «Сиёсий иқтисод ва солиқ солиш асослари» (1817 йил) китобида таклиф қилинган қиёсий устунлик назариясига кўра мутлақ устунликларга эга бўлмаган мамлакатлар ҳам ташқи савдодан фойда олишлари мумкин. Амалда ҳамма ерда ва ҳамма вақт мавжуд бўладиган ички ва ташқи нархлар ўртасидаги тафовутлар туфайли исталган мамлакатда уларни ишлаб чиқариш мавжуд чиқимлар нисбатида қолганларини ишлаб чиқаришга қараганда анча фойдали бўлган ва уларни айирбошлаш ўз ишлаб чиқаришга қараганда фойдалироқ бўладиган товар ёки хизмат ҳар вақт топилади. Ушбу назариянинг ривожланиши алмаштириш чиқимлари ҳисобининг муҳим эканлигини кўрсатди.

Демак, XIX асрдаёқ ихтисослаштиришни чуқурлаштириш албатта қўшимча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга олиб келиши, алмаштириш чиқимларининг илдам ўсиши билан бирга бориши исботлаб берилган. Бунинг маъноси шуки, янада ихтисослаштириш мақсадга мувофиқ бўлмай қолади.

Шундай қилиб, қиёсий устунликлар назарияси қуйидагича хулоса чиқариш имконини беради: халқаро савдодан олинадиган энг кўп ютуқ қисман (тўлиқ эмас!) ихтисослаштириш шароитида юз беради, яъни миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг объектив чегаралари мавжуд.

**Хекшер-Олиннинг савдо назарияси сифатида машҳур бўлган назария биринчи ўринга ишлаб чиқариш чиқимларини эмас, балки қандай ресурслар ана шу чиқимларга киришини кўяди, чунки мамлакатлар чиқимларида уларда ортиқча мавжуд бўлган ресурслардан фойдаланилган товарларни экспорт қилишга интиладилар.**

Бунда ички талабни ишлаб чиқарилиши учун ресурслар мўл-

<sup>1</sup> Смит А. «Халқлар бойлигининг табиғи ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар.

кўл бўлган маҳсулот билан тўлдириш омилига муҳим роль ажратилади.

Ушбу назариялар учун америкалик машҳур иқтисодчи Василий Леонтьев таклиф этган муайян тузатишлар зарур. У ишлаб чиқариш омилларининг бир хилда эмаслигини қайд этди, бу омилларни тақчил ёки мўл-кўл омиллар сифатида кўриб чиқиш мумкин. Саноати ривожланган мамлакатларда ишчи кучи нисбатан чекланган шароитда юқори малакали мутахассисларнинг нисбатан ортиқчилиги кўзга ташланади, ривожланаётган мамлакатлар эса малакасиз меҳнатнинг катта харажатларини талаб этадиган маҳсулотни экспорт қилишга интиладилар. Иккала ҳолда ҳам меҳнатни кўп талаб қиладиган маҳсулот экспорти юз беради, лекин улар турли характерга эга. Шу билан бирга табиий ресурсларга бой кўпчилик ривожланаётган мамлакатлардан экспорт қилиш кўп сармоя талаб қилади, чунки уларни қазиб олиш катта маблағларни тақозо этади.

Кейинги вақтда ташқи савдо йўналишини товарларнинг ҳаётий цикли назариясидан келиб чиқиб тушунтирадиган маркетинг назария пайдо бўлди.

Ушбу назарияга кўра ҳар қандай маҳсулотнинг ҳаёт цикли бир неча босқичдан — жорий этиш, ўсиш, етуклик ва тушқунликдан иборат бўлади. Лекин босқичларнинг ўзи ички ва ташқи бозорлар бўйича нотекис навбатлашади, айни шу нарса ишлаб чиқаришни ички бозордан ташқи бозорга қайта йўллаш шартлари ва вақтини белгилайди.

Халқаро савдо миқёс самараси билан ҳам тушунтирилади. Назарий жиҳатдан олганда у микроиқтисодий ҳодисаларга киритилади ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўртача чиқимлари ва ҳажмлари динамикасини қиёслашга асосланади. Агар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтирганда ўртача чиқимлар маҳсулот бирлигига ҳисоблаганда қисқарса миқёс самараси мусбат, кўрсатилган кўрсаткичлар динамикаси тамойиллари тесқари нисбатда бўлса манфий бўлади.

Ривожланиш жараёнида кўп мамлакатларнинг (айниқса саноати ривожланган мамлакатларнинг) таъминланганлиги бараварлашгани сабабли ҳам мутлақ, ҳам қиёсий устунликлар учун асос йўқолади. Миқёс самарасини берадиган оммавий ишлаб чиқариш таъминланган тақдирдагина халқаро савдо фойдали бўлади. Бунинг учун бозор сифими асосий омилга айланади, уни алоҳида олинган мамлакатлар ичида таъминлаш қийин. Бунга, одатда, жаҳон бозоридаги операциялар ҳисобига эришилади. Ягона интеграцияланган бозорнинг шаклланиши шунга олиб келадики, истеъмолчиларга кўп миқдордаги маҳсулот анча паст нархларда таклиф қилинади. Шу та-

риқа микроиқтисодий муаммолар макроиқтисодий даражага ўтади. Ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси бўлган фирманинг даромади миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграцияланиш даражасига боғлиқдир.

Бошқа назарий қарашлар ҳам мавжуд. Лекин улар орасидан, биринчидан, олимлар ва амалиётчилар ўртасида кенг тарқалгани, иккинчидан, макроиқтисодий тусдалиги ифодаланган ва, учинчидан, энг умумлашгани билан ажралиб турадиганларини оламиз.

Халқаро савдо мазмунига доир биз баён этган барча ёндашувларни анча осонлик билан дастлабки икки қарашга киритса бўлади. Зеро, равшанки, мамлакатда ортиқча бўлган ресурслар сарфланадиган маҳсулот ҳам, товарнинг ҳаёт цикли ҳам, миқёс самаралари ҳам — уларнинг барчаси ишлаб чиқариш чиқимларига бевосита алоқадордир. Шунинг учун дастлабки икки қараш — энг универсал доктриналар бўлиб, қолганлари эса уларни аниқлаштириш ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро савдо ташқи иқтисодий фаолият барча қолган шакллари ва турларининг бошланғич, мувофиқлаштирувчи ва кўпайтирувчи негизи ҳисобланади. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг хорижий сармойни жалб этишдек шаклининг самарадорлиги ҳам унинг даражасига боғлиқдир. Савдодаги қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган ва бошқа чеклашлар инвестиция жараёнларида акс этади.

**Ташқи иқтисодий алоқалар тарихий ва иқтисодий тоифа ҳисобланади.**

Тарихий тоифа сифатида ташқи иқтисодий алоқалар цивилизация маҳсулоти ҳисобланади. Улар давлатлар пайдо бўлиши билан юзага келади ва улар билан бирга ривожланади. Ушбу алоқаларнинг ривожланишига айниқса феодализмнинг таназзули кучли туртки берди. Натурал хўжалиқдан товар-пул муносабатларига ўтилиши алоҳида давлатларнинг миллий бозорларини ривожлантиришга ва ушбу миллий бозорларнинг товар айирбошлашида кескин сакрашни туғдирди, бу эса давлат муносабатларининг иқтисодий соҳасида байналмилал алоқалар ва халқаро айирбошлаш кенгайиши ва чуқурлашига олиб келди.

Иқтисодий тоифа сифатида ташқи иқтисодий алоқалар барча турдаги ресурсларнинг давлатлар ва турли давлатларнинг иқтисодий субъектлари ўртасидаги ҳаракати пайтида юзага келадиган ишлаб чиқариш — иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади. Ушбу икки тарафлама муносабатлар давлат иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини, аввало унинг ишлаб чиқариш, савдо, инвестицияга оид ва молиявий фаолиятини қамраб олади.

Иқтисодий тоифа сифатида ташқи иқтисодий алоқаларнинг мо-

ҳияти унинг функцияларида аниқланади. Қуйидагилар ана шундай функциялар ҳисобланади:

— **табiiй ресурслар ҳамда уларнинг ашёвий ва қиймат шаклидаги меҳнат натижалари билан халқаро айирбошлашни ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш;**

— **халқаро меҳнат тақсимоти маҳсулотлари истеъмол қийматининг халқаро миқёсдаги эътирофи;**

— **халқаро пул муомаласини ташкил этиш.**

**Биринчи функция** табиий ресурслар сифатида қазиб олинадиган маҳсулотлар ва халқаро меҳнат тақсимоти жараёнида олинадиган маҳсулотларни маҳсулотлар ва уларнинг ашёвий ҳамда қиймат шаклидаги меҳнат натижалари бозори орқали аниқ истеъмолчиларга етказишдан иборат бўлади. Айирбошлашни ташкил этиш аynи вақтда айирбошлашга хизмат кўрсатишни ҳам назарда тутати.

**Иккинчи функцияни** бажариш жараёнида товар-пул муносабатлари ҳаракатининг якунланиши ва пулни халқаро меҳнат тақсимоти маҳсулотига айирбошлаш тугаши юз беради, бунинг натижасида маҳсулотнинг истеъмол қиймати (ёки амалий қиймати) халқаро эътирофга сазовор бўлади.

**Учинчи функция** — турли халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида пулнинг узлуксиз ҳаракати учун шарт-шароит яратишидир.

Аynи вақтда ташқи иқтисодий алоқалар давлатнинг иқтисодий тизимига таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб майдонга чиқади, у ташқи иқтисодий фаолият механизми орқали амалга оширилади.

Ҳозирги жаҳон ҳўжалигида ташқи иқтисодий алоқалар давлат миллий даромадини ўстириш, халқ ҳўжалиги харажатларини тежаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш омилларига айланади.

Давлатлар ўргасидаги ҳамкорлик товарларни одатдаги айирбошлашдан хизматлар савдоси, техник-иқтисодий вазифаларни биргаликда ҳал этиш, илмий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ҳамда биргаликдаги ҳўжалик фаолиятининг бошқа шакллари ривожлантириш, шу жумладан қўшма корхоналарни барпо этишга қадар кенгаймоқда.

Ташқи иқтисодий алоқалар орқали жаҳон бозорининг товар ва хизматларга талаби муайян давлатнинг ички бозорига ўтказилади, бу эса ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга имкон яратади, бу, ўз навбатида, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, молия муассасалари ва хизматлар соҳасини ривожлантиришга олиб келади.

Мамлакат ички бозорининг ривожланиши натижасида давлат ичида таклиф ҳажми талаб ҳажмидан ўзиб кета бошлади, бу ҳол ташқи савдо операцияларининг кенгайиши, сармоя қийматининг

арзонлашиши ва ишлаб чиқариш ҳамда муомала чиқимларининг камайишига олиб келади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш ва уларни бошқариш механизмининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ташқи иқтисодий алоқалар таснифи билан белгиланади.

**Тасниф (классификация)** деганда муайян белгилар бўйича аниқ гуруҳларга тақсимлаш тушунилади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг таснифи тизими алоқа турлари ва шаклларида иборатдир.

Ташқи иқтисодий алоқалар тури — битта умумий белги, масалан, товар оқимининг йўналиши ёки таркибий белги билан бирлаштирилган алоқалар мажмуидир.

Товар оқимининг йўналиши билан боғланган тасниф белгиси товар (хизматлар, ишлар)нинг бир мамлакатдан бошқасига ҳаракатини, яъни товарнинг мамлакатдан олиб чиқилиши ёки товарнинг мазкур мамлакатга олиб кирилишини белгилайди. Ушбу белгига кўра ташқи иқтисодий алоқалар товарни сотиш ва олиб чиқиш билан боғлиқ экспорт алоқаларига ҳамда товарни харид қилиш ва олиб келиш билан боғлиқ импорт алоқаларига бўлинади.

Ташқи иқтисодий алоқалар таснифининг таркибий белгиси алоқаларнинг иқтисодий манфаатлар соҳаси ва давлат ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий мақсади билан боғланган гуруҳий таркибини белгилайди. Таркибий белгига кўра ташқи иқтисодий алоқалар ташқи савдо, молиявий, ишлаб чиқариш, инвестиция алоқаларига бўлинади.

Алоқа шакли — мазкур алоқа турининг мавжуд бўлиш усули, бирор-бир аниқ алоқа моҳиятининг ташқи намён бўлишидир. Ташқи иқтисодий алоқалар шаклларига савдо, бартер, туризм, инжиниринг, франчайзинг, лизинг ва ҳоказолар киради.

Ташқи савдо фаолияти товарлар, ишлар, хизматлар, ахборот, интеллектуал фаолият натижалари, шу жумладан уларга доир мутлақ ҳуқуқлар (интеллектуал мулк) билан халқаро айирбошлаш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида туридир. Бунда товар деганда ҳар қандай ҳаракатланувчи мол-мулк (шу жумладан энергиянинг барча турлари) ва қўчмас мулкка киритилган, ташқи савдо фаолиятининг предмети бўлган ҳаво, денгиз кемалари ва ички сузиш кемалари ҳамда фазовий объектлар тушунилади. Халқаро ташқи савдо тўғрисидаги шартнома чоғида фойдаланиладиган транспорт воситалари товар ҳисобланмайди.

**Экспорт** — товар, ишлар, хизматлар, интеллектуал мулк натижалари, шу жумладан уларга доир мутлақ ҳуқуқларни божхона ҳудудидан хорижга қайтариб олиб келиш мажбуриятисиз олиб чиқишдир. Экспорт факти товар божхона чегарасини кесиб ўтган, хизматлар ва интеллектуал фаолият натижаларига доир ҳуқуқлар

тақдим этилган пайтда қайд этилади. Божхона ҳудудидан хорижга товарлар олиб чиқишсиз айрим тижорат операциялари товарлар экспортига тенглаштирилади.

Халқаро савдо ҳажми, яъни жаҳон товар обороти фақат экспорт ҳажмларини қўшиш йўли билан, одатда **ФОВ** ёки франко — кема борти (ингл. Free on board) нархларида АҚШ долларида ҳисоблаб чиқилади. **ФОВ** нархи ташиш ва суғурталаш харажатларининг фақат бир қисмини, товар кема бортига етказиб берилган пайтга қадар, сотувчи ўз зиммасига олишини англатади. **ФОВ** етказиб беришнинг базис шарти ҳисобланиб, унга кўра сотувчи товарни юклаб жўнатиш портида (одатда экспортчи мамлакатида) кема портига етказиб бериш ҳақини ва экспорт божларини тўлайди. Юкни кемада жойлаштиришга одатда харидор ҳақ тўлайди. Товарни ташиш, уни суғурталаш ва импорт божларини тўлаш билан боғлиқ кейинги харажатларни ҳам харидор тўлайди.

Ўзбекистон Республикасида экспортни ривожлантиришга катта эътибор берилляпти. МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик, кооперация ва биргаликдаги экспорт лойиҳалари учун имтиёзли божхона режимлари, машина-техника экспортини ривожлантириш ва ҳоказолар экспортни ривожлантиришнинг муҳим резерви ҳисобланади. 1997 йил ўрталарида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш Давлат дастури юксалтириш йўлида муҳим қадом бўлди.

**Импорт** — товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан уларга доир фавқулодда ҳуқуқларни божхона ҳудудига қайтариб олиб чиқиш мажбуриятсиз олиб келишдир. Импорт факти товар божхона чегарасини кесиб ўтган, хизматлар ва интеллектуал фаолият натижаларига доир ҳуқуқлар олинган пайтда қайд этилади. Ўзбекистон божхона ҳудудининг мақоми Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси билан белгиланган.<sup>1</sup> Унинг ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг ҳудуди ЎЗР божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг чегаралари, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар тегралари ЎЗР божхона чегараси ҳисобланади.

Импорт **СИФ** нархларида ҳисобланади, бунинг натижасида у экспорт қийматидан ошади. **СИФ** (ингл. CIF — cost, insurance and freight) — етказиб бериш шарти бўлиб, унга кўра сотувчи товарни тайинланган пунктга (одатда, импорт мамлакатидagi портга) етказиб бериш ҳақи ва ташиш вақтида товарни суғурталаш харажатларини тўлайди. Шу сабабли **СИФ** нархи ўз ичига товар қиймати, унинг фрахти ва суғурталанишига доир харажатларни олади.

1 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қаралсин.

Ташқи савдода хизматлар савдоси катта ўрин тутади. Хизматлар ҳам товардир, бироқ кўпинча ашёлаштирилган шаклга эга эмас ва товарлардан бир қатор мезонлари билан фарқ қилади.

**Хизматлар** — бошқа шахслар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган тадбиркорлик фаолияти бўлиб, меҳнат ҳуқуқига оид муносабатлар асосида амалга ошириладиган фаолият бундан мустасно.

Хизматлар олди-сотдиси бўйича асосий ташқи савдо битимларига транспорт хизматлари, инжиниринг (муҳандислик-техника хизматлари савдосига доир операциялар), ижара муносабатлари (лизинг), туристлик хизматлари экспорт-импортга доир операциялар, информатика ва бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги консалтинг хизматлари, суғурталаш ва бир қатор бошқа хизматлар кирази.

Хизматларнинг ташқи савдоси «кўзга кўринмайдиган экспорт» деб ҳам аталади.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва статистика вазирлигининг белгилашига кўра экспорт қилинадиган хизматларга хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларга (ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларга) мувофиқ белгиланган тартибда Республиканинг ҳўжалик юритувчи субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар (ишлар) кирази.

Экспорт-импорт операциялари бевосита ёки билвосита бўлиши, яъни товар соҳиблари ёки воситачилар томонидан амалга оширилиши мумкин. Воситачилар сифатида брокерлар, дилерлар, комиссионерлар, консигнаторлар, улгуржи харидорлар, саноат агентлари фаолият кўрсатиши мумкин. Экспорт-импорт операцияларидан ташқари ташқи иқтисодий фаолият амалиётида товарларни сотиш учун ташқи савдонинг савдо, аукцион (кимошди савдоси) ва биржа сингари махсус шаклларида ҳам фойдаланилади.

Ҳар бири экспорт ёки импорт товари учун пул суммасини олиш ёки тўлаш билан яқунланадиган товарларни сотишга доир одатдаги экспорт-импорт битимлари билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолиятда товар айирбошлаш операциялари ёки муқобил компенсацион савдо ҳам кенг қўлланилади. Муқобил савдо товарларни сотишга доир операцияларни ўз ичига олиб, бунда экспортчиларнинг импорт қилувчилардан маҳсулот бир қисмини ёки экспорт қилинаётган товарлар бир қисмини харид қилишга муқобил мажбуриятлари кўзда тутилади. Хилма-хил бўлган муқобил битимларни ташкилий-ҳуқуқий асос ёки компенсация қоидасига боғлиқ ҳолда уч гуруҳга ажратиш мумкин: валютасиз асосда товар айирбошлаш битимлари (бартер), пул асосида савдо компенсация битимлари ва саноат компенсация битимлари.

Бартер битимлари объектлари одатда бир турдаги товарлар, асо-

сан хом ашёнинг келишилган тўпламлари бўлиб, бу нарса товарларни манёврлашни истисно этади. Айни шу сабабли бартер муқобил савдода энг кам тарқалган битимдир. Муқобил компенсацион савдонинг каттагина қисмини пулга асосланган, экспортчининг импорт қилувчи таклиф этадиган товарларни сотишда иштирокини кўзда тутадиган савдо компенсацион битимлари эгаллайди. Ушбу турдаги барча битимларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: «оффсет» туридаги битимлар, «свитч» туридаги битимлар, бўнак харидлари ва ҳоказо. Савдонинг ушбу тури шерикларнинг ишлаб чиқариш алоқаларини кўзда тутмайди. Агар муқобил савдо саноат ҳамкорлигининг бир қисми бўлса ва бевосита ишлаб чиқариш соҳаси билан боғланса, у етказиб беришларнинг алоҳида тасниф гуруҳини яратадики, бу гуруҳ саноат компенсацион битимлари деб ном олган, масалан, бунёд этиладиган объектлар учун етказиб бериладиган ускуналар ҳақи унинг ёрдамида ишлаб чиқариладиган товарларнинг муқобил етказиб беришлари билан тўланади.

Хизматлар ташқи савдосида илмий-техника тадқиқотлари натижалари савдоси ва муаллифлик ҳуқуқлари савдоси алоҳида ўрин тутади. Илмий-техника билимларини айирбошлашга доир келишувлар нафақат илмий, балки тижорат қиймагига ҳам эга бўлган илмий-тадқиқот ишлари якунларининг олди-сотдиси билан боғланган. Илмий-техника билимлари савдосига доир операцияларда патентлар, лицензиялар, товар белгилари, саноат намуналари шаклида майдонга чиқадиган интеллектуал меҳнат маҳсулотлари, шунингдек «ноу-хау» тушунчаси билан бирилаштирилган техник билимлар ва тажриба иштирок этади.

Ташқи савдо алоқалари молиявий алоқалар билан боғланади, зеро молия савдо пайдо бўлиши билан ва савдо ҳосиласи сифатида пайдо бўлади. Молия — пул оқимида, пулларнинг узлуксиз борадиган оборотида юзага келадиган муносабатлар тизимидир. Бошқача қилиб айтганда, молия — пул фондлари шаклланиши ва улардан фойдаланишда ҳамда пул маблағлари обороти пайтида юзага келадиган пул муносабатлари тизимидир. Молия учта функцияни бажаради:

- фондларни шакллантириш ва нақд пул маблағларини олиш;
- пул фондлари ва нақд пул маблағларидан фойдаланиш;
- пул фондлари ва нақд пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш.

Халқаро кредитлаш, халқаро суғурталаш, халқаро банк хизматини кўрсатиш (ҳисоб-китоблар, депозитлар ва бошқа банк операциялари) молиявий ташқи иқтисодий алоқалар шакллари ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жаҳон иқтисо-



диётида фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришга оид ва инвестицион ташқи иқтисодий алоқаларнинг пайдо бўлиши ва чуқурлашишига олиб келди.

Ташқи иқтисодий алоқалар нафақат товарлар, хизматларни айирбошлаш, балки кўшма тадбиркорликни ташкил этиш учун сармояларни олиб чиқиш ва олиб кириш, ишчи кучини олиб ўтиш йўли билан ҳам рўёбга чиқарилади. Сармояни олиб чиқиш — мунтазам равишда даромад олиш ёки бошқа иқтисодий ва сиёсий фойдаларга эришиш мақсадида пул ёки товар шаклидаги қийматни хорижга олиб ўтишдир. Сармояни олиб чиқишнинг моҳияти молиявий ёки моддий ресурслар бир қисмини бир мамлакатдаги миллий иқтисодий оборот жараёнидан олиш ва уни бошқа мамлакатлардаги ишлаб чиқариш жараёнига киритишдан иборат.

Сармояни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга олиб ўтиш аввало олиб чиқаётган мамлакат ички иқтисодий ривожланишининг унинг ташқи савдоси ўсиши билан таққослаганда илдам бориши билан боғланган. Лекин шу билан бирга ташқи иқтисодий фаолият шакли сифатида сармояни олиб кириш ва олиб чиқиш ўзаро боғланган ва қуйидаги ҳолатлар туфайли бир-бирини шартлайди: сармояни товар шаклида олиб чиқиш машиналар, ускуналар, ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмларни етказиб беришни англатади; сармояни олиб чиқиш — асосан кредитор мамлакатда товар хариди учун тақдим этиладиган кредитлардир. Агар ташқи савдо ҳажмлари кўпайса, демак, сармояни олиб ўтиш ўстан, яъни сармоя экспорти товарларни хорижга олиб чиқишни рағбатлантириш воситасига айланган.

Кўшма тадбиркорлик ғоятда хилма-хил шаклларда амалга оширилади, буни сармоя фаолият кўрсатишнинг муайян қоидалари шартлаган. Чунончи, сармоядан фойдаланиш характерига боғлиқ ҳолда халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида уни олиб чиқишнинг иккита анъанавий шакли: тадбиркорлик ва ссуда шакллари ажратиб кўрсатилади.

Сармояни олиб чиқишнинг тадбиркорлик шакли саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа тармоқларда маҳаллий сармоянинг иштироки билан филиаллар, шуъба корхоналари, аралаш корхоналарни хорижга олиб ўтишни англатади. Тадбиркорлик сармояси икки турда: бевосита инвестициялар сифатида ва портфель инвестициялари кўринишида майдонга чиқади. Инвестор томонидан улар устидан назорат таъминладиган хорижий корхоналарга сармоя қўйилмалари бевосита инвестициялар деб аталади. Халқаро валюта фондининг белгилашига қараганда, агар хорижий инвесторга корхона сармоясининг камида 10 фоизи тегишли бўлса, корхона фаолиятига таъсир кўрсатиш таъминланади.

Кейинги ўн йилларда бевосита инвестицияларнинг жадал ўсаётганини кўрамиз. Агар 60-йиллар ўртасида бевосита хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 108 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 1999 йил бошларига келиб, у 400 миллиард долларга етди.

Портфель инвестициялари хорижий корхоналарни тўғридан-тўғри назорат қилиш билан боғланмаган ва хорижий компанияларнинг қимматли қоғозларни харид қилиш йўли билан амалга ошириладиган сармоя қўйилмаларидир. Портфель инвестицияларига тааллуқли молиявий воситаларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, одатда қимматли қоғозлар уюштирилган молия бозорларида чиқарилади ва муомалага киритилади.

Тадбиркорлик сармоясидан фарқ қилиб, ссуда сармоясини олиб чиқиш маблағлар ташқи қарзлар, ташқи савдога етказиб беришларни кредитлаш, хориж банкларига омонатлар кўринишида чиқилишини англатади. Ссуда сармояси тадбиркорлик сармоясидан шу билан фарқ қиладики, тадбиркорлик сармоясини олиб чиқаётганда инвестор фойда олади, ссудани беришда эса ссуда фоизи олади.

Шуни таъкидлаш керакки, қўшма тадбиркорлик нафақат ўз фирмаларини ташкил қилиш шаклида ёки қабул қилувчи мамлакатнинг акциядорлик жамиятларига маблағ қўйиш йўли билан, балки бошқа шаклларда ҳам амалга оширилади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қўшма корхоналарни барпо этиш;
- корхоналарни «ипидан игнасигача тайёр» қилиб барпо этиш;
- «маҳсулот — қўлга» туридаги шартнома, у корхоналарни «ипидан игнасигача тайёр» қилиб қуришдан фарқ қилиб, хорижий фирманинг қуриладиган объект учун маҳаллий мутахассислар тайёрлашини кўзда тутати;
- маҳсулотни бўлиб олиш тўғрисидаги келишувлар;
- асосан минерал — хом ашё ресурсларини қазиб олиш ишланмалари соҳасида «таваккалчилик лойиҳалари» тўғрисидаги шартномалар;
- лицензион келишув, шу жумладан лицензияни сотиб олувчига бошқарув соҳасида «етказиб берувчининг компанияси амал қиладиган баъзи қондаларни ҳурмат қилиш» мажбуриятига айирбошлаш ҳисобига қўшимча хизматлар тақдим этадиган франчайзинг.

Мазкур шакллар асосан экспортга эмас, балки мамлакатнинг ички бозорига ишлайдиган тармоқларда борган сари кенг ривожланмоқда.

Ташқи иқтисодий алоқаларда илмий, техник, иқтисодий ҳамкорлик, илмий, маданий айирбошлаш ва спорт тадбирлари борган сари кенг тарқалмоқда.

**Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган, шунингдек импорт товарларини харид қиладиган ва қайта ишлайдиган ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларнинг бошқа шакллари амалга оширадиган тармоқлар, бирлашмалар, корхоналар, фирмаларнинг жамулажами мамлакатнинг ташқи иқтисодий мажмуасини ташкил этади.**

Ташқи иқтисодий мажмуа учта асосий қисмдан ташкил топади:

— ишлаб чиқариш фаолияти экспортга маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек импорт товарлари ва хизматларининг истеъмолчилари ҳисобланган корхоналар;

— товарларни хориждаги истеъмолчиларга етказиб бериш, шунингдек хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг келиб тушиши билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъектлар;

— бошқарув қарорларини қабул қилиш, кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқотлар, ахборот билан таъминлаш ва ҳоказолар воситасида ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқаришни таъминлайдиган ташкилот ва муассасалар.

Ташқи иқтисодий мажмуани ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва савдо турларини бевосита, барқарор ва узоқ муддатта бирлаштириш ҳамда мажмуани динамик ва мувозанатлаштирилган илмий-ишлаб чиқариш-тижорат тизимига айлантиришни назарда тутди.

Экспорт салоҳиятини ошириш, қўшма тадбиркорликнинг турли шаклларига киритиш, рақобат қилувчи ишлаб чиқаришларнинг мавжудлиги, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда минтақалар, корхоналар, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш Ўзбекистон ташқи иқтисодий мажмуасини муваффақиятли ривожлантириш шартлари ҳисобланади.

## **1.2. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий базаси**

Ҳар қандай давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти жаҳон хўжалигининг фаолият кўрсатиши билан боғланган ва муқаррар равишда нафақат миллий ҳуқуқий меъёрлар, балки халқаро ҳуқуқ стандартлари билан ҳам тартибга солинади. Табиийки, миллий ҳуқуқ регламентациялари билан халқаро иқтисодий ҳуқуқ ўртасида муайян зиддиятлар мавжуд.

Бир томондан, давлатларнинг ҳуқуқ соҳасидаги суверенитетини эътироф этмаслик мумкин эмас, бошқа томондан эса — халқаро қоидалар устуворлигини тан олиш зарурати у ёки бу мамлакатлар суверенитети соҳасига каттагина чекловчи таъсир кўрсатади.

Миллий ҳуқуқий ҳужжатларни давлатлараро шартномаларга му-

вофик тарзда муайян даражада бирхиллаштириш ҳозирги босқичда ушбу муаммонинг энг мақбул ечими ҳисобланади. Яъни халқаро ҳуқуқнинг қоида ва меъёрлари амалиётда миллий қонун ҳужжатлари орқали рўёбга чиқарилади.

Ўзгартириш жараёнларининг кескинлиги Ўзбекистон миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга келтириш жараёнида муайян мураккабликларни юзага келтирди. Ушбу вазифа изчиллик билан, бир неча босқичларда ҳал этиб борилди. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасига тааллуқли қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларнинг кўплигини эътиборга олиб, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига кириши хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёни ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий бошқариш стратегиясининг ўзига хосликларини ҳамда ҳам минтақавий миқёсда, ҳам алоҳида мамлакатлар даражасида савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг тегишли устуворликларини белгилаб берди.

2000 йил бошида мамлакатимиз дунёнинг 38 давлати билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларни, 35 давлат билан эса сармоя киритишни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги келишувларни имзолади. Бу ўринда ҳам ҳуқуқий-шартномавий базани шакллантиришда сонга эмас, балки сифатга эътибор қаратилди, яъни ҳар бир келишув Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан ва шерик давлатнинг ўзига хосликларидан келиб чиқиб тайёрланди.

Ўзбекистоннинг АҚШ билан кўп қиррали ҳамкорлигинининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш жараёни жадал олиб борилди, ҳозир 20 дан ортиқ ўзаро келишув ва шартномалар амал қилмоқда, улар қаторида капитал қўйилмаларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳақидаги келишув ҳам бор. Америка қитъаси давлатлари ичида АҚШдан ташқари катта сармоя ресурсларига ва технологик имкониятларга эга бўлган Канада билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Европа Иттифоқи мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Узоқ муддатли, барқарор ва умум тан олинган тамойиллари асосига қурилган ўзаро ҳўжалик ҳамкорлигини таъминловчи Европа Иттифоқи билан иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий таъминлаш орқали ўз стратегик манфаатларига эришиш мақсадида Ўзбекистон қатор икки томонлама шартномалардан ташқари Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида келишув шаклида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги умумий келишувни ҳам имзолаган, у 1998 йил юни-

да кучга кирган. Уни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг қарори ва Ўзбекистон Республикаси билан Европа Ҳамжамияти ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни амалга ошириш бўйича 2000-2005 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг асосий ташкилий чора-тадбирлари умумий дастури қабул қилинди.

МДҲ мамлакатлари билан муносабатлар ҳам жадал ривожланмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатлар илгари мавжуд бўлган иқтисодий алоқаларнинг табиий давоми ҳисобланади. Ҳозирги вақтда МДҲ мамлакатлари билан алоқалар маданий савдо-сотиқ олиб боришга тўсиқ бўлаётган молиявий имкониятларнинг чекланганлиги туфайли мураккаблашмоқда.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқишда ва такомиллаштиришда жаҳоннинг бошқа минтақлари мамлакатлари билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳам муҳим аҳамият бериш керак. Масалан, Осиё мамлакатлари аста-секин жаҳон иқтисодиётида етакчи мавқени эгалламоқдалар, дунёнинг катта транспорт-коммуникация имкониятларига эга бўлган муҳим савдо, молия марказларига айланмоқдалар. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурини амалга ошириш нуқтаи назаридан Африка мамлакатлари ҳам биз учун катта қизиқиш уйғотади, бунда эътибор тўла қайта ишланган маҳсулотни сотишга қаратилиши керак. Бу шароитларда ушбу минтақа давлатларига нисбатан Ўзбекистоннинг ҳуқуқий стратегияси энг аввало халқаро меҳнат тақсимоли асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий эҳтиёжларидан келиб чиққан табақалаштирилган ҳолда, ҳар бир давлат учун алоҳида ишлаб чиқиши керак.

Яқин истиқболда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий стратегиясининг шартномавий-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқишда Осиё-Тинч океани минтақаси (ОКОМ) мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Бу минтақадаги жадал ривожланаётган мамлакатларда катта валюта заҳираларининг тўпланиши уларнинг Ўзбекистондаги инвестиция фаолияти учун имкониятларини кенгайтиради.

Минтақавий иқтисодий гуруҳларда ва келишувларда Ўзбекистоннинг иштирокини кенгайтириш бўйича жадал иш олиб бориш биз учун кейинги тараққиётни белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичларида ўз миқлиий манфаатларимизни таъминлаш ҳамда минтақадаги мавжуд савдо уюшмалари ва келишувларда тегишли савдо-иқтисодий позицияни эгаллаш учун муҳимдир. Икки томонлама ҳуқуқий асосда ҳамкорлик қилиш ОКОМ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларга асос бўли-

ши керак, бу Ўзбекистоннинг минтақа даражасида таъсирининг ва ҳамжиҳатлигининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Халқаро молия-иқтисодий ташкилотларга аъзолик кўп томонлама ҳамкорлик даражасида шартномавий-ҳуқуқий базани шакллантириш сиёсати доирасида Ўзбекистон Республикаси учун долзарблик касб этмоқда. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига кириши бўйича ҳуқуқий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, бу ташкилотга аъзолик Ўзбекистон учун янги имкониятларни очиб мумкин.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик миллий қонунчилик асосида ҳам ҳуқуқий тартибга солинади. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонун бу жараённинг самарадорлигини таъминлайди, унда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини тузиш, узайтириш ва бекор қилиш ҳуқуқий воситаларининг амал қилишида тегишли вазирликлар ва идораларнинг ваколатлари, ихтисослашувлари аниқ белгиланган. Бу қонун мамлакат бўйича умуман ташқи алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини расмийлаштириш соҳасини ривожлантиришга олиб келди.

90-йиллардаёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни мамлакатда ташқи иқтисодий фаолиятни ҳар томонлама мувофиқлаштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Амалиётнинг кўрсатишича, бу қонун иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулларида бозор усулларига босқичма босқич ўтиш, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш шароитларида иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида муҳим роль ўйнади. Бироқ 90-йилларнинг охириларида бошланган мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнлари ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш олдида янги-янги талабларни қўя бошлади. Бундан ташқари, республикада ушбу қонунга у ёки бу даражада дахлдор бўлган қатор қонунлар қабул қилинди. «Валюта бошқаруви тўғрисида», «Хорижий инвестициялар тўғрисида», «Божхона тарифи тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Шунинг билан 2000 йилнинг май ойида мамлакат Парламенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди, унда бу соҳада кейинчалик қонун яратиш фаолияти учун асос бўладиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг концептуал асослари аниқ белгилаб берилди. Қонуннинг янги таҳририда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг маъмурий усулларида иқтисодий усулларининг устуворлиги методологик тамойил сифатида аниқ белгиланди ва давлат ва унинг

органларининг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ишига ноқонуний аралаштиришлари ман қилинди.

Қонуннинг янги таҳрири моддалари мамлакат қонунчилигида юз берган ўзгаришларни, ташқи савдо режимини эркинлаштириш вазибаларни ҳамда бошқа таҳририй тузатишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олиб янгиланди.

Ташқи иқтисодий фаолият моҳиятидан келиб чиқиб, янги таҳрирда ташқи иқтисодий фаолият турларига аниқлик киритилди. Қонунчиликни қўллаш амалиётида малакали ишлатиш учун қонундаги асосий атамалар ва тушунчаларнинг талқини берилди, улар халқаро-ҳуқуқий дефинициялар билан мос келади.

Янги таҳрирдаги қонунга эркинлаштириш талабларига мос янги қоидалар киритилди, масалан, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли ахборотларга эга бўлиш, хорижий жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудида корхоналар очиш ҳуқуқи, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳакамликни ва қўлланиладиган қонунчиликни танлаш ҳуқуқи. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларини Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олиш талаби чиқариб ташланди.

Давлат органларининг ваколатлари қисқа ва ноаниқ белгиланган Қонуннинг эски таҳриридан фарқли ўлароқ, янги таҳрирда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг асосий ваколатлари аниқ белгиланган.

Мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги ва хавфсизлиги ҳимоя қилиш устуворлиги концепциясини ривожлантира бориб, жаҳон амалиётида қабул қилинган ва ГАТТ/ЖСТ битимларида киритилган ҳимоянинг аниқ чора ва усуллари назарда тутилган — ҳимоя, компенсация ва антидемпинг чоралари, олиб келинадиган товарларга техник, фитосанитар, экологик талаблар, экспорт-импортни тақиқлаш ва чеклаш чоралари. Бу ҳозирги босқичда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири — мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, мамлакат иқтисодий манфаатлари талаб қилганда чеклашларни жорий қилиш учун муҳимдир. У ташқи иқтисодий фаолият соҳасида базавий қонун ҳисобланади.

Қонуннинг янги таҳририда қурол-яроғларни, ҳарбий техникани ва икки мақсадда ишлатишга мўлжалланган товарларни экспортини назорат қилишни бошқарувчи меъёрлар, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг алоҳида тартибини (эркин иқтисодий зона ва эркин савдо зонасида имтиёзли шароитларни берувчи) бошқарувчи махсус моддалар киритилган.

Қонуннинг янги таҳририда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларни кафолатлашга ва бурчларини белгилаб беришга бағишланган бўлими анча такомиллаштирилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон миллий иқтисодиёти субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган, шу жумладан экспорт ва импорт операцияларини тарифлар воситасида ва тарифсиз бошқаришни тартибга солиш, экспорт маҳсулотини ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар кўрилди.

Мазкур чораларнинг ҳаммаси имтиёзли тусда бўлиб, амалдаги ҳуқуқий меъёрлардан баъзи истисноларни тақозо этади. Бироқ улар шунчаки имтиёзлар тизими эмас, барча кўрсатилган имтиёзлар аниқ йўналишга эга: улар юқори даражада қайта ишланган экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарадиган корхоналаргагина татбиқ этилади, шу сабабли ундан савдо-воситачи ташкилотлар, хом ашё ресурсларини экспорт қилувчи ва шу каби бошқа ташкилотлар фойдалана олмайдилар.

Ҳақиқатда ўз маҳсулотини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва воситачи корхоналар учун экспорт-импорт ва солиқлар воситасида тартибга солишнинг қўшалок тизими барпо этилди. Агар уларни макроиқтисодий назария позицияларидан туриб қарайдиган бўлсак, ҳеч қандай фарқ бўлмаслиги керак, лекин ўзгартириш жараёнларини амалда рўёбга чиқариш равон шароитларда эмас, балки ўтиш даври шароитларида юз бермоқда, шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мазкур иқтисодий стратегия танланган. Айни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва воситачи корхоналарнинг фаолият кўрсатиш шароитларини ажратиш ғоятда мақсадга мувофиқ чора бўлди, зеро ҳозирги бозор иқтисодиётининг узоқ вақт барқарор бўлиши ҳудди шу ишлаб чиқарувчи тузилмаларга асосланади.

Хориж бозорларига, айниқса МДҲ мамлакатлари бозорига чиқишга интилиб, ишлаб чиқариш фаолияти билан фаол шуғулланаётган микроиқтисодий субъектларнинг ҳаммаси анчагина қулай ҳуқуқий аҳволга тушиб қолди. Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳуқуқий аҳволининг фойдали жиҳатларидан амалда Республиканинг барча хўжалик юритувчи субъектлари фойдалана оладилар, бинобарин, мулкчиликнинг исталган шаклидаги корхона ва фирмалар экспорт-импорт ва солиққа оид имтиёзлардан фойдаланиш учун ўзларининг асосий фаолиятларини тегишли тарзда қайта қура оладилар.

Табиийки, ўз маҳсулотининг фаол экспортини таъминлаш бозорнинг хорижий қатнашчилари билан ҳамкорлик қилишда янада реал бўлиб бормоқда. Шу сабабли мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг хорижлик шериклари учун қонун ҳужжатларини



мувозанатлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг мамлакатимизга чет эл инвестициялари оқимини тартибга солувчи маҳсус қонунлари қабул қилинди, 1994 йилда қабул қилинган ана шундай йўналишдаги дастлабки қонун («Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»), сўзсиз, чет эл инвестицияларини жалб этиш ишида ижобий роль ўйнайди, лекин хўжалик амалиётининг реал ҳолати уни янада тақомиллаштиришни тақозо этди, шунинг учун унга муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилди (1994, 1995, 1997 йилларда).

1998 йилда Ўзбекистон Республикасида «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги янги Қонун амалга киритилди, у иқтисодий ривожланишнинг ўзгариб бораётган шароитларига жавоб беради, жаҳон ҳамжамиятида чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияларига нисбатан қабул қилинган барча талаблар ва қоидаларни эътиборга олади.

Жаҳон ҳамжамиятида аллақачон тадбиркорликнинг миллий режимини хорижий қатнашчиларга татбиқ этиш қоидаси белгиловчи қоидага айланган. У бир қатор халқаро ҳужжатларда: Халқаро савдо палатасининг «Халқаро инвестициялар учун амал қилувчи қоидалар», Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (ИХРТ) «Сармоя ҳаракатини эркинлаштириш кодекси» ва «Халқаро сармоя қўйилмалари ва кўп миллатли корхоналар тўғрисидаги декларация»сида мустаҳкамланган. Бундан ташқари Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди «Чет эл инвестициялари режими тўғрисида амал қилувчи қоидалар»ни қабул қилди, унда чет эл сармоясини бирор-бир мамлакатга киритиш қоидалари, режимни қўллашга доир стандартлар, сармоя ва фойдаларни ўтказиш тартиби, низоларни бартараф этиш қоида ва механизмлари, бир қанча бошқа жиҳатлар таърифланган.

Миллий режим қоидаси дунёда борган сари кенг тарқалмоқда. Инвестиция чораларининг савдо жиҳатларига доир келишувга (ИЧСЖ) мувофиқ Жаҳон савдо ташкилоти ишгирокчиси бўлган мамлакатлар учун инвестиция чораларига Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув доирасидаёқ қабул қилинган тадбиркорликнинг миллий режими қоидаси татбиқ этилади. Бундан ташқари, халқаро савдода миқдорий чеклашлардан воз кечиш қоидаси қайд этилган (шу жумладан маҳсулот, фаолиятдан олинган даромадлардан фойдаланиш бўйича, импорт ҳажмлари ёки қийматини чеклаш ва ҳоказо).

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистонда чет эл инвестицияларининг ғоятда кенг талқинидан фойдаланилмоқда. Булар барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлардир. Қуйидагилар чет эллик инвесторлар бўлиши мумкин:

- хорижий давлатлар ва уларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- хорижий давлатларининг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Ушбу талқинда, ёндашувнинг кенг ва комплекс тусдалиги туфайли, Республикага чет эл инвестицияларининг оқимини жиддий равишда кенгайтиришга шарт-шароит яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни чет эл сармоя қўйилмалари амалга оширилиши мумкин бўлган қўшлаб шаклларни эътироф этади: улуш қўшиб қатнашиш, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш, мол-мулк ва қимматли қоғозларни сотиб олиш, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни киритиш, концессиялар олиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, тураржой биноларига мулк ҳуқуқларини сотиб олиш, ерга, табиий ресурсларига эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш, шунингдек Республика қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шакллар.

Мазкур Қонун ва ўз институтлари билан давлат чет эллик инвесторларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширишлари пайтида уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Моддаларнинг бирида шундай дейилади: «Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланади. Бундай режим Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгилаб қўйилган режимга қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга ошириладиган инвестицияларнинг тегишли режимига қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас».

Шу билан бирга чет эллик инвесторларга халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ ғоятда кенг ҳуқуқлар берилган, шу жумладан инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш, ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш эркинлиги.

Чет эллик инвесторлар инвестиция фаолияти натижасида олин-

ган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қиладилар, олинган даромадни мустақил тасарруф этадилар (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар), Республикага кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағларини жалб этиш, ўз ҳисобварақларидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш ҳуқуқига ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

Чет эллик инвесторлар учун инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида ҳар қандай хорижий давлатнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан меҳнат шартномаларини эркин тузиш имкониятлари яратилган. Улар бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатлана оладилар, мамлакатимиз инвесторлари билан тенг ҳолда суғурга ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Чет эллик инвесторлар учун айниқса шу нарса муҳимки, мазкур Қонуннинг ва бошқа қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномаларнинг қоидалари мувофиқ келмаган ҳолларда инвестиция фаолияти учун бирмунча қулай бўлган, бинобарин, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган қоидалар устувор кучга эга бўлади.

Айтиб ўтилган ҳуқуқлардан истиснолар арзимаган даражада ва улар фақат миллий хавфсизликни таъминлаш масалалари билан боғланган, бу ҳол эса ҳар қандай давлатда табиийдир.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг асосий қоидалари халқаро амалиётда қабул қилинган талабларга тўлиқ мувофиқ келади, зеро чет эллик инвесторлар Республика ички бозорида мамлакатимиз инвесторлари билан тенг шароитларга қўйилган. Бироқ шунини эътиборга олиш жоизки, ушбу Қонунга кўра, чет эллик инвесторлар Ўзбекистон ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни барпо этишлари (чет эл инвестициялари акциялар, улушлар, пайлар ёки устав фондининг камида 30 фоизини ташкил этадиган корхоналар чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар тоифасига киритилади) ва уларга Республика қонун ҳужжатларига биноан тақдим этиладиган имтиёзлар тизимидан фойдаланишлари мумкин. Ушбу имтиёзлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 мартда қабул қилинган «Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 31 майда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Фармонларида ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларида таъкидланган.

Тақдим этиладиган имтиёзлар тизимида уларнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

**Биринчидан**, фойда (даромад) солиғи бўйича имтиёзлар, уларда солиқ ставкаларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажмида экспорт улушига боғлиқ ҳолда (тегишлича 5 дан 10 гача, 20 гача, 30 гача ва ундн ортиқ фоизларда) 20 дан 50 фоизгача камайтириш кўзда тутилган; экспорт ҳажмларини ўстиришдан олинган, эркин алмаштириладиган валютадаги тушумни фойда солиғини тўлашдан озод этиш; агар устав фондида чет эл сармоясининг улуши 30 фоиздан ортиқ бўлса, солиқ ставкасини фойданинг 25 фоизига қадар пасайтириш; Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга сармоя қўйилmalarини амалга оширувчи қўшма корхоналарни фаолиятнинг дастлабки 5 йилида солиқ солишдан озод этиш; чет эл сармоясининг улуши камида 30 фоиз бўлган ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлашга ихтисослашган қўшма корхоналарни солиқ солишдан озод этиш; янги бунёд этилган корхоналар учун солиқ солиш ставкаларини дастлабки йилда белгиланган ставкасининг 25 фоизи ва иккинчи йилда 50 фоизига қадар пасайтириш;

патент соҳиблари томонидан олинган даромад суммаларини маълум миқдордаги йилларга солиқ солишдан озод этиш; солиқ солинадган базани табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш, экология ва хайрия фондларига бўнақлар, инвестиция фаолияти билан боғлиқ суммаларга камайтириш; давлат қимматли қоғозлари бўйича олинган фоизлар ва дивидендларни солиқ солишдан озод этиш;

солиқнинг бутун суммасини «Ўзбекенгилсаноат» ва «Маҳаллий саноат» тизимида реинвестиция қилиш шарти билан чет эллик инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган қўшма корхоналарни солиқ солишдан озод этиш, шунингдек барча турдаги корхоналарга, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бир қатор бошқа имтиёзлар.

**Иккинчидан**, қўшма корхоналар ва чет эллик юридик шахслар учун маҳсулот олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни импорт қилиш ҳуқуқини бериш бобида соддалаштирилди; барча солиқлар тўланганидан кейин ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот экспортдан барча валюта тушумларини корхоналарнинг тўлиқ мулкида қолдириш кўзда тутилди.

**Учинчидан**, ер солиғи бўйича имтиёзларда агар устав фондида чет эллик иштирокчининг улуши 30 фоиздан ошса, барпо этилган

пайтдан бошлаб икки йилга чет эллик юридик шахслар ва қўшма корхоналарни солиқ солишдан озод этиш кўзда тутилди.

**Тургинчидан**, конвертациялашга доир имтиёзлар, унда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш; экспортга маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқариш билан банд бўлган; фойданинг бир қисмини репатриация қиладиган; миллий иқтисодиётнинг базавий ва етакчи тармоқларида устувор лойиҳаларни рўёбга чиқаришда ишгирок эгадиган, чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналар учун валютани устувор конвертациялаш ҳуқуқи кўзда тутилган.

**Бешинчидан**, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун солиқ солиш бўйича ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 2 йил муддатга солиқ кредити олиш; устав фондида чет эл сармоясининг улуши камида 500 минг АҚШ доллари бўлган корхоналарни мол-мулк солиғини тўлашдан озод этиш кўринишдаги имтиёзлар.

**Олтинчидан**, божхона божлари, қимматли қоғозлар операцияларига доир солиқлар, мол-мулк солиғи, энг кўп қулайлик режимини тақдим этиш бўйича бир қатор имтиёзлар, улар мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги корхоналарга, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга ҳам татбиқ этилади.

Бинобарин, чет эл сармоясини иштирокидаги корхоналарнинг Республика ичида бошқа турдаги корхоналарга нисбатан тенг мавқеда бўлиши билан бир қаторда уларга имтиёзларнинг икки тоифаси татбиқ этилади: биринчи тоифа қўшма корхоналарга, бошқаси барча турдаги корхоналарга, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга тааллуқлидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти борган сари халқаро ҳуқуқ меъёрларига яқинлаштирилаётган мустақам қонунчиликка асосланади.

### **1.3. Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ташкилий асослари**

Ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш мақсадида бўлган ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакат ўзини фақатгина эркин бозор гирдобига ташлаб қўя олмайди ва бу шароитда давлатнинг ривожлантириш кафолати сифатида фаол қатнашуви зарурияти туғилади. Бозор муносабатларига ўтишнинг илк босқичларида ташқи иқтисодий алоқаларнинг (ТИА) давлат томонидан тартибга солиниши айниқса муҳимдир. Бу эса биринчи навбатда ташқи савдони ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа шакллари тартибга солиш механизмларини ўзгарувчан ички ва

ташқи шароитларга мунтазам мослаштириб боришни, яъни оқилона ташқи иқтисодий сиёсат юргизишни талаб этади.

ТИС моҳиятини кўриб чиқишдан олдин ушбу тушунча мазмунини аниқлаштириб олиш зарур.

ТИА ларни давлат томонидан тартибга солиш — бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида прогрессив силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқимини кучайтиришга йўналтирилган ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия ва назорат қилиш тусидаги чора-тадбирлар тизимидир.

Бу ташқи иқтисодий сиёсатнинг энг умумий таърифидир. Ушбу таърифни аниқлаштириш учун ташқи иқтисодий сиёсат давлат ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Биринчидан, ўтиш даври шароитида ташқи иқтисодий сиёсат янги иқтисодий уклад шаклланишининг муҳим омилли, иқтисодий ҳаётнинг бозор муносабатларига монанд илгор шакллари барпо этишнинг воситаси ҳисобланади ва қаттиқ марказлаштирилган режали иқтисодиётнинг нодинамик, қотиб қолган шакллари кескин фарқ қилади. У иқтисодий ва маъмурий чора-тадбирлардан фойдаланиб, ички иқтисодий сиёсатнинг қуйидаги бир қатор асосий вазифаларини ҳал этишга даъват қилинган:

- миллий иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини раёбатлантириш, унинг рақобатардошлигини таъминлаш;
- ички бозорни ҳимоя қилиш;
- таркибий қайта ўзгартиришлар амалга оширилишига кўмаклашиш;
- мамлакат ҳудудлари ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ҳоказолар.

Иккинчидан, пухта ўйланган ва мувозанатли ташқи иқтисодий сиёсат давлат ташқи сиёсатининг ажралмас қисми сифатида мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини таъминлаш ва амалга ошириш мақсадларига хизмат қилади, миллий иқтисодиётни жаҳон бозорлари конъюнктурасининг кескин ўзгаришларидан ҳимоя қилишга, унинг жаҳон ҳўжалигига уйғун қўшилишига фаол кўмаклашишга даъват этилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсати жаҳондаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар нисбатан тез ўзгараётганлигини ҳисобга олиб, жўшқин, ҳаракатчан, мосла-

нувчан бўлиши зарур. Айни вақтда давлатимиз жаҳон хўжалигига қўшилаётган бир шароитда гап иқтисодий суверинитет, ватан иқсодиётини рағбатлантириш, мамлакатнинг туб манфаатларига риоя қилиш тўғрисида борар экан, етарлича барқарор бўлиши талаб этилади. Бунга ташқи иқтисодий сиёсат ўз ривожланишининг илмий асосланган концепциясига таянгандагина эришиши мумкин.

ТИФ ни эркинлаштириш (либераллаштириш) деганда энг аввало ТИА қатнашувчиларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, ташқи савдони тартибга солиш маъмурий услубларининг маълум қадар қисқариши, мавжуд тўсиқ ва ғовларнинг баргараф қилиниши тушунилади. Бу мутлақо муқаррар, ички иқтисодий муносабатлар эркинлашуви (либераллашуви)нинг мантиқий оқибатларидир. Самарали бозор механизми фақатгина жаҳон бозор муносабатлари билан узвий алоқада ташкил қилинган бўлиши мумкин. Яна бунда энг муҳими турли мамлакатлар иқтисодий ва ҳуқуқий шакллариининг маълум даражада ўхшашлигидадир. ТИСни эркинлаштириш ислоҳотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, ўтиш даври иқтисодиёти масалалари ечимини тезлаштиради.

Бундай эркинлаштиришнинг асосий шакллари — хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб келишини кенгайтириш, ТИА ларнинг давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишига (ташқи иқтисодий операциялар марказлашувига) барҳам бериш, импорт қилиш жараёнидаги ортиқча тўсиқларни олиб ташлаш, экспортнинг ривожланишини фаоллаштириш (божлар, лицензиялар, квоталар ва имтиёзларни қисқартириш орқали), миллий валютанинг конвертация қилинишини таъминлашдир.

Бу шакллар жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, амалдаги бозор механизмларини кучайтиради, гарчи тўлиқ ҳолда улар ҳатто ривожланган бозор иқтисодиётида ҳам қўлланилмайди. Миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилган ҳолда давлат маълум чекланишларни ўрнатади, божхона тарифларидан кенг фойдаланади, турли хил тақиқларни киритади ва ҳоказолар. Бозор механизми энди шаклланаётган, мавжуд ишлаб чиқариш бозор шароитларига ҳали тўлиқ мослашмаган ўтиш даври иқтисодиётида давлатнинг роли янада муҳимдир.

Шунинг учун ўтиш даври иқтисодиётида ТИАни эркинлаштириш сиёсати ички миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга зарар келтирмагани ҳолда мамлакатда бозор муносабатларини тезкор ривожланишини ва унинг жаҳон хўжалигига уйғун қўшилишини мақбул даражада таъминлаши зарур.

Молиявий капитал бозорининг очиқлик даражаси алоҳида масала сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Шак-шубҳасиз, шундай очиқлик даражаси талаб этиладики, у биринчи навбатда инвести-

цияларни бевосита жалб қилишни таъминлаши зарур. Бироқ, портфел инвестициялар, шунингдек, ўрта ва қисқа муддатли кредитларни жалб этиш анча мураккаб масала. Яқинда кузатилган Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидаги молиявий танглик шунини кўрсатади-ки, ҳайқиш ҳолатида, яъни мамлакатдан капиталларни бирданга чиқиб кетиш жараёни юз берганда қисқа муддатли капиталлар эркин ҳаракати иқтисод ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан биргаликда кредитлар ва фонд ресурслари эркин ҳаракатининг мушкуллаштирилиши, табиийки миллий ҳўжалик имкониятларини чеклайди.

Валюта бозорининг либераллашуви миллий валютанинг конвертация қилинишини, авваламбор жорий операциялар бўйича конвертация қилинишини таъминлашни билдиради. Унинг таъминланманганлиги — ТИАлар ривожланиши учун жиддий тўсиқдир. Валюта бозорининг тўлиқ либераллашуви, албатта капитал ҳисоби бўйича конвертация қилинишини ҳам кўзда тутати. Бироқ, молиявий тизим самараси паст бўлган мамлакатлар валютанинг тўлиқ конвертация қилинишига шоянмасликлари мақсадга молиқдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кезларида ТИФ ни амалга оширишда на зарурий институтларга, на етарли мутахассисларга, на самарали ўрнатилган алоқаларга эга эди ва шунинг учун бошланғич босқичда ўз ТИСини ишлаб чиқиш ва юргизишда катта қийинчиликларга дуч келди.

Босқичма-босқич амалга оширилаётган либераллаштириш натижасида Ўзбекистон ташқи савдо режими халқаро амалиёт меъёрларига ва талабларига борган сари яқинлашмоқда: лицензиялаштириладиган товарлар рўйхати қисқарди; миқдорий чекланишлар борган сари тарифлар асосида тартибга солинмоқда; эркин конвертация қилинадиган валютага ўзи ишлаб чиқарган рақобатбардош тайёр маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналар учун, шунингдек, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳаси, айниқса, катта экспорт салоҳиятига эга бўлган тармоқларга жалб қилишни раёбатлантирувчи имтиёзлар тизими узлуксиз равишда такомиллашиб бормоқда. Инвестицион қўйилмаларни суғурга қилиш тизими ривожланиб бормоқда, молиялаштиришнинг энг мураккаб схемаларини қўллаш асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий инфратузилмалар шаклланимоқда.

Бироқ мамлакатнинг ташқи иқтисодий имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга тўсиқ бўлаётган салбий ҳолатлар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон учун ташқи савдони ислоҳ қилиш ва экспортни раёбатлантириш — нафақат эркин айирбошланадиган валютада даромадлар ўсишининг муҳим манбаси, жаҳон иқтисодига интеграция-



лашувнинг асосий воситаси, балки бошланган иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлайдиган миллий валюта мустаҳкамлаш, иқтисодда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш каби энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлардан ҳисобланади.

Маъмурий назоратнинг қисқариши орқали замонавий халқаро қоидаларга мувофиқ ташқи савдони бозор механизмлари воситаси билан тартибга солиниши республикада ўтиш даврига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишни ва ислоҳ қилиш услубларини такомиллаштиришни талаб қилади. Хўжалик субъектларининг макроиқтисодий бозор илоҳотлари натижасида вужудга келган раёбатлантириш омилларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш учун Ўзбекистон халқаро молиявий ва техник ёрдамга муҳтождир. Республика хўжалик субъектларининг халқаро савдо жараёнларида иштироки ҳозирги кунда фақатгина тўпланган тажрибалар ва ўрнатилган савдо алоқалари ҳисобига жаҳон бозори ҳолати бўйича етарли даражада маълумотлар бўлмаган ва бу соҳада илмий изланишлар деярли йўқ шароитда рўй бермоқда.

ТИФ соҳасида республика дуч келаётган асосий қийинчиликлар куйидагилар:

- ТИАларнинг ўзгарувчан шарт-шароитларини инобатта олувчи, уларни давлат томонидан тартибга солишнинг илмий асосланган концепциясининг мавжуд эмаслиги;
- ташқи савдонинг ташкилий инфратузилмаси ва экспортга реал кўмаклашишнинг суст ривожланиши;
- ТИА қатнашувчиларининг аксарият қисмида ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бозор иқтисодиёти, жаҳон бозорига кириш шарт-шароитлари, ҳуқуқий ва техник жиҳатлари тўғрисидаги махсус билимларнинг етишмаслиги;
- жаҳон бозорлари ҳақида керакли тижорий маълумотларнинг етишмовчилиги ёки йўқлиги;
- ташқи савдонинг функционал соҳаларида техник қўллаб-қувватлаш кўнчилиги турларининг мавжуд эмаслиги;
- божхона ва экспорт-импорт назоратини компьютерлаштириш ва автоматлаштиришнинг талаб даражасида эмаслиги.

ТИФ соҳасида эришилган ютуқлар билан биргаликда унинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Уларни бартараф этишда ҳар томонлама илмий асосланган ташқи иқтисодий сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти туғилади.

Одатда концепция ташқи иқтисодий муҳит ўзгаришига онгли

равишда мослашиш эҳтиёжи туёилганда илмий доиралар томонидан яратилади. Оқилона тузилган ташқи иқтисодий сиёсат концепцияси авваламбор иқтисодиётдаги аҳволни тубдан таҳлил қилиш билан бошланади. Таҳлил макродаражада — мамлакат иқтисодиётининг аҳволи, унинг бюджети, тўлов баланси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш, аниқ бозорлар даражасида эса, талаб ва таклиф нисбатини, миллий ва хорижий таклифни, товарларнинг сифат тавсифини, рақобатни ва ҳоказоларни ўрганиш асосида амалга оширилади. Таҳлил давомида ечими талаб этилаётган муаммолар аниқланади, уларни ҳал этиш, салбий ҳодисаларни бартараф этиш ёки бартараф этмасликнинг муқобил оқибатлари баҳоланади.

ТИС концепциясини яратишдаги муҳим босқичлардан яна бири барча имкониятларни белгилашдан, яъни ТИФ соҳасидаги асосий мақсад ва вазифаларни аниқлаштиришдан иборат. Ушбу босқичда ҳар бир мақсаднинг хусусияти аниқланади, яъни мақсадлар дастлабки ёки пировард, миқдорли ёки сифатли, қисқа, ўртача ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин. Мақсадлар шунингдек, уларнинг иқтисодиётга таъсир кўрсатиш қўламлари ва ҳаражатларнинг миқдор кўрсаткичлари, институционал, молиявий ва кадрлар таъминоти, имкониятлари бўйича ҳам фарқланади.

Таҳлил яхлит тизимни барпо этиш — мақсадлар иерархияси тизимини барпо этиш, уларнинг даражалари бўйича вақтинча тақсимлаш ва тизми ичида мақсадларнинг ҳаракат қилиш истиқболларини шакллантириш билан якунланади.

ТИС концепциясини ишлаб чиқишда айрим тартибга солувчи воситалар қўлланилиши шартларини, айрим воситаларнинг биргаликда қўлланилиши даражасини, уларнинг мақсадга мувофиқлигини, уларни қўллашда кўриладиган қўшимча самараларни, тартибга солиш воситалари самарадорлигини ва уларни қўллаш зарурлигининг етарлича асосланганлигини аниқлаш ҳам муҳимдир.

Концепция вақти-соати келиб, ТИСга трансформацияланувчи ҳукумат доктринаси бўлиб қолади.

Ташқи иқтисодий сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кенг миқёсдаги жаҳон тажрибасига, яъни дунёдаги ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган турли мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда, айниқса, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим сабоқ бўлиши мумкин.

Японияда, масалан, илмий асосланган ТИС мамлакат ривожланишида муҳим амалий омил ҳисобланади. У Япониянинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жаҳон хўжалигига чуқур ин-

теграциялашувини таъминлаб, ушбу мамлакатни халқаро иқтисодий, илмий-техникавий, молиявий ва савдо марказларидан бирига айлантирди. Японияда ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши барча босқичларда — мамлакатдаги ва хориждаги иқтисодий аҳвол таҳлили, таркибий ва жўғрофий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари стратегиясини белгилашдан тартиб, то маъмурий ва иқтисодий раёбатлантирувчи воситаларнинг кенг тизимини қўллашга қадар амалга оширилади.

ТИФ ни давлат томонидан тартибга солишнинг япон амалиётида ўзаро бир-бирини тўлдирувчи услублардан, яъни қонуний, маъмурий-ҳуқуқий, иқтисодий, норасмий услублардан самарали фойдаланилади.

90-йилларда ТИСнинг асосий мақсадлари сифатида янги халқаро иқтисодий тартиб қойдаларини ташкил қилиш ва ривожлантиришда мамлакатнинг фаол қатнашуви эълон қилинди, унда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқларининг халқаро қойдалари ва капиталлар ҳаракати, хорижий инвестициялар стандартларининг уйғунлашуви ва янги меъёрлари ишлаб чиқилди. Ривожланган мамлакатлар макроиқтисодий ва валюта-молиявий сиёсатини мувофиқлаштиришни кучайтириш, халқаро иқтисодий тизимларни мустаҳкамлаш, ташқи савдо номутаносиблигини тартибга солиш, ривожланаётган иқтисод тармоқларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, янги мустақил давлатларнинг жаҳон ҳўжалигига интеграциялашувини кучайтиришга, шу жумладан Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда молиявий-техникавий ёрдам кўрсатишга катта аҳамият берилмоқда.

ТИФ ни тартибга солишда иқтисодий дастаклар муҳим роль ўйнайди. Япон халқаро кооперация банки (собиқ Япония Эксим-банки) экспорт-импорт операцияларини ва япон компанияларининг хорижга инвестицияларини кредитлашда самарали воситачи вазифасини ўтайди. Мамлакатда ҳам экспортни ҳам импортни раёбатлантиришга қаратилган, бошқа давлатларда нусхаси бўлмаган имтиёзлар тизими қўлланилади.

ТИФ нинг ривожланишига миллий операторлар манфаатларини ҳар қандай хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилувчи жаҳондаги энг йирик кўп хил турдаги савдо ва инвестицияларни суғурталаш давлат тизими кўмак беради. У умумий савдо суғуртасини, валюта хатарлари, экспорт векселлари, экспорт облигациялари, импорт учун аванс тўловлари, хорижий инвестициялар, хорижий корхоналарга кредитлар берилиши суғуртасини ўз ичига олади.

Шу билан биргаликда давлат ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этувчи бош ташаббускор сифатида чиқади ва бу фаолиятни бюджет маблағларидан молия-

лаштирилади. Ушбу тизим маркетинг маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш, информацион-консультатив хизматлар кўрсатиш, реклама-кўргазмага оид ишларни ташкил қилиш каби фаолият соҳаларини қамраб олади. У ТИФ самарадорлигининг ошишига, ТИА га янги қатнашувчиларнинг қўшилишига ёрдам беради.

ТИФда давлат иштирокининг муҳим йўналишларидан яна бири, тижорат ишларини керакли маълумотлар билан таъминлаш, хорижий тижорат маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш ҳисобланади. Бундай кенг қамровли фаолиятга Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо ва саноат вазирлиги, Фан ва техника бошқармаси, Иқтисодни режалаштириш бошқармаси ва бошқа ташкилотлар жалб қилинади.

Бу қаторда муҳим ўринни 1958 йилда ташкил этилган ва ҳукумат томонидан тўлиқ молиялаштириллаган Япония ташқи савдо-ни ривожлантиришга қўмаклашувчи нотижорат ташкилоти (ДЖЕТРО) эгаллайди.

Япониянинг ўзида (31 информацион марказ) ва бошқа мамлакатлар ҳудудларида (28) ҳар хил соҳадаги ривожланган маълумот тармоқларга эга бўлган ДЖЕТРО жаҳондаги энг йирик ишбилармонликка оид маълумотлар манбаи бўлиб ҳисобланади. Унинг ахборотлари базаси катта миқдордаги маълумотлар, шу жумладан, хорижий экспортёрлар ва япон импортёрларининг кенг қамровли рўйхатидан иборат.

Япон ташқи иқтисодий мажмуасининг самарадорлиги кўп жиҳадан ТИФ институционал асосларининг мустақамлигига боғлиқ. Бу соҳада давлат бошқаруви органлари тизими сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин, маъмурий бошқариш (Ташқи савдо ва саноат вазирлиги), мувофиқлаштириш (Савдо кенгаши) ва маслаҳат бериш органлари. ТИФ ни давлат томонидан бошқаришда япон тизимининг асосий хусусияти сифатида турли даражаларда, ҳатто ҳукумат ва бош вазир даражасида фаолият кўрсатувчи кўп сонли (200 дан ортиқ) турли консультатив органларни келтириш мумкин. Уларнинг таркибида нафақат давлат амалдорлари, балки жамоат, оммавий ахборот воситалари, ишбилармонлар, илмий доиралар вакиллари бўлиб, бу ташкилотлар фаолияти илмий асосланган ТИС ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, шунингдек, бу соҳада умумий келишувга (консенсусга) эришишда муҳим роль ўйнайди.

ТИФ ни тартибга солишнинг япон тизими давлат ва бизнес ўзаро муносабатларининг махсус парадигмаси билан фарқ қилади. Унинг асосида хусусий сектор томонидан давлат сиёсатининг энг муҳим стратегик йўналишларини ҳеч бир эътирозсиз қабул қилиниши ётади.

Тартибга солишнинг нафақат «қаттиқ» маъмурий чора-тадбир-

ларидан фойдаланувчи, балки уни «юмшоқ» шакллар билан тўлдирувчи бундай тартибга солиш модели бозор қонуниятлари билан уйғунлаштирган ҳолда давлат сиёсати самарадорлигини анча кўтариш имкониятини яратади.

Жанубий Кореяда ҳам ТИФни давлат томонидан тартибга солишнинг кўп қизиқарли ва фойдали томонларини кўриш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон учун бу мамлакатда турли тармоқларда, хусусан экспортга йўналтирилган муҳим тармоқлардаги фирма ички харажатлари ва маҳсулот сифатининг давлат томонидан назорат қилиниши тажрибаси алоҳида аҳамият касб этиши мумкин. Мамлакат Президенти экспорт муаммолари бўйича ҳар ой кенгаш мажлисини ўтказиб туради, экспорт бўйича топшириқлар белгиланади. Давлат шунингдек, хорижий капитални назорат қилади, хорижий валюталарнинг беҳисоб оқиб келишининг бартараф этилишини мустақкам таъминлайди. (1948 йилдан бошлаб хорижий валюталарни Марказий банкнинг махсус ҳисоб рақамларида мажбурий сақлаш амал қилади). Миллий экспортёрлар доимий равишда субсидиялар билан таъминланиб турадилар. (70-йилларда бу мақсадларга Я.М.М нинг 10% атрофида харажатлар қилинган).

Япониядан фарқли ўлароқ, Жанубий Кореяда йирик бизнес кичик бизнес эвазига ривожланди. Айнан йирик конгломератлар (чеболлар) ташқи бозорга йўналтирилган корейс ривожланиш моделида асосий ўрин эгалладилар. Давлатнинг чеболлар ТИ фаолиятига ҳайрихоҳлиги уларнинг фойдасига хорижий ёрдам ва субсидиялар, имтиёзли ички ва валюта кредитларининг тақсимланишида намоён бўлди. Бундан ташқари, чеболларнинг ҳукумат билан яқин алоқада бўлганлари уларга энг истиқболли мулкка эгалик қилишга, фойдали давлат буюртмаларини олишга, ташқи савдо имтиёзлари ва бошқа устунликларга эришишга имконият яратди.

Шу билан биргаликда йирик бизнесни молиялаштиришнинг «қулай» шартлари анчагина муаммоларни туғдирди. Чеболларни иложига борича йирикликка интилиш (гигантомания) қамраб олди, нуфузли объектлар сони кўпайди, кам самарали ишлаб чиқариш юзга келди, молиялаштиришнинг ташқи манбаларига ва шунингдек, олий ва ўрта табақа мансабдорларининг «ишончлилиги»га тобеълик сезиларли даражада кучайди. Бу эса коррупциянинг кучайишига, бизнеснинг сиёсатга кераксиз аралашувига олиб келди.

Шак-шубҳасиз мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва ҳўжалик таркиби бўйича ҳар қанча фарқлансалар ҳам халқаро тажрибани ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш зарур. Бизнеснинг фикримизча, Японияда, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда ТИФни давлат томонидан тартибга солишнинг оқилона томонла-

ридан миллий хусусиятларимизни ҳар томонлама инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда кенг фойдаланилиши мумкин.

Гап ривожланишнинг миллий стратегиясида ташқи омилларни инобатга олиш заруриятиги тўғрисида бораётти. Шу сабабдан ТИФнинг давлат томонидан оқилона тартибга солиниши, яъни жаҳон хўжалигига спонтан (Ўз-Ўзидан юзага келадиган) стихияли интеграциялашувдан очиқ иқтисодиётни тартибга солиш ва назорат қилишга ўтилиши макроиқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда.

Шу билан биргаликда давлатнинг ТИФни тартибга солиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган таркибий сиёсатнинг мақсадлари, истиқболлари ва асосий йўналишларини аниқлаш ва амалга оширишда қатнашувини кучайтириш ўринли бўлади.

**ТИС макроиқтисодий барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш базасини босқичма-босқич модернизациялаштириш ва инвестицион фаолиятни жонлантиришга қаратилган ҳукумат умумий сиёсатининг ажралмас қисми бўлиши керак. Экспорт қилувчиларни амалий қўллайдиган, ҳам узоқ хорижий мамлакатлар, ҳам МДХ бозорларида ўзбек маҳсулотлари ҳаракати учун қулайликлар туғдирувчи чораларни қабул қила туриб, экспорт ва импортнинг самарали товар таркибини мақсадли шакллантирган ҳолда фаол ташқи иқтисодий стратегияга ўтиш жуда зарур.**

## ИККИНЧИ БОБ

### ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ

#### 2.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий сиёсатининг моҳияти, қондалари ва мақсадлари

Туб иқтисодий ислоҳот, СССР таназзулга учрагандан кейин Ўзбекистон геополитик ҳолатининг тубдан ўзгариши мамлакатни ривожлантиришда ташқи иқтисодий алоқаларнинг аҳамиятини жиддий равишда оширди. Нафақат олис, балки яқин хориж билан ҳўжалик ва савдо алоқалари Ўзбекистон учун ташқи иқтисодий алоқаларга айланди. Натижада Ўзбекистоннинг ташқи бозорларга боғлиқлиги сезиларли ошди.

Мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан, ички бозорнинг ташқи бозор билан ўзаро ҳамкорлиги учун сифат жиҳатидан янги негизларни шакллантирадиган туб бозор ўзгартиришларини амалга ошириш объектив равишда ташқи иқтисодий омилни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг янги ташқи иқтисодий сиёсатини ва уни рўёбга чиқариш механизминини ишлаб чиқишни талаб этди.

**Ташқи иқтисодий сиёсат** — давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимланишида мамлакат иштирокини мақбуллангириш режимини белгилашга доир бир мақсадга йўналтирилган фаолиятидир. Ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий таркибий қисмлари — ташқи савдо сиёсати (экспорт ва импорт сиёсатини ўз ичига олади), чет эл инвестицияларини жалб этиш ва хориждаги миллий сармоя қўйилмаларини тартибга солиш соҳасидаги сиёсат, валюта сиёсати. Бундан ташқари, алоҳида олинган давлатлар ва минтақалар билан ташқи иқтисодий операцияларни жуғрофий жиҳатдан мувозанатлаштириш вазифалари ҳам ташқи иқтисодий сиёсатни ҳал этадики, бу ҳол мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғланган.

Ташқи иқтисодий сиёсат ташқи иқтисодий фаолиятни ҳам тартибга солади. Кўпчилик давлатларда мавжуд бўлган ташқи иқтисодий сиёсат воситаларининг кенг доираси уларга ўз ташқи иқтисодий алоқалари таркибини ва уларни ривожлантириш йўналишларини шакллантиришга ҳам, бошқа мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва ташқи иқтисодий сиёсатига ҳам фаол таъсир кўрсатиш имконини беради. Ташқи иқтисодий сиёсат воситалари-

нинг ушбу доирасини савдо-сиёсий механизм сифатида таърифлаш мумкин.

Самарали ташқи иқтисодий сиёсатни шакллантириш учун унинг асосий қоида (принцип)ларини аниқ ва равшан белгилаш лозим. Чунончи, ташқи иқтисодий сиёсатда ТИФ қатнашчиларининг хатти-ҳаракатларини иқтисодий-ҳуқуқий тартибга солишга асосий ўрин ажратилади, токи у умумийлиий манфаатларга жавоб берсин.

СССРда давлат мулки ва иқтисодиётни режали амалга ошириш устун турган, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари сони эса бир неча ўн нафардан ошмаган, ташқи иқтисодий фаолиятта давлат монополияси ҳукм сурган тизимда бутун ана шу фаолият давлат режасига биноан марказдан туриб бошқарилган, бу эса бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг экспортдан манфаатдор эмаслигига олиб келган.

Бозор муносабатларига ва мулкчилик шакллариининг хилма-хиллигига ўтиш, мулкчилик шакллариининг қатъи назар барча корхоналарга ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган шароитда Ўзбекистон давлат монополиясидан ва у билан боғлиқ давлатнинг тартибга солиш шакллариининг воз кечди. Ҳозирги шарт-шароитда давлатнинг бош вазифаси — иқтисодиёт фаолиятининг бозор қоидаларига монанд ва Республикани изчиллик билан жаҳон хўжалигига интеграциялаш сиёсатини ишлаб чиқишдир.

Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон ўзининг манфаатлариининг келиб чиқиб, мустақил ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш имкониятига эга бўлди, шу сабабли ташқи алоқаларни миллий хўжаликни ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлаштириш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда интеграциялаш жараёнларини ривожлантириш вазифаси ўртага қўйилди. Ҳукумат жаҳон хўжалиги ва бозорига нисбатан миллий иқтисодиётнинг янада очиқ бўлишига йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишга киришди. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик алоқаларига тўғридан-тўғри, бевосита кириш жараёни «катта сакраш» кўринишида амалга оширилиши мумкин эмас. Бу жараён босқичма-босқич, объектив таркибий шарт-шароитлар етилишига қараб ва бутун хўжалик механизмини, хусусан унинг ташқи иқтисодий секторини ислоҳ қилиш билан ривожланиб боради.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига муносиб тарзда киришига йўналтирилган стратегия реал вазиятдан келиб чиқиб, Республика иқтисодий салоҳиятини объектив баҳолаш негизидан қурилади, у навқирон давлатни сиёсий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадларини ҳал этишга йўналтирилган. Ўн йиллар мобай-



нида шаклланган маъмурий-режали тизим таназзулга учраган вази-  
ятда «очиқ эшиклар» сиёсати, хўжаликни, шу жумладан ташқи  
иқтисодий алоқаларни бозорга мослаб жадал эркинлаштириш иж-  
тимоий-иқтисодий нобарқарорликни кескинлаштиришга, иқтисод-  
ий инқирозни чуқурлаштиришга олиб келиши мумкин эди. Экс-  
портнинг биттагина товарга ихтисослашгани, озиқ-овқат ва саноат  
товарлари импортига чуқур боғлиқлик Республика иқтисодиётини  
ночор ҳолга тушириб қўйди, реал иқтисодий ва сиёсий суверени-  
тетни таъминлаш, товар ва хизматлар, ишчи кучи ва сармоя бозор-  
ларини жадал суръатларда шакллантириш имконини бермади.

Буларнинг ҳаммаси ҳукуматни шок усулларидан воз кечишга ва  
Ўзбекистоннинг реал шароитларига яқинлаштирилган ташқи иқти-  
содий сиёсат моделини танлашга мажбур этди. Аввало иқтисодий ва  
ижтимоий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбир-  
лар дастурини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш бошлаб юборилди;  
мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни қайта ишлашни чу-  
қурлаштириш, энг қимматбаҳо импортни сиқиб чиқарадиган иш-  
лаб чиқаришларни ривожлантириш кўзда тутилди. Бунинг натижа-  
сида иқтисодиётнинг стратегик муҳим ресурслар билан ўзини ўзи  
таъминлаши ошди, иш билан бандлик барқарорлашди, валютани  
тежаш ва ундан янада самарали фойдаланиш амалга оширилди.

Таркибий силжишларни амалга ошириш, табиийки, катта ка-  
питал маблағларни ва стратегик жиҳатдан муҳим ресурслар ишлаб  
чиқаришни кўпайтиришга доир чораларни рўёбга чиқариш устидан  
давлат назоратини сақлашни талаб этди.

Ташқи иқтисодий фаолиятга кенг қамровли давлат монополия-  
сидан уни эркинлаштиришга ўтиш босқичма-босқич, бир неча йил  
давомнда амалга оширилиши факти ҳам каттагина иқтисодий ҳоки-  
миятни давлат қўлида жамлаш зарурлигини шартлади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришнинг дастлабки  
босқичларида бир қатор энг муҳим масалаларни ҳал этган меъёрий  
база ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Биринчидан, корхона-  
ларнинг ташқи бозорга мустақил чиқиш ҳуқуқи қонун билан мус-  
тақамлаб қўйилди. Иккинчидан, ташқи бозорларга чиқиш шарт-  
лари мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи  
субъектлар учун бир хил қилиб белгиланди.

Айни вақтда давлат пахта, ипак, олтин ва умумдавлат экспорт  
ресурсларини ташкил этадиган бошқа товарлар экспортига доир  
мутлақ ҳуқуқни сақлаб қолди. Ташқи иқтисодий фаолият унинг  
қаттиқ назорати остида бўлди, экспорт-импорт операцияларининг  
катта қисми бўйича тарифли ва нотариф тартибга солиш чоралари  
қўлланди. Етарлича қисқа муддатларда таркибий қайта қуриш вази-  
фаларини ҳал этиш имконини берган, экспорт тушумини давлат

қўлида марказлаштириш мамлакат валюта ресурслари устидан маъмурий назоратни талаб этди.

Бир қатор стратегик ресурслар импортнинг ўрнини босишга доир қатъий чоралар кўрилиши мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини анчагина ошириш билан бирга ташқи иқтисодий алоқаларни ҳақиқатда эркинлаштириш учун шарт-шароит яратиш имконини ҳам берди. Ҳақиқатан ҳам 90-йиллар бошида нефть маҳсулотлари, буғдой ва ҳоказолар импортига сарфланган юзлаб миллион доллар мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга ишлатила бошланди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсати мустақилликнинг дастлабки босқичларида қуйидаги вазифаларни ҳал этди:

- экспорт-импорт операцияларини марказлаштиришдан чиқариш;
- давлат эҳтиёжлари учун товарлар экспорти ва импорти устидан назоратни кучайтириш;
- давлат учун стратегик муҳим ҳисобланмайдиган товарлар экспортини соддалаштириш;
- стратегик муҳим товарлар экспортидан олинган валюта тушуми устидан назоратни кучайтириш;
- давлат сиёсатининг барча чораларини қўллаб чет эл инвестициялари жалб этилишини ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш.

Шу тариқа, бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб шароитларида жаҳон бозорларига чиқиш эркинлаштириш ва протенционизм чора-тадбирлари бириккан изчил, пухта ўйланган таркибий ва саноат сиёсатига таянадиган сиёсат бўлди, чунки бундай шароитларда корхоналарнинг монетаристик «табiiй» танланишини ва улар фаолиятининг натижаларидан қатъи назар мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг монопол мавқеларини сунъий равишда мустаҳкамлайдиган кенг қамровли протенционизмни қўллаб бўлмайди. Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг асосида тўртта асосий қоида ётади:

— ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашишга қобил тармоқлар ва минтақаларни ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқарадиган давлатнинг ўзгартирувчилик фаолияти, шу жумладан мазкур фаолиятнинг божхона механизми ва чет эл инвестициялари учун қулай режим;

— мамлакат хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини асосан бир галги ташқи иқтисодий битимлардан ташқи бозорларни ушлаб туриш ва кенгайтиришга узоқ муддатли

йўналтирилган, улар умумий хўжалик фаолиятининг доимий ва узвий қисми сифатида ташқи иқтисодий фаолиятга йўналтириш;

— ташқи иқтисодий фаолият функцияларини ҳокимият шохобчалари, республика ва ҳудудий бошқарув органлари ҳамда тармоқ идоралари ўртасида аниқ тақсимлаш;

— жаҳон бозорида республика экспортчилари учун қулай шароитларни яратиш мамлакат ташқи сиёсатининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолишга даъват этилган.

Одатда бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда фойдаланиладиган ташқи иқтисодий тартибга солишнинг анъанавий воситалари Ўзбекистонда ҳам одатий воситаларга айланмоқда. Экспорт тарифидан (у саноати ривожланган мамлакатларда қўлланилмайди) изчил воз кечиш ташқи савдодан бюджет даромадларини кўпайтиришни таъминлайдиган экспорт фаолиятини рабаглантириш билан сўзсиз бирга бориши керак. Экспортни тартибга солиш экспорт божларидан фойдаланиш йўли билан эмас, балки жаҳон амалиётида умум қабул қилинган прогрессив солиқ солиш тизими орқали амалга оширилади.

Хўжаликнинг бозор тизимига ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишнинг иқтисодий воситалари мувофиқ келади, бироқ улардан фойдаланиш самарадорлиги маълум чегараларга эгадир. Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, иқтисодиётнинг ҳолати кескин ёмонлашган, инфляциялар ва ички ҳамда жаҳон нархлари ўртасида кескин тафовутлар пайдо бўлган даврларда ҳукумат чекланган ресурсларни сафарбар қилиш ва яхшироқ ишлатишни кўзлаб, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишнинг маъмурий воситаларига мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Бироқ маъмурий тартибга солиш репрессив тусдаги қаттиққўл воситалардан фойдаланишга олиб келмаслиги керак. Бундай воситаларнинг жаҳон амалиёти томонидан ишлаб чиқилган бутун мажмуидан фойдаланиш лозим; кўп мамлакатларда ташқи иқтисодий операцияларни бошқариш чораларининг комплекс тизимини яратадиган квоталаш ва лицензиялашнинг ўнлаб турлари қўлланади. Бу чораларнинг мақсади савдони чеклаш эмас, балки унинг ривожланишини назорат қилиш бўлиши керак.

Маъмурий воситалардан фойдаланиш Ўзбекистонда жаҳонда умум қабул қилинган ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш қоидалари билан бирикади. Хусусан, республикада бундай воситалар вақтинчалик воситалар сифатида белгиланган; уларни савдодаги барча шерикларга татбиқ қилиш (фақат ривожланаётган мамлакатларга нисбатан истисно қилинган) ва фақат қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида тартибга солиш русум-қоидаларини ўзгартириш мумкинлиги кўзда тутилган.

Бозор муносабатлари мустақамланиб бориши билан қонун доирасида ўз жавобгарлигидан келиб чиқиб фаолият кўрсатадиган, мулкчиликнинг исталган шаклидаги мустақил корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий субъектларига айланиши керак. Давлатнинг асосий вазифаси эса — ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва ушбу субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини энгиллаштиришдир. Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти қуйидагиларни таъминлаши керак:

— мамлакат корхоналарининг машина ва ускуналар, технология ва ахборотлар, сармоялар жаҳон бозорларига, транспорт коммуникацияларига кира олиши; корхоналар маҳсулотининг трансмиллий корпорациялар назорат қиладиган ёки чет эл давлатлари ва улар иттифоқларининг протенционистик ғовлари билан ҳимояланган бозорларга кириб боришига сиёсий, молиявий ва ахборот мададини кўрсатиш;

— чет эл мамлакатлари ва уларнинг савдо — иқтисодий гуруҳлари, ташкилот ва иттифоқлари билан муносабатларда қулай савдо ва сиёсий режимни барпо этиш, мавжуд ва эҳтимолий камситувчи чеклашларни олиб ташлаш, МДҲ мамлакатлари билан муносабатларда турли савдо-иқтисодий ғовларни бартараф этиш;

— кредитор мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда валюта-молия муаммоларини узоқ муддатга тартибга солиш;

— Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қиладиган самарадор тизимни шакллантириш (валюта, экспорт, божхона назорати ва ҳоказо).

Шу тариқа ташқи иқтисодий сиёсат — ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг тараққиётини таъминлайдиган муҳим воситадир. Бир-биридан тафовут қилувчи икки модель мавжуд. Биринчи модель асосан экспортга йўналишни, иккинчи модель эса импорт ўрнини босишни тақозо этади. Биринчи моделга ўтган аср охирида АҚШ, иккинчи жаҳон урушидан кейин — Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония, улар ортидан эса янги индустриал давлатлар эргашдилар. Иккинчи моделни кейинги йигирма йил ичида Лотин Америкасидаги баъзи мамлакатлар танлади.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясининг энг таъсирчан ва самарали стратегияси деб иқтисодиётни таркибий қайта қуришни уни экспортнинг фаол ўсишига йўллаш билан бириктиришни тан олиш керак бўлади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, очиқ бозор иқтисодиётига ҳаракатланиш шароитида экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва миллий экспортчига ҳар томонлама кўмак бериш самарали ташқи иқтисодий фаолиятнинг асоси ва мамлакат иқтисодий хавфсизли-

гининг гарови бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон учун бу ҳол алоҳида аҳамият касб этди, чунки фақат экспортни ривожлантириш орқали ҳаёт учун муҳим товарлар импортини қисқартирмасдан туриб савдо балансининг мусбат сальдосига эришиш мумкин.

## 2.2. Ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий турлари тавсифи

Ташқи иқтисодий алоқалар турли регуляторлар таъсирида шаклланади, улар мазкур алоқаларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатади ва уларнинг ривожланишини давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган ягона самарали сиёсий-иқтисодий тизимга йўналтиради. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг регуляторлари иқтисодий ва ташкилий-бошқариш регуляторлари бўлиши мумкин.

**Иқтисодий регуляторлар** мазкур алоқаларнинг пайдо бўлиш ва амалга оширишнинг иқтисодий манфаатларига таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради: талаб ва таклифнинг нисбати; жаҳондаги ва ички нархлар, тарифлар, валюта курслари, фоиз ставкаларининг нисбати; товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг жаҳондаги ва ички даражаларининг уларнинг ҳажмлари, сифати ва самарадорлиги бўйича нисбати; иқтисодий раббатлар; прогнозлар, режалар, дастурлар ва ҳоказолар. Бозор иқтисодиётида режа индикатор ҳисобланиб, ривожланишнинг истиқболли мақсадларини белгилашга ва энг муҳим макроиқтисодий нисбатларни аниқлашга хизмат қилади.

**Ташкилий-бошқариш регуляторлари** — давлат ва унинг маъмурий тусдаги органларининг ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантиришга турли директив ҳужжатлар орқали бир мақсадга йўналтирилган таъсиридир. Уларга қуйидагилар киради: товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ва импортини квоталаш ва лицензиялаш; фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш; товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан олинган валюта тушумининг бир қисмини мажбурий тарзда сотиш механизми; божхона режимлари; товарларни олиб кириш ва олиб чиқишнинг божхона расмийлаштируви; валюта назорати; божхона назорати; экспорт назорати; импорт назорати ва ҳоказолар.

**Давлат томонидан ташқи иқтисодий алоқаларни фаол тартибга солиш ўзининг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаётган давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади.**

**Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати кўп жиҳатдан унинг тўлов баланси ҳолатига боғлиқ бўлади.**


Ташқи иқтисодий сиёсат вақт ва макон жиҳатларини — жорий ва узоқ муддатли сиёсатни ўз ичига олади.

Жорий ташқи иқтисодий сиёсат ташқи иқтисодий фаолиятни

тезкор тарзда тартибга солишдан иборат, узоқ муддатли сиёсат эса йирик миқёсдаги вазибаларни ҳал этади.

Ташқи иқтисодий сиёсатнинг макон жиҳати жаҳон ва мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатишнинг асосий йўналишлари бўйича давлатнинг ҳаракатларини белгилайди. Ушбу белгига биноан давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати таркибига ташқи савдо сиёсати, ташқи инвестиция сиёсати, валюта сиёсати, божхона сиёсати киради (1-чизма).

### 1-чизма. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий шакллари



Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо сиёсати халқаро кўламда товарлар, ишлар, хизматлар, ахборотлар, интеллектуал фаолият натижаларини айирбошлашни қамраб олиб, ЎЗРнинг чет эл давлатлари билан ташқи савдо фаолияти соҳасидаги муносабатларини белгилайди ва тартибга солади. Ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг умум эътироф этилган қоида ва меъёрларига риоя қилишга асосланади.

Ўзбекистон ва чет эл юридик ҳамда жисмоний шахсларига ташқи савдо фаолиятини юритиш тартиби, шунингдек ЎЗР ҳокимият органлари ва унинг субъектларининг ташқи савдо фаолияти соҳасидаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари, масъулияти Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган.

Ташқи савдо сиёсати ўз ичига экспорт ва импорт сиёсатини олади.

**Экспорт сиёсати** Ўзбекистоннинг рақобатбардош товарларини жаҳон бозорида сотишга ва ана шундай товарлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган. Экспортга қодир ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш учун давлат буюртмалари, бюджетдан молиялаш, кредитлар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаш ва ҳоказолардан фойдаланилади.

**Импорт сиёсати** ЎзРга хориждан товарлар (ишлар, хизматлар) олиб келинишини тартибга солишга йўналтирилган. Бундай тартибга солишнинг воситаси бўлиб республика иқтисодиётини ҳимоя қилиш мақсадида импортни тўғридан-тўғри чеклаш ҳисобланади; бунинг учун лицензиялаш ва контингентлаш, импортга доир антидемпинг ва компенсация божлари, энг кам импорт нархлари тизими ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Контингентлаш — контингент (лотинча *contingentum* — ҳиссасига тўғри келади) деб номланадиган экспорт-импорт квоталарини белгилаш ёрдамида давлатнинг ташқи савдони тартибга солиш шаклларида бири. Ташқи савдода у баъзи товарлар учун уларни олиб кириш, олиб чиқиш ёки қўшни мамлакатларга транзитининг вазн ёхуд қиймат бирликларида ифодаланган энг юқори меъёрни, бевосита импортни чеклашга йўналтирилмаган, лекин шундай бўлсада, уларнинг ҳаракати ташқи савдони чеклайдиган маъмурий расмийликларни белгилашни англатади. Буларга божхона расмийликлари, санитария ва ветеринария меъёрлари, техник стандарт ва меъёрлар ва ҳоказолар киради.

Импорт сиёсати ўз ҳаракатларида импортнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли куйидаги икки омилга боғлиқлигини ҳисобга олади:

**биринчидан, импорт — давлат божхона даромадларининг аънавий манбаи;**

**иккинчидан, импорт — монополияга қарши дастак ва мамлакат товар ишлаб чиқаришининг рақобат ҳосил қиладиган унсур.**

Ташқи инвестиция сиёсати ЎзР худудига чет эл инвестицияларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон инвестицияларини хорижга олиб чиқишни тартибга солишга доир чоратадбирлар мажмуидан иборат.

**Инвестициялар — фойда олиш мақсадида инвестор томонидан тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйиладиган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлардир.**

Инвестицияларда асосий ролни сармоя (капитал) ўйнайди. Сармоя — даромад олиш учун мўлжалланган пуллардир. Сармоя бошқариш ҳуқуқи ва фойда олиш мақсадида корхона барпо этишга қўйи-

лиши (бевосита инвестициялар), қимматли қоғозларни харид қилишга йўналтирилиши (портфель инвестициялари), фоиз олиш учун кредитга берилиши (кредит сармоёси) мумкин.

Ташқи инвестиция сиёсати ўз ичига чет эл инвестицияларини импорт қилиш сиёсати ва Ўзбекистон сармояларини экспорт қилиш сиёсатини олади.

ЎзРга чет эл инвестицияларини импорт қилиш сиёсати қуйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган:

— мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар ҳажмини халқаро стандартлар даражасида кўпайтириш;

— республикага илғор (халқаро баҳолаш мезонларига кўра) технологиялар, тажриба, ноу-хау ва ҳоказоларни жалб этиш;

— аҳолининг бандлигини кўпайтириш ва шунга асосан ишсизлик даражасини қисқартириш;

— жами ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни кўпайтириш.

Ўзбекистон инвестицияларини экспорт қилиш сиёсати қуйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган:

— Ўзбекистоннинг экспорт товарлари (хизматлари)ни хориж бозорларига ҳаракатлантириш;

— фойда олиш ёки ички бозорни импорт товарлари (ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар ва ҳоказолар) билан кафолатли таъминлаш учун хорижда ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

— банк соҳасини мустаҳкамлаш ва валюта операцияларининг самарадорлигини ошириш;

— суғурта тизимини мустаҳкамлаш ва суғурта бизнесининг фаоллигини ошириш.

Валюта сиёсати давлат ва халқаро валюта-молия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган валюта муносабатлари соҳасидаги иқтисодий чоралар ҳамда ташкилий шакл ва усуллар жамини ташкил этади.

Валюта сиёсати давлатнинг валюта маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича фаолиятидир. Валюта сиёсати кўп қиррали бўлиб, ўз ичига валюта маблағларини шаклантириш ва ишлатишнинг асосий йўналишларини, ана шу маблағлардан самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни олади. Валга сиёсатига валюта билан субсидиялаш ва валюта резервларини диверсификациялаш ҳам киради.

Валюта бозори ва қимматбаҳо металлар ҳамда тошлар бозори валюта сиёсатининг амал қилиш соҳаси ҳисобланади.

Жорий валюта сиёсати дисконт сиёсати ва девизе сиёсатига бўлинади. Молия тизимининг бир маромли фаолиятини таъминлаш, мамлакат тўлов балансининг мувозанатини қўллаб-қувватлаш жорий валюта сиёсатининг вазифаси ҳисобланади.



**Дисконт сиёсати** инвестициялар ҳаракатларини тартибга солиш ва тўлов мажбуриятларини мувозанатлаштириш, валюта курсини тахминий тузатиш учун фоизнинг ҳисоб ставкасидан фойдаланиш бўйича иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Ушбу сиёсат пул талаби ҳолатига, нархлар динамикаси ва даражасига, пул массаси ҳажмига, қисқа муддатли инвестициялар миграциясига таъсир кўрсатишда намоён бўлади.

**Девизе сиёсати** — валюта интервенцияси ва валюта чеклашлари ёрдамида валютани харид қилиш ва сотиш билан валюта курсини тартибга солиш тизимидир. Валюта интервенцияси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хорижий валютанинг олди-сотдиси бўйича мақсадли операциялари бўлиб, у миллий валюта курси динамикасини уни ошириш ёки пасайтиришнинг муайян чегаралари билан чеклаш мақсадини кўзлайди. Валюта чеклашлари миллий ва хорижий валюта, олтин ва ҳоказоларга доир операцияларни тартибга соладиган иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлар мажмуидан иборатдир.

Узоқ муддатли валюта сиёсати валюта механизминини ўзгартиришга доир таркибий тусдаги узоқ муддатли чора-тадбирларни қамраб олади. Аввало Халқаро валюта фонди доирасидаги давлатлараро музокаралар ва келишувлар узоқ муддатли валюта сиёсатининг асосий усуллари ҳисобланади. Валюта ҳисоб-китоблари тартиби, валюта курслари ва паритетлар режими, олтин ва резерв валюталардан, халқаро тўлов воситаларидан фойдаланиш ва ҳоказолар узоқ муддатли валюта сиёсати чоралари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона сиёсати — ЎЗР ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисmidир.

ЎЗР божхона сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардир:<sup>1</sup>

— божхона назорати воситаларидан энг самарали фойдаланилишини ва ЎЗР божхона ҳудудида товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлаш;

— мамлакат бозорини ҳимоя қилиш ва Республика иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантиришга доир савдо ва сиёсий вазифаларни рўёбга чиқаришда иштирок этиш.

Божхона сиёсати божхона ишининг бир қисми бўлиб, унинг асослари Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси божхона иши соҳасида халқаро ҳамкорликда фаол иштирок этишга интилади, шу сабабли Ўзбекистон Республикасида божхона иши ва божхона сиёсати умум қабул

1 Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунига қаралсин.

қилинган халқаро меъёрлар ва амалиёт билан уйғунлаштириш ва бирхиллаштириш йўналишида ривожланмоқда.

### 2.3. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш органлари тизими ва ҳуқуқий мақоми

#### Ўзбекистон Республикаси Президентининг девони

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича энг муҳим органлардан бири Президент девони ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлатга, унинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва, бинобарин, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ҳам бошқаради.

Мустақилликка эришилганидан кейин республикада давлат ҳокимиятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати сингари институти пайдо бўлди<sup>1</sup>. Ўз табиатига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг таркибий қисми ҳисобланади. Давлат маслаҳатчиси хизматининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги фаолиятини ташкилий, ахборот-таҳлилий ва эксперт-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият масалаларига доир фармонлари, фармойишлари, шунингдек топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўриб чиқишига киритиш Давлат маслаҳатчиси хизматининг вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давлат маслаҳатчиси хизматининг асосий функцияларига қуйидагилар қиради:

— мамлакат ичида ва ундан ташқарида йирик халқаро сиёсий,

1 «Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати тўғрисида»ги низом.

иқтисодий ва маданий тадбирларни ўтказишнинг истиқболли ва жорий режаларига доир таклифлар тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг раҳбари кўриб чиқишига киритиш;

— Ўзбекистон ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлини амалга оширишда иштирок этаётган вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, биргаликда ҳамкорлик қилишларини таъминлаш ва уларнинг ишини Президентнинг фармонлари, фармойиш ва топшириқларини бажаришга йўналтириш, шунингдек давлат бошлиғи хорижга ташрифлари чоғида ва Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатлар вакиллари билан мулоқотлар доирасида эришган келишувлар ва шартномаларнинг амалиётда рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

— халқаро муносабатлар ва иқтисодий ҳамкорлик масалаларига доир таклифлар тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўриб чиқишига киритиш;

— уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш учун тузатишлар киритиш мақсадида вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий бошқарув органларининг давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар бобидаги иш натижаларини ўрганиш ва умумлаштириш;

— Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган элчихоналар, консулхоналар, дипломатик ва бошқа миссиялар, халқаро молиявий ва иқтисодий ваколатхоналар, чет эл фирма ва компаниялари вакиллари билан алоқалар;

— жаҳон ҳўжалик алоқаларининг ҳолати ва уларнинг ривожланиш тамойилларини ўрганиш, Ўзбекистонни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялаш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш ва Республика маҳсулотининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришга тайёрлаш;

— ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлашни, киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, хорижлик шериклар билан бирга имзоланган шартномалар, келишувлар, йирик контрактлар экспертизаларини ташкил этиш;

— қонун ҳужжатлари, тузилган халқаро шартномалар, келишувлар, йирик контрактлар қандай бажарилаётганини таҳлил этиш, уларни рўёбга чиқариш чоғида назорат ва идоралараро мувофиқлаштиришни ташкил қилиш;

— ташқи алоқалар ва иқтисодий ҳамкорлик тизими муассасаларида кадрлар резервини шакллантиришни таъминлаш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш ишини ташкил

этиш, мазкур соҳа кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича таклифларни Президент кўриб чиқишига киритиш<sup>1</sup>.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.**

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида аҳамиятига кўра иккинчи бошқарув органи Вазирлар Маҳкамасидир. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар ва Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

**Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати бўлиб, давлат бошқарув органлари ва улар тузадиган хўжаликни бошқариш органларига раҳбарлик қилади, уларнинг келишилган фаолиятини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси тасарруфига тааллуқли бўлган давлат ва жамиятни бошқаришнинг барча масалаларини ҳал қилишга ҳуқуқлидир.**

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

— иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларни бошқаради, эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитларни яратади;

— хўжалик юритишнинг янги шакллари — концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, уюшмаларни барпо этиш ва мустақамлашга ёрдам беради, уларнинг фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

— бошқариш таркибини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

— республика бюджетини, шунингдек Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш прогнозлари ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ижро этишни ташкил этади;

— Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, ҳукуматлараро шартномалар ва келишувлар тузади;

— ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги раҳбарликни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ишини мувофиқлаштиради, йўналтиради ва назорат қилади. Шундай қилиб, Вазирлар Маҳкамаси бошқа идоралар ва давлат бошқарув органларини боғлайдиган бўғин ва улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ ҳисобланади. Ҳокимият органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси таркибидан республика давлат ҳокимиятининг барча органла-

1 «Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати тўғрисида»-ги Низом.

ри ўрин олганлиги сабабли ушбу функция Вазирлар Маҳкамасининг функцияларига киритилган. Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, вазирлар, Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари кирази<sup>1</sup>.

Амалда барча вазирлик ва идоралар ўз ваколатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади, шунингдек унга раҳбарлик қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ихтиёрига ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш механизмнинг чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олишдек муҳим масаласи берилган. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташқи иқтисодий фаолиятни амалда унинг барча жиҳатларида бошқаришни амалга оширади, ўз фаолиятининг моҳиятига кўра ташқи иқтисодий алоқаларни бошқаришни амалга оширмайдиган бошқа вазирликлар ва идоралар эса уларни қўллаб-қувватлайди ёки тартибга солади<sup>2</sup>.

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссияларни тузади ва уларнинг вазифалари, функциялари ва фаолият тартибини белгилайди. Давлат ва хўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича таклифларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун<sup>3</sup>, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг айрим топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг вақтинчалик комиссиялари ва бошқа ишчи органлари тuzилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришга бевосита дахлдордир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштиришни яхшилаш тўғрисида» 1995 йил 13 июндаги 219-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 4 июлдаги 254-сон қарорига 2-илова сифатида берилган Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти тўғрисидаги Низомга асосан фаолият кўрсатади<sup>4</sup>.

Департаментнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг та-

1 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси. — Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

2 «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун (1993 йил 6 май) 4-модда.

3 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси. — Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

4 «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти тўғрисида»ги Низом (1995 йил 4 июль).

шқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга, Республика давлат органлари, корхона ва ташкилотларининг иштини мувофиқлаштиришни таъминлашга, халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, Ўзбекистонда қулай инвестиция иқлимини яратишга йўналтирилган<sup>1</sup>. Департаментнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

— Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсатига ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг меъёрий базасини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

— чет эл мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш;

— республика вазирликлари, идоралари, корпорациялари, уюшмалари, корхоналарининг ташқи савдони шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда Республика иқтисодиётининг устувор тармоқларида инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун чет эл сармоясини жалб этишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ушбу тизимларнинг халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликка доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

— халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар миссияларининг республикадаги фаолиятига кўмаклашиш;

— Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётига бевосита чет эл инвестицияларини жалб этишга кўмаклашиш.

Департамент таркибига Европа Иттифоқи комиссиясининг Ўзбекистондаги техник кўмаклашишни мувофиқлаштириш бюроси (Ўз бюро КЭС) ва Инвестицияларга кўмаклашиш хизмати (ИКХ) ҳам кириб, улар мустақил юридик шахслар ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги**

Республиканинг барча ташқи иқтисодий алоқаларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, назорат қилиш, бошқаришни амалга оширадиган давлат органи ҳисобланадиган Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (ТИАВ) Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш билан шуғулланади. ТИАВ хорижда Ўзбекистон Республикаси вакили бўлиб, республика номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб барча ташқи иқтисодий масалалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича фаолият юритади. Вазирлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бевосита раҳбарлигида амалга оширади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги 55-сон қарори.

**Қуйдагилар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:<sup>1</sup>**

— хориж мамлакатлари билан ҳамкорликнинг Республика учун устувор йўналишларини белгилаш, ташқи савдони рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш асосида давлат ташқи иқтисодий сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш;

— ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши, улар ушбу фаолиятни амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя қилишларини кўзлаб, Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг операцияларини назорат қилиш;

— Ўзбекистонда ва ундан ташқарида республиканинг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;

— ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;

— Ўзбекистонни умумжаҳон ҳўжалик алоқаларига фаол қўшиш йўли билан Республика халқ ҳўжалиги ва аҳолисининг чет эл мамлакатлари маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш;

— ташқи иқтисодий алоқалар инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан ахборот тизимларини барпо этиш, транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатилишини таъминлаш, экспорт ва импорт товарларини сертификатлаш;

— республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга доир тақлифларни ишлаб чиқиш;

— чет эл инвестицияларини Республика иқтисодиётига жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, Республика сармояларини чет элда оқилона жойлаштириш;

— Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти иштирокчиларининг манфаатларини Республикада ҳам, хорижда ҳам ҳимоя қилиш, ташқи иқтисодий алоқалар масалаларида МДҲга аъзо давлатлар билан, шунингдек бошқа чет эл мамлакатлари билан ҳамкорликни таъминлаш. ТИАВ ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, бундай алоқалар механизмини такомиллаштириш ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда вазирликлар, идоралар, ташқи иқтисодий ташкилотлар, бирлашмалар ва корхоналар, концернлар, уюшмалар, ташкилотлар, шу жумладан жисмоний шахсларга («ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига») ёрдам кўрсатишнинг умумдавлат, савдо-сиёсий, иқтисодий, режали, валюта-кредит, молиявий ва таҳлилий масалаларини ҳал этади.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тўғрисида»ги Низом (1992 йил 17 ноябрь).

Ўзбекистон Республикаси ТИАВ зиммасига қуйидаги функциялар юклатилган:

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини, халқаро шартномалар лойиҳаларини ривожлантиришнинг стратегик масаларига доир таклифларни ишлаб чиқиш;

ягона ташқи иқтисодий сиёсатни таъминлаш, Республика ҳудудида ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши, вазирликлар, идоралар, ташқи иқтисодий ташкилотлар, корхоналар томонидан Ўзбекистон манфаатларига риоя қилиниши, шу жумладан ташқи иқтисодий сиёсат, халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик, чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этиш бобида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилиши устидан назорат қилиш;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларини тақдим этиш ва ҳимоя қилиш, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва бирлашмалар, чет эл мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар ишида иштирок этиш, уларда республиканинг тегишли вазирликлар ва идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ташқи иқтисодий соҳада келишилган сиёсатни ўтказишда МДҲга аъзо давлатлар билан ҳамкорлик;

чет эл фирмалари, компаниялари, ташкилотларини аккредитациялаш;

хориж мамлакатларидаги Ўзбекистон Республикасининг савдо ваколатхоналари фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Умумреспублика аҳамиятидаги товарлар билан экспорт-импорт операциялари ўтказилишини ташкил этиш, экспорт ва импорт таркибини яхшилашга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

тижорат-ахборот ва реклама ишларини ўтказиш;

республика ва хорижда халқаро ҳамда чет эл кўرғазмалари ва ярмаркаларини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, вазирликнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича вакиллари бошқармалари, улар ҳузурида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги тижорат тузилмалари, айрим минтақалардаги филиаллар, хориждаги савдо ва иқтисодий ваколатхоналар, республика ташқи иқтисодий, ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари, тижорат-реклама маркази, транспорт ваколатхоналари ва бошқа тобе ташкилотлар ҳамда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хориждаги муассасалар киради.



Қорақалпоғистон Республикаси ТИАВ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ягона ташқи иқтисодий сиёсати доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги раҳбарлигида амалга оширади.

Минтақавий вакиллар бошқармаси ва ҳокимият ҳамда давлат бошқарувининг маҳаллий органлари ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида яқиндан ҳамкорлик қиладилар.

ТИАВ хўжалик ҳисобидаги тобе ва бошқа ташқи иқтисодий ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича мулкӣ жавобгар бўлмайди, мазкур ташқи иқтисодий ташкилотлар эса вазирликнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси ТИАВ:

— Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари концепциясини, шунингдек айрим олинган мамлакатлар, мамлакатлар гуруҳлари ва минтақалар билан Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш соҳасида бошқа истиқболли дастурлар ва прогноз ишланмаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

— экспорт-импортга доир валюта режасининг лойиҳаси бўйича квоталарни ажратиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

— давлат буюртмаси экспорт ва импорт режасининг мувозанатлаштирилган лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

— Ўзбекистон Республикасининг Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида статистика ҳисоботи шакллари, Ўздавстандарт ва Давлат божхона қўмитаси билан республика уйғунлаштирилган тизимини, Давлат божхона қўмитаси билан экспорт-импорт операцияларини тарифли ва нотариф тартибга солиш чораларини ишлаб чиқади;

— Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва бошқа тижорат банклари билан ҳамкорликда товар-молия кредитларининг ҳажмлари ва йўналишини, уларга хизмат кўрсатилишини белгилайди;

— вазирлик ва идоралар ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларнинг бошқа иштирокчилари томонидан давлат топшириқлари қандай бажарилаётганини таҳлил қилади;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган савдо ваколатхоналари, чет мамлакатларнинг элчихоналари қошидаги иқтисодий маслаҳатчилар билан ҳамкорлик қилади;

— Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий шартномаларининг асл нусхаларини сақлайди;

— белгиланган тартибда чет эл ташкилотлари ва фирмаларига Ўзбекистонда ваколатхоналар очишга рухсатнома беради;

— ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган республика бирлашмалари, корхоналари, ташкилотлари иштирокида хорижда ташкилотларни барпо этишда ёрдам беради;

— халқаро иқтисодий ташкилотлар ва органлар, чет эл мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги бўйича ҳукуматлараро комиссиялар ва қўмиталарда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилади ва уларнинг ишида иштирок этади;

— халқаро иқтисодий ва бошқа ташкилотларда республика ташқи иқтисодий алоқалар субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

— республикада ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларига кўмаклашади;

— ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг ташқи иқтисодий фаолиятини таҳлил этади, уларнинг иш тажрибасини, ушбу соҳада амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар қўлланишини ўрганади, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлайдиган ва кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига тақдим этиладиган вазир бошқаради.

ТИАВ ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари асосида ва уларни ижро этиш учун вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва тадбиркорлар, давлат бошқарувининг маҳаллий органлари, Қорақалпоғистон Республикаси ТИАВ, вазирлик вакиллари, тобе ташқи иқтисодий бирлашмалар, фирмалар, ваколатхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг савдо ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари қошидаги иқтисодий маслаҳатчилар ашпаратлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, йўриқномалар, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқади, кўрсатмалар беради, уларнинг ижросини ташкил этади ва текширади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солинишини амалга ошириш учун жойларда ЎЗР ТИАВ ҳудудий вакили бошқармалари тузилган. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича минтақавий вакил бошқармалари ягона ташқи иқтисодий сиёсат ва уни ривожлантириш стратегиясини ўтказиш, ташқи бозор-

да умумдавлат манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, илмий-техника, савдо, маданий ва бошқа алоқаларнинг натижадорлигини ошириш, чет эл мамлакатлари билан ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, ушбу соҳада бошқаришни такомиллаштириш ва халқаро саҳнада самарали ишлаш учун ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ташкил этилган.

**Вакил бошқармалари Ўзбекистон Республикаси ТИАВ мустақил таркибий бўлиналари сифатида ташкил этилган ва эътиборни ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг умумдавлат, савдо-иқтисодий, режали, таҳлилий ва бошқа масалаларига ҳамда уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришда вазирликлар, идоралар, корхоналар, концернлар, уюшмалар, хусусий тадбиркорларга ёрдам кўрсатишга қаратади.**

Вакил бошқармалари ўз фаолиятни ТИАВ бўлиналари, унга тобе ташкилотлар, хўжалик ҳисобидаги ташқи иқтисодий, ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари, шунингдек хориждаги Ўзбекистон Республикасининг савдо ваколатхоналари билан ҳамкорликда амалга оширади, маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Вакил бошқармасининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:<sup>1</sup>

— Ўзбекистон Республикасининг чет эл мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларини ҳар томонлама ва тенг ҳуқуқли асосда ривожлантиришни таъминлаш, ушбу алоқаларни республика, минтақани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш мақсадида мустаҳкамлаш асосида минтақада Ўзбекистон Республикасининг ягона ташқи иқтисодий, валюта-кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказишни таъминлаш;

— ташқи иқтисодий, валюта-кредит ва инвестиция сиёсати ва минтақанинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегик масалаларига доир таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

— минтақа ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ички ва ташқи бозорда республика манфаатларига риоя этишлари устидан назорат қилиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш;

— ТИАВ ташқи савдо ташкилотларига умумреспублика аҳамиятидаги товарлар бўйича экспорт-импорт операцияларини ўтказишда ёрдам бериш, чет эл фирмалари ва ташкилотларига техник ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш;

1 «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тўғрисида»ги Низом (1992 йил 17 ноябрь).

— жумладан минтақа ва умуман республиканинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда экспорт ва импорт таркибини яхшилаш йўли билан минтақа ташқи иқтисодий алоқаларининг самарадорлигини ошириш;

— ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг ташқи бозорга чиқиши, шунингдек тадбиркорлик учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш;

— ТИАВ ахбороти учун минтақанинг экспорт салоҳияти тўғрисидаги маълумотларни тўплашда иштирок этиш, минтақа ички бозорини мувозанатлаштиришни таъминлашга ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам кўрсатиш.

**Ўзбекистон Республикаси ТИАВ вакили бошқармасини ТИАВ вакили — бошқарма бошлиғи бошқаради.** Уни вазир буйруқ билан тайинлаб, кейин маҳаллий ҳокимият органининг тасдиғига тақдим этилади. ТИАВ вакили ўринбосари — бошқарма бошлиғининг ўринбосари ҳам шу тартибда тайинланади. Бошқарма ходимларини, вазир билан келишиб, ТИАВ вакили — бошқарма бошлиғи тайинлайди. Бошқарма қошидаги хўжалик ҳисобидаги фирма ва ташкилотлар раҳбарларини, вазир билан келишиб, ТИАВ вакили — бошқарма бошлиғи тайинлайди.

ТИАВ вакили — бошқарма бошлиғи бошқарманинг бутун фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, бошқармага юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва ходимлар ўз функцияларини самарали амалга ошириши учун шахсан жавоб беради. ТИАВ вакили — бошқарма бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг минтақадаги ягона мухтор вакили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ТИАВ минтақавий вакили бошқармасига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

— ТИАВ бўлинмалари, бошқа идора ва ташкилотлар, божхона хизматлари, статистика бошқармалари, хориждаги савдо ваколатхоналари, ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчилари, Ўзбекистон Республикасининг хусусий тадбиркорларидан унинг функцияларини бажариш учун зарур ахборот, услубий, меъёрий материаллар, статистика материаллари олиш;

— ўзаро ҳамкорлик асосида республика, МДҲга аъзо давлатлар ва чет мамлакатлар билан ташқи иқтисодий масалаларга доир зарур ахборот айирбошлашни амалга ошириш;

— ТИАВ бўлинмалари ходимларини уларга юкланган функциялар ва вазифаларга мувофиқ бошқарма томонидан ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишга жалб этиш;

— кенгашларда ва унинг топшириғи бўйича минтақанинг ташқи иқтисодий фаолиятига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш

билан боғлиқ музокараларда Ўзбекистон Республикаси ТИАВ номидан қатнашиш;

— бошқарма қошида, ТИАВ билан келишиб, хўжалик ҳисобидаги фирмалар, кичик корхоналар, уюшмалар, қўшма корхоналар ва ташқи иқтисодий ташкилотларнинг бошқа турларини, шу жумладан чет эллик шериклар иштирокида, ташкил этиш, шунингдек уларни қайта тузиш ва тугатиш.

### **ТИАВга тобе бўлинмалар:**

Республика хўжалик ҳисобидаги «Инновация» ташқи иқтисодий бирлашмаси.

Республика хўжалик ҳисобидаги «Ўзагроимпекс» ташқи савдо бирлашмаси.

Республика хўжалик ҳисобидаги «Ўзпромашимпекс» ташқи савдо бирлашмаси.

Республика хўжалик ҳисобидаги «Интерсервис» ташқи иқтисодий бирлашмаси.

### **ТИАВ марказий маҳкамасининг тузилиши:**

Раҳбарият.

Ташқи иқтисодий алоқалар таҳлили ва истиқболлари бош бошқармаси.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш бош бошқармаси.

Иқтисодиёт ва ташқи савдони режалаштириш бош бошқармаси.

Баённома хизмати ва аккредитациялаш бошқармаси.

Экспорт салоҳиятини ривожлантириш бош бошқармаси.

Халқаро ташишлар бошқармаси.

Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий экспертизаси бошқармаси.

Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бошқармаси.

Юридик бошқарма.

Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бош бошқармаси.

Капитал қурилиш бош бошқармаси.

Маркетинг бошқармаси.

Вазир ҳузуридаги инспекция.

## 2.4. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг умумий қоидалари

Ташқи иқтисодий алоқалар, ҳар қандай иқтисодий тоифа сингари, ҳуқуқий меъёрларга эга бўлиб, улар юридик жиҳатдан турлича — қонунлар ва директив ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солиш икки томонлама ҳукумат келишувлари ва қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:**

ташқи савдо сиёсати — Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг таркибий қисми;

ташқи савдо фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши ва унинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш тизимининг яхлитлиги;

миллий хавфсизликни таъминлаш давлат вазифаларини, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий манфаатларни рўёбга чиқариш, шунингдек ЎзРнинг оммавий қирғин қуроллари ва бошқа энг хавфли қурол-яроғ турларини олиб чиқишга йўл қўймаслик тўғрисидаги халқаро мажбуриятларини бажариш мақсадида амалга ошириладиган экспорт назорати сиёсатининг яхлитлиги;

ЎзР божхона ҳудудининг яхлитлиги;

ташқи савдо фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши иқтисодий чораларининг устуворлиги;

ташқи савдо фаолияти иштирокчиларининг тенглиги ва уларнинг камситилмаслиги;

ташқи савдо фаолияти иштирокчилари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши;

давлат ва унинг органларининг ташқи савдо фаолиятига ўзини оқламайдиган аралashiшини, унинг иштирокчиларига ва умуман Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига зарар етказишини истисно этиш.

**Давлат ташқи савдо сиёсати ташқи савдо фаолиятини тартибга солишнинг иқтисодий ва маъмурий усуларини қўллаш воситасида амалга оширилади, яъни:**

— божхона тарифлари билан тартибга солиш, яъни импорт ва экспорт тарифларини қўллаш;

— нотариф тартибга солиш, яъни квоталаш, лицензиялаш ва ҳоказолардан фойдаланиш.

Ушбу усуллар ЎзРнинг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғриси-

да»ги қонунига биноан белгиланган<sup>1</sup>. ЎзР давлат ҳокимияти органлари ва унинг субъектларининг аралашishi ва турли чеклашларни ўрнатиши йўли билан амалга ошириладиган ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа усулларига йўл қўйилмайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларини, хусусан халқаро инвестиция ҳамкорлиги, ишлаб чиқариш кооперацияси, валюта ва молия-кредит операцияларини тартибга солиш тегишли Республика қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларига биноан амалга оширилади.

Импорт ва экспорт операцияларини тартибга солиш, шу жумладан ЎзР ички бозорини ҳимоя қилиш ва ЎзР иқтисодийётидаги илғор таркибий ўзгаришларни рағбатлантириш мақсадида импорт ва экспорт божлари белгиланади.

**ЎзРдан экспорт ва ЎзРга импорт миқдорий чеклашларсиз амалга оширилади.**

Экспорт ва импортни миқдорий чеклашларни фавқулодда ҳолларда ЎзР ҳукумати:

- мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш;
- ички товар бозоридаги ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ЎзР халқаро мажбуриятларини бажариш;
- мамлакат ички бозорини ҳимоя қилиш мақсадларида жорий этиши мумкин.

ЎзР ҳукуматининг экспорт ва импортни миқдорий чеклашларни жорий этиш тўғрисидаги қарорлари ушбу чеклашларни амалга киритишдан камида уч ой олдин қабул қилинади ва расмий равишда эълон қилинади.

Миқдорий чеклашларни белгилаш чоғида квоталарни тақсимлаш ва лицензиялар бериш, одатда, танлов ёки аукцион ўтказиш ёхуд квоталарнинг суммар ижросига қадар экспорт ва (ёки) импортта доир операцияларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Танлов ёки аукцион ўтказиш тартибини ЎзР ҳукумати белгилайди. Бундай танлов ёки аукцион иштирокчилари сонини чеклашга ёки мулкчилик шакли, рўйхатга олиш жойи, бозордаги мақега қараб уларни камситишга йўл қўйилмайди.

Бирор-бир товар жиддий зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш хавфини туғдирадиган ғоятда катта миқдорларда ёки тегишли шартлар билан импорт қилинган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шунга ўхшаш ёки бевосита рақобат қиладиган товарлар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан ЎзР ҳукумати халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёрларига мувофиқ жиддий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунига қаралсин.

зарарни бартараф этиш ёки шундай зарар етказилиши хавфининг олдини олиш учун зарур бўлган даражада ёхуд муддатга ҳимоя қилиш чораларини қўллашга ҳақлидир.

Товарлар импортига нисбатан бундай ҳимоя қилиш чоралари куйидаги шакллардан иборатдир:

- импортни миқдорий чеклашлар;
- махсус оширилган божхона божлари.

ЎзР ҳукуматининг топшириғи ва (ёки) ЎзР субъекти ижроия ҳокимияти органининг, бундай товарларни ёки бевосита импорт товарлари билан рақобатлашадиган товарларнинг жами ишлаб чиқариши бундай товарлар умумий ишлаб чиқарилишининг 50 фоизидан кўпроқни ташкил этадиган ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчилар бирлашмасининг аризаси бўйича ўтказилган текширув натижалари бўйича тайёрланган Республика ижроия ҳокимияти органининг маърузаси ҳимоя қилиш чораларини кўриш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш русумқоидалари ошқора бўлиб, ЎзР ҳукуматининг чеклашга тушадиган товар ёки товарларнинг умумий миқдори ва қиймати кўрсатилган ҳолда ҳимоя қилиш чорасини жорий этиш тўғрисидаги қарорини расмий тарзда эълон этишни кўзда тутати.

Ҳимоя қилиш чорасининг амал қилиши, уни муддатидан олдин бекор қилиш ёки узайтириш, шунингдек амал қилиш даврида товарларнинг умумий ҳажми ва қийматида уларни ҳимоя қилиш чорасига нисбатан барча ўзгартишларни ЎзР ҳукумати ЎзРнинг халқаро мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

Товар (ишлар, хизматлар) экспорти ва (ёки) импортига доир тақиқлар ва чеклашлар куйидагиларни ўз ичига оладиган миллий манфаатлардан келиб чиқиб белгиланиши мумкин:

- ижтимоий ахлоқ ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилиш;
  - кишиларнинг ҳаёти ва соғлиғини кўриқлаш, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ва умуман атроф-муҳитни кўриқлаш;
  - ЎзР халқларининг маданий меросини сақлаш;
  - маданий бойликларни ноқонуний олиб чиқиш, олиб кириш ва уларга доир мулкчилик ҳуқуқларини беришдан ҳимоя қилиш;
  - агар бу билан боғлиқ чоралар тегишли ички ишлаб чиқариш ва истеъмолни чеклашлар билан бир вақтда ўтказилса, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган табиий ресурслар тугашининг олдини олиш зарурлиги;
  - ЎзР миллий хавфсизлигини таъминлаш;
  - ташқи молиявий аҳволни ҳимоя қилиш ва ЎзР тўлов балансини қўллаб туриш;
  - ЎзРнинг халқаро мажбуриятларини бажариш.
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар



ЎЗРда белгиланган фармакология, санитария, ветеринария, фито-санитария ва экология стандартлари ҳамда талабларига мувофиқ келиши керак.

Экологик жиҳатдан хавfli маҳсулотни олиб кириш махсус назоратга олинishi керак. ЎЗР худудига:

— юқорида айтилган, ЎЗРда белгиланган стандартлар ва талабларга мувофиқ келмайдиган;

— ЎЗР қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда сертифицикат, тамғалаш ёки мувофиқлик белгисига эга бўлмаган;

— хавfli истеъмол товари сифатида фойдаланилиши тақиқланган;

— истеъмолчилар учун хавф туғдирадиган нуқсонларга эга бўлган товарларни олиб кириш ман этилади.

Кўрсатилган товарлар қайта олиб чиқилиши ёки мустақил экспертлар томонидан ЎЗР Божхона кодексига белгиланган тартибда<sup>1</sup> тузилган далолатнома асосида йўқ қилиниши керак.

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида ЎЗР миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қурол-яроғлар, ҳарбий техника ва икки томонлама фойдаланиладиган товарларга нисбатан, шунингдек ЎЗРнинг оммавий қирғин қуроли ва бошқа энг хавfli қурол-яроғ турлари ва уларни яратиш технологияларини тарқатмасликка доир халқаро мажбуриятларига риоя қилиш учун мамлакатда экспорт назорати тизими амал қилади.

Юқорида кўрсатилган товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари, шу жумладан уларга доир мутлақ ҳуқуқларни олиб чиқиш ЎЗР ҳукумати белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Товарлар айрим турларининг экспорти ва (ёки) импортига давлат монополияси белгиланади. Бундай товарларнинг рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Айрим турдаги товарлар экспорти ва (ёки) импортига давлат монополияси товарлар экспорти ва (ёки) импортига доир фаолиятни лицензиялаш асосида амалга оширилади. Лицензияларни Республика ижроия ҳокимияти органи фақат унитар корхоналарга беради, улар товарлар экспорти ва (ёки) импортига доир битимларни камситмаслик ва ҳалол тижорат амалиёти қоидалари асосида тузишлари шарт. **Унитар корхона — унга мулкдор биркитиб қўйган мол-мулкка мулкчилик ҳуқуқи бўлмаган тижорат ташкилотидир.**

Чегара савдоси ва эркин иқтисодий зона ташқи савдо фаолиятининг айрим турларини амалга оширишнинг махсус режимлари ҳисобланади.

**Чегара савдоси** ЎЗРнинг чегарага туташ худудига доимий бўлиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қаралсин.

жойига (яшаш жойига) эга бўлган шахслар билан Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан халқаро шартномаларида белгиланган чегарага туташ ҳудудда доимий бўлиш жойига (яшаш жойига) эга бўлган чет эллик шахслар ўртасида мавжуд чегарага туташ ҳудуд доирасида ишлаб чиқарилган товарларга, шунингдек тегишли чегарага туташ ҳудуд доирасида истеъмол учун мўлжалланган товарларга нисбатан фақат маҳаллий эҳтиёжларни қондириш учун амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва унинг амалга оширилиши устидан назорат қилишда божхона ишини оқилона ташкил этиш муҳим роль ўйнайди, унга ЎЗР божхона сиёсати, товарлар ва транспорт воситаларини ЎЗР божхона ҳудуди орқали олиб ўтиш, божхона тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви ва божхона назорати тартиби ва шартлари киради.

Божхона ишининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига белгиланган<sup>1</sup>.

Божхона ишини ЎЗР божхона органлари амалга оширади, улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳисобланади. **Божхона органлари тизимига:**

- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;
- минтақавий божхона бошқармалари;
- ихтисослаштирилган божхона мажмуалари;
- божхона постлари киради.

Божхона органлари қуйидаги функцияларни бажаради:

— божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқаришда иштирок этади;

— божхона иши соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда божхона ишини амалга ошириш чоғида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир чоралар кўради;

— ЎЗР иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади;

— божхона божлари, солиқлар ва бошқа божхона тўловларини ундиради;

— товарлар ва транспорт воситаларини ЎЗР чегараси орқали олиб ўтишнинг рухсат бериш тартибига риоя этилишини таъминлайди;

— контрабандага, ЎЗР божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга доир божхона қоидалари ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишларга қарши кураш олиб боради;

— ЎЗР ташқи савдо божхона статистикасини ва махсус божхона статистикасини юритади;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунига қаралсин.

— Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини юри-тади;

— стратегик ва ЎзР манфаатлари учун жуда муҳим бўлган бошқа материаллар олиб чиқилиши устидан назоратни амалга оширади;

— Ўз ваколатлари доирасида валюта назоратини амалга оширади;

— ЎзР халқаро мажбуриятларининг божхона ишига тааллуқли қисми бажарилишини таъминлайди;

— бошқа функцияларни бажаради.

Божхона назоратини<sup>1</sup> ЎзР божхона органларининг мансабдор шахслари божхона мақсадлари учун зарур ҳужжат ва маълумотлар-ни текшириш; божхона кўриги (товар ва транспорт воситалари кўри-ги, шахсий кўрик); товар ва транспорт воситалари ҳисоби; фуқаро-лардан оғзаки сўраш; ҳисоб ва ҳисобот тизимини текшириш; вақ-тинча сақлаш омборлари, божхона омборлари, эркин омборлар, эркин божхона зоналари ва бож олинмайдиган савдо дўконлари ҳамда божхона назоратидан ўтказиладиган товар ва транспорт во-ситалари жойлашган ёки назорат қилиниши ЎзР божхона органла-рига юкланган фаолият амалга оширилаётган бошқа жойлар худуди ва хоналари кўриги йўли билан; Божхона кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа шаклларда ўтказилади.

Назорат ЎзР божхона чегараси бўйлаб ёки бошқа жойларда барпо этиладиган божхона назорати зоналарида ўтказилади.

Товарлар ва транспорт воситаларини ЎзР божхона чегараси ор-қали олиб ўтиш уларнинг **божхона режимларига** мувофиқ амалга оширилади.

#### **Божхона режимларининг қуйидаги турлари мавжуд:**

- эркин муомаллага чиқариш;
- реимпорт;
- транзит;
- божхона омбори;
- бож олинмайдиган савдо дўкони;
- божхона худудида қайта ишлаш;
- божхона назорати остида қайта ишлаш;
- вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш);
- эркин божхона зонаси;
- эркин омбор;
- божхона худудидан ташқарида қайта ишлаш;
- экспорт;
- реэкспорт;
- йўқ қилиш;
- давлат фойдасига воз кечиш.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қону-нига қаралсин.

Чегарадан олиб ўтиладиган ёки божхона режими ўзгарадиган товарлар ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа товарлар ва транспорт воситалари ЎзР қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ҳолларда ЎзР божхона органига декларацияланиши керак.

**Декларациялаш** божхона органига декларация тақдим этишдан иборатдир.

**Божхона декларацияси** (лотинча *declaratio* — ариза, эълон) — миллий қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжат бўлиб, чегарадан олиб ўтиладиган юк, шу жумладан экспорт ва импорт қилинадиган товарлар, йўловчилар юки, қўл юки, бойликлар ва валюта тўғрисидаги зарур ахборотни ўз ичига олади. Божхона декларацияси товарларни давлат чегарасидан олиб кириш, олиб чиқиш ёки транзит қилишда асос бўлиб ҳисобланади.

## 2.5. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг иқтисодий усуллари

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг иқтисодий усуллари ёки божхона тарифларига асосланган тартибга солиш божхона тўловларининг умумий тизимига кирадиган импорт ва экспорт тарифларини қўллаш билан боғланган. ЎзР Божхона кодексига божхона тўловларининг қуйидаги турлари белгиланган:<sup>1</sup> бож (божхона тарифи); қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС); акциз солиғи; божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис деган малака аттестатини берганлик учун йиғим; ЎзР божхона органлари томонидан лицензиялар берилиши ва лицензия ҳаракатининг янгидан тикланиши учун йиғим; товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими; товарларни божхона кузатувиغا олганлик учун божхона йиғими; хабардор қилинганлик ва маслаҳатлар учун ҳақ; дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ; божхона аукционларида иштирок этганлик учун ҳақ.

Ушбу тўловлар тизимида бож муҳим ўринни ишғол қилади.

**Бож** — божхона органлари томонидан товар давлатнинг божхона ҳудудига олиб кирилганда ёки товар божхона ҳудудидан олиб чиқилганда ундириладиган мажбурий бадалдир. Товар детанда исталган ҳаракатдаги мол-мулк, шу жумладан иссиқлик, электр энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари тушунилади.

Божлар кўпинча бож тарифи сифатида ишлатилади. Айни вақтда «бож тарифи» атамаси божлар ставкаларининг тизимлаштирилган рўйхати сифатида ишлатилади. Бож тарифи товарни божхона чегарасидан олиб ўтишнинг ажралмас шартидир.

1 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунига қаралсин.

Дунёдаги барча мамлакатларда бож тарифлари мавжуд. Ҳозирги тарифлар Товарлар тавсифи ва кодлаштирилишининг уйғунлаштирилган тизими базасида бирхиллаштирилган, бу эса тарифлардан турли тилларда фойдаланиш ва бир хил товарларга доир божлар ставкаларини таққослашни енгиллаштиради.

Бож тарифида божлар мамлакат иқтисодий ривожланишининг даражаси, товарга ишлов бериш даражаси ва бошқа омиллар билан белгиланади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик паст бўлса, бож ставкалари шунчалик юқори бўлади, чунки улар ёрдамида етарлича ривожланмаган тармоқлар ҳаддан ташқари кучли чет эл рақобатидан ҳимоя қилинади. Масалан, Австрияда божлар Швейцариядагидан деярли уч барабар юқори. Айниқса юқори божлар (50 фоиз ва ундан ортиқ) ривожланаётган мамлакатларда белгиланади.

Товарларга ишлов бериш даражасининг ошиши билан бож ставкалари кўпаймоқда. Энг юқори божлар одатда сермеҳнат тайёр буюмларга белгиланади, зеро ушбу товарлар бозоридаги кучли чет эл рақобати корхоналарнинг ёпилиши ва мамлакатда ишсизлик даражасининг ошишига олиб келиши мумкин.

Божлар деярли барча мамлакатларда юқори, ўрта, паст божларга бўлинади, шунингдек бож тўламасдан олиб келиш мавжуд. Ўзбекистон Республикасида кўпроқ энг кўп қулайлик режимидан фойдаланадиган (ҳамкорлик шартларида) мамлакатлар учун қўлланиладиган божларнинг ўрта ставкалари татбиқ этилмоқда.

Баъзи мамлакатлар, масалан Европа Иттифоқи аъзолари, ЎзРга анча имтиёзли божхона тарифлари режимини қўллайдилар, яъни преференция берадилар.

**Преференция** — бир давлат томонидан бошқасига ҳамкорлик асосида ёки бир томонлама тартибда, учинчи мамлакатларга татбиқ этмасдан тақдим этиладиган махсус (афзаллик) имтиёзлар. Улар кўпинча божлардан чегирмалар кўринишида қўлланилади.

Божхона имтиёзларини олиш учун мамлакат божхона органларига мазкур товар тўлиқ ЎзРда ишлаб чиқилганини ёки унинг корхоналарида жиддий равишда қайта ишланганини тасдиқлайдиган махсус ҳужжат — товарнинг келиб чиқиш сертификатини тақдим этиш зарур. Бунда Ўзбекистон корхоналарида жиддий равишда қайта ишланган товарлар учун махсус мезонлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида бож тарифини расмийлаштириш тартиби ЎзР «Бож тарифи тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади, бу қонунга кейинчалик ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

**ЎзР бож тарифи** ЎзР божхона чегарасидан олиб ўтиладиган, Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси (ТИФ ТН)га

мувофиқ ҳолда бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож (бож тарифи) ставкаларининг тўлғамидир.<sup>1</sup>

ТИФ ТН ЎЗР ҳукумати томонидан халқаро амалиётда қабул қилинган товарлар таснифи тизимларининг халқаро амалиётдан келиб чиқиб белгиланади.

ЎЗРда бож тарифини қўллаш мақсадларига қуйидагилар киради:

— ЎЗРга товарлар, яъни ҳар қандай ҳаракатланувчи мол-мулк, шу жумладан иссиқлик, электр энергиялари ва бошқа хил энергияларни олиб киришнинг товар таркибини рационаллаштириш;

— ЎЗР ҳудудида товарлар олиб чиқилиши ва олиб кирилиши, валюта даромадлари ва харажатларининг оқилона нисбатини қўллаб-қувватлаш;

— ЎЗРда товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш таркибида илғор ўзгартишлар учун шарт-шароит яратиш;

— ЎЗР иқтисодиётини чет эл рақобатининг нохуш таъсиридан ҳимоя қилиш;

— ЎЗРни жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялаш учун шарт-шароитларни таъминлаш.

Бож ставкалари ягона ҳисобланади ва ЎЗР божхона чегарасидан товарларни олиб ўтадиган шахслар, битим турлари ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгармайди<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда бож ставкаларининг қуйидаги турлари қўлланилади: адвалор; хос; аралаш ставкалар.

**Адвалор** (лотинча *ad valorem* — қиймат бўйича) ставкалар бож ундириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланади. Хос ставкалар бож ундириладиган товарлар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланади. Аралаш ставкалар божнинг адвалор ҳамда хос турларини ўз ичига оладиган ставкалардир.

ЎЗР ҳукумати томонидан товарларни олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун **мавсумий** божлар белгиланиши мумкин, бунда бож тарифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. Мавсумий божларнинг амал қилиш муддати бир йилда 6 ойдан ошиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида олиб кириладиган товарларга нисбатан вақтинча божларнинг махсус турлари: **демпингга қарши; компенсация божлари** қўлланиши мумкин.

**Махсус божлар:**

— ўхшаш ёки бевосита рақобат қилувчи товарлар ЎЗР божхона

1 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунига қаралсин.

2 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қаралсин.

худудига мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчиларга зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган миқдорда ва шартларда олиб кириладиган бўлса, ҳимоя чораси сифатида;

— бошқа давлатлар ёки уларнинг иттифоқлари томонидан қилинаётган ЎЗР ҳуқуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларга жавоб чораси сифатида қўлланилади.

**Демпингга қарши** божлар товарлар ЎЗР божхона худудига уларнинг олиб чиқилган давлатда амалда бўлган, реал қийматидан паст нарҳда олиб кирилса, агар бундай олиб кириш мамлакатнинг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфини туғдирса ёхуд ЎЗРда худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса, қўлланилади.

**Компенсация** божлари ЎЗР божхона худудига ишлаб чиқариш ёки олиб кириш пайтида бевосита ёки билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб кирилса, агар бундай олиб кириш мамлакатнинг ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса ёхуд ЎЗРда худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса, қўлланилади.

**Кўрсатилган алоҳидаги турдаги божлар** ЎЗР қонун ҳужжатларига мувофиқ ЎЗР давлат бошқаруви органлари ташаббуси билан ўтказиладиган текширув натижаларига биноан қўлланилади. Кўрсатилган алоҳида турдаги божларнинг ставкалари ЎЗР ҳукумати томонидан ҳар бир ҳолат бўйича махсус белгиланади ва уларнинг миқдори текширув натижасида аниқланган баҳони демпинг тарзида арзонлаштиришга, субсидиялар ва аниқланган зарар миқдорига мутаносиб бўлиши керак.

Юқорида таъкидланганидек, адвалор ставкалар товарларнинг **божхона қиймати**га нисбатан фоизларда белгиланади. Товарнинг божхона қийматидан: товардан бож ундириш; ташқи иқтисодий ва божхона статистикаси; товарлар қиймати билан боғланган савдо-иқтисодий муносабатларни давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа чораларини қўллаш, шу жумладан ЎЗР қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи савдо битимлари ва уларга доир банк ҳисоб-китобларининг валюта назоратини амалга ошириш учун фойдаланилади.

Олиб кириладиган, яъни импорт қилинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш учун қуйидаги усуллар қўлланилади: олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб; айнан бир хил товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб; ўхшаш товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб; бир турдаги товарлар юзасидан тузилган битимнинг қийма-

тига қараб; қийматларни чегириб ташлаш; қийматларни қўшиш; резерв усул.<sup>1</sup>

**Олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб баҳолаш** товарнинг божхона баҳосини чиқаришнинг асосий усулидир. Агар асосий усулдан фойдаланиб бўлмаса, божхона баҳосини чиқаришнинг санаб ўтилган усуларини бирин-кетин қўллаш йўли билан аниқланиши мумкин. Қийматларни чегириб ташлаш ва қийматларни қўшиш усуллари декларантнинг хоҳишига қараб тескари кетма-кетликда қўлланилиши мумкин.

**Олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб баҳолаш** усулидан фойдаланилганда божхона қийматини белгилаш учун база сифатида бевосита баҳоланадиган шундай товарлар билан битимнинг нархи қабул қилинади. **Битим нархи** — олиб кириладиган товарлар учун ҳақиқатда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нархдир. Божхона қийматини белгилаш учун битим нархидан фойдаланилганда унга қуйидаги харажатлар киритилади (агар улар илгари киритилмаган бўлса):

олиб кириладиган товарларни улар божхона расмийлаштирувидан ўтказиладиган жойга қадар ташиш харажатлари, шу жумладан юклаш, тушириш, қайта юклаш ва бошқа жойга тўкиш билан боғлиқ харажатлар;

суғурталаш харажатлари;

компенсацияга оид ва бошқа воситачилик мукофотларини тўлаш харажатлари;

ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасига мувофиқ улар баҳоланаётган товарлар билан бир бутун яхлит нарса деб қаралган ҳолларда контейнерларнинг қиймати;

ўраш қиймати, шу жумладан ўраш материаллари ва унга доир ишлар қиймати;

баҳоланаётган товарларни ишлаб чиқариш ёки сотиш (бегоналаштириш) учун фойдаланиш мақсадида импортчи томонидан бепул ёки арзон нархда бевосита ёхуд билвосита тақдим этилган қуйидаги товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг тегишли қисми: хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқа бутловчи буюмлар (улар баҳоланаётган товарларнинг таркибий қисми ҳисобланадилар; баҳоланаётган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган асбоблар, штамплар, қолиплар ва бошқа шу каби ускуналар; баҳоланаётган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар (мойлаш материаллари, ёқилғи ва ҳоказо); Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажарилган, баҳоланаётган товарларни ишлаб чиқариш учун зарур муҳандислик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунига қаралсин.



ва тажриба-конструкторлик ишланмаси, дизайн, эскизлар, чизмалар; интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун импортчи баҳоланаётган товарларни сотиш шартли сифатида бевосита ёки билвосита тўлаши шарт бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар; экспортчига қайтариладиган баҳоланаётган товарларни ҳар қандай кейинчалик сотиш (беғоналаштириш) ёки фойдаланишдан импортчи оладиган даромаднинг бир қисми.

Божхона қийматини аниқлаш учун олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб боғхона баҳосидан чиқариш усулидан фойдаланиш мумкин эмас, башарти:

импортчининг баҳоланаётган товарга бўлган ҳуқуқлари чекланган бўлса; Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар ва товарлар тақроран қайта сотилиши (беғоналаштирилиши) мумкин бўлган жуғрофий минтақа чекловлари; товарлар баҳосига жиддий таъсир қилмайдиган чекловлар бундан мустасно;

битим қиймати таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шарҳларга риоя этилишига боғлиқ бўлса;

боғхона қийматини белгилаш вақтида декларант фойдаланган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса;

импортчи ва экспортчи бир-бирига боғлиқ шахслар бўлса, уларнинг ўзаро боғлиқлиги битим баҳосига таъсир этмаган ва бу нарса декларант томонидан исбот қилиниши керак бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Юридик ва жисмоний шахслар бир-бирига боғлиқ шахслар деб тушунилади, агар:

битим қатнашчиларидан биттаси (жисмоний шахс) ёки битим қатнашчиларидан бирининг мансабдор шахси айна бир вақтда битимда қатнашаётган бошқа шахснинг мансабдор шахси бўлса;

битим қатнашчилари корхонага биргаликда эгалик қилувчи шахслар бўлса;

битим қатнашчилари меҳнат муносабатлари орқали ўзаро боғлиқ бўлса;

битим қатнашчиларидан бири битимда қатнашаётган бошқа шахс устав капиталининг овоз ҳуқуқини берувчи камида 5 фоизига тенг бўлган акциялар пакетига эга бўлса;

битимнинг ҳар иккала қатнашчиси бевосита ёки билвосита учинчи юридик ёки жисмоний шахснинг назорати остида бўлса;

битим қатнашчилари биргаликда бевосита ёки билвосита учинчи шахсни назорат қилсалар;

битим қатнашчилари ёки уларнинг мансабдор шахслари яқин қариндош бўлсалар.

**Айнан бир хил товарлар юзасидан тузилган битим қийматига қараб**

**божхона баҳосини чиқариш** учун база сифатида айнан бир хил товарлар билан битим нархи қабул қилинади. «Айнан бир хил» товарлар деганда ҳар жиҳатдан, шу жумладан: мақсади ва тавсифи; сифати, товар белгисининг мавжудлиги ва бозордаги қадри; қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги; ишлаб чиқарувчиси каби белгилари жиҳатидан баҳоланаётган товарлар билан бир хил бўлган товарлар тушунилади.

Товарнинг ташқи кўринишидаги жузъий фарқлар уни айнан бир хил эмас, деб ҳисоблаш учун асос бўла олмайди. Агар декларант ва божхона органларида баҳоланаётган товарларни ишлаб чиқарган шахс томонидан тайёрланган, айнан бир хил товарлар тўғрисида маълумотлар бўлмаса, фақат шундагина турли шахслар томонидан ишлаб чиқарилган шахслар айнан бир хил товарлар деб ҳисобланиши мумкин. Айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қиймати бож қийматини белгилаш учун асос қилиб олинади, агар бу товар:

Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш учун сотилган (бегоналаштирилган) бўлса;

баҳоланаётган товарлар билан бир вақтда ёки улар олиб кирилгунга қадар кўпи билан 90 кун олдин олиб кирилган бўлса;

баҳоланаётган товарлар сингари ўшандай тижорат шартларида ва тахминан ўшанча миқдорда олиб кирилган бўлса.

Агар айнан бир хил товар кам ёки кўп миқдорда ёки бошқа тижорат шартларида олиб кирилган бўлса, декларант баҳоланаётган товарнинг божхона қийматига ана шу фарқларни ҳисобга олиб тузатишлар киритиши ва уларнинг асосли эканлигини божхона органига ҳужжатлар билан тасдиқлаб бериши шарт. Айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб аниқланадиган божхона қийматига илгари кўрсатилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилиши керак. Тузатишлар декларант томонидан тўғри, ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар асосида киритилиши мумкин. Агар ушбу усулни қўллаш вақтида айнан бир хил товар юзасидан тузилган битимнинг икки ва ундан ортиқ нархи мавжудлиги аниқланса, олиб кирилатган товарнинг божхона қийматини белгилаш учун уларнинг энг паст нархи қўлланилади.

**Ўхшаш (бир турли) товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш** учун база сифатида импорт қилинаётган товарлар билан ўхшаш товарлар бўйича битим қиймати қабул қилинади. «Ўхшаш» товар дейилганида ҳар жиҳатдан бир хил бўлмасада, ўхшаш хусусиятларга эга бўлганлиги ва таркибий жиҳатдан ўхшашлилиги туфайли баҳоланаётган товар билан бир хил вазифаларни бажара оладиган ва тижорат нуқтаи назаридан унинг ўрнини боса оладиган товар тушу-

нилади. Товарнинг ўхшашлилигини аниқлашда унинг қуйидаги белгилари: мақсади; сифати, товар белгисининг мавжудлиги ва бозордаги қадри; қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги ҳисобга олинади.

**Қийматларни чегириб ташлаш асосида божхона баҳосини чиқариш** баҳоланаётган (айнан бир хил ёки ўхшаш) товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилаётган (бегоналаштирилаётган) бўлган ҳолда қўлланилади. Кўрсатилган усул бўйича божхона баҳосини аниқлаш учун база сифатида товар бирлигининг баҳоланаётган, айнан бир хил ёки ўхшаш товарлар олиб келинган вақтдан бошлаб қўпи билан 90 кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг катта туркумларда битимнинг сотувчи билан ўзаро боғлиқ бўлмаган иштирокчисига сотилган баҳоси қўлланилади.

Товар бирлигининг баҳосидан қуйидаги харажатлар чегириб ташланади:

— воситачилик ҳақини тўлашга қилинган харажатлар ҳамда товарлар эркин муомалага чиқарилганидан сўнг ЎзР ҳудудида ташиш, суғурталаш, юклаш-тушириш харажатлари;

— товарларни олиб кириш ёки сотиш (бегоналаштириш) муносабати билан ЎзРда тўланиши лозим бўлган импорт божлари, солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар суммаси.

Олиб кирилаётган вақтда қандай ҳолатда бўлса, шу ҳолатда баҳоланган, айнан бир хил бўлган ёки ўхшаш товарлар сотилган (бегоналаштирилган) ҳоллар мавжуд бўлмаса, декларантнинг илтимосига биноан, қўшилган қийматга тузатиш киритилиб, қайта ишланган товар бирлигининг баҳосидан фойдаланиш мумкин.

**Қийматларни қўшиш асосида божхона баҳосини чиқариш** учун база сифатида товарнинг: баҳоланаётган товарни ишлаб чиқариш муносабати билан тайёрловчи томонидан сарфланган материаллар қиймати ва бошқа харажатларни; айнан бир турдаги товарларни олиб чиқиётган мамлакатдан Ўзбекистон Республикасига сотишга хос бўлган умумий харажатларни, шу жумладан, ЎзР ҳудудида божхона расмийлаштируви жойигача ташиш, юклаш ва тушириш, суғурталаш харажатларини; шундай товарларни ЎзРга етказиб бериш натижасида одатда экспортчи оладиган фойдани қўшган ҳолда чиқариладиган баҳоси қабул қилинади.

Мазкур усул ёрдамида божхона баҳосини чиқаришда товар баҳосига киритиладиган барча харажатлар ҳисобга олинishi керак. Агар декларант кўрсатилган бешта усулни кетма-кет қўллаш натижасида божхона баҳосини чиқара олмаса ёки божхона органлари бу усуллардан фойдаланиш мумкин эмас деб асосли равишда ҳисобла-

салар, баҳоланаётган товарларнинг божхона баҳоси жаҳон божхона сиёсатини ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва асосланади. Божхона баҳосини чиқариш усуллари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ГАТТ (ЖСТ) божхонада баҳолаш тизимининг қоидаларига мувофиқ келиши керак.

**Резерв усули** қўллаганда божхона органлари декларантга улар ихтиёрида бўлган нархларга доир ахборотни тақдим этадилар. Резерв усул бўйича божхона баҳосини чиқариш базаси сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин эмас:

товарнинг ички бозордаги нархи;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг нархи;

экспорт мамлакатидан учинчи мамлакатларга етказиб берилаётган товарнинг нархи;

ихтиёрий тарзда белгиланган ёки ишончли равишда тасдиқланмаган нарх.

ЎЗР божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона баҳоси ЎЗР ҳукуматининг қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона баҳосини чиқариш тартиби»га мувофиқ белгиланади.

ЎЗР ДБК буйруқ чиқариб, мазкур тартибни қўллаш қоидаларини тасдиқлади.

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона баҳоси битим нархи, яъни товарлар экспортга сотиладиганда ҳақиқатда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нарх асосида шаклланади.

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона баҳосига харидор томонидан қилинган, лекин битимнинг ҳақиқатда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нархига киритилмаган қуйидаги харажатлар ҳам киритилади:

комиссион ва брокерлик ҳақлари;

агар Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасига мувофиқ у олиб чиқиладиган товарлар билан бир бутун яхлит деб қаралса, контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг қиймати;

ўраш қиймати, шу жумладан ўраш материаллари ва ўрашга доир ишларнинг қиймати;

экспортга ишлаб чиқариш ёки сотиш учун харидор томонидан сотувчига бепул ёки паст нархда таклиф этиладиган қуйидаги товарлар ва хизматлар қийматининг тегишли қисми:

олиб чиқиладиган товарларнинг таркибий қисми ҳисобланувчи хом ашё, материаллар, деталлар ва бошқа бутловчи буюмлар;

олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган асбоблар, штамплар, қолиплар ва бошқа шу каби нарсалар;

олиб чиқилаётган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар;

муҳандислик ишланмаси, тажриба-конструкторлик ишлари, дизайн, бадий безаш, эскиз ва чизмалар;

харидор олиб чиқилаётган товарларни харид қилиш шarti сифатида бевосита ёки билвосита амалга ошириши лозим бўлган, интеллектуал мулк объектларида фойдаланганлик учун лицензияга оид ва бошқа тўловлар;

товарлар ЎЗР божхона ҳудудидан олиб чиқилганидан кейин харидор томонидан товарларни кейинги қайта сотишлар, бериш ёки фойдаланишдан олинган даромаднинг сотувчига бевосита ёки билвосита келиб тушадиган қисми;

ЎЗР божхона ҳудудида ундириладиган солиқлар (божхона баҳоси баён қилинган пайтда тўланадиган божхона тўловларидан ташқари), агар ЎЗР солиқ қонун ҳужжатларига ёки халқаро шартномаларига мувофиқ улар товарлар ЎЗР божхона ҳудудидан олиб чиқилганида сотувчига компенсация қилинмаса.

Олиб чиқилаётган товарларга нисбатан олди-сотди битимлари мавжуд бўлмаганда ёки олди-сотди битими нархидан божхона баҳосини чиқариш учун асос сифатида фойдаланиб бўлмаса ушбу баҳо декларант томонидан тақдим этилган, унинг олиб чиқилаётган товарни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ҳамда экспортчи ЎЗР божхона ҳудудидан айнан бир хил ёки ўхшаш товарларни олиб чиқаётганда оладиган фойда миқдорини акс эттирадиган сотувчи-экспортчининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан ишлаб чиқиб ёки олиб чиқилаётган товарларни кирим қилиш ва балансдан ҳисобдан ўчириш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари асосида аниқланади.

Декларант тақдим этган маълумотлардан фойдаланиш мумкин бўлмаганда олиб чиқилаётган товарнинг божхона баҳоси айнан бир хил ёки ўхшаш товарлар нархлари тўғрисидаги маълумотлар асосида ёки юқорида кўрсатилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда олиб чиқилаётган айнан бир хил ёки ўхшаш товарлар қиймати (таннархи) қийматининг калькуляциясидан келиб чиқиб белгиланади.

ЎЗР божхона чегарасидан товарлар олиб ўтилишини тартибга солишнинг тарифли ва нотариф чораларини амалга ошириш жараёнида **товар ишлаб чиқарилган мамлакат аниқланади**. Товар батамом ишлаб чиқарилган ёки белгиланган мезонларга мувофиқ етарли даражада қайта ишланган мамлакат ана шундай мамлакат ҳисобланади.

Бир гуруҳ мамлакатлар, мамлакатларнинг божхона иттифоқлари, минтақа ва башарти, товар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш мақсади ажратиб кўрсатишни тақозо этса, бирор мамлакат-

нинг муайян қисми товар ишлаб чиқарилган мамлакат деб ҳисобланиши мумкин.

Қуйидагилар муайян мамлакатда батамом ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобланади:

унинг ҳудудидан ёки ҳудудий сувларидан ёхуд континентал шельфидан ва денгиз остидан олинган фойдали қазилмалар, агар мамлакат денгиз остини қазиш учун мутлақ ҳуқуққа эга бўлса;

мамлакат ҳудудида ўстирилган ёки йиғиб олинган ўсимлик маҳсулотлари;

мамлакатда туғилган ва парвариш қилинган йирик ҳайвонлар;

мамлакатда етиштирилган ўсимлик маҳсулотлари ва ҳайвонлардан олинган маҳсулот;

мамлакатда тайёрланган овчилик, балиқчилик ва денгиз ови маҳсулоти;

мамлакат кемаларида ёки у ижарага олган (фрахт қилган) кемаларда жаҳон океанида овланган ва (ёки) тайёрланган денгиз ови маҳсулотлари;

мамлакатдаги ишлаб чиқариш ёки бошқа операцияларнинг натижаси бўлмиш иккиламчи хом ашё ва чиқиндилар;

мамлакатта қарашли ёки у ижарага олган космик кемаларда очиқ космосда олинган юқори технология маҳсулотлари;

мамлакатда юқорида кўрсатилган маҳсулотлардангина ишлаб чиқарилган товарлар.

Агар товарни ишлаб чиқаришда икки ёки ундан ортиқ мамлакат иштирок этаётган бўлса, унинг ишлаб чиқарилган жойи шу товарнинг етарли даражада қайта ишланганлиги мезонига мувофиқ аниқланади. Товарнинг етарли даражада қайта ишланганлиги мезонлари қуйидагилардан иборат:

товарни қайта ишлаш натижасида унинг товар номенклатурасидаги ўрнининг (товар тасниф кодининг) дастлабки тўртта код белгисининг исталган бири даражасида ўзгариши;

товар мазкур операциялар амалга оширилган мамлакатда ишлаб чиқарилган деб ҳисобланиши учун етарли ёки етарли бўлмаган ишлаб чиқариш ёки технологик операцияларнинг бажарилиши;

адвалор улуш қоидаси — фойдаланилган материаллар қийматининг ёки қўшилган қийматнинг фоизлардаги улуши етказиб берилаётган товар баҳосининг қайд этилган улушга етганида товар қийматининг ўзгариши.

Қуйидагилар товарнинг етарли даражада қайта ишланганлиги мезонларига жавоб бермайди:

сақлаш ёки транспортда ташиш вақтида товарларнинг бут сақла-нишини таъминлаш бўйича операциялар;

товарларни сотиш ва транспортда ташишга тайёрлаш бўйича опе-

рациялар (товар туркумини майдалаш, товарларни жўнатишни ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш);

оддий йиғув операциялари;

товарларни (таркибий қисмларни) аралаштириб ҳосил қилинган маҳсулотга унга дастлабки таркибидан жиддий фарқлантирадиган хусусиятларни бермаслик.

Агар аниқ товарлар ёки товар ишлаб чиқарилган мамлакат ҳусу-сида алоҳида шартлар айтилмаган бўлса, оддий қоида қўлланилади, унга мувофиқ дастлабки тўртта белгининг исталган биттаси даражасида ТИФ ТНда товар ўрни ўзгарган бўлса, товар етарли даражада қайта ишланган ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ёки транспорт шароитларига кўра, товарларни битта туркум қилиб жўнатишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли улар бўлиб-бўлиб ёки йиғилмаган ҳолда етказиб берилса, шунингдек, бир туркум товар нотўғри тақсимланиши натижасида бир неча туркумга бўлинган бўлса, уни ишлаб чиқарган мамлакатни аниқлашда бундай товарлар декларантнинг хоҳишига кўра, ягона товар деб қаралиши керак. Ушбу қоидани қўлланиш шарти қуйидагилардан иборат:

бўлакларга бўлинган ёки йиғилмаган товарнинг бир неча туркумга тақсимланганлигини, бундай тақсимлаш сабабларини, ТИФ ТНга кўра товарларнинг кодлари, ҳар бир туркумга кирадиган товарларнинг қиймати ва уларни ишлаб чиқарган мамлакатни кўрсатган ҳолда ҳар бир туркумнинг батафсил таснифини ЎЗР божхона органига олдиндан маълум қилиш;

товар бир неча туркумга нотўғри тақсимланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

барча туркумдаги товарларнинг битта мамлакатдан битта етказиб берувчи орқали юборилганлиги;

товарларнинг барча туркумлари битта божхона (божхона пости) орқали олиб кирилганлиги;

барча туркумдаги товарлар божхона декларацияси қабул қилинган санадан бошлаб ёки биринчи туркумга нисбатан уни топшириш муддати тугагач 6 ойдан кечиктирмай етказиб берилганлиги.

Товар мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилганига ишонч ҳосил қилиш учун ЎЗР божхона органи **товарнинг келиб чиқишига доир сертификатни** тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

ЎЗР божхона ҳудудидан товарларни олиб чиқиб кетиш вақтида товарнинг келиб чиқишига доир сертификат ваколатли орган томонидан берилади, башарти унинг зарурлиги тегишли контрактларда, товар олиб кириладиган мамлакатнинг миллий қоидаларида қайд этилган ва халқаро мажбуриятларда назарда тутилган бўлса.

ЎЗР божхона ҳудудига товар олиб кирилганида товарнинг келиб

чиқишига доир сертификат қуйидаги ҳолларда албатта тақдим этилади:<sup>1</sup>

— бож тарифи бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан преференция берилган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга;

— муайян мамлакатдан олиб кирилиши миқдорий чекловлар (квоталаш) орқали ёки ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бошқа чоралари орқали бошқариб туриладиган товарларга;

— агар бу нарса ЎЗР иштирокчи бўлган халқаро келишувларда, шунингдек атроф табиий муҳитни, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, Ўзбекистон истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ва жамоат тартиби, давлат хавфсизлиги ва ЎЗРнинг бошқа жуда муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ЎЗР қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса;

— божхонада расмийлаштиришга тақдим этилган ҳужжатларда товарлар қаерда ишлаб чиқарилганлигига доир маълумотлар бўлмаган ёки ЎЗР божхона органида товарни декларациялашда товарларнинг ишлаб чиқарилган мамлакатига доир нотўғри маълумотлар кўрсатилган деб тахмин қилишга асос бўлган ҳолларда.

Товарни божхонада расмийлаштириш чоғида божхона декларацияси ва бошқа ҳужжатлар билан бирга товарнинг келиб чиқишига доир сертификат ҳам тақдим этилади, у кўрсатилган товар тегишли мамлакатда ишлаб чиқарилганлигидан сўзсиз гувоҳлик бериши ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

жўнатилаётган товарнинг тегишли келиб чиқиш мезонларига мослиги ҳақида товар жўнатувчи томонидан берилган ёзма ариза;

сертификатда келтирилган товарларнинг ҳақиқийлиги тўғрисида товар олиб чиқиб кетилаётган мамлакатнинг сертификат берган ваколатли органининг ёзма гувоҳномаси.

Сертификат ёки ундаги маълумотларнинг, шу жумладан, товар ишлаб чиқарилган мамлакат ҳақидаги маълумотнинг тўғрилигига шубҳа туғилса, ЎЗР божхона органи қўшимча ёки аниқлик киритадиган маълумот беришини сўраб, ушбу сертификатни берган органга ёки сертификатда товар ишлаб чиқарилган мамлакат сифатида кўрсатилган мамлакатнинг ваколатли ташкилотларига мурожаат қилиши мумкин.

ЎЗР қонун ҳужжатлари ва (ёки) у иштирокчи бўлган халқаро келишувларга мувофиқ товарларини чиқариш мумкин бўлмаган мамлакатда ишлаб чиқарилган деб тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлгандагина ЎЗР божхона органи бундай товарни ЎЗР божхона чегарасидан чиқаришни рад этиши мумкин.

Тегисли тарзда расмийлаштирилган сертификат ёки товарнинг

1 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қаралсин.



келиб чиқишига доир маълумотлар тақдим этилмаганлиги товарни божхона чегарасидан чиқаришни рад этишга асос бўлмайди.

Қаерда ишлаб чиқарилганлиги аниқ белгиланмаган товарлар ЎЗР бож тарифининг энг юқори ставкалари бўйича бошлар тўлангач чиқарилади.

Божхонада расмийлаштириш амалга оширилганидан кейин узоғи билан бир йил ичида товарлар ишлаб чиқарилган мамлакат ҳақида тегишли гувоҳнома олинса, товарларга нисбатан энг кўп қулайлик бериш тартиби ёки преференциал режими қўлланилиши (қайта тикланиши) мумкин.

ЎЗР божхона ҳудудига учинчи мамлакатлардан олиб кириладиган, шунингдек ЎЗР ҳудудида жойлашган эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудидан олиб кириладиган товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари ЎЗР ҳукумати томонидан белгиланади.

Бож ундиришдан қуйидагилар озод қилинади:

— чет давлатлар вакиллариининг, ЎЗР қонун ҳужжатлари ёки ЎЗР халқаро келишувларига мувофиқ бож тўламасдан буларни олиб кириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг расмий ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланишга мўлжаллаб ЎЗР божхона ҳудудига олиб кириладиган ёки бу ҳудуддан олиб чиқиладиган буюмлар;

— ЎЗР қонун ҳужжатларига мувофиқ ЎЗР валютаси, чет эл валютаси (нумизматика мақсадлари учун ишлатилгандан ташқари), шунингдек қимматли қоғозлар;

— ЎЗР қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат мулкига айлантирилиши лозим бўлган товарлар;

— инсонпарварлик ёрдами сифатида, авариялар ва ҳалокатлар, табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида ЎЗР божхона ҳудудига олиб кириладиган ва ундан олиб чиқиладиган товарлар; бепул ўқув, даволаш ва мактабгача тарбия муассасалари учун мўлжалланган ўқув қўлланмалари;

— давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан бегараз ёрдам тариқасида ва (ёки) хайрия мақсадларида, шу жумладан техник ёрдам кўрсатиш тарзида ЎЗР божхона ҳудудига олиб кириладиган ва (ёки) ушбу ҳудуддан олиб чиқиладиган товарлар;

— учинчи давлатлар учун мўлжалланган ва божхона назорати остида ЎЗР божхона ҳудудидан транзит режимида олиб ўтиладиган товарлар;

— ЎЗР халқаро шартномаларига мувофиқ чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилган кредитлар ҳисобига ЎЗР божхона ҳудудига олиб кириладиган ускуналар, шу жумладан машиналар, механизмлар, шунингдек тегишли ускунани

етказиб бериш комплектига кирадиган материаллар ва бутловчи буюмлар (акцизга тортиладиганларидан ташқари);

Умуман бож тўлашдан озод этиш ЎзР халқаро шартномаларида кўзда тутилган ҳоллардагина амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларида:

ЎзР билан бирга эркин савдо зонаси ёки божхона иттифоқини ташкил қилган ёхуд шундай зона ёки иттифоқ тузиш мақсадини кўзловчи битимни имзолаган давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга;

ЎзР ҳукумати томонидан белгиланадиган, вақти билан, лекин кўпи билан беш йилда бир маротаба кўриб чиқиладиган ЎзР миллий преференциялар тизимидан фойдаланувчи ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан бож тўлашдан озод этиш, бож ставкаларини камайтириш ёки преференциал тартибда товар олиб киришга (олиб чиқишга) тариф квоталари белгилаш каби преференциялар белгиланишига йўл қўйилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон божхона ҳудуди доирасида савдо сиёсатини амалга ошириш чоғида қуйидаги товарларга нисбатан илгари тўланган божни қайтариш, бож ставкаларини пасайтириш ва бождан озод этиш кўринишида тариф имтиёзларини беришга йўл қўйилади:

тегишли божхона режимлари доирасида божхона назорати остида ЎзР божхона ҳудудига олиб кириладиган ва (ёки) ундан олиб чиқиладиган товарлар;

ЎзР қағнашадиган ҳукуматлараро келишувларга мувофиқ ҳоррижда инвестиция ҳамкорлиги объектларининг қурилиши учун комплект етказиб беришлар таркибида олиб чиқиладиган товарлар;

ЎзР божхона ҳудудидан ЎзР қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган, республиканинг давлат эҳтиёжлари учун экспортга етказиб беришлар ҳажмида олиб чиқиладиган товарлар;

ЎзР божхона ҳудудига чет эл инвестициялари ишгирокидаги корхоналар ва чет эл корхоналарининг устав фондларига улуш сифатида олиб кириладиган товарлар, шунингдек ЎзР қонунларига мувофиқ ЎзР ҳукумати ёки у ваколат берган давлат органи томонидан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги келишувларда кўзда тутилган ҳолларда ёки чет эл инвестицияларини қоплаш даври мобайнида ана шу корхоналар олиб чиқадиган товарларнинг айрим турлари.

Божхона божларидан ташқари барча мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида, товарларни олиб кириш пайтида турли йиғим ва солиқлар ундирилади. Уларнинг баъзилари импорт қилинаётган давлат ички бозоридаги рақобат шарт-шароитини бараварлаштиради, чунки мамлакатда ишлаб чиқарилган худди шун-

1 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қаралсин.

дай товарлардан билвосита солиқлар олинади, бошқалари протекцион тусга эга (мамлакатнинг саноат тармоқларини ҳимоя қилади), яна бирлари фискал мақсадларни кўзлайди, тўртинчилари хўжаликнинг алоҳида секторларини молиялаш учун (экспортни рағбатлантириш, портларни таъмирлаш ва ҳоказо), бешинчилари божхона аппаратини тутиб туриш учун ундирилади.

Товарлар олиб кирилганида қўшимча солиқ ва йиғимларнинг умумий суммаси кўпинча бож тарифида белгиланган ундириладиган божлар суммасидан ошиб кетади, бунинг устига баъзи йиғимлар қатъий белгиланган ставкаларга эга эмас, конъюнктуранинг ҳолатига ва ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ ҳолда ундирилади, бу эса экспортчини импорт қилувчи мамлакатда юкни божхонада расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар тўғрисида олдиндан тасаввур ҳосил қилиш имкониятидан маҳрум қилади.

## **2.6. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг маъмурий (тарифсиз) чора-тадбирлари**

**Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг тарифсиз чора-тадбирлари** — давлатлар ўртасидаги эркин савдони қийинлаштирадиган ёки чеклайдиган, **иқтисодий, маъмурий ва техник тусдаги** (бож тарифидан ташқари) **чора-тадбирлар мажмуасидир**. Ушбу мажмуага квоталаш; лицензиялаш; икки томонлама аҳамиятга эга товарлар ва технологиялар экспорти устидан назорат киради.

Экспорт ва импортни квоталаш муайян муддатга алоҳида товарлар (ишлар, хизматлар), мамлакатлар ёки мамлакатлар гуруҳлари бўйича олиб чиқиш ва олиб киришга миқдорий ёки қиймат чекловларидан иборатдир. Халқаро савдода квоталаш бунинг иқтисодий, сиёсий шароитлар ёки тўлов муносабатларининг ҳолати тақозо этган ҳолларда қўлланилади. Ички бозорда талаб ва тақлиф регулятори сифатида фойдаланилади. Чет эллик савдо шерикларининг камситув ҳаракатларига жавоб чораси сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин. Бир қатор мамлакатларда тариф квоталари ҳам мавжуд, бунда импорт қилинувчи товарларга улар қиймати ёки миқдори доирасида оддий ҳажмдаги бож солинади, белгиланган чекловлар ошиб кетганида товарларга нисбатан божларнинг оширилган ставкалари қўлланилади.

Барча мамлакатларда импортни, хусусан, уни тақиқлаш, миқдорини лимитлаш, лицензиялаш, божхона органларининг фармойишлари, етказиб берувчиларга бошқа мажбурий талабларни изҳор этиш йўли билан тартибга солишнинг турли маъмурий воситаларидан фойдаланилади.

Чунончи, савдони тўлиқ тақиқлаш билан бир қаторда (у одатда

БМТ қарорига кўра бўлади) кўп мамлакатлар кишилар ҳаёти ва саломатлиги, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш манфатларини кўзлаб, ахлоқ ва диний қонун-қоидалардан келиб чиқиб муайян товарларни олиб киришга қисман тақиқлар белгилайди. Шартли тақиқ ҳам қўлланилади: агар етказиб берувчи ҳокимият органларининг муайян кўрсатмаларига амал қилмаса, импортга рухсат берилмайди. Доимо амал қиладиган тақиқлардан ташқари мавсумий ва вақтинча чоралар қўлланилади. Импортни очиқдан-очиқ тақиқлаш билан бирга пардаланган тақиқ ҳам қўлланилади, масалан, чет эл кемаларининг мамлакат ички сувларига кириши тақиқланади.

«Квоталаш (кенг қамровли, якка тартибдаги, тарифли, мавсумий ва ҳаказо)» шаклидаги импортни анъанавий миқдорий чеклашларга қўшимча сифатида уларнинг нисбатан янги шакли — янада қаттиқроқ тақиқлаш чораларини қўллаш таҳдиди билан ҳақиқатда тикиштирилладиган: етказиб беришларнинг ўзини ўзи «ихтиёрий» чеклаши кенг тарқалди. Бундай ўзини ўзи чеклаш етказиб беришларни қисқартириш, уларнинг йиллик ўсишини камайтириш ёки нархларни ошириш кўринишида татбиқ қилинади.

Лицензиялаш ҳам кўп тур-хилларга эга, бунинг устига ривожланаётган мамлакатларда кўпинча импортга рухсат импортчининг муайян муқобил ҳаракатларида тезроқ берилади, масалан, у маҳаллий маҳсулотни сотиб олиш ёки мамлакатда тайёрланган товарларнинг бир қисмини ташқи бозорда сотиш мажбуриятини олганида.

Импорт товарларига доир махсус талаблар, биринчи навбатда хавфсизлик ва экология меъёрларига нисбатан талаблар муҳим роль касб этади, бунда ушбу талабларнинг бажарилиши тасдиқловчи ҳужжатларни берадиган ёки уларни беришдан бош тортадиган назорат қилувчи муассасалар тизими билан таъминланади.

Хавфсизлик қоидалари алоҳида эътиборга лойиқ, чунки улар одатда мажбурий қоидалар ҳисобланади ва, бундан ташқари, истеъмолчига товар нуқсонли экани билан зарар етказилиши кейинчалик етказиб берувчи учун катта харажатларга сабаб бўлиши мумкин. Бу нарса аввало автомобиль ва мотоциклларга, замонавий хиллари жуда кўп бўлган маиший электротехникага, тиббиёт асбоблари, дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотларига тааллуқлидир.

Кўпгина мамлакатларда истеъмолчиларнинг манфаатларини муҳофаза қиладиган ва уларни бузганлик учун қаттиқ жазо чораларини кўзда тутадиган қонунлар қабул қилинган. Хусусан, ЕИ мамлакатларида барча истеъмол товарларини етказиб берувчилар савдо тармоғига кишилар ҳаёти ва саломатлигига таҳдид туғдирмайдиган (туғри фойдаланганда, бошқа товарларга ва истеъмолчиларнинг муайян тоифалари, масалан, болалар учун эҳтимол бўлган таъси-

рида) буюмларнигина чиқаришлари шарт. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу директивага мувофиқ тайёрловчи йўриқномаларда, тамғалаш пайтида, ёрлиқларда харидорни унинг буюмини истеъмол қилиш билан боғланган барча эҳтимолий хатарлардан хабардор қилиши керак.

1993 йилда ЕИ учинчи мамлакатлардан олиб кириладиган товарларнинг хавфсизлик қоидаларига мувофиқлиги устидан назорат қилиш тўғрисида махсус ҳужжат қабул қилди. Унинг асосида ЕИ ташқи чегараларида амалга ошириладиган ана шундай товарларнинг божхона органлари томонидан махсус текшируви белгиланди. Божхона органларига ана шу нуқтаи назардан шубҳали туюлган ёки товарга илова қилинувчи ҳужжатларга, зарур ахборотга эга бўлмаган товарларни тутиб қолиш ҳуқуқи берилди. Товарларни етказиб берувчиларнинг ўзлари собиқ буюмлари ва «истеъмол» чиқиндиларини тутатиш тўғрисида ташвиш чекишлари керак бўлади. Натижада товарларни енгиллаштирган ҳолда, хусусан, иккиламчи қайта ишлаш йўли билан утиллаштириш мумкинлиги қўп товарлар импортчиларига қўйиладиган янги талаблардан бирига айланмоқда. Айна шу сабабли реклама родини ўйнайдиган муайян рамзлар («яшил дельфин», «ҳаворанг фаришта», «оппоқ оққуш» ва ҳоказо) кўринишида экологик жиҳатдан «дўст» товарлар ўрамида махсус «эко-маркировка» юзага келди ва кенг ёйилди.

Фарбий Европа мамлакатлари қишлоқ хўжалик товарларини, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш пайтида радиоактивликнинг йўл қўйиладиган миқдорлари борлигига доир сертификатларни талаб қиладилар. 1995 йилдан бошлаб бу мамлакатлар фармацевтика маҳсулотини олиб киришга доир талабларни қаттиқлаштирдилар.

Бир қатор мамлакатларга тирик моллар ва тўшт маҳсулотларини олиб кириш пайтида фермерлар ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган гормонларни қўлламаганликлари тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим. Озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш пайтида баъзан бўяш моддалари, ширин қилувчи моддалар, бошқа қўшимчаларга чеклашлар белгиланади.

Товарларни тамғалаш ва ёрлиқ ёпиштиришга доир турли мажбурий талаблар ҳам экспорт йўлида тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, АҚШда импорт қилинадиган товарлар инглиз тилида, сотиш пайтига қадар аниқ, ўчириб бўлмайдиган ва ювса кетмайдиган ёзувлар билан тамғаланиши керак. Канадада ўрамдаги ёзувлар ҳам аниқ ва тушунарли, лекин энди икки расмий тилда — инглиз ва француз тилларида бўлиши шарт. Швецияда озиқ-овқат товарлари ва дори-хона маҳсулотлари учун ўрамда уларнинг таркиби швед ва фин тилларида кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни квоталаш ва лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларига биноан белгиланган.

Мамлакатимизда экспорт ва импорт миқдорий чекловларсиз амалга оширилади. Ушбу чекловлар фақат фавқулодда ҳолларда ЎЗР ҳукумати томонидан: ЎЗР миллий хавфсизлигини таъминлаш, ЎЗРнинг халқаро мажбуриятларини бажариш; ЎЗР ички товар бозорини ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилади.

Миқдорий чекловларни белгилаш пайтида квоталарни тақсимлаш ва лицензиялар берилиши, одатда, танлов, аукцион ўтказиш йўли билан ёки Ўзбекистон ТИАВ томонидан тайёрловчи ташкилотларга имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилиши билан экспорт ва (ёки) импортга доир операцияларни ҳақиқатда квотани суммар ижросига қадар ўтказиш тартибида амалга оширилади.

Танлов ва аукционлар ЎЗР ҳукуматининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан миқдорий чекловлар жорий этилишида экспорт ва импорт квоталарини сотишга доир танлов ва аукционларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади.

Танловни экспорт ва импорт квоталарини сотишга доир танлов ва аукционларни ўтказишни ташкил этувчи идоралараро комиссия (Комиссия) ўтказди.

Умумий квота ва квота мавжуд.

**Умумий квота** ЎЗР ҳукумати томонидан жорий этиладиган экспорт ва импортнинг миқдорий чекловларини ўз ичига олади.

**Квота** ЎЗР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Ўзбекистон ТИАВ билан келишган ҳолда белгилайдиган ҳамда танлов ёки аукционда жойлаштириш ва сотиш мақсадида Комиссияга етказиладиган умумий квотанинг бир қисми (улуши)дир.

Танловлар очиқ ва ёпиқ бўлади.

**Очиқ танлов** — ташқи савдо фаолиятининг ҳар қандай иштирокчилари иштирок эта оладиган танловдир. Комиссиянинг қарорига кўра очиқ танлов олдиндан баҳолаш билан ўтказилиши мумкин. Олдиндан баҳолаш дейилганида очиқ танловда иштирок этиш учун амалий иш тажрибасига ва очиқ танловга қўйиладиган товар самарали экспорти ёки импортининг имкониятларига эга бўлган даъвогарларни танлаш тушунилади. Олдиндан баҳолаш Комиссия томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ўтказилади.

**Ёпиқ танлов** — Комиссиянинг расмий таклифномасини олган, ташқи савдо фаолиятининг ўзбекистонлик иштирокчилари қатнаша оладиган танловдир.

Танловни ўтказиш шакли тўғрисидаги қарорни Комиссия қабул қилади.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

танлов мавзуини белгилаш;

танловни ўтказиш шаклини белгилаш;

танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонни тайёрлаш ва танловни ўтказиш санасидан камида 30 кун аввал уни матбуотда эълон қилиш;

ёпиқ танловнинг бўлғуси иштирокчиларини белгилаш ва уларга таклифномаларни юбориш;

очиқ танловда иштирок этишга киритиш учун даъвогарларни олдиндан баҳолашни ўтказиш мақсадида йўл-йўриқ материалларини тузиш;

танлов ҳужжатларини тайёрлаш ва уни даъвогарлар ўртасида тижорат шартларида тарқатиш;

танлов таклифларини даъвогарлардан қабул қилиш. Танлов таклифига даъвогарнинг танловда иштирок этиш нияти жиддийлигидан гувоҳлик берувчи ва танлов шартлари бажарилишини таъминлайдиган сўзсиз ва қайтариб олинмайдиган бай пули танлов иштирокчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси ТИАВ махсус ҳисобварағига киритилганини тасдиқлайдиган банк кафолатномаси ёки тўлов ҳужжати илова қилиниши керак. Бай пулининг ҳажмини Комиссия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган Ўзбекистон Республикаси ТИАВ таклифига кўра белгилайди. Агар ғолиб келишувни танлов таклифида баён этилган шартларда тузишдан бош тортса, бай пули қайтарилмайди ва агар у таклифни уни қабул қилдиш муддати тугаганидан кейин чақириб олса, бай пули танлов иштирокчисига қайтарилмайди;

дастлабки баҳолашнинг жорий этилиши;

танловга келиб тушган таклифларни баҳолаш ва танлов ғолибларини аниқлаш;

танлов ғолиби билан квотани сотиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги келишувни имзолаш.

Банкрот бўлган даъвогарлар, шунингдек ўзи ҳақида нотўғри маълумотларни хабар қилган даъвогарлар танловда иштирок этишга қўйилмайди.

Танлов таклифи ўз ичига танлов ҳужжатларини, шунингдек танлов иштирокчиси тўғрисидаги маълумотларни оладиган ҳужжатларни олади.

Танлов ҳужжатларига қуйидагилар киради:

— танловни ўтказиш тўғрисидаги йўриқнома, унда танлов таклифларини тайёрлаш ва қабул қилиш, уларни баҳолаш, танлов ҳужжатларини олиш, конвертларни очиш, танлов натижаларини

Эълон қилиш ва танлов ғолиби билан музокаралар юритиш тартиби баён қилинади;

— ҳужжатларнинг техник қисми, унга доир квота танлов иштирокчиларига таклиф этиладиган товар спецификациясидан иборат;

— ҳужжатларнинг тижорат қисми, у товар нархи, етказиб бериш ва тўлов шартлари, тўловлар графиги, битимни молиялаш манбалари, товарни етказиб беришлар самарадорлиги ҳисоб-китоблари ва республика бюджетига чегирмалар ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Танлов таклифлари фақат муҳрланган, устма-уст солинган конвертларда қабул қилинади. Устки конвертда илова қилинган хат ва банк кафолатномаси (тўлов ҳужжати), ички конвертда эса танлов таклифининг ўзи солинган бўлади.

Танлов таклифларини қараб чиқиш пайтида қуйидагилар танлаб олишнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

республика бюджетига тушумлар ва тўловларни киритиш муддатлари ва миқдори;

республика бюджети олдида тўлови кечиктирилган қарзларнинг йўқлиги;

танлов шартларини бажариш кафолатлари;

танлов иштирокчисининг мазкур товар билан ташқи савдо соҳасида ишлаш тажрибаси.

Тақдим этилган таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича афзаллик квотани ЎзР учун энг фойдали иқтисодий шартларда рўбга чиқаришга қобил бўлган ташқи савдо иштирокчиларига берилади.

Агар:

танловга иккитадан кам танлов таклифи келиб тушган бўлса;

банк кафолатномалари ёки тўлов ҳужжати бўлмаса ва танлов таклифлари товарнинг экспорти ёки импортида бюджетнинг самарадорлиги талабларига жавоб бермаса;

ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар нотўғри бўлса, танлов ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Квоталарнинг аукционда сотилишини Ўзбекистон товар биржалари ушбу биржалар билан Ўзбекистон Республикаси ТИАВ ўртасида тuzилган ҳамкорлик тўғрисидаги келишув асосида амалга оширади.

Аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш пайтида:

биржаларнинг аукцион иштирокчилари ўртасидаги рақобатни чеклашга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштиришлари тақиқланади;

аукционнинг барча иштирокчилари уни ўтказишни бошлашга қадар аукцион қоидалари билан мақбул муддатда таништирилишлари керак;



иштирокчилар таркибидан аукционда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни чиқариш аукционни ўтказиш қоидалари бузилган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин;

аукцион иштирокчиларининг ҳеч бирига имтиёзли шароитлар, шу жумладан махфий сақланадиган ахборотга эга бўлиш ва аукционда иштирок этганлик учун ҳақни камайтириш бўйича, яратиб берилиши мумкин эмас.

Аукционда камида 3 иштирокчи (шахс ёки шахслар гуруҳи) иштирок этиши керак. Бир иштирокчи битта аукционнинг боришида сотишга қўйиладиган квота ҳажмининг 35 фоизидан ортигини сотиб олиши мумкин эмас.

Аукцион ғолиби ва биржа раҳбарияти аукционни ўтказиш кунда унинг натижалари тўғрисида шартнома кучига эга бўлган баённомани имзолайдилар. Аукцион ғолибига Ўзбекистон Республикаси ТИАВ ўзининг вакили орқали савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 банк кунидан ортиқ бўлмаган муддатга лот аукцион қийматининг тўлангани тўғрисидаги банк тасдиқномаси асосида сертификат беради.

**Сертификат** — аукцион ғолибига квоталанадиган ва лицензияланадиган товарларнинг экспорти ёки импортига лицензия олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатдир.

Импорт ва экспорт пайтида квоталашга гиёҳвандлик воситалари, кучли таъсир этадиган ва заҳарли моддалар тушади, улар ЎЗР ҳукумагининг қарорига мувофиқ квоталанади.

Товарлар импорти пайтида квоталашга этил спирти ва ароқ (Қукумат қарори), шунингдек порох, порглайдиган моддалар, порглаш воситалари ва пиротехник буюмлар тушади.

Товарлар экспорти пайтида квоталашга ЎЗР халқаро мажбуриятларига мувофиқ ЕИ мамлакатларига юбориладиган тўқимачилик товарлари (ип ва калавалар, эркаклар, аёллар, болаларнинг устки ва ички кийимлари, чойшаблар, қалин рўмоллар, ёстиқ жилдлари, сочиқ ва дастурхонлар, бошқа тайёр тўқимачилик буюмлари) киради.

Тўқимачилик товарлари экспортига квота ЎЗР билан ЕИ ўртасидаги келишув билан белгиланади. Квота ҳар йили тузилади ва Ўзбекистон Республикаси ТИАВ билан ЕИК ўртасидаги музокаралар бўйича белгиланади. Тўқимачилик товарларининг бошқа мамлакатларга экспорти квоталанмайди ва лицензияланмайди. Квоталарни етказиш бўйича ишлаш тартиби, шунингдек аризаларни қабул қилиш ва квоталанадиган товарлар экспортига лицензиялар бериш тартиби тегишли йўриқномалар билан белгиланади.

Квоталанадиган товарни олиб чиқиш ёки олиб киришга доир ҳуқуқ лицензия билан тасдиқланиши керак.

**Лицензия** расмий ҳужжат бўлиб, белгиланган муддат давомида экспорт ёки импорт операцияларини амалга оширишга рухсат беради. Экспорт учун товарни юклаш экспорт лицензияси расмийлаштирилганидан кейин амалга оширилади.

**Лицензиялаш** ЎзР ҳукуматининг қарори билан тасдиқланган ЎзРда товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ва импортини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўтказилади. Лицензияланадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини ЎзР қонун ҳужжатлари белгилайди. Лицензия берилишини Ўзбекистон Республикаси ТИАВ ўзининг минтақалардаги вакиллари орқали амалга оширади.

Лицензияни расмийлаштириш учун аризачи қуйидагиларни тақдим этади:

ариза;

контрактнинг кўчирма нусхаси;

агар воситачи аризачи сифатида иш юритса, экспортчи (импортчи) билан товар ишлаб чиқарувчиси (истеъмолчиси) ўртасидаги шартноманинг кўчирма нусхаси;

таъсис ҳужжатларининг кўчирма нусхалари;

рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларининг кўчирма нусхалари (юрidik шахслар учун — рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва солиқ органининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси, фуқаролар учун — яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома);

уларга nisбатан экспорт ёки импортнинг алоҳида тартиби амал қиладиган айрим товарлар турлари бўйича Республика ижроия ҳокимияти органининг қарори;

зарурат бўлганида Республика ижроия ҳокимияти органларининг муайян фаолият турларини амалга оширишга рухсатномаси;

экспорт ёки импортнинг миқдорий чекловлари белгиланган тақдирда лицензияни расмийлаштириш учун асос ҳисобланадиган, Ўзбекистон Республикаси ТИАВ экспорт ва импорт квоталари ёки сертификатларини сотишга доир танловлар ва аукционларни ўтказишни ташкил этиш бўйича идоралараро комиссия баённомасидан кўчирма.

Аризачи тақдим этадиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ТИАВда рўйхатга олинади. Лицензияни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза олинган кундан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

Лицензиялар ТИФ ТНга мувофиқ товарнинг ҳар бир турига расмийлаштирилади.

Лицензиялар бир галги ва бош лицензиялар бўлади.

**Бир галги лицензия** бир контракт бўйича экспорт ёки импорт

операциясини амалга ошириш учун лицензия берилган санадан бошлаб 12 жорий ойга қадар муддатга берилади.

«Сезгир» товарлар ва икки хил вазифали технологиялар экспортига бир галги лицензиянинг амал қилиш муддати ҳар бир ҳолда аниқ экспорт операциясининг шартларидан келиб чиқиб белгиланади.

**Бош лицензия** экспорт ёки импорт қилинадиган товарнинг ҳар бир тури учун унинг миқдори ва қийматини товарнинг аниқ харидори ёки сотувчисини белгиламасдан кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади. ЎзР ҳукуматининг қарори бош лицензияни бериш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ТИАВ ариза нотўғри расмийлаштирилганлиги; ишлаб чиқариладиган экспорт ёки импорт маҳсулоти тўғрисида ишончсиз маълумотлар берилганлиги; контрактга ЎзР иқтисодий манфаатларига зарар етказадиган шартларнинг киритилганлиги сабабларига биноан лицензия беришни рад этиши мумкин. Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ёзма шаклда ҳам асослаб берилиши керак.

Лицензия эгаси лицензиянинг асл нусхасини рўйхатга олиш жойидаги ЎзР божхона органига юборади. Лицензия лицензияландиган товарлар (ишлар, хизматлар) божхона расмийлаштирувини ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ТИАВ лицензиянинг амал қилиш шартлари ёки ЎзР қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, шунингдек лицензия эгаси тақдим этган аризага биноан берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки уни бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

**УЧИНЧИ БОБ****ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ****3.1. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари**

Ўзбекистонлик тадбиркор ўз ташқи иқтисодий фаолиятини хорижлик шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатиш ёки воситачилик орқали амалга ошириши мумкин.

Бевосита экспорт ва импорт ташқи савдо операцияларининг каттагина қисмини ташкил этади, чунки у бир қатор афзалликларга эга: чет эллик шериклар билан бевосита алоқани йўлга қўйиш, жаҳон бозори шарт-шароитини ўрганиш, ўз ишлаб чиқариш дастурларини жаҳон бозорининг талаб ва таклифларига тезроқ мослаштириш имконини беради. Ташқи бозорга чиққан ўзбекистонлик тадбиркорлар айрим тадбиркорлар билан ҳам, корпорация билан ҳам бевосита алоқага кириши мумкин.

Чет эл фирмалари хўжалик фаолиятига, бажараётган операциялари характерига; мулк шаклига; ҳуқуқий мавқеига қараб турларга бўлинади. Бирор-бир фирмани муайян тармоққа киритишнинг асосий мезони бўлиб, мазкур фирманинг операциялари умумий ҳажмида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки хизматларнинг энг кўп ҳиссаси олинади. Фирмани транспорт, савдо-воситачилик, сайёҳлик, молия, суғурта ва бошқа фирмаларга киритишда ҳам ушбу қоидадан фойдаланилади.

Фирманинг фаолиятнинг бирор-бир тармоғи ёки соҳасига ман-сублигини аниқлаш улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари, фойдани солиққа тортиш, инвестиция имтиёзлари ва ҳоказо қоидалар нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Ташқи иқтисодий фаолиятда савдо-воситачилик фирмалари ва дистрибьюторлик келишувлари, шартномалар, топшириқлар, комиссиялар, консигнациялар, агентлик келишувлари асосида амалга ошириладиган воситачилик операциялари катта роль ўйнайди.

Бажарадиган операциялари характерига боғлиқ ҳолда фирмалар савдо, комисион, агентлик ва брокерлик фирмаларига бўлинади.

**Савдо фирмалари** операцияларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан амалга оширади. Улар икки хил бўлади: мустақил савдо воситачилари; шартнома бўйича савдо қилувчилар. **Мустақил савдо воситачилари** товарлар туркумини харид қилишга доир контракт тузди-лар, сўнгра уларни ўз хоҳишларига қараб исталган бозорда ва исталган нарҳда сотадилар. Одатда улар ўз омборлари ва транспор-

ти бўлган йирик фирмалардир. Кўпинча бундай фирмалар улгуржи операцияларни амалга оширади ва чакана савдо билан шуғулланмайди.

**Шартномалар бўйича савдо қилувчилар** продуцент фирма билан унинг товарларини кўрсатилган шартларда, маълум нарх ва муайян ҳудудда келишилган муддат мобайнида сотишга доир шартномалар тузадилар.

**Продуцент** (лотинча *producent* — ишлаб чиқарувчи) — муайян товарни ишлаб чиқарувчи (хусусий шахс, корхона, мамлакат).

Шартнома эксклюзив, яъни товарлар (хизматлар)нинг чекланган доирасига татбиқ этиладиган мутлақ тусда бўлиши мумкин. Бундай фирмалар одатда дистрибьютор ёки дилер деб аталади.

Оммавий маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмалар одатда чакана ёки майда улгуржи сотиш билан шуғулланмайди. Улар воситачилар билан ўз маҳсулотини сотишга доир шартномалар тузадилар.

Харидорга бундай фирманинг расмий дистрибьютори билан келишиш фойдалироқ, чунки қолган барча воситачилар олиб сотувчилар бўлиб, тегишлича нархларни ҳам оширадилар.

**Дистрибьютор** битимларининг моҳияти шундан иборатки, воситачи-дистрибьютор товарларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан харид қилади, уларни харидорга ҳам ўз номи ва ўз ҳисобидан қайта сотади.

Дистрибьютор ўзининг савдодаги шериги билан воситачилик келишуви орқали боғланган, унда товарлар номенклатураси, унинг фаолият ҳудуди, шунингдек дистрибьюторнинг бозорни ўрганиш, сотиш тармоғини барпо этиш, сотилаётган маҳсулотга техник хизмат кўрсатиш, реклама юритиш ва ҳоказолар бўйича мажбуриятлари белгиланган.

Топшириш шартномасига кўра ишончли шахс ишончнома берувчининг номи ва ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, ишончнома берувчи ишончли шахсга ҳақ тўлаши керак. Ишончнома берувчи топшириқни бекор қилишга, ишончли вакил эса ҳар қандай вақтда ундан бош тортишга ҳақлидир. Бироқ агар ишончли вакил ишончнома берувчи ўз манфаатларини бошқача таъминлаш имкониятидан маҳрум бўлган шароитларда шартномадан воз кечса, ишончли вакил унга шартноманинг бекор қилиниши етказган зарарларни тўлаши шарт. Шартнома ишончнома берувчи томонидан бир томонлама бекор қилинган тақдирда унинг зиммасига ишончли вакилга қилинган чиқимларни қоплаш ва бажарилган ишга мутаносиб равишда ҳақ тўлаш мажбурияти юкланади.

Комиссия шартномасига кўра коммиссионер комитентнинг топ-

ширигига кўра ҳақ эвазига ўз номи ва комитент ҳисобидан битта ёки бир нечта битимни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**Комиссионерлар** — ўз номидан, лекин комитент миқоз ҳисобидан ва унинг манфаатларини кўзлаб товарлар олди-сотдисига доир операцияларни амалга оширадиган фирмалардир. Бу фирмалар, савдо фирмаларидан фарқли равишда, продуцентлардан товар сотиб олмайди.

**Комитент** (лотинча *commitentum* — топширувчи) — бошқа шахсга (комиссионерга) комиссионер номидан, лекин комитент ҳисобига битим тузиш топширигини берадиган юридик ёки жисмоний шахс.

**Комиссионер** — савдо битимларидаги воситачи, яъни комиссион ҳақ (бонус) ёки комиссия деб аталадиган муайян ҳақ эвазига савдо топшириқларини бажарадиган шахс. Комиссионер учинчи шахс билан амалга оширган битимлар бўйича комиссионер билан учинчи шахс ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади, бироқ комиссионер, агар тарафларнинг келишуввида бошқа нарса белгиланмаган бўлса, комиссионер комитент ҳисобига амалга оширган битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилиши учун комитент олдида жавоб бермайди.

Комиссионер товарни сотиб, харид қилиб ёки алмаштириб, унинг мулкдорига айланмайди. Товарнинг эгаси комитент ҳисобланади.

**Консигнация** — комиссия операцияларнинг бир туридир. Консигнация (лотинча *consignatio* — ёзма исбот, ҳужжат) — савдо комиссияси шартномасининг тури бўлиб, унга кўра комитент (консигнант) комиссионерга (консигнаторга) сотиш учун комиссионер омборидан (консигнацион омбордан) товар беради. Консигнацион омбордан товар чиқариш учун доимо божхонанинг рухсати ва назорати тақозо этилади. Товарларни консигнацияга етказиб бериш харидорга товар билан бевосита консигнатор омборида танишиш, унинг хоссаларини текшириш ва ҳоказолар учун имконият яратади.

Консигнация битимларида воситачи — консигнатор сотувчи-консигнант томонидан воситачининг омборига етказиб берилган товарни ўз номидан сотади. Консигнация битимлари одатда оммавий ва туркумли тусдаги товарларни сотиш чоғида қўлланилади. Консигнация келишуви шундай муддатга имзоланадими, воситачи-консигнатор товарни консигнантга ана шу вақт мобайнида сотиш мажбуриятини олади.

Халқаро амалиётта биноан консигнатор томонидан белгиланган муддат мобайнида сотилмаган товарнинг ҳаммаси консигнантга унинг ҳисобидан қайтарилиши мумкин. Консигнация шартно-

масининг амал қилиш муддати одатда ҳар бир товар туркумини сотиш муддатидан ошмайди.

Товарни сотаркан, консигнатор одатда консигнантнинг сотиш нархларига муносабати билан боғланган бўлади.

**Агентлик фирмалари ёки агентлар** — мижозларни излайдиган, продуцент фирмалар манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳамда улар номидан ва улар ҳисобига фаолият кўрсатувчи фирмалардир. Агентлаштириш — шартнома муносабатларининг жаҳон амалиётида кенг тарқалган туридир.

Агентга ишончнома бўйича ташқи иқтисодий контрактни имзолаш ҳуқуқи берилиши мумкин. Агентлик муносабатлари ҳар доим шартнома билан расмийлаштирилади.

Халқаро авиаташишлар соҳасида агентлик шартномаларини қўллаш анъанага айланган. Кўпинча ҳатто ўз ҳаво кемаларига эга бўлмаган, юк оқимлари тўғрисидаги ахборотни олишга ихтисослашган ва юк жўнатувчи билан юкларни ташиш билан шуғулланадиган авиакомпаниялар ўртасидаги алоқани таъминлайдиган халқаро агентликлар мавжуд. Шартноманинг моҳиятига боғлиқ ҳолда транспорт агентликлари ўз номидан ёки юк жўнатувчи номидан юкларни ташиш учун авиакомпанияни излашга доир агент ролида чиқиши мумкин.

Реклама фаолиятида агентлаштириш кенг ривожланган. Реклама фирмалари оммавий ахборот воситалари номидан уларда реклама берувчиларнинг материалларини жойлаштириш бўйича агентлар бўлиб иш юритади.

Савдо соҳасида комиссия шартномалари бўйича товарларни сотиш билан бир қаторда агентлик шартномалари ҳам қўлланилади.

Агентлик шартномаси бўйича бир тараф (агент) бошқа тарафнинг (принципалнинг) топшириғига кўра, ўз номидан, лекин принципал ҳисобидан ёки ўз номидан ва принципал ҳисобидан юридик ва бошқа ҳаракатларни ҳақ эвазига амалга ошириш мажбуриятини олади.

Агент учинчи шахс билан ўз номидан ва принципал ҳисобидан амалга оширган битим бўйича, гарчи принципал битимда айтилиши ёки учинчи шахс билан битимни бажаришга доир бевосита муносабатларга кириши мумкин бўлсада, агент ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Агент учинчи шахс билан амалга оширган битим бўйича мажбуриятлар бевосита принципалда пайдо бўлади.

Агентлик шартномаси муайян муддатга ёки унинг амал қилиш муддатини кўрсатмасдан тузилиши мумкин.

Принципал агентга шартномада белгиланган миқдор ва тартибда тўлаши шарт бўлган агент ҳақи агентлик шартномасининг мажбурий қисми ҳисобланади. Агент ҳақининг миқдори аниқ бел-

гиланган сумма кўринишида ёки битим суммасига фоиз нисбатида белгиланади.

Агар агентлик шартномасида агент ҳақи назарда тугилмаган ва уни шартнома шартларидан келиб чиқиб белгилаб бўлмаса, шартномани бажарганлик учун ҳақ қийсладиган ҳолатларда шунга ўхшаш товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинadиган нарх бўйича тўланиши керак. Агентлик шартномасини бажариш давомида агент принципалга шартномада назарда тугилган шартларда ҳисоботларни тақдим этиши шарт. Ҳисоботлар агентлик шартномасини бажариш пайтида ёки унинг амал қилиши тугагач тақдим этилиши мумкин. Ҳисоботда агент принципал ҳисобига амалга оширган харажатлар асосли равишда тасдиқланиши керак. Агентлик шартномасини бажариш учун принципалдан агент ҳисобварағига битимни амалга ошириш учун зарур пул маблағларининг бутун суммаси ёки уларнинг агент ҳақига тенг қисмигина ўтказилиши мумкин.

Тегишли тарзда биринчи ҳолатда агентлик шартномаси «ҳисобкитобларда иштирок этиш билан», иккинчи ҳолатда эса — «ҳисобкитобларда иштирок этмасдан» деб шартли равишда номланиши мумкин. Мазкур ҳолатга боғлиқ ҳолда агентлик шартномаларида молия-ҳўжалик операцияларини акс эттириш ўз хусусиятларига эгадир. Оддий воситачилик битимлари брокерлар иштирокида амалга оширилади, брокерлар сотувчилар ва харидорлар билан шартномалар бўйича уларга контрагентларни излайдилар.

**Брокерлик фирмалари** — шундай фирмаларки, улар олди-сотди шартномаси тарафларидан бирининг вакили ҳисобланмайди. Уларнинг асосий вазифаси ўзаро шартнома тузадиган шерикларни топшидир. Шерикларни бир-бири билан учраштиргани учун брокер брокерлик ҳақи олади.<sup>1</sup>

Ҳар бир фирма муайян ҳуқуқий шаклда тегишли давлатнинг «фуқаролик ва савдо ҳуқуқи» меъёрлари доирасида ташкил топади. Ҳуқуқий шакл унинг пайчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий салоҳияти, ҳисобот бериш шакли, олинаётган фойдани солиққа тортиш шакли, бошқариш органлари тузилиши, тугатиш тартибини ва у билан амалий алоқаларни ўрнатиш пайтида билиш зарур бўлган бошқа жиҳатларни белгилайди.

Фирмалар хусусий (якка тартибдаги) корхоналар ёки тадбиркорларнинг бирлашмалари сифатида ташкил этилиши мумкин. Биринчи ҳолатда тадбиркор ўз фирмасининг ишлари бўйича тўлиқ мулкий жавобгар бўлади. Одатда улар кўпроқ хизмат кўрсатиш ва чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатувчи майда фирмалардир.

1 Ташқи иқтисодий фаолият ҳуқуқий ҳужжатлари намуналарининг намунавий тўпламига («Ҳуқуқ» тизими) шарҳга қаралсин.



Бундай фирмалар оммавий ҳисоботлардан жой олмайди, шунинг учун улар ҳақида ишончли ахборот олиш жуда қийин. Дунёнинг бирорга ҳуқуқий тизимида хусусий корхоналарнинг юридик шахс деб тан олинмаслиги ҳам муҳим ҳолатдир.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорларнинг бирлашуви турли ширкат ва жамиятлар шаклида юз беради. **Биринчи ҳолатда** тадбиркорлар ўзаро шартнома тузадилар ва ўз сармояларини бирлаштириш билан бир қаторда ўз фирмасининг фаолиятини бошқаришда бевосита иштирок этадилар ва унинг мажбуриятлари бўйича чекланмаган мулкӣ жавобгарликка эга бўладилар. Улар оммавий ҳисоботга киритилмайдилар ва кўп мамлакатларда юридик шахс деб тан олинмайдилар. Бундай бирлашмаларга континентал ҳуқуқнинг тўлиқ ширкатлари, америкача ҳуқуқ ширкатлари ва британияча ҳуқуқнинг чекланмаган масъулиятли ширкатлари киради.

**Иккинчи ҳолатда** фақатгина тадбиркорларнинг сармоялари бирлаштирилади. Уларнинг фирманинг ишларини юритишда шахсан иштирок этишлари талаб этилмайди. Кўпинча уларни улушчилар тайинлайдиган профессионал бошқарувчилар бошқаришади. Фирманинг ночорлиги ҳолатида улушчилар фақат ўз улушларини хатарга қўядилар. Сармоя эгалари мулкӣ жавобгарлигининг бундай чекланиши уларга тадбиркорлик хатари ҳажмларини олдиндан ҳисобга олиш имконини беради ва бундай бирлашмаларда, айниқса акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилганларида иштирок этишга улкан сармояларни битта фирма кўлида тўплаш учун кўп миқдордаги шахсларни жалб этиш учун қулай имкониятлар яратади. Бундай бирлашмаларга чекланган масъулиятли жамиятлар ва континентал ҳуқуқли акциядорлик жамиятлари, Британиянинг чекланган масъулиятли хусусий ва оммавий компаниялари, АҚШ корпорациялари киради.

Шуни назарда тутиш жоизки, ҳар бир мамлакатда ўзининг ҳуқуқий шакллари белгилари қабул қилинган, масалан «G1сb», «Plo», «Inc», «Cогr», «AЖ», «GmbH» ва ҳоказо. Шунинг учун ҳуқуқий шаклнинг қисқартма белгиси киритилган фирманинг номига қараб фирманинг ҳуқуқий шакли ва қайси мамлакатта мансублигини аниқлаш мумкин.

**Континентал ҳуқуқ** — Рим ҳуқуқи таъсирининг оқибати сифатида бир қатор мамлакатларда (Германия, Франция ва бошқа) қабул қилинган ҳуқуқий тизим. Ушбу мамлакатларнинг фуқаролик ҳуқуқи бир қатор умумий белгиларга ва бошқа ҳуқуқий тизимлардан жиддий тафовутларга эгадир. Континентал ҳуқуқ — бу, аввало, шартнома муносабатларини ҳам тартибга соладиган фуқаролик ҳуқуқи тизимини ҳосил қиладиган, ёзилган қонун

тўпламдир. Ҳуқуқнинг бошқа манбалари (маъмурий ҳужжатлар, таомиллар ва ҳоказо) арзимаган роль ўйнайди, суд амалиёти эса, одатда, ҳуқуқ манбаи ҳисобланмайди.

Воситачилик ўзбек тадбиркорининг чет эллик шерик билан билвосита алоқаларини намоён этади. бу алоқалар **ташқи иқтисодий ташкилотлар** орқали амалга оширилиши мумкин, уларга ташқи иқтисодий уюшмалар, амалий ҳамкорлик уюшмалари, савдо уйлари, савдо-саноат палатаси киради.

**Амалий ҳамкорлик уюшмаси** корхоналарга ташқи иқтисодий алоқаларнинг янги шакллари ва йўналишларини ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.

**Савдо уйи** — ташқи савдо ташкилотининг бир тури бўлиб, товар ва хизматларнинг кенг номенклатурасига доир экспорт-импорт операцияларини амалга оширади.

Савдо уйларининг асосий функциялари куйидагилардан иборат: товарларнинг чакана савдоси бўйича ихтисослаштирилган корхоналар ва фирма дўконлари тармоғини ташкил этиш; маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, дам олиш ва ҳоказолар соҳасида турли хизматлар кўрсатиш; ЎзРда вақтинча яшаётган чет эллик фуқароларга, шу жумладан чет эллик юридик шахслар ва фуқаролар билан ҳамкорликдаги тадбиркорлик шакллари асосида тақдим этилган янги хизматларни (интеллектуал, рекреацион, кадрларни ўқитиш ва ҳоказо) ривожлантириш; товарлар ишлаб чиқариш, бундай маҳсулотларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашга доир корхоналар (шу жумладан қўшма корхоналар ҳам) барпо этиш; ўз валюта маблағлари ҳисобига, шунингдек комиссия (консигнация) шартлари, аукцион, комисион ва жўнатмалар савдосини ташкил этиш, товарларни каталоглар бўйича сотиш, савдонинг бошқа замонавий шакллариغا биноан товарларни харид қилиш; корхоналар маҳсулотини комисион асосда сотиш бўйича воситачилик функцияларини бажариш, шунингдек улар маблағлари ҳисобига товарлар харид қилиш, уй-жойлар, ижтимоий ва маданий-маиший аҳамиятдаги бошқа объектларни қуриш; уларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бошқа ишлар ва хизматларни бажариш.

Ташқи иқтисодий битимлар одатда ёзма шаклда амалга ошириладиган контрактлар (шартнома) билан расмийлаштирилади.

**Халқаро (ташқи иқтисодий) контракт** деганда турли мамлакатларда жойлашган икки ёки бир неча тарафлар ўртасида, муайян миқдордаги товарлар (ишлар, хизматлар)ни келишилган шартларда етказиб бериш бўйича шартномавий келишув тушунилади. Турли давлатларга тегишли бўлган, лекин битта давлатнинг ҳудудида жойлашган тарафлар (компаниялар, филиаллар) ўртасида тузил-

ган контракт халқаро шартнома деб ҳисобланмайди. Агар битта давлатга тегишли бўлган, лекин унинг корхоналари турли давлатлар ҳудудида жойлашган тарафлар ўртасида тузилган бўлса, айни вақтда контракт халқаро контракт деб тан олинади. Контрактнинг бундай талқини Товарларнинг халқаро олди-сотдиси шартномалари тўғрисидаги БМТ конвенцияси (1980 йилги Вена конвенцияси) ва олди-сотди шартномаларига қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги Янги Гаага конвенциясида (1985 йил) мавжуд.

Контрактлар консенсуал ва реал тусда бўлади. Контрактларнинг кўпчилигини тузиш учун тарафларнинг келишуви етарли, шунинг учун бундай контрактлар консенсуал контрактлар деб номланади. Реал контрактларни амалга ошириш учун муайян ҳаракатлар, масалан кафолат, кредит талаб қилинади. Контрактлар ҳозир бўлувчилар ва ҳозир бўлмайдиганлар ўртасида ҳам тузилади.

Ҳозир бўлувчилар ўртасидаги контракт уларнинг ҳозирлигида тарафлардан бирининг иккинчи тарафнинг таклифига дарҳол розилиги пайтида тузилади. Тарафлар контрактни шахсан имзолайдилар ва биринчи шахслар, масъул ёки бундай ҳаракатни амалга оширишга тегишли топшириққа эга бўлганлар томонидан имзоланади, улар контрактга муҳр қўйиб тасдиқлайдилар.

Ҳозир бўлмайдиганлар ўртасидаги контракт телефон орқали, имзоларни факсимил алоқа бўйича айирбошлаш билан тузилиши мумкин. Банк операциялари ва транспорт контрактлари электрон почта воситалари билан ахборотни узатиш ва имзолар ҳамда муҳрни криптоҳимоя воситалари билан шифрлаш асосида тузилиши мумкин. Тарафларнинг унинг барча муҳим шартлари бўйича розилигига эришилганида контракт амалга оширилган деб ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий контракт одатда бир нечта бўлимларга ва муайян юридик атрибутларга эга бўлади, улар бўлмаса, контракт ҳуқуқий кучни йўқотади ва ундан келиб чиқувчи ҳуқуқлар ҳимоя қилинмаслиги мумкин. Ташқи иқтисодий контрактда қуйидагилар бўлиши керак: тарафларнинг тўлиқ расмий номи ва уларнинг юридик манзиллари; ҳўжалик юритувчи субъект номидан вакил бўлган шахснинг тўлиқ исми ва фамилияси (исми, отасининг исми ва фамилияси) ва унинг лавозими, шунингдек вакиллик ниманинг асосида амалга оширилаётганини кўрсатиш (юридик шахснинг раҳбари устав асосида, бошқа барча шахслар эса ишончнома асосида фаолият кўрсатади). Шунинг эътиборда тутиш жоизки, юридик шахснинг вакили контрактни имзолашига асос бўлган ишончнома қарама-қарши тарафда, шартнома нусхаси билан бирга сақланиши керак.

Контрактнинг биринчи саҳифасида (ёки охирида) унинг рўйхат рақами, контракт имзоланган сана ва жой кўрсатилади. Имзо чекилган жойни кўрсатиш ҳуқуқ қўлланишини белгилаш, яъни маз-

кур шартномадан келиб чиқадиган низолар бўйича қайси давлатнинг ҳуқуқи қўлланилишини белгилаш нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади.

Контракт тагидаги имзолар шундай очиб берилиши керакки, токи ишончноманинг мавжудлиги устидан назорат қилиш енгиллашсин. Кўп ташкилотлар магн саҳифаларини алмаштириб қўйиш хавфини истисно этиш учун контрактнинг ҳар бир саҳифасини визалайдилар.

Контрактта доир барча қўшимчалар ҳам иккала тараф томонидан имзоланиши керак. Контракт магнида қўлда ёки машинкада қилинадиган ҳар қандай тузатишлар, ўзгартишлар, қўшимчалар юридик нуқтаи назардан шартнома шартларини ўзгартириш тўғрисидаги алоҳида келишувга тенглаштирилади, шунинг учун ҳошияда ҳар бир ўзгартиш ёки қўшимча қаршисида иккала тараф вакиллариининг имзолари ҳам бўлиши керак.

Контрактлар матнларини битта шрифтда бир хил қоғозда бошиш зарур. Контракт тарафлар сонига барабар миқдордаги нусхаларда: шериклар сўзлашадиган тилда ёки шериклар танлаган бoshқа тилда расмийлаштирилади. Контрактда албатта ҳақиқий нусхалари сони, шунингдек уларнинг қанчаси ҳар бир тарафга берилиши кўрсатилади. Бундан ташқари, барча ҳақиқий нусхалар айнан бир хил эканлиги ва бир хил юридик кучга эгалиги албатта кўрсатилади. Агар улардан имзолар кўчирилмаган, балки ҳақиқий бўлса, контрактнинг машинкада кўчирилган нусхаси ёки ксеро-нусхаси ҳам асл нусха бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сайёҳлик хизматларининг энг катта ҳажмларини назарда тутадиган бир галги битимлар оферта ва акцептни ўз ичига оладиган хатлар (телеграммалар, телекслар ва ҳоказо)ни айирбошлаш йўли билан расмийлаштирилиши мумкин. Контрактларнинг асл нусхасини шартномани имзолаган шахсларнинг ишончномалари билан бирга молия ҳужжатларини сақлаш режимида сақлаш лозим. Барча ташқи иқтисодий контрактлар рўйхатга олинishi керак, бунинг учун ҳўжалик юритувчи субъектда рўйхатга олишнинг тегишли журнали ёки дафтари бўлиши керак.

Биз 4.2-бўлимда ташқи иқтисодий контрактларнинг энг кўп тарқалган шакли сифатида ташқи савдо контрактларининг хусусиятларини алоҳида кўриб чиқамиз.

### **3.1.1. Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда божхона воситачиларининг иштирок этиши**

**Божхона брокери** — ташқи иқтисодий битимларда воситачидир. Божхона брокери тушунчаси ва унинг фаолияти асослари ЎЗР Божхона кодексига биноан белгиланган.

Божхона брокери ЎзР қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва божхона брокери сифатида фаолиятни амалга оширишга ЎзР Давлат божхона қўмитасининг лицензиясини олган тижорат ташкилоти (яъни юридик шахс) ҳисобланади. Давлат корхонаси божхона брокери бўла олмайди. ЎзР ДБҚ божхона брокерларининг давлат реестрини юритади ва унинг вақти-вақти билан эълон қилинишини таъминлайди. ЎзР ДБҚ малака аттестатига эга бўлган мутахассис божхона брокери номидан божхона расмийлаштирувига доир ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.<sup>1</sup>

Божхона брокерининг фаолияти тартиби, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти ЎзР ҳукуматининг қарори билан тасдиқланган ҳужжатга биноан белгиланади.

Божхона брокерининг фаолияти ўз номидан товарлар ва транспорт воситаларини божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни амалга ошириш, тақдим этилаётган шахс ҳисобига ва унинг топшириғига кўра божхона иши соҳасида бошқа воситачилик функцияларини бажариш ҳисобланади, яъни:

- а) товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш;
- б) Ўзбекистон Республикаси божхона органига божхона мақсадлари учун зарур ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни тақдим этиш;
- в) декларацияланадиган товарлар ва транспорт воситаларини тақдим этиш;
- г) Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига назарда тутилган, декларацияланаётган товарлар ва транспорт воситаларига доир божхона тўловлари ва бошқа тўловларнинг тўланишини таъминлаш;
- д) божхона расмийлаштируви ва божхона назорати учун зарур бошқа ҳаракатларни декларацияланаётган товарлар ва транспорт воситаларига доир ваколатларга эга шахс сифатида амалга ошириш.

Божхона брокери функцияларни фақат жамликда бажариши мумкин. Кўрсатилган функцияларни ёки битта функция доирасидаги операцияларни қисман бажаришга йўл қўйилмайди.

Божхона брокери ўз фаолияти соҳасини Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ муайян товар тоифалари ва транспорт турлари билан чеклаши мумкин. Ушбу чеклашлар божхона брокери сифатида фаолиятни амалга оширишга доир лицензияда кўрсатилади. Янги лицензияни олмасдан туриб кўрсатилган чеклашлар доирасидан ташқари фаолият кўрсатишга йўл қўйилмайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қаралсин

Лицензия бериш тартиби ва унинг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

**Божхона брокерининг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:**

- белгиланган шакл ва белгиланган муддатларда товарлар ва транспорт воситалари ҳамда уларнинг божхона режими тўғрисидаги аниқ маълумотларни, шунингдек божхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа маълумотларни баён этиш;

- ЎЗР божхона органининг талабига кўра декларацияланган товарлар ва транспорт воситаларини тақдим этиш;

- ЎЗР божхона органига божхона мақсадлари учун зарур ҳужжатлар ва қўшимча ахборотларни тақдим этиш;

- божхона мақсадлари учун тақдим этилаётган шахсдан олинган зарур ҳужжатлар ва ахборотларнинг тўғрилигини текшириш;

- божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш;

- божхона брокери декларациялайдиган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан давлат ҳокимиятининг бошқа органлари ўтказётган ветеринария, фитосанитария ва давлат назорати бошқа турларининг амалга оширилишини таъминлаш;

- тақдим этилаётган шахсдан божхона мақсадлари учун олинган ахборотдан фақат шу мақсадларда фойдаланиш.

Божхона назорати ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш чоғида божхона брокери барча мажбуриятларини бажаради ва мустақил равишда товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтганидек жавобгар бўлади.

Божхона брокерининг асосий божхона расмийлаштируви чоғида мажбуриятлари товарлар ва транспорт воситаларини муайян божхона режимида жойлаштириш таомили талабларидан келиб чиқади.

Божхона расмийлаштируви чоғида Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан ундириладиган божхона тўловларини тўлаш учун божхона брокери товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтаётган шахс билан солидар жавобгар бўлади.

Божхона брокерининг тақдим этилаётган шахс билан ўзаро муносабатлари шартнома асосига қурилади. Бундай шартнома ёзма шаклда тузилиб, оммавий бўлади.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари божхона брокерларига улар ўз ҳуқуқларидан фойдаланишида ва ўз мажбуриятларининг бажаришларида ёрдам кўрсатади, шунингдек божхона брокерлари декларациялайдиган ва тақдим этадиган товарлар ва транс-

порт воситаларининг божхона расмийлаштирувини тезлаштиришга имкон берувчи шарт-шароитларни яратиб беради<sup>1</sup>.

Божхона брокерлари декларациялайдиган ва тақдим этадиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви устуворлик тартибида амалга оширилади.

**Божхона ташувчиси** — ЎзР қонунларига мувофиқ ташкил этилган, юридик шахс ҳуқуқларига эга ва божхона ташувчиси сифатида фаолиятни амалга ошириш учун ЎзР ДБҚ лицензиясини олган тижорат ташкилоти (корхонаси).

Божхона ташувчиси божхона назорати остида бўлган товарларни ташишни амалга оширади.

Божхона ташувчисининг фаолиятини ЎзР Божхона кодекси ва «Божхона ташувчиси тўғрисидаги низом» тартибга солади.

ЎзР божхона органи мазкур орган фаолият кўрсатадиган минтақада ана шундай функцияларни бажариш ниятида бўлган божхона ташувчиларини рўйхатга олади. Рўйхатга олиш божхона ташувчисининг аризаси асосида амалга оширилади.

Божхона ташувчиси божхона назорати остида бўлган товарларни божхона кузатувисиз ва божхона тўловлари тўланишини таъминламасдан (товар ва транспорт воситалари гарови, учинчи шахс кафолати, тегишли суммаларни депозитга киритишсиз) ташиш ҳуқуқига эга.

Божхона ташувчиси сифатида фаолиятни амалга оширишга доир лицензия уни берган божхона органи ва юқори божхона органлари томонидан бекор қилиниши ёки чақириб олинishi ёхуд унинг ҳаракати тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Лицензия шунингдек Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг талабига мувофиқ божхона қоидаларини бузганлик учун жазо чораси сифатида чақириб олинishi мумкин<sup>2</sup>.

Божхона ташувчиси қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- жўнатувчи божхона органи белгилаган товарларни ва уларга доир ҳужжатларни етказиб бериш муддатларига ва ҳаракат йўналишларига риоя этиш;
- божхона назоратида бўлган товарлар билан бирга бошқа товарларни ташимаслик;
- товарларнинг сақланишини таъминлаш;
- товарлар ва уларга доир ҳужжатларни тайинланган божхона органига тақдим этиш, ушбу божхона органининг талабига кўра эса товарларни амалда тақдим этиш;
- фалокат чоғида ёки енгиб бўлмас куч таъсирида товарлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунига қаралсин.

<sup>2</sup> 1 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қаралсин.

сақланишини таъминлаш ва улардан фойдаланишда бирор-бир рухсат берилмаган ҳаракатга йўл қўймаслик учун барча зарур чораларни кўриш, яқиндаги божхона органига иш ҳолатлари, товар ва транспорт воситаларининг жойлашган ери ҳақида дарҳол хабар бериш, товарларнинг яқиндаги божхона органига ташиб келишини таъминлаш ва ушбу божхона органи божхона назоратини таъминлаш учун белгилаган бошқа чораларни кўриш.

Товарларни ташувчи, жўнатувчи, олувчи билан божхона ташувчиси ўртасидаги муносабатлар шартномавий асосга қурилади.

Божхона ташувчининг товарларни ташиши муносабати билан ташувчи, жўнатувчи ёки олувчида юзага келган харажатлар ташувчи, жўнатувчи ёки олувчи ўртасида келишилиши керак, уларни божхона органлари тўламайди<sup>1</sup>.

### 3.2. Ташқи савдо операцияларини ўтказишни ташкил этиш ва унинг русум-қоидалари

Ташқи савдо операцияси — турли мамлакатлар вакили бўлган ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг савдо айирбошлашини амалга ошириш мақсадини кўзлаган ҳаракатлари мажмуидир.

Савдо жараёни иштирокчилари ёки контрагентлар камида икки кишидан, сотувчи ва харидордан иборат бўлиши керак.

Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш чоғида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаракатлари мажмуига одатда бозорнинг талаб-эҳтиёжларини, контрагентни қизиқтирувчи товарни ўрганиш, унинг рекламаси, сотиш тармоғининг фаолияти, савдо воситачилари билан ҳамкорлик, тижорат таклифлари ва талабларини ишлаб чиқиш, музокаралар ўтказиш, контрактларни тузиш ва бажариш киради.

Ташқи савдо операцияларининг қуйидаги таснифи мавжуд (2-чизма)<sup>2</sup>.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг шериклари ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи асосий восита контракт бўлиб, у икки мамлакат ўртасидаги тижорат келишуви ҳисобланади, товар олди-сотдиси, пудрат ишларини бажариш, ижара, айирбошлаш ва ҳоказолар унинг мавзуси бўлиши мумкин.

Асосий контрактларни тайёрлаш, имзолаш ва бажариш босқичларида ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этувчи корхоналар маслаҳатчи фирмалар, реклама агентликлари, воситачилар,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунига қаралсин.

<sup>2</sup> 105-бетга қаралсин.



транспорт ва экспедиторлик фирмалари билан кўплаб ёрдамчи контрактлар тузадилар. Улар ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга соладиган божхона органлари ва бошқа ташкилотлар билан операцияларнинг бутун мажмуини ҳам амалга оширадилар.

Битта асосий контрактни тўлдириш учун сотувчи ва харидорлар ўндан ортиқ қўшимча контрактларни тузадилар.

### 3.2.1. Ташқи савдо контрактларининг моҳияти, турлари ва амал қилиш механизми

**Олди-сотди контракти** — ташқи савдо операциялари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган асосий тижорат ҳужжати бўлиб, унда савдо айирбошлашига доир ҳаракатлар мажмуи баён этилади.

Контрактнинг амал қилиш механизми асосига унинг таркиби, тарафларнинг ўзаро мажбуриятлари ҳажми, тўловлар шартлари, етказиб беришларнинг базис шартлари, суғурталаш шартлари, техник шартлар, контракт позицияларини бузганлик учун санкциялар қўйилган.

Демак, ташқи савдо контрактининг механизми деб ташқи савдо битими таркибий унсурларининг мажмуи ва уларнинг контрагентлар билан келишилган юридик меъёрларга мувофиқ ҳамкорлигини ҳисоблаш мумкин.

Контрактлар қуйидагича расмийлаштирилиши мумкин:

- муддатли контракт — товарни қатъий белгиланган муддатда етказиб берилишини назарда тутади ва муддат бузилган тақдирда харидор контрактни бекор қилишга ҳақлидир;
- узоқ муддатли контракт — 3-5 йил ва ундан кўпроқ муддатга тузилади;
- махсус контракт — лойиҳалаш, монтаж ишлари, техник хизмат кўрсатиш, синовлар ўтказишга ва ҳоказоларга тузилади;
- чегарали контракт — кейин аниқлаштирилиши керак бўлган асосий шартларнигина ўз ичига олади;
- ниятлар контракти — харидорнинг товарни қатъий мажбуриятларсиз харид қилиш ниятини белгилайди.

Баён этиш шаклига кўра олди-сотди контрактлари ёзма шаклда тузилиши керак. Лекин халқаро амалиётда кўпинча битимлар оғзаки шаклда, телефон орқали, аукционлар, биржаларда тузилади. Бироқ кейин оғзаки келишув албатта ёзма контракт билан тасдиқланиб, иккала тараф томонидан имзоланади. Шу пайдан бошлаб тарафларнинг мажбуриятлари ҳам пайдо бўлади.

Кўпинча халқаро савдода икки тарафли контрактлар учрайди, шунинг учун унинг таркиби, позициялар тузилиши, амал қилиш механизмига зарур эътибор берилиши керак.

## 2-чизма. Ташқи савдо операциялари таснифи

№	Тасниф белгиси	Операциялар тури
1	Савдо йўналишлари бўйича	Экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт
2	Товарлар гуруҳлари бўйича	Машина ва ускуналар, хом ашё, озиқ-овқат, ноозиқ-овқат товарлари ва бошқалар олди-сотдиси
3	Товарнинг сотишга тайёрлик даражаси бўйича	Тайёр маҳсулот, йиғиш, комплект жиҳозлаш учун узел ва деталлар етказиб берилиши ва ҳоказо
4	Товар айирбошлаш савдоси	Муқобил харидлар, бартер, эскирган маҳсулотни сотиб олиш, даваль хом ашёсини қайта ишлаш ва ҳоказо
5	Фан-техника ютуқлари савдоси ва хизматлар кўрсатиш	Лицензиялар, «ноу-хау» олди-сотдиси, факторинг, инжинринг; пудрат, ижара, лизинг, туризм, ахборотлаштириш, транспортда ташишларни амалга ошириш ва ҳоказо
6	Савдо-воситачилик фаолияти	Консигнация, комисион, агентлик, брокерлик фаолияти
7	Беллашув хилидаги савдо	Аукцион, халқаро савдолар ва биржа савдоси

Контракт матни муқаддима қисми ёки преамбуладан бошланади, унда контрактни тузишда иштирок этган тарафларнинг тўлиқ юридик номлари келтирилади.

Контрактнинг муқаддима қисми шартнома матнидан олдин келади ва одатда қуйидаги мундарижага эга бўлади: контракт рақами, тузилган жойи ва санаси, битимни тузаётган тарафларнинг таърифи.

Тарафларнинг таърифида уларнинг контрагентлари ўз мамлакатлари савдо регистрида рўйхатга олинган тўлиқ номлари, уларнинг жойлашган жойи (мамлакат ёки шаҳарнинг номи), тарафларнинг контрактдаги номи (сотувчи ва харидор ёки ет-

казиб берувчи ва буюртмачи) кўрсатилади. Баъзан муқаддима қисмида музокара ўтказиш жойи ва муддатини кўрсатган ҳолда контракт тузишдан олдинги музокараларга ёки унинг рақами ва ҳавола санасини кўрсатган ҳолда сотувчининг таклифига ҳавола қилинади.

Товарга аниқ ном берилиши лозим, агар унинг номлари кўп бўлса, уларнинг рўйхати тузилади ва контрактга доир 1-иловага киритилади.

Мураккаб техник тавсифли товарни таърифлаш учун «Техник шартлар» ёки «Техник спецификациялар» деган махсус бўлимлар киритилади, сўнгра уларнинг ёрдамида ҳақиқатда етказиб берилган ускунани текшириш амалга оширилади.

Товарнинг миқдорини кўрсатганда ўлчов ва оғирликлар тизимларидаги фарқларни ҳисобга олиш зарур. Чалкашликлардан қутулиш учун ўлчовларнинг метр тизимидан фойдаланиш ёки уларнинг метр бирликларидаги муқобили берилиши керак.

Етказиб бериладиган товар миқдори қатъий белгиланган рақам билан ёки белгиланган доираларда аниқлаштирилиши мумкин. Олди-сотди контрактда идиш ва ўров материали етказиб берилётган товар миқдorigа кириши ёки кирмаслиги албатта таъкидланади. Брутто, нетто оғирликлари шунга боғлиқ ҳолда фарқланади.

Олди-сотди контрактларида кўпинча опцион ҳуқуқи назарда тутилади, у битим иштирокчиларидан бирига берилган маълум вариантлардан бирини танлаш ҳуқуқидан иборатдир. Ташқи савдо контрактларида сотувчининг етказиб берилётган товар миқдори, туркумлар ҳажмлари, етказиб бериш муддатлари, юклаш портларига нисбатан опциони, шунингдек харидорнинг тўлов усуллари, юкни тушириш портлари ва ҳоказоларга нисбатан опцион назарда тутилиши мумкин.

**Товарни етказиб бериш муддати** деганда сотувчи товарни харидор эғалигига ёки унинг топшириғига кўра харидорнинг номидан иш юритаётган шахс эғалигига топшириши шарт бўлган пайт тушунилади.

Контрактларда одатда етказиб беришнинг календарь муддатлари кўрсатилади, лекин бу нарса фақат битта сана кўрсатилишини билдирмайди. Одатда асосан ой, чорак, йил, аниқ кун ўрнига оралиқ кўрсатилади.

Муддатидан олдин етказиб бериш ҳуқуқи алоҳида таъкидланади, чунки у муддатидан олдин тўлаш билан ҳам боғланган, пул эса топиьмаслиги ҳам мумкин. Дарҳол етказиб бериш — контракт имзоланган кундан бошлаб 14 кун (сутка) ичида етказиб беришдир. Баъзан қуйидагича муддат кўрсатилади: доvonлар қордан қутулганидан сўнг биринчи очилган кунга ва ҳоказо.

Етказиб бериш муддатидан фарқ қилган ҳолда товарни етказиб бериш муддати деб товар харидор тасарруфига топшириладиган сана ҳисобланиши керак. Сана товарни етказиб бериш усулига боғлиқ бўлади ва қуйидагича белгиланиши мумкин:

1. Товарни етказиб бериш учун қабул қилган транспорт ташкилоти берадиган ҳужжат санаси билан боғлиқ бўлади.

2. Юк тайинланиш бўйича кейин жўнатиш учун қабул қилинганда транспорт-экспедиторлик фирмаси тилхатининг санаси билан боғлиқ бўлади.

3. Мабодо харидор транспортни ўз вақтида келтирмаса ва сотувчи товарни омборда сақлашга топширишга доир ўз ҳуқуқини харидорнинг ҳисоби ва хатарига ўзгартирса, омбор гувоҳномасининг санаси билан боғлиқ бўлади.

4. Харидорнинг комиссияси ва сотувчининг вакили томонидан қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган ва унинг томонидан харидорга мулкка эгалик ҳуқуқи учун сертификат берилган сана билан боғлиқ бўлади.

5. Товарлар (ускуналар) бутун туркумидан фойдаланиш имконини бермайдиган охириги туркум етказиб берилганидан кейин харидорнинг комиссияси ва сотувчининг вакили томонидан қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган сана билан боғлиқ бўлади.

Савдо шериклари ўртасидаги зиддиятлардан қочиш мақсадида Халқаро савдо палатаси асримизнинг ўттизинчи йилларидан бошлаб тўқсонинчи йилларигача энг кўп учрайдиган савдо таомилларини талқин этиш тўпламларини ишлаб чиқди ва нашр этди. Бу тўпламлар «ИНКОТЕРМС» деб номланади<sup>1</sup>.

Етказиб беришларнинг базис шартларини қўллаш унинг позиция ва моддаларини тузиш ва келишишда соддалаштириш, юзага келаётган ихтилофларни ҳал этишнинг иккала тарафни қаноатлантирадиган тенг ҳуқуқли усулларини излашда контрагентларга ёрдам кўрсатиш асосида контрактнинг амал қилиш механизмини жиддий равишда мақбуллаштиради.

Базис шартларида сотувчининг контрактда белгиланган нарх учун юкни муайян жуғрофий нуқтага етказиб беришга ёки товарни транспорт воситаларига юклашга ёхуд уни транспорт ташкилотига топширишни таъминлашга доир мажбуриятлари белгиланган.

Базис шартлари сотувчи ва харидорларнинг бошқа мажбуриятларини ҳам белгилайди, яъни:

- товарларни сотувчининг, харидорнинг мамлакатлари, транзит мамлакатлар, денгиз ва ҳаво орқали ташишни ким ва ниманинг ҳисобига таъминлайди;

<sup>1</sup> Масалан, «ИНКОТЕРМС-90»га қаралсин.

- товарларни ўраш ва тамғалаш юзасидан сотувчиларнинг мажбуриятлари;
- юкларни суғурталаш бўйича тарафларнинг мажбуриятлари;
- товарнинг тасодифан шикастланиши ёки йўқолиши хатарларининг сотувчидан харидорга ўтиш жойи ва вақти.

### 3.2.2. Контрактнинг нархи ва умумий суммаси, тўловларнинг шартлари

Ташқи иқтисодий фаолиятда корхона ва ташкилотларнинг товарларига доир ички нархлар ҳисоб-китоби билан қиёслаганда контракт нархларини белгилашда бир қатор ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Нархларни таърифлашда ва экспорт ёки импорт товарлари нархларини ҳисоб-китоб қилишда қўлланиладиган махсус атамалардан фойдаланишда ҳам ўзига хос жиҳатлар бор.

**Товар нархи** — муайян валюта тизими пул бирликларининг миқдори, уни харидор сотувчига контрактда кўрсатилган валютада товарнинг келишилган ўлчов бирлиги ва етказиб беришларнинг қабул қилинган базис шартларида тўлаши керак.

Товар нархини белгилаш учун олди-сотди контрактида қуйидагилар белгилаб қўйилади: нархни белгилашда асос бўладиган ўлчов бирлиги, нарх базиси, нарх валютаси, нархларни қайд этиш усули ва уларнинг даражаси.

Нарх белгилаш учун товарнинг ўлчов бирлигини танлашга товарнинг хусусияти ва у билан савдо қилишнинг шаклланган амалиёти таъсир кўрсатади. Машина ва ускуналарга нарх уларнинг бир донаси ёки бирликларнинг муайян миқдори учун белгиланиши мумкин.

Турли сифатли товарларни етказиб беришларда нарх ҳар бир тур, нав, хил, русумдаги товар бирлиги учун яқка тартибда белгиланади, бунинг учун кўпинча спецификациялардан фойдаланилади. Агар нарх асосига оғирлик бирлиги қўйилса, оғирлик хусусиятини (брутто, нетто) аниқлаштириш ёки нархга идиш ва ўров қиймати қўшилишини таъкидлаш лозим бўлади.

Контрактда белгиланадиган нарх экспортчи, импортчи мамлакатининг валютасида ёки учинчи мамлакат валютасида ифодаланиши мумкин. Бунда экспортчи учун барқарор валюта жозибалидир, импортчи учун эса қадрсизланаётган валюта қизиқиш уйғотади.

Қайд этиш усулига қараб нархларнинг қуйидаги турлари: қатъий, ҳаракатчан, кейин белгиланадиган, сирғанувчи (ўзгарувчи) нархлар мавжуд. Қатъий нархлар етказиб беришнинг турли муддатлари қўлланилган битимларда, лекин кўпинча қисқа вақт мобайнидаги етказиб беришларда қўлланилади. Бунда нархлар кели-

шилганидан сўнг контрактни бажариш давомида ўзгармайди. Ҳаракатчан нархни белгилаш учун контрактга контрактни бажариш пайтига келиб бозорда нархни ошириш ёки пасайтиришни ҳисобга олишни назарда тутадиган таъкидни киритиш керак. Тегишлича контракт нархини ўзгартиш ҳам юз беради.

Кейин белгиланадиган нарх келишилган манбалар: биржа котировкалари, махсус маълумотномалар ва журналлардаги материаллар, шунингдек жаҳон бозорида амалда шаклланаётган ва ишончли рақобат материаллари бўйича ҳисоблаб чиқилган нарх асосида шартномалар билан тайинланган муддатларда белгиланади.

Сирғанувчи нарх етказиб беришларнинг узоқ муддатли, унинг мобайнида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шароитлари жиддий равишда ўзгарадиган муддатлари кўрсатилган контрактларда қўлланилади.

Сирғанувчи нарх икки қисмдан: контракт таклиф этилган ва имзоланган санада белгиланадиган базавий ва товарларни тайёрлаш ёки етказиб бериш даврида белгиланадиган ўзгарувчи қисмлардан ташкил топади.

Узил-кесил нархни куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$C1 = C0 * (A + B * M1 / M0 + D * P1 / P0 + \dots)$$

бу ерда:  $C1$  — узил-кесил нарх;  $C0$  — базавий нарх;  $A$  — тормозлашиш коэффициенти, яъни нархнинг ўзгарувчи қисмидаги ўзгармас ҳисса; унинг миқдори  $0,1$  дан  $0,2$  гача;  $B, D$  — нархда алоҳида таркибий қисмларни эгаллаган ҳиссалар, масалан, материаллар қиймати, ишчи кучи қиймати;  $M1$  ва  $M0$  — етказиб берувчининг харид қилиш ( $M1$ ) ва базавий нархни ( $M0$ ) белгилаш даврларида маҳсулот учун фойдаланиладиган материаллар нархлари;  $P1$  ва  $P0$  — контрактни бажариш ва имзолаш пайтида иш ҳақининг индекслари;  $+$ ... — нархта жиддий равишда таъсир кўрсатадиган бошқа компонентларни ҳам, масалан ёқилғини ҳисобга олиш имкониятини англатади.

Барча коэффициентлар йиғиндиси  $1$ га тенг ( $A + B + D$ ). Халқаро савдо талаб ва таклифнинг таъсирида ташқи бозорларда шаклланадиган нархлар бўйича юритилади.

Халқаро савдо иштирокчилари учун таклиф нархини бўлғуси битим нархига келтириш катта амалий аҳамиятга эга бўлади.

Бунинг учун айнан бир хил товарлар билан савдо қилинадиган базис бозорида рақобат материалларини танлаш амалга оширилади.

Дастлабки ҳисоб-китоблар куйидаги ёндашувлар асосида бажарилади:

- айнан бир хил товарлар савдоси бўйича ишончли рақобат материаллари базасида экспорт ёки импорт нархларини асослаш;

- техник тавсифлар, тижорат шартлари ва рақобат материалларини тузишга бир қанча тузатишлар киритиш билан жадвал шаклидаги нархлар ҳисоб-китоби асосида рақобат варағини тузиш;

- техник қиёслаш, ташиш, монтаж қилиш, техник хизмат кўрсатишга тузатишларни белгилаш учун мураккаб ҳисоб-китобларни бажариш.

Контрактда сирғаниш ишлаб чиқариш чиқимларининг барча суммасига эмас, балки унинг муайян унсурларига татбиқ этилишини назарда тутиш мумкин.

Контракт амал қилишининг бутун даврига эмас, балки анча қисқа муддатга нархнинг сирғаниши назарда тутилиши мумкин.

Эълон қилинадиган ва ҳисоб-китоб нархлари нарх даражасини белгилаш чоғида муължал бўлиб хизмат қилади. Эълон қилинадиган нархларга одатда маълумот берадиган нархлар, баъзан — амалдаги битимлар нархлари, йирик фирмаларнинг таклиф нархлари киради.

Маълумот берадиган нархлар газета ва журналлар, махсус бюллетенлар, фирма каталоглари, прејскурантларда эълон қилинади. Маълумот берадиган нархлар базис нархларидан, яъни муайян сифат ва миқдордаги товар нархлари, муайян иқтисодий минтақасидаги спецификациялардан таркиб топади. Товар қийматини унинг миқдорига бўлиш йўли билан ташқи савдо статистикаси маълумотлари асосида ўргача экспорт ва импорт нархлари ҳисоб-китобидан ҳам фойдаланилади.

Контрактда нарх даражасини белгилаш учун энг ишончли мезон бўлиб амалдаги битимлар нархи ҳисобланади. Лекин бундай нархлар матбуотда мунтазам эълон қилиб борилмайди, шунинг учун бундай нархларни уларга эга бўлган корхоналардагина ҳисобга олиш осонроқ.

Нархни белгилаш учун йирик фирмалар таклифлари нархларини ҳисобга олиш мумкин, улар ўз моҳиятига кўра маълумот берувчи нархлар даражасига яқин туради.

Етказиб берувчининг ҳисоб-китоб нархларидан уни яқка тартибдаги буюртма бўйича тайёрлаш чоғида ностандарт махсус ускунага доир контрактларда фойдаланилади. Бутун бир қатор хоссалари, бажариш хусусияти, конструктив хусусиятларига кўра бундай ускуна айнан ўхшаш ускуналарга эга эмаслиги сабабли унинг нархини етказиб берувчи ҳар бир аниқ буюртма учун бир галги тартибда ҳисоблайди.

Аниқ нархни белгилаш чоғида турли хил **нарх чегирмалари** катта аҳамият касб этади, халқаро савдо амалиётида улар йигирматадан кам эмас. Қуйида баён этилган чегирмалар турлари энг кўп қўлланилади.

**Умумий (оддий) чегирма** товарнинг прејскурантдаги ёки маълум-

мог берувчи нархи билан тақдим этилади. У 20 фоиздан 40 фоизгача бўлган ораликда бўлиши мумкин. бу чегирмалар кўпроқ машина ва ускуналарга доир битимлар тузилиши чоғида қўлланилади.

**Бонус чегирмаси** (оборот ҳажми учун) одатда махсус келишувга асосан доимий харидорларга берилади. Бунда контрактда муайян муддат давомида эришилган оборотга мутаносиб чегирмалар шкаласи ва ушбу чегирмалар базасида сумма тўловлари тартиби белгиланади. Бонус чегирмаси оборотнинг 15-20 фоизини ташкил этиши мумкин.

**Прогрессив чегирма** (миқдор учун) харидорга тарафлар томонидан белгиланган товар массасининг кўпаювчи ҳажми харид қилинган ҳолда берилади.

**Экспортчи** — етказиб берувчилар автомобиллар, тракторлар, ускуналарни сотиш чоғида ўзларининг доимий воситачиларига чакана нархнинг ўртача 15-20 фоизи ҳажмида **дилерлик чегирмаларини** тақдим этадилар.

Экспортчилар уларнинг буюртмаларидан ғоятда манфаатдор бўлган ва ўзларининг доимий мижозлари ҳисобланган имтиёзли импортчиларга махсус чегирмалар тақдим этишлари мумкин.

Етказиб берувчи ўз маҳсулотининг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш учун **экспорт чегирмаларини** ҳам бериши мумкин.

Кредит учун фоизларни пасайтириш, бепул хизматлар кўрсатиш ва бепул намуналарни тақдим этиш чоғида импортчига **яшири чегирмалар** ҳам тақдим этилиши мумкин.

Автомобиллар, электр жиҳозлари, транспорт воситаларини сотиш чоғида фирмадан илгари сотиб олинган товарни қайтарганлик учун **прейскурант нархининг 25-30 фоизи миқдорида чегирма** қўлланилади.

Етказиб берилаётган маҳсулотнинг контракт нархи ва ҳажми келишилганидан сўнг контрактнинг умумий суммаси ҳисобланади.

Тўлов шартларини аниқлаштириш учун контрактда валюта, муддат, тўлов усули ва ҳисоб-китоблар шакли белгиланади. Экспортчи мамлакати, импортчи мамлакати валютасидан ёки учинчи мамлакат валютасидан фойдаланиш эҳтимоли бор, контрактда импортчининг тўловни ўз хоҳишига кўра исталган валютада амалга ошириш ҳуқуқи кўзда тутилиши мумкин.

Валюта товар нархининг валютаси билан мос келмаслиги мумкин. Бу ҳолда контрактда қандай пул бозорининг (экспортчи ёки импортчининг) пул курсидан тўлашда фойдаланилиши кўрсатилади.

Контрактда тарафлар тўлов муддатларини қайд этадилар, лекин агар улар белгиланмаган бўлса, етказиб бериш шартларини ҳисобга олган ҳолда тўлов сотувчи товар унинг тасарруфига тақ-



дим этилгани хусусида харидорга хабар берганидан сўнг муайян кунлар ўтгач ёки сотувчи харидорни товар жўнатилгани хусусида хабардор қилганидан сўнг (ИНКОТЕРМСДА баён этилган таомилларга мувофиқ) муайян кунлар ўтгач амалга оширилади.

Тўловнинг асосий усулларига нақд ҳисоб-китоб, бўнакли тўлов ва кредитга тўлов киради. Тўловнинг бу усуллари кўшиб олиб борилиши ҳам мумкин.

### **3.2.3. Товарнинг сифати, ўраб-жойланиши, тамгаланиши, жарима жазолари, форс-мажор**

Контрактда экспортчининг импортчига кафолат муддати давомида, у одатда камида 12 ой бўлади, муайян хоссаларга эга бўлган товарни етказиб бериш мажбуриятларини ўз ичига олган сифатнинг тижорат кафолатлари кўрсатилади.

Сифат стандартлар (миллий, фирмага хос), айрим моддалар таркиби, маҳсулотни чиқариш, дастлабки кўрик, намуна, тавсиф билан, баъзида «қандай бўлса, шундайлигича» деган тушунча билан тартибга солиниши мумкин.

Товар сифатини дастлабки кўрик бўйича тартибга солиш харидорга товарнинг бутун туркумини белгиланган муддатда кўриқдан ўтказиш имкониятини тақдим этишни аниқлатади. Экспортчи товар сифатини уни импортчи кўриб чиққан ва маъқулаганидек кафолатлайди. Экспортчининг масъулияти фақат товарнинг яширин нуқсонлари пайдо бўлган тақдирдагина пайдо бўлиши мумкин. Контрактларда сифатни текширишнинг ушбу усули «кўрилди-маъқулланди» сўзи билан белгиланади. Дастлабки кўрик бўйича кўпроқ товарлар аукционда ва оморлардан сотилади.

Намунага қараб сифатни белгилаш чоғида товар эталонидан фойдаланилади. Одатда учта товар танлаб олинади. Битта намуна харидорда, бошқаси сотувчида сақланади, учинчиси эса манфаатдор бўлмаган холис ташкилотга, кўпинча савдо палатасига топширилади. Контрактда етказиб берилган товарни намуна билан солиштириш тартиби назарда тутилади.

Сифатни тариф бўйича белгилашни товарнинг зарур техник ўлчамларини ўз ичига олган спецификация ёрдамида амалга ошириш қулайроқ. Спецификацияларни миллий ва халқаро аҳамиятдаги турли уюшмалар, экспортчилар ва импортчилар ишлаб чиқиши мумкин. Контрактда спецификацияни ишлаб чиққан ташкилот ва унинг асосий кўрсаткичлари кўрсатилади.

Одатда сифатни текшириш танлаб олиб амалга оширилади, харидор кафолат даврида аниқланган нуқсонлар бўйича эътироздаъволар билдириш ҳуқуқига эгадир, бу давр мобайнида экспор-

тчи таъмирлашни, нуқсонли товарларни қабул қилиш, нархларни пасайтириш ва ҳоказоларни ҳам амалга оширади.

Контрактда экспортчининг патентга оид таъкидини кўрсатиш жуда мақбул бўлади, унда буюмдан учинчи шахслар томонидан ҳеч қандай даъволарсиз фойдаланиш мумкинлиги айтилади. Халқаро савдода кўпинча етказиб берувчининг корхоналарида товарлар сифати текширилади ва қабул қилинади.

Ўровнинг асосий мақсади реклама, товарни бузилиш, шикастланиш, сифатини йўқотишдан сақлашдир. Ўров турини етказиб беришларнинг базис шартлари белгилайди. Масалан, ФОБ, СИФ, ФАС шартларида товар сотган экспортчилар, ИНКОТЕРМС талабларига мувофиқ,<sup>1</sup> уни денгиз ўровида етказиб беришлари шарт, бу ўров товарни автомобиль ва темир йўлда ташишни ҳам таъминлаши керак. Ўровнинг етказиб бериш базис шартларига номувофиқлиги туфайли юзага келган товарларнинг шикастланиши учун ҳар доим экспортчилар жавобгар бўладилар.

**Тамғалаш икки хил бўлади: товарга оид ва махсус. Товарга оид тамғалашда тепа томони кўрсатилади, «намда бузилади», «думалатилмасин» сингари ёзувлар бўлади.**

**Тамғалаш умум қабул қилинган халқаро меъёрлар ва харидорларнинг махсус талабларига мувофиқ бажарилади.**

Контрактни бажариш чоғида экспортчи товарни етказиб беришларда муддатни кечиктириши, ўз вақтида хабардор қилмаслиги, бутламасдан етказиб бериши ва бошқа тартиббузарликларга йўл қўйиши мумкин. Импортчиларнинг талафотларини компенсациялаш мақсадида контрактларда кечиктирилган муддатларга боғлиқ ҳолда жарималар ундириш кўзда тутилади. Жариманинг энг кўп миқдори муддатда етказилмаган товарлар қийматининг 8-10 фоизини ташкил этади. Жарималар билан бир қаторда бой берилган фойдадан кўрилган зарарлар ҳам ундирилади, бунда экспортчи етказиб беришларга доир мажбуриятларни бажаришдан озоод этилмайди.

Агар кечиктиришлар туфайли товарга бўлган тижорат манфаатдорлиги йўқолса, контрактда импортчиларнинг уни бажаришдан бош тортиш ҳуқуқи кўрсатилиши мумкин.

Ўз навбатида импортчилар хужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслик, аккредитивлар очишни орқага суриш, мутахассисларни хизмат сафарига юборишни кечиктириш сингари ҳолатлар билан экспортчининг ишлаши учун қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шунинг учун контрактда импортчига доир ҳам санкциялар кўзда тутилиши керак.

Контрактни бажаришда енгиб бўлмас кучга доир ҳолатлар: ёнг-

1 «ИНКОТЕРМС-90»га қаралсин.

инлар, зилзилалар, эпидемиялар, тўфонлар, сув тошқинлари, иш ташлашлар, ҳукумат қарорлари, урушлар ва ҳоказолар жиддий тўсиқ бўлиши мумкин; бу ҳолатлар «форс-мажор ҳолатлари» деб аталади. Улар контракт мажбуриятларини бажаришда катта тўсиқларни юзага келтиради. Одатда контрактда мажбуриятларни бажариш имкониятига эга бўлмаган тараф контрагентга «форс-мажор» бошланиши, сўнгра унинг тўхташи тўғрисида ахборот беради ва бу ҳолатни ҳужжатлар билан тасдиқлайди деб белгиланади.

**Агар «форс-мажор» узоқ муддат, контрактда белгиланганидан кўпроқ амал қилса, тарафлар ўзаро тусдаги мажбуриятларни бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.**

## ТЎРТИНЧИ БОБ

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ВАЛЮТА-МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

## 4.1. Асосий тушунча ва таърифлар

Байроқ, герб, мадҳия сингари ҳар қандай давлат миллий суверенитетининг ўзгармас атрибути пул бирлиги — миллий валютанинг мавжудлиги ҳисобланади. АҚШда бу — доллар, Германияда — марка, Буюк Британияда — фунт стерлинг, Грецияда — драхма, Россияда — рубль, Ўзбекистонда — сўм ва ҳоказо.

Ҳар бири ўзининг миллий «кийим»ига эга бўлган турли мамлакатларнинг пул бирликлари товарлар, хизматлар, сармоя ва ишчи кучининг халқаро ҳаракати жараёнини йўлга солади. Миллий иқтисодиётлар доирасида улар бир қатор ички функцияларни бажардилар: улар муомала воситаси, саноқ бирлиги, қийматни сақлаш воситаси бўлади.

Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда миллий пул бирликлари жаҳон пуллари функциясини бажаради. Халқаро ҳисобкитобларда фойдаланиладиган пулларни валюта деб аташ қабул қилинган. **Валюта** — айнан нарх, қиймат — товарлар қиймати миқдорини ўлчаш учун фойдаланиладиган пул бирлиги. «Валюта» тушунчаси уч хил маънода қўлланилади: бу, биринчидан, муайян мамлакатнинг пул бирлиги (япон иенаси, болгар леви, қирғиз соми, қозоқ тенгеси ва ҳоказо), иккинчидан эса бу — чет эл давлатларининг пул белгилари, шунингдек чет эл пул бирликларида ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган кредит ва тўлов воситалари (чет эл валютаси); учинчидан, халқаро (минтақавий) пул ҳисоб-китоби бирлиги ва тўлов воситасидир (Евро, СДР).

Металлар муомаласи даври учун пул сифатида бир-икки металлдан (олтин ва кумуш) фойдаланиш билан монометаллизм ҳосилдир. Ҳозирги босқичда валюта сифатида қоғоз пуллар қўлланилади. Моддий-ашёвий шакл нуқтаи назаридан муайян пул бирлигида ифодаланган, халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ҳар қандай тўлов ҳужжати ёки пул мажбурияти валюта ҳисобланади. Одатда сўз турли кўринишдаги банк ҳисобварақларидаги банкноталар, хазина билетлари, пул маблағлари, шунингдек чеклар, векселлар, аккредитивлар ва бошқа тўлов воситалари ҳақида борадики, улар жамликда **валюта бойликлари** деб аталади.

**Валюта операциялари** дейилганда мулкчилик ҳуқуқининг валюта бойликларига ўтиши; валюта бойликларидан халқаро муо-

малада тўлов воситаси сифатида фойдаланилиши, қарзлар ва бошқа мажбуриятларнинг топширилиши, валюта бойликларини мамлакат худудига олиб кириш, ўтказиш ва жўнатиш ҳамда уларни хорижга олиб чиқиш, ўтказиш ва жўнатиш билан боғлиқ ҳарақатлар тушунилади.

**Халқаро ҳисоб-китоблар** — давлатлар, фирмалар, компаниялар ва турли мамлакатлар худудида бўлган фуқаролар ўртасида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида пайдо бўладиган пул талаблари ва мажбуриятлари бўйича тўловларни ташкил этиш ва тартибга солиш тизимидир.

Экспортчилар, импортчилар, банклар халқаро ҳисоб-китоблар субъектлари бўлиб, товарга илова қилинувчи ҳужжатларнинг ҳаракати жараёнида ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчилари пулларининг ҳаракатини уюштирувчи банклар халқаро ҳисоб-китобларда воситачи бўлиб майдонга чиқадилар. Демак, валюта пулларнинг қандайдир янги хили эмас, балки улар фаолият кўрсатишининг алоҳида усули бўлиб, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғланган.

Халқаро шартномалар ва ички миллий қонун ҳужжатларининг меъёрлари ҳисоб-китоб муносабатларининг ҳуқуқий асосидир. Халқаро ҳисоб-китобларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга тизимга солиниб бирхиллаштирилган банк таомиллари ва халқаро банк амалиётининг меъёрлари таъсир кўрсатади. Валюта муносабатларини тартибга соладиган ички ҳуқуқий меъёрларнинг жамлиги **валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари** деб аталади.

Ҳозирги вақтда банклараро валюта бозорида банкнота ёки тангалар йўқ. Валюта операциялари моддий асосни йўқотди, миллий пул бирликлари эса бир-бирига қарши амалда фақат корреспондентлик ҳисобварақлари бўйича ёзувлар ва банклараро электрон трансакциялари кўринишида намоён бўладилар.

Валютанинг айланувчанлиги ички ва ташқи тусда бўлиши мумкин. **Ташқи айланувчанлик** валютанинг чет эллик шериклар ҳисобварақларига эркин ўтказиш ва маблағларнинг мазкур валютага эркин конверсияси мумкинлигини англатади. **Ички айланувчанлик** мазкур мамлакатнинг хўжалик юритувчи субъектлари учун чет элга тўловлар ва хорижий валютани сотиб олишни чеклашларсиз амалга ошириш имкониятини беради. Валютанинг ташқи ва ички айланувчанлигини бирлаштириш **валюта конвертацияланишининг** тўлиқ шакли ҳисобланади. «Конвертацияланиш» тушунчаси бир мамлакатнинг пул бирлигини бошқа мамлакатнинг пул бирлигига шунчаки алмаштиришдан ёки валюталар олди-сотдисига қараганда анча кенгдир. Конвертацияланиш тушунчасини миллий валютадаги маблағлар эгалари учун нафақат мамлакат ичи-

да, балки хорижда ҳам муайян операцияларни бажариш эркинлиги таъминланадиган мамлакат иқтисодий ва валюта-молиявий тизимининг ҳолати ва характери сифатида таърифлаш мумкин. Конвертациялашга фақат очиқ бозор ҳўжалиги шароитларида эришса бўлади. Мамлакатнинг ўз миллий валютаси конвертацияланишига эришиши ва бунини қўллаб-қувватлаши мураккаб иқтисодий муаммодир. Валютанинг конвертацияланиш режимини жорий этиш зарур иқтисодий шароитларни барпо этишни тақозо этади.

Валюталарнинг учта синфи (гуруҳи) мавжуд.

Биринчи гуруҳ — **эркин конвертацияланадиган (айланадиган) валюта** — (ЭҚВ). Бу валюта бошқа чет эл валюталарига эркин ва чекланмаган ҳолда алмаштирилади. ЭҚВ тўлиқ ташқи ва ички айланувчанликка, яъни бир хилдаги алмаштириш режимларига эга. ЭҚВни алмаштириш соҳаси кундалик ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ жорий операцияларга, шунингдек ташқи кредитлар ва чет эл инвестицияларига доир операцияларга татбиқ этилади. Одатда мамлакатда ХВФ уставининг саккизинчи моддаси мажбуриятлари тўлиқ даражада бажарилса, яъни ҳар қандай турдаги операциялар бўйича валюта битимларини амалга оширишга қонун томонидан чеклашлар бўлмаса, валюта эркин конвертацияланадиган бўлиб ҳисобланади. Хусусан, мамлакат халқаро жорий операциялар бўйича тўловлар ва ўтказмаларга чекловлар жорий этмаслиги, валюта сиёсатида камситишларга йўл қўймаслиги, бошқа мамлакатлардан ўз валютасининг қолдиғини сотиб олмаслиги керак. ХВФ аъзолари бўлган 150 дан зиёд давлатнинг 60 тага яқини ўз валюталарининг эркин конвертацияланишини расмий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга ҳозирги вақтда ЭҚВга ўн иккитага яқин валюта киради. Халқаро ҳисоб-китобларда ЭҚВдан валюта резервларини яратишда кенг фойдаланилади. Резерв валюта конвертацияланадиган валютанинг алоҳида тоифаси ҳисобланади. Ҳозирда АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, немис маркаси, япон иенаси ва Швейцария франки резерв валюта ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳ — **қисман конвертацияланадиган валюта** — ҚҚВ. Бу — операцияларнинг айрим турлари бўйича ёки валюта битимларининг баъзи иштирокчилари учун миқдорий чекловлар ёки махсус рухсат бериш русум-қоидалари мавжуд бўлган мамлакатларнинг миллий валютасидир. Бундай мамлакатлар ҳукуматлари фойдаланадиган усуллар: импортни лицензиялаш, алмаштириш курсларининг қўллиги, импорт депозитлари талаб қилиниши, миқдорий назорат. ҚҚВ фақат баъзи чет эл валюталарига алмашинади ва халқаро тўлов оборотининг баъзи турларига амал қилади.

Учинчи гуруҳ — **маҳдуд (конвертацияланмайдиган) валюта**. Бу

— фақат битта мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатадиган ва чет эл валюталарига алмаштирилмайдиган (ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар учун тақиқланган) миллий валютадир. Миллий ва хорижий валюталарни олиб кириш ва олиб чиқиш, сотиб олиш ва сотиш, алмаштиришга турли чеклов ва тақиқлар қўлланиладиган, шунингдек валюта орқали тартибга солишнинг турли усулларидан фойдаланиладиган мамлакатларнинг валюталари маҳдуд валюталарга киради. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган бўлган баъзи мамлакатлар, хусусан Ўзбекистоннинг миллий валюталари маҳдуд валюталар ҳисобланади.

Мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-китобларда **клиринг валюталаридан** фойдаланиш мумкин. Клиринг — товарлар, хизматлар, қимматли қоғозлар учун нақдсиз ҳисоб-китоблар тизими бўлиб, муқобил талаблар ва мажбуриятларнинг ўзаро ҳисобга олинishiга асосланган. Ички банклараро клиринг ва халқаро клиринг мавжуд. Одатда клиринг валюталари (ҳисоб-китоб доллари, ҳисоб-китоб рубли, ҳинд рупияси) тегишли миллий валютага алмашинмайди.

Валюталарнинг юқорида санаб ўтилган даражалари мавжудлиги миллий пул бирликларини эмиссия қиладиган мамлакатлар хўжалик механизмининг қанчалик «бозорбop» даражага эришганлиги, миллий валюталарнинг жаҳон валюта бозоридagi халқаро битимларда иштирокининг миқдoслари ва истиқболлари ҳақида далолат беради.

Валюта битимлари субъектлари ўртасида юзага келадиган барча муносабатларнинг жамлиги «валюта бозори» умумий тушунчаси билан қамраб олинади. Институционал нуқтаи назардан олганда **валюта бозори** бир-бири билан замонавий коммуникация воситаларининг мураккаб тармоғи (телефон ва телекслардан тортиб электрон ва йўлдош тизимларга қадар) билан боғланган, улар ёрдамида валюта савдосини амалга оширадиган кўплаб йирик тижорат банклари ва бошқа молиявий муассасалардан иборатдир. Шу маънода олганда валюта бозори валюта сотувчилари ва харидорларининг аниқ тўпланадиган жойи эмас. Исталган банк валютани энг мақбул курс бўйича ўз ҳисобидан ҳам, ўз мижозининг топшириғига кўра ҳам сотиб олиши ёки сотиши мумкин.

Валюта операцияларининг аксарияти нақдсиз шаклда, яъни банк ҳисобварақлари бўйича ўтказишлар шаклида ўтказилади, бозорнинг арзимаган қисмигина тангалар савдоси ва нақд пулларни алмаштиришга тўғри келади.

Бир қатор мамлакатларда банклараро валюта бозорининг бир қисми ташкилий жиҳатдан валюта биржаси кўринишида расмийлаштирилган.

Замонавий коммуникация воситалари, дам олиш кунларидан

ташқари, валюта билан куну тун савдо қилишга имкон беради. Масалан, бутун дунё бўйича тармоқ отган филиалларга эга бўлган Ғарбий Европа банки операцияларни бир соат минтақасидан бошқасига ўтказиб, доллар билан Сингапур, Франкфурт — Майн, Нью-Йорк ва Тошкентда савдо қилиши мумкин.

Замонавий алоқа ва телекоммуникация воситалари жаҳон молия марказларини боғлайди, улар орасида бир бутун яхлит бўлган Лондон, Нью-Йорк, Токио, Франкфурт — Майн ва Сингапур бозорлари энг йириклари ҳисобланади. Дунёдаги 50 дан ортиқ мамлакат банклари пул маблағларини дарҳол ўтказиш учун Жаҳон банклараро молиявий телекоммуникация жамияти (СВИФТ) хизматидан фойдаланади. Ушбу жамият ёрдамида мижозларга пуллар ўтказилади, валюта битимлари, банклараро ўтказмалар тасдиқланади, ўтказмалар ҳужжатлаштирилади ва ҳоказо. Жаҳон валюта бозорида, шунингдек чекларни юборишнинг халқаро электрон тизими — банклараро клиринг тўловлари тизими — ЧИПС фаолият кўрсатади. У ҳар куни, иш кунининг охирига келиб катта ҳажмдаги молиявий операцияларни амалга ошириш имконини беради.

Валюта бозори иштирокчилари ўртасидаги валюта операцияларини валюталарни алмаштириш ва унинг нисбатларини белгиласдан тасаввур қилиб бўлмайди. Иккита пул бирликларини алмаштиришнинг нисбати ёки бошқа мамлакатнинг пул бирлигида ифодаланган битта пул бирлигининг нархи **валюта курси** деб аталади.

Чет эл пул бирлигининг миллий пул бирлигида белгиланиши **валюталар котировкаси** деб аталади. Бунда чет эл пул бирлигининг курси бевосита котировка шаклида ҳам (чет эл валютасининг 1, 10, 100 бирлиги = миллий валютанинг N та бирлиги), тескари котировка шаклида ҳам (миллий валютанинг 1, 10, 100 бирлиги = чет эл валютасининг N та бирлиги) белгиланиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда чет эл валютасининг курсини белгилашда бевосита котировкадан фойдаланилади, бундан Англия ва Ирландия мустасно. АҚШда иккала котировка қўлланилади.

Ҳозир дунёда 150 га яқин миллий пул бирлиги мавжуд. Бинобарин, 22350 та ( $150 \cdot 149$ ) турли алмаштириш курслари бўлиши керакдек туюлади. Бироқ дунёдаги мавжуд валюталарнинг ҳаммаси ҳам халқаро битимларда фаол иштирок этавермайди, бинобарин, бир-бири билан алмаштирилмайди. Иккита мамлакатнинг валюталари бир-бирига алмаштирилмаса ёки бундай алмаштириш арзимас миқёсларда бўлса, **кросс-курсдан** фойдаланилади. Кросс-курс валюта операцияларида кенг фойдаланиладиган учинчи мамлакат валютаси (одатда АҚШ доллари) ёрдамида ҳисоб-китоб йўли



билан чиқарилади ва иккита мамлакат валюталари ўртасидаги, уларнинг учинчи валютага нисбатан курсидан келиб чиқадиган нисбатидир. Бошқача қилиб айтганда, кўпчилилик валюта операциялари АҚШ долларарида ифодаланганлиги сабабли одатда доллар бўлмаган иккита валюта ўзаро кросс-курс ёрдамида муносабат ўрнатади.

Халқаро битимларда кўпинча валюталарнинг бутун бир тўпламига (валюталар халтасига) нисбатан миллий валютанинг ўртача курсини белгилаш зарурати пайдо бўлади. Ана шу мақсадда валюталар халтасининг қиймати жорий котировкалар базасида бирор-бир битта валютада ҳисобланади. Агар бундай валюталар халтасига бирорта ном берилса, янги умумий валюта пайдо бўлади.

Одатда халтанинг курси унга кирадиган ҳар қандай алоҳида валютанинг курсига қараганда анча барқарор бўлади. Шунинг учун бир хил умумий валюталар халқаро ҳисоб-китобларда кенг қўлланилмоқда. Европадаги ўндан ортиқ давлат валюталари ҳосил этадиган халта базасида ҳисоб-китоб қилинадиган Европа пул бирлиги — ЭКЮ бунга мисол бўла олади.

1976 йилдан бери, ХВФнинг Ямайкадаги анжуманидан сўнг муомалага яна бир умумий валюта: СДР — ўзлаштиришнинг махсус ҳуқуқлари (Special drawing rights — SDR) киритилди, у 1981 йилдан бошлаб бешта валюта — АҚШ доллари, немис маркаси, япон иенаси, француз франки ва инглиз фунт стерлингидан ташкил топган халта базасида ҳисоб-китоб қилди. СДРни Халқаро валюта фонди чиқаради, улар доллар ва олтинга муқобил бўлган, энг муҳим резервуарлардан бири саналади. СДРни қўллаш соҳаси ЭКЮникидан торроқ, у хусусий секторга татбиқ этилмайди.

ЭКЮ ва СДР халқаро ҳисоб-китобларда энг маълум ва кенг қўлланиладиган умумий валюталардир. Бироқ, улар билан бир қаторда, баъзи мамлакатлар миллий валюталар курсларини ҳисоб-китоб қилишда ва бир қатор халқаро битимларни амалга оширишда махсус номи бўлмаган турли валюта халталаридан фойдаланадилар. Австрия, Исроил, Финляндия, Швеция валюталари курслари шу тарзда шакллантирилади. Швед кронаси курсини, масалан, Швециянинг энг муҳим савдо шериклари бўлган мамлакатларнинг ўн бешта валютаси белгилайди.

1999 йил 1 январдан бошлаб, Фарбий Европа давлатлари валюта иттифоқи фаолият кўрсата бошлаши билан бир вақтда янги Европа валюта тизими кучга киритилди. Шу пайтдан бошлаб ВИХ мамлакатларида янги умумий валюта — Евро жорий этилди.

Валюта курси асосан узоқ муддатли режада савдо баланси ҳолати билан белгиланадиган, валюта талаб ва таклифининг нисбати таъсирида шаклланади. Талаб ва таклифнинг нисбатида фоиз ставка-

лари жуда муҳим роль ўйнайди, чунки ҳар доим сармояни энг фойдали тарзда қўйишга интилишади ва уни фоиз ставкалари юқори бўлган жойга инвестициялашади. Таклифи чекланган валютанинг курси ўсади, айна вақтда таклифга сероб валютанинг курси тушади.

Тўлов балансининг ҳолати ва ривожланиши курсни шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Тўлов баланси асосан товарлар экспорти ва импортининг нисбати билан белгиланади, бироқ сармоялар ҳаракати ва хизматлар айирбошлашнинг роли ўсиб боради, улар савдо баланси мувозанатсиз бўлишининг муайян тамойилларини кучайтиради.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати курсларни шакллантиришга шубҳасиз, айниқса қисқа муддатли таъсир кўрсатади.

Валюта бозорларининг профессионал иштирокчилари учун шунчаки «валюта курси» мавжуд эмас. У икки курсга бўлинади: харидор курси ва сотувчи курси.

Харидор курси — резидент банк чет эл валютасини миллий валюта учун сотиб оладиган курс, сотувчи курси эса — у чет эл валютасини миллий валюта учун сотадиган курс. Масалан,  $1\$ = 1,8635/55$  ДМ котировкаси Германиядаги тижорат банки 1 долларни мижоздан 1,8635 маркага сотиб олиб, 1,8655 маркага сотишга тайёрлигини англатади.

Бевосита котировкада сотувчи курси харидор курсига қараганда анча юқори бўлади.

Сотувчи курси билан харидор курси ўртасидаги фарқ маржа деб аталади, у чиқимларни қоплайди ва банкнинг валюта операциялари бўйича фойдасини шакллантиради.

Шубҳасиз, ҳар қандай банк харидор курсининг иложи борича паст ва сотувчи курсининг иложи борича юқори бўлишидан манфаатдор, мижоз учун қаттиқ рақобатгина банкларни бошқача иш тутишга мажбур этади. Маржани қисқартириш ва мижозларни жалб этиш фойда массасини кўпайтиришга имкон беради.

Одатда маржа беш, ўн, йигирма пункт ёки пиксдан иборат бўлади, вергулдан кейинги учинчи ва тўртинчи белгилар шундай деб аталади: «big figure» деб аталувчи дастлабки учта рақам бунда одатда ўзгармасдан қолади.

Турли бозорларда нархдаги фарқдан тезроқ фойда олиш «валюта арбитражи» деб номланади. Унинг моҳияти — бир жойда арзонга олиб, бошқа жойда қимматта сотишдир.

Валюта опционлари товар биржасидаги опционларга ўхшайди. Опцион харидорга аввалдан белгиланган вақтда чет эл валютасининг муайян суммасини олдиндан белгиланган курс бўйича сотиб олиш ҳуқуқини беради.

Содир этилиш муддатларига қараб валюта курслари қуйидагиларга табақаланади:

*жорий (касса) валюта курси* — ҳозир, яъни икки банк куни давомида амалга ошириладиган битимларга доир курс;

*муддатли (форвард) валюта курси* — маълум муддатда (масалан уч ой, ярим йилда) амалга ошириладиган операцияларга доир курс.

Валюта бозорларида чет эл валютасининг олди-сотдиси касса (нақд) битими ва/ёки муддатли валюта битими шаклида юз беради.

**Касса битими «spot» шартларида** амалга оширилади ва асосан ташқи савдо ҳисоб-китобларида чет эл валютасини дарҳол олиш, шунингдек курслар ўзгаришига доир эҳтимолий валюта йўқотишларидан қочиш мақсадида қўлланилади. Касса операцияси учун битим тузиш пайти амалда уни бажариш пайти билан мос тушиши хосдир. Валюта харидорга битим тузилиши билан дарҳол етказилади, ҳисобга ёзиш санаси сифатида битим тузилган кундан кейинги иккинчи иш куни олинади. Валютани етказиш муддати «валюталаш санаси» деб номланади.

Сотилган валютани сотувчи одатда олувчи банк кўрсатган ҳисобвараққа ўтказилади. Нақд битимлар курслари котировка жадваллари (бюллетенлар)да эълон қилинади. Бундай операциялар валюта бозорларида энг кенг миқёсда қўлланилади ва ҳозирги вақтда банклараро бозор умумий ҳажмининг тахминан 55 фоизини ташкил этади.

**Муддатли валюта битими** ташқи савдо операциялари, бевосита, хориждаги портфель инвестициялари бўйича тўловларни суғурталаш учун ва бошқа мақсадларда қўлланилади. Битим валютани сотувчи билан унинг харидори ўртасида уни харидорга битим тузилганидан кейин муайян вақт ўтгач ва уни тузиш пайтида белгиланган курс бўйича етказиб бериш тўғрисида шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади.

Муддатли валюта битимини тузиш пайтида курснинг ўзгариш истиқболларини тўғри баҳолаш жуда муҳимдир. Муддатли битим бўйича валюталар курси, бир томондан, уни тузиш пайтида валюта бозоридаги талаб ва таклиф нисбати, бошқа томондан, алоҳида валюталар бўйича фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ билан белгиланади ва касса курсига мукофотни қўшиш — ажио (репорт) ёки ундан дисконт (депорт)ни чегириш йўли билан ўрнатилади. Агар муддатли битим бўйича курс касса операцияси бўйича курсдан паст бўлса, касса курсидан **дисконт** чегирилади. Ва аксинча, агар валюта муддатли битим ёки нақд операция бўйича қим-

матроқ котировкаланса, спот битими бўйича курсга ажио қўшилади.

Форвард валюта курслари сингари ҳолатнинг пайдо бўлиши пировард — оқибатда валюта арбитражи жараёнлари билан боғланган. Валюта бозори иштирокчилари бу операцияларни соф спекулятив мақсадларда ёки валюта хатарларини суғурталаш мақсадида амалга оширадilar. Бунда ҳежерлар (хатарни суғурталовчилар)нинг мақсадлари чайқовчиларникига тамомила қарама-қаршидир.

Валюта алмаштириладиган асосий қоидалар ва валюта курслари ўзгаришини белгилайдиган омилларнинг таҳлили валюта муносабатлари тизими орқали жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимида ички иқтисодиётнинг динамик мувозанатига эришилишини кўрсатмоқда.

Мазкур мувозанатни тартибга солиш воситаси сифатида давлат валюта сиёсатини шакллантириш кўп жиҳатдан валюта курслари режими билан белгиланади.

Валюта курсини белгилаш режимига нисбатан давлатнинг иккита муқобил позицияси (Марказий банк ва Молия вазирлиги тимсолида) қуйидаги ҳолатга олиб келади.

1. Давлат миллий валютани алмаштириш курсини муайян даражада қаттиқ даражада белгилаб, ўз зиммасига унинг барқарорлигини кўллаб туриш мажбуриятини олади. **Белгиланган курслар** бизнес учун жуда қулай, чунки тадбиркорлик фаолиятини прогнозлаш имконини беради.

2. Давлат валюта курсига талаб ва таклиф таъсирида эркин ўзгаришга имкон беради. Бу ҳолда мослашувчан валюта курси ёки **сузувчи курс** яққол кўринади.

Муайян мамлакатда белгиланган курслар ёки сузувчи курслар режими ўрнатилганига қараб, бузилган мувозанатни тиклаш учун иқтисодий дастакларнинг турлича тўплами кўлланилади.

Белгиланган курсда ички иқтисодиётда ўзгартишлар амалга оширилиши керак, токи мавжуд валюта курсида ташқи дисбаланс барҳам топсин. Масалан, тўлов баланснинг камомати чоғида миллий валютага талаб тикланмагунга қадар валюта резервларини сотиш ҳисобига, келиб чиқадиган барча дефляция оқибатлари билан, пул массасини қисқартириш, пул-кредит сиёсатини қаттиқлаштириш лозим бўлади.

Сузувчи курсда бошқача мушкуллик эҳтимоли бор. Валюта курси қисқа муддатли (спекулятив) омиллар таъсирида иқтисодиётнинг макроиқтисодий балансланмаганлигига ортиқча баҳо бериб юбориши, бу эса номақбул таркибий ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Марказий банкларнинг валюта бозорларидаги интервенцияси ва иқтисодий ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатиш мақсадида турли пул-кредит дастакларини фаол қўлланиш, гарчи халқаро валюта тизимининг тадрижий ривожланиши умуман олганда белгиланган валюта курсларидан сузувчи курслар йўналиши томон борган бўлсада, ҳозирги вақтда валюта курсларининг на у, на бу режими соф кўринишда амалда мавжуд эмаслиги тўғрисида сўзлаш имконини беради.

#### **4.2. Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилигининг асослари ва валютани тартибга солиш соҳасидаги ислохотнинг асосий босқичлари**

1991 йилда мустақилликка эришилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда валюта операциялари амалга оширилмаган. Ташқи савдо фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар СССР Внешэкономбанкнинг Москвадаги бош офисида ёки унинг Тошкентдаги филиалида ўз валюта ҳисобварақларини очганлар. Внешэкономбанк чет эл валютасига доир операцияларни амалга оширувчи ягона банк эди.

Собиқ СССР таназзулга учрагач, вазият тубдан ўзгарди. 1991 йил сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди, у ўз зиммасига ташқи савдо оборотига хизмат кўрсатишга доир асосий функцияларни олди.<sup>1</sup> Айна пайтда бошқа тижорат банклари чет эл валютаси билан операцияларни ўтказишга бош лицензияни олиб, содир этиладиган валюта операцияларининг тур ва ҳажмларини ривожлантира бошладилар.

1993 йил майида республика Парламенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди, унда валюта бозорининг фаолият кўрсатиши ва чет эл валютаси муомаласи асослари белгилаб берилди. Кейинроқ бир қатор қарорлар, фармойишлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар жамлиқда Республикада валютани тартибга солиш тизимини барпо этади.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларида иштирок этадиган, мамлакат фуқароси бўлган ва чет эллик жисмоний ва юридик шахслар резидент ва норезидентларга бўлинади.

Қуйидагилар резидент ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармониға қаралсин.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунига қаралсин.

шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинча турган жисмоний шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва рўйхатга олинган, жойлашган ери Ўзбекистон Республикасида бўлган юридик шахслар, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар;

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги, иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланувчи дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган бошқа ваколатхоналари.

**Куйидагилар норезидент ҳисобланади:**

чет элда доимий яшаш жойига эга бўлган, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган жисмоний шахслар;

чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият юритаётган, жойлашган ери Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари иштирокидаги юридик шахслар;

Ўзбекистон Республикасида жойлашган, иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланувчи чет эл дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган ўзга ташкилот ва фирмаларнинг ваколатхоналари.

Мазкур қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги — сўм бўлиб, у 1994 йилнинг 1 июлидан жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги 499-сон қарори билан сўм Ўзбекистонда бирдан-бир қонуний тўлов воситаси деб эълон қилинди, Ўзбекистон ҳудудида резидент ва норезидентлар ўртасида (ёки резидентлар ўртасида) чет эл валютасидаги барча ўзаро ҳисоб-китоблар тақиқланган.

Импорт ва экспорт контрактлари сўмда, эркин конвертацияланадиган валютада ёки МДҲ мамлакатлари тўртта валютасидан (Россия рубли, қозоқ тенгеси, украин карбованеци, беларус рубли) бирида тузилиши мумкин. Бартер контрактлари Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий ҳокимият органларининг рухсати билан амалга оширилади.

**Куйидагилар Ўзбекистонда валюта операциялари ҳисобланади:**

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида мулкчилик ҳуқуқининг валюта бойликларига ўтиши билан боғлиқ операциялар, шу жумладан тўлов воситаси сифатида чет эл валюта-

сидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси пул бирлигидан фойдаланиш билан боғлиқ операциялар;

валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасига хориждан олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан хорижга олиб чиқиш ва жўнатиш;

халқаро пул ўтказувларини амалга ошириш.

Валюта операциялари жорий операциялар ва сармоянинг ҳаракати билан боғлиқ операцияларга бўлинади.

Президентнинг 1995 йил 27 июнда чиқарган «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички конвертацияланишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони савдо жойларида амалга ошириладиган битим турларини анча эркинлаштирди. Ушбу Фармонга мувофиқ барча юридик шахсларга, резидент ва норезидентларга (мулкчилик шаклидан қатъи назар), шунингдек jisмоний шахсларга чет эл валютасини савдо жойларида ваколатли банклар орқали сотиб олиш ва сотишга рухсат берилди.

### Институцион тузилма

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республика валюта биржаси (ЎЗРВБ), банклараро бозор, айирбошлаш пунктлари орқали нақд чет эл валютаси бозори фаолият кўрсатапти.

Ўзбекистон банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (ЎЗРМБ) ва унинг 14 та бош ҳудудий бошқармаси, шунингдек 33 тижорат банки, шунинг иккитаси тўлиқ равишда ҳукумат томонидан таъсис этилган — Халқ банки ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (Ўз ТИФ МБ), чет эл сармояси иштирокидаги 4 банк ва хусусий 6 банкдан иборат. Акциядор ҳисобланган бошқа банкларда давлат улар акцияларининг бир қисмига эгаллик қилади. Молиявий органларнинг функциялари бир нечта муассасалар ўртасида тақсимланган. 1995 йил ўртасида қабул қилинган Марказий банк тўғрисидаги қонунга кўра мустақилликнинг каттагина даражасига эришган ЎЗР МБ пул эмиссияси, Ўзбекистон ҳудудида чет эл валютасидан фойдаланишни тартибга солиш бобида мутлақ ҳуқуққа эгадир. ЎЗР МБ пул чиқаради, ҳукумат учун депозитлар ва трансфертлар бўйича хизматларни амалга оширади, шунингдек ҳукуматга кредитлар беради.

1996 йил ўрталарига қадар тижорат банкларини ташкил этишда ЎЗР МБнинг устав сармоясига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1993 йил 28 мартдаги қарори билан тасдиқланган 5-баённомада келтирилган талабига риоя этиш зарур эди, унга кўра тижорат банклари 2 млн. АҚШ доллари миқдоридagi устав сармоясига эга бўлишлари керак эди.

1996 йил 25 апрелда Олий Мажлис янги қонунни — «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилди, ҳозирги вақтда у банк фаолиятини тартибга соладиган фундаментал қонун ҳужжати ҳисобланади. Мазкур қонун ЎзРМБга тижорат банклари устав сармоясининг энг кам ҳажмларини ҳар бир якка тартибдаги ҳолда ўзининг кўриб чиқишига қараб белгилаш ваколатини беради.

ЎзР МБ томонидан тасдиқланган (1997 йил 25 январдаги 22-сон хат) «Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ, чет эл сармояси иштирокидаги банклар устав сармоясининг энг кам ҳажми 5 млн. АҚШ долларига қадар кўпайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар ҳафтада икки марта ўтказиладиган валюта биржа савдоларида иштирок этадилар. Ваколатли банклар ўз номларидан ва уларга буюртманомга берадиган ўз мижозлари топшириғига кўра иштирок эта оладилар, трансакцияларнинг иккала тури учун ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Савдолар АҚШ долларига ўтказилади, курс талаб ва таклифнинг мувозанатига қараб белгиланади.

ЎзРВБ фиксингининг белгиланишига қараб айирбошлаш курси Марказий банкнинг кейинги календарь кунидан бошлаб кучга кирадиган янги расмий курсига айланади. Бошқа кунлари Марказий банк банклараро бозордаги битимлар натижалари бўйича алмаштириш курсини белгилайди. Бошқа конвертацияланадиган валюталарга кросс-курслар халқаро бозорларнинг тегишли санага доир маълумотлари асосида белгиланади. МДХ мамлакатларининг валюта курслари ушбу давлатларнинг ҳар бир Марказий банки тақдим этган ахборот асосида белгиланади.

### Валютани алмаштириш курси

1994 йил 1 июлда миллий валюта — сўм жорий этилганидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси бошқариладиган сузувчи валюта курсига амал қила бошлади. Аввал бошдан ҳукумат Республика валюта биржасида сўмнинг расмий курсини белгилаш учун ҳар ҳафтада банклараро валюта савдоларини ўтказди. Бундай савдоларда ЎзР МБ лицензиясини олган тижорат банклари ва ЎзР МБнинг ўзи иштирок этди.

Аукционларда белгиланган сўмнинг бошланишдаги расмий алмаштириш курси 1994 йил 1 июлда бир АҚШ долларига 7 сўмни ташкил этди. Бошқа 30 валюта ва СДРнинг расмий курслари АҚШ долларига нисбатан белгиланади ва расмий битимларда, шу жум-

1 Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунига қаралсин (1996 йил 25 апрель).



ладан экспортчилар томонидан ЎЗР МБга аукционлар орқали сотиш учун сотилган чет эл валютасини алмаштириш чоғида фойдаланилади.

1996 йил апрели ўрталаридан бошлаб 1996 йил июнига қадар расмий курс билан тижорат курси ўртасидаги фарқ деярли 5 фоизга камайди, бу эса банклар томонидан иккинчи маротаба айирбошлаш пунктлари таклиф этадиган харид ва сотиш нархлари ўртасида озгина фарқни белгилашга олиб келди.

Ҳозирги вақтда ҳафтада икки марта ЎЗР МБ белгилайдиган битта айирбошлаш курси мавжуд. Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасининг сотиб олиниши ва сотилиши ваколатли банкларнинг пул алмаштириш пунктлари орқали амалга оширилади.

2000 йил 1 январида расмий алмаштириш курси бир АҚШ доллари учун 140 сўмни ташкил этди.

Ташқи савдо обороти Республика ЯИМнинг анчагина улушини ташкил этишини ҳисобга олиб, айирбошлаш курсининг ўрнатилиши миллий иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларини ҳам белгилайди. Сўмнинг юқори айирбошлаш курсида (яъни доллар арзонлашганида) хориждан тайёр маҳсулотни импорт қилувчилар сони кўпаяди, ҳолбуки бундай ишлаб чиқаришни (озик-овқат маҳсулотлари, асосий қурилиш материаллари, қандолатчилик маҳсулотлари, тўқимачилик буюмлари, халқ истеъмолининг баъзи товарлари ва ҳоказо) республиканинг ўзида ҳам ривожлантириш мумкин. Савдо операцияларининг фойда келтириши ва ўзини тезда қоплашини ҳисобга олганда ушбу ҳолда савдо операциялари учун валютага талаб кучли даражада ошиши мумкин.

Қисқа муддатли режада сўмнинг айирбошлаш курси инфляция ўлчамлари, муомаладаги пуллар ҳажми, ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари билан чамбарчас боғланган, узоқ муддатли режада эса, асосан, миллий валюта харид қобилиятининг паритети билан белгиланади.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олганда миллий валюта айирбошлаш курсининг барқарорлигига таъсир этадиган қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

*бирламчи омиллар*

**чакана нархлар инфляцияси кўрсаткичи**, агар айирбошлаш курсининг динамикаси инфляция суръатларидан орқада қолса ва импорт товарлари анча арзонлашса, у чет эл валютасига талабнинг аста-секин ўсиб боришини юзага келтиради;

**савдо баланси сальдоси**, пул-кредитни тартибга солиш органлари тасарруфида қоладиган, республика резидентларини чет эл-

лик шериклар билан ҳисоб-китоблар учун валюта сотиб олишга ундайдиган чет эл валютаси чегириб ташлангач;

**пул массасини ўстириш суръатлари**, шу жумладан, нақдсиз суммалар, айниқса товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши билан таъминланмаган кредит эмиссияси қисмида;

валюта биржасида Марказий банк томонидан **чет эл валютасини сотиш ҳажмларидаги ўзгартишлар**.

#### *иккиламчи омиллар*

банк ҳисобварақларидан нақд пулларни олишга доир мавжуд чекловлар нақдсиз валютага бўлган талабни кўпайтиради:

**майда тадбиркорларнинг** солиқлардан қочиш мақсадида олинган фойдани кейин яшириш учун импорт товарларни харид қилишга нақд валютада ҳисоб-китоблардан фойдаланишга уринишлари. Мазкур тамойиллар банк тизимининг ривожланиш даражасидан қатъи назар, амалда дунёнинг барча мамлакатларида мавжуд ва уларнинг олдини фақат солиқ ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалга оширадиган самарали тадбирлар билангина олиш мумкин;

**Республика импорти таркиби**, хом ашё, тайёр маҳсулот ва халқ истеъмоли товарлари харидорларининг ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда, улар талаби айирбошлаш курсининг ўзгаришига турлича муносабатда бўлади;

**нақд валютанинг айирбошлаш пунктлари орқали** ваколатли банклар томонидан **сотилиши**, у талабга жуда қисқа муддатли режада таъсир кўрсатади;

**нолегал бозор курси**, талаб ва таклифнинг мувозанатини ёки бозорга киришга чеклашларни жорий этишни ҳисобга олиб шаклланади;

**кейинчалик айирбошлаш учун эркин конвертацияланадиган валютага талаб**, уни МДҲга аъзо мамлакатлар билан контрактлари бўлган, яъни кейин Россия рубли, қозоқ тенгеси ва ҳоказоларга алмаштириш учун валюта сотиб оладиган корхона ва ташкилотлар яратади.

## **Валюта назорати**

Ўзбекистон Республикасида валюта назорати валюта назорати органлари ва уларнинг агентлари томонидан амалга оширилади.<sup>1</sup>

Республикада ЎЗР МБ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси валюта назорати органлари ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларига мувофиқ валюта назорати функцияларини амалга ошириши мумкин бўлган ташкилотлар

валюта назорати агентлари ҳисобланади.

Ваколатли банклар, валюта назорати агентлари сингари, амалга оширилиши учун валюта сўраладиган операция рухсат этилган операциялар тоифасига кириши учун жавобгар бўладилар. Бунда мижоз тақдим этган ариза ваколатли банк томонидан аукционга топширилгунига қадар иккита шартга риоя қилиниши керак: мижоз аниқ тўловлар ҳақида сўровнома мавжуд бўлган контрактлар асосида ёзган молиявий ҳужжатларнинг кўчирма нусхасини тақдим этиши ҳамда ўз ҳисобварағида сўмларда етарли суммага эга бўлиши керак. Даромад ва дивидендларнинг репатриация қилиниши учун солиқ органларидан фойда тақсимланиши ва солиқлар тўланиши, етказиб берувчилар олдида қарзларнинг йўқлиги тўғрисида маълумотномани тақдим этиш зарур.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан чет элдаги корреспондент банкнинг муқобил кафолати албатта бўлгани ҳолда, контракт қийматининг кўпи билан 15 фоизи миқдорида импорт контрактлари бўйича банк ўтказмаларидан фойдаланиш чоғида чет эллик шерикларга бўнак тўловларини амалга оширишга рухсат берилади. Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклидан фойдаланишнинг чекловларсиз бўлиши назарда тутилган.

### **Банклараро бозор**

Валютани тартибга солиш қоидаларига кўра ваколатли банкларга ҳам нақд, ҳам нақдсиз чет эл валютасини ўзаро сотишга ва сотиб олишга рухсат берилган. Банклараро бозор даражасида ўтказиладиган айирбошлаш операцияларининг сони нисбатан кўп эмас. Банклараро бозорда рухсат берилган курс — расмий курс (сўнгги аукционда белгиланган) плюс битим суммасининг 1 фоизидан ошмайдиган миқдорда воситачилик ҳақи.

### **Резидент ва норезидентларнинг ҳисобварақлари**

Резидентлар ҳам, норезидентлар ҳам Ўзбекистон тижорат банкларида сўмда ва чет эл валютасида ҳисобварақларни очишлари мумкин. Резидентлар хориждаги чет эл банкларида фақат Марказий банкнинг рухсати билан ҳисобварақларни оча оладилар.

Резидентларнинг сўм ва хорижий валютадаги ҳисобварақлари исталган суммада, келиб чиқишидан қатъи назар — сўм ва чет эл валютасида кредитланиши мумкин. Сўмдаги ҳисобварақлардаги қолдиқлар валюта биржасидаги савдолар орқали ёки кейинчалик айирбошлаш пунктларида конвертациялаш билан ҳисобварақдан пулни олиш воситасида конвертацияланган бўлиши мумкин. Сав-

доларда ёки валютани айирбошлаш пунктларида конвертацияланган сўмдаги қолдиқлар ҳеч қандай чекловларсиз резидентнинг валюта ҳисобварақларида депозит улушга қўйилиши мумкин. Агар ўтказиш бевосита резидент номидан амалга оширилса (яъни жўнатувчи номига хорижда очилган валюта ҳисобварағига ўтказилса), ушбу ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар хорижга ҳеч қандай чекловларсиз ва бирор-бир ҳужжатларни тақдим этмасдан ўтказилиши мумкин. Агар қолдиқлар учинчи мамлакатга ўтказилиши керак бўлса, жорий операциянинг тўғрилигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни (масалан, имзоланган контракт ёки ҳисобварақ-фактурани) тақдим этиш зарур.

Норезидентларнинг сўмдаги ҳисобварақлари ўтказилган ёки Ўзбекистонда олинган ҳар қандай сумма билан кредитланиши мумкин. Ушбу ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар Ўзбекистондаги бошқа сўмдаги ҳисобварақларга ўтказилиши, сўмлардаги банкноталарни олиш учун ҳисобдан чиқарилиши ёки тушумнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилган хорижга ўтказилиши мумкин.

Валюта ҳисобварақларини норезидентлар ҳам қиёслаш ҳужжатлари ва Ўзбекистонга олиб келинган чет эл валютасидаги суммани кўрсатувчи божхона декларациясини тақдим этиб очишлари мумкин. Бу ҳисобварақлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган, хориждан олиб келинган ёки Ўзбекистонда қонуний асосда олинган, яъни Ўзбекистонда амалга оширилган жорий операциялар бўйича сўмдаги тушумдан пайдо бўлган ва сўнгра савдолар ёки валютани айирбошлаш пунктларида конвертацияланадиган чет эл валютаси билан кредитланиши мумкин. Норезидентларнинг валюта ҳисобварақларидаги, жорий халқаро операциялардан тушумлардан шаклланадиган қолдиқлар хорижга ҳеч қандай чекловларсиз ўтказилиши мумкин.

### **Конвертация ва тўловлар**

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида фирма ва жисмоний шахслар валюта аукционларида ва тижорат банкларининг айирбошлаш пунктларида чет эл валютасига эга бўлиши мумкин бўлган шартларни назарда тутадиган қонун ва низомлар тизими мавжуд.

Жисмоний шахс — резидентлар айирбошлаш пунктларида шахсий эҳтиёжлари учун, шу жумладан хорижга чиқиш учун расмий курс бўйича вақолатли банкларнинг маржаси (воситачилик ҳақи)ни ҳисобга олган ҳолда чет эл валютасини харид қилишлари мумкин. Резидентлар кредит карточкаларидан фойдаланишлари мумкин.

Норезидентлар ваколатли банкнинг айирбошлаш пунктида сўмларни олдиндан харид қилишни тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлганда айирбошлаш пунктларида чет эл валютасини биржадан ташқари курс бўйича алмаштиришлари мумкин. Чет эл валютасини сотиб олишни хоҳлаган ҳар қандай шахс тегишли ҳужжатлар ва шахсни тасдиқлайдиган гувоҳномани тақдим этиши шарт. Шахслар исталган миқдордаги чет эл валютасини республикага чеклашларсиз олиб киришлари мумкин. Чет эл валютасини олиб кириш чоғида жисмоний шахслар олиб кириладиган суммани божхона чегарасида декларациялашлари керак. Резидентлар чет эл валютасини 1500 АҚШ долларига муқобил сумма доирасида, норезидентлар эса божхона декларациясига мувофиқ республикага олиб келинган валюта доирасида олиб киришлари мумкин. Белгиланган суммалардан ортиқча нақд чет эл валютасини олиб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ёки чет эл валютаси билан операциялар ўтказишга бош лицензияга эга бўлган ваколатли банклар рухсати билан йўл қўйилади.

**Резидент ва норезидентлар, юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон тижорат банкларида валюта ва сўмдаги ҳисобварақларни очишлари мумкин. Резидентлар хорижда валюта ҳисобварақларини ЎЗР МБнинг махсус рухсати бўлгандагина очишлари мумкин. Чет эл валютасидаги экспортдан фойда оладиган юридик шахслар кўрсатилган фойданинг 50 фоизини ЎЗР МБнинг ташқи биржа курси бўйича конвертациялашлари керак. Мазкур қоида товарларни ҳукуматлараро келишувлар бўйича харид қиладиган корхона ва ташкилотларга татбиқ этилмайди.**

Импортни реализация қилишдан олинган сўмларни чет эл валютасига конвертациялаш тегишли битимларнинг асослилигини ва импорт контракти шартларининг мақбул хусусиятини таъминлашга йўналтирилган қоидалар тизими билан тартибга солинади. Мазкур механизм паст сифатли товарлар, нархи оширилган товарлар ёки уларни сотишдан чет эл валютасида олинган фойдани конвертациялаш мақсадида қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган товарлар импортчиларининг аукционлар ёки бевосита тижорат банки орқали ёки бошқа каналлар орқали чет эл валютасига эга бўлишини чеклашга йўналтирилган. Механизм лицензияли импортчиларга ёрдам беришга ва импортга доир операцияларни молиялашга ҳам йўналтирилганки, уларнинг битимлари ва сотишнинг тахмин қилинадиган нархи (улгуржи битим учун 10 фоизли ва чакана битим учун тегишлича 20 фоизли устама) божхонада баҳолаш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида келишувдан ўтган.

Бундан ташқари, иқтисодийнинг устувор соҳаларида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш мақсади билан замонавий ускуна ва технологияларни рағбатлантиришга йўналтирилган мавжуд механизм ишлаб чиқариш-техник мақсадли маҳсулот импортига контрактлар бўйича конвертацияни назарда тутади.

Куйидагилар иқтисодийнинг устувор соҳалари қилиб белгиланган: самолётсозлик ва транспорт воситаларини ишлаб чиқариш, кон-қазувчилик саноати, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ўров-жойлаш материалларини ишлаб чиқариш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, телекоммуникациялар ва транспорт.

Истеъмол товарлари ва хизматлар импортини 1996 йил ўртасига қадар тартибга солиш учун Марказий банкнинг патентлар тизими барпо этилди.

Марказий банк патентларни ҳар қандай резидент — юридик ёки жисмоний шахсга тақдим этган. Патент ташқи савдо операциялари амалга оширилишини ва импорт товарни сотиш имкониятлари мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этилганда берилган.

Бутловчи буюмлар, хом ашё, ишлаб чиқариш учун ускуналар ва патент талаб қилинмайдиган шу сингари мақсадлар импорти учун маблағларни конвертациялаш миқозлар томонидан бевосита валюта биржасида ваколатли банклар орқали, контрактлар кўчирма нусхаларини ваколатли банкларга тақдим этган ҳолда амалга оширилган.

### **Валюта тушумини мажбурий сотиш**

Ҳозирги вақтда Республикада қорхона ва ташкилотларнинг чет эл валютасидаги экспорт тушуми бир қисмини Марказий банкка мажбурий сотиш тартиби қўлланилади. Тузилган экспорт контрактларининг турига боғлиқ ҳолда мажбурий сотишнинг табақалаштирилган ставкалари қўлланилади: марказлаштирилган экспорт бўйича — харажатларни чегирган ҳолда келиб тушган чет эл валютасининг 100 фоизи, марказлаштирилмаган экспорт бўйича — 30 фоиз (1999 йилдан бошлаб — 50 фоиз).

Мажбурий сотиш контракт валютасида мазкур валюта учун расмий курс бўйича олинганидан сўнг 10 кун мобайнида, воситачилик ҳақсиз, амалга оширилади. Сўмдаги тегишли сумма ЎЗР МБ ҳисобварағидан олинади ва экспортчининг ҳисобварағига ўтказилади.

## Валютани тартибга солиш сиёсатидаги энг охирги ўзгаришлар

Тўлов баланси анчагина ёмонлашувининг олдини олиш ва иқтисодиётни таркибий қайта қуришга ёрдам бериш учун импорт таркиби устидан назоратни таъминлаш мақсадида 1996 йилнинг охирги чорагида Ўзбекистон ҳукумати миллий валютани чет эл валютасига конвертациялаш тартибини ўзгартирди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг резидентларга сўмлар эркин конвертацияланадиган валютага патентлар беришнинг мавжуд тизими бекор қилинди ва уни рационаллаштириш йўли билан чет эл валютасининг бозорга кириш йўли қаттиқлаштирилди. Ўзларининг марказлаштирилган валюта ресурслари ҳисобига устувор конвертацияга ҳуқуқи бўлган юридик шахслар қайта рўйхатга олинди. Бунда импорт қилинадиган халқ истеъмоли товарларини сотишдан тушган сўмларни эркин конвертацияланадиган валютага устувор алмаштиришга Марказий банкнинг лицензияси берилган юридик шахслар миқдори 3 баравардан кўпроқ қисқартирилди, қолган импортчиларга эса чет эл валютасини расмий каналлар орқали олиш рад этилди. Марказий банкнинг ЭКВга сўмларни устувор конвертациялаш учун лицензиясини олиш ҳуқуқи биринчи навбатда илгари Марказий банкнинг патентига эга бўлган қуйидаги корхона ва ташкилотларга берилди:<sup>1</sup>

- супермаркетларга;
- тайёр халқ истеъмоли товарларини импорт қиладиган, нуфузли чет эл савдо ва ишлаб чиқариш фирма ва компаниялари билан барқарор савдо алоқаларига эга бўлган, шунингдек Ўзбекистон иқтисодиётини инвестициялайдиган йирик ва ўрта чет эл, шубба ва қўшма корхоналарга;
- тайёр халқ истеъмоли товарларининг муайян тур ва гуруҳларини импорт қилишга ихтисослашган улгуржи савдо ташкилотларига;
- аҳолига сотиш учун дори-дармон ва препаратлар, тиббиёт техникасининг импорти бўйича харид билан шуғулланадиган йирик улгуржи ташкилотларга;
- белгиланган тартибда дипломатик корпус ва дипломатик миссиялар ходимларига хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи давлат ихтисослаштирилган ташкилотларига.

Марказий банк лицензиясига эга бўлган юридик шахс — резидентлар импорт товарларини сотишдан олинган сўм маблағларини ЭКВга конвертациялаш хусусида ваколатли банкларга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1996 йил 21 ноябрдаги 1318/3465-сон хатига қаралсин.

ариза тақдим этадилар. Аризаларни қабул қилиш, импорти Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузурдаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш республика маркази томонидан тавсия қилинмаганларидан ташқари, халқ истеъмоли товарларининг барча турлари ва гуруҳлари бўйича амалга оширилади (супермаркетлардан ташқари). Марказий банк лицензияларининг эгалари чет эл валютасини ўз ваколатли банклари орқали Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси белгилайдиган керакли квоталар доирасида харид қилишлари мумкин.

1997 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон валюта тизими сўмнинг тўртта расмий курси мавжудлиги билан характерланади: аукционларнинг айирбошлаш курси; тижорат банкларининг айирбошлаш курси; расмий айирбошлаш курси ва айирбошлаш пунктларининг курси.

*Аукционларнинг айирбошлаш курси*, гарчи у моҳиятига кўра бозор томонидан талаб ва тақлиф асосида белгиланиши керак бўлсада, амалда Марказий банк томонидан белгиланади, айни у чет эл валютасининг асосий қисмини ушбу бозорга тақлиф этади. 1997 йилгача аукционда сотиладиган чет эл валютасининг асосий манбаи марказлаштирилган экспортдан олинган валюта тушумини 100 фоиз мажбурий сотиш,<sup>1</sup> марказлаштирилмаган экспортдан олинган валюта тушумининг 30 фоизини мажбурий сотиш ва расмий резервлар эди. 1997 йил 1 январдан, чет эл валютасини биржадан ташқари бозорда сотиш жорий этилганидан сўнг, марказлаштирилган экспортдан олинган чет эл валютасини мажбурий сотиш ва расмий резервлар чет эл валютасини аукционга тақлиф этишнинг асосий манбаи бўлиб қолди. Аукционнинг айирбошлаш курси бўйича чет эл валютаси асосан йирик корхоналарга, инвестицион ва оралиқ товарлар импорти, импорт товарлари ва хизматларининг давлат харидлари, давлат ва кафолатланган ташқи қарзга хизмат кўрсатиш, шунингдек энг зарур истеъмоли товарлари импорти учун сотилади.

*Тижорат банкларининг айирбошлаш курси*, 1997 йил 1 январидан жорий этилган, у ҳам моҳиятига кўра банклараро валюта бозорида эркин белгиланиши керак. Биржадан ташқари бозорда чет эл валютасини тақлиф этишнинг асосий манбаи марказлаштирилмаган экспортдан олинган валюта тушумининг 50 фоизи-

1 Марказлаштирилган экспорт — асосан хом ашё товарларининг (пахта толаси, олтин, рангли металллар, энергия ресурслари ва ҳоказо) ТИАВ бўлинмалари томонидан экспорт қилиниши. Жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи йирик давлат корхоналари ҳам ўз маҳсулотининг бир қисмини марказлаштирилган тартибда экспорт қиладилар. Экспортнинг қолган қисми марказлаштирилмаган экспортга тўғри келади.



ни мажбурий сотиш,<sup>2</sup> тижорат банкларининг чет эл валютасини Марказий банкдан сотиб олиши ва миллий валютага муҳтож бўлган экспортчиларнинг марказлаштирилмаган экспортдан олган ўз тушумлари бир қисмини ихтиёрий сотиши ҳисобланади. Бу бозорда чет эл валютасини асосан истеъмол товарларининг импортчиларига сотадилар ва Марказий банк лицензиясига эга бўлган ҳар бир импортчи учун белгиланган квоталарга мувофиқ тақсимланади.<sup>3</sup>

**Расмий айирбошлаш курси** ўтган ҳафта учун аукцион айирбошлаш курслари билан тижорат банкларининг ўртача ҳисобланган курси сифатида белгиланади. Аукционда сотиладиган чет эл валютасининг улуши банклараро валюта бозорида сотилаётган чет эл валютасининг улушидан анча катталиги сабабли расмий айирбошлаш курси тижорат банкларининг айирбошлаш курсига қараганда аукционнинг айирбошлаш курсига анча яқин. Расмий айирбошлаш курси ҳисоб мақсадлари ва божхона божларини тўлаш учун ишлатилади.

**Айирбошлаш пунктларининг курси** ҳам, мавжуд қонун ҳужжатларига мувофиқ, эркин белгиланиши керак, лекин ҳақиқатда Марказий банк томонидан белгиланади ва амалда тижорат банкларининг курсидан фарқ қилмайди. Бу бозорда таклифнинг асосий манбаи фуқаролардан чет эл валютасини сотиб олишдир. Айирбошлаш пунктларида чет эл валютаси хорижга хизмат сафари бўйича ёки даволаниш учун кетаётган жисмоний шахсларга чекланган миқдорда сотилади.<sup>4</sup>

Санаб ўтилган расмий айирбошлаш курсларидан ташқари **чет эл валютасининг норасмий бозори** ҳам мавжуд. У сўмнинг расмий айирбошлаш курси оширилганлиги ва расмий курслар бўйича чет эл валютасини сотишда мавжуд чеклашлар оқибати сифатида пайдо бўлган. Бунда расмий ва норасмий айирбошлаш курслари ўртасидаги фарқ ўсиб борапти. Чунончи, агар 1995 йилда сўмнинг бозордаги айирбошлаш курсининг расмий курс бўйича АҚШ долларига нисбати 1,36 ни ташкил этган бўлса, 1996 йилда 1,49, 1997 йилда 2,22, 1998 йилда 2,25 ва 1999 йил охирида 4,3 бараварни ташкил этди.

### **ХВФ билан муносабатлар**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотларига киришининг, ушбу ташкилотларга аъзолиги ва Республикани ривожлантириш учун улар имкониятларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мамлакат парламенти 1992 йил 2 июлда қабул қилган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республика-

сининг халқаро валюта фондига, халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банкига, халқаро тараққиёт уюшмасига, халқаро молия корпорациясига, инвестициялар кафолати кўп тарафли агентлигига аъзолиги тўғрисида»ги махсус қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ХВФга 1992 йил 21 сентябрда аъзо бўлди. Кейинроқ, 1993 йил сентябрида Тошкентда ХВФнинг минтақавий ваколатхонаси очилди. ХВФ миссияси ҳукумат ва ЎзРМБга ёрдам ва консалтинг хизматлари кўрсатади. ХВФ саъй-ҳаракатлари ҳукуматнинг пул ва валюта сиёсатини ўтказишдаги имкониятларини такомиллаштиришга, статистика маълумотларини йиғиш, уларни таҳлил қилиш, банк фаолияти устидан назорат қилиш ва иқтисодийётнинг заиф соҳаларини аниқлашга йўналтирилган. Ўзбекистон учун квота 1993 йил 16 апрелдан бошлаб 199.500.000 СДР ҳажмида белгиланган.

Жаҳон банки, ХВФ ва бошқа халқаро молия ва кредит ташкилотлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини кучайтириш, шунингдек вазирлик ва идоралар ишини мувофиқлаштириш мақсадида 1994 йилда доимий ишлайдиган Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилди.

1995 йил учун давлат иқтисодий дастури ХВФ тизим ўзгартишларини молиялаш (STF) ва Жаҳон банкининг Тиклаш қарзи механизми линияси бўйича дастлабки маблағлар келиб тушиши билан қўллаб-қувватланди.

Бу дастурни бундан кейин рўёбга чиқариш, инфляцияни пайсантириш мақсадида ва 1995 йил 1 октябридан 1996 йил 31 декабрга қадар даврда иқтисодий ўсишни ривожлантириш учун макроиқтисодий барқарорлаштириш ва ислохотлар дастури қабул қилинди. 1996 йил учун давлат иқтисодий дастури STF линияси бўйича маблағларнинг иккинчи марта келиб тушиши ва «стенд-бай» доирасида молиялаш механизми билан қўллаб-қувватланди. ХВФ ҳукуматнинг барқарорликка эришишга доир каттагина қадамларини юқори баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 мартдаги 118-сон қарори билан, ХВФ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш мақсадида ХВФ билан қўшма ишчи гуруҳи тузилди, унинг ваколатига валюта ва ташқи савдо тизимларини янада эркинлаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишга кенг қамровли ёндашувни ишлаб чиқиш киради. Ишчи гуруҳига Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодийёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Давлат мулк қўмитаси, ТИФ миллий банки вакиллари, шунингдек ХВФнинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари кирган.

### 4.3. Тўлов баланси ва уни шакллантиришнинг принципиал асослари

Мамлакат иқтисодиётининг жаҳон ҳўжалигига узвий кириши мустақил Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг стратегик мақсадларидан биридир. Ҳозирги иқтисодий ривожланишда ташқи иқтисодий жиҳатни, унинг жаҳон фан-техника тараққиётининг миллий иқтисодиётга таъсир кўрсатувчи муҳим омил сифатидаги аҳамиятини кўп даражада республика иқтисодиётининг жаҳон ҳўжалиги таркибига жадал киришига, ҳўжалик фаолиятининг кўп соҳаларида хориж тажрибасини ўзлаштиришга имкон берувчи ташқи иқтисодий алоқалар илғор шакллариининг устувор ривожланиши белгилаб боради.

Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимотида ўзининг табиий-иқтисодий, транспорт-жуғрофий ва маданий-тарихий шарт-шароитлари ва имкониятлари билан иштирок этмоқда. Бу ҳол республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва уни жаҳон ҳўжалигига интеграциялаш муаммолари билан боғлиқ тадқиқотларни ўтказиш заруриятини шартлади. Қуйида кўриб чиқилаётган мамлакат тўлов балансини тузиш ва таҳлил қилишнинг баъзи жиҳатлари ушбу жараёнда энг муҳим ва зарур унсур ҳисобланади.

Турли мамлакатлар иқтисодиётларининг ўзаро боғлиқлиги кучаяётган бир шароитда ташқи иқтисодий фаолиятнинг тўлов оқимлари балансланмаганлиги, тўлов баланси ва халқаро инвестиция позициясида акс этадиган чет эл сармоя қўйилмаларининг келиши ва кетиши сингари жиҳатлари, шубҳасиз, мамлакатнинг ташқи ва ички иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди. Бу маълумотлар таҳлилий тадқиқотлар учун ҳам муҳим, улар мамлакатнинг тўловга қобиллиги ҳолатининг ёмонлашиш сабабларини белгилаш ва уни яхшилашга доир зарур чоралар кўриш; товар ва хизматлар ташқи савдосининг бевосита чет эл инвестициялари билан ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш; халқаро банк тизими доирасида молиявий маблағлар оқимлари ва захираларини кўриб чиқиш; активлар ва бозорга доир бошқа муҳим тамойилларни секьюритизациялаш оқибатларини аниқлаш; ташқи қарз, даромад тўлаш ва иқтисодий ўсиш муаммоларини, шунингдек, валюта курслари билан ташқи иқтисодий операциялар оқимлари ўртасидаги алоқаларни яхшироқ тушуниш имконини беради.

Тўлов баланси муайян мамлакат резидентларининг норезидентлар билан маълум вақт даври ичида тузган барча халқаро битимлари тўғрисидаги статистик ҳисоботдир. У мамлакат хориждан олган ва хорижга тақдим этган товарлар ва хизматлар ҳажмлари

ўртасидаги нисбатни, шунингдек дунёдаги бошқа мамлакатларга нисбатан унинг молиявий позициясидаги ўзгаришларни акс эттиради. Шу сабабли мамлакат тўлов балансининг динамикасини тадқиқ этиш ташқи иқтисодий мувозанат муаммоларини таҳлил этиш учун айниқса муҳимдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, тўлов баланси захиралар билан эмас, балки оқимлар билан, қандайдир аниқ вақт мобайнида мавжуд бўлган мамлакат иқтисодий актив ва пассивларининг умумий суммалари билан эмас, балки базис даврида юз берадиган ҳақиқий ва молиявий активлар ҳамда пассивлардаги ўзгаришлар билан иш кўради.

Тўлов балансини тузиш учун асосий усул халқаро битимларни қўшалок ёзиш усули ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир операция бир хил қийматдаги иккита ёзув билан қайд этилади. Улардан бири «кредит» сифатида қайд этилади ва мусбат белгига эга, бошқаси «дебет» бўлиб, манфий белгига эга, уларнинг суммаси эса нолга тенг бўлиши керак.

Шундай қилиб, мамлакат тўлов балансида фойдаланиладиган ҳисоб тизими қоидаларига мувофиқ кредит устунига товар ва хизматлар экспорти, олинadиган даромад, мамлакатга тегишли чет эл активлари қисқариши ёки унинг ташқи мажбуриятлари кўпайиши ёзилади. Дебет устунига эса товар ва хизматлар импорти, тўланадиган даромад, мамлакат чет эл активларининг кўпайиши ёки унинг ташқи мажбуриятлари камайиши ёзилади. Бошқача қилиб айтганда, моддий ёки молиявий активлар учун мусбат сон (кредит) улар захирасининг камайишини, манфий сонлар (дебет) эса уларнинг ўсишини англатади. Тегишлича, мажбуриятлар учун мусбат миқдор уларнинг кўпайишини, манфий миқдор эса — камайишини англатади.

Тўлов балансини тузишнинг яна бир муҳим қоидаси барча савдо-иқтисодий ва молиявий битимларни ҳисобга олишда резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги тафовутни белгилашдир. Муайян иқтисодий секторига тегишли бўлган ҳужалик бирлигининг резидентлигини белгилаш чоғида асосий мезон иқтисодий манфаат маркази ҳисобланади. Умумқабул қилинган ёндашувларга мувофиқ резидентларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган жисмоний шахслар, унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ барпо этилган, унинг ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар киритилади. Бундан ташқари, мамлакатнинг хориждаги дипломатик ва бошқа расмий ваколатхоналари, шунингдек резидент корхона ва ташкилотларнинг хориждаги ваколатхоналари резидент ҳисобланади.

Халқаро қиёслашларга доир базани таъминлаш учун ташқи иқти-

содий фаолият ҳисобварақларида бериладиган, мамлакатнинг ҳақиқатдаги ресурслари, молиявий активлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ операцияларини, шунингдек унинг ташқи активлари ва мажбуриятлари «захира»ларини баҳолаш имконини берадиган миқдорларни баҳолашнинг бир хилдаги усуллари зарур. Ташқи операциялар ва захираларнинг қиймат ҳажмларини баҳолаш учун тўлов балансида бозор нархларидан фойдаланилади. Чунончи, операциялар ҳажми одатда битим иштирокчилари ўртасида амалда келишилган нархларда, захиралар (активлар ва мажбуриятлар) эса бухгалтерия балансини тузиш пайтида амал қиладиган бозор нархларида баҳоланади. Тўлов баланси статистикасида операцияларни баҳолаш учун фойдаланиладиган бозор нархи харидор унга бу товарни сотган сотувчидан харид қиладиган товар учун тўлашга тайёр бўлган пуллар суммаси сифатида белгиланади; айирбошлаш мустақил тарафлар ўртасида фақат тижорат мақсадидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Тижорат тусида бўлмаган халқаро операцияларнинг муҳим турларига, хусусан, иқтисодий бойликларни бир тарафли бериш — трансферт киради. Бундай операциялар натижасида иштирокчи тарафлардан бири реал ёки молиявий активларни бошқа тарафга топшириб, эвазига бирон-бир қиймат эквивалентини олмайди. Бевосита совға қилишлардан ташқари ушбу тоифага ресурсларни шартли нархларда бериш билан боғлиқ операциялар киради, бундай нархларга совға қилиш унсурлари ёки сотишнинг имтиёзли шартлари киритилиши ҳам мумкин, Давлат органлари ва фаолияти соф тижорат тусида бўлмаган, фойда олмайдиган хусусий ташкилотлар амалга оширадиган трансферт операциялари ҳам нотижорат операциялари сифатида ҳисобга олинади. Бундай операциялар иккала мамлакат тўлов балансларида бир хил суммалар билан қайд этилиши керак. Халқаро қоидаларга биноан берилган ресурслар қийматини баҳолаш берилган воситалар бозорда сотилиши мумкин бўлган бозор нархларида белгиланиши керак.

Молиявий ресурслар билан операциялар тўлов балансида улар харид қилинган ёки сотилган нархларда белгиланиши керак. Бозорда муомалага киритилмаган молиявий воситаларнинг, — аввало у ёки бу шаклдаги қарз ва ссудаларнинг — бозор нархи бўлиб уларнинг номинал қиймати ҳисобланади. Агар кўрсатилган мажбуриятлар савдоси юз берадиган иккиламчи бозор шаклланидиган бўлса, мазкур мажбуриятлар муомалага киритиладиган мажбуриятлар разрядига киритилади ва ҳисоб иккиламчи бозор нархларида юритилиши керак. Шунини таъкидлаш лозимки, тўлов балансида акс эттириладиган молиявий ресурсларнинг қиймати ўз ичига хизматлар учун ҳақ, турли йиғимлар, воситачилик ҳақлари ёки

даромадларни олмаслиги керак. Бу миқдорлар жорий операциялар ҳисобварақининг тегишли моддалари бўйича қайд этилади.

Тўлов балансини тузишда фойдаланиладиган қўшалоқ ёзув тизимига биноан, ҳисобга олинадиган ҳар бир операция бир вақтда бир хил қиймат миқдорига иккита ёзув билан кўрсатилиши керак. Операцияни бир вақтда қайд этиш иккала ёзувнинг битта сана билан кўрсатилишини кафолатлайди. Бироқ амалиётда шундай ҳам бўладики, икаала иштирокчи томонидан қайд этилган бирор-бир операция тўғрисидаги маълумотлар кўпинча турли мустақил ахборот манбаларидан олинади, бунинг оқибатида иштирокчи тарафларнинг операцияни қайд этиш вақти фарқ қилиши мумкин.

Шунинг учун амалиётда ташқи савдо операциялари кўпинча товар оқимлари мамлакатнинг давлат ёки божхона чегарасини «жисман» кесиб ўтишини акс эттирувчи божхона ҳужжатлари асосида юритилади. Бунда товарларнинг чегарани ҳақиқатда кесиб ўтиши пайти билан ушбу товарларга эгалик ҳуқуқининг ўтиши вақт бўйича мос тушмаслиги мумкин, шунинг учун шерик мамлакатлар тақдим этадиган ҳисоботларда қайд этиш вақти билан боғлиқ тафовутлар юзага келади. Товарга эгалик ҳуқуқини бериш пайтини белгилаш имконини берадиган статистик маълумотлар бўлмаган тақдирда товарларнинг мамлакатнинг давлат ёки божхона чегарасини жисман кесиб ўтишини акс эттирувчи ва бу билан товарлар эгасининг ўзгаришини кўрсатувчи божхона ҳужжатлари асосида тузилган ташқи савдо статистикасидан фойдаланиш мумкин.

Ҳақиқатдаги ресурсларни топшириш кредит берилиши билан бирга борадиган ҳолларда иккала операциянинг ҳисоби тўлов балансида уларнинг ҳар бири амалда бажарилиши пайтида амалга оширилиши керак.

Тўлов балансидан иқтисодий сиёсат, прогнозлар, таҳлилий тадқиқотлар, операцияларнинг таркибий қисмлари, бутун ҳажми бўйича, айрим мамлакатлар ва минтақалар, жаҳон иқтисодиётига доир маълумотлар таҳлили, умумлаштирилиши бўйича қийслашларни ишлаб чиқишда фойдаланиш учун унинг маълумотлари муайян тарзда гуруҳларга тақсимланиши керак.

Халқаро амалиётда қўлланиладиган ҳисобварақларнинг андозавий таснифи ва тўлов баланси таркибий қисмларининг рўйхати ҳам назарий қоидаларни, ҳам амалий тусдаги мулоҳазаларни акс эттиради, бу соҳадаги миллий мутахассисларнинг фикрларини ҳисобга олади ва умуман олганда миллий ҳисобварақлар тизимининг қоидаларига мувофиқ келади.

Одатда танланган андозавий таркибий қисмларнинг рўйхати унчалик кенг бўлмаслиги керак, чунки мамлакатларнинг аксарияти ўзларининг ташқи иқтисодий операцияларини ягона намуна

бўйича тақдим этишлари керак. Лекин қўшимча ахборотга зарурат туғилганда андозавий таркибий қисмлар таркибига ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Тўлов балансининг намунавий моддалари ёки андозавий таркибий қисмлари ҳисобварақларнинг икки асосий гуруҳига бирлаштирилади: жорий операциялар «**жорий операциялар**» ҳисобварағида, сармоя операциялари эса «**сармоя ва молиявий воситалар билан операциялар**» ҳисобварағида акс эттирилади. Товарлар, хизматлар ва даромадлар билан операциялар жорий операциялар ҳисобланади (жорий трансфертлар даромадларни қайта тақсимлаш деб қаралади). Сармоя операциялари инвестиция фаолияти билан боғланган ва мамлакатнинг активлари ва мажбуриятлари билан операциялардан иборат бўлади.

Жорий операциялар ҳисобварағи бўйича сальдо мутлақ миқдор бўйича тенг ва сармоя ҳамда молиявий воситалар билан операциялар ҳисобварағи бўйича сальдо белгисига кўра қарама-қарши бўлиши керак.

Товарлар, хизматлар ва даромадларни қамраб оладиган жорий операциялар ҳисобварағининг андозавий таркибий қисмлари мамлакатнинг қолган дунё хўжалик юритувчи субъектлари билан операциялари боришида тўлов балансини тузувчи томонидан мамлакат томонидан ҳақиқий ресурсларни тақдим этиши ёки харид қилишини акс эттириш учун хизмат қилади. Кредит бўйича қайд этилган оқимлар мазкур иқтисодий ички маҳсулотининг бошқа иқтисодийларга товар ва хизматлар экспорти кўринишида бериладиган қисмини, шунингдек дунёдаги қолган мамлакатлар ўз ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланадиган, ходимларга иш ҳақи ва инвестициялардан даромадлар кўринишида у томонидан тақдим этилган ишлаб чиқариш омилларини акс эттиради. Дебет бўйича эса товарлар ва хизматлар импорти, шунингдек резидент ходимлар меҳнат ҳақи ва инвестициялардан даромад кўринишида олинган ишлаб чиқариш омиллари қайд этилади. Шунини таъкидлаш жоизки, жорий операциялар ҳисобварағида дебет ва кредит ёзувлари ялпи асосда, яъни алоҳида амалга оширилади.

Тўлов балансининг юқорида саналган таркибий қисмлари операцияларнинг уч турини қамраб олади: эгалик ҳуқуқининг товарларга ўтиши; хизматлар тақдим этилиши; даромадни ҳисоблаб ёзиш. Шундай қилиб, жорий операциялар ҳисобварағи резидентлар билан норезидентлар ўртасида содир этиладиган, иқтисодий бойликларга доир барча операцияларни қамраб олади (молиявий активлар билан операциялардан ташқари). Жорий фойдаланиш учун мўлжалланган бойликларни беғараз (текинга) тақдим этиш ёки олиш билан боғлиқ операциялар ҳам унда ҳисобга олинади.

Сармоя ва молиявий воситалар билан операциялар ҳисоб-китоби ташқи молиявий активлар ва иқтисодиёт мажбуриятлари билан боғлиқ барча операцияларни қамраб олади. Активлар норезидентларга доир молиявий талаблардан ҳосил бўлади. Мажбуриятлар эса норезидентлардан қарзни характерлайди.

Сармоя билан операциялар ҳисобварағи иккита таркибий қисмдан иборат — сармоя трансфертлари ва ноишлаб чиқариш но-молиявий активларини харид қилиш (сотиш). Сармоя трансфертлари донор ва олувчининг активлари ёки мажбуриятлари ҳажмининг ўзгаришига, яъни улар тақдим этадиган иқтисодиётлар миллий бойлиги даражасида ўзгаришга олиб келади. Сармоя трансфертлари мисоли асосий фондларга эгалик ҳуқуқларини беғараз бериш, қарзлардан кечини кўрсатади. Агар ушбу маблағлар асосий фондларни харид қилиш ёки капитал қурилиш учун мўлжаллансагина, пул маблағларини беғараз бериш капитал трансферт сифатида қаралади. Ноишлаб чиқариш но-молиявий активлари харид қилишлар/сотиш асосан патентлар, ижара шартномалари ёки бошқаларга берилиши мумкин бўлган бошқа контрактлар сингари номоддий бойликларни ўз ичига олади.

Молиявий ҳисобварақда ҳисобот даврида юз берган, активлар ва резидентларнинг норезидентларга нисбатан мажбуриятларига доир операциялар акс эттирилади.

Молиявий ҳисобварақ бўйича манфий сальдо операциялар натижасида резидентлар чет эл активларининг соф кўпайишини ва/ёки улар чет эл мажбуриятларининг соф камайишини кўрсатади. Аксинча, мусбат сальдо резидентлар чет эл активларининг соф пасайишини ёки улар чет эл мажбуриятларининг ўсишини англатади.

Молиявий ҳисобварақда активлар ва мажбуриятлар функционал белгига қараб тўрт гуруҳга таснифланади: бевосита инвестициялар, портфель инвестициялари, бошқа инвестициялар ва резерв активлар.

Ушбу гуруҳлар ўртасидаги чегаралар анча шартлидир. Бевосита инвестициялар корхонани бошқариш жараёнига таъсир кўрсатиш учун амалга оширилади, бунга эса унинг сармоясига иштирок этиш воситасида эришилади. Бевосита инвестор билан бевосита инвестициялаш корхонаси ўртасида, ушбу корхонанинг ўз сармоясига иштирок этишдан фарқли шаклда юз берадиган барча операциялар ҳам, масалан, кредитларни тақдим этиш, бевосита инвестициялар сифатида таснифланади.

Портфель инвестициялари асосан даромад олиш учун харид қилинадиган қарзга оид қимматли қоғозлар, акциялар ва ҳоказолардан иборатдир. Қарз мажбуриятлари облигациялар ва бошқа узоқ муддатли қарз мажбуриятлари, пул бозори воситалари ва ҳосила молиявий воситаларга бўлинади.



**Бевосита ва портфель инвестицияларини чегаралаш учун амалда қуйидаги мезондан фойдаланилади: агар инвестор корхона оддий акцияларининг 10 фоизи ва ундан ортигига эгаллик қилса, қўйилган маблағлар бевосита инвестициялар тусида бўлади деб ҳисобланади.**

Мамлакатнинг пул-кредитни тартибга солиш органлари тўлов баланси ва бюджетни тартибга солиш мақсадида фойдаланадиган активлар резерв активлар деб ҳисобланади. Амалда бундай активлардан фойдаланиш имконияти бирор-бир расмий мезонлар, масалан, бу активлар кимга тегишлилиги ёки улар қандай валютада ифодаланганлиги билан қатъий тарзда боғланмайди. Резерв активларга: монетар олтин, қарз олишнинг махсус ҳуқуқлари (СДР), ХВФдаги резерв позиция, чет эл валютасидаги активлар (нақд пуллар ва депозитлар, қимматли қоғозлар) ва бошқа молиявий талаблар киради. Резерв активларга киритилиши керак бўлган таркибий қисмларни қамраб олиш ва белгилаш мамлакат тўлов балансини тузишнинг умумий қоидаларига боғлиқдир.

Бевосита, портфель инвестициялари ва резерв активлар билан операциялар сифатида қаралмайдиган барча операциялар «бошқа инвестициялар» моддаси бўйича акс эттирилади.

Бошқа инвестициялар ҳам, портфель инвестициялари сингари, молиявий восита резидентларнинг активи ёки мажбурияти ҳисобланишига қараб таснифланади.

«Бошқа инвестициялар» моддаси бўйича активлар ва мажбуриятлар молиявий восита турига қараб таснифланади, яъни: нақд валюта ва депозитлар, савдо кредитлари, ссуда ва қарзлар, кечиктирилган қарз, бошқа активлар ва мажбуриятлар. Кейин кўп ҳолларда дебитор-резидент (мажбуриятлар учун) ёки кредитор-резидент (активлар учун) сектори кўрсатилади.

Шу тариқа, тўлов балансини тузиш ўзаро чамбарчас боғланган ҳисоб ва таҳлил вазифаларини бажариш учун мўлжалланган. Тўлов балансининг таҳлили мамлакат ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятини қанчалик самарали бошқара олиши ва, тегишлича, ташқи иқтисодий сиёсат соҳасида қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қила олиши тўғрисида хулосалар чиқариш имконини беради.

#### **4.4. Тўлов баланси таҳлилининг услубий масалалари**

Тўлов балансини тузиш қоидасига кўра у ҳар доим балансланган бўлади. Манфий ёки мусбат сальдо тушунчасини фақат унинг айрим қисмларига қўллаш мумкин. Бунда шуни таъкидлаш зарурки, баланс сальдосининг ўзи ўз ҳолича унинг миллий иқтисоди-

ётга таъсири нуқтаи назаридан олганда бир маънода талқин қилиниши мумкин эмас. Иқтисодий сиёсат мақсадларига боғлиқ ҳолда айрим моддалар бўйича ҳам манфий, ҳам мусбат сальдони ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатдан баҳолаш мумкин.

Маълумки, жорий операциялар ҳисобварағи сальдоси (CAB) ички жамғармалар ялпи суммаси (S) билан инвестициялар умумий ҳажми (I) ўртасидаги айирмага тенг:

$$(1) CAB = X - M + NY + NCT = S - I$$

бу ерда

X — товар ва хизматлар экспорти

M — товар ва хизматлар импорти

NY — хорижда олинган соф даромад

NCT — соф жорий трансфертлар

Шундай қилиб, жорий операциялар ҳисобварағи сальдоси мамлакат ичида жамғармалар ва инвестициялар ҳаракатини акс эттиради. Шунинг учун ушбу ҳисобварақ ҳолатини таҳлил қилганда қандай қилиб унинг ҳаракати динамикаси кўрсатилган ўзгаришларга боғлиқ бўлишини тушуниш муҳимдир. Агар анча умумий хусусиятлар тўғрисида сўзласак, (1) тенгламадан келиб чиқадики, жорий операциялар бўйича тўлов баланси сальдосини актив сальдони қўлайтириш ёки камомадни қисқартириш тарафига ҳар қандай ўзгартириш албатта ички иқтисодиётга инвестициялар ҳажмига нисбатан ички жамғармаларнинг ўсиши билан бирга боради. Бундай боғлиқлик тўлов баланси жорий ҳисобварағининг сальдосига тариф ставкалари, квоталар ва валюта курсларини ўзгартириш воситасида бевосита таъсир кўрсатиш ички жамғармалар ва инвестициялар динамикасини иқтисодиётнинг ташқи секторига нисбатан қўйилган вазифаларни рўёбга чиқаришга имкон яратувчи йўналишда ўзгартиришини баҳолаш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

Мазкур мамлакатнинг ички секторлари ва ташқи иқтисодий сектори ўртасидаги алоқани бошқача: тасарруфдаги миллий даромаднинг ялпи суммаси (GNDY) билан резидентларнинг товарлар ва хизматларга доир харажатлари (A) ўртасидаги айирма сифатида тасаввур этиш мумкин. Таърифга кўра, кўрсатилган ўзгарувчан миқдорлар тенгдир:

$$(2) GNDY = C + I + G = CAB$$

$$(3) A = C + I + G = \text{ички ютилиш (абсорбция) ёки ички харажатлар}$$

бу ерда

**C** — хусусий сектор истеъмолига доир харажатлар

**G** — давлат бошқаруви секторининг истеъмолига доир харажатлар

Ушбу тенгламалардан кўринадикки, товарлар ва хизматлар билан ташқи савдо операциялари сальдоси, соф даромад ва соф жорий трансфертлар суммаси бу даромаднинг резидентлар сарфлаган қисмини чегирган ҳолда тасарруфдаги ялпи даромад миқдorigа тенг:

$$(4) \text{CAB} = \text{GNDY} - \text{A}$$

Тўлов балансининг таҳлилида олинган боғлиқлик илгари кўриб чиқилган ўзаро нисбат сингари роль ўйнайди: жорий ҳисоб-китоблар ҳолатини яхшилаш учун мамлакат даромадлар даражасига нисбатан харажатларни қисқартириш ҳисобига ресурсларнинг қандайдир қисмини бўшатиб олиш зарур. Харажатларни тегишлича кўпайтириш билан бормаган миллий даромадни ўстириш натижасида ҳам шундай самарага эришиш мумкин. Мавжуд мутаносиб-сизларни силлиқлашга ва иқтисодий фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган таркибий қайта куриш кўрсатилган мақсадга эришишнинг эҳтимоллий йўлларида бири ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, келтирилган тенгламалар айниятлардир, улар хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаракатларини эмас, балки иқтисодий ўзгарувчан миқдорлар ўртасидаги боғлиқликни тавсифлайди. Шу сабабли, фақат улардан фойдаланиб, жорий операциялар ҳисобварағи сальдосининг ўзгаришини белгилайдиган омилларни ҳар томонлама баҳолаб бўлмайди. Чунончи, резидентларнинг товар ва хизматларга доир харажатлари суммаси (A), кўринишича, қисман уларнинг даромадлари (GNDY) билан белгиланади. Шунинг учун GNDYнинг ўзгариши товарлар ва хизматлар билан ташқи савдо операциялари сальдосига қандай таъсир кўрсатиши таҳлил қилинганда, агар ушбу ўзгаришларнинг харажатлар миқдорига (A) таъсири ҳисобга олинмаса, (4) тенгламадан фойдаланиш хато натижаларга олиб келиши мумкин. Хусусан, агар даромадларнинг ўсиши мамлакат резидентларининг қўшимча товарлар ва хизматларни (ҳам хорижда, ҳам мамлакатда ишлаб чиқарилган) харид қилишга доир ошган харажатлари билан тўлиқ компенсацияланганда эди, даромадларнинг кўпайиши жорий операциялар ҳисобварағи сальдосига таъсир кўрсатмаган бўлар эди. Мазкур мисол мамлакатнинг тўлов балансини таҳлил қилиш чоғида унинг резидентларининг харажатларга мойиллиги сингари

тавсифни эътиборга олиш зарурлигидан далолат беради.

Агар хусусий сектор билан давлат бошқаруви сектори ўртасига чегара қўйилса, иқтисодийнинг ички ва ташқи секторлари ўртасидаги алоқадорлик янада аниқ кўзга ташланади. Хусусий секторнинг жамғарма ва инвестициялари ( $S_p$  ва  $I_p$ ) давлат жамғармаси ва инвестициялари ( $S_g$  ва  $I_g$ ) билан қуйидаги нисбатда боғланган:

$$(5) S-I = S_p + S_g - I_p - I_g$$

Ифодани (1) тенгламадан жорий операциялар ҳисобварағи сальдоси учун қўйиб қуйидагига эга бўламиз:

$$(6) \text{CAB} = (S_p - I_p) + (S_g - I_g) = S - I$$

Бундай кўринадики, давлат бошқаруви секторининг манфий «жамғармалари» соф хусусий жамғармалар билан компенсацияланмас экан, жорий операциялар ҳисобварағининг камомади юзага келади. Аниқроқ қилиб айтсак, тенгламанинг кўрсатишича, кўриб чиқиладиган ҳисобварақнинг сальдоси кўп даражада давлат бюджети билан биргаликдаги вазиятга боғлиқдир ( $S_g - I_g$ ). Хусусан, жорий баланснинг барқарор камомади ҳукуматнинг харажатлари бюджетга тушумлардан доимо ошиб кетаётганидан далолат бериши мумкин, шунинг учун бюджетга солиқлар ундириш сиёсатини қаттиқлаштириш юзага келган вазиятни тузатишга доир мумкин бўлган чоралардан бири сифатида қаралиши мумкин.

Яна бир карра таъкидлаймизки, хусусий ва давлат инвестициялари ва жамғармалари нуқтаи назаридан ташқи иқтисодий сектордаги вазиятнинг таҳлили (6) тенглама ёрдамида алоҳида амалга оширилиши мумкин эмас, чунки унинг ўнг қисмидаги ўзгарувчи миқдорлар ўзаро боғланган. Масалан, давлат бошқаруви секторида жамғармаларнинг ўсиши (ёки манфий «жамғармалар» қисқариши) ва мамлакат жорий операциялар балансининг яхшиланишига, мисол учун, солиқларни ошириш ҳисобига эришиш мумкин. Шу билан бирга, бундай чоранинг натижаларини таҳлил қилиб, хусусий секторда юз берадиган жараёнларни ҳисобга олиш керак. Солиқларни ошириш хусусий инвестициялар миқдорига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Натижа қисман қандай солиқлар — истеъмолга доир солиқлар (бу эса ички ресурсларни бўшатиб олишга ва бунинг оқибатида, сармоянинг ички жамғарилиши ўсишига олиб келган бўлур эди) ёки қўйилган сармоядан олинadиган даромадга доир солиқлар оширилганига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, истеъмолга доир солиқлар натижасида та-

сарруфдаги даромад даражасининг пасайиши, бизнингча, хусусий жамғармалар суммасининг қисқаришига олиб келади. Айтилганларни ҳисобга олганда, шу нарса тушунарли бўладики, (6) тенглама — миллий жамғармалар ва инвестициялар ҳаракати билан иқтисодиётнинг ташқи иқтисодий секторидаги вазият ўртасидаги боғлиқликни таҳлил этиш учун фойдаланиладиган фақат асосдир; кўрсатилган тенглама иккала секторнинг ҳаракатини белгилайдиган омиллар тўғрисидаги аниқ ахборот билан тўлдирилгандагина жорий операциялар ҳисобварағига иқтисодий сиёсат таъсирининг натижаларини ҳар томонлама баҳолаш мумкин бўлади.

Тўлов балансини тузишнинг қўшалок ёзуви қоидасига мувофиқ, барча ташқи иқтисодий операцияларга доир (жорий операциялар, сармоя билан ва молиявий операциялар, шу жумладан резерв активлар билан операциялар) ёзувлар суммаси идеалда нолга тенг бўлиши керак. Бироқ тегишли маълумотлар мустақил манбалардан келиб тушиши сабабли, амалиётда қўшалок ёзув тизими соф кредит ёки дебет сальдосининг пайдо бўлишига олиб келади, яъни ҳисобварақларда соф хатолар ва тушириб қолдиришлар пайдо бўлади. Ҳисобда хато ва тушириб қолдиришларга йўл қўйилмаган, жорий операциялар ҳисобварағи ва сармоя билан операциялар ҳамда молиявий операциялар (шу жумладан резерв активлари билан) ҳисобварағи бўйича барча ёзувлар суммаси нолга тенг дейлик. Кўрсатилган хосса тўлов балансининг айнияти деб аталади ва тенглама билан тавсифланади:

$$(7) \text{СAB} = \text{NKA} + \text{RT},$$

бу ерда

**NKA** — сармоя билан операциялар ва молиявий операциялар ҳисобварағи (резерв активлар билан операциялар бундан мустасно) бўйича тўлов баланси сальдоси

**RT** — резерв активлар билан операциялар сальдоси.

(7) тенгламадан кўриниб турибдики, жорий операциялар ҳисобварағи сальдоси ҳар доим тесқари белги билан сармоёга доир операциялар ва молиявий операциялар ҳисобварағи сальдоси ва резерв активлар билан операциялар сальдоси суммасига тенг бўлади. Бу боғлиқликдан мазкур мамлакат тақдим этган ёки у хориждан олган, жорий операциялар ҳисобварағининг сальдоси сифатида ўлчанган ресурсларнинг соф ҳажми таърифга кўра ушбу мамлакатнинг қолган дунёга нисбатан соф даромадлари миқдори ўзгариши билан бирга бориши кераклиги келиб чиқади. Масалан, жорий операция-

лар ҳисобварағининг мусбат сальдоси расмий органлар ёки хусусий сектор томонидан норезидентларга мамлакат соф талабларининг ўсишида ёки мамлакат пул-кредитни тартибга солиш органлари томонидан резерв активлар харид қилинишида Ўз ифодасини топади. Ва, аксинча, камомати ресурсларнинг соф хариди мамлакатнинг чет эл активларини сарфлаш ҳисобига ёки норезидентлар олдида мажбуриятларнинг ўсиши ҳисобига тўланиши кераклигини кўзлайди. Бундай ҳолатда тўлов балансининг айнияти умуман олганда иқтисодиётнинг бюджет билан чекланганини тавсифлайди.

Одатда умумий тўлов баланси ичида савдо баланси, жорий операциялар баланси, сармоялар ҳаракати баланси ва расмий ҳисобкитоблар (резервлар) баланси сальдолари ажратиб кўрсатилади.

Сальдо баланси сальдоси хизматларни ҳисобга олмаган ҳолда, фақат товарлар экспорти ва импорти ўртасидаги фарқ сифатида шаклланади. Савдо балансини ўзгартиришга шарҳлар қандай омиллар мазкур ўзгаришни шартлаганига боғлиқ бўлади. Масалан, агар манфий сальдо экспортни қисқартириш натижасида ҳосил бўлган бўлса, бу ҳол миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги пасайганидан гувоҳлик бериши ва салбий ҳодиса сифатида қаралиши мумкин. Лекин агар бундай ҳолат мамлакатга бевосита инвестициялар оқими натижасида импортнинг ўсиши натижаси бўлса, бу ҳеч ҳам миллий иқтисодиётнинг заифлашуви деб қаралиши мумкин эмас.

Жорий операциялар бўйича баланс сальдоси одатда тўлов балансининг маълумот бериш сальдоси сифатида қаралади, чунки мамлакатнинг молиялашга эҳтиёжини белгилаб, айни вақтда ички иқтисодий сиёсатда ташқи иқтисодий чекловлар омили ҳисобланади.

Жорий тўлов балансининг мусбат сальдоси мамлакат бошқа давлатларга нисбатан нетто инвестор эканлигини англатади ва, аксинча, жорий операциялар бўйича камомат мамлакатнинг хориждаги барча шакллар бўйича чет эл инвестициялари қисқараётганини ва у товарлар, хизматлар импорти учун тўлаш ҳамда ўтказмаларни молиялаш учун соф қарздорга айланганини билдиради; ҳақиқатда жорий тўлов балансининг мусбат сальдосига эга бўлган мамлакат сармоянинг ички жамғаришини ўстириш ўрнига миллий жамғармалар бир қисмини хорижга инвестициялайди.

Сармоялар ҳаракати сальдоси амалда жорий сальдо ҳолатининг кўзгудаги акси ҳисобланади, чунки реал ресурслар оқимини молиялашни кўрсатади, яъни жорий операциялар бўйича тўлов балансининг камомати асосан сармоялар ҳаракати ҳисобварағига сармоянинг соф оқими билан молияланади ва, аксинча, жорий ҳисобварақ активи сармоянинг сармоялар ҳаракати баланси бўйича соф оқими билан бирга боради. Сўнгги ҳолда жорий баланснинг ор-

тиқча маблағларидан қўчмас мулкни харид қилиш ёки дунёдаги бошқа мамлакатларга қарз бериш учун фойдаланилади.

**Расмий ҳисоб-китоблар баланси сальдоси тўлов баланси умумий сальдосининг энг кўп тарқалган таърифи ҳисобланади ва норезидентлар томонидан мамлакатга доир ликвид талабларининг кўпайгани ёки камайганидан ёки мамлакатнинг чет эл ликвид активларидаги расмий резервлари кўпайгани ёки камайганидан далолат беради.**

Умуман олганда иқтисодиёт учун ва ҳар бир сектор учун молиялаш манбалари билан ва сармояни соф жамғариш ва ноишлаб чиқариш номолиявий активларни соф харид қилиш суммаси ўртасидаги баланслаш моддаси соф кредитлашлар соф қарз олиш миқдорини ташкил этади. Тўлов баланси статистикасида иқтисодиёт учун соф кредитлашлар/соф қарз олиш миқдори умуман олганда жорий операциялар ҳисобварағи бўйича сальдо ва сармоя билан операциялар ҳисобварағи бўйича сальдо суммасига тўғри келади. Шу билан бирга ушбу кўрсаткич мазкур иқтисодиётнинг хориждаги ёки чет эллик инвесторларнинг мазкур мамлакатдаги молиявий сармоя қўйилmalarининг соф ҳажмига тенгдир.

Сармоя билан молиявий ресурслар операциялари ҳисобварағи соф чет эл инвестицияларини ёки мазкур мамлакатнинг дунёдаги қолган мамлакатларга нисбатан соф кредитлаши / соф қарз олишини қайд этади. Ушбу ҳисобварақ мамлакат ички жамғармаларини инвестициялаш усулларида бирини тавсифлайди; мамлакат ичида сармоя жамғариш (асосан моддий активлар шаклида) бошқа усул ҳисобланади. Агар жорий операциялар ҳисобварағи сальдоси яши ички жамғармалар ва инвестициялар ўртасидаги айирмага тенглигини эсга олсак, кўрсатилган ҳисобвараққа акс эттириладиган бойликни жамғариш жараёнини янада аниқроқ тасаввур этиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, (7) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$(8) S-I = NKA+RT$$

Шу тариқа, ички жамғармаларнинг сармояни ички жамғаришни ўстиришга йўналтирилмайдиган қисми хусусий секторга ёки мазкур мамлакатнинг расмий органларига тегишли хориждаги активларга қўйилади.

(8) тенглама ресурслар ва сармояларнинг вақтдаги ҳаракатини тавсифлайди. Мамлакат жамғармаларининг бирор-бир давр учун умумий суммаси у томонидан жамғарилган бойликнинг жами захиралари ҳақида тасаввур беради.

Молиявий ҳисобварақ билан жорий операциялар ҳисобварағи ўрта-

сида яна бир боғлиқлик бор. Молиявий оқимлар мамлакат ташқи талаблари ва мажбуриятларининг ўзгаришини юзага келтиради. Деярли ҳамма ҳолларда молиявий активлар жорий операциялар ҳисобварағи бўйича инвестициядан олинadиган даромадлар тоифасида акс эттириладиган даромадлар (фоиздан, дивидендлар ва фойда кўринишида) келтиради. Ҳисобварақлар ўртасидаги бундай алоқа жорий операциялар ҳисобварағининг манфий сальдосига эга бўлган мамлакат учун айниқса муҳимдир, чунки ҳозирги камомад билан кейинги даврдаги сальдо қиймати ўртасида муҳим динамик алоқа мавжуд. Кўрсатилган камомадни молиялаш бир вақтда икки шартни бажармасдан — норезидентлар олдидаги мажбуриятлар суммасини кўпайтириш ва норезидентларга доир талабларни, яъни мамлакат соф чет эл активларини камайтириш ҳисобига қисқартиришсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида соф инвестиция даромадларини қисқартиришга (у кўйилган сармоёга доир даромадлар меъерини тегишли ошириш билан мувозанатлаштирилмаслиги шarti билан) олиб келади, бу эса жорий операцияларга доир тўлов баланси камомадини янада чуқурлаштиради. Ҳисобварақлар ўртасида тескари алоқанинг мавжудлиги нобарқарор вазиятнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин, бунда жорий тўлов балансининг ҳолати воқеаларнинг ноҳуш ривожланишини тўхтатиш имконини берадиган зарур иқтисодий чоралар кўрилганига ёки муайян макроиқтисодий ўзгарувчан миқдорлар (масалан, валюта курслари) тузатилганига қадар ёмонлашаверади.

Хориждаги фоиз ставкалари билан қиёслаганда ички фоиз ставкаларининг ўсиши билан шартланган молиявий маблағларнинг соф оқими ҳисобига жорий операциялар ҳисобварағи камомадини молиялаш турли усуллар билан амалга оширилади. Мамлакатта молиявий ресурсларни жалб этиш бевосита инвестициялар, чет эл банкларидан ссудалар олиш ёки халқаро бозорларда муомалада юрадиган облигациялар чиқариш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Банк ссудалари ёки мамлакат ичида акция ва облигациялар чиқариш ҳисобига маблағларни сафарбар қилиш қўшимча сармоё маблағларини молиялашнинг бошқа бир усулидир. Бундай вазиятда ички харажатларнинг ўсиши ва ташқи молиялаш ўзаро тўғридан-тўғри боғланган эмас. Шундай бўлсада инвестициялар ўсиши тўғрисида ички фоиз ставкаларининг хориждаги ставкаларга нисбатан ошиши пул маблағлари оқимини рағбатлантиради. Барқарор иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг мавжудлиги (хусусан, фоиз ставкаларининг ўсишини миллий валюта курсининг тушиши давом этаётганлиги барабарлаштириб қўйиши кутилмаётган бўлса) мамлакатга молиявий ресурсларнинг кетма-кет оқиб келишига имкон яратади.

Шуни таъкидлаш керакки, жамғармаларни йиғишга қараганда сармоёни ички жамғариш анча тезроқ ўсиши натижасида молия-



вий воситалар оқими мамлакат хорижий активлари қисқаришига ва, бинобарин, мамлакат олаётган инвестиция даромадлари миқдорининг ўзгаришига олиб келади. Қўйилган сармоя мамлакат иқтисодиётининг унумдорлигини жиддий тарзда оширган тақдирдагина бундай молиялаш мумкин бўлади. Бу ҳолда унумдорликни ошириш икки йўл билан намоён бўлиши мумкин: **биринчидан**, инвестор ролида майдонга чиқаётган хусусий ёки давлат корхонаси ушбу инвестицияларни молиялаш учун зарур пул маблаглари оқимини юзага келтирадиган, қўйилган сармоёга даромадларнинг тегишли меъёрини таъминлаш учун етарлича фойда оладиган бўлиши керак; **иккинчидан**, қўшимча қўйилмалар ўзининг ташқи қарзига хизмат кўрсатиш бўйича мамлакат имкониятларини кенгайтириши керак. Хориждан олинган молиявий ресурслардан ички иқтисодиёт эҳтиёжларида фойдаланиш самарали бўлганда, ташқи манбалар ҳисобига жорий операцияларга доир камомадни молиялаш узоқ муддатли тусда бўлади деб тахмин қилиш мумкин. Бундай вазиятда сармоя импортчиси бўлган мамлакат жорий операциялари ҳисобварағининг камомади ушбу ресурсларнинг самарали жойлаштирилганидан далолат беради.

**Бошқа томондан**, шундай вазият пайдо бўлиб қолиши мумкин, бунда инвестициялар ҳажми ўзгармайди, ички жамғармалар даражаси эса солиқларни ошириш ва давлатнинг бошқа даромадлари кўпайиши билан бирга бормаган давлат харажатларининг ўсиши натижасида ёки давлат жамғармаларининг тегишли ўзгаришлари билан компенсацияланмаган хусусий сектор истеъмолининг ўсиши оқибатида қисқаради. Бу ҳолда мамлакат ичидаги фоиз ставкалари ҳам ўса бошлайди. Бироқ аввалги сценарийдан фарқ қилиб, жорий операциялар ҳисобварағига доир камомаднинг чуқурлашуви мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши билан бирга бормайди. Агар чет эллик инвесторлар жорий операциялар ҳисобварағи ҳолатининг ёмонлашувига мамлакат ҳукуматининг нотўғри ва ноизчил сиёсати сабаб бўлган деб ҳисоблашса, унга хориждан молиявий ресурсларнинг кетма-кет оқиб келиши анча камаяди. Масалан, ички жамғармаларнинг қисқариши давлат секторининг ўсиб бораётган камомадини акс эттириши мумкин, бироқ у сармоёни жамғариш билан ҳеч ҳам боғланмаган. Ёки ютиш даражасидаги сакраш «экспансионистик», яъни кредитни кенгайтиришга йўналтирилган пул-кредит сиёсатига жавобан хусусий сектор харажатларининг анча юқори даражасини англатиши мумкин. Бундай ҳолларда инвесторлар мамлакатга доир соф талаблари суммасини кўпайтиришни хоҳламасликлари мумкин.

Хорижий молиялаш йўқ бўлганида мамлакатга хусусий секторнинг молиявий ресурсларини жалб этишга қаратилган иқтисо-

дий чораларни кўришга, тўлов баланси камомадини қоплаш учун ўзининг резерв активларидан фойдаланишга ёки тўлов балансининг ҳолатини яхшилашга йўналтирилган тузатувчи тадбирларни кўришга тўғри келади. Тўлов баланси айниятининг таҳлили (7) тенглама) шуни кўрсатадики, агар мамлакат жорий операциялар ҳисобварағи камомадини ҳис этса, ушбу муаммони ҳал этишнинг эҳтимолий вариантлари халқаро резервларни қисқартиришга ёки хусусий инвесторларга қўшимча рағбатлар беришга олиб келади. Хусусий инвесторларга қўшимча рағбатлар берилиши мамлакат ичида узоқ муддатли қўйилмаларга имкон яратувчи қулай иқтисодий шароитларни яратиш ҳисобига амалга оширилади. Мамлакатга чет эл инвестицияларининг барқарор оқиб келиши пухта ўйланган, иқтисодиёт барқарорлигини таъминлайдиган ва турли шаклларда сармоя қўйилишини рағбатлантирадиган пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатини ўтказиш йўли билан ҳам таъминланади. Хориждан молиявий ресурсларни жалб этиш ички фоиз ставкаларини ошириш орқали ташкил этилиши мумкин. Жорий операциялар ҳисобварағига доир камомад ялпи талабнинг ўсиши билан юзага келган бўлса, бундай чора ўзини тўлиқ оқлайди; бундай вазиятда пул-кредит соҳасида ушлаб туриш сиёсатини ўтказиб, бу билан камомадни қисқа муддатли молиялашни таъминлаш йўли билан талабнинг ортиб кетишига эришса бўлади. Бироқ узоқ муддатли истиқболда молиялашнинг бундай механизмини барқарор механизм деб бўлмайди, чунки, мисол учун, хорижда молия-кредит вазиятининг ўзгариши шунга олиб келиши мумкинки, ликвид активлар шаклидаги мамлакат иқтисодиётига инвестициялар ўз жозибдорлигини йўқотади. Шу тариқа, тўлов балансини тузатишга доир туб чоралар ишлаб чиқиш учун жорий операциялар ҳисобварағига доир камомад пайдо бўлишига олиб келувчи сабабларни ҳар томонлама таҳлил қилиш зарурати пайдо бўлади, чунки молиявий ресурсларнинг барқарор оқими ҳисобига камомадни молиялаш мумкин бўлмай қолади.

Мамлакатнинг резерв активлари чекланганда жорий операциялар ҳисобварағига доир камомадни ушбу резервлардан молиялаш ушбу вазиятнинг вақтинча ва қайтувчан тусдалигида амалга оширилиши керак. Масалан, ташқи иқтисодий тўловлар ва тушумларнинг мавсумий ўзгаришларини молиялаганда. Лекин жорий тўлов балансининг ёмонлашиш тамойили мавжуд бўлганида ташқи тўловларнинг балансланмаганлигини тутатишга доир янада чуқур тузатувчи чоралар кўрилиши зарур.

**Мамлакат хусусий сектори ва расмий резервлари маблағлари ҳисобига молиялаш имкониятлари ўзаро боғланган ва у чексиз эмас. Баланс камомадининг ҳажми билан қиёслаганда резервлар**

нисбатан кичик захираларда бўлганида миллий валюта курсининг пасайиши ёки бошқа тузатувчи чораларни жорий этиш эҳтимолли ошади. Бу нарса инвесторлар кутаётган даромад меъёрларининг пасайишига олиб келиши сабабли хусусий инвестициялар оқими ўрнини тезда сармоянинг мамлакатдан оқиб кетиши олиши мумкин. (8) тенглама таҳлилдан равшанки, бир вақтининг ўзида жорий операциялар ҳисобварағига доир камомадни пасайтиришга ва маблағлар оқиб кетишини (молиявий ҳисобварақда акс этирилинадиган) тўхтатишга қаратилган тузатувчи чоралар кўрилмаса, ички инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги мусбат фарқ ва норезидентларга доир соф талабларнинг ўсиши резерв активлар ҳисобига молияланиши керак бўлади. Бундай аҳвол, кўринишича, мазкур мамлакат валютасига ишончни йўққа чиқаради, молиявий сармоянинг хорижга оқиб кетишини кучайтиради ва мамлакат резервларининг камайишини тезлаштиради.

Жорий операциялар ҳисобварағига доир камомадни хусусий сармоялар ва расмий резервлар воситасида барқарор молиялашни ҳар доим ҳам таъминлаш мумкин бўлмайди. Шунинг учун тўлов балансини таҳлил қилганда ташқи тўловлар балансланмаганлигини бартараф этиш учун нималар қилиш мумкинлигини, яъни товарлар ва хизматлар ташқи савдоси натижасида ҳосил бўлган камомадни хусусий ва расмий трансфертлар, хусусий сармоянинг оқиб келиши ва резерв активлардан фақат қисман фойдаланиш ҳисобига қоплаш мумкинлигига қандай қилиб эришишни кўриб чиқиш муҳимдир.

Таҳлил мақсадида (8) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиб чиқамиз:

$$(9) S-1 = CAB = TB+SIB+TRANB=NKA+RT$$

бу ерда

**TB** — савдо баланси

**SIB** — хизматлар ва даромадлар баланси

**TRANB** — жорий трансфертлар баланси.

Зарур тадбирлар миқёси қандайдир даражада жорий операцияларга доир тўлов баланси сальдосини белгилайдиган таркибий қисмлар тавсифларига боғлиқ бўлади. Мамлакат қандайдир вақт мобайнида савдо балансининг барқарор камомадини бошдан кечирган ва уни қисман молиялаш мақсадида хусусий ва расмий манбаларга қарз олиш учун мурожаат этган вазиятни кўриб чиқамиз. Бундай вазиятда мамлакатда ушбу қарзга хизмат кўрсатишга доир операцияларни тавсифлайдиган хизматлар ва даромадлар ба-

ланси камомади ҳам кўздан кечирилади. Товарлар, хизматлар ва даромадлар билан ташқи иқтисодий операциялар шартлаган камомаднинг бир қисми расмий ҳамда хусусий жорий трансфертларнинг мусбат сальдоси ҳисобига қопланиши мумкин. Агар ушбу трансфертларнинг мамлакатга оқиб келиши узоқ муддатли тусда бўлиши кутилса ва унга жорий операциялар ҳисобварағининг бошқа таркибий қисмлари бўйича камомадни молиялашнинг ягона ёки қисман манбаи сифатида ёндашилса, тўлов балансига доир вазият арзимаган аралашув билан тузатилиши мумкин. Лекин бу ҳолатда мамлакат келгусида ўзининг ташқи мажбуриятларига ўзи тўлаши лозимлигини унутмаслик керак бўлади. Хусусан, юзага келган вазият қанчалик барқарорлигини таҳлил қилиб туриб, ташқи қарзни сўндириш жадвалини ҳисобга олиш зарур. Асосий қарз бўйича тўлов муддати яқинлашган, тўланадиган сумма анча катта бўлиб, кутилаётган молиявий даромадлар бўлгуси тўловларни қопламайдиган ҳолларда охир-оқибатда тўлов балансининг кризисли ҳолатини тугатиш мақсадида анча қаттиқ чораларга мурожаат қилмаслик учун олдиндан тадбирлар кўриб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўлов балансига доир вазиятни нафақат хусусий сармоялар ва расмий резервларни жалб этиш воситасида, балки валюта курсларини тартибга солиш ва бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсати соҳасида чоралар кўриш ёрдамида ҳам тузатиш мумкин.

Миллий валютани конвертациялаш муаммолари бозор ислохотининг муваффақияти учун мулк таркибидаги ўзгаришлар ёки ишлаб чиқариш секторини тубдан ўзгартиришдан қолишмайдиган даражада аҳамиятга эгадир. Халқаро валюта муносабатлари ривожланишининг таҳлили миллий пул бирлигининг барқарор конвертацияланиши учта базавий унсур: жаҳон иқтисодиётига анча чуқур интеграцияланган халқ хўжалигининг бозор шакли; ишлаб чиқариш ва айирбошлаш ички ва ташқи омилларининг балансланганлиги ва барқарорлигини фаол ривожлантириш ва муайян даражага етказиш; марказлаштирилмаган валюта бозори орқали ташқи иқтисодий алоқаларга валюта хизмати кўрсатишнинг юридик ва ташкилий-техник инфратузилмаси мавжудлигининг бирикуви ва ўзаро уйғун ҳаракати билан таъминланишини кўрсатмоқда.

Камомад муаммосини ҳал этиш усулларида бири миллий валюта курсини пасайтиришдир. Миллий валютани девальвациялаш импортни мамлакат товарлари билан сиқиб чиқариш ва хорижда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга талабнинг кўпайиши воситасида ташқи савдо товарларига ички нархларни ўстиришни компенсациялаш имконини беради. Бошқа томондан эса,

миллий валюта курсининг тушиши ички нархларнинг ўсишига олиб келади, бу эса мамлакат экспортга талабнинг ўсишини қисман ёки тўлиқ равишда нейтраллайди. Тавсифланган воқеалар ривожига валюта курсини тартибга солиш албатта тийиб турувчи молия-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати билан тўлдирилиши кераклигини таъкидлаётди, токи курснинг пасайиши юзага келтирган нисбий нархларнинг ўзгаришига жавобан ресурсларни қайта тақсимлаш осон бўлсин. Шу тариқа, миллий валюта курсини пасайтириш орқали харажатлар таркибининг ўзгартириш одатда харажатларни қисқартиришга доир чоралар билан бирга олиб борилиши керак: мамлакат ишга туширилмаган ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлмаган шароитда бу нарса айниқса долзарбдир.

Кўрсатилган чораларнинг зарурлиги (9) тенгламадан кўрииб турибди. Унинг таҳлили жорий операциялар ҳисобварағи ҳолатининг яхшиланиши ички жамғармалар билан ички инвестициялар ўртасидаги нисбатларни ижобий ўзгартишларга олиб келиши кераклигини кўрсатмоқда. Валюта курсини пасайтириш ўз ҳолича мақбул йўналишда силжишларга олиб кела олмайди. Шунинг таъкидлаш жоизки, валюта курсини тартибга солиш албатта тегишли молия-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати билан бирга олиб борилиши керак. Хусусан, ўзгармас пул-кредит сиёсатида курснинг тушиши натижасида талабнинг кўпайиши пулнинг доимий ҳажмида пулга талабнинг ўсишига олиб келади, ўз навбатида бу нарса ички бозорда фоизнинг номинал ва ҳақиқий ставкалари ошишини рағбатлантиради. Фоиз ставкаларининг ўзгаришига сезгир харажатларнинг кейинроқ қисқартирилиши ички жамғармаларнинг ўсишига туртки беради. Лекин шу билан бирга жамғармалар билан инвестициялар ўртасида мақбул нисбатларни сақлаб қолиш, айниқса ишлаб чиқариш омилларидан тўлиқ фойдаланиш ҳолатида, жорий тўловларнинг балансланмаганлигини бартараф этиш учун ҳали етарли эмас. Шунинг учун валютани тартибга солиш билан бир қаторда, молия-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатини қаттиқлаштириш воситасида ички харажатларни қисқартириш мақсадга мувофиқ бўларди, бу эса экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқёсларини кўпайтириш учун ресурсларни бўшатиб олиш имконини беради.

(6) тенгламани кўриб чиқаятганда ташқи тўловларнинг балансланмаганлиги эҳтимолий сабабларидан бири бюджет камомати эканлиги таъкидланди. Шу сабабли валютани девальвациялаш жамини жамғармалар билан инвестициялар ўртасидаги зарур нисбатга эриштириш учун етарлича таъсирчан бўлмаган ҳолларда кўрсатилган ўзга-

рувчи миқдорларнинг ўртасидаги фарқни қисқартиришга давлат харажатлари таркиби ва бюджет-солиқ (фискал) сиёсатини ўзгартириш ҳисобига эришиш мумкин бўлар, балки. Бунда мурасага юришга тўғри келади, токи бюджет-солиқ сиёсатидаги тегишли чоралар тўлов балансини тузатиш муаммоларини чуқурлаштирсин. Масалан, мамлакат инфратузилмасига сармоя қўйилмаларини қисқартириш ташқи тўловлар муаммосини қисқа вақтга ҳал этиши мумкин. Агар харажатларни бундай қисқартириш транспорт тармоғига дахлдор бўлса, узоқ муддатли истиқболда бундай чора таъминотда узилишларга сабаб бўлиши ва иқтисодиётдаги танг жойларни тугатишга қаратилган энергия ишлаб чиқариш ва уни отказиб беришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг устига солиқларнинг энг юқори ставкалари билан боғланган ёки сармояли операциялар даромадларини солиққа тортишга танлаб йўналтирилган солиқ сиёсати ҳам номақбул оқибатларга эга бўлиши мумкин — хусусий жамғармаларнинг бунга жавобан қисқариши ва мамлакат ички иқтисодиётга маблағларни инвестициялаш рағбатларининг пасайиши бундай чораларнинг қўшимча самараси бўлиши мумкин. Бюджет-солиқ сиёсати соҳасида чораларнинг кўрсатилган оқибатларига йўл қўймаслик учун зарар кўриб ишлайдиган давлат корхоналари ва хусусий секторга субсидиялар қисман ёки тўлиқ тугатилишини, шунингдек давлат сектори фаолиятининг хусусий сектор самарали ишлай олмайдиган турлари миқдорларини қисқартиришни назарда тутиш керак.

Тўлов балансини тузатиш чоғида ўтказилаётган молия-кредит сиёсатини эътиборга олиш лозим. Ташқи тўловлар балансланмаганлиги ички иқтисодиётга инвестициялар миллий жамғармалар суммасидан ошиб кетганлиги фактини акс эттириши мумкин (бу эса мамлакатнинг ички харажатлари унинг даромадларидан ошиб кетишига тенг); бундай вазият ортиқча экспансионистик молиявий сиёсат туфайли юзага келиши мумкин. Уни ўзгартириш биринчи навбатда реал фоиз ставкалари умуман олганда мусбат бўлиб, жамғармаларни тўплашни рағбатлантиришга, шунингдек инвестициялар оқимини таъминлайдиган барқарор макроиқтисодий вазиятни барпо этишга йўналтирилиши керак. (4) тенглама таҳлилидан жами талаб ва таклиф нуқтаи назаридан олганда кредит-молия сиёсати ички харажатларнинг мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятларига мувофиқ келадиган даражасини таъминлаши керак деган маъно келиб чиқади. Шу тариқа, тўлов баланси таҳлили нуқтаи назаридан олганда, кредит-молия ва бюджет-солиқ сиёсатининг мақсади ички харажатларни шундай даражада чеклашдан иборат бўлиши лозимки, токи у ички резервлар ва танқис молиялаш ҳисобига таъминлана олсин.

Тўлов балансини тартибга солишга қаратилган молия-кредит сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири пул-кредит соҳасидаги аҳвол билан резерв активларга доир операциялар ўртасидаги алоқа ҳисобланади. Резерв активларни қисқартириш жорий операциялар ҳисобварағига доир камомад ва/ёки экспансионистик молия-кредит сиёсати шартлаган молиявий маблағларнинг соф оқиб кетиши билан боғланган бўлиши мумкин.

Резервларнинг тугаши пул базасини қисқартиришга ва бунинг оқибатида валюта чораларини қаттиқлаштиришга олиб келади. Кўпроқ жиловлаб турувчи сиёсат фоиз ставкаларини ошириш ҳисобига ташқи тўловларнинг кўпроқ мувозанатлашувига имкон яратади, чунки улар ички талабнинг қисқаришига олиб келади ва мазкур мамлакат активларини чет эл инвесторлари учун янада жозибали қилади. Шу билан бирга, агар резерв активларни қисқартиришга жавобан пул базасининг ҳажмини қисқартиришга йўл қўймасликка интилиб, валюта органлари ушбу базанинг ички таркибий қисмини кенгайтирсалар (масалан, тутиб турувчиси банк тизими бўлган қимматли қоғозларни очиқ бозорда сотиш йўли билан), тузатишнинг бундай механизми ишламаслиги мумкин. Бундай нейтраллаштирувчи чора, тахминимизча, ички фоиз ставкалари ўсишининг олдини олади ва бу билан бусиз ҳам барқарор тусдаги камомадни чуқурлаштиради.

## БЕШИНЧИ БОБ

## ЭКСПОРТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

## 5.1. Экспортга йўналтирилган иқтисодийни яратиш бўйича жаҳон тажрибаси ва унинг назарий асослари

Иқтисодий тараққиётда муваффақиятларга эришган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси бу ютуқларга иқтисодий эркинлаштириш туфайли эришилганини кўрсатмоқда. Осиёнинг Гонконг, Жанубий Корея, Сингапур ва Тайвань сингари янги индустриалашган мамлакатлари экспортни ривожлантириш ва иқтисодий эркинлаштиришга йўналтирилган тараққиёт стратегиясига амал қилиб, кейинги 30 йил ичида сезиларли иқтисодий ютуқларни қўлга киритдилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, иқтисодий эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу тадбирларнинг зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди: «Мен оддий бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истайман: эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш — бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир»<sup>1</sup>.

Истиқлол шароитида Ўзбекистон мустақил ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошира бошлади. Мустақил ташқи иқтисодий фаолият юритиш учун тегишли ташкилий шарт-шароитлар яратилди: Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки очилди. Бундан ташқари ташқи иқтисодий фаолият учун ҳуқуқий асос яратиш мақсадида «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги фаолиятни тартибга солишга йўналтирилган бир қатор фармонлари қабул қилинди, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқарилди.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган бу чоралар дунёда иқтисодийнинг глобаллашуви ва ягона жаҳон иқтисодини яратиш жараёнлари кечаётганини ҳисобга олиб амалга оширилмоқда. Ўзбекистон умум-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгашининг 2000 йил 1 февралдаги йиғилишида қилган маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 2 февраль.



жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни истар экан, ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириши ва жаҳон иқтисодининг таркибий қисмига айланиши зарур. Бу ҳақда мамлакат Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: «...ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта қуриб чиқиш лозим. Мен бу соҳани бошқариш ҳаддан ташқари расмийлашиб, маъмурийлашиб кетган, деб ҳисоблайман. Унда иқтисодий йўл билан, тарифлар билан бошқаришдан кўра маъмурий чеклашлар орқали бошқариш усуллари устунлик қилмоқда. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳонда қабул қилинган маърифий шаклларига тезроқ ўтишимиз, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга эришмоғимиз даркор. Шу билан бир вақтда, биз иқтисодиётимизга хорижий сармояни янада кенгроқ жалб этиш учун, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда хорижий инвесторлар янада фаол иштирок этиши учун яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шарт— шароитларни такомиллаштиришимиз лозим»<sup>1</sup>.

Кўп мамлакатлар иқтисодий ривожланишда кучли протекционизм ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичидан ўтадилар, кейин эса аста-секин экспортга йўналиш томонга силжийдилар. Кўпинча импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий мустақилликка эришишнинг усули бўлиб хизмат қилади.

Мамлакат иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларига эришишни истар экан, аста-секин экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсатга ўтиш муқаррардир. Шу билан бирга, экспортга йўналтирилган стратегияни шакллантириш учун обдон тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлаш лозим. Бозор тамойиллари бўш ривожланган иқтисодиётларда протекционизмни бартараф қилиш ресурсларнинг экспортга йўналтирилишига эмас, улардан тўла фойдаланмасликка олиб келади. Тузилмани муваффақиятли тартибга солиш учун инвестициялар талаб қилинади, бироқ тадбиркорлар, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес, иқтисодий кўрсаткичлар зарур йўналишда силжиш мумкинлигидан далолат бермагунча, ўзлари хоҳлаган секторга ҳам маблағ ётқизишлари амри маҳол<sup>2</sup>.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, экспортга йўналтирилганлик мамлакат иқтисодини ташқи бозорга ҳаддан ташқари боғлиқ

<sup>1</sup> «И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон, 1999. 35 — 36 бетлар.

<sup>2</sup> Agosin M.R. Trade policy reform and economic performance: empirical experience // Trade and Growth. 1993.

қилиб қўяди. Бу фикр муайян асосга эга: ташқи бозорда конъюнктуранинг пасайиши ёки рақобатнинг кучайиши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг пасайиши бюджетдаги йўқолишларга, тўлов балансидаги беқарорликка олиб келади. Шу билан бирга, зарарнинг ҳажми иқтисодиётнинг қудрати ва диверсификацияланишига, шунингдек, ҳукуматнинг ҳамда ишбилармон доираларнинг қатъий ва тўғри қарорлар қабул қилиши ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш мақсадида зарур ўзгаришларни тезликда амалга ошириши ёки ташқи савдодаги устуворликларни тез алмаштира олишига боғлиқ<sup>1</sup>.

Бу эса экспортга йўналтириш ва, умуман, ташқи савдога стратегик ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Анъанавий савдо назариясига кўра, халқаро савдода миллий устунлик қиёсий харажатлар билан белгиланади, масалан: Рикардо — Торренс — Милл назариясига кўра, ташқи савдо асосида мамлакатларда мавжуд меҳнат унумдорлиги ўртасидаги тафовут ётади. Товарни шерикларига нисбатан кўпроқ харажат билан ишлаб чиқараётган мамлакат экспорт соҳасидаги ихтисослашувни шундай товар ишлаб чиқаришдан бошлаши керакки, бунда кам харажат ва юқори меҳнат унумдорлигига эришиш мумкин бўлсин. Бу мамлакатнинг импорти эса кўп харажат талаб қиладиган товарлардан бошланиши керак. Яна бир анъанавий Хекшер-Олин номи билан аталадиган қиёсий афзалликлар моделига кўра, мамлакатнинг ташқи савдо соҳасидаги ихтисослашуви ундаги ишчи кучи ва капитал сингари ишлаб чиқариш омилларининг оз ёки кўплигига боғлиқ. Масалан, меҳнат ресурсларига бой мамлакат (капиталга нисбатан) четта кўпроқ меҳнат талаб қиладиган, кўпроқ капиталга (меҳнат ресурсларига нисбатан) эга бўлган мамлакат, аксинча, ихтисослашувни кўп капитал талаб қиладиган товарлар ишлаб чиқаришдан бошлайди.

Сўнги ўн йилликларда халқаро савдода транснационал корпорациялар (ТНК)нинг роли кескин ўсди. Бундай корпорациялар 5 мингга яқин бўлиб, уларнинг 250 мингдан ортиқ хорижий филиаллари мавжуд. Бундай ҳолатнинг вужудга келиши халқаро савдо тўғрисида янги назария яратиш заруратини туғдирди. Янги ёндашувнинг моҳияти халқаро савдода иштирок этувчи иқтисодий бирлик миллат эмас, тижорат корхонаси эканига эътиборни қаратишдадир. Ташқи савдонинг янги концепциясини яратишга америкалик иқтисодчи М. Портер катта ҳисса қўшди. У мамлакатнинг қатор мамлакатлар маълумотларини тадқиқ этиш асосида халқаро рақобатга лаёқатлилиги, аввало, унинг етакчи фирмалари рақобатдаги устунликлари мажмуи билан белгиланиши тўғрисида қатъий хуло-

<sup>1</sup> Белоконь Ю. Открытость экономики и экономический прогресс: опыт Японии и азиатских НИС // МЭ и МО, 1997. №1.

са чиқарди. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорнинг ҳажми ва эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш ва умумиқтисодий инфратузилманинг даражаси ва самарадорлиги, рақобат муҳитининг ривожланиши, фирмаларнинг шароитга мослашиши ва қийинчиликларни енга олиши каби омиллар таъсирида шаклланади ҳамда ривожланади<sup>1</sup>.

Ўтиш даврини бошдан кечираётган, экспорт салоҳиятини тез ривожлантиришга интилаётган мамлакат эркин бозор стихиясига умид қилиб ўт ира олмайди. Бундай шароитда давлат тараққиётни ҳимояловчи гарант вазифасини бажариши керак. Иқтисодиётни модернизациялаш концепцияларига кўра, ишлаб чиқаришнинг муайян йўналишларида давлат янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тадқиқ қилиш ва саноат томонидан ўзлаштирилишини қўллаб-қувватлаши лозим. Чунки бундай ҳолатларда таваккалчилик даражаси юқори бўлиб, кўпинча янги технология ва янги бозорларни ўзлаштириш учун молиявий харажатлар жуда катта бўлади.

Бозор мурватларининг «ишламай қолиши» ёки «бузилиб қолиши» куйидаги ҳолатларда ташқи савдога давлатнинг аралашуви учун асос бўлади: а) ишлаб чиқариш кўламида катта тафовутлар туғдиришга сабаб бўлувчи ҳозирги жаҳон бозорининг олигополистик ёки такомилга етмаган моҳияти; б) давлат манфаатлари ва хусусий манфаатлар ўртасида катта тафовут вужудга келиши; в) бозорнинг кўнгилдаги тузилмавий ўзгаришлар келтириб чиқариш ва янги технологияларни ривожлантиришга ноқобил бўлиши; г) ташқи савдо учун ишлаб чиқариш, институционал ва молиявий инфратузилмани ривожлантириш зарурати туғилганда. Бу сабабларни ба-тафсилроқ таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

Жаҳон бозорлари, кўпинча, эркин эмас, олигополистик хусусиятга эга. Бундай бозорларда янги иштирокчи ривожланган мамлакатларнинг катта ва кучли ишлаб чиқарувчилари билан рақобат қила олмайди. Бундай ҳол савдода иштирок этаётган мамлакатлар ишлаб чиқариши кўламидаги; технология соҳасидаги илғорлар ва қолоқлар ўртасида ўсиб борувчи фарқни шакллантирадиган илмий-техникавий инфратузилмадаги; ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватловчи ҳамда унга турдош тизимлар ва ҳ.к.даги тафовутлар сабабли вужудга келади. Бундай вазиятда ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатнинг ҳукумати ўз ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаши ўринлидир. Лекин ривожланиб келаётган мамлакат саноатида кичик ички бозор учун ҳаддан зиёд кўп ишлаб чиқарувчилар пайдо бўлса, бу бутун ишлаб чиқариш миқёсида иқтисод қилиш имкониятини ва рақобатчи йирик хорижий фирмалар билан нарх-навода рақобат қилиши

1 М. Портер. Международная конкуренция. М.: Международные отношения, 1993.

имкониини бермайди. Шундай вазиятда муайян муддат ичида ҳукумат томонидан саноатнинг шу соҳасига янги фирмалар кириб келишининг чеклаб қўйилиши ўринлидир.

Ишлаб чиқариш миқёсида иқтисод қилиш бир неча турлардан иборат: **1. Фирма ичида статик технология миқёсида иқтисод қилиш. 2. Ишлаб чиқариш миқёсида ташқи статик иқтисод қилиш. 3. Фирма, сектор ёки макроиқтисодий даражадаги миқёсда динамик иқтисод қилиш.**

Бир турдаги товарлар ишлаб чиқариш қўламида иқтисод қилишнинг биринчи тури маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш билан боғлиқ. Иқтисод қилишнинг иккинчи тури ишлаб чиқаришнинг турдош соҳалари ўртасида ўзаро тўлдирувчанлик, фирма ва секторлар ўртасида технология ва ахборот алмашуви самаралари билан боғлиқ. Бунда иқтисод қилиш ишлаб чиқаришнинг таркиби ва алоқалари билан ёки турли фирмаларнинг ҳамкорликдаги маркетинги туфайли ҳам юз бериши мумкин. Гиршман кўрсатишича<sup>1</sup>, миқёс билан боғлиқ иқтисод қилишнинг бундай тури оқибатида иқтисодий ривожланиш жараёнларида иқтисодиёт секторлари даражасида тараққиётнинг турли босқичлари билан боғлиқ, номутаносибликлар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам «Ўзини ўзи рағбатлантирувчи», яъни ривожланишнинг олдинги босқичларида вужудга келган номутаносибликларни автоматик тарзда коррекция қилиб, янги инвестицион қарорларни шакллантирадиган сиёсатни танлаш жуда зарур. Миқёсда сезиларли ташқи иқтисод қилишнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган муҳим хулоса шундаки, ташқи савдони эркинлаштиришнинг дастлабки босқичидаги салбий оқибатлар кенгайиши ишлаб чиқаришнинг, ҳаттоки, узоқ муддатли қиёсий афзалликларга эга бўлган секторларида ҳам кескин пасайишларга олиб келиши мумкин. Бу ҳол фақатгина савдони эркинлаштириш туфайли эмас, балки миллий валюта курсини ошириб бориш ёки ҳаддан ташқари қатъий монетар сиёсат юритганда ҳам вужудга келиши мумкин. Миқёсда иқтисод қилишнинг учинчи тури билимларнинг тўлланиши ёки ишлаб чиқариш жараёнидаги таълим туфайли «инсон капитали»нинг ўсиши билан боғлиқ. Бу эса Вердон қонуни (кейинчалик адабиётда эса Калдор қонуни)да база эффекти дейилади ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши билан бирга ишлаб чиқариш унумдорлигида ҳам ўсиш тамойили борлигини кўрсатади, яъни бу ерда икки ўзгарувчан ҳодиса ўртасида бир томонлама эмас, икки томонлама алоқадорлик мавжудлиги ифодаланади.

<sup>1</sup> Hirshman A.O. The Strategy of Economic Development. — New Haven, Yale Univ. Press, 1958.

Ишлаб чиқариш миқёсида иқтисод қилиш мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат стратегияси зарурлигини асослашда энг муҳим омил ҳисобланади. Агар миллий фирма ишлаб чиқариш ўсишига боғлиқ тарзда инвестициялардан ўсиб бораётган самара олса ва ички бозорда хорижий рақобатдан ҳимояланган бўлса, бу фирманинг хорижий бозорларда ҳам экспортни кенгайтириш йўли билан каттароқ фойда олиш эҳтимоли кўпдир. Катта ҳажмли бундай ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ички бозорни жиддий ҳимоялаш эҳтиёжи туғилади. Агар ҳукумат ички бозорни тарифлар, квоталар ёрдамида ҳимоя қилса, миллий фирмалар ўз маҳсулотларини кўпайтиришлари мумкин. Бундай фирмаларнинг ўртача ишлаб чиқариш харажатлари пасаяди ва шунинг учун улар ташқи бозорда маҳсулотларга пастроқ нарх белгилашлари мумкин. Шунинг учун миллий фирмаларни давлат томонидан ички бозорда ҳимоя қилиш уларга фақат мамлакат ичкарисида эмас, хорижий бозорларда ҳам фойда келтиради.

Шундай қилиб, жаҳон бозорида тегишли ўринни эгаллаш учун мамлакатдаги корхоналарнинг давлат томонидан стратегик қўллаб-қувватланиши ва маркетинг ҳамда ишлаб чиқариш миқёсида сезиларли иқтисод қилишни таъминлаш зарур. Бундай ҳолларда экспортга кўмаклашиш сиёсати нейтрал бўлмайди. Ҳағтоки, рақобат кучли бўлган корхоналар кўп секторларда ҳам инфратузилмага давлат инвестициялари ёки миқёсда иқтисод қилиш эффектига бўйсундирилган турдош корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш давлат ривожланиш стратегиясининг таркибий қисми бўлиши керак. Ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатлар экспортининг асосий қисмини қишлоқ хўжалик хомашёси, ёқилғи, минерал хомашё сингари нархи уларнинг табиий сифатлари; ишлаб чиқариш, транспорт харажатлари билан белгиланадиган товарлар эканини назарда тутсақ, уларнинг рақобатбордошлиги негизини ишлаб чиқариш харажатлари ташкил қилишини кўрамиз. Чунки бундай бирламчи товарларнинг табиий хусусиятлари ва сифати ўхшаш. Демак, уларнинг негизида ётувчи ишчи кучининг қиймати ва кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг техник таъминланганлигига боғлиқ бўлган меҳнат унумдорлиги даражаси бир-бирига яқин. Бундай ҳолда ишлаб чиқариш миқёсида иқтисод қилиш эффекти ҳам сезиларли бўлиб, у экспортнинг рақобатбардошлигига катта ҳисса қўшади, демак у давлат тараққиёт стратегиясининг таркибий қисми бўлиши керак.

Ривожланаётган мамлакатлар ўз хомашёлари экспортга талабнинг пасайишига дуч келдилар. Агар 1965 йилдаги халқаро савдода озиқ-овқат, ёқилғи ва бошқа бирламчи товарларни импорт қилиш жаҳон импортининг 46 фоизини ташкил қилган бўлса, 1992 йид-

да бу кўрсаткич 25 фоизга тушиб қолди. 50-йилларда пахта толасига бўлган эҳтиёж толага бўлган умумий эҳтиёжнинг 41 фоизини ташкил қилган бўлса, 70-йилларнинг охирида бу кўрсаткич 29 фоизга тушди. Табиий материаллар ўрнига синтетика ишлатиш пластмасса, керамика ва силиконли материаллар билан алмаштириладиган баъзи металллар учун жуда сезиларли бўлади. Масалан, компьютер техникасининг қийматидан фақат 1 фоизини, оптик толали кабель қийматининг 13 фоизини хомашё ташкил этади. Айни пайтда мисли кабель қийматининг 50 фоизини хомашё ташкил қилади. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) бирлигига кўп турдаги металлларни сарф қилиш кескин камайди: мис сарфлаш 20 фоизга, никель сарфлаш 30. фоизга, қўрошин сарфлаш 40 фоизга пасайди. Бундан ташқари, хомашё товарларига бўлган нархларнинг тебраниши қайта ишлаш саноати товарларига қўйилган нархларнинг ўртача тебранишига қараганда анча катта дейишга объектив асослар бор. Хомашё маҳсулотларига дунё нархларининг ўзгариши ривожланаётган экспорт қилувчи мамлакатнинг макроиқтисодий вазиятига мултипликацион эффектнинг сабаби бўлиши мумкин. Бу эса иқтисодиётни, жумладан, диверсификация қилишни рағбатлантириш зарурлигини кўрсатади. Мамлакат иқтисодиёти қанчалик кўп халқаро ишлаб чиқариш — технологик тизимларга боғланса, у шунчалик барқарор ва унинг ривожланиш салоҳияти шунчалик кучли бўлади. Давлатнинг мақсадга йўналтирилган тартибга солиши асосида жаҳон хўжалигига тузилмалли мослашишни амалга ошириш муҳим ахамият касб этади. Фақатгина рақобатбардош соҳаларни эмас, балки ўз-ўзини янгилашга қодир бўлган миллий хўжалик организмини яратиш зарур. Мамлакат фақатгина шу йўл билан давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кўламини озайтириши мумкин.

Экспорт салоҳиятини ривожлантиришга стратегик ёндашувни амалга оширишда бозор мурватларига, айниқса, Жаҳон савдо ташкилоти (ВТО) янги қоидалари муносабати билан ташқи савдога давлатнинг кучли аралашуви мақбул ёки мақбул эмаслиги тўғрисидаги савол табиий равишда кўндаланг бўлади. Савдодаги шерикларнинг давлат аралашувига қарши чоралар, давлат бошқарувида хатоларга йўл қўйилиши мумкинлиги ҳам шунга ишора қилади. Шу муносабат билан Шарқий Осиё мамлакатлари тараққиётига мурожаат қилиш ўринлидир.

ЮНКТАД Котибиятининг маърузасида қайд этилганидек, Шарқий Осиё мамлакатлари савдо ва инвестицияларни эркинлаштиришга селектив стратегик ёндашув глобал иқтисодиётдаги муваффақиятларга калит бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодиёти жиддий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда.

Жаҳон савдо ташкилоти доирасида савдо қилишнинг янги тартиби ташқи савдони бошқариш бўйича баъзи чораларни қўллаш имкониятини чеклаб қўйди. Шунга қарамасдан, агар турли «рухсат берилган» субсидиялардан, «тўлов баланси» ҳақидаги халқаро савдо қонунларининг савдо билан бевосита боғлиқ бўлмаган бандларидан оқилона фойдаланилса ва халқаро савдо қоидаларини ижодий талқин қилинса, маневр қилиш учун сезиларли имкониятлар туғилади.

Япония, Жанубий Корея, Тайвань сингари мамлакатлар ўз бозорларини ҳимоя қилиш учун жуда баланд тарифлар ва қатъий квоталар ўрнатмадилар. Аммо кўплаб «норасмий» чоралар қўлланди. Бу мамлакатларда давлат чет элликлар учун мураккаб бўлган савдо тизимини кўплаб чекловчи қоидалар, андозалар, сифат тавсиялари ва ҳоказолар хорижий рақобатчиларнинг мамлакат ичкарисидаги бозорларга кира олмасликларини таъминлаш учун «ғамхўрлик» қилди. Бу мамлакатларда кўпчилик компаниялар давлатдан ёки давлат ёрдамида имтиёзли кредит олдилар, кредитлар беришда «норасмий» тарзда фирмалар чет эл товарларини имкон борича сотиб олмасликлари кўзда тутилди. Бу мамлакатлар импортни қийинлаштириш учун банклар билан турли келишувлар, рухсатномалар ва шунга ўхшаш бошқа «норасмий» чекловлардан фойдаландилар. Аҳоли ўртасида ҳам, жумладан, оммавий ахборот воситалари ёрдамида чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олмаслик тўғрисида кенг тарғибот ишлари олиб борилди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ҳозирги замон назариялари ва жаҳон тажрибаси давлатнинг иқтисодий ривожланиш ва экспортга йўналтирилганликни таъминлашда куп функцияли ва муҳим роль ўйнашини таъкидлайди.

● Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда ҳозирги замон иқтисодий назарияси ва экспортга йўналтирилган тараққиётни тартибга солишда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш лозим.

## 5.2. Ўзбекистонда экспортнинг ривожланиш босқичлари ва муаммолари

Маълумки, Ўзбекистон қарийб 130 йил мобайнида, аввалига, Россия империяси тазйиқида, сўнгра Совет Иттифоқи таркибида бўлиб, унинг иқтисоди бошқа социалистик мамлакатлар сингари марказлашган режалаштириш механизми орқали тартибга солинадиган маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган эди.

<sup>1</sup> Белоконь Ю. Открытость экономики и экономический прогресс: опыт Японии и азиатских НИС // МЭ и МО, 1997. №1.

Бундай шароитда, табиийки, бозор иқтисодиётининг асосий тартибга солувчилари бўлмиш — талаб, таклиф ва рақобатта ўрин бўлмаслиги аниқ. Халқаро муносабатлар соҳасида эса, Ўзбекистоннинг имкониятлари бутунлай чегараланган эди, негаки иттифоқдош республикаларнинг ташқи алоқаларини ташкил этиш ва бошқариш Москвадан амалга ошириларди.

Марказнинг хомашё базасига айлантирилган Ўзбекистондан кўплаб миқдорда хомашё ва дастлабки оралиқ маҳсулотлар олиб кетилиб, марказда ва бошқа иттифоқдош республикаларда қайта ишланарди. Сўнгра эса Совет Иттифоқи номидан хорижга экспорт қилиниб, хомашё ва дастлабки оралиқ маҳсулотларни қайта ишлашдан олиннадиган юқори қўшимча (устама) қийматдан Ўзбекистон маҳрум қилинган эди.

Шунга кўра, Ўзбекистон ҳудудида ўз хомашё ва дастлабки оралиқ маҳсулотларни тўлиқ қайта ишлаб, юқори қўшимча (устама) қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ташкил этилмаганлиги ҳамда ўша вақтда республикадаги мавжуд бўлган корхоналарнинг хомашё ва бутловчи қисмлар бўйича бошқа иттифоқдош республикаларга боғлиқлиги Ўзбекистоннинг иқтисодий қарамлигини янада кучайтирарди.

Иттифоқ даврида республика ҳудудида ташкил этилган кимё ва металлургия корхоналари эса экологик жиҳатдан бирмунча зарarli бўлиб, улар марказ ва бошқа регионлар учун маҳсулотлар етказиб берарди.

Бир сўз билан айтганда, мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистоннинг бевосита ташқи иқтисодий (шу жумладан, савдо) алоқалари фақатгина иттифоқдош республикалараро миқёсдаги кооперация билан чегараланган эди.

Шунга қарамай, Ўзбекистон ўша даврда Иттифоқ таркибида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва етиштириш бўйича етакчи ўринларни эгаллаганлиги, унинг умумиттифоқ халқ хўжалигидаги салмоғининг юқори бўлганлигини биддиради.

Масалан, 10 дан ортиқ турдаги саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон Иттифоқда биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 25 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етиштириш бўйича биринчи олтиликка кирган, шу жумладан, Ўзбекистон Иттифоқда<sup>1</sup>:

— пахта толасини, пахта териш машиналарини, пахта тозалаш қурилмаларини ва чигит экиш тракторларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни;

1 Сборник статистических материалов «Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет». Издательство «Узбекистан». 1967, стр. 8, 33.



— пахта толасидан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринни;

— табиий газ, шойи матолар, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш бўйича учинчи;

— электр энергия, минерал ўғитлар, цемент ишлаб чиқариш ва кўмир қазиб олиш бўйича тўртинчи ўринни эгаллаган эди.

**Ўша даврда Ўзбекистоннинг маҳсулотлари 70 дан ортиқ хорижий мамлакатларга Иттифоқ номидан чиқарилар (экспорт қилинар) эди. Совет Иттифоқининг ташқи савдо айланмасидаги Ўзбекистоннинг улуши салкам 5 фоизни (шу жумладан, экспортдаги улуши 3,3 фоизни) ташкил этарди<sup>1</sup>.**

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Иттифоқ тарқалиб кетишидан бир оз олдин, яъни 1989 йилда Ўзбекистонда «Ўзбекинторг» ташқи савдо бирлашмаси ташкил этилди. Шу вақтдан эътиборан Ўзбекистон ташқи савдода ўзининг нисбатан мустақил дастлабки қадамларини қўйишни бошлади.

Ушбу дастлабки ташқи савдо бирлашмасида фаолият кўрсатган ва илк тажрибалар орттирган сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган маҳаллий мутахассислар мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини йўлга қўйишда етакчи ўрин тутдилар.

Шунга қарамай, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон халқаро иқтисодий муносабатларда иштирок этиш тажрибасининг етарли бўлмаганлиги ва ушбу соҳада тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги намоён бўлди.

Ҳатто, иқтисодиётнинг ўзи ҳам халқаро бозор талабларига ва рақобат муҳити шарт-шароитларига мослашмаганлиги сезилар эди. Шу билан бир қаторда, мамлакатимиз жаҳон бозорларининг асосий қонуниятларини ва халқаро иқтисодий муносабатларга интеграциялашуви шартлари ҳақида ниҳоятда чегараланган билимларга эга эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришга, дунёнинг турли мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, аввало, ташқи савдони такомиллаштириш орқали жаҳон бозор тизимига интеграциялашиш томон йўл тутди.

Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир.

Экспортни кенгайтириш — республикага эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш ҳамда миллий валютани

1 «Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане». Группа авторов. Центр экономических исследований и статистики ЦБ РУ. Издательский дом «Мир экономики и права». Ташкент, 1998. Стр. 122.

муस्ताҳкамлаш демакдир. Бу корхоналар эҳтиёжманд бўлган янги технологиялар ҳам демакдир. Бу ижтимоий масалаларни ҳал этиш — иш ҳақини ошириш, ижтимоий инфраструктуранинг кенгайтириш демакдир. Бу ишлаб чиқаришни мунтазам янгиллаб туришни кучли тарзда рағбатлантириш демакдир. Бир сўз билан айтганда, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш ва миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш: «...**бутунги кунда энг долзарб бўлиб, уни ҳал этмасдан иқтисодий тараққиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳақида сўз юритиб бўлмайди**»<sup>1</sup>.

Экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг ҳажмини ошириш, таркибини такомиллаштириш, географиясини кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг мураккаб вазифалари қаторига киради.


Ушбу бобда мамлакатимизда экспортни ривожлантириш хусусиятлари ва муаммоларини ёритиб бериш мақсадида 1992–2000 йилларда ташқи савдонинг ривожланиши, хусусан экспорт ҳажми, таркиби ва географиясидаги ўзгаришларни (динамикасини) кўриб чиқамиз ҳамда уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаймиз.

Умуман олганда бу давр мобайнида республикамиз экспорти 1992 йилдаги 869,3 млн. АҚШ долларида 2000 йилда 3264,7 млн. АҚШ долларигача, яъни 3,7 бараварга ошди (3-чизма).

Ўзбекистоннинг жаҳон бозори, Совет тузумидан мерос бўлиб қолган, хомашё ва табиий ресурслар етказиб берувчи сифатида тутган ўрни ҳозирда мамлакатнинг миллий манфаатларига жавоб бера олмайди. Тўғри ўтиш даврининг дастлабки йилларида бу гуруҳдаги маҳсулотлар экспорти иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилли бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

### 3-чизма.

#### Ўзбекистон Республикасида 1992–2000 йилларда экспорт ҳажмининг ўзгариши (млн. АҚШ доллари ҳисобида)



<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз». Халқ сўзи, 2001 йил 17 февраль.

Ўзбекистон хомашё ва табиий ресурслар етказиб берувчи мамлакатлигича қолишида давом этса, стратегик нуқтаи назардан ташқи бозорга қарамликка маҳкум бўлиши табиий. Экспортга фақат хомашё ва табиий ресурслар чиқарилса, бундай шароитда миллий хўжаликнинг заифлиги ортади. Негаки унинг самарадорлиги кўпроқ жаҳон хомашё бозорларининг конъюнктурасига боғлиқ бўлиб қолади. Бу бозорнинг аҳволи эса унчалик барқарор эмас. Кейинги пайтда пахта толаси, энергетика, қора ва рангли металллар, олтин, минерал ўғитлар бозорлари конъюнктурасининг ёмонлашуви мамлакатимиз иқтисодиётига ўзининг бевосита таъсирини ўтказмоқда. Чунки ҳозирги кунда ҳам республика экспортининг 50 фоизга яқинини ана шу маҳсулотлар ташкил этади.

Маълумки, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти экспорт ҳажмини тўхтовсиз ошириб бориш имкониятини беради. Бу борада ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири экспортнинг маҳсулот ва хизматлар таркиби ҳисобланади. Собик Иттифоқ доирасидаги меҳнат тақсимотига кўра Ўзбекистонга хомашё базаси роли берилганлиги республикамиз экспорт товар таркибида ўз аксини топганлиги ҳаммага маълум. Мустақиллик йилларида хомашё товарларининг экспортини сезиларли даражада қисқартиришга эришилган бўлса ҳам, ҳамон экспорт номенклатурасида хомашё ҳамда тўлиқ қайта ишланмаган товарлар устунлик қилмоқда ва устига устак, уларнинг сифати ҳам жаҳон стандартларига тўғри келмайди.

Экспорт товар таркиби ҳақида сўз юритганда шуни айтиш жоизки, Ўзбекистан Республикаси иқтисодий ислоҳотларнинг бошида асосан пахта толасини экспорт қилар эди. 1992 йилда унинг мамлакат экспортларидаги улуши 62,8 фоизни ташкил этган эди. Шу даврда пластмасса ва кимёвий маҳсулотлар улуши 6,07 фоизни, рангли ва қора металллар улуши 9,22 фоизни, энергетика манбалари 6,72 фоизни, машина ва асбоб-ускуналар 7 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотлари 2,54 фоизни, бошқа экспорт товарлари ва хизматларнинг улуши атиги 5,65 фоизни ташкил этарди.

Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, бир турдаги маҳсулотни кўплаб миқдорда экспорт қилишга мослашиш мамлакат иқтисодиётини ушбу маҳсулотнинг жаҳон бозори конъюктурасига боғлиқ қилиб қўяди.

Ҳукуматимизнинг босқичма-босқич олиб бораётган ташқи иқтисодий сиёсати натижасида Ўзбекистон экспортларида мустақиллик йилларида сезиларли таркибий ўзгаришларга эришилди (4-чизма).

Пахта толасининг экспортларидаги улуши 1997 йилда 36 фоизгача,

2000 йилда эса 27,5 фоизгача камайди. Бундан ташқари 2000 йилга келиб пластмасса ва кимёвий маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 3,9 фоизгача, рангли ва қора металллар улуши 6,6 фоизгача қисқарган бўлса, машина ва асбоб-ускуналар 3,4 фоизни, хизматларнинг улуши 13,7 фоизни ташкил этди, энергетика манбалари 10,3 фозгача, озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 5,4 фоизгача ва бошқа экспорт товарлари улуши 30,2 фоизгача ошди.

#### 4-чизма.

Ўзбекистон Республикасида, экспорт товарлари структурасининг 1992 ва 2000 йиллардаги ўзгариши<sup>1</sup> (фоиз ҳисобида)



Ўзбекистон экспорти таркибий ўзгаришидаги ижобий томонлардан яна бири унда хизматлар улушининг ортиб боришидир. Мамлакатимиз экспортида хизматларнинг улуши 1992 йилда ҳаддан ташқари салмоқсиз бўлган бўлса, 1997 йилда у 8,2 фоизни, 2000 йилга келиб эса 13,7 фоизни ташкил этган бўлиб, унинг асосий қисмини темир йўл ва ҳаво транспорти ҳамда туризм хизматлари эгаллайди.

Юқорида келтирилган баъзи ижобий ўзгаришларга қарамай, экспортда ҳамон хомашёнинг улуши юқорилигича сақланиб келмоқда. Экспортнинг салмоқли қисмини, маълумки, пахта толаси, энергетика ресурслари ҳамда қора ва рангли металллар ташкил этади. Масалан, ушбу учта асосий экспорт қилинадиган хомашёнинг улуши 2000 йил умумий экспорт ҳажмида 44,4 фоизни ташкил этади. Мугасадди ташкилотларнинг ҳисоб — китобларига кўра, жаҳон нархларининг пасайиши оқибатида 1998 йилнинг ўзида республикаимиз тахминан 170-180 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта тушумларини йўқотди. Бундан ташқари, ушбу жаҳон хомашё бозорларининг беқарорлиги экспортни амалга оширишда уларга мослашишни ва атайлаб бу маҳсулотларнинг экспорт миқдорини камайтиришни тақозо этади. Шун-

1 «Ўзбекистон мустақиллик йилларида». 1991—1996 йиллар таҳлили. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.

га кўра 1998 йилнинг ўзидагина экспорт ҳажми ўртача 130 млн. АҚШ долларига кискарди<sup>1</sup>.

Экспортнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа омиллардан яна бири бу экспорт номенклатураси таркибининг торлиги ва деярли ўзгармаслиги шароитида айрим экспорт хомашё маҳсулотларининг ҳажмини ошира боришдир. Бунинг оқибатида, яъни маълум бир товарга экспорт таклифининг оширилиши натижасида нархларнинг тушиши ва экспорт самарадорлигининг камайиши кузатилади ва бу, ўз навбатида, республика валюта тушумлари ҳажмига путур етказди.

Шу билан бир қаторда экспорт номенклатураси ҳам етарлича кенг қамровли эмас. Ўзбекистоннинг экспорт номенклатураси атиги 300 турдаги товарларни ўз ичига олади. Агар ушбу кўрсаткични солиштирадиган бўлсак, Хитой 50000 турдаги товарларни экспорт қилади<sup>2</sup>.

Бу маълумотлар Ўзбекистоннинг экспорт товарлари таркибининг ниҳоятда торлигини ҳамда миллий иқтисодиётимиз ҳамон хомашё бозорларига сезиларли даражада боғлиқлигини кўрсатади.

Ушбу масалада, факат хомашё экспортигагина таяниш мумкинми, деган савол туғилади. Албатта, мамлакатнинг хомашё ресурсларига бойлиги, унинг жаҳон бозорларида нисбатан осон сотилиши нуқтаи назаридан афзалликка эгаллигини тан олиш керак. Лекин, мамлакатнинг хомашё ресурсларига бойлиги бир қатор сабабларга кўра иқтисодиётнинг, жумладан ташқи савдонинг ижобий ривожланишига етарли асос бўла олмайди:

— биринчидан, хомашё экспорт қилувчи мамлакат жаҳон хомашё бозорлари конъюнктураси ва нархлар динамикасига боғлиқ бўлади;

— иккинчидан, хомашё экспорти нисбатан юқори бўлмаган қўшимча (устама) яратилган қиймат билан боғлиқ бўлиб, хомашёнинг баҳоси унинг табиий танқислигига (чекланганлигига) асосланган бўлади;

— учинчидан, Ўзбекистоннинг хомашёга бойлиги руҳий жиҳатдан юқори қийматли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга бўлган ҳаракатга путур етказиши мумкин.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, мамлакат экспорти асосан айрим турдаги товарлар ёки хомашёга боғлиқ бўлса, уларга бўлган жаҳон бозори конъюнктурасининг салгина ўзгариши (пасайиши) ҳам мамлакат экспорт тушумларининг

1 Чепель С.В. «Тенденция и перспективу достижения устойчивого экономического роста». Журнал «Экономическое обозрение», февраль 2000 г., стр. 33.

2 «Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане», группа авторов, Центр экономических исследований и статистики ЦБ РУ, издательский дом «Мир экономики и права». Ташкент, 1998, стр. 123.

кескин қисқаришига олиб келади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, бир томондан, экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва умумий экспортда ҳар бир турдаги хомашё маҳсулоти улушини қисқартиришга эришиш муҳим бўлса, бошқа томондан, халқаро хомашё экспортидаги Ўзбекистоннинг ҳиссаси салмоқли эканидан фойдаланиб, экспортимизнинг асосини ташкил этувчи хомашё жаҳон бозорлари конъюнктурасига таъсир эта олишни, уни бошқаришни ўрганишимиз ва бунга эришишимиз керак.

Албатта, баъзи бир ҳолларда ва алоҳида даврларда жаҳон бозорлари конъюнктурасининг ўзгаришини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Бироқ, бу борада асосий сабаблар ички сабаблар бўлиб, биринчи навбатда экспортни тартибга солувчи ва рағбатлантирувчи ягона давлат сиёсатининг йўқлиги ва экспортга кўмаклашиш аниқ чора-тадбирлари механизмнинг ишламаслиги ҳисобланади.

Шу билан бирга халқаро андозаларга кўра оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ҳозирда ҳам экспорт кўлами салмоқли деб бўлмайди. Ўзбекистон аҳоли жон бошига нисбатан экспорт ҳажмининг тақсимланиши бўйича МДҲдаги бир қатор давлатлардан бирмунча ортда қолмоқда. Мамлакатимизда 1998 йилда экспорт ҳажми аҳоли жон бошига ўртача 145 АҚШ долларини ташкил этди, бу эса мисол учун Россиядагига нисбатан 3 баравар кам демакдир (5-чизма).

#### 5-чизма.

**1998 йилда бир қатор МДҲ давлатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт ҳажми (АҚШ доллари ҳисобида)**



*Маълумот манбаси: МДҲ бўйича маълумотлар «Экономическое обозрение» журналининг 2000 йил февраль сонидан (МДҲ Статистика қўмитаси маълумотлари асосида) олинган, Ўзбекистон бўйича Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.*

Бу кўрсаткич Ўзбекистон учун 2000 йилда бундан ҳам пастдир.

Ташқи савдонинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг яна бир элементи бўлиб экспорт географиясини такомиллаштириш ҳисобланади.

1992 йилда Ўзбекистоннинг экспорт ҳажми 869,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, унинг 540,1 млн. АҚШ доллари ёки 62,1 фоизи МДХ мамлакатлари, 329,2 млн. АҚШ доллари ёки 37,9 фоизи бошқа узоқ хорижий мамлакатлар билан олиб борилган савдо-сотиққа тўғри келган.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, сўнгги йилларда узоқ хорижий давлатлар билан бўлган ташқи савдо алоқалари юқори суръатларда ўсиб бормоқда.

Бу энг аввало МДХ давлатларининг кўпчилигида юзага келган иқтисодий инқироз ва эркин алмаштириладиган валютанинг етишмаслиги билан тушунтирилиб, улар шу сабабли мамлакатимизнинг асосий экспорт маҳсулотларини (асосан пахта толаси) сотиб олишга имконлари бўлмади. МДХ давлатларига экспорт қилинадиган пахта толасининг асосий қисми бартер асосида айирбошланар ва бундан, албатта, Ўзбекистон манфаатдор эмас эди. Ҳукуматимизнинг амалга оширган аниқ чора-тадбирлари натижасида бартер операцияларини 1992 йилдаги 50,5 фоиздан 1997 йилда 9,5 фоизга қисқартиришга эришилди.

Ўзбекистон экспортида узоқ хорижий давлатлар улушининг ўсишига олиб келаётган сабаблардан яна бири бу жаҳон нархлари даражаси ва МДХ бозорларидаги нархлар ўртасидаги фарқларнинг мавжудлигидир. МДХ бозорларида нархлари жаҳон нархларидан паст бўлган товарлар экспорти узоқ хорижий давлатлар бозорларига фаол суръатларда кўчиб бормоқда.

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимиз экспорт географиясида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. 1998 йилда Ўзбекистон жаҳоннинг 120 дан ортиқ давлатлари, шу жумладан 10 та МДХ давлатлари билан ташқи савдо алоқаларини амалга оширган.

2000 йилда Ўзбекистоннинг экспорт ҳажми 3264,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Унинг 1172,2 млн. АҚШ доллари ёки 35,9 фоизи МДХ мамлакатлари, 2092,5 млн. АҚШ доллари ёки 64,1 фоизи бошқа узоқ хорижий мамлакатлар билан олиб борилган савдо-сотиққа тўғри келди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 1992—2000 йиллар мобайнида Ўзбекистон экспортидаги МДХ давлатлари ва узоқ хорижий мамлакатлар ўртасидаги нисбат тенг бараваридан ҳам кўпроқ узоқ хорижий мамлакатлар фойдасига ўзгарди, яъни

1992 йилда 62,1 фоизи МДХ мамлакатлари ва 37,9 фоизи узоқ хорижий мамлакатларга тўғри келган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 35,9 фоизи МДХ мамлакатлари ва 64,1 фоизи узоқ хорижий мамлакатларга тўғри келди.

1999 йилда Ўзбекистон экспортида узоқ хорижий мамлакатлар ўртасида Буюк Британия (ялпи экспорт ҳажмидан 13,8 %), Швейцария (13,7 %), Корея (5,4 %), Нидерландия (4,4 %), Бельгия (3,6 %), Туркия (2,9%), АҚШ (2,0%), Италия (2,0%) каби давлатларнинг салмоғи каттадир. Шунингдек, ушбу даврда товар ва хизматлар экспорти жаҳоннинг 88 давлатига, шу жумладан 77 та узоқ хорижий мамлакатларга ва 11 та МДХ давлатларига амалга оширилди.

Пахта толаси экспортининг асосий ҳажми узоқ хорижий давлатларга тўғри келаётган бўлса (ялпи пахта толаси экспортининг 87,3 фоизи), озиқ-овқат товарлари экспортининг 95,7 фоизи, энергетика маҳсулотларининг 97,5 фоизи МДХ давлатларига тўғри келмоқда.

Ўзбекистоннинг товар айланмасида, жумладан экспортида ҳам энг кўп улуш Россияга тегишли. Шу билан бир қаторда Россия бозори бошқа савдо ҳамкорларининг бозорига нисбатан кўпқирралилиги билан ажралиб туради. Бошқа етакчи давлатларга чиқариладиган экспортда пахта толаси ва рангли металллар асосий ўрин эгаллаган бир пайтда, Россияга қилинадиган экспорт таркибида Ўзбекистон экспорт товар номенклатурасининг деярли барча товар гуруҳлари салмоқли улушларда мавжуддир,

Агар ташқи савдони вилоятлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, унда экспорт операцияларининг катта қисми Тошкент шаҳри (ялпи экспорт ҳажмидан 14,1 %), Тошкент вилояти (9,2 %), Андижон (7,7 %), Фарғона (6,6), Навоий (6,5) вилоятларининг корхона ва ташкилотлари томонидан амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Юқорида келтирилган рақамлар ва баён этилган фикрлар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида экспортни, унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ривожлантиришга, яъни учун ҳажмини кўпайтириш, географиясини ва таркибини бирмунча кенгайтиришга эришилганлигини намоён этмоқда. Лекин шу билан бирга экспорт ҳажмининг 1997 йилдан бошланган пайсиш тенденцияси, таркибида ҳали ҳам хомашё улушининг катталиги бу соҳада муаммолар ҳам мавжудлигидан далолат беради. Экспортни ривожлантиришни секинлаштираётган муаммолар, маълумки, қуйидаги асосий омиллар билан белгиланади:

— ташқи бозорга ишлайдиган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватловчи молия кредит секторнинг етарли ривожланмаганлиги;



— нархлар эркин бўлган бир шароитда кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқариш монополиясининг сақланиб қолиши корхоналарга истаганча нарх қўйиш имконини бермоқда. Улар бундай шароитда ўз маҳсулотларини ички бозорда сотишдан кўпроқ манфаатдордирлар;

— хусусий секторнинг сушт ривожланганлиги ва унинг экспортдаги улушининг сезиларли эмаслиги;

— экспорт қилинадиган маҳсулотлар нархининг қимматлашишига сабаб бўлаётган ҳамда уни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз қилиб қўяётган аксарият қисми тарифлар жуда юқори бўлган мавжуд юк ташиш тизими;

— кўпгина корхоналарнинг фаол ташқи иқтисодий сиёсатга эга эмаслиги: бу маркетинг тадқиқотлари ва реклама ишларини жуда заиф равишда ташкил этилганлигида кўзга ташланмоқда;

— экспорт маҳсулотларини кўпайтириш учун яхши имкониятга эга бўлган айрим корхоналарда зарур айланма маблағлар ва сармояларнинг йўқлиги;

— экспортдан тушадиган валюта тушумининг давлатга мажбурий сотиш ставкасининг юқорилиги, миллий валюта расмий курсининг юқори килиб белгиланганлиги;

— кўпгина тайёр маҳсулот турларини ишлаб чиқаришнинг алмисоқдан қолган технологияларидир. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг серхаражатлилиги, кўп материал ва энергия талаб қилиши билан ажралиб туради. Натижада кўпгина маҳсулот турлари таннархининг жаҳондаги шундай маҳсулотлар таннархидан анча юқорилиги уларни рақобатга бардошсиз қилиб қўймоқда;

— экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва экспортга қўмаклашиш тизимининг етарли эмаслиги.

Ушбу санаб ўтилган, экспортнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни тартибга солишда ва бартараф этишда, шубҳасиз, давлатнинг асосий роли иқтисодиётни эркинлаштиришни жаддалаштириш ҳамда экспортни тартибга солувчи, рағбатлантирувчи ягона давлат тизимини ва экспортга қўмаклашиш аниқ чора-тадбирлари механизмини барпо этишда намоён бўлиши керак.

### 5.3. Экспортни ривожлантиришда валюта сиёсати

Устувор йўналишлар экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган ва асосий тармоқларга, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, хорижий инвестицияларга жалб қилишга қаратилган тузилмали қайта ўзгаришлар ва иқтисоднинг

реал секторини ривожлантириш Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларнинг асосий таркибий қисми бўлиб қолди. Танланган устувор йўналишларнинг тўғрилиги шу билан тасдиқландики, жаҳон бозорларини қамраб олган салбий жараёнлардан сақланган ҳолда, ички молия бозорини ҳар қандай таъсирларда сақлаб қолишга муваффақ бўлинди.

2000 йилда ЎзР Марказий банкининг пул-кредит сиёсати миллий валютанинг барқарорлигини сақлаган ҳолда, унинг мавжуд ўсиш йўналишини мустақамлашга, жорий халқаро операциялар бўйича унинг конвертацияланиши учун зарур шароит яратишга ва валюта захираларидан ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларида самарали фойдаланишга йўналтирилган эди.

Валюта сиёсатиинг иккита асосий, баъзида, ҳатто, бир-бирига қарама-қарши келувчи мақсадлари мавжуд, улар: валюта курсидан молиявий барқарорлаштириш қуроли сифатида ёки иқтисодни экспортга йўналтириш воситаси сифатида фойдаланиш. Биринчи ҳолатда валюта курси барқарор бўлиши ва қайсидир маънода баҳоси кўтарилган бўлиши (бу нарса баҳолар ўсиб кетишининг олдини олади) керак. Иккинчи ҳолатда эса, у анча эгилувчан ва баҳоси пасайтирилган бўлиши (экспортни рағбатлантириш мақсадида) лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: «**Биз ўзимизга яхши тасаввур қиламизки, экспортга маҳсулот чиқаришни рағбатлантиришнинг энг муҳим шarti, бу — валюта сиёсатини эркинлаштириш йўлидаги ишларни изчил давом эттиришдир**»<sup>1</sup>.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш соҳасида республикада аниқ ва равшан дастур белгиланган. Мазкур дастур, биринчи навбатда, валюта курсларини унификациялаш жараёнини чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш, валюта айирбошлаш операциялари миқёсини кўпайтириш бўйича 2000 йил ўргаларидан бошланган амалий ишларни ўз ичига олади.

Маълумки, алмашинув курси белгиланган ёки эркин сузувчи курслардан иборат бўлиши мумкин. Бундан ташқари, «бошқариладиган сузувчи» деб аталадиган курс ҳам мавжуд. Биринчи ҳолда миллий валютанинг номинал курси қандайдир барқарор валютага нисбатан белгиланади (масалан, АҚШ долларига). Марказий банк

1 Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. // «Халқ сўзи», 2001. 17 февраль.

эса бу даражани валюта интервенциялари орқали ушлаб туради. Бундай режимни инфляцияни камайтириш ва молиявий барқарорликка эришиш учун «номинал якорь» сифатида қўллаш мақсадга мувофиқроқ бўлади. Бироқ ўрта муддатли даврда барқарор валютага эга бўлган мамлакатда инфляциянинг нисбатан юқори суръатлари сақланиб турган бўлса, унда бу режим реал алмашинув курсининг ошишига ва экспортнинг дестимуляцияланишига олиб келади. Чунки миллий валютанинг реал курси пасайиб кетади. Бундай ҳолда спекулятив ҳужумларга дучор бўлиш эҳтимоли пайдо бўлади. Агарда валюта бозори иштирокчилари келажакда курснинг девальвацияланишини кутишаётган бўлишса, эркин «сузиш» режимида, яъни Марказий банк валюта бозори фаолиятига аралашмаган тақдирда ва алмашинув курси талаб ва таклиф асосида белгиланаётган ҳолатда курснинг айтиб бўлмайдиган кескин тебранишлари оқибатида миллий иқтисоднинг ва ташқи савдонинг издан чиқиш хавфи пайдо бўлади.

Одатда, иқтисодни эркинлаштириш макроиқтисодий беқарорлик муаммосини кескинлаштиради. Шунинг учун ҳам давлат белгиланадиган алмашинув курсидан қисқа муддатли даврда инфляция билан курашиш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин. Бироқ бундай валюта режимини жорий этиш учун қуйидагиларни назарда тутиш керак: талабда сакрашлар юзага келганда валюта интервенцияси орқали курснинг керакли даражасини тутиб туриш имконини берадиган етарли миқдордаги олгин-валюта захираларининг мавжудлиги; қатъий монетар ва фискал сиёсатнинг ўтказилиши. Агар бу шартлардан бирортаси бажарилмайдиган бўлса, унда белгиланадиган алмашинув курсини жорий қилиш мутлақо мумкин эмас.

**Молиявий барқарорликка эришилгач ва инфляция даражаси йилига 10-15%гача пасайса, «бошқариладиган сузувчи» режим энг мақбул режим бўлиб қолади. Чунки у экспортни рағбатлантириш вазифасини ҳал қилишга имкон яратади. Сўм номинал курсининг сиргалувчи пасайиши шароитида «валюта йўлаги»ни белгилаш, баҳолар барқарорлигини ва уларнинг олдиндан башорат қилинишини таъминлашга имкон яратади.**

Хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида белгиланадиган эркин сузувчи алмашинув курси экспорт ва ташқи савдо учун зарарли бўлиши мумкин. Гап шундаки, ўтиш жараёнига хос бўлган ноаниқлик, ташқи савдо оқимлари ва нисбий баҳолардаги ўзгаришлар миллий валютанинг «қадрсизланиши» ва инфляция спиралининг жиддий ўзгариши каби таваккалчиликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг валюта бозори хорижий инвестицияларнинг ҳаракатлари ва ташқи савдога моли-

явий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган миллий валюта-нинг сузувчи курсида рўй берадиган меъёридан ортиқ ўзгаришлар олдини оладиган даражада катта эмас. Бундай ўзгарувчанлик эса савдонинг ўзида ҳам, молия секторида ҳам жиддий ноаниқликларни келтириб чиқаради.

Халқаро Валюта фонди (ХВФ) экспертларининг фикрича, курсни белгилаш учун шундай тизимни танлаш лозимки, токи у реал самарали валюта курсини барқарорлаштиришга ва номинал валюта курсида ҳамда нисбий баҳоларда рўй бериши мумкин бўлган катта тебранишларнинг олдини олишга ёрдам бера олсин. Жаҳон молиявий инқирози шунга кўрсатадики, заифроқ молия тизимига эга мамлакатлардаги белгиланадиган валюта курслари спекулятив хужумларга кўпроқ дучор бўладилар. Унинг таъсирини камайтириш учун курсни АҚШ долларига нисбатан белгилашдан «валюталар савати»га нисбатан белгилашга ўтиш керак. Саватдаги валюталар тўплами фақатгина асосий ташки савдо шерикларининг валюталарига асосланган бўлиши шарт эмас. Яхшиси, курснинг ҳисоб-китобини муҳим экспорт товарлари бўйича асосий рақобатчи-мамлакатларга нисбатан, уларнинг рақобатчилик даражаларига муганосиб равишда амалга ошириш лозим. Миллий валюта курсининг ошиши натижасида ички инфляциянинг маҳаллий экспортчиларнинг рақобатбардошлилигини заифлаштириб қўйишига йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам рақобатчи-мамлакатларнинг валюталарига нисбатан маҳаллий валютанинг реал курсидаги ўзгаришларнинг мониторингини олиб бориш лозим.

Экспортнинг ноанъанавий қисмларидаги (унинг унумдорлиги ва ўсиши) аҳволни таҳлил қилиш алмашинув курсининг ошганлигини аниқлашга ва уни ўз вақтида тузатишга ёрдам берадиган яхши индикаторлар саналади. Бундай экспортнинг мавжуд бўлмаслиги, стагнацияси ва камайтиши — алмашинув курсининг ошишига ва ўрта муддатли истиқболда тўлов балансида муаммолар пайдо бўлмай туриб, барқарор ўсишни таъминлаш учун лаёқатнинг йўқлигига очиқ-ойдин далилдир.

Буларга асосланиб, қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

— валюта курсини узоқ муддатга белгилаб туриш республика-миз шароитига тўғри келмайди. Чунки Ўзбекистон жаҳон савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган эмас ва иқтисоднинг керагидан ортиқ очиқ бўлишидан кутилганча фойда ололмайди:

— умуман олиб қараганда ташқи савдо етарлича диверсификацияланган бўлади;

— бюджет тақчиллигини кескин қисқартирган ҳолда ва пул массасини сиқиб турган ҳолда инфляцияни «нима қилиб бўлса ҳам»

барқарор валютага эга бўлган Фарб мамлакатлари даражасигача қисқартиришга интилиш инвестицияларнинг кескин тушиб кетишига, реал сектор учун кредитларнинг камайишига ва ҳатто айланма маблағларнинг камайиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, миллий валютанинг конвертацияланишига эришиш — бу монетар, фискал ва ташқи савдо сиёсатлари соҳаларида қатор ўзаро боғлиқ чоратадбирлар мажмуасини талаб қилувчи жуда мураккаб жараёндир. Конвертация товарлар, хизматлар ва молия активлари оқимларининг халқаро ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ. Конвертациялашни жорий қилиш ташқи савдога ва сармоялар ҳаракатига бўлган чекловларни олишга тенг бўлган натижани беради. Конвертациялашга бўлган чеклашларни олиб ташлаш иқтисод учун қатор афзалликларни таъминлайди. Юқорида қайд этилган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидланганидек, «**биз бундан буён ҳам жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертацияга ўтиш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган сиёсатни қатъийлик ва собитқадамлик билан амалга ошираверамиз**»<sup>1</sup>. Бу масалада асосий вазифалар куйидагилардан иборат. **Биринчидан**, миллий валютамининг тўла конвертациялашга ўтиш жараёни ижобий кетишини таъминлаш ва кафолатлаш мақсадида валюта ресурсларини излаб топиш учун барча халқаро молиявий тузилмалар билан амалий ҳамкорлик қилиш.

**Иккинчидан**, валюта айирбошлаш операцияларида қатнашувчи банклар ва айирбошлаш шахобчалари сонини кескин кўпайтириш, шу тариқа айирбошлаш шахобчалари орқали валюта сотиш ҳажмини ошириш учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш.

**Учинчидан**, айирбошлаш шахобчаларида валюта айирбошлаш операциялари ҳажмини ўсишини инobatга олган ҳолда, валюта сотиш шартлари ва талабларини эркинлаштириш, яъни валюта сотишдаги чеклашларни босқичма босқич камайтириб бориш.

Жорий ҳисобрақамлари бўйича конвертациялашнинг қўлланилиши мамлакат резидентларига ишлаб чиқариш ҳажмлари ва сифатини ошириш учун зарур инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш имкониятини яратади. Бунда корхона хорижий рақобатчи билан ички бозорда тўқнашади. Бу хусусан, саноатдаги монополист-тармоқлар манфаатларига кўпроқ таъсир кўрсатади. Экспортчилар учун янада кенгроқ ва бақувват бозор пайдо бўлади, бу ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Ишлаб чиқариш ва инвестициялар кўпроқ рақобатбардош товарларга йўналтирилган бўлиши лозим.

<sup>1</sup> Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. // Халқ сўзи, 2001. 17 февраль.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистан ХВФ Шартномасининг VIII моддасини, яъни «Миллий валютанинг эркин конвертациясини таъминлаш мажбурияти»ни қабул қилишга тайёрланмоқда.

Айни пайтда республикамиз ҳукумати талаб ва таклиф билан бир қаторда назорат қилинадиган тижорат банкларининг оширилган валюта курси билан боғлиқ ҳолатини ҳам тўғрилашга интиломоқда.

Мавжуд иқтисодий сиёсат амалда ҳукумат томонидан белгиладиган алмашинув курси бўйича хорижий валютага қондирилмаган талабнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Валюта таклифи учта манба томонидан шакллантирилади: 1) Марказий банк марказлаштирилган экспортнинг 100%ли савдосидан тушадиган валюта тушумларини тижорат банкларига сотади. Тижорат банкларига қанча валюта сотишни ҳал қилишда МБ расмий валюта эҳтиёжларини ҳисобга олади; 2) тижорат банклари валюталарни ўз мижозларидан сотиб оладилар. Бундан ташқари, корхоналар томонидан эркин савдо амалга оширилади, шунингдек, сайёҳлардан ва хорижий ваколатхоналардан валюта сотиб олинади; 3) тижорат банклари баъзи ҳолларда бошқа тижорат банкларидаги ортиқча валюта маблағларини сотиб олишлари мумкин. Бироқ бу мазкур банкларнинг валюта таклифи ҳажмларига унчалик жиддий таъсир кўрсатмайди. Валюта сотишни барқарорлаштириш ва рационализация қилиш (соддалаштириш) бўйича ўз мақсадларига эришиш учун давлатга алмашинув курсини бевосита назорат қилишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ. Валюта таклифига мувофиқ келувчи расмий алмашинув курсини валютага бўлган талаб ва таклифни давлат томонидан тузатиб туриш орқали бозор жараёнлари ёрдамида аниқлаш мумкин.

Кейинги пайтларда Ҳукуматимиз тижорат банкларидаги алмашинув курсини пасайтиришни тезлаштирди. Бу билан у ортиқча оширилганликни тўғрилашга ҳаракат қилмоқда. Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон каби минтақавий шерикларда ўтказилган девальвациялар натижасида биздаги алмашинув курсининг кўп ошириб юборилганлиги яққол билиниб колган эди. Бу ўтказилаётган тадбир хорижий валютага бўлган қондирилмаган талабни қисқартириши лозим. Чунки пасайтирилган алмашинув курси валюталарни ихтиёрий равишда сотишни рағбатлантиради. Эркин келишиладиган алмашинув курси керакли маъмурий тадбирлар натижасида аста-секинлик билан бозор томонидан аниқланадиган алмашинув курсига айланиши мумкин.

#### 5.4 Ўзбекистон Республикасида экспорт сиёсатини ривожлантириш истиқболлари

Ҳозирги даврда Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбе-

кистон Ҳукумати ташқи савдони ривожлантиришнинг устувор йўналиши экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожлантириш, деб ҳисоблайди. Бу сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари куйидагилардан иборат:

— **биринчидан**, экспорт таркибини диверсификациялаш ва хомашё маҳсулотлари ҳамда материалларини экспорт қилишдан қочиб, қўшимча қиймат улуши кўпроқ бўлган тайёр маҳсулотлар чиқаришга урғу бериш;

— **иккинчидан**, тегишли инфратузилмани ривожлантириш орқали эришиладиган экспорт маҳсулотини фаол йўналтириш;

— **учинчидан**, янги технологиялар олиб келиш ва мамлакат экспорт салоҳиятини орттиришга кўмаклашадиган чет эл инвесторлари иштирокида қўшма корхоналар қуриш;

— **тўртинчидан**, импорт ўрнини босадиган товарлар сиёсатини товарлар импорт қилиш ўрнига машиналар ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги учун ускуналар импорт қилишга қаратишни назарда тутиб қўлаш.

Бу сиёсатни амалга ошириш кейинги йилларда экспорт ҳажмини икки баравар ўстириш имконини берди, лекин 1997-2000 йилларда ўсиш жуда паст суръатлар билан кечди. Экспортнинг камайиши Шарқий Осиё ва МДҲ мамлакатларида юз берган иқтисодий ва молиявий танглик сабабли дунё бозорида талабнинг пасайиши туфайли юз берди. Шу билан бирга ички сиёсат шартлари ва табиий омиллар ҳам маълум рол ўйнади. Экспортдаги икки етакчи банднинг улуши юқориликча қолаётган бўлса ҳам, экспорт тузилмасини диверсификациялашда муайян ижобий силжишга эришилди. Сунги йилларда пахта, қимматбаҳо металллар улуши камайиб, машиналар ва электроника улуши ортиб бораётгани кузатилмоқда. Пахтанинг экспортдаги улуши мустақиллик қўлга киритилган дастлабки йилдаги 60%дан охириги йилларда 30% га тушди. Бироқ металллар экспорти улуши 20%га ўсди. Айти пайтда Ўзбекистон Республикаси хомашё экспортёрлигича қолмоқда.

Экспортни кўпайтириш бўйича давлат сиёсати қутилган натижаларни бермагани сабабини аниқлаш учун экспортни рабатлантириш тизимини шакллантирувчи омилларни таҳлил қилиш керак. Бундай таҳлил оптимал савдо сиёсати номли янги назария асосида ўтказилиши мумкин. Бу назарияда айтилишича, экспортта ва импорт ўрнини босиш стратегиясига нисбатан нейтралитетни сақлаш оптимал ташқи савдо сиёсати ҳисобланади. Бу нейтралитет 2 усул билан ифодаланиши мумкин. Биринчидан, у экспорт йўли билан 1 доллар валюта олиш учун сарфланадиган ресурслар импорт ўрнини босиш стратегияси ёрдамида 1 доллар турадиган импортни тежаш учун сарфланадиган ички ресурсларга тенг. Би-

роқ Ўзбекистонда бундай ҳисоб-китобни амалга ошириш учун реал маълумотлар йўқ. Бундан ташқари, ҳозирги шароитда бундай ҳисоб-китоблар ўтказилган тақдирда ҳам улар мамлакатда валюта алмаштиришнинг бир неча курслари мавжуд булгани учун нотўғри натижага олиб келади.

Бизнингча, Ўзбекистон иқтисоди ва ташқи савдосининг ривожланишида шундай қалтис давр вужудга келмоқдаки, унинг ичида эркинлаштириш бўйича қатъий чоралар кўрилмаса, мамлакат тараққиётда орқада қолиб кетиши мумкин. Кенгроқ иқтисодий эркинликларни таъминлаш йўлини тутган мамлакатлар эса анча олдинга ўтиб кетадилар. Бу эса, ўз навбатида, кўпгина ижтимоий ва иқтисодий муаммолар чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида қандай рол ўйнаётганини назарда тутсак, бу мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви бутун минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатга салбий таъсир қилиши мумкинлиги аён булади.

Шу сабабли мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш во амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу тадбирлар, бизнинг назаримизда, ҳақиқий аҳволни ҳисобга олиши во 2010 йилгача бўлган даврни 2 босқичга бўлиш заруратидан келиб чиқиши керак. Биринчи босқич 2005 йилгача бўлган даврни, 2-босқич эса 2005 — 2010 йилларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича яқин келажакка мўлжалланган стратегиясининг асосий йўналишлари куйидагилар:

— **биринчидан**, экспортни рағбатлантириш учун, аввало, барқарор макроиқтисодий шароит яратиш лозим. Бу инфляциянинг суръатлари барқарор ва башорат қиладиган тарзда бўлиши, валюта алмаштириш курси бир хил бўлишини аниқлатади. Бундай шароит экспортёрларга ташқи савдо шартномалари тузиш, аккредитивлар очиш, валютани эркин алмаштиришга ишонч ва ўзларининг олажак даромадлари ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш имконини беради;

— **иккинчидан**, экспорт салоҳиятининг ривожланишига микроиқтисодий омиллар ҳам кўмаклашиши лозим. Хўжалик юритувчи барча субъектларнинг мулк шаклидан қатъий назар, импорт қилинаётган ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун бир хил имкониятга эга бўлишларини таъминлаш бу омиллар ичида энг муҳим ўрин тутади;

— **учинчидан**, инсон омилни ривожлантириш экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса турли бўғинлардаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта



тайёрлаш вазифасини ўз зиммасига олиши лозимлигини билдиради. Бунинг учун ишчиларнинг билимлари ва касб малакаларини такомиллаштириш, ишчиларни тайёрлаш замонавий техника ва технологияларда амалга оширилиши керак;

— **тўртинчидан**, экспорт салоҳиятини рағбатлантириш мақсадида турли мурватлардан фойдаланиш зарур. Биринчи навбатда, унча узоқ бўлмаган муддатга экспорт субсидиялари киритиш лозим. Аммо бундай субсидиялар уларни амалга ошириш учун қилинадиган бюджет харажатларини кўпайтирмаслиги керак. Экспортни рағбатлантиришнинг энг қулай шакли эркин иқтисодий зоналар ҳисобланади,

— **бешинчидан**, қулай иқлим шароитлари ва аҳолининг анъанавий малакаларидан мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиришда кенг фойдаланиш зарур. Бунда аҳолининг мева ва сабзавот етиштириш бўйича малакалари назарда тутилмоқда. Бизнингча, Ўзбекистон Европа Иттифоқи учун сабзавотларни етказиб берувчи асосий мамлакат бўлган Португалиянинг тажрибасини ўрганиши керак. Бу тажрибани қўллаш Ўзбекистонда ҳам экспортга йил давомида сабзавот етказиб берувчи бутун бир соҳани яратиш имконини беради. Етиштирилган маҳсулот Ўзбекистон мева ва сабзавотларининг анъанавий истеъмолчилари бўлган Қозоғистон, Россиянинг Сибирь, Урал ва бошқа минтақаларига етказиб берилиши керак. Мева ва сабзавот ишлаб чиқариш мамлакат экспорт салоҳиятини олдинга тортувчи локомотивга айланиши керак. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг бу турига жуда катта эътибор бериш ва давлат ёрдамини кўрсатиш зарур.

Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни яратиш стратегиясини амалга оширишнинг 2-босқичида экспорт салоҳиятини, айниқса, саноатнинг қайта ишлаш соҳаларида, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон иқтисодиётини технологик жиҳатдан модернизация қилиш бўйича ўтказиладиган тузилмавий ўзгаришларнинг энг муҳим элементига айланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш ва ўзбек корхоналари маҳсулотларининг дунё бозорига муваффақиятли кириб боришини таъминлаш учун ташқи савдо соҳасини эркинлаштиришдан ташқари, бу фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилиши керак. Бизнингча, бу тадбирлар сирасига қуйидагилар киради<sup>1</sup>:

— корхоналарни тузилмавий қайта қуриш ва техник модернизациялаш учун зарур ҳажмда молиявий воситалар ажратиш;

— экспортни кафолатлаш ва суғурта қилиш жамғармалари таш-

1 Проект программы развития экспортного потенциала РУз на период до 2005 — 2010 гг. МВЭС РУз. 2000.

кил қилиш учун маблағ ажратиш;

— ҳар бир вилоят ва йирик шаҳарда маркетинг тадқиқотлари марказлари очиб, уларнинг фаолиятини дунё бозорига рақобатбардош товарлар чиқариш ва реклама хизмати кўрсатишга йўналтириш;

— биринчи навбатда, харидорлари ҳали ўзбек маҳсулотларини унутиб улгурмаган МДХ мамлакатларида дилерлар, савдо уйлари ва консигнацион омборларнинг кенг тармоғини яратиш.

Давлат, шунингдек, турли мулк шаклларида ҳужалик юритувчи субъектларнинг товар ва хизмат экспорт қилишдан манфаатдорлигини ошириш учун зарур шароит яратиш керак. Аввало, яқин келажакда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга қаратилган янги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тайёрланиши ва қабул қилиниши лозим. Бу ҳужжатларнинг туб мазмуни асосий фаолиятни ташқи иқтисодий фаолият олиб бориб, мамлакатга валюта резервлари келишини таъминлайдиган ўрта синф шаклланиши учун кафолатли шароитлар яратишдир. Оддий ҳисоб-китоблар агар 100 минг тадбиркор товар ва хизмат экспорт қилиш билан шуғулланиб, улардан ҳар бири ойига ўртача 1000 АҚШ доллари миқдориде тушумни таъминласа, мамлакат йилига 1,2 млрд. доллар тушумга эга бўлишини кўрсатмоқда. Аммо бунинг учун бутун иқтисодиётни ва, аввало, ташқи иқтисодий фаолиятни зудлик билан эркинлаштириш зарур. Шу билан бирга, экспорт лойиҳаларига кредит беришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш ва унинг маҳсулотини экспорт қилиш билан боғлиқ бўлган таваккалчиликни кафолатлаш ва суғурта қилиш тизимини яратиш зарур.

Экспортни давлат томонидан қўллаш учун экспортга мўлжалланган товар ва хизматларнинг субъектларига солиқ имтиёзлари берилиши керак. Жумладан, экспортни солиқлар йўли билан қўллаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>:

— корхона ўз маҳсулотларини 100% экспорт қилса, солиқ ставкаларини пасайтириш;

— экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналарга машина ва ускуналарнинг тезлашган тартибдаги амортизациясини белгилаш имконини бериш;

— хизматлар экспортидан, Умумжаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мос равишда, бевосита олинаётган солиқларни камайтириш. Экспорт салоҳиятини ривожлантириш мураккаб жараён бўлиб бир ёки икки йилда амалга оширилиши мумкин эмас. Уни

1 Материалы Международной конференции «Вопросы содействия продвижения экспортной продукции». Ташкент, 1999.

яратиш узоққа мўлжалланган сиёсат бўлиб, бунинг натижасида жамият тараққиёти ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига эришиш мумкин.

Экспорт салоҳиятини ривожлантириш стратегияси, булардан ташқари, МДХ, Жанубий-Шарқий Осиё, Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари бозорлари бўйича кенг миқёсда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш талаб қилинади. Ривожланган мамлакатларнинг экспортни кенгайтириш ва экспортёрларни қўллаш бўйича тажрибасини ўрганиш алоҳида эътиборга сазовордир. Бу тажрибани ўрганиш ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрлар учун шу мамлакатлар бозорларига кириб боришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Экспортга йўналтирилган иқтисодийни яратиш жараёнларига кўмаклашиш мақсадида экспортёрларни қўллаш ва ташқи савдони эркинлаштириш Миллий маркази тузиш мақсадга мувофиқ. Бу марказнинг асосий вазифаси дунё бозори бўйича чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, алоҳида ишлаб чиқарувчилар учун товар сиёсати ишлаб чиқариш бўйича тавсиялар бериш ва турли мамлакатлар бозорларидаги маҳсулотлар сотиш ҳажми ва йўналишлари тўғрисида маълумотлар бериш бўлиши керак.

Миллий марказ таркибида экспортга кўмаклашувчи институт ҳам ташкил қилиш лозим. Бу институт дунё бозори талабларидан келиб чиқиб, маҳсулотнинг муайян турларини ишлаб чиқариш бўйича жорий ва келажакка мўлжалланган тавсиялар яратади. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ўстирувчи ишлаб чиқаришлар яратиш мақсадида Ҳукумат ва тадбиркорлик тизимларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича тавсиялар бериш ҳам институт вазифасига киради.

Мамлакат экспорт салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш чет эл инвестициялари ёрдамида илмий тадқиқотлар, экспорт қилиш мумкин бўлган патентлар, «ноу-хау», техник ечимлар тайёрлайдиган илмий ва технологик марказлар тузишни талаб қилади. Бундан ташқари, ана шундай марказлар яратиш Ўзбекистоннинг Ҳиндистон ва Покистон илмий салоҳиятидан кам бўлмаган бой илмий ва интеллектуал имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш имконини беради<sup>1</sup>.

Мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш стратегиясининг муҳим таркибий қисмларидан яна бири фаол экспорт сиёсати юритишдир. Бундай сиёсатнинг моҳиятини кутиб, пойлаб ўтириш эмас, Ўзбекистон товарлари учун бозорларни забт этиш; эгалланган ўринларни бошқалар эгаллаб олишига, бизнинг экспор-

1 Ватанабе И. Сборник лекций 2000 г. В Академии Государственного и Общественного строительства при Президенте РУз

тёрларимизни эгалланган бозорлардан сиқиб чиқаришга йўл қўймаслик ташкил қилади. Бунга эришиш учун маҳсулот сифатини яхшилаш, экспорт товарлари ассортиментини диверсификациялаш, техник маҳсулотларга сотгандан кейин сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилиш, экспортга чиқарилаётган товарлар нархини пасайтириш учун харажатларни озайтириш йўллариини излаш каби масалалар билан доим шуғулланиш лозим бўлади. Халқаро ва минтақавий бозорлар сегментларини аниқлаш ва ўзлаштириш бўйича фаол маркетинг стратегиясини яратиш ҳам жуда муҳим.

Ўзбекистон экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича санаб ўтилган умумий тадбирлар иктисодиётнинг муайян соҳаларида экспортни ривожлантириш бўйича аниқ дастурларга айланиши керак. Шу билан бирга, янги экспорт салоҳиятини шакллантириш учун мўлжалланаётган тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг барча соҳаларида маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажмининг жиддий ўсишига олиб келиши керак. **Прогноз қилиш бўйича бажарилган ҳисоб-китоблар 2005 йилда экспорт ҳажми 5 млрд, 2010 йилда эса 10 млрд. АҚШ доллари миқдорида бўлишини кўрсатмоқда.**

Экспорт қилинаётган товарларнинг энг катта улуши Ўзбекистонга текстил-саноат, Ўзкимёсаноат ассоциациялари маҳсулотига тўғри келишини, бу ички ва дунё бозори талаблари билан белгиланганини назарда тутиб, келажакда ҳам шу соҳаларга чет эл инвестицияларини жалб қилишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг харажат таркибини таҳлил қилиш экспортнинг энг маъқул номенклатурасига қайта ишловчи соҳалар ва энгил sanoat маҳсулотларини киритиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда импорт қилинаётган бутловчи қисмлар ҳажми экспорт нархининг тўртдан бир қисмидан ортмайди ва бу маҳсулотни экспорт қилиш самарадорлигини таъминлайди. Шу сабабли мана шу соҳалар, айниқса, энгил sanoat маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтиришнинг янги имкониятларини топиш мақсадга мувофиқ. Энгил sanoat маҳсулотларини экспорт қилишнинг янги шаклиданидан бири аҳолининг асрлар давомида тўплаган тажрибаси борлигини ҳисобга олиб, кийим ва пойафзал тикадиган корхоналар ташкил қилиш бўлиши мумкин.

Ёқилғи-энергетика мажмуининг мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш бўйича бундан кейинги фаолияти энергия ташувчилар, айниқса, газ қазиб олиш ва қайта ишлашни кўпайтиришга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни яқунлаш ва янги конларни ўзлаштиришдан иборат бўлиши керак. Ёқилғи-энергетика мажмуи экспорт салоҳиятини 2005 йилда 0,5 млрд, 2010 йилда эса 1,0 млрд. АҚШ долларига етказиш кўзда тутилмоқда.

Яқин келажақда машинасозлик корхоналари экспорт салоҳиятини замонавий музлаткичлар, қишлоқ хўжалиги учун машиналар, янги енгил автомобиллар, қўрғошинли аккумуляторлар, автомобил двигателлари ва бошқа маҳсулотлар ҳисобига ошириш кўзда тутилмоқда.

**Машинасозлик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 2005 йилда тахминан, 2 млрд, 2010 йилда эса 4 млрд АҚШ долларини ташкил қилиши мўлжалланган.**

Ўзбекистон экспорт салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат кўрсатиш соҳаси, аввало, Тошкент аэропорти базасида халқаро юк ташиш марказини ташкил қилиш орқали ўз ҳиссасини кўшиши керак. Туризмни ривожлантириш ҳам валюта тушумларини кўпайтиришнинг муҳим йўналишидир.

Ўзбекистоннинг рақобат қилишдаги устунликлари экспортга йўналтирилганликни муваффақиятли ривожлантириш учун асос бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллий хомашёдан фойдаланадиган соҳалар каттароқ имкониятга эга. Улар қаторига куйидагиларни кириштиш мумкин:

— ички хомашё ва меҳнат ресурсларини қамраб олиши мумкин бўлган кўп меҳнат ва кўп ресурс талаб қилувчи соҳалар. Тўқимачилик, химия ва озиқ-овқат саноатининг баъзи турларини ҳам шуларга қўшиш мумкин;

— баъзи техника ва илмни кўп талаб қилувчи соҳалар. Улар ўзлари билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни чуқур ишлаб охирига етказишни тақозо қилади. Шулар жумласига биокимёвий ишлаб чиқариш (аввало, маҳаллий хомашёдан дорилар ишлаб чиқариш), электрониканинг баъзи элементларини ишлаб чиқариш (фото ва қуёш элементлари), ядро физикасининг тижорат йўналишлари, машинасозликнинг қатор йўналишларини кириштиш мумкин.

Бирламчи соҳалар (қишлоқ хўжалиги, энергетика ва қазиб олиш саноати)нинг барқарор ривожланиши иқтисодий ўсишнинг мутасил давом этиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда ЯИМ таркибида бошқа соҳаларга нисбатан катта улушга эга бўлган ва энг кўп одамни банд қилган қишлоқ хўжалик соҳаси алоҳида эътиборга лойиқ. Нархларни эркинлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган аграр ислохотлар мамлакат иқтисодининг тез ва барқарор ривожланиши учун пойдевор бўлиши керак<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, яқин йиллар ичида Ўзбекистон Республикаси дунёда энг динамик ривожланаётган мамлакатлардан бирига

<sup>1</sup> Государственная программа развития экспортного потенциала Республики Узбекистан. Т., 1997.

айланиши керак. Агар иқтисодиёт ва ташқи савдони эркинлаштиришга қаратилган кечиктириб бўлмас чоралар мажмуи ишлаб чиқилса ва амалга оширилса, бу мақсадга эришишимиз мумкин. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва бу жараёнга миллионлаб оддий меҳнаткашларни жалб этиш йўли билангина экспорт салоҳиятини ошириш мумкин. Шу сабабли ҳам давлат асосий эътиборни чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш йўли билан экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратиши лозим. Экспортга йўналтирилган иқтисодни ривожлантиришда муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, мамлакат захиралар ҳисобига эмас, балки инсон салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланган тақдирдагина бойиб кетиши ва гуллаб-яшнаши мумкин. Бунинг учун эса бозор иқтисодиёти шароитида инсонга кўпроқ эркинликлар бериш керак.

### **5.5. Мамлакат экспорт салоҳияти истиқболларини белгилашнинг минтақавий жиҳатлари**

Биз юқорида Ўзбекистон экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг умумий стратегиясини кўриб чиқдик ва унинг экспорти истиқболи режаларини тармоқлар бўйича белгилашга ҳаракат қилдик.

Якин истиқболда Ўзбекистон экспортининг ўсиши кўп жиҳатдан минтақалар экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда улар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг кўламда ўзлаштиришга боғлиқдир. Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, минтақалар экспорт салоҳиятининг истиқболдаги ривожланиш кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

2001-2010 йиллар мобайнида минтақалар экспорт фаолиятини башорат қилишда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти (ҳозирги кунда «Самарали иқтисодий сиёсат маркази») томонидан «Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатдаги ривожланиш истиқболлари» бўйича ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилди.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон 3,3 триллион АҚШ доллари миқдоридagi минерал хомашё салоҳиятига эга. Лекин, бу ресурсларнинг миқдори ва улардан фойдаланиш даражаси бўйича минтақалар бир-биридан кескин фарқ қилади. Мавжуд вазият истиқболда мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти ривожланиш даражасида ҳудудий номутаносибликларни бартараф этиш мақсадида минтақалар ташқи иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Минтақалар ташқи иқтисодий фаолиятини башорат қилишда республикамизда мавжуд ички шарт-шароитлар билан бирга, ташқи омилларни ҳам инobatга олиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, айнан шу омиллар минтақалар экспорт фаолиятининг кенгайишида муҳим ўрин тутлади.

Яқин истиқболда минтақалар ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишига кескин таъсир қиладиган ички омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- халқаро иқтисодий алоқалар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш;

- минтақалар ташқи иқтисодий фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштириш;

- минтақалар экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган рафбатлантирувчи омилларни шакллантириш;

- минтақалар иқтисодиётини барқарорлаштириш соҳасида ички сиёсатни янада самарали юритиш;

- хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга қаратилган имтиёзлар тизимини янада кенгайтириш;

- минтақалар ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажмида қайта ишланган саноат маҳсулотлари улушини ошириш;

- минтақалар ташқи иқтисодий фаолияти ривожланиш даражаси ва ўсиш суръатида кузатилаётган жараёнлар ва ҳ.к.

Минтақалар экспорт фаолиятининг истиқболдаги ривожланишига ташқи омиллар ҳам кескин таъсир кўрсатиши мумкин. Яқин йиллар ичида Осиё ва баъзи МДХ давлатларида рўй бераётган молиявий танглик ҳолатининг янада кескинлашуви кутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, стратегик аҳамиятга эга бўлган олтин, пахта толаси, газ ва рангли металллар каби асосий экспорт маҳсулотларига нисбатан жаҳон нархларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, яқин истиқболда минтақалар экспорт имкониятларини кенгайтиришда чет эл инвестициялари оқими ҳам муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш ўринлики, ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётига ўзлаштирилаётган чет эл инвестициялари кўлами минтақаларда мавжуд экспорт имкониятларига (табiiй-иқтисодий, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари) нисбатан анча паст даражада бўлмоқда. Мавжуд ҳолат сабабини қўшни Тожикистондаги сиёсий ва иқтисодий барқарорсизлик ҳамда Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши каби ташқи омиллар билан изоҳлаш мумкин. Маълумки, хорижий сармоядорлар нафақат мамлакатдаги ички сиёсий барқарорликни, балки қўшни давлатлардаги мавжуд ҳолатни ҳам алоҳида эътиборга олишади. Шу нуқтаи назардан қараганда, яқин истиқболда (2001-2005 йиллар) иқтисо-

дийтга хорижий инвестицияларни йўналтиришда мавжуд ташқи омиллар сезиларли даражада салбий таъсир қилиши мумкин.

Фикримизча, 2003–2004 йилларга қадар минтақалар экспорт таркибида пахта толаси, рангли металлар, газ каби стратегик аҳамиятга эга бўлган хомашё маҳсулотлари асосий ўрин тутади. Шу вақт мобайнида минтақалар экспорт фаолиятида жиддий, таркибий ўзгаришлар кутилмайди. Фақатгина хомашё маҳсулотлари ҳажмининг ортиши ёки жаҳон нархларининг муайян даражада қўтарилиши ҳисобига баъзи минтақалар экспорт таркибида сезиларли тузилмавий ўзгаришлар рўй бериши мумкин.

2005–2010 йиллар мобайнида ички ва ташқи сармоя манбаларини жалб этиш ҳисобига иқтисодий жиҳатдан етарли ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга эришилади. Бу эса мавжуд ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлагани ҳолда, минтақаларга чет эл инвестицияларини янада кенг миқёсда ўзлаштиришга имкон беради. Пировардида барча минтақалар ўз экспорт имкониятларидан келиб чиққан ҳолда юқори сифатли, рақобатбардош ҳамда замонавий маҳсулотлар билан жаҳон бозоридан муносиб ўрин ола бошлайди.

Маълумки, минтақалар экспорт салоҳияти самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан жаҳон хомашё бозоридаги талаб ва таклиф жараёнларига узвий боғлиқдир. Жаҳон бозорида кузатилаётган талаб-эҳтиёжлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон минтақалари экспорт салоҳиятининг яқин истиқболдаги ривожланиши кимё, рангли металлургия саноат маҳсулотлари, шунингдек, машина-жиҳозлар ва чуқур қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт ҳажмининг кескин ортишига боғлиқ бўлиб қолади. Чунки охириги ўн йилликлар мобайнида жаҳон бозорида айнан шу маҳсулотларга нисбатан барқарор нарх ва доимий талаб кузатилмоқда. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган Давлат экспорт сиёсати 2001–2010 йилларда ҳам сақланиб қолади ва мазкур сиёсат минтақалар экспорт салоҳиятини янада ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий ҳамда иқтисодий шарт-шароитларни яратишга йўналтирилади. Бу эса минтақаларда мавжуд табиий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқиллона фойдаланиш ҳисобига чуқур қайта ишланган, рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон беради ҳамда экспортбоп маҳсулотлар турининг кескин ортишига олиб келади.

Минтақалар экспорт салоҳиятининг кенгайишида ёқилғи-энергетика мажмуаси улкан истиқболлар очади. Яқин келажакда мавжуд нефть-газ захираларидан самарали фойдаланиш ҳисобига Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари экспорт салоҳияти сези-



ларли даражада кўтарилди. Жумладан, Бухоро вилоятида чет эл инвесторлари (Франция ва Туркия) билан ҳамкорликда 1996-1998 йиллар давомида нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи блоки ишга туширилди. Ушбу заводнинг қуввати йилига 2 млн. тонна газ конденсати ва 5 млн. тонна нефть маҳсулотини ишлаб чиқаришга мўлжалланмоқда.

Республикамаизда 2000-2005 йилларда углевод ишлаб чиқаришда асосий хомашё ҳисобланган нефть-газ конденсати ҳажмини ошириш ва маҳсулотни қайта ишлаш ҳисобига экспорт ҳажмини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда. Шу боис нефть ва газ конденсати ишлаб чиқариш ҳисобига Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари экспорт ҳажмида чуқур таркибий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Ҳозирда ушбу минтақалар ҳудудида Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари ҳамда Шўртан ва Муборак газни қайта ишлаш мажмуалари мавжуд.

Республикамаизда юксак техника ва технологияларни жалб этиш асосида қора металлургия саноатини ривожлантириш истиқболлари мавжуд. Лекин яқин истиқболда қора металлургия маҳсулотлари минтақалар экспортида муҳим аҳамият қасб этмайди. Чунки республика ички бозорида ушбу маҳсулотларга нисбатан талаб ўта юқориликгича қолмоқда. Аксинча, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида мавжуд металлургия корхоналарига кўшни МДҲ давлатларидан қора металл маҳсулотларини импорт қилиш ҳажми ошиши мумкин.

Минтақаларда рангли металлургия саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Бу эса хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда улкан истиқболлар очади. Жумладан, Самарқанд (Ингичка, Қўйтош, Яхтон), Жиззах (Угат) ҳамда Навоий (Сариқтоғ, Саутбас) вилоятларида вольфрам хомашёсига ўта бой заҳиралар мавжуд. Шунингдек, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги Учқулоч ва Хандиза конларида кўрғошин-рух рудаси қазиб олишни 2 баробарга ошириш имконияти мавжуд.

Рангли металлургия саноати бўйича экспорт салоҳиятини юксалтиришда асосий муаммолардан бири минерал-хомашё заҳираларидан фойдаланишда замонавий ускуналарни четдан келтириш ҳисобланади. Айниқса, Тошкент ва Навоий вилоятларида мавжуд тармоқ корхоналарини таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш асосида жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имконияти мавжуд. Олмалиқ ва Қизилқумдаги мис рудаси заҳиралари хомашёси негизда турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари мавжудлиги келгусида ушбу маҳсулот экспортини ошириш имкониятини беради.

Минтақалар экспорт салоҳиятини кимё саноати бўйича оши-

ришда асосий эътибор мавжуд кимё қайта ишлаш корхоналарини таъмирлашга қаратилмоқда. Айниқса, Навоий, Фарғона, Қашқадарё, Наманган, Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида қулай шарт-шароитлар мавжуд.

Ҳозирда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган капролактанинг 70-80% қайта ишловчи воситаларни ишга туширишда қўлланилмоқда. Яқин келгусида капрон ишлар ишлаб чиқарувчи фабрикаларни қуриш тахмин қилинмоқда. Шунингдек, кўпгина минтақаларда қисман маҳаллий эҳтиёж учун ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган енгил саноат корхоналарини қуриш мўлжалланмоқда.

Қашқадарё вилоятида Тубагат конини қайта жиҳозлаш ҳисобига калий ўғити ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши мумкин. Шунингдек, Шўртангаз конида мавжуд юқори сифатли углеводородли газ захирасини ишлатиш ҳисобига Қашқадарё вилоятида полиэтилен, полипропилен, полистирол ва бошқа полимерлар ишлаб чиқариш мумкин. Бу эса халқ ҳўжалигининг кўпгина тармоқларини ноёб маҳсулот билан таъминлагани ҳолда, хорижий давлатларга кенг қўламда экспорт қилиш имконини ҳам беради.

Яқин истиқболда Фарғона кимёвий тола ишлаб чиқариш заводида пахта целлолозасини қайта ишлаш ҳисобига ацетат ипи ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Келажакда ушбу тайёр маҳсулот енгил саноат эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Бу эса минтақалар экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширади.

Минтақалар бўйича машинасозлик экспорт салоҳиятини ошириш масаласи чет эл инвесторлари ва фирмаларини кенг жалб қилиш асосида янги тармоқларни ривожлантириш мўлжалланмоқда. Давлат инвестиция дастурига мувофиқ, Андижон, Жиззах, Тошкент, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида машинасозлик мажмуини янада ривожлантириш чора-тадбирларини, амалга ошириш бўйича аниқ режалар лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, юк автомобиллари, автобуслар, троллейбуслар, юк ортувчи қурилмалар ва автоприцеплар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

«Ўзэлтехсаноат» ассоциациясида экспортга мўлжалланган маиший техника ва бошқа юқори сифатли маҳсулотлар (аудио ва видеотехника, телевизорлар, магнитофонлар, музлатгичлар ва х.к.) ишлаб чиқариш бўйича чет эл инвестициялари иштирокида кўпма корхоналар тузилмоқда.

Енгил саноатда асосан хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш ҳисобига, тормоз маҳсулотларини дунё талаблари даражасида

ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда. Бу соҳада пахта толаси, тери, жун, капролакам ва нитрон каби хомашёлар қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш борасида муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда.

2005-2010 йилларда қайта ишланган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишда хорижий сармоядорлар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолияти ижобий аҳамият касб этиш кутилмоқда. Бу турдаги ҳамкорлик Тошкент шаҳри, Андижон, Сурхондарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларида янада ривож топган. Туркия, Хитой, Япония, Италия, Швейцария, Америка, Франция, Англия ва Литва давлатлари билан тузилган қўшма корхоналарда пахта толасидан ип, шойи, трикотаждан велюр, сунъий тери, жинси, жакард газлама, теридан тайёрланган оёқ-кийим маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, яқин истиқболда қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашда хорижий сармоядорлар билан ўзаро ҳамкорликни қўшма корхоналар шаклида янада кенг йўлга қўйиш минтақалар экспорт фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Яқин истиқболда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятларининг юқори даражадаги истиқболи сақланиб қолади. Жумладан, Тошкент вилояти халқ хўжалигининг барча тармоқларида экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналарни қайтадан ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Йирик экспорт қилувчи минтақалар каторига Қашқадарё, Фарғона, Самарканд вилоятларини киритиш мумкин. 2000-2010 йилларда республика жами экспортида ушбу минтақалар улуши 15,5%дан 23-25 %га қадар кўтарилиши мумкин. Мазкур вақт давомида ушбу минтақаларда ёқилғи-энергетика мажмуи, рангли металлургия, кимё ва нефть-кимё саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати каби халқ хўжалиги бирламчи тармоқларининг жадал ривожланиши кутилмоқда.

2001-2010 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси экспорт ҳажмининг 4 баробарга ошиши кутилмоқда. Энг кам экспорт ҳажмининг ўсиш кўрсаткичи Сурхондарё вилоятида (1,5 баробар) кузатилиши тахмин қилинмоқда. 2001-2010 йилларда колган барча вилоятлар экспорт ҳажмининг 2,2-11,8 баробарга ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, Андижон вилоятида (автомобиль заводи билан боғлиқ бошқа ишлаб чиқаришлар), Бухоро вилоятида (Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи), Қашқадарё вилоятида (газ-кимё мажмуаси, «Гузор-Бойсун» темир йўл линияси) мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва янги саноат корхоналарини ташкил этиш ҳисобига экспорт салоҳиятини сезиларли даражада кўтариш имкониятлари мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, яқин истиқболда минтақалар экспорт салоҳиятидан самарали ва оқилона фойдаланишга эришиш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда мавжуд ҳудудий номуносабатликларнинг сезиларли даражада қисқаришига олиб келади.

## ОЛТИНЧИ БОБ

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ  
ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг ўтиш иқтисодиёти ҳозирги вақтда бошидан кечираётган муаммолар ҳаммага маълум. Макроиқтисодий вазиятнинг сўнгги йиллардаги ривожланиш тамойиллари Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш жараёнининг мураккаблиги ва унинг натижалари бир хил эмаслигини кўрсатмоқда. Барқарор иқтисодий тараққиёт, инфляция даражасининг пасайиши, ислоҳотлар меъёрий асосларининг яратилиши бир томондан, иқтисодиётнинг реал секторидан ва валюта бозоридан молиявий барқарорсизликнинг ўсиши, экспортдан валюта тушумларининг қисқариши, иш билан банд кишиларнинг даромадлари ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши соҳасида ўсиш йўқлиги билан изма-из келаётган бўлса, иккинчи томондан, жаҳон молиявий танглиги молиявий барқарорсизлик кучайишида сезиларли роль ўйнади. Савдо-сотиш шароитлари ёмонлашди, чет эл инвестицияларини жалб қилиш имкониятлари қисқарди.

Вазиятни ва иқтисодиётни ҳозирги ҳолатидан олиб чиқиш истиқболларини баҳолашнинг нақадар хилма-хиллигида ҳам бир нарса аён — ҳозир ҳеч қандай, ҳатто ғоят «бозорчил» ислоҳотлар ҳам ўз-ўзича аҳволни тузатишга ёрдам бермайди.

Эндиликда асосий муаммо ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва ўстиришга эришиш ҳамда такрорий ишлаб чиқариш жараёнлари учун рисоладаги шарт-шароитларни таъминлаш заруриятидан иборатдир. Унинг ҳал этилиши эса, агар барча тармоқларда маънавий ва жисмоний эскириш даражаси юқори эканлигини, айниқса содир этилаётган таркибий қайта ташкил этишларни ҳисобга олсак, зарур сармоя маблағларининг миқдорлари ва манбаларига бориб тақалади.

Маълумки, бу — ички ва ташқи манбалар бўлиши мумкин. Ҳеч қандай иккиланмасдан айтиш мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиёти ўзини ўзи ривожлантириш учун бой ресурсларга эга. Бироқ, ҳали жамғаришнинг барча ички манбалари ҳаракатга келтирилгани йўқ ва давлат бюджети ҳозирча етишмовчиликлардан қийналмоқда. Шу боис барча инвестицион эҳтиёжларни қоплай олмаётир. Кўп корхоналар ва аҳолининг асосий қисми мураккаб аҳволга тушиб қолганки, уларга ҳам кўламли инвестиция манбалари сифатида қараш мумкин эмас. Буни, жумладан, хусусийлаштириш

жараёнларининг бориши ҳам тасдиқламоқда. Тижорат таркибларига бўлган умидлар ҳам ҳозирча ўзини оқламаётир, улар маблағларни ишлаб чиқариш соҳасидан кўра кўпроқ қисқа муддатли ва юқори фойда келтирувчи воситачилик операцияларига сарфлашни афзал кўрмоқдалар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон иқтисодиёти учун иқтисодий ривожланишни молиялаштиришнинг ташқи манбалари ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Чет эл сармоясини жалб қилишнинг жаҳон амалиёти икки асосий турдан — жаҳон бозорида рақобатбардош тармоқларни ривожлантириш учун қарзлар олиш ва бу ерда ўз ишини йўлга қўувчи ёки қўшма ишлаб чиқаришда иштирок этувчи чет эл тадбиркорлари бевосита кириб келиши учун бозорни очишдан иборат.

Биринчи тур биз учун истиқболли эмас. Илгари шундай йўл тутиб, ташқи қарздорлик «ўраси»га тушиб қолган мамлакатларнинг (Лотин Америкаси ва шарқий Европанинг кўпгина давлатлари) тажрибасини эсга олиш кифоя. Республика томонидан давлат миқёсида янги қўламли заёмларни олиш муаммолари, ташқи қарздорлик, заём маблағларидан фойдаланишнинг ҳозирча унчалик юқори бўлмаган самарадорлиги ва шу каби омилларни ҳам ҳисобга олмоқ керак.

Ўз вақтида «янги саноатлашган мамлакатлар» (ЯСМ) деб ном олган мамлакатларнинг кўпчилиги фойдаланган иккинчи йўл қолади. Бу — умуман, тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш ва иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида чет эл инвесторлари учун фойдали шарт-шароитлар яратиш йўлидир. Бу йўлда ҳеч қандай муаммолар учрамайди деб ўйламаслик керак. Бироқ, улардаги иқтисодий ўсишнинг муҳим ва барқарор юксак суръатлари бу йўлнинг умидбахшлигидан далолат бермоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида унга чет эл тадбиркорлик сармоясини бевосита жалб қилиш ғоят долзарб вазифа бўлиб турибди. Умуман бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асосий йўналишлари ва ҳаракатчиллиги кўп жиҳатдан бу вазифанинг муваффақиятли ҳал қилинишига боғлиқ.

### **6.1. Қўшма тадбиркорлик ва чет эл инвестицияларини жалб этиш ташқи иқтисодий фаолиятнинг шакли сифатида**

Маълумки, хорижда қўшма ёки ўз ишлаб чиқаришини ташкил этиш ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг энг мураккаб шаклиларидан ҳисобланади. Лекин иккинчи томондан, ама-

лиёт бундай фаолият муттасил кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ҳам соф миқдор (барпо этилаётган корхоналар миқдори ва сармоя чиқариш ҳажмининг ўсиши), ҳам сифат (сармоянинг ишлаб чиқариш экспорти ҳам корпорациялар доирасида, ҳам давлат даражасида интеграциянинг янада мураккаброқ шаклларига ўтиш) ўсишлари кузатишмоқда. Бу ҳамкорликнинг шундай шакллари бўйича шериклар унда иштирок этишдан орттирадиган устунликлар билан боғлиқ.

Ҳозирги замон жаҳон ҳўжалиги халқаро меҳнат тақсимотини чукурлашиши ва ривожланиши ҳамда шу билан боғлиқ миллий ишлаб чиқариш кучларини айрим давлатлар чегаралари доирасидан ташқарида жойлаштириш ва фойдаланиш натижасидир. Жаҳон бозорида халқаро товар айирбошлаш жараёнида ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш ва кооперациялаш афзалликларидан фойдаланиш ҳисобига инвестициялар фойдалилигини оширишнинг қўшимча имкониятлари пайдо бўлмоқда.

Аслини олганда бу қоидалар азалдан маълум, жаҳон савдоси тарихи минг йилларга бориб тақалади. Бироқ ўтган даврларнинг кўп қисмида турли мамлакатлардан бўлган шерикларнинг ўзаро муносабатлари фақат савдо хусусиятига эга бўлиб, айрим мамлакатларнинг ўз хусусиятига кўра натура ҳўжалиги алмашувда ўз маҳсулотининг арзимаган қисми билан иштирок этарди.

Вазият XIX асрга келиб, ишлаб чиқаришнинг машиналашув босқичига ўтиш жараёнида ўзгара бошлади. Ўз қувватига кўра ички бозор ҳажмларидан анча ортиқ кучга эга бўлган корхоналарнинг пайдо бўлиши жаҳон савдосининг кескин ўсиши ва сотув бозори учун курашга қудратли куч бўлиб хизмат қилди. Бу жараёнларнинг кучайиб бориши давомида миқдор ўзгаришларининг аста-секин жамланиб бориши янги сифат ҳолатлари — жаҳон иқтисодиёти айрим мамлакатларнинг ўзаро заиф боғланган ҳўжаликлари хилма-хиллиги ўрнини эгаллашига олиб кела бошлади. Бу ҳолат унинг пайдо бўлиши унинг доирасига тушиб қолган ҳўжаликлар ўзаро янада муҳимроқ ва қўламмироқ муносабатлар билан боғланганликларинигина эмас, балки унинг ривожланишида айрим мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатувчи умумий қонуниятлар (цикллар)нинг пайдо бўлишини ҳам англатарди.

Бу жараёнлар ривожланган сари бундай ўзаро алоқаларга хизмат кўрсатиш учун соф савдо муносабатларининг ўзи етарли эмаслиги тобора ойдинлашиб борди. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви тобора аниқроқ кўзга ташлана бошлади. Бу илк дафъа саноат сармоясини четга чиқариш кенг қўлам

касб этган XIX аср охирларида ёрқин намоён бўлди.

Ишлаб чиқариш элементларининг айрим давлатларнинг чегаларидан ўтиши жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятларига мувофиқ келади. Аҳоли ва табиий ресурслар тарқалишининг бир текис эмаслиги, фан-техника тараққиёти, ишчи кучларининг малака даражасидаги фарқлар турли мамлакатлардаги хўжалик юритувчи айрим субъектларга тегишли, бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ишлаб чиқариш кучларини бирлаштириш заруриятини келтириб чиқарди ва бунинг учун омиллар яратди.

Илгарилари бу имкониятлар потенциал жиҳатидан мавжуд эди, ишлаб чиқариш, алоқа, транспортнинг замонавий воситалари уларни реалликка айлантирди.

Шундай бир шароитда турли мамлакатлардаги шерикларнинг ўзаро муносабатлари хусусияти ташқи савдо келишувларининг анъанавий доирасидан ўсиб чиқиб, бевосита ишлаб чиқариш ҳамкорлиги билан боғлиқ хилма-хил янги шакллар пайдо бўлади, халқаро савдо муносабатлари ўрнини халқаро ишлаб чиқариш алоқалари тобора эгаллаб боради.

Ҳозирги пайтда бу жараёнлар янада фаоллашиб, чуқурлашди. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашнинг барқарор, узоқ муддатли, технологик жиҳатдан шарт бўлган ва ташкилий жиҳатдан таъминланган (энди давлатлараро даражада) муносабатлари замонавий индустриал иқтисодиёт учун хосдир. Корхоналарнинг меҳнатнинг технологик тақсимооти қоидаларига асосланган қисмма-қисм ва кооперацион ихтисослашуви биринчи ўринга ўта бошлади. Устун даражада ташқи савдо орқали амалга оширилган ашёвий ихтисослашган халқаро меҳнат тақсимооти кўриниши ўтмиш бўлиб қолди. Меҳнат тақсимоотининг ишлаб чиқариш омиллари миллий сарҳадлар оша фаол кўчиб ўтувчи технологик турининг шаклланиши юз бермоқда.

Бу жараёнларнинг ривожланиши шунчалик фаол тус оляптики, иқтисодий ҳолатлардан ташқари у ҳозирги замоннинг сиёсий ҳолатларига ҳам жиддий таъсир кўрсата бошлади. Масалан, Европа Иттифоқининг ривожланиши бунинг ёрқин далилидир.

Технологик меҳнат тақсимоотининг алоҳида корхоналар ва мамлакатлар доирасидан чиқиб бориши турли мамлакатлар ва қитъаларда бўғинлари бўлган ягона технологик занжирлар, улкан халқаро илмий-ишлаб чиқариш-сотиш мажмуалари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Чунончи, бир қатор тадқиқларга кўра, халқаро савдо айланмасининг 1/3 қисмига яқини алоҳида-алоҳида трансмиллий корпорациялар бўғинлари ўртасидаги муҳим, технологик жиҳатдан шарт бўлган ва аниқ ташкил этилган товар оқимлари ҳиссасига тўғри келади. Ўз мазмунига кўра узоқ муддатли пудрат



ҳамда шартномалар бўйича мувофиқлаштирилган технологик бўғинларга асосланган, сармоя жиҳатидан мустақил фирмаларнинг кооперациялашган алоқалари уларга яқиндир.

Фақат халқаро ихтисослашиш ва кооперациялашиш жараёнларининг хусусиятигина эмас, балки уларнинг иштирокчилари ҳам ўзгармоқда. Илгарилари, ўз мумтоз ривожда меҳнат тақсимотини чуқурлашиши тик интеграциялашув доираларида содир бўлар, кўптармоқли кооперациянинг айрим бўғинлари томонидан амалга оширилувчи ишлаб чиқариш жараёнининг кетма-кет босқичлари бўғинига хизмат қиларди. Эндиликда тик интеграциянинг ҳамшиша ҳам технологик жиҳатдан ўзаро боғланмаган хилма-хил маҳсулот турларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ диверсификацияга айланиши тобора характерли тус олаёпти. Бошқа ўзига хос хусусият — мустақил фирмалар, кичик ва ўрта бизнеснинг кооператив алоқаларига кенг жалб қилинишидан иборат. Бу ҳозирги шароитларда унинг сақланиб қолиш ва ривожланиши учун шарт бўлган умумий устунликлари — ўзгарувчанлиги, тезкорлиги, инновацияларга мойиллиги ва ш.к. билан боғлиқ.

Буларнинг ҳаммаси хилма-хил ишлаб чиқариш тузилмалари, уларни расмийлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келмоқда. Лицензияларни, «ноу-хау», бутловчи узел ва деталларни шунчаки сотиш ўз ўрнини олдиндан шартлашиб қўйилган қоплаш шакллари — турли кўринишдаги кооператив ва компенсациялаш ҳамкорлигига, битим иштирокчиларининг бирлаштирилган мулки замирида ишлаб чиқаришни ташкил қилишга бўшатиб бера бошлади. Бундай шакллар бутун «тадқиқот — ишлаб чиқариш-сотиш-хизмат кўрсатиш» жараёнини қамраб олиб, оддий ишлаб чиқариш кооперациясига қараганда тобора кенг ва комплекс тус олиб бормоқда (б-чизма)<sup>1</sup>.

Бу гуруҳдан бошқа шакллардан қатъиян фарқланувчи, бирлаштирилган мулк, уни биргаликда бошқариш, корхона фойдаси шериклар ўртасида бўлиниш асосидаги фаолият билан боғланган, қўшма ишлаб чиқариш (ҚИ) ажралиб туради. Мазкур шакл унинг иштирокчиларига ҳамкорликнинг бошқа кўринишларидан кўра кўпроқ таъминловчи бир қатор устунликлар шунинг оқибатидир, яъни:

- ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулотни сотиш учун шерикларнинг биргаликдаги манфаатдорлиги ва масъулияти;
- ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтириш, қувватларни ўз вақтида модернизациялаш ва бошқа ҳар қандай инновацияларни (ташкилий, бошқарув ва ҳоказолар) жадал жорий қилиш;
- нафақат ишлаб чиқариш соҳасида, балки такрорий ишлаб

<sup>1</sup> 203-бетга қаранг.

чиқариш циклининг қолган барча босқичлари — тадқиқот, ИТТ-КИ, ишлаб чиқаришни тайёрлаш, сотиш, реклама, сервис соҳаларида ҳам биргаликдаги ҳаракатларга, куч-ғайратларни ва ресурсларни бирлаштиришга интилиш;

— шерикларнинг энг кучли ўзаро тўлдирувчи жиҳатларини узоқ муддатли асосда бирлаштириш.

Бу қоидалар Ўзбекистон, МДХнинг бошқа давлатлари учун ривожланган мамлакатларга қараганда технологик қолоқликни бартараф этиш вазифасини ҳал қилишдаги кескинлик ва долзарблик ҳисобга олинса, улар учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммони навбатдаги ҳаракатлар — «кредитлар — технологияларни олиб кириш — рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этиш — маҳсулотни четга чиқариш — қарзларни қоплаш»дан иборат занжирларини рўёбга чиқариш йўли билан ечиш гоят мураккаблиги аён бўлди. Бир қатор Шарқий Европа мамлакатларида кредитлар ишлатиб бўлинди, уларни қайтариш учун эса ҳеч нима қолмади — бунини амалиёт кўрсатмоқда. Кўпинча бу мамлакатларга фирмалар эскирган технологияларни тикиштириб ташлашди. Бироқ, ҳатто алоҳида замонавий технологияни сотиб олиш ҳам шу асосда рақобатбардош ишлаб чиқаришни автоматик тарзда барпо этишни асло билдирмайди. Ишлаб чиқувчи фирма билан амалий ўзаро фойдали ҳамкорликсиз одатда, бу мақсадга эришиб бўлмайди, уни шунчаки сотиб олиш таъминламайди. Фақатгина ҚҚда умумий мулк асосида кучларни бирлаштиришгина ундан юқори самара билан фойдаланишдан биргаликдаги узоқ муддатли манфаатдорликни вужудга келтиради.


Бироқ, шунини таъкидлаш керакки, бу механизм фақат Фарбдаги шерикларга узоқ муддатли барқарор даромад берувчи ёки бошқа афзалликларга эга бўлган катта кўламли биргаликдаги лойиҳалар амалга оширилганидагина ҳаракатга келади. Бошқача қилиб айтилса, майда-чуйда лойиҳаларни деб улар ўзларининг энг янги технологик ечимларини ошкор этмайдилар.

Шундай қилиб, бири-биридан мустақил фирмалар иштирок этувчи халқаро ихтисослашув ва кооперацияланиш шакллари билан қиёсланганда ҚҚ бир қатор гоят муҳим афзалликларга эгадир. Гарчи янада яқинроқ ҳамкорликнинг зарурлиги масаласи юзага келаётган ҳозирги шароитда шундай кўринишда у кенг амалга оширилаётган бўлса ҳам, мулкни бирлаштиришда алоҳида куч-ғайратлар талаб қилинади. Бундай масалалар мунгазам туғилиб турадигани, бу ўзгарувчан бозор вазиятига тезкорлик билан эпчил мослашиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш механизмини барпо этиш зарурияти билан боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни интеграциялашда мустақил фирмалар иштирок этган вақтда бу жараёнлар

қийинлашиб, чўзилиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, ҳеч шубҳасиз, иштирокчилар манфаатлари кўп жиҳатдан умумий, йўқса фирмалар кооперациялашув ҳамкорлигида иштирок этмасдилар, лекин бу манфаатлардаги фарқларни ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Дарҳақиқат, иккинчи томондан, бу манфаатлар ҳамма жиҳатдан ҳам мос тушавермаслигига шубҳа йўқ. Турли вазиятлар пайдо бўлганида бу фарқлар кескинлашиши ва зарур қарорлар қабул қилинишини қийинлаштириши мумкин.

Гарчи бу ўринда ҳам иштирокчиларнинг манфаатлари ҳаммаша ва ҳамма жиҳатдан мос тушмаса-да, қўшма ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши бу қийинчиликларни кўп жиҳатдан енгиллаштиради. Бироқ уларнинг келишиб олиниши асосан ҚҚни барпо этиш жараёнида содир бўлади, унинг раҳбарияти тезкор қарорлар қабул қилишда зарур мустақилликка эгадир. Шундай қилиб, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувидан иборат илғор жараён билан боғлиқ ишлаб чиқариш байналмилаллашувининг умумий тамойили тобора самарали тус олиб бориб, мулк муносабати соҳасида байналмилал лашув билан ёнма-ён бормоқда. Бундай шакл иштирокчиларга айна бир пайтда иқтисодий вазифаларнинг бутун бир қаторини илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ва тижорат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда комплекс тарзда ҳал қилиш имконини беради.

### 6-чизма. Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашиши ва кооперациялашиши



Шерикларнинг уларнинг биргаликдаги ишлаб чиқариш самардорлиги муттасил ўсишидан юқорида қайд қилинган умумий манфаатдорлиги билан бир қаторда бу ўринда яна бир қатор жиҳатларни ҳам қайд қилиш керак бўлади. Уни барпо этиш чоғида хом ашё манбалари ёки асосий истеъмолчини тежаш ҳисобга олиниб, корхоналарни оқилона жойлаштириш вазифаси кўпинча муваффақиятли ҳал қилинади. ҚК молиявий ва технологик таъминотни кенгайтириш, илғор технологияли рақобат ҳажмидаги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, сотиш бўлинмаларининг ихтисослашиши ва ҳоказолар билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш муаммоларини ҳал қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади. ҚК маҳсулоти юқори сифатли ва ишлаб чиқариш ҳажмлари анча юқори бўлган тақдирда унинг иштирокчилари муайян бозорларда монопөл мавқени эгаллаш билан боғлиқ фойдага эга бўлишлари мумкин.

Кейинги йилларда маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш учун қўшма корхоналар барпо этишга интилиш тобора яққолроқ намоён бўлмоқда: бунда иштирокчилар янги маҳсулот билан бозорга чиқиш чоғида тақсимот мақсади ва тижорат хатарини назарда тутадилар, бошқа афзаллик маҳсулот шу турини, фирмалараро бирлашувда айни пайтда мана шу муассис-фирмаларда ихтисослашиш даражасини пасайтирмаздан туриб, диверсификациялаш имконияти билан боғлиқдир. ҚК маҳсулотларнинг турига қўшимча янги буюмларни ишлаб чиқариш принципи асосида барпо этилаётганида шундай бўлади.

Ниҳоят, тартибга солиш механизмларидаги миллий фарқлар қўшма ишлаб чиқаришларни барпо этишга муҳим куч бағишлайди. Хорижда ишлаб чиқаришни барпо этиш кўпинча турли-туман божхона тўсиқларини бартараф этиш имконини беради. Гоҳида турли мамлакатларда чет эл инвестициялари учун вужудга келтирилмаган молия-солиқ тартиби ёки бошқа афзалликлар у ёки бу мамлакатда қўшма корхоналарни барпо этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Тегишли инфратузилманинг ривожланиш даражаси, зарур ресурслар ва ходимлар потенциалининг мавжудлиги ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Мамлакатдаги умумий иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, қонунчилик меъёрларининг мукамаллиги ва уларнинг умумий қабул қилинган стандартларга мувофиқлиги ва туташувчанлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун хорижий сармояларни мамлакатга жалб қилиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш чоғида фақат турли кўринишдаги чеклашлар ва имтиёзлар билан уларни тартибга солишнинг расмий механизмини ишлаб чиқишгагина эътиборни

қаратмаслик керак. Умуман, иқтисодийёт ва мамлакатдаги вазият чет эл инвесторлари учун қанчалик жозибадорлигини комплекс таҳлил қилиш зарур. Германиянинг БЕРИ ахборот хизмати мутахассислари томонидан ҳисоблаб чиқиладиган махсус индексдан фойдаланиш бунда қандай омилларни ҳисобга олмоқ зарурлигини кўрсатади. Ўз тажрибалари асосида улар 45 мамлакатдаги инвестиция муҳитини 15 мезон бўйича баҳолайдилар (7-чизма).

**7-чизма. Омиллар (1 дан (номақбул) 4 гача (ниҳоятда қулай)) бўйича эксперт баҳолари.**



Бу мезонларнинг аҳамиятлилиги тўғрисидаги тасаввурни уларнинг қавслар ичида келтирилган салмоқлари ҳосил қилади. Ҳар бир мезонга 1 (номақбул)дан 4 (ғоят қулай)гача бўлган баҳо берилади. Мутлақо аёнки, мамлакат томонидан тўпланган баллар миқдори қанчалик паст бўлса, хорижий инвесторлар учун алоҳида фойдали шарт-шароитлар барпо этиш масалаларига шунчалик катта эътибор қаратилиши керак. Бу шарт-шароитлар хорижий сармоядорларга юқори фойдали ёки истиқболли лойиҳаларда иштирок этишни таклиф қилишдан, махсус минтақалар барпо этиш ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, умуман қўшма тадбиркорлик катта истиқболларга эга, зеро:

— ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперацияси шакллари-дан бири ҳисобланиб, унинг ривожланиши ва чуқурлашуви ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжлари тақозо қилади;

— ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари-га қараганда иштирокчиларга бир қатор ўзаро фойдали афзалликлар беради.

Бу фикрлар барча қўшма тадбиркорликка тааллуқлидир. Бироқ, шу билан бирга унинг иштирокчилари қайси мамлакатга боғлиқ эканлигига тааллуқли хусусиятларни ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Буни «ғарб-шарқ» туридаги ҚҚ барпо этиш мисолида яққол намоён этиш мумкин. Яъни, бундай корхоналар ғарб мамлакатлари ва кўпчилиги тартибга солишнинг бозор шакллари-га ўтиш ҳолатида турган ўтиш иқтисодиёти давлатларидан (Шарқий Европа ва МДХ) бўлган шериклар ўртасида тузилган. Намоён бўлишнинг турлича даражасида бу мамлакатларнинг ҳаммаси учун хос бўлган хусусиятлар куйидагилардан иборат:

— иқтисодиётнинг бозор муносабатлари тўла тартибга солинмаганлиги, тўлақонли, аниқ ишловчи бозор инфратузилмалари ва қонунчилик меъёрларининг йўқлиги, инфляция жараёнлари билан боғлиқ нобарқарор ҳолати;

— технологик даража бўйича ривожланган мамлакатлардан орқада қолинганлиги, шунинг оқибатида бу мамлакатлар тайёр маҳсулот турларининг кўпчилиги жаҳон бозорида рақобатга бардош бера олмаслиги;

— миллий валюталарнинг конвертацияси йўқлиги ва экспорт қувватининг қисқариши билан боғлиқ ҳолда эҳтиёжнинг катталигига қарамасдан молиялаштиришнинг ташқи манбалари чекланганлиги.

Табиийки, бу мамлакатларда мавжуд муаммоларни ҳал этишни бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишга катта умид боғ-

ламоқдалар. Агар бундай ёндашувларнинг асосланганлиги таҳлил қилсак, у ҳолда амалга оширилишига ўзлари қўмаклашишуви мумкин бўлган қуйидаги вазифаларни алоҳида ажратиш мумкин:

— ҚҚда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига ички бозорни камёб маҳсулот турлари билан тўлдиришни яхшилаш;

— четдан олиб келинадиган маҳсулотлар ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

— хорижий иштирокчиларнинг бадаллари ҳисобига манбаларни, шу жумладан валюта манбаларини, хўжалик ривожини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш;

— хорижий шерикларнинг энг янги технологияларига етишиш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини ошириш;

— бошқарувнинг илғор тажрибаси билан бевосита танишиш, шерикнинг корхоналарида иш ўрганиш ва ҳоказолар асосида ходимлар малакасини оширишга қўмаклашиш;

— рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида маркетинг соҳасида хорижий шерикларнинг тажрибаси ҳисобига экспорт салоҳиятини кенгайтириш;

— ҚҚ тимсолида ички йирик ишлаб чиқарувчиларга рақобатчиларни ташкил этиш йўли билан қўшма корхоналарда яккаҳокимликларга қарши кураш.

Қуйида бу потенциал имкониятлар амалда қандай амалга оширилганлиги таҳлил қилинади. Бироқ, уларнинг рўйхати, бу рўйхат давом эттирилиши мумкин, шу мамлакатлардан чиққан шерикларнинг хорижий фирмалар билан биргаликдаги тадбиркорликни ривожлантиришдан катта манфаатдорлигига ишонarli далилдир. Афтидан, бу шакл ташқи савдо айланмасининг анъанавий воситалари билан қиёслаганда мазкур мақсадларга эришишнинг анча самарали воситаси ҳисобланади. Чунончи, бозорни четдан маҳсулот олиб келиш ҳисобига ҳам тўлдириш мумкин, лекин уни молиялаштириш тўғрисидаги масала келиб чиқади. Кўпинча эса, хорижий шерик ёрдами билан мамлакатда бўлмаган технологиялар асосида масалан илгари қайта ишланмаган чиқиндилардан фойдаланиб, камёб маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муваффақ бўлинади.

Яна шунини ҳам ҳисобга олиш керакки, собиқ социалистик мамлакатлар, шу жумладан СССРнинг корхоналари кўп йиллар мобайнида ташқи бозорлардан ажратиб қўйилган эди. Экспорт-импорт операциялари ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари томонида амалга оширилган эди. Шунинг учун бу корхоналарнинг мутахассисларида хорижий шериклар билан ишлаш тажрибаси, жаҳон бозорларидаги шарт-шароитлар ва талабларга доир билимлар йўқ эди.

Собиқ СССРда 1989 йилдан бошлаб барча корхоналарга ташқи бозорларга мустақил чиқиш ҳуқуқи берилганди. Шарқий Европа мамлакатларида бирмунча илгарироқ шундай ҳуқуқ берилган эди. Бироқ, тегишли тажриба, кадрлар, йўлга қўйилган алоқалар ва муносабатларнинг йўқлиги корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ҳанузгача кучли тўғаноқ бўлиб турибди. Масалан, Республикамиз корхоналарининг аҳволи бундан далолат беради: кўпгина корхоналарнинг экспорти амалда ўсмаётир, кўпинча битимлар улар учун фойдали бўлмаган шартларда ва энг номақбул шериклар билан тузилади. Шу нуқтаи назардан ҚК доирасида хорижий шерик тажрибасига, унинг жаҳон бозорини, сотиш тармоғи ва ҳоказоларни билишига таяниш имконияти корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим воситасига айланиши мумкин.

Аслини олганда, кўшма тадбиркорлик шакли ғарбдаги шериклар учун ҳам бундан кам истиқболга эга эмас. Ахир кўп йиллар мобайнида ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг бозорлари улар, айниқса, кичик ва ўрта бизнес кенг ва бевосита суқулиб киришлари учун амалда берк бўлиб келди. «Ғарб-Шарқ» савдосида товар айланиш ҳажми жаҳон савдосининг ўсиш суръатларидан сустроқ ўсди, «тайёр маҳсулотга — хом ашё» ташқи савдо алмашув модели устун даражада амалга ошириб келинди. Жаҳон иқтисодиётига хос бўлган ихтисослашиш ва кооперациялашув жараёнлари, улар ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига ғарбдаги фирмалар билан ҳамкорлик бўйича амалда даҳл қилмади.

Эндиликда аҳвол мутлақо ўзгариб бормоқда. Бозор ривожини йўли ва бу мамлакатлар хўжаликларининг очиқлиги уларнинг ҳаммаси учун хосдир. Жаҳон иқтисодиёти ва бу мамлакатларнинг иқтисодиётлари бир-бирларига яқинлашиб келмоқда, хорижий фирмалар энди бу ерда ўзларига шерикларни бевосита танлаб олишлари ва ўзларининг мустақил фаолиятларини авж олдиришлари мумкин. Бу бозорларда ўрнашиб қолиш ва ўз мавқеларини кенгайтиришдан манфаатдорлик хорижий фирмалар учун бу мақсадларга эришишнинг энг самарали воситаларини излаш нуқтаи назаридан қудратли омил ҳисобланади. «Социалистик тузумдан кейинги» мамлакатлар бозорларининг жозибадорлиги уларнинг тўйдирилмаганлиги ва катта ҳажм салоҳияти, малакали ва нисбатан арзон ишчи кучи, хом ашё ресурслари, қулай жуғрофий ўрни билан боғлиқдир.

Албатта, потенциал имкониятлар ҳамиша ҳам реалликка айланавермайди. Бу тўла ҳажмда кўшма тадбиркорликка ҳам тааллуқлидир. Бу соҳадаги реаллик ва имкониятларнинг мослик даражаси, унинг сабаблари ҳақида қуйида сўз юритилади. Бироқ, ҳозир



шунинг таъкидлаш мумкинки, собиқ социалистик (эндиликда ўтиш иқтисодиёти) мамлакатларининг бозорлари хорижий сармоя учун бир қатор шарт-шароитларни яратишни таъминлаш чоғида салоҳият жиҳатидан ғоят истиқболли ҳисобланади, ҚҚни барпо этиш кўп ҳолларда ўз сармояси билан бу мамлакатларга ўрнашиб олишнинг энг самарали шакли бўлиб қолиши мумкин.

Ҳаммага маълумки, янги бозорларда ўз фаолиятларини йўлга қўйиш чоғида хорижий фирмалар уларда ишлашнинг амалий тажрибаси йўқлиги, улар хусусиятини билмаслик билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келадилар. Шу ўринда маҳаллий корхоналар ва уларнинг кадрлари билан ҳамкорликдан самарали фойдаланилиши мумкин. Хорижий фирмалар вакилларининг сўров маълумотлари шунинг кўрсатадики, ҚҚ барпо этиш ва шерикни танлаб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида улар шерикнинг бу бозордаги мавқеи, унда иш олиб боришнинг турли томонларини билишни олдинги ўринлардан бирига қўядилар.

Жаҳон амалиётида кенг ёйилган ушбу мезоннинг аҳамияти ҳозирги пайтда Ўзбекистон бозорига чиқиш чоғида янада катта-роқ аҳамият касб этиб бормоқда. Ҳозир хорижий фирмалар унда мустақил иш юритишлари мумкин. Бироқ, бунда улар ўзлари учун мутлақо нотаниш ва ғайритабиий бўлган муаммоларга дуч келадилар, зеро кўплар ҳали фақат дастлабки қадамларни қўймоқдалар. Ўзбекистон иқтисодиёти ҳозирча хорижий фирмалар кўникма ҳосил қилган бозор муҳитидан жиддий фарқ қилади. Бунинг устига, марказлаштирилган режалаштириш тизимини йўлга қўйилган бозор механизми билан алмаштириш жараёнида иқтисодиётнинг бошқарувчанлиги маълум даражада бўшаштириб қўйилди. Бу муаммо хусусида умумлашма маънода гапириладиган бўлса, бутун собиқ совет бозори авваллари унга хос бўлган барқарорлик, тўловларнинг кафолатланганлиги, давлат ташкилотлари билан ишларни юритиш тартибининг маълумлиги жиҳатларини йўқотди. Бундай шароитларда, айниқса илгари собиқ СССРлик шериклар билан алоқага эга бўлмаган хорижий фирмаларга Ўзбекистонда ўз тадбиркорлик фаолиятини мустақил амалга ошириш осон бўлмайди. Шунинг учун маҳаллий шарт-шароитлар билан яхши таниш бўлган «резидент» шерикларнинг доимий ёрдами улар билан ҚҚ барпо этиш фойдасига салмоқли асос ҳисобланади. Агар Республика Адлия вазирлигида рўйхатга олинган хориж сармояси иштирокидаги корхоналар тўғрисидаги ахборотларга қараб хулоса чиқариладиган бўлса, ҳар ойдаги ўртача йигирма-ўттиз корхонага фақат 1-2 та тўла хориж сармоядорларига тегишли корхона тўғри келади.

Ниҳоят, «шарқ-шарқ» линияси, яъни собиқ социалистик мамлакатлардан бўлган шериклар ўртасида қўшма тадбиркорликни

ривожлантиришнинг бир хусусиятини таъкидлаш лозим. ССРСРда ҚҚ барпо этишнинг дастлабки даврида, ҳали ЎИЁК амал қилиб турганида, иштирокчи мамлакатлар корхоналарининг бу шаклдаги ўзаро ҳамкорликка қизиқиши йўқлиги аниқ кузатиларди. «Бевосита алоқалар» деб номланувчи линиялар ва ҚҚ йўли билан ҳамкорликни чуқурлаштириш зарурлиги ҳақидаги кўпдан-кўп баёнотларга қаралмасдан бу шакллар расмий хусусиятга эга эди, яъни энг аввало ўзларини қизиқтираётган нарсалар — илғор технологияларни ва алмашилиладиган валютани шерикдан олиш ва бир-бирига бериш имконияти йўқ эди. Шунинг учун социалистик интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги баёнотларга қарамасдан бу мамлакатларнинг ҳаммасида ҚҚ асосан капиталистик мамлакатлардаги фирмалар билан тузиларди.

Эндиликда, ЎИЁК тарқалиб кетган ва эркин алмашилиладиган валютада ҳисоб-китобга ўтилган бир пайтда вазият ўзгарди. Бу мамлакатлар иқтисодиётини боғлаб турган кўпйиллик муносабатларни узиб ташлаб, улар ҳосил бўлган бўшлиқни ғарбий шериклар билан янги алоқалар орқали тўлдиролмади. Бунинг сабабларидан бири — шу мамлакатлар тайёр маҳсулотлари кўпгина турларининг жаҳон бозорларидаги рақобатга бардош бера олмаслигида эди. Натижада икки томон — МДҲ давлатлари ва Шарқий Европа мамлакатлари чув тушишди. Шу боис узиб ташланган алоқаларни тиклаш бу мамлакатлар учун муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Унинг ҚҚ шаклида, лекин янги асосларда, янгиланиши сиёсий йўл-йўриқлар натижаси эмас, балки қабул қилинган жаҳон амалиёти қоидаларига биноан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали қоидаларнинг амал қилишидир. Шунинг учун мазкур масала ғоят истиқболли жараён ҳисобланади.

Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистонда қўшма тадбиркорликнинг ривожланиши умуман:

— ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг умумжаҳон тамойилларига мувоиқ келади;

— ҳам Ўзбекистоннинг алоҳида корхоналари, ҳам умуман бутун иқтисодиёт манфаатларига жавоб беради;

— ҳам Ғарбдаги мамлакатлардан, ҳам Шарқий Европа мамлакатларидан бўлган хорижий шерикларнинг манфаатларига жавоб беради.

Бу имкониятларни рўёбга чиқаришнинг бориши ва эришилган натижаларни таҳлил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бироқ, бундан аввал, юқорида қайд қилинганидек, бирмунча аввалроқ қўшма тадбиркорлик ривожланган чет элда бу шаклни тартибга солиш тажрибасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

## 6.2. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида қўшма тадбиркорлик ва чет эл инвестицияларини тартибга солиш амалиёти

Дарҳол шуни қайд қилиш керакки, чет элнинг иқтисодий ва юридик адабиётида бу соҳада атамавий бир хиллик йўқ — «аралаш жамият», «Аралаш компания», «аралаш фирма», «биргаликда эгаллик қилинадиган корхона», «қўшма корхона» тушунчаларидан фойдаланилади. Бунда уларга турлича мазмун, масалан, давлат ва хусусий фирмалар сармояларининг бирлашуви сингари мазмун берилиши мумкин. Умумий қабул қилинган тушунчадан келиб чиқиб, бундан буён **қўшма корхона** дейилганида мустақил манфаатларга эга бўлган шериклар ўртасида қўшма сармоя барпо этиш ва тегишли шартномаларда ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш асосидаги халқаро кооперациялашган ҳамкорлик тушунилади. Бунда шериклардан жуда бўлмаганда биттаси ҳудудда ҚК барпо этилаётган мамлакат вакили бўлади. Бутунлай хорижий шерикка тегишли бўлган корхоналар ҳам барпо этилиши мумкин. Қулай бўлиши учун бундан буён «хориж сармояси қўшилган корхона» (ХСҚК) атамасидан фойдаланилади. Қўшма корхоналар уларнинг муайян бир туридир. ҚК турли-туман ташкилий шаклларга эга бўлиши, бу шакллар бир қатор, биринчи навбатда, шерикларнинг мақсадлари билан боғланган омилларга боғлиқ бўлади. Бу мақсадлар эса кўп жиҳатдан шерикларнинг мамлакатларга тегишлилиги билан белгиланади.

Собиқ совет иқтисодий адабиётида ўз вақтида сармояни экспорт қилишнинг турли шакллариغا ривожланган капиталистик мамлакатлар томонидан ривожланаётган давлатларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ҳолда мафкуралаштирилган баҳо берилар эди. Ҳозирги пайтда тузилаётган янги ҚК ва уларнинг хориждаги филиалларининг мамлакатларга мансублиги тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш чоғида шу нарса аён бўлдики, уларнинг 60-70 фоизи «Фарб-Фарб» линияси бўйича, яъни ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Япония, Фарбий Европа фирмалари ўртасидаги ҳамкорликка тўғри келади. Тармоқ таркиби жойлаштирилган сармояларнинг асосий қисми саноат ишлаб чиқариши, шунингдек, саноат маҳсулотининг импорт-экспорти ҳиссасига тўғри келишини кўрсатади.

Шуни қайд қилиш керакки, бу мамлакатларга хорижий шерикларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларида ҚК ҳиссаси ўсиб борапти. Қўшма ишлаб чиқариш ёрдамида шериклар технологиялар билан жадал алмашилиш, янги маҳсулотларни жадал яратиш ва ишлаб чиқариш, инвестициялар миқдорларида тежаш, хорижий фирмалар учун эришилиши қийин бўлган бозорларга кириб бориш муаммоларини самарали ҳал қиладилар.

Натижада қудратли трансмилий корпорациялар (ТМК) — қарорлар қабул қилинувчи ягона марказлари ва кўплаб мамлакатларда филиаллари бўлган ишлаб чиқариш, савдо ва молиявий мажмуалар пайдо бўлди. Бир қатор баҳоларга кўра ҳозирги вақтда улар саноат ишлаб чиқаришининг 50 фоизини, ташқи савдонинг 60% дан кўпроғини, саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларда янги технологик ишланмаларнинг 80% га яқинини назорат қилмоқда. ТМКда ишлаб чиқаришни кенг халқаро жойлаштириш ва мувофиқлаштирилган таъминот ва сотув асосида корхоналарнинг бутун яхлитлиги бўйича ички фирма режалаштируви амалга оширилади.

Кўшма корхоналар ТМК доираларида кооперациялашган ҳамкорликни ташкил этиш шаклларида бири ҳисобланади. ТМКлар ўз рақиблари бўлган ҚКни тобора кўпроқ барпо эта бошладилар. Бундай корхоналар янги маҳсулотни бозорларга сингдиришнинг қулай шаклига айлана бориб, хонавайрон қилувчи нархлар урушларини четлаб ўтиш имконини беради. Шу ўринда барпо этилаётган ҚК икки энг хусусиятли турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

— янги технологиялар бўйича илмий тадқиқот ишланмалари соҳасида барпо этилган кўшма корхоналар. Одатда улар илғор технологик тажрибаларни ўзаро айирбошлаш ва уни янада ривожлантириш мақсадида ривожланган мамлакатлардаги шериклар билан бирга барпо этилади;

— ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги анъанавий корхоналар, улар кўпинча тайёр маҳсулотларни сотишнинг янги бозорларига эга бўлиш имконияти бор, ишлаб чиқаришнинг экологик тозалигига бирмунча бўш талаблар қўядиган, ишчи кучлари бирмунча арзонроқ ривожланаётган мамлакатларда барпо этилади.

Мамлакатларнинг бу гуруҳига инвестицияларни тўғридан-тўғри қўйиш учун уларнинг асосий қисмини янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ) деб аталувчи Бразилия, Мексика, Аргентина, Гонконг, Тайвань, Малайзия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларга жамлаш одат бўлиб қолди. Бу мамлакатларда ҳозирдаёқ замонавий саноат базаси ва тегишли инфратузилма, ҳажмли ички бозор барпо этилган, ташқи савдо экспансияси фаол ривожланмоқда. Уларнинг баъзиларида каттагина хом ашё ресурслари ҳам мавжуд, кўпчилигида эса хорижий инвестициянинг кўпгина қисми экспорт-ишлаб чиқариш минтақалари ёки эркин савдо минтақаларига тўғри келади. Худудий ажратилганлик, тўғри кўринишда ҳам (ассигнациялар, шу жумладан валюта ажратмалари, инфратузилмаларни барпо этиш), чет эл инвестициялари бўлган корхоналарга турли-туман молиявий ва солиқ имтиёзлари бериш кўринишида ҳам давлат ёрдами бу минтақалар учун хосдир.

Ҳозирги вақтда бу минтақаларнинг йўналганлигида ўзгариш содир бўлди. Агар илгари улар йирик серияли, кўп меҳнат талаб қилинадиган ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, эндиликда мутлақо янги технологиялар, материаллар ва товарлар ишлаб чиқиш амалга ошириладиган, тажриба ишлаб чиқариш ташкил этиладиган илмий-саноат парклари барпо этиш тамойили намоён бўлмоқда.

Ўз ҳажмлари бўйича «солиқ гаванлари» деб аталувчи — яъни солиқ режими ғоят имтиёзли давлатлардаги (Панама, Багам ороллари ва бошқалар) инвестициялар алоҳида кўзга ташланади<sup>1</sup>. Бу маблағлар ишлаб чиқариш мақсадлари учун аталмаган, балки холдинг компаниялари, молиявий ва суғурта жамиятлари барпо этишга сарфланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Шимол-Жануб» линияси бўйича, яъни ривожланган давлатлар билан ривожланаётган давлатлар ўртасидаги қўшма тадбиркорлик нисбатан ёш ҳаракат ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг ўз иқтисодий мустақиллигини ҳимоялашга интилиши, хорижий фирмалар устидан назоратни кучайтириши унинг ривожланишига туртки берди. Бундай шароитда саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлардан бўлган фирмалар умуман бозорда ва тегишли бозорларда ўз мавқеларини сақлаш ва қўшимча имтиёз ва кафолатлар олиш учун истиқболда муҳим хом ашё манбаларини таъминлаш мақсадларида маҳаллий фирмалар билан ҚҚлар барпо этишларига тўғри келди. Бошқа бир қатор ҳолатлар ҚҚ жойлашган мамлакат иқтисодиётининг ҳолати тўғрисида мунтазам ахборот берилиши, маҳаллий сармоияни жалб этиш, ҳокимиятлар билан алоқалар ўрнатиш ва ҳоказолар ҳам бунга туртки бўлди.

Бошқа томондан, ривожланаётган мамлакатларнинг ўзлари ҳам бундай ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордирлар. Улар ҚҚларни иқтисодий ривожланишни тезлаштириш, замонавий ишлаб чиқариш базасини барпо этиш, ўз кадрларини тайёрлаш мақсадларида хусусий молия ресурслари ва илғор технологик тажрибани жалб қилишнинг қулай шакли сифатида қарамоқдалар. ЯСМ тажрибаси ҳам муайян шарт-шароитларда бундай умидлар реалликка айланишини кўрсатмоқда.

Бироқ, бунда ривожланаётган мамлакатларга муайян қийинчиликлар ва салбий оқибатлар билан тўқнашишга тўғри келади. Уларга алоҳида эътибор қаратилмоғи керак, чунки МДХ давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон ҳам улар билан турли шаклларда

<sup>1</sup> Уларни оффшор минтақалар — шу давлатнинг ўзидаги бошқа ҳудудлардан кўра имтиёзли солиқ тартиби ўрнатилган алоҳида ажратилган вилоятлар билан адашгирмаслик керак.

тўқнашишлари мумкин. Агар улар ҚҚларни барпо этишдан кўзлаётган мақсадлари ривожланаётган мамлакатлар ҳал этаётган шундай вазифалар билан қиёсланилса, уларнинг қанчалик мос тушиши аниқ кўринади. Бу, «Шарқ-Ғарб» ҳамкорлик линияси «Ғарб-Ғарб» линиясига қараганда «Шимол-Жануб» линиясига анча яқин туришини билдиради.

Бундай салбий оқибатлар орасидан қуйидагиларни қайд этиш лозим:

— маҳаллий шериклар қўшма тадбиркорлик каналларидан ўз фойдаларини ва мамлакатнинг ичида валюта даромадларини инвестициялаш учун фойдаланмасдан, балки уларни хорижга чиқарганларида мамлакатдан сармояларнинг чиқиб кетиши юз беради;

— ТМК амалиётида кенг тарқалган трансферт нарх ҳосил қилиш принциpidан фойдаланиш юз бериб, корпорация ичидаги корхоналар ўртасида ўзаро бир-бирига бериладиган маҳсулот нархлари уларнинг реал даражасидан жиддий фарқ қилиши мумкин. Бу айрим бўғинлар фойдасини сунъий равишда пасайтириб кўрсатиш (солиқ тартиби бирмунча қаттиқ бўлган жойда) имконини яратади;

— чекловчи ишбилармонлик сиёсатини ўтказиш, бунда фирмаларнинг рақобатни чеклаш, мустақил корхоналарнинг сотув каналларига, хом ашё манбаларига чиқишини қийинлаштиришга интилишлари тушунилади. Бир қатор ҳолларда хорижий иштирокчилар ҚҚларга ўз маҳсулотлари, бутловчи қисмларини етказиб беришни тикиштирадилар, уларнинг ўзлари жаҳон бозорларини ўзлаштиришга чиқиш имкониятларини чеклайдилар.

Шундай қилиб, қўшма тадбиркорлик ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатлар ва натижаларга олиб бориши мумкин. Уларнинг аниқ нисбати кўп жиҳатдан чет эл инвестицияларини тартибга солиш механизми билан белгиланади.

Ривожланган мамлакатларда, одатда, чет эл инвестициялари бўлган корхоналарни барпо этиш тартиби ва фаолияти қонунчилик меъёрларига биноан соф миллий фирмалар барпо этишдагига айнан ўхшаш ҳисобланади. Масалан, Италияда бу масалалар фуқаролик кодекси билан тартибга солинади, 100%ли чет эл иштироки билан барпо этилган корхоналар ҳам, хорижий фирмаларнинг филиаллари ҳам умумий тартибда барпо этилиши мумкин.

ХИКлар бу мамлакатларда қабул қилинган турли шаклларда — акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, коммандит шерикчилиги, холдинглар кўринишида барпо этилиши мумкин. Бу ҳуқуқий шакллар ўртасидаги фарқлар ҳаммага маълум бўлгани, уларнинг ўзи кенг тарқалганлиги учун бу ўрин-

да бу масалаларга муфассал тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Фақат шунини қайд қилиш керакки, хорижий ҳуқуқшуносларнинг фикрича, шериклар ўзаро ҳамкорлигининг дастлабки босқичида масъулияти чекланган жамият энг мувофиқ шакл ҳисобланади. Оммавий ҳисоботлардан озод этилиши, жамият фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш даражасининг пасайтирилгани, барпо этиш ва ташкилий таркибнинг бирмунча оддий тартиби, энг кам устав сармоясининг энг катта миқдори унинг афзалликлари сирасига киради.

Қўшма корхоналар амалда барча тармоқларда барпо этилади. Хориж сармоясини кириши қонун билан чекланган соҳалар бундан холи. Қўпинча суғурталаш шундай соҳа ҳисобланади.

Шунини таъкидлаш лозимки, чет эл инвестицияли корхоналар фаолиятини тартибга солишнинг алоҳида-алоҳида қисмларида ғоят хилма-хиллик кузатилади. Чунончи, кўпгина мамлакатларда, аввал таъкидланганидек, уларнинг барпо этилиши умумий тартибда боради, махсус рухсатномалар талаб қилинмайди ва жиддий камситувчи чекловлар қўйинмайди. Бошқа мамлакатларда эса, бу жаба раёнларни тартибга солишнинг катта рўйхати қўлланилади.

Чунончи, Янги Зеландияда йирик сармоя қўйилmalarини амалга ошириш учун Захира банки ҳузуридаги Хорижий сармоялар бўйича комиссиянинг рухсатномасини олиш керак. Уни бериш чоғида қуйидаги мезонлардан келиб чиқадилар:

- ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлиги ҳисобига маҳаллий саноат учун қўшимча рақобатнинг вужудга келтирилиши;
- янги технологиянинг жалб этилиши;
- тўлов балансига таъсири;
- четта чиқаришга йўналганлик;
- атроф-муҳитнинг ҳолатига таъсири;
- давлатнинг иқтисодий сиёсатига мувофиқлиги ва ҳоказолар.

Муайян тармоқ чекловлари ҳам белгиланган — радиоэшиттириш ва телевидениеда хорижий шерикнинг ҳиссаси 15% дан, балиқчиликда — 24,9% дан ошмаслиги керак.

Шериклар ҳиссаларининг нисбати масалалари бу мамлакатларда махсус тартибга солишларсиз мустақил ҳал қилинади. Бу ўринда бир қатор вариантлар бўлиши мумкин. Одатда ривожланган мамлакатлардан салмоғи бўйича тенг бўлган шериклар ўртасида фақат тадбиркорлик мулоҳазаларидан келиб чиқиб одатда тенг асослардаги ҚКлар ташкил этилади. Тенг ҳиссаларга тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва иштирокчилар тенг фойда кўришининг рамзи сифатида қаралади. Бироқ, бу ўринда, масалан, ҚК сармоясини кўпайтириш зарурияти ва маҳаллий шерикларда керакли миқдордаги маблағнинг йўқлиги билан боғлиқ қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин. Бу ҳолда хорижий шерик ҳиссасининг кўпайтирилиши

унинг даражасининг қонун билан боғлиқ чекловларига зид келиши мумкин.

Хорижий шерик ҳиссаси кам бундай корхоналар миллий корхоналарга анча яқин бўлиб, бундай мамлакатларда улар одатда муайян имтиёзлардан фойдаланадилар. Шунинг учун чет эл фирмаларига шу йўлдан боришларига тўғри келади, лекин уларнинг вакиллари бунда номақбул омил деб ҳисоблайдилар, чунки улар ҚҚ фаолияти устидан назоратни бой бериб қўядилар. Бундай зиддиятлар бошқарув тўғрисида таъсис ҳужжатларига қўшимча шартномалар тузиш орқали ҳал қилиниши мумкинки, унга кўра устав сармоясидаги уларнинг тенг ҳиссаси туфайли бошқарувда иштирокчиларнинг овозлари тенг тақсимланиши кўзда тутилиши мумкин.

Айрим мамлакатларда молиялаштириш ва хусусий сармояни жойлаштириш масалаларини тартибга солувчи муайян меъёрий кўрсатмалар амал қилади. Мисрда инвестицияларнинг камида 50%и ҚҚга унинг таъсисчилари берадиган қарзлар ёки хусусий сармоя ҳисобига молиялаштирилишини зарур қилиб қўйган тартиб амал қилади. Бошқа мамлакатларда турли тармоқларда тегишли тармоқ идораларининг рухсатномалари олиниши зарур бўлиб, уларда сармоянинг миқдори, унинг тартиби тўғрисидаги ва ҳоказолар бошқа қоидалар тушунтириб берилади.

Лойиҳалар бўйича бундай рухсатномалардан ташқари бир қатор мамлакатларда Марказий банкнинг валюта-ҳуқуқий масалалар бўйича махсус рухсати талаб қилинади. Бу одатда валюта балансида камомад бўлган ва валютаси конвертацияланмайдиган мамлакатларда юз беради.

Ривожланган мамлакатларда солиқ соҳасида конкрет механизмларнинг хилма-хиллигига қарамасдан муайян тамойил ҳам кузатилади. У солиқларнинг умумий тартибини чет эл сармоясини жалб қилишни рағбатлантирувчи (Германияда ҚҚ учун олиб кирилаган мулкнинг солиқ солинишидан озод қилиниши, Италияда чет эл инвестициялари учун солиқ солишнинг имтиёзли ставкалари белгиланганлиги ва ҳоказо) муайян имтиёзлар билан уйғунлаштиради. Икки ёқлама солиқ солинишининг олдини олиш учун давлатлараро солиқ шартномалари тузилишига катта эътибор берилади, бу хорижий иштирокчини ҚҚ жойлашган мамлакатда ва ўз уйида турли шакллардаги солиқлар ундирилишидан ҳимоялайди. Бундай шартномалар солиқ юкини кескин камайтириши мумкин. Масалан, Янги Зеландияда маҳаллий фирмалар барча турдаги даромадлардан 30% ва банк фоизлари бўйича фойдадан 15% солиқ тўлайдилар. Чет эл компаниялари учун бу мамлакатда олинган даромадларга солинадиган солиқ ставкаси 50% га тенг. Дайни



пайтда Австралия билан битимга биноан қуйидаги солиқлар белгиланган: дивидендларга 15% ва банк фоизларига 10%.

Ривожланаётган мамлакатларда чет эл инвестицияларини тартибга солиш ўз хусусиятларига эга. Бу хусусиятлар икки асосий вазифа — ўз иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун Фарб сармоясини жалб қилиш ва миллий ишлаб чиқарувчилар ва, умуман, бутун иқтисодиётнинг манфаатларини ҳимоялаш вазифаларини ҳал қилиш билан боғлиқ. Уларга эришишнинг шакл ва усуллари ниҳоятда табақалаштирилган. Чет эл сармояларини давлат томонидан тартибга солиниш даражаси бўйича қуйидаги гуруҳларни ажратиш мумкин.

Мамлакатларнинг биринчи гуруҳи бу соҳага давлат таъсирининг юқори даражаси билан хусусиятланади (Бразилия, Мексика, Аргентина, Ҳиндистон, Таиланд). Уларнинг қонунчилигида чет эл сармояларини жалб қилиш сиёсатига умумий ёндашув шакллантирилган, хориж сармояси ва қўшма корхона тушунчалари мукамал ифодалаб қўйилган, чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг аниқ шакллари кўрсатилган. Бевосита қўйилмаларнинг ҳар бир ҳолатини яқка тартибда кўриб чиқиш, технологияларни қўшма тадбиркорлик каналлари бўйича берилишини давлат томонидан тартибга солиш кўзда тутилади, хорижий бошқарув назоратига ва фойдани четга чиқаришга чекловлар белгиланади, инвестицион келишмовчиликларни ҳал қилиш чоғида маҳаллий арбитраж кўзда тутилади. Умуман, бу мамлакатларда чет эл инвесторларига бошқа ривожланаётган мамлакатларга нисбатан кам расмий имтиёзлар берилади ва уларни бериш мезонлари бирмунча муфассалроқ ва аниқ ишлаб чиқилган.

Мамлакатларнинг навбатдаги гуруҳига (Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари, Нигерия, Индонезия, Филиппин, Корея Республикаси) чет эл инвестицияси аралашган корхоналарнинг давлат томонидан тартибга солиниши ўртача ривожланиш даражаси характерлидир. Биринчи гуруҳ мамлакатларига нисбатан уларга хориж сармоясининг фаолиятини чеклаш ва тартибга солишнинг юқори даражаси хусусиятлидир. Одатда унинг учун иқтисодиётнинг ёпиқ соҳалари, бошқа тармоқларда иштирокнинг йўл қўйиладиган ҳиссаси, инвестиция буюрмаларини тасдиқлаш мезонлари белгилаб қўйилади, чет эл инвесторларига имтиёзлар бериш шартлари аниқ кўрсатилган бўлади. Бироқ, амалда бундай рестриктив тартибга солиш ҳаётга ноизчил татбиқ этилади.

Африкадаги собиқ мустамлакаларнинг кўпчилиги, Жанубий-Шарқий Осиё ва Марказий Америкадаги бир қатор давлатлар мансуб бўлган, ривожланиш ва давлат тартиботи даражаси паст бўлган

мамлакатларда инвестиция қонунчилиги собиқ метрополиянинг тегишли кодексларига таянади. Бунинг натижасида чет эл фирмаларининг фаолияти учун чекловлар кам. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг кучсиз мавқелари ҳисобга олинса, бу чет эл фирмаларининг устун ҳолатини билдиради. Тегишли инфратузилманинг йўқлиги чет эл инвестициялари кичик ҳажмларда кириб келишига сабаб бўлади, бу эса шу мамлакатлар ривожини тезлаштириш учун етарли эмас.

Иқтисодиётнинг чет эл инвестициялари учун ёпиқ соҳалари ва бошқа чеклов чоралари камлиги бу мамлакатлар учун хосдир. Технологияларни беришни тартибга солиш амалда йўқ, технология сиёсати чоралари заиф мувофиқлаштирилган. Бошқа жиҳатдан, чет эл фирмалари анчагина имтиёзларга эга. Одатда бу гуруҳ мамлакатлари келишмовчиликларни халқаро арбитраж органларида ҳал этиш шартини қабул қиладилар, миллийлаштириш ҳолатида ва бошқа камситувчи чоралар кўрилганида товонлар тўланишини кафолатлайдилар.

Ниҳоят, «очиқ эшиклар» сиёсатини ўтказаяётган, яъни хорижий сармояни энг кўп миқёсларда жалб этишга интиляётган мамлакатларни (Гонконг, Тайвань, Сингапур, Чили) энг сўнгги гуруҳга киритиш мумкин. Бу мамлакатларда чет эл инвесторларига энг катта қулайликлар берилади. Давлат таъсири эса аҳамиятсиз бўлиб, асосан молиявий ва солиқ имтиёзларининг хилма-хил шакллари тааллуқли бўлади.

Мамлакатларнинг бу гуруҳларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, ЯИМ деб аталувчи энг кўп муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг вакиллари турли гуруҳларга кириб қолганлигини кўраемиз. Бу шундан далолат берадики, давлат тартибга солишининг расмий чоралари таъсирчан тизими қанчалик муҳимлигига қарамасдан, чет эл инвестициясининг энг кўп истиқболли тармоқларга кўлаб оқиб келиши фақат шунга боғлиқ эмас. Бу чораларни умуман тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва, хусусан, чет эл инвестицияларини жалб этишдан иборат чуқур ўйланган давлат сиёсати билан яхлит уйғунлаштириш керак.

### **6.3. Иқтисодиёти ўтиш босқичида бўлган мамлакатларда қўшма тадбиркорликни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари**

Энди ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида қўшма тадбиркорликнинг ривожланишини бирмунча муфассалроқ кўриб чиқамиз.

Иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадларида чет эл инвестицияларини жалб

қилишга интилиш бу мамлакатларда анча илгари намоён бўлди. Бунга йўл қўювчи ва ўз ҳудудларида ҚКларни барпо этиш ва улар фаолиятининг асосий қоидаларини белгилаб берувчи дастлабки қонун ҳужжатлари Югославияда 1968 йили, Руминияда — 1971, Венгрияда — 1972, Польшада — 1970, Хитойда — 1979, Болгарияда — 1980, Чехия ва Словакияда — 1985 йили қабул қилинган эди. ҚКларни иқтисодиётда алоҳида соҳага ажратиб таърифлаш бу ҳужжатларга хос хусусият эди. Бу уларни барпо этишнинг етарлича мураккаб кечган жараёнларида намоён бўлиб, турли руҳсатномалар олинishi ва кўп вақт сарфланишини тақозо этди, хорижий шерикларнинг валюта дивидендларини четта ўтказиш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келди. Одатда, устав жамғармасида уларнинг ҳиссаси чекланар (49%), ҚКларни фақат у жойлашган мамлакат фуқаролари бошқара оладиган талаблар қўйиларди. Солиқ солиш тартиби хом ашё етказиб берганлик учун ҳисоб-китоблар, кредитлаш ва ҳоказолар ҳам миллий корхоналарни ҚКлардан (ҳамиша ҳам бирмунча имтиёзли томонга эмас) фарқларди.

Бир томондан бу ҳолатни объектив сабаблар тақозо этарди — ўша вақтларда (70-йиллар — 80-йилларнинг бошланиши) Шарқий Европа мамлакатлари ҳам бозор иқтисодиётидан анча олисда эди, уларда бошқарув, асосан, марказлаштирилган режалаштириш усулларига асосланарди. Бундай шароитларда ҚКлар иқтисодиётда маълум даражада бирмунча бегона унсурлар сифатида намоён бўларди, уларнинг иқтисодиётга қўшилиши эса, аралашиб кетишнинг махсус механизмларини тақозо қиларди.

Бошқа томондан, хорижий шериклар дуч келадиган ғайритабiiй муаммолар — кафолатларнинг йўқлиги, тўрачилик мураккаблиги ва ғовлари, валюта мураккаблиги ва ҳоказолар инвестициялар оқиб келишига асло қўмаклашмасди. Чунончи, 1988 йили Шарқий Европа мамлакатларида 200 га яқин ҚК (Венгрияда — 140, Польшада — 19, Болгарияда — 10, Чехословакияда — 9, Руминияда — 4) барпо этилган эди. Уларга чет эл сармоялари қўйилмаларининг умумий ҳажми 400-500 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, улар ҳал этилишини кўзлаб тузилган вазифалар — ишлаб чиқаришни, экспортни кўпайтириш, энг янги технологияларни жалб қилиш ва ҳоказо вазифаларнинг ҳал этилишида амалда арзимас ўрин тугарди.

Ўша даврда Хитойда ҚКларни ривожлантириш натижалари бирмунча салмоқли бўлди. 1987 йили чет эл инвестициялари ҳажми реал фойдаланишда 6,8 миллиард АҚШ долларига (имзоланган битимлар бўйича 19,5 миллиард эди) етди. 3200 дан ортиқ пайчилик, 4390 га шартномавий ҚКлар, 138 та соф чет эл корхонала-

ри барпо этилди, фойдали қазилмаларни биргаликда ишлаш бўйича та лойиҳалар амалга оширилди, 2 мингдан зиёд компенсацияга оид битимлар тузилди.

Вазият 80-йилларнинг охирида ўзгара бошлади. Бу пайтга келиб, бу мамлакатларда салмоқли сиёсий ўзгаришлар юз берди. Иқтисодийётда унинг очиклиги, Европа интеграциясига қўшилиш, валюталарнинг алмашинувчанлигига эришиш сари қатъий йўл тутилди, бу соҳада янги қонунлар — Венгрияда хорижий шахсларнинг инвестициялари тўғрисида қонун (1988 й.) Польшада чет эл субъектлари иштирокидаги хўжалик фаолияти тўғрисида қонун (1988 й.), Югославияда — чет эл сармояларини жойлаштириш тўғрисидаги қонун (1988 й.), Болгарияда хўжалик фаолияти тўғрисидаги 56-сонли фармон (1989 й.), Руминияда чет эл инвестицияларини жалб қилиш тадбирлари тўғрисидаги қонун (1990 й.) қабул қилиниши асосида чет эл инвестициялари бўлган корхоналарни тартибга солиш ҳам тегишлича ўзгартирилди. Натижада янгидан барпо этилаётган ҚКлар миқдори сон жиҳатдан катта ўсиши аниқ кўзга ташлана бошланди. Чунончи, уларнинг миқдори Венгрияда 1991 йили 5000 дан, Польшада — 2500 дан, Чехословакияда — 1200 дан, Руминияда — 600 тадан ортиб кетди.

Умуман, бу мамлакатларда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятини тартибга солиш механизмларини бир қатор умумий хусусиятлар билан ифодалаш мумкин.

ҚКларни барпо этиш тартиби анча соддалаштирилди. Устав жамғармасидаги хорижий иштирокчи ҳиссасига тўғри келадиган чеклашларнинг энг кўпи (49%) ҳам, бир қатор мамлакатларда бўлган энг ками (Югославияда камида 10%) ҳам бекор қилинди. 1991 йилдан бошлаб Венгрияда чет эл сармояси ҳиссаси кўп бўлган ҚКларни барпо этиш учун махсус рухсат олиш талаб қилинмайди. Илгари бунга 3 ой кетарди. Эркинлаштириш ҚК барпо этишнинг бошқа жиҳатларига ҳам дахл кўрсатди. Эндиликда ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар, ҳам хорижлик, ҳам миллий субъектлар уларнинг таъсисчилари бўлишлари мумкин. Натижада Польшада ҚКларнинг анчагина қисмини «полоний» деб аталувчи фирмалар ташкил этади, улар келиб чиқиши польшалик бўлган чет эл жисмоний шахслари иштирокида барпо этилган.

Қабул қилинган қарорлар иқтисодийётга хориж сармояларини жойлаштиришнинг шакллари ва тармоқларини сезиларли кенгайтириш имконини берди. Тўлалигича хорижий шахсларга тегишли бўлган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун бевосита улушлар қўйиш имкони пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда, масалан, Венгрияда ҚКлар амалда иқтисодийётнинг барча тармоқларида ташкил

этилиши мумкин. Бошқа мамлакатларда бундай маблағлар учун фақат тор соҳаларгина (суғурталаш, банк иши) ёпиқ ёки бир қатор тармоқларда иш олиб бориш учун тегишли рухсатнома олиниши керак, ташқи иқтисодий операцияларни юритиш ҳукуқи теварагида ҳам муаммолар келиб чиқмайди.

Шунингдек, ҚКларда бошқарув жараёнларини тартибга солиш даражаси ҳам энгиллашмоқда. Жойлашиш мамлақати фуқаролари томонидангина раҳбарлик қилиш талаби бартараф этилди. Бу соҳада кўпгина бошқа чекловчи тартиблар (бошқарув органларида иштирокчилар овозининг нисбати — Югославия, Болгария), бир қатор муҳим масалалар бўйича уларнинг барча аъзолари ўртасида яқдилликнинг зарурлиги (Югославия, Руминия, бир қатор бошқа давлатлар) каби талаблар ҳам бекор қилинди.

Сармоя қўйилмалари соҳасига ҳам шундай жараёнлар дахл кўрсатди. Эндиликда улар пул ёки натура кўринишида амалга оширилиши ва шартнома асосида миллий ёки хориж валютасида баҳоланиши мумкин. Олиб кирилаётган ускуналарга божхона тўлови қўлланилмайди (илгари Югославияда қўлланиларди). Бу мамлакатда ҳозиргача бўлган айрим талаблардан воз кечиш кузатишмоқда. Югославияга авваллари фақат маҳаллий ўхшаши бўлмаган тақдирдагина ускуналарни олиб киришга йўл қўйиларди. Польшада пул маблағларини қўшиш чоғида валютани алмаштирганлик тўғрисида маълумотнома тақдим этиш талаб қилинарди ва ҳоказо.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар соҳасида солиқ сиёсати ҳам ўзгартирилди. Барча мулкчилик шакли учун фойдадан солиқнинг ягона ставкаларига ўтиш ва ҚКларга бир қатор имтиёзлар бериш умумий тамойил ҳисобланади. Улар орасида муайян давр мобайнида, бир неча ойдан бир неча йилгача (одатда ҚКларнинг оёққа туриш даврида) солиқ тўлашдан, тўла ва қисман озод қилиш, шунингдек мамлакатда (Болгария, Венгрия, Югославия ва Хитой) фойдани реинвестициялаш бўйича — иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ҚКлар ташкил этиш чоғида (Венгрия, Болгария, Польша) ва хорижий сармоядор ҳиссаси сезиларли бўлиши каби энгилликлар бор.

Умуман, янги қонунлар мулкчиликнинг барча шакллари фаолияти учун тенг шароитларга ва чет эл инвестицияси бўлган корхоналарга давлат, кооператив ва хусусий корхоналар билан чекланмаган рақобат имкониятлари берилишига йўналтирилган. Улгуржи савдонинг бозор механизмлари ривожланиши муносабати билан моддий-техника таъминоти соҳасида уларни камситишга барҳам берилди. ҚКлар хорижда валютада ҳисобварақлар очиб (рухсат билан) сақлаши, шунингдек мамлакат ва чет эл банкларида хориж ва миллий валютада кредитларни эркин олиши мумкин.

Чет эл инвестициялари кўриб чиқиладиган мамлакатларга оқиб келишини тўхтатиб турган асосий омил сармоя жойлаштирувчиларда кафолатларнинг йўқлигида эди. Шунинг учун янги қонунларда мумкин бўлган миллийлаштиришнинг мутлақ хусусияти белгиланиб, у хорижий иштирокчига унинг ҳиссаси тегишли валютада тўла қопланишини назарда тутди. Шунингдек, бир қатор мамлакатларда фойданинг унга тегишли ҳиссасини чет элга ўтказишга бўлган чеклашлар бекор қилинди. Илгари бу ўринда кўндан-кўп турли шартлар — фойдадан ҳиссанинг фақат 50% ини олиб чиқиб кетиш ҳуқуқи (Югославия), барча ҳисоб-китобларни фақат миллий банк орқали ўтказиш талаби (Венгрия), валютанинг бир қисмини давлатга мажбурий сотишдан кейингина олиб кетиш ҳуқуқи (Польша) ва ҳоказолар мавжуд эди. Инвестицияларни ҳимоялаш ва икки томонлама солиқ ундиришни бекор қилиш тўғрисида давлатларaro тегишли битимлар тузиш асосида иккиёқлама солиқ ундиришдан сақланиш бўйича ҳам чора-тадбирлар кўрилди.

Шундай қилиб, ўтиш иқтисодиётидаги барча мамлакатларда умумий йўл хорижий сармоiali корхоналарга таъсис этиш ва рўйхатга олиш, хўжалик фаолиятини юритиш шартлари бўйича миллий корхоналар билан бир хил шароитлар яратишга интилишдан иборат деган хулосага келиш мумкин. Айни пайтда улар учун давлат кафолатлари мустаҳкамланиб, иқтисодий ривожланишнинг устувор вазибаларини ҳал этишга уларнинг кўламли киришишлари учун омиллар яратилмоқда.

Ўз иқтисодиётини бозор иқтисодиётига ўтказётган давлатлар орасида МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг қўшма тадбиркорликни ривожлантириш ва чет эл сармоясини жалб этиш жараёнларини тартибга солиш тажрибаси Ўзбекистон учун амалий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотади. МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларида қўшма тадбиркорликни ривожлантиришнинг қонунчилик асослари асосан 1991-1992 йилларда, инвестиция фаолияти тўғрисида бир қатор қонунлар, шунингдек айрим ўзига хос «махсус» (эркин) иқтисодий минтақаларни барпо этиш ва иш олиб боришининг умумий қоидалари тўғрисида» (Украина), «Концессиялар тўғрисида» (Қозоғистон, Қирғизистон) ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши билан барпо этилди.

Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунлар билан баробар бир қатор давлатларда тадбиркорлик тўғрисида, ер ости бойликлари тўғрисида, ер тўғрисида ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилиниб, уларда ҳам инвестицияларга тааллуқли масалалар тартибга солинади.

Миллий қонунчилик бир қатор ўзига хос фарқларга эга. Чунон-

чи, чет эл инвестициялари учун устувор тармоқларни белгилаш чоғида Украинанинг чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуни чет эл инвестицияларининг давлат дастури қабул қилинишини назарда тутати. Имтиёзларнинг берилиши инвестициялар шундай дастурга мувофиқ жойлаштирилаётганлигига боғлиқ бўлади. Шу қонунга биноан эслатиб ўтилган дастур бобиди чет эл инвестицияларини рағбатлантириш давлат сиёсатини Украина Вазирлар Маҳкамаси Украинанинг Миллий банки билан биргаликда ишлаб чиқди, дастур Украина парламенти томонидан тасдиқланиши керак.

Қирғизистон, Қозоғистон, Молдованинг чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунлари ҳам шу йўлдан борди. Уларда ва бу қонунларга иловаларда чет эл сармоясини жалб этиш учун устун даражада белгиланган тармоқларнинг рўйхати ва ишлаб чиқариш турлари акс этган. Қирғизистоннинг чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунига иловада йигирма тўрт тармоқдан иборат энг тўла рўйхат берилган. Назаримизда, бу ўринда иқтисодий тараққиётнинг бозор йўналишига ўзига хос «госпланча» ёндашув намоеён бўлган. Бу рўйхатга тушмаган бошқа ишлаб чиқаришлар давлат эътиборидан четда, деган фикр туғилиши мумкин. Ахир, мамлакатнинг халқ хўжалик мажмуида барча тармоқлар бир хил муҳим бўлиб, техникавий жиҳатдан такомиллаштирилишга муҳтождир.

Қозоғистонда шундай рўйхатга халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш; электроника маҳсулотларини ишлаб чиқариш; биотехнологик маҳсулот; тиббиёт ускуналари; дори-дармонлар; мамлакат ичидаги ихтиролар ва кашфиётлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган маҳсулотлар; саноат, кон-металлургия мажмуи чиқиндиларини ва иккиламчи хом ашёларни қайта ишлаш, шунингдек қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кирази.

Молдовада халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, деҳқончилик-саноат мажмуи, конверсия тармоқлари, қурилиш, тиббиёт ва фармацевтикага устунлик берилган.

Россиянинг чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунда солиқ ундириш муносабати билан халқ хўжалигининг устун тармоқлари тўғрисида гапирилади, бироқ на қонунчилик, на қандайдир бошқа тартибда бу тармоқлар белгиланмасдан қолган.

Латвияда қуйидаги тармоқлар ва ишлаб чиқаришларда хорижий инвестицияли корхоналарга хўжалик фаолиятида энг кўп қулайлик тартиби берилади: қоғоз ва целлюлоза саноати; қурилиш материаллари саноати; қишлоқ хўжалик машиналари, тракторлар, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат саноати учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш; каноп ва жун ишлаб чиқа-

риш; порт хўжалигини ривожлантириш; озиқ-овқат саноати; фармацевтика саноати; туризм инфратузилмасини ривожлантириш; электрон маҳсулот ишлаб чиқариш; қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ва сақлаш; биотехнологик маҳсулот; тиббиёт ускуналари; табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ускуналар ишлаб чиқариш ва иншоотлар қуриш; саноат чиқиндилари ва бошқа иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш; мебель ишлаб чиқариш; энергетика; транспорт ва алоқа.

Миллий режим масаласи хусусида амалда МДХнинг барча давлатлари, шунингдек Болтиқбўйи мамлакатлари қонунчилиги мулкчиликнинг хорижий мулкчилик ҳам қўшилиб, турли шакллари тенг ҳуқуқлилигидан келиб чиқади. Бу мамлакатларнинг ҳудудларида бу хусусдаги қоидалар мулкчилик тўғрисидаги қонунларда қайд қилинган. Бундан ташқари, бир қатор мамлакатлар (Россия, Украина, Беларусь, Қирғизистон, Грузия, Латвия, Литва)нинг қонунлари хорижий сармояга нисбатан миллий режимни кўзда тутаяди, яъни улардан ўз ҳудудларида мамлакат фуқаролари ва корхоналар фойдаланадиган режимни белгилайдилар.

Шу билан бирга Латвия қонунчилигида чет эл инвестициялари учун Республикада муайян чеклашлар жорий этилган. Чунинчи, чет эл инвесторлари давлатни ҳимоя қилиш, наркотик моддаларни тайёрлаш ва сотиш; қимматли қоғозлар, пул белгилари, тангалар ва почта маркалари тайёрлаш; оммавий ахборот воситалари соҳасида; давлат таълими соҳасида; барча қайта чекланувчи ва тикланмайдиган табиий бойликларни, шунингдек, континентал шельф бойликларини қазиб олиш бўйича; Латвия Республикасининг юрисдикцияси остида бўлган ички сув ҳавзаларида балиқ тутишда; ов хўжалигида; порт хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар устидан назорат ҳуқуқини ололмайдилар.

Кўриниб турибдики, Латвияда чет эл инвестициясини иқтисодиётга киритишнинг ниҳоятда қаттиқ тартиби белгиланган. Бошқа чеклашлар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, юқорида санаб ўтилган қоидалар бузилган тақдирда корхонанинг рухсат этилмаган назорат остига олинган қисмини уч ойдан кечикмаган муддат ичида сотиш чет эл инвесторининг мажбурияти ҳисобланади. Акс ҳолда мулк суд қарори бўйича мажбурий тартибда сотилади ва қийматининг 25% и давлат фойдасига чегирилади.

Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунларнинг кўпчилиги, одатда, кафолатларнинг стандарт рўйхатини; миллийлаштиришни рад этиш ёки тез, самарали ва тенг товон тўлаш шарти билан миллийлаштириш имконияти белгиланиши ва бир қатор бошқа ҳолларни назарда тутаяди.

Келажақда қонун ўзгартирилган тақдирда чет эл инвесторла-



рига нисбатан қонуннинг таъсири ўз кучини сақлашини ифодалашда жиддий фарқлар мавжуд.

Кўпгина давлатларнинг қонунларида қонун ўз кучини сақлаши кўрсатиб ўтилган. Украина, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Латвиянинг чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунларига кўра, инвестициялаш шароитлари ёмонлашган тақдирда илгари қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар 10 йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Беларусь қонуни бўйича бу муддат 5 йил қилиб белгиланган. Бу қонунда кўриб чиқиладиган шарт ҳеч бир тартиб олишларсиз ифодаланган. Бироқ, Озарбайжон, Молдова, бир қатор бошқа давлатларнинг қонунларида у мудофаа, миллий хавфсизлик, атроф-муҳит муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, шунингдек, солиқ солиш, кредитлар ва молия, Латвияда — яна мононолияга қарши қонунлар, жамоат тартиби, маънавият, фуқаролар саломатлиги соҳаларидаги қонунчиликка жорий этилмайди.

Тожикистонда бу рўйхатга солиқ, кредитлар ва молия соҳаларидаги қонунлар киритилмаган.

Қирғизистоннинг қонунда умумий тарзда «Қирғизистон Республикаси чет эл инвесторларининг ҳуқуқлари барқарорлигини ва уларнинг бошқа шаклдаги ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлайди» дейилган.

Украинанинг «Чет эл инвестициялари тўғриси»даги Қонуни қонунчиликнинг ўзгаришидан энг эркин ва чет эл инвесторларини қизиқтирувчи ифодалардан бирини акс эттиради. Бу ифоданинг алоҳида муҳимлигини ҳисобга олиб, уни сўзма-сўз келтириш мумкин: «Украинанинг бундан кейинги чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуни махсус чет эл инвестицияларини ҳимоялашнинг мазкур қонунда кўрсатилган шартларини ўзгартириб юборса, хорижий инвестор талаби билан ўн йил мобайнида чет эл инвестициясига нисбатан шу инвестициялар рўйхатга олинган даврда амал қилган махсус қонун қўлланилади»<sup>1</sup>.

Россиянинг чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунда шунга ўхшаш кафолат йўқ.

Эстонияда Республика меъёрий ҳужжатида кўрсатилган асослар ва тартибдан ташқари ҳолларда чет эл инвестицияларини миллийлаштириш, реквизициялаш ёхуд тартиб олиш тақиқланган.

Чет эл инвесторига миллийлаштириш ёхуд реквизициялаш орқали етказилган моддий зарар унга дастлабки инвестиция амалга оширилган валютада ёхуд чет эл инвестори учун мақбул бўлган бошқа валютада тўла ҳажмда қопланади. Зарарни чет эл инвести-

1 қаранг: Украина Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни.

циясини миллийлаштириш ва реквизициялаш тўғрисида қарор чиқарган давлат идораси қоплайди. Агар зарарни қоплаш чоғида низо туғилса, хорижий инвестор уни кўриб чиқиш учун, агар халқаро шартнома билан бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, судда кўрилишга биноан, Эстония Республикаси судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларида амал қилаётган қўшма тадбиркорликка оид қонунчилик ҳужжатларининг таҳлили кўрсатадики, уларни шакллантириш чоғида амалда барча мамлакатларда жаҳон тажрибасидан келиб чиқилган. Шу боис бу қонунларда гарчи ўзига хос фарқ бўлса-да, уларда умумий хусусиятлар кўн.

Табийки, савол туғилади: МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларида чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунлар қанчалик самарали амал қилмоқда ёки бу мамлакатларда қўшма тадбиркорликни самарали ривожлантиришга қандай сабаблар тўғаноқ бўлапти?

**Биринчидан**, бу такомиллаштириб борилаётганлигига қарамадан чет эл инвестицияси бўлган корхоналарни тартибга солишнинг ҳуқуқий тизимида сақланиб қолаётган қусурлардир. Бу ўринда шунини таъкидлаш лозимки, хорижий шериклар қайта-қайта кўрсатиб ўтишаётганидек, бу тизимда ҳам, бутун хўжалик механизмида ҳам бот-бот ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўз-ўзидан қўшма тадбиркорликни ривожлантириш учун барқарор вазиятни яратишга кўмаклашмайди. Уни шу мамлакатларнинг ҳаммаси учун хос бўлган хусусият янада мушкуллаштиради. Бу хусусият қонунчилик ҳужжатларининг кўп миқдордаги идоравий меъёрий ҳужжатлар билан тўлдирилишига боғлиқ бўлиб, бу меъёрий ҳужжатлар ҳаминша ҳам бир-бири билан мувофиқлаштирилмайди, гоҳида эса, ҳатто қонунчилик ҳужжатларига зид бўлиб тушади.

Ишларнинг бундай аҳволи бу мамлакатларда хориж сармоясини жалб қилишдан иборат давлат сиёсатининг барқарор ва ишончли эканлигига ишончни сусайтиради. Шу боис кейинги вақтда қўйилган қадамлар (миллийлаштиришдан кафолатлар, зарарни қоплаш, иккиёқлама солиқ ундирилишини бекор қилиш) ижобий баҳога лойиқдир. Уларни бундан буён ҳеч сўзсиз бажариш шарт, зеро илгарилари кўпгина қонунларда баён қилинган қоидалар ҳаминша ҳам амалда бажарилмасди.

**Иккинчидан**, ҚКларнинг ривожланишига кўндан-кўп амалий қийинчиликлар тўсқинлик қилади. Чет эл инвесторлари кундалик фаолиятда бундай ғовларга бот-бот дуч келадилар. Бу қийинчиликлар хорижий шериклар учун кўпинча ғайритабiiй бўлиб, улар ўз мамлакатларида бундай қийинчиликларга дуч келмаганлар. Дастлабки қадамларданоқ муаммолар бошланади. ҚКларни барпо этиш

чоғида хорижий иштирокчига жойлашиш мамлакатаида ишлаш шароитлари тўғрисида хилма-хил ахборотлар зарур бўлади. Миллий шерикнинг ўзи ҳамиша ҳам зарур ахборотга эга бўлмайди. Конъюнктуралари тадқиқот инфратузилмаси эса Фарбдагидан фарқли равишда бу мамлакатларда ҳали фақат шаклланиш босқичида ва ҳозирги талабларга на миқдор, на айниқса, сифат жиҳатидан (комплекс бозор тадқиқотларининг малака даражаси) жавоб бермайди.

Агар ҳозир юқорида баён этилган БЕРИ индексига қайтсак, шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, мамлакатлардаги аҳволни унинг кўпчилик мезонлари бўйича энг номақбул деб баҳолаш керак бўлади:

- умумий барқарорлик — агар ҳатто Тожикистон ва Россия ёки Грузия чиқариб ташланса ҳам, ҳамма ерда ҳам сиёсий, айниқса иқтисодий вазиятни барқарор деб баҳолаш мумкин эмас;
- чет эл инвесторларига расман ижобий муносабатда бўлишгани ҳолда, ҳозиргина таъкидланганидек, турли чеклашлар ва амалий қийинчиликлар сақланиб қолмоқда;
- кучли инфляция жараёнлари барча мамлакатларга хос;
- айрим мамлакатлардаги муайян ўзгаришларга қарамасдан валютанинг алмаштирилмайдиган хусусият мавжудлиги;
- ишонарли валютанинг доимий етишмаслиги ва ташқи тўловга қобиллиги муаммоси;
- тўраларча тартибларнинг мураккаблиги;
- таъминот, транспорт ва алоқа ҳамда ҳоказо каналлар ривожини ва тезкорлигининг етарли эмаслиги.

Чет эл инвесторларининг нуқтаи назарига кўра буларнинг ҳаммаси ҳозирча жиддий замонавий рақобатбардош ишлаб чиқаришни барпо этиш учун зарур кўламли ва узоқ муддатли сармоя жойлаштиришларни амалга ошириш имконини бермаётир.

Учинчидан, ҚК иштирокчилари мақсадларининг хилма-хиллиги муносабати билан ҳам мураккабликлар туғилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, улар бу мураккабликлар билан ҚКларни ташкил этиш ва унинг фаролиятининг асосий масалалари бўйича — технология ва сотув бозори, фақат энг янги технологияларни сотиб олиш учун эмас, балки уларни тезроқ ўзлаштириш мақсадларида ривожланган мамлакатлардаги шерикларига мурожаат қилишда ҳам дуч келадилар. Ҳолбуки, юқорида таъкидланганидек, булар МДХ мамлакатларида ҚКлар барпо этишнинг салмоқли омиллари билан бири ҳисобланади. Амалда хорижий иштирокчилар томонидан ўз мамлакатларида замонавийроқ намуналари билан алмаштирилаётган эскирган технологиялар ва ускуналарни сотиш тамойили аниқ кузатилмоқда. Бу билан улар барпо этилаётган корхона-

лар томонидан ўзларига рақобатчилик қилиниши имкониятларидан ўзларини кафолатлайдилар. Шундай қилиб, МДХ мамлакатларининг технологик сакрашга интилишлари хорижий шериклар томонидан қизғин қўллаб-қувватланишга сазовор бўлмаётир.

Хорижий шериклар ҚҚга ҳисса сифатида ўзларининг энг янги ишланмаларини беришлари ҳам мумкин, лекин бунинг учун уларга қўламли ишлаб чиқаришни тез қулоч ёздиришга, яна ҳам муҳимроғи, маҳсулотни тегишли самара билан сотишга кафолатлар зарур. Бу ўринда ҳам иштирокчилар ҚҚ маҳсулотини сотиш бозорларининг катталиги ва уни танлаш, шунингдек шу маҳсулот учун ҳисоб-китоблар хусусияти муаммосига дуч келадилар.

МДХ мамлакатларида ҚҚлар бўйича шериклар одатда қўзлайдиган вазифалардан бири жойларда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни йўлга қўйишга интилиш билан боғлиқ. Бироқ, одатда, бу қуйидаги сабабларга кўра хорижий шерикда ғайратшижоат уйғотмайди:

— бу бозорлар кўп ҳолларда уларнинг ўзлари томонидан ўзлаштирилган ва ҚҚ ўхшаш маҳсулотининг пайдо бўлиши улар учун фойдали эмас;

— улар, маҳаллий шериклар кўпинча талаб қилишганидек, бундай маҳсулотни уларнинг маркази остида ёки уларнинг сотув тармоқлари орқали сотиш, бу маҳсулотнинг сифати етарли даражада юқори бўлмаган тақдирда, уларнинг нуфузига зарба бўлиб туриши мумкинлигидан хавотирланадилар.

Хорижий шерикларнинг ҚҚда иштирокини рағбатлантирувчи омил, юқорида таъкидланганидек, шу йўл билан бу мамлакатларнинг бозорларида мустақкам ўрнашиб олишдан иборатки, бу бозорларга илгари бошқа усуллар билан кириб бориш улар учун ғоят қийин эди. Айни шу жиҳат МДХ мамлакатларининг манфаатларига уларнинг бозорларини маҳсулотнинг хилма-хил турлари билан таъминлашни яхшилаш нуқтани назаридан мос тушади. Бироқ манфаатларнинг мазкур мутаносиблиги бошқа муаммолар билан мураккабланиши.

Бу мамлакатлардан айримларининг бозорлари ўз миқёслари ва хусусиятларига кўра йирик миқёсдаги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун етарли ҳисобланмайди. Ҳолбуки, шундай ишлаб чиқаришларга ҳисса сифатида энг янги технологиялар олиб келиниши мумкин эди. Лекин бу чеклов ҚҚни тегишли минтақа (МДХ ёки Болтиқбўйи) доирасида сотишга йўналтириш ҳисобига бартараф этилиши мумкин. Бироқ бу мамлакатлар валютаси айирбошланмаслиги ва уларда ишончли валютанинг ўта етишмаслиги ҳисобга олинса, бундай маҳсулотни етказиб бериш учун ҳисоб-китоб механизми ишлаб чиқилган ҳисобланмайди. Россия ва Болтиқб-

ўйи мамлакатларида ички айланишликка эришиш, бир қатор мамлакатларда одат тусига кирган валюта аукционларининг ривожланиши бу муаммонинг ҳал этилишини енгиллаштиради, лекин уни узил-кесил ҳал этишга ҳали кўп вақт керак.

Шундай қилиб, МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларида ҳали ҚҚнинг иш олиб бориши муаммолари узил-кесил ҳал қилингани йўқ ва бошқа қийинчиликлар билан қўшилиб, бу қўшма тадбиркорликка такрорий ишлаб чиқариш омили сифатида сезиларли роль ўйнаш имконини бермаётир. Бироқ, кейинги вақтда кузатилаётган унинг миқдор жиҳатидан кескин ўсиши бозор ислохотлари муваффақиятли ҳал қилина боргани сари ҚҚлар бу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига тобора самаралироқ таъсир кўрсатишига ишониш учун асос бўлаётир.

Жаҳон амалиётида қўшма тадбиркорликнинг шаклланиши тартибга солиниши ва натижадорликнинг асосий яқунлари умуман мана шундай. Мамлакатимизда бу соҳада тўпаланган тажрибани тўғри баҳолаш ва келгусида уни такомиллаштиришнинг истиқболли йўларини белгилаб олиш учун уларни билиш зарур.

#### **6.4. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш механизмини ривожлантириш мантиғи ва босқичлари**

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан унинг ташқи иқтисодий фаолияти шароитлари тубдан ўзгарди. Бозор иқтисодиёти йўлида юзага келаётган муаммоларни ғоят мураккаб шароитларда бартараф этишга ва уларни ҳал этишнинг оқилона вариантларини топишга тўғри келди. Республикада осойишталик ва барқарорликни ғоят катта куч-ғайрат ҳисобига сақлаб қолиш, СССР тарқалиб кетишининг акстаркибий (деструктив) оқибатларини бартараф этиш мумкин бўлди. Ўзбекистон Республикасини халқаро миқёсда кенг эътироф этилишига олиб келган изчил ва чуқур ўйланган чора-тадбирлар мамлакат жаҳон ҳамжамиятига жадал кириб бориши, унинг хўжалик субъектлари жаҳон бозорига тўғридан-тўғри чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Бозор қайта қурилиши қўламларининг кенгайиши, иқтисодий регуляторлар ролининг кескин ошиши, рақобат муҳитининг яратилиши, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари давлат томонидан танлаб қўллаб-қувватланиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг адреслилиги бу босқич учун хосдир.

Ислохотлар дастури ресурслар, юқори малакали мутахассислар ва энг янги технологияларга ғоят катта эҳтиёж сезмоқда. Тубли

янгилашиш, йирик инвестициялар талаб қилинмайдиган тармоқнинг ўзи йўқ. Мамлакатимиз олдида бугун ишлаб чиқаришнинг замонавий техника базасини барпо этиш, замонавий алоқа воситалари ва оммавий компьютерлаштиришни амалга ошириш, экологик хавфсизликни таъминлаш вазифаси турибди. Янги энергия манбалари ва бошқа шошилиш муаммолар ечимини кутмоқда. Республика раҳбариятининг мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, хорижий инвесторларни жалб этишга ғоят катта эътибори, куч-ғайрати айни шу ҳолат билан изоҳланади.

Вужудга келган шароитларда бу ҳол вақт жиҳатидан ғоят зарур ютуқ бериши мумкин эди. Бу ўринда Россиянинг 20-йиллардаги концессиялар тажрибаси, шунингдек, жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларидаги трансмиллий бизнес, хорижий тадбиркорликнинг ҳозирги амалиёти қўл келиши мумкин.

Гарчи шунинг ўзи мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти йўлидаги ҳаракатини жадаллаштириши мумкин бўлса ҳам иш фақат етишмайдиган ресурслар ва технологияларни ташқаридан олиш билангина чекланмайди. Бу ҳаракатларда хўжаликни юритишнинг жаҳондаги илғор тажрибасини босқичма-босқич эгаллаб бориш, бунинг учун монополияга қарши механизмнинг, истиқболда эса очиқ самарали иқтисодиётнинг зарур рақобатчи асосини яратишдан иборат қийин жараённи енгиллаштирувчи омиллардан бири кўзга ташланмоқда.

Сармоя жойлаштиришнинг самарали бозори ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига босқичма-босқич интеграциялашувига йўналтирилган ташқи иқтисодий сиёсатни изчил амалга оширмоқда. Айни пайтда бошқалар қаторида ташқи иқтисодий алоқаларга катта эътибор бериляпти. Таркибий тузилиш омилига ҳам муҳим ўрин берилаётир. Бу, шубҳасиз, туб ислохотларни амалга оширишни, экспорт ишлаб чиқариши таркибини диверсификациялашни, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча шакллари ва кўринишларини сифат жиҳатидан ривожлантиришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасидаги қонунчилигини фаол шакллантириш ва такомиллаштириш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган, шу жумладан, чет эл инвесторларини жалб қилиш ва ҳимоялаш, валюта жиҳатидан тартибга солиш, солиқ, чет эл инвестицияси бўлган корхоналарни барпо этиш ва рўйхатга олиш масалаларига доир бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хориж инвесторлари фаолиятининг ишончли ка-

фолатланишини таъминлаш учун ҳуқуқий меъёрлар яна ҳам ри-  
вожлантириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси чет эл инвестицияларини ҳимоялашни назарда тутувчи ва бу масалалар бўйича баҳсларни кўриб чиқиш тартибини белгилаб берувчи халқаро ҳуқуқий шартномалар ва битимларга қўшилди.

Инвестицияларнинг жалб этилишида савдо-иқтисодий режим-  
нинг умумий қоидаларини ҳам, инвестицион ҳамкорликни ҳам тартибга солувчи халқаро ва давлатлараро шартномаларнинг шакл-  
ланиб бораётган тизими катта таъсирга эга.

Ўзбекистон Республикаси Германия, Ҳиндистон, Жанубий  
Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия, Исроил, АҚШ ва бир  
қатор бошқа мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатланти-  
риш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида битимлар тузди.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларига давлат-  
ҳуқуқий ҳимоя таъминланади. Чет эл инвестициялари учун ҳуқуқий  
режим Ўзбекистон Республикасининг ўхшаш юридик ва жисмо-  
ний шахслари учун тегишли бўлган режимга қараганда камроқ  
қулайликка эга бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси-  
нинг устун тармоқларига йўналтириладиган чет эл инвестицияла-  
ри учун қўшимча имтиёзлар белгиланади.

Хорижий инвестор ўз инвестицияларининг объектлари ва на-  
тижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасар-  
руф этиш ҳуқуқига эга. У халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва Ўзбекистон  
Республикасининг қонунларига биноан Ўзбекистон Республикаси  
ҳудудида ва ундан ташқарида реинвестиция ва савдо операцияла-  
рини ўз ичига олади.

Чет эл инвесторлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси  
ҳудудидаги шерикларига ишлаб чиқариш хоналарини, бинолар-  
ни, ускуналар ва уй-жойларни танлов асосида сотиб олиш, шу-  
нингдек ер участкаларини узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқи  
берилади, чет эл инвесторларининг хусусийлаштириш жараёнла-  
рида иштирокини кенгайтириш дастури ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Чет эл инвесторлари хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини  
уларга ажратилган ер участкалари билан бирга хусусий мулк қилиб  
сотиб олишлари мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонунлари инве-  
стициялашни ёмонлаштирувчи шарт-шароитларни вужудга кел-  
тирса, у ҳолда чет эл инвестицияларига нисбатан ўн йил мобай-  
нида инвестицияни амалга ошириш даврида амалда бўлган қонун  
қўлланилади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз фаолия-  
тини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оши-

раётган чет эл инвесторларининг фаолиятига аралашшиш ҳуқуқига эга эмаслар. Агар республика давлат органлари чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини камситувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилсалар, у ҳолда етказилган зарар бу органлар томонидан судлов тартибида қопланиши керак.

Чет эл инвесторлари учун зарур молия-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан чет эл инвесторларини ҳимоялашнинг Миллий суғурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу жамғарма республика ҳудудида таъсис этилган чет эл банкларида Ўзбекистон Республикаси, хориж сармояси иштирокидаги суғурта компаниялари валюта қадриятларининг бир қисмини депонентлаш йўли билан ҳосил қилинади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициясини ҳимоялаш расмий давлат суғурта агентлиги ҳисобланган суғурталаш тизими ва чет эл суғурта компаниялари иштирокидаги қўшма суғурта компаниялари орқали таъминланади.

Чет эл инвестицияларини суғурталаш тизими чет эл инвесторларини, хусусан:

мамлакат томонидан иқтисодий фаолиятни тартибга солиш мақсадларида киритилган бошқа чоралардан ташқари мулкни экспроприациялаш, мулкни тортиб олишни, унинг устидан назорат йўқотилишини назарда тутувчи қонунчилик ва маъмурий чоралардан;

урушлар ва фуқаролар ғалаёнларидан, маҳаллий ҳокимиятларнинг суғурта ташкилоти ва чет эл инвесторининг шартнома муносабатларига аралашувидан;

маҳаллий ҳокимиятлар томонидан миллий валютанинг бошқа валюталарга эркин алмаштирилиши ва валютанинг чет эл давлатларига ўтказилишига нисбатан чекловлар киритишдан;

инвесторларнинг алоҳида гуруҳларига нисбатан камситувчи хусусиятга эга бўлган янги қонун-қоидаларнинг киритилишидан суғурталанишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари миллийлаштирилмайди.

Чет эл инвесторларининг мулки ва воситалари реквизиция қилинмайди. Табiiй офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар каби форс-мажор ҳолатлари бундан мустаснодир.

Чет эл инвестицияларини реквизициялаш тўғрисидаги қарор фақат республика ҳукумати (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси) томонидан қабул қилинади. Чет эл инвесторига туланидиган товон тортиб олинаётган мулкка тенгма-тенг бўлиши қонунда назарда тутилган.

Чет эл инвестициялари бўлган корхоналарни рўйхатдан ўтка-



зиш тартибини соддалаштириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, ҳозирдаёқ давлат органлари томонидан рўйхатга олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар кўриб чиқилишининг қисқартирилган муддатлари белгиланган.

Чет эл инвесторлари учун мақбул солиқ муҳитининг яратилганлиги уларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи муҳим омилдир.

Корхона устав сармоясида чет эл инвесторининг ҳиссаси 30 фоиздан ошадиган чет эл инвестицияси бўлган корхоналарга солиқ ундирилиши соҳасида имтиёзлар берилади.

Амалдаги қонунчилик чет эл инвесторларига уларга тегишли корхоналарни фойда олина бошланган даврдан бошлаб дастлабки икки йил мобайнида даромад солигини тўлашдан озод қилиш кўринишидаги имтиёзларни беради.

Хориж сармояси иштирокидаги корхоналарни даромаднинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, технологик модернизациялаш ва ижтимоий дастурларни амалга оширишга сарфланган қисмига солиқ тўлашдан озод қилиш кўзда тутилган. Устав жамғармасида хориж сармоясининг ҳиссаси 50 фоизни ташкил этувчи чет эл инвестицияси бўлган корхона, фаолияти халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган тақдирда, корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб беш йил муддатга олинаётган валюта тушумларининг бир қисмини Республика Марказий банкга мажбурий сотишдан озод қилинади.

Чет эл инвесторларига қонуний фаолият натижасида улар олган фойдалар ва бошқа даромадларни ҳамда сўмларни бирор-бир чекларсиз исталган чет давлатга ўтказиш имконияти кафолатланади.

Хорижий инвесторлар Республика банкларида бирор-бир чекловларсиз исталган валютада ҳисоб рақамига эга бўлишлари мумкин.

Чет эл инвестициялари бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Ўз ишлаб чиқаришининг экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар ва ўз эҳтиёжлари учун корхоналар томонидан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг рўйхати ҳукумат (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси) томонидан белгиланади. Чет эл инвестицияси бўлган корхонанинг мулкидан заём воситаларини таъминловчи сифатида фойдаланилиши мумкин. Унинг бинолар, иншоотлар, ускуналарга бўлган мулкий ҳуқуқлари, шунингдек ер ва бошқа табиий бойликларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари бошқа мулкий ҳуқуқлар мажбуриятларни таъминловчи сифатида ҳаракатга киришиши мумкин.

Чет эл инвесторларига табиий бойликларни қидириш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш ва бошқа хўжалик ишларини юритиш учун концессиялар берилиши мумкин. Концессион шартномалар хорижий инвесторлар билан Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг вакил қилинган органлари ўртасида тузилади.

Ўзбекистон Республикасига барпо этилаётган корхонанинг устав сармоясига чет эл инвесторининг ҳиссаси сифатида ёки хорижий ходимларнинг ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мулк божхона тўловидан озод қилинади ва импорт солиғи ундирилмайди<sup>1</sup>.

Чет эл инвесторлари Ўзбекистон Республикасининг мавжуд корхоналаридан акциялар, ҳиссалар ва пайларни, шунингдек юридик шахслар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олишлари мумкин.

Чет эл инвестицияси бўлган корхонадан чиқиш ёки бундай корхонанинг тугатилиши ҳолларида чет эл инвестори шу корхона мулкидан ўзининг ҳиссасини чет эл инвестори корхонадан чиқиш вақтида корхона мулки билан қийматига мутаносиб равишда пул ёки натура тариқасида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Турли бирлашмалар, уюшмалар, концернлар, консорциумлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияси бўлган корхоналарни ихтиёрий асосларда барпо этишлари мумкин.

Ўзбекистонда чет эл инвестициялари тўғрисидаги дастлабки қонун 1991 йил июнидаёқ қабул қилинди. Кейинги йилнинг июлида эса мамлакат парламенти бу қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

1994 йилнинг 5 майида қонун чиқарувчилар Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги янги Қонунини тасдиқлашди. Бу қонун чет эл инвестицияларини ҳимоялашнинг илгариги қонунда кўзда тутилган кафолатларини фақатгина мустаҳкамламасдан, балки бир қатор ҳолларда уларни кучайтирди.

1996 йилнинг ўртасида қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонун<sup>2</sup> шу тоифадаги зоналарга инвестициялашнинг асосий ҳуқуқий доирасини шакллантирди. «Концессиялар тўғрисида»ги Қонун эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик субъектлари, шу жумладан хорижий хўжалик субъектлари концессия фаолиятининг ҳуқуқий асосини белгилаб берди. Бу

1 Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига қаралсин.

2 Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни.

қонунлар қўшма тадбиркорликни ва хорижий сармояни мамлакатимизга жалб этиш жараёнларини тартибга солишда олға томон қўйилган янги қадам бўлди.

1996 йил ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча омиллар ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармонида «Чет эл инвестицияси бўлган ишлаб чиқариш корхоналари» деб номланиб, преференциал режим берилган корхоналарнинг махсус тоифаси белгиланди.

Президентнинг 1998 йил 27 мартдаги Фармонида мувофиқ қуйидаги мезонларга жавоб берувчи чет эл, шўъба ва қўшма корхоналар чет эл инвестицияси бўлган ишлаб чиқариш корхоналари сирасига кириши белгилаб қўйилди: устав жамғармаси миқдори 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган корхоналар; корхона иштирокчиларидан бири албатта чет эл юридик шахси ҳисобланган; корхонанинг устав фаолиятида ўз ишлаб чиқариши ва (ёки) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сервис хизмат ҳиссасига ҳужалик фаолиятидан тушумлар умумий ҳажмининг 60% дан кўпроғи тўғри келадиган корхоналар.

Фармон чет эл инвестицияси бўлган корхоналар таърифига кирмай қолган ва мазкур Фармон қабул қилингангача рўйхатга олинган чет эл инвестицияси бўлган корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари амал қилиш муддати ўтгангача сақланиб қолишини назарда тутди.

1997 йил 1 январдан бошлаб Республика инвестицион дастурига киритилган лойиҳаларни инвестицияловчи, чет эл инвестицияси бўлган корхоналарнинг ҳаммаси етти йилга корхона фойдасидан олинган солиқларни тўлашдан озод қилинади. Устав жамғармасида хориж сармоясининг ҳиссаси 50% ва ундан кўпроқни ташкил этувчи чет эл инвестицияси бўлган корхоналардан устав жамғармасининг миқдорига қараб пасайтирилган ставкалар бўйича солиқ ундирилади: устав сармояси 300 мингдан 1 миллионгача АҚШ долларига тенг бўлганида — 20% ва 1 миллион ва ундан ортиқ АҚШ долларига тенг бўлганида — 16%; хорижий сармоя ҳиссаси устав жамғармасининг 50% ва ундан кўпроғини ташкил этувчи чет эл инвестицияси бўлган корхоналарнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга сарфланаётган фойдаси фойдадан олинган солиқдан озод қилинади. Экспорт учун, ишлаб чиқариш-техника маҳсулотлари ва ички бозор эҳтиёжларини қондириш учун товарлар ишлаб чиқараётган чет эл инвестицияси бўлган корхоналар ҳам:

— чет эл сармоясининг устав жамғармасидаги ҳиссаси 50% ва ундан кўпроқни ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланганидан

кейин икки йил муддатда;

— ишлаб чиқариш ҳажмида 25% дан кўпроқни болаларга аталган товарлар ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланганидан кейин беш йил муддатга фойдадан ундириладиган солиқдан озод қилинади. Кейинги йилларда бу корхоналарнинг фойдасидан олинadиган солиқ амалдагига қараганда икки марта пасайтирилган ставкаларда ундирилади.

1998 йили Олий Мажлис инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи 3 та қонунни — 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эл инвесторларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 24 декабрда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунларни бир йўла қабул қилди. Бу қонунлар мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилашга ва унинг иқтисодиётига сармоя жойлаштириш ҳажмларини оширишга йўналтирилган эди.

Юқорида келтирилганлар Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасидаги қонунчилигининг шаклланиш ва такомиллашиш жараёнларидаги фавқулодда мураккабликлар, вужудга келаётган вазиятга мувофиқ унинг доимий тадрийжий ривожланиши ва тезкор ривожига хусусида хулоса чиқариш имконини беради.

Умуман олганда, айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятининг умумий ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлари қонун жиҳатидан белгиланган. Улар инвестиция фаолиятининг миллий ва хорижий субъектлари учун қулай шароитларни яратиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, республиканинг ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиётини самарали ривожлантириш мақсадларида инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқий манфатлари, мол-мулки ва саноат-интеллектуал мулки давлат томонидан ҳимояланишини таъминлашга қаратилгандир.

## ЕТТИНЧИ БОБ

## ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ШАКЛИ СИФАТИДА

## 7.1. Халқаро туризмнинг иқтисодий моҳияти ва мазмуни

Халқаро туризм хизматларни халқаро айирбошлаш қисми ҳисобланади. Давлатлараро мулоқотларнинг ривожланиши билан хизматлар соҳаси алоҳида мамлакатлар доирасидан чиқди ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг энг муҳим шаклларида бирига айланди. Унинг молиявий натижалари алоҳида мамлакатларнинг тўлов баланслари якунига борган сари кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон савдосининг деярли 1/4 қисмини унинг кўринмас деб номланадиган моддалари ташкил этади ва улар товарлар билан халқаро савдога қараганда анча тез ўсади, бунинг устига ўсиш суръатлари тезлашмоқда. Кўринмас моддалар бўйича савдонинг ўсиши шу жиҳат билан қизиқарлики, у ҳатто жаҳон иқтисодийётидаги бухрон ҳодисалари кучайиши муносабати билан жаҳон товар оборотининг ўсиш кўламлари пасайган даврда ҳам содир бўлган.

Халқаро хизматлар соҳаси ташқи иқтисодий алоқалар жараёнида шакли бўйича ҳам, ўзининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни бўйича ҳам товар алмашишга хизмат кўрсатиш, сармоя ҳаракатланиши ва мазкур мамлакат хорижий валютада тушум ва тўловларга эга бўлган бошқа фаолият турлари бўйича энг хилма-хил жорий операцияларни бирлаштиради. Бунга биринчи навбатда халқаро туризм, транспортда ташишлар, суғурта операциялари, банк фаолияти ва хорижга капитал қўйиш билан боғланган хизматлар ҳамда кўп сонли бошқа операциялар: маданият соҳасида алмашиш, ахборот, эксперт ва бошқа хизматлар киради.

Халқаро хизматларнинг энг салмоқли таркибий қисмларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўсувчан соҳасини тақдим этувчи, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида катта бизнеснинг гуркираб ўсувчи жабҳасига айланган халқаро туризм ҳисобланади. Туристик бизнес улушига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг салкам 6%и, суммар сармоя қўйилмаларининг 7%и, жаҳон истеъмол харажатларининг 11%и ва барча солиқ тушумларининг 5%и тўғри келади. 1995 йилда жаҳондаги ҳар бир 16-чи иш ўрни туризмга тўғри келар эди. Халқаро туризмнинг улуши жаҳон экспортининг салкам 7%ини ташкил этади, бу эса экспортдан тушган даромадлар суммасида туризм нефть ва нефть маҳсулотларини экспорт қилишдан ва автомобилларни экспорт

қилишдан даромадлардан кейин учинчи ўринни эгаллайди демакдир<sup>1</sup>.

1998 йилда Жаҳон туристик ташкилоти томонидан 625 млн. туристик ташрифлар қайд этилди, улардан олинадиган даромад бир йилда 9% кўпайиб, 445 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, бу эса туризмни жаҳон ҳўжалигининг етакчи жабҳаларидан бири айланиш йўлида қўйилган катта қадамни англатади. У ҳатто айрим ноқулай сиёсий ва иқтисодий шароитларга қарамай жадал ривожланишни давом эттирмоқда. Жаҳон туристик ташкилотининг прогнозларига қараганда, жаҳон ялпи миллий маҳсулотини яратишда туризмнинг салмоғи 2005 йилда 12-14%га етади.

Туристтик бизнес тадбиркорларни озгинагина бошланғич инвестициялар, уларнинг тез қопланиш муддатлари, туризм хизматларига доимий талаб, ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллигининг юқори даражаси билан жалб этади. Иқтисодиёт ривожланишининг муайян босқичида саёҳат қилишга эҳтиёж кескин ошганда, ана шундай саёҳатлар учун хизматларни ишлаб чиқарувчилар ҳам пайдо бўлишди. Бу алоҳида турдаги товар — туризмнинг шаклланишига олиб келди.

Шундай қилиб, аввал туризм истеъмолчилар бозорида сотиб олиш ва сотиш мумкин бўлган товар сифатида вужудга келди. Туризм товар сифатида хизматлар (моддий ва номоддий) шаклида сотилади. Туристларга (саёҳат қилаётган кишиларга) хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган хизматларни ишлаб чиқарувчилар «туризм» соҳасига бирлашишди. Туризм биринчи ҳаётий зарур товар ҳисобланмайди, шунинг учун инсоннинг фақат унинг даромадлари муайян даражада ва жамиятнинг бойлиги муайян даражада бўлганда зарурий эҳтиёжи бўлади.

**Туризм одамларнинг турли туристик йўналишлар бўйича ҳаракатланиши натижасидир;**

туризм ҳар доим икки унсурни ўз ичига олади: тайинланган жойга саёҳат ва у ерда тўхташ;

туризм — туристнинг туристик йўналиш бўйича вақтинча ҳаракати, яъни турист қанчадир вақтдан кейин ўзининг доимий яшаш жойига қайтади;

туризм — фойда олиш бўйича фаолиятни ўзига олмаган саёҳатдир.

Туризм аҳолининг бир минтақадан (туман, шаҳар, мамлакат) бошқасига, агар у яшаш жойи ёки иши ўзгариши билан боғлиқ бўлмаса, вақтинча кўчиши билан тавсифланади. Туризм — дам олиш, даволаниш, маданий, илмий ёки амалий учрашувларда иштирок этиш мақсадида саёҳат қилиш билан боғлиқ ҳаловатдир.

<sup>1</sup> Маълумотлар манбасини қўйиш лозим

**ЕТТИНЧИ БОБ****ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ШАКЛИ СИФАТИДА****7.1. Халқаро туризмнинг иқтисодий моҳияти ва мазмуни**

Халқаро туризм хизматларни халқаро айирбошлаш қисми ҳисобланади. Давлатлараро мулоқотларнинг ривожланиши билан хизматлар соҳаси алоҳида мамлакатлар доирасидан чиқди ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг энг муҳим шакллари билан бирига айланди. Унинг молиявий натижалари алоҳида мамлакатларнинг тўлов баланслари якунига борган сари кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон савдосининг деярли 1/4 қисмини унинг кўринмас деб номланадиган моддалари ташкил этади ва улар товарлар билан халқаро савдога қараганда анча тез ўсади, бунинг устига ўсиш суръатлари тезлашмоқда. Кўринмас моддалар бўйича савдонинг ўсиши шу жиҳат билан қизиқарлики, у ҳатто жаҳон иқтисодиётидаги бўҳрон ҳодисалари кучайиши муносабати билан жаҳон товар оборотининг ўсиш кўламлари пасайган даврда ҳам содир бўлган.

Халқаро хизматлар соҳаси ташқи иқтисодий алоқалар жараёнида шакли бўйича ҳам, ўзининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни бўйича ҳам товар алмашишга хизмат кўрсатиш, сармоя ҳаракатланиши ва мазкур мамлакат хорижий валютада тушум ва тўловларга эга бўлган бошқа фаолият турлари бўйича энг хилма-хил жорий операцияларни бирлаштиради. Бунга биринчи навбатда халқаро туризм, транспортда ташишлар, суғурга операциялари, банк фаолияти ва хорижга капитал қўйиш билан боғланган хизматлар ҳамда кўп сонли бошқа операциялар: маданият соҳасида алмашиш, ахборот, эксперт ва бошқа хизматлар киради.

Халқаро хизматларнинг энг салмоқли таркибий қисмларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўсувчан соҳасини тақдим этувчи, жаҳоннинг кўллаб мамлакатларида катта бизнеснинг гуркираб ўсувчи жабҳасига айланган **халқаро туризм** ҳисобланади. Туристик бизнес улушига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг салкам 6%и, суммар сармоя қўйилмаларининг 7%и, жаҳон истеъмол харажатларининг 11%и ва барча солиқ тушумларининг 5%и тўғри келади. 1995 йилда жаҳондаги ҳар бир 16-чи иш ўрни туризмга тўғри келар эди. Халқаро туризмнинг улуши жаҳон экспортининг салкам 7%ини ташкил этади, бу эса экспортдан тушган даромадлар суммасида туризм нефть ва нефть маҳсулотларини экспорт қилишдан ва автомобилларни экспорт

қилишдан даромадлардан кейин учинчи ўринни эгаллайди демакдир<sup>1</sup>.

1998 йилда Жаҳон туристик ташкилоти томонидан 625 млн. туристик ташрифлар қайд этилди, улардан олинадиган даромад бир йилда 9% кўпайиб, 445 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, бу эса туризмни жаҳон хўжалигининг етакчи жабҳаларидан бири айланиш йўлида қўйилган катта қадамни англатади. У ҳатто айрим ноқулай сиёсий ва иқтисодий шароитларга қарамай жадал ривожланишни давом эттирмоқда. Жаҳон туристик ташкилотининг прогнозларига қараганда, жаҳон ялпи миллий маҳсулотини яратишда туризмнинг салмоғи 2005 йилда 12-14%га етади.

Туристтик бизнес тadbиркорларни озгинагина бошланғич инвестициялар, уларнинг тез қопланиш муддатлари, туризм хизматларига доимий талаб, ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллигининг юқори даражаси билан жалб этади. Иқтисодиёт ривожланишининг муайян босқичида саёҳат қилишга эҳтиёж кескин ошганда, ана шундай саёҳатлар учун хизматларни ишлаб чиқарувчилар ҳам пайдо бўлишди. Бу алоҳида турдаги товар — туризмнинг шаклланишига олиб келди.

Шундай қилиб, аввал туризм истеъмолчилар бозорида сотиб олиш ва сотиш мумкин бўлган товар сифатида вужудга келди. Туризм товар сифатида хизматлар (моддий ва номоддий) шаклида сотилади. Туристларга (саёҳат қилаётган кишиларга) хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган хизматларни ишлаб чиқарувчилар «туризм» соҳасига бирлашишди. Туризм биринчи ҳаётий зарур товар ҳисобланмайди, шунинг учун инсоннинг фақат унинг даромадлари муайян даражада ва жамиятнинг бойлиги муайян даражада бўлганда зарурий эҳтиёжи бўлади.

**Туризм одамларнинг турли туристик йўналишлар бўйича харақатланиши натижасидир;**

туризм ҳар доим икки унсурни ўз ичига олади: тайинланган жойга саёҳат ва у ерда тўхташ;

туризм — туристнинг туристик йўналиш бўйича вақтинча харақати, яъни турист қанчадир вақтдан кейин ўзининг доимий яшаш жойига қайтади;

туризм — фойда олиш бўйича фаолиятни ўзига олмаган саёҳатдир.

Туризм аҳолининг бир минтақадан (туман, шаҳар, мамлакат) бошқасига, агар у яшаш жойи ёки иши ўзгариши билан боғлиқ бўлмаса, вақтинча кўчиши билан тавсифланади. Туризм — дам олиш, даволаниш, маданий, илмий ёки амалий учрашувларда иштирок этиш мақсадида саёҳат қилиш билан боғлиқ ҳаловатдир.

<sup>1</sup> Маълумотлар манбасини қўйиш лозим



Туризмда эҳтиёжни туғдирадиган омиллар учта асосий гуруҳга киритилиши мумкин: маърифий, минтақавий, иқтисодий.

Тарихий-маданий диққатга сазовор жойларга тарихий ва археологик ёдгорликлар, музейлар, бадий галереялар, театрлар ва бошқа объектларни киритиш лозим.

Алоҳида қизиқишни этнографик жиҳатдан диққатга сазовор сифатида тавсифланадиган урф-одатлар, кийим-кечак, таомлар ва халқ ижодининг бошқа кўринишлари уйғотади.

Хўжалик юритишдаги диққатга сазовор нарсаларга хўжаликни юритишнинг ўзига хос шакллари киритиш лозим.

Минтақавий омиллар гуруҳига минтақага туристларнинг келишлари учун сабаб бўла оладиган мазкур минтақадаги воқеалар, масалан театр ва мусиқа фестиваллари, кинофестиваллар, турли турдаги спорт мусобақалари (олимпиадалар, эзгу хоҳиш ўйинлари, спартакиадалар, спорт курашлари ва ҳоказо), ярмаркалар, карнаваллар, кўргазмалар ва ҳоказолар киради.

Туризм ички ва халқаро бўлади. Халқаро туризм иштирокчиси хорижлик турист деб аталади.

«Хорижлик турист» атамаси (халқаро шартномаларда — оддийгина «турист») ҳозирги вақтгача тугамаган узоқ эволюцияни босиб ўтди.

БМТ бир неча бор хорижлик турист таърифини кўриб чиқди. БМТнинг 1963 йилдаги Халқаро туризм ва саёҳатлар бўйича Рим конференцияси томонидан ифодаланган таърифга кўра хорижда бўлган талабалар ва ўқувчилар ҳам турист ҳисобланишади.

*Туристларнинг қуйидаги асосий гуруҳлари* белгиланган эди:

йиғилишлар, қурултойларга (илмий, маъмурий, спорт ва бошқа) борадиган фуқаролар;

хизмат ишлари бўйича борадиган фуқаролар;

қуйидагилар:

мамлакатда ишга жойлашиш учун шартнома тузиб ёки шартномасиз келадиган фуқаролар;

мамлакатга доимий яшаш учун қоладиган фуқаролар;

чегаранинг бир томонида яшайдиган, иккинчи томонида эса ишлайдиган чегара туманлари аҳолиси

*турист деб ҳисобланмайди.*

Бироқ кўплаб давлатлар халқаро даражада «турист» атамасининг аниқ ва бир турдаги изоҳини ишлаб чиқмаган ва шу билан халқаро туризм соҳасида ўзларининг ҳамкорлиги тўғрисида халқаро шартномалар ва битимлар мавзуини аниқлашмаган.

Туризм хизмати умуман хизмат каби фойдали самарада ифодаланадиган муайян истеъмолчилик ҳаракатидир, у одатда, намоён бўлганда инсоннинг у ёки бу эҳтиёжини қондиради. Бунда хизмат

ё буюм, яъни буюм (товар) ёрдамида, ёхуд жонли меҳнатнинг ўзининг фаолият кўрсатиши жараёнида кўрсатилиши мумкин.

Хизматлар ишлаб чиқаришининг кўрсатилган икки усули хизматлар ўзининг ҳам икки турини шартлайди. Биринчи хизмат тури — бу шундай хизматларки, буюмда бевосита ифодаланиб, истеъмол товарлари билан дахлдордир. Бу турдаги хизматларни кўрсатиш ўзининг мазмунига кўра моддий ишлаб чиқаришдаги меҳнат жараёнидан фарқ қилмайди, унга айнан ўхшаш, сабаби бу ерда меҳнат жараёнининг барча бешта унсури яққол: меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, меҳнатнинг ўзи (яъни инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти), технология ва ташкил этиш. Бу биринчи турдаги хизматларни моддий (ишлаб чиқаришга доир) деб аташга асос беради. Турист учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича хизматлар хизматнинг ушбу турига мисол бўлиб ҳисобланади.

Истеъмол қиймати сифатида меҳнат одамларнинг аниқ эҳтиёжини қондиради. Бундай хизматни истеъмол қилиш бошқа шундай товар каби шу меҳнат берадиган алоҳида истеъмол қийматини англатади. Ушбу меҳнатнинг мазкур истеъмол қиймати хизмат деб аталади, чунки меҳнат хизматни буюм сифатида эмас, балки фаолият сифатида кўрсатади.

Номоддий хизматлар уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жамоат меҳнати харажатларига эквивалент қийматга ҳам эга.

Номоддий хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳам аниқ меҳнат, ҳам мавҳум меҳнат сарфланадики, у билан уларнинг ҳам истеъмол қиймати, ҳам қиймати яратилади.

Туристлик хўжалик юритувчи субъектнинг бутун фаолияти туристларга турли хил хизматларни тақдим этиш билан боғлиқ. Туристлар туризм хизматларини ишлаб чиқариш ва ушбу хизматларни сотишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқарадиган хизматлар истеъмолчилари бўлиб майдонга чиқишади.

Хизматларни истеъмол қилишни сотиш ва ташкил этиш жараёнида туристларга хизмат кўрсатиш содир бўлади, чунки истеъмолни сотиш ва ташкил этиш бўйича фаолият — хизмат кўрсатиш жараёнидир. Ушбу учта функциянинг мавжудлиги хўжалик юритувчи барча туристик субъектларни ягона соҳа — туризмга бирлаштиришга имкон беради.

Ҳозирги вақтгача халқ хўжалиги соҳаларининг амалдаги таснифида туризм аниқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий мақомга эга эмас. Бу ҳозирги замонда бозор иқтисодиётининг фаолият кўрсатиши шароитларига жамоат ишлаб чиқариши таснифий чизма қурилишининг соҳавий принципи номувофиқлиги натижасидир.

Жамоат ишлаб чиқаришининг диверсификацияси ўсишида соҳанинг жамоат эҳтиёжларини қондиришдаги функционал роли унинг мезони бўлади. Шунинг учун аҳолининг истеъмол воситаларига (бирга олинган товарлар ва хизматлар) эҳтиёжларини қондирувчи ижтимоий соҳалар таркибида туризм кирадиган ижтимоий-маиший инфратузилманинг соҳавий мажмуи ажратилади. Соҳанинг мезони маҳсулотнинг предметлиги эмас, унинг аҳамияти бўлади. Шунинг учун ҳам истеъмол предметлари (озик-овқат, ёдгорликлар ва ҳоказо), ҳам хизматлар (меҳмонхонада жойлашиш, хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) ишлаб чиқариладиган туризм, бу маънода ягона функционал мезонга эга.

Туризмнинг халқ ҳўжалиги мажмуи соҳалари таркибидаги ўрнини қуйидаги позициялардан баҳолаш керак.

**Туризм** янги моддий қийматни яратади ва уни хизматлар шаклида сотади ҳамда туристларга хизмат кўрсатиш бўйича номоддий хизматларни бажаради ва сотади, шунинг учун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш функцияларига эга.

Туризм соҳасида содир бўладиган ҳўжалик жараёни ишлаб чиқариш-хизмат кўрсатиш жараёни ҳисобланади.

## 7.2. Туристтик экспорт, импорт ва туристик бозор тушунчаси ва мазмуни


Туризмни товар сингари мамлакатга импорт қилиш ва ундан экспорт қилиш мумкин.

Жаҳон туристик ташкилоти томонидан қуйидаги таърифлар қабул қилинган: туристларни етказиб берувчи мамлакатлар ва туристларни қабул қилувчи мамлакатлар.

Туризм хизматларини сотиш учун тўловлар, яъни пул оқимлари қабул қилувчи мамлакатга тушганда, **бу туризмни экспорт қилиши**ни англатади. Хорижлик турист бу мамлакатга келар экан, қабул қилаётган тараф унга тақдим этадиган ўзининг пулларини ўз туристик эҳтиёжларини қондиришга сарфлайди. Демак, туристларни қабул қилаётган мамлакат туристик маҳсулотларни экспорт қилади ва туристнинг пуллари унинг ҳудудида қолиб кетади. Бир вақтнинг ўзида бу турист пул олиб чиқадиган мамлакат учун **туристик импортни** англатади.

Бу туристик экспортнинг муҳим хусусияти ва унинг товарларни экспорт қилишдан фарқидир, чунки товарларни экспорт қилганда пул оқими қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилади (8-чизма).

8-чизма.



Хизматлар савдоси тўғрисидаги бош битимнинг (ГАТС) 1-моддасида «хизматлар савдоси» тушунчаси бор, унда бир мамлакатнинг ҳудудида истеъмолчига савдо воситасида иккинчи мамлакат хизматларини тақдим этиш (яъни туризмга нисбатан қўлланилганда — мамлакатга келаётган хорижлик туристларга хизматлар) ташқи иқтисодий, экспорт деб тан олинади дейилган, чунки ушбу ҳолда олувчи мамлакат фуқаролари томонидан хизматларни етказиб берувчи мамлакат ҳудудида хизматларни истеъмол қилиш ўрни бор.<sup>1</sup>

Бунда шу нарсани назарда тутиш керакки, кўрсатилган битимлар ҳар доим ҳам бир жойнинг ўзида бўлмайди, масалан, меҳмонхонада туристларни қабул қилиш жойида ёки тuroператорлар битимлари содир бўладиган жойда. Битим туризм хизматлари сотувчиси ва харидорини бевосита жалб этмай тузилиши мумкин. Масалан, телекс, телеграмма, факс орқали, телефон кўнғироғи ёрдамида ёки чек бўйича. Бунинг сабаби бўлиб, туристик бозор махсус жой ёки географик зона билан чекланмагани ҳисобланади.

**Туристтик бозор — бу туризм хизматларини** (турлар, туристик маҳсулот) сотишнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларидир. Туристтик бозорда туризм хизматларига турист тақдим этадиган талаб ва туристик фирма томонидан туризм хизматларига таклиф тўқнаш келади.

Туризм хизматлари ишлаб чиқарувчилари — бу туристик фирмалардир (turoператорлар, турагентлар), улар фойда олиш мақсадида ва туристларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлайди.

Туристтик индустрия ўзида меҳмонхоналар ва жойлашишнинг ўзга воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объекtlари, кўнгил очиш объект ва воситалари, маърифий, амалий, соғломлаштириш, спорт ва ўзга аҳамиятдаги объектлар, turoопера-

1 Савдо хизматлари тўғрисида бош битимга қаранг.

торлик ва турагентлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда экскурсия хизматлари ва гид-таржимонлар хизматларини тақдим этадиган ташкилотларни жамлайди.

Келтирилган чизма туризмга талаб туристларнинг талаб кўрсатувчи сифатида муайян шарт-шароитлари билан шартланганини кўрсатади: туристик эҳтиёжли ва саёҳат қилиш хоҳиши бор одамлар; юқори харид қобилиятига эга одамлар, уларнинг талаби энг нуфузли турларга, оригинал саёҳатларга, туристик хизмат кўрсатишнинг юқори даражасига қаратилган (комфорт, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг алоҳида эътибори, индивидуал гид-таржимон ва авторанспортнинг берилиши ва ҳоказо); харид қилиш хулқи одамлар. Турист — бу туризм хизматлари харидори. Туристнинг харид қилиш хулқи уни рекламага муайян тарзда муносабат билдиришга мажбур этадиган барча табиий, руҳий, ижтимоий ва бошқа сабабларга тегишли. Бу туристик бозорнинг самарали фаолият кўрсатиши жуда муҳим омилдир. У туристик бозорни алоҳида секторларга бўлишни талаб этади, уларни ўрганиш туризм хизматларига таклиф ва талабни энг мақбул қўшишга эришишда ёрдам беради.

Туристтик бозор исталган мамлакат иқтисодиётига нисбатан икки цикллилиги билан тавсифланади (9-чизма). Бу шу нарсада ифодаланадики, юқори даражада ривожланган туристик бозор давлатни бойитишга олиб боради ва аксинча.

Туризмнинг ривожланаётган иқтисодиёти туристларнинг барча эҳтиёж ва хоҳишларини қондириш имкониятларига эга эмас. Туристтик ресурсларнинг мўллиги туризмнинг анча мураккаб ва кўп қиррали моддий-техник базасини яратишни назарда тутади. Туристтик индустриядан иқтисодий самарани оширишда даромаднинг бир қисмидан янги туристик эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланилади, иккинчи қисми эса иқтисодиётнинг бошқа соҳалари, жумладан саноатни ҳам ривожлантириш учун йўналтирилиши мумкин.

Туризмнинг иқтисодий фаоллиги унинг таркибий соҳалари ривожланиши билан бевосита боғланган. Туризм ривожланишининг муҳим омили ижтимоий барқарорлик ҳисобланади, чунки туризм бутун иқтисодиётнинг ривожланиши ва мамлакатдаги сисёсий аҳволга боғлиқ. Бундан ташқари, туризм шаклларида кўпчилиги туристик хизматларга мавсумий талаб билан боғланган.

Туризмни бир томонлама ривожлантириш мумкин эмас. Туризмнинг тез юксалтирилиши учун мамлакат иқтисодиёти барча тармоқларининг уйғун ривожланиши ва бир вақтда улар иқтисодий фаоллигининг кўпайиши талаб этилади.

9-чизма. Туристтик бозорнинг икки цикллилиги



7.3. Туризмнинг шакллари, турлари ва хиллари

Туризмнинг фаолият кўрсатишининг иқтисодий самарадорлиги кўп томондан унинг шакллари таснифи билан белгиланади.

**Туризм шакллари таснифи** деганда, уларнинг муайян амалий мақсадларига боғлиқ бўлган бир турдаги гуруҳларини тушуниш лозим.

Туризм шаклларида ҳар бири туристларнинг ўзига хос эҳтиёжлари билан тавсифланади ва бу эҳтиёжларни қондирувчи тегишли хизматлар тўпламини назарда тутади.

Туризм шакли турист ўз мамлакатининг давлат чегарасини босиб ўташи билан боғланган, яъни туризмни шаклларга бўлиш асосида мамлакатга оид аломат ётади.

Ушбу аломатга кўра туризмнинг икки шаклини ажратишади: ички ва ташқи.

**Ички туризм** — ўз мамлакатининг ичида маҳаллий туризм, шу ерда доимий истиқомат қилаётган шахсларнинг ўз мамлакати чегараларидаги саёҳати.

*Халқаро туризм* — бу бошқа мамлакатга туризм, яъни хорижий туризм. У кириш ва чиқишли бўлади. Чиқиш туризми — бир мамлакатда доимий яшовчи фуқароларнинг иккинчи мамлакатга саёҳати. Кириш туризми — муайян мамлакат чегараларида бу ерда доимий яшамайдиган шахсларнинг саёҳати. Халқаро туризм кўплаб омиллар таъсирида ривожланади, уларни уч гуруҳга киритиш мумкин: демографик, иқтисодий, ижтимоий.

Демографик омилларга: жаҳон аҳолисининг ўсиши, аҳолининг тўпланиши ва ҳаётнинг ҳаракатчан стереотипига олиб келадиган урбанизация жараёни киради. Йирик шаҳарлар аҳолиси жисмоний ва маънавий кучлар сарфларини тиклаш учун муҳитни ўзгартириш заруриятини кескин ҳис этишади. Умумий қардош тилга эга турли мамлакатлар халқларининг бир бирларига қизиқиши ошади, бу авваламбор тил тўсиғининг йўқлиги, тарих ва маданиятнинг умумийлиги билан боғланган.

**Иқтисодий омиллар** жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши билан боғланган бўлиб, бу ерда товарлар ишлаб чиқариш билан таққослаганда хизматларни ишлаб чиқариш кўпайиши тамойили, ва бунинг натижаси сифатида аҳолининг умумий истеъмолида хизматларни (шу жумладан туризм хизматларини) истеъмол қилиш улуши кўпайиши кузатишмоқда. Иқтисодий омилларга туризм тармоғида илмий-техник тараққиётнинг жадаллашиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши киради. Хорижий туризм моддий-техник базасининг ривожланиши, туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишнинг янги шакллари яратиш туристик ҳаракатларни интенсивлашга, янги жойларнинг рекреацион соҳасига жалб этишга кўмак беради.

**Ижтимоий омиллар** — инсоннинг ҳаёт шароитлари ва фаолияти билан боғланган омиллар. Халқаро туризмнинг ривожланишига ҳақ тўланадиган таътил давомийлигининг кўпайиши ҳамда йил давомида икки марта саёҳат (ёзда ва қишда) қилиш имконини берадиган таътилни икки бўлиш бевосита таъсир қилади. Туризмнинг ривожланишига пенсияга чиқиш ёшини камайтириш ҳам кўмаклашади, бу эса умрнинг ошиши ҳисобига учинчи ёшда деб номланмиш туристларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Туризм тури мамлакат ёки унинг минтақаси бюджетида молиявий натижаларни акс эттириш спецификаси билан боғланган. Мазкур аломатга кўра туризм шаклларида туризмнинг икки турини ажратишади: фаол ва пассив.

Мамлакатга хорижий туристлар ёки мазкур минтақага маҳаллий туристларнинг келиши фаол туризм ҳисобланади. Фаол туризм мазкур мамлакат ёки минтақага пул (валюта) олиб кириш омили бўлиб хизмат қилади.

Бир мамлакат фуқароларнинг бошқа давлатларга саёҳат қилиши ёки туристларнинг мазкур мамлакат минтақасидан чиқиши пассив туризм ҳисобланади. Пассив туризм мазкур мамлакат ёки минтақадан пул (валюта)ни олиб чиқиш омили ҳисобланади.

Саёҳатнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб туризмнинг қуйидаги турлари ажратилади: рекреацион, маърифий, илмий, амалий.

Рекреацион туризм — дам олиш, соғломлаштириш ва даволашни мақсадидаги туризм. Бунда фуқароларнинг санаторийларда бўлиши (касаллик варақаси бўлган ва бўлмаган тақдирда ҳам) туризмга кирмайди, чунки мазкур ҳолда санаторий — касалхонанинг бир туридир. Одамларнинг дам олиш кунлари ҳордиқ чиқариш, хурсандчилик қилиш, спорт билан шуғулланиш мақсадида ҳаракат қилиши «ҳафта охири» туризми деб аталади.

Маърифий ёки маданий туризм — муайян дастурга кўра тарихий-маданий диққатга сазовор жойлар ва ноёб табиий объектлар билан таниши мақсадида саёҳат қилишдир.

Илмий туризмда конгресслар, симпозиумлар ва ҳоказоларга ташриф буюриш устун бўлиб, бунда у одатда экскурсион сафарлар билан тугайди.

Саёҳатни ташкил этиш тавсифига кўра индивидуал, гуруҳли, уюшган ва ташаббускор (уюшмаган), стационар ва кўчма туризмга ажратишади.

Бир кишининг туманларни кўриш, тўхташлар давомийлиги, ётоқ шароитлари ва ҳоказолар таърифини ўз ичига олган шахсий режага кўра саёҳати индивидуал саёҳат деб аталади, худди ўша шароитларда ёки туристик хўжалик юритувчи субъект режасига кўра одамлар гуруҳи (шу жумладан оиланинг ҳам) саёҳати гуруҳли туризм деб аталади.

Бир турист ёки туристлар гуруҳининг туристик хўжалик юритувчи субъект белгиланган аниқ йўналиш ва регламентга кўра саёҳати уюшган туризм деб аталади. Мазкур туристлар ва туристик хўжалик юритувчи субъект ўзаро бир-бирига нисбатан талаб ва мажбуриятлар билан боғланган.

Уюшган туристлар муайян муддатга олдиндан сотиб олинган йўлланма бўйича туристик хизматлар мажмуи билан таъминланади (турбазаларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, курсовкалар бўйича дам олаётганлар). Уюшган туристларга туристик хизматларнинг бир қисминигина муайян муддатга сотиб олганлар ҳам киради (мисол учун, фақат овқатланиш учун курсовка)

Туристик хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро ҳеч қандай мажбуриятлар билан боғланмаган алоҳида турист ёки туристлар гуруҳининг саёҳати ташаббускор (уюшмаган) туризм деб аталади.



Ташаббускор туризм — ҳаракатланишнинг фаол усулларини қўллаш билан туристлар томонидан ташкил этиладиган саёҳатдир.

Стационар туризм туристни туристик йўлланманинг бутун амал қилиш муддатида доимий жойлаштириш ўрни билан боғланган. Кўчма туризм — саёҳат билан боғланган туризмдир (круизлар, турлар).

Ижтимоий туризм — бу давлат томонидан ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таъминланадиган саёҳатлардир.

Туристтик йўлланмаларнинг интенсивлиги бўйича доимий ва мавсумий туризм фарқланади. Туристтик минтақаларга йил бўйи ва нисбатан бир маромда борилиши доимий туризм деб аталади. Бу авваламбор машҳур цивилизация, маданият, соғломлаштириш марказлари учун хосдир: жаҳоннинг машҳур шаҳарлари, курортлар, ноёб минерал сув ва балчиқларга эга бўлган жойлар.

Айрим минтақалар туристларни кўпроқ йилнинг муайян вақтида жалб этади. Бунда туризм мавсумий туризм ҳисобланади. Йилнинг фақат муайян вақтида бориб кўриладиган туристик минтақалар (мисол учун, ёзда ёки қишда) бир мавсумли туристик минтақалар сифатида тавсифланади. Йилнинг исталган вақтида (қишда ҳам, ёзда ҳам) бориб кўриладиган минтақалар икки мавсумли деб аталади. Мазкур туристик минтақани туристларнинг келиб кўриш мунтазамлигига қараб мавсумлар юқори даражада (яъни тўлиб кетган), сокин (ўртача даражада) ва жимжит (сокин, туристлар деярли келмайдиган) мавсумларга бўлинади.

Туристларнинг саёҳатда бўлиш давомийлигига қараб қисқа муддатли ва давомий туризмга ажратилади. Қисқа муддатли туризм — саёҳат 3 суткадан кўп давом этмайдиган туризмдир.

Давомий туризм — саёҳат муддати уч суткадан ошадиган туризмдир. Саёҳатда бўлиш муддатидан келиб чиқиб туризмнинг эҳтиёжлари жиддий равишда ўзгаради.

Саёҳат вақтини муайян (доимий) йўналишда қисқартириш туристнинг транспорт таркибийлиги улуши (яъни унинг транспортга сарфлари) харажатларининг кўпайишига олиб келади. Туристларнинг ёшидан келиб чиқиб болалар, ёшлар, катта ёшлар туризми ажратилади.

Ҳамкорлик қилиш шаклига қараб туристик гуруҳлар билан валютасиз ва валютали алмашишни ажратиш мумкин. Валютасиз алмашиш муайян кунлар давомида кўрсатиладиган хизматларнинг тенглиги асосида туристик гуруҳларнинг ўзаро бориб келишларидан иборат. Валюта асосида шерикчилик туристик хўжалик йритувчи субъектлар билан ҳамкорлик қилиш кўрсатиладиган хизматлар учун шериклар келишиб олган валютадаги тўлов-

лар назарда тутати: қоидага кўра икки тарафлама битимларда бир кунлик комплекс хизмат кўрсатишнинг валюта қиймати белгиланади.

Халқаро туризмнинг урушдан кейинги амалиётида тез кўламларда парадорес ва таймшер ривожлана бошлади.

**Парадорес** (ингл. *parade* — томошага чиқариб қўйиш) мамлакатнинг миллий архитектура меросини сақлаб қолиш учун қадамги қалъа ва саройларни туристик меҳмонхоналар ва экскурсия мақсадларида фойдаланишдан иборатдир.

**Таймшер** (ингл. *time share* — вақтни бўлиш) — туристик бизнесда кўчмас мулкдан, ундан муайян вақт давомида пул бадалига мутаносиб равишда фойдаланиш имкони билан биргаликда эгаллик қилишдир. Фойдаланиш вақти уч ранга (қизил— энг қиммат, оқ ва кўк) жамланган ҳафталарда ўлчанади ва мавсумлар бўйича талаб ўсишини акс эттиради.

1971 йилда RSI (*Recort Condominiums International*) глобал тизими яратилди, яъни бу деярли бутун жаҳондаги (2400 отел ва курортлар) машҳур курортларнинг коттежларини узоқ вақтга ижарага олиш (25-30 йилга) ва алмаштириш тизимидир.

#### 7.4. Туризмни ривожлантириш кўрсаткичлари тизими

Туризм соҳасини ривожлантириш кўрсаткичлари туристик хизматларни сотишнинг миқдорий ҳажми ва уларнинг сифат томонини ҳамда туристик хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш-хизмат кўрсатиш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини ағс эттиради (агентликлар, бюролар, фирмалар, мажмуалар, кооперативлар ва ҳоказо).

Туризмни ривожлантириш кўрсаткичлари тизими:

туризмнинг моддий-техник базасининг ҳолати ва ривожланиши;

туристик фирманинг молия-иқтисодий фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Туристик оқим — туристларнинг мамлакатга ёки мазкур минтақага доимий келишидир. Туристик оқимни тавсифловчи кўрсаткичларга: туристларнинг умумий сони, шу жумладан уюшган ва ташаббускор туристлар; тур кунлар миқдори (тунаш жойлари, ётоқ-кунлар миқдори); туристларнинг мамлакат, минтақада (бир жойда ёки аҳоли яшайдиган пунктда) бўлишининг ўртача давомийлиги (ўртача вақт) киради.

Тур кунлари миқдори туристларнинг умумий сонини бир туристнинг мамлакат ёки минтақада бўлиш кунларининг ўртача давомийлигига кўпайтириш йўли билан аниқланади:

$$D = r \times t$$

бу ерда,  $D$  — тур кунлари, киши-кунлар миқдори;

$r$  — туристлар сони, киши;

$t$  — бир туристнинг мазкур минтақада бўлишининг ўртача давомийлиги, кунлар

Туристтик оқим — текис бўлмайдиган ҳодиса. Туристтик оқимнинг нотекислиги тавсифи учун нотекислик коэффициенти қўлланилади. Туристтик оқимнинг ўсиши таҳлилининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб **нотекислик коэффицентини ҳисоблашнинг** учта усулидан фойдаланилади.

#### Биринчи усул:

$$K_n = (D_{\max}/D_{\min}) * 100$$

бу ерда,  $K_n$  — туристик оқимнинг нотекислиги коэффицентини, %;

$D_{\max}$  — энг кўп туристик оқим ойида тур кунлари миқдори, киши-кунлар;

$D_{\min}$  — энг кам туристик оқим ойида тур кунлари миқдори, киши— кунлар.

#### Иккинчи усул:

$$K_n = (D_{\max}/D_{\text{йил}}) * 100$$

бу ерда,  $K_n$  — туристик оқимнинг нотекислиги коэффицентини, %;

$D_{\max}$  — энг кўп туристик оқим ойида тур кунлари миқдори, киши-кунлар;

$D_{\text{йил}}$  — йиллик тур кунлари миқдори, киши— кунлар

#### Учинчи усул:

$$K_n = (D_{\max}/D_{\text{ой}}) * 100$$

бу ерда,  $K_n$  — туристик оқимнинг нотекислиги коэффицентини, %;

$D_{max}$  — энг кўп туристик оқим ойида тур кунлари миқдори, киши-кунлар;

Дой — тур кунлари ойлик ўртача миқдори, киши — кунлар.

Тур кунларнинг ўртача ойлик миқдори йиллик тур кунлари миқдорини 12 ойга бўлиш йўли билан аниқланади:

$$D_{ой} = D_{йил}/12$$

Туризмнинг моддий-техник базаси ҳолати ва ривожланишини тавсифлайдиган кўрсаткичлар унинг мазкур мамлакат ёки минтақадаги қувватини аниқлайди.

Уларга дам олиш уйлари, пансионатлар, турбазалар, меҳмон-хоналар, санаторийлар ва ҳоказоларнинг ётоқ жой фондлари, шунингдек маҳаллий аҳоли тақдим этадиган ётоқ жойлар сони; туристлар учун овқатланиш корхоналарининг савдо залларидаги ўринлар сони киради;

Ётоқ жой фондининг қуввати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M_k = K_z * 365 + t$$

$M_k$  — ётоқ жой ўринларнинг умумий миқдори, бирлик;

$K_z$  — йил давомида фойдаланиладиган ётоқ жой ўринларининг сони, бирлик;

$t$  — мавсумий фойдаланиш кунлари сони, кунлар.

Туристик фирманинг молия-иқтисодий кўрсаткичлари: туристик хизматларни соғиш ҳажмлари ёки туризм хизматларини сотишдан тушган тушумлар, ишчи кучидан фойдаланиш кўрсаткичлари (меҳнатнинг унумдорлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ҳоказолар); ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш кўрсаткичлари (фонд самарадорлиги, оборот маблағларининг айланиши ва бошқа); туризм хизматларининг таннархи; фойда; рентабеллик; туристик фирманинг молиявий ҳолати кўрсаткичи (тўловга лаёқатлилиқ, ликвидлик, молиявий барқарорлик, валютали ўзини ўзи қоплаш ва бошқа)ларни ўз ичига олади.

Халқаро туризмнинг ҳолати ва ривожланишини тавсифлайдиган кўрсаткичлар алоҳида ажрагилади. Уларга қуйидагилар киради:

хорижий мамлакатларни бориб кўрган туристлар миқдори. У давлат чегарасини босиб ўтишлар сонига қараб аниқланади;

хорижий туристлар бўйича тур кунлари миқдори;

хорижий сафарлар вақтида хорижий туристлар томонидан амалга оширилган жами пул сарфлари.

Туризмнинг ривожланиши ва туризм хизматлари ҳажмларини кўпайтириш пухта ўйлаб ёндашишни талаб қилади, чунки қабул қилинаётган қарорларнинг ижтимоий оқибатлари жуда юқоридир.

Ҳар бир мамлакат ёки минтақа учун туризм устуворликлар билан бирга камчиликларга ҳам эга.

Устуворликлар:

минтақага пул, шу жумладан хорижий валюта оқимининг кўпайиши;

ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиши;

туристлар билан бир қаторда маҳаллий аҳоли учун ҳам фойдаланиш мумкин бўлган дам олиш тузилмасининг яратилиши;

сармояни, шу жумладан хорижий сармояни жалб этиш.

Туризм ривожланишининг камчиликлари куйидагилардир:

товар ва хизматларнинг маҳаллий бозорида, ер ва бошқа табиий ресурсларга, кўчмас мулкка ва ҳоказоларга нархлар ошади;

туристик импортда чет элга пул кетиши ўсади;

салбий экологик ва ижтимоий муаммолар вужудга келади.

Туризмнинг назоратсиз ривожланиши мамлакатнинг экологик балансини ёмонлаштириши, туб аҳоли ҳаёти тарзи ва сифатини ўзгартириши мумкин.

## 7.5. Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ташкил этиш

Ўзбекистон Республикасида туризмни ва туристик фаолиятни ривожлантиришга катта эътибор берилади. Халқаро туризмнинг ташкил этилишига ташқи иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири, экспортнинг рентабел шакли ва бинобарин конвертацияланадиган валюта келишининг тезлашиши ҳамда иқтисодий ўсишнинг жиддий омили сифатида қаралади.

Ўзбекистон ҳам халқаро, ҳам ички туризмни кенг кўламда ривожлантириш учун анча катта салоҳиятга эга. Ушбу салоҳиятни самарали рўёбга чиқариш халқаро туризм бўйича Манила декларацияси, туризм бўйича Гаага декларацияси, Туризм хартияси ва Турист кодексида баён этилган принциплардан келиб чиқиб Республикада туризмни ривожлантиришнинг ҳақиқий миллий сиёсати ва давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни шартлайди. Ҳукумат даражасида туристик соҳани ислоҳлаш бўйича туб аҳамиятли қарорлар ҳамда халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга қаратилган тегишли қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда, яъни ривожла-

нишнинг юридик ва ташкилий асоси яратилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил 27 июлдаги<sup>1</sup> Фармони билан турли идоравий тузилмалар базасида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилди, унга 150 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар кирди. Шу пайтдан бошлаб туризм Республикада нафақат миқдоран, балки сифат жиҳатидан ҳам ривожлана бошлади. Туристлик объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни содир бўлди, кўплаб объектлар мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклини ўзгартирди. Ўзбекистоннинг туристик соҳаси бугун мулкчиликнинг турли шаклидаги салкам 400та ихтисослашган ташкилотларни ўз ичига олади. Улар орасидаги рақобат Республикадаги ички ва халқаро туризм ривожланишининг кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Жаҳон туристик ташкилотига кириши (1993й.) бу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Жаҳон туристик ташкилоти (ЖТТ) Европа комиссиясининг ЖТТ, ЮНЕСКО ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳомийлигида бўлиб ўтган XX асрдаги сўнги кўчма йиғилиши бизнинг мамлакатимизда бўлгани нафақат Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий меросига ҳурматни бажо келтириш, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан жамиятимизнинг барча соҳалари, шу жумладан туризм жабҳасида ҳам содир бўлаётган ўзгаришларнинг тан олинishi бўлиб ҳам ҳисобланади.

1999 йил апрелининг ўрталарида Ўзбекистон Президенти Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг Давлат дастурини тасдиқлаган Фармонни имзолади. Унинг асосий мақсади мамлакатда туризмнинг миллий моделини шакллантириш ҳисобланиб, у ўзида замонавий жаҳон хизмат кўрсатиш стандартларини шарқона меҳмондўстлик унсурлари билан бирга мужассам этади. У Республикага хорижий туристларни жалб этишга, туристик бизнесни мамлакат бюджетининг энг даромадли моддаларидан бирига айлантиришга, барча замонавий туризм турларини ривожлантиришга ва ушбу соҳадаги хизмат кўрсатиш стандартини жаҳон даражасига кўтаришга қаратилган.

Туризм муаммоларига кенг кўламда ёндашиш зарурияти Республикада туризмга оид тегишли меъёрий-қонун чиқарувчи базани яратишни талаб этди. 1999 йилнинг августида мамлакат парламенти қабул қилган «Туризм тўғрисида»ги Қонун муҳим воқеа бўлди.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги Фармонига қаранг.

2 Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунига қаранг

туристик фаолиятда мавжуд бўлган маънавий хилма-хилликларга чек қўйди ҳамда туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, давлат ҳокимияти органларининг туризмни ривожлантириш ва туристик фаолиятни ташкил этишдаги ролини аниқ белгилаб берди.

Мазкур қонун томонидан туризм соҳасидаги асосий тушунчалар белгилаб берилди (3-модда). Чунончи, **туризм** — жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиш). **Турист** — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи жисмоний шахс.

**Туристик фаолият** — саёҳатларни ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият. **Туристик ресурслар** — тугишли ҳудуднинг табиий-иқлим, соғломлаштириш, тарихий-маданий, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари мажмуи. **Туристик фаолият субъектлари** ёки туроператорлар — белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар.

Шундай қилиб, туроператор — ҳўжалик юритувчи субъект ёки яқка тадбиркор бўлиб, туристик йўналишларни ишлаб чиқиш билан машғул бўлади, уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди, рекламани ташкил қилади, улар бўйича йўлланмалар чиқариш ва ушбу йўлланмаларни сотиш учун турагентларга турлар нарҳини белгилайди.

Туроператорлар туристик индустрияда махсус ролни бажардилар. Улар туристик маҳсулотларни (самолётларда ўринлар, меҳмонхоналарда хоналар ва бошқа хизматларни) харид қилишади, туризм хизматлари мажмуини шакллантирадилар ва уларни бевоcита ёки билвосита турли турист-фойдаланувчиларга фойда олиш мақсадида сотадилар. Туроператор туризм хизматларини алоҳида-алоҳида сотиши мумкин. Бу ёҳуд фойда олиш ёҳуд бошқа эҳтиёжлар учун амалга оширилади.

Биринчи ҳолда, туроператор мажмуани шакллантирганда у туристик маҳсулот ишлаб чиқарувчиси ролида чиқади. Инклюзив турлар деб танилган туристик мажмуалар бир-биридан таркибий унсурлари билан фарқ қилади.

Иккинчи ҳолда, туроператор туризм хизматларини алоҳида сотганда, у туристик хизматларнинг тажрибали дилери сифатида чиқади. Бунинг имкони туроператор ишлаб чиқарувдан туристик мажмуани шакллантириш учун зарур бўлгандан кўпроқ туристик

маҳсулотни сотиб олганда мумкин бўлади. Баъзида шундай ҳоллар бўладики, туроператорлар алоҳида туризм хизматларини ўз индивидуал мажмуани шакллантиришни хоҳлаган одамларга улгуржи нархлар билан сотишади.

Туроператорнинг қиммати унинг нархларнинг пасайишини сугурталаниш қобилиятида, турист учун иқтисодий имкони бўлган туристик мажмуаларни шакллантириш учун зарур бўлган туризм хизматларини катта миқдорларда сотиб олишидадир.

Турагентлик фаолияти деганда лицензия асосида юридик шахс ёки якка тадбиркор томонидан амалга ошириладиган туристик маҳсулотни ўтказиш ва реализация қилишга доир фаолият тушунилади. Бинобарин, турагент — туроператорлар ишлаб чиққан туристик йўналишлар бўйича турларни сотиб оладиган, уларга биноан йўлланмаларни чиқарадиган ва ушбу йўлланмаларни сотадиган хўжалик юритувчи субъект ёки якка тадбиркордир.

Туроператор ва турагент тур ва туристик маҳсулотта билан иш кўришади.

Тур туристларни жойлаштириш, ташиш, овқатлантириш, саёҳат мақсадларига қараб тақдим этиладиган экскурсия хизматлари бўйича хизматлар мажмуидан иборат.

Уюшган туризмда тур — туризмни товар сифатида дастлабки сотиш бирлигидир. Тур туризм хизматлари мажмуини бир бутун сифатида сотишдир. Моҳиятан у туризм хизматларига ҳақ тўлашнинг абонемент шакли ҳисобланади. Туристлик маҳсулот — туристга реализация қилиш учун мўлжалланган турга ҳуқуқдир. Туризм иқтисодиётида туристик маҳсулотнинг бошқа тушунчаси ҳам қўлланилади, унга биноан туристик маҳсулот — ўзига куйидагиларни олган иқтисодий тоифа:

- 1) ўзларининг мақсадга йўналитирилганлиги билан бирлаштирилган турлар (маърифий, соғломлаштириш ва ҳоказо);
- 2) турли турдаги туристик-экскурсия хизматлари (жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт ва бошқа);
- 3) туристик-сувенир аҳамиятдаги товарлар (хариталар, откриткалар, сувенирлар, туристик асбоб-анжомлар ва ҳоказо).

Туристлик маҳсулотни шакллантириш ва реализация қилиш ўз хусусиятларига эга.

Туроператор алоҳида хизматларни тақдим этадиган шахслар ёки турга кирадиган барча хизмат турлари тақдим этилишини таъминловчи туристларни қабул қилиш бўйича туроператор билан шартномага мувофиқ турга кирадиган хизматларга ҳуқуқни сотиб олади. Туристлик маҳсулотни ўтказишда туроператор ва турагент туристик маҳсулот тўғрисидаги ахборот аниқлигига жавобгардир.



Туристтик маҳсулотни реализация қилиш шартномага асосан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»<sup>1</sup>ги Қонунига мувофиқ, шартнома кўрсатиладиган хизматларнинг кўлами ва сифатини, тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоблар тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини ва уни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни белгилайди. Шартнома ёзма шаклда тузилади. *Шартноманинг жиддий шартларига қуйидагилар киради:*

туроператор ёки турагент (сотувчи) тўғрисида ахборот, жумладан туристик фаолиятни амалга оширишга лицензия тўғрисида маълумотлар, унинг юридик манзили ва банк реквизитлари;

турист (харидор) тўғрисида туристик маҳсулотни реализация қилиш учун зарур бўлган кўламда маълумотлар;

туроператор тўғрисида ахборот, жумладан туристик фаолиятни амалга оширишга лицензияси тўғрисида маълумотлар, унинг юридик манзили ва банк реквизитлари;

туристик маҳсулотнинг истеъмолчилик хусусиятлари тўғрисида аниқ ахборот, жумладан бўлиш дастури ва саёҳат йўналиши тўғрисида, туристлар хавфсизлиги, туристик маҳсулотни сертификатлаштириш натижалари тўғрисидаги ахборот;

саёҳатнинг бошланиш ва тугаш санаси ва вақти, унинг давомийлиги;

туристларни кутиб олиш, кузатиш ва кузатиб юриш тартиби; тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

гуруҳда туристларнинг энг кам миқдори, туристни гуруҳ тўлмаганлиги сабабига кўра саёҳат бўлмаслиги ҳақида хабардор қилиш муддати;

шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш шартлари, шу муносабат билан тарафларда вужудга келган низоларни тартибга солиш ва зарарларни қоплаш;

турист томонидан эътироз қилиш тартиби ва муддати.

Шартнома тарафларининг ҳар бири шартномани тузишда тарафлар келиб чиққан вазиятларнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Вазиятларнинг бундай жиддий ўзгаришларига қуйидагилар киради:

саёҳат шароитларининг ёмонлашиши, саёҳатни содир этиш муддатларининг ўзгариши;

транспорт тарифларининг қўшилмаган ўсиши;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига қаралсин.

солиқ ва йиғимларнинг янгилари киритилиши ёки амалдаги-ларининг ошиши;

миллий валюта курсларининг кескин ўзгариши.

Туристтик маҳсулотни бериш фактини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиб туристик йўлланма ҳисобланади.<sup>1</sup>

Туристнинг тур таркибига кирувчи хизматларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва бундай ҳуқуқлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат туристик ваучер бўлади.

ВАУЧЕР (ингл. voucher — тилхат) туристик фаолият субъекти томонидан туристга (туристик гуруҳга) берилган ҳужжат, унга асосан унга (уларга) хизмат кўрсатиш тақдим этилади ва туристик фирма билан ҳисоб-китоблар амалга оширилади. У Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий туристларга тақдим этиладиган хизматлар қиймати туристик фирма томонидан тўланишининг кафолати ҳисобланади. Ваучер қуйидаги реквизитларга эга: туристик фирманинг номи ва манзили, гуруҳ рақами, гуруҳдаги туристлар миқдори, мамлакатда бўлиш муддатлари, юришлар йўналишлари, гуруҳ раҳбарининг Исми-шарифи, ваучер ёзилиш санаси, туристик фирманинг имзоси ва тўртбурчак муҳри. Ваучер турист бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида (туристлар гуруҳи) бўлганда амал қилади. Ваучерда белгиланмаган хизматлар нақд ҳисоб-китоб эвазига кўрсатилади. Ваучерга асосан хорижий фирмага тўлаш учун ҳисоб берилади.

Кўплаб мамлакатларга бориш учун визага эга бўлиш талаб этилади.

ВИЗА — хорижий паспорт эгасига мазкур мамлакатга кириш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқини берадиган, паспортда қўйилган расмий белги (муассаса ёки консуллик тўртбурчак муҳри). Виза бир марталик ва кўп марталик бўлиши мумкин.

Бир марталик виза давлатга бир марта кириш учун вақтнинг муайян даврига берилади.

Кўп марталик виза чегарани вақтнинг муайян даврида (йил, уч йил ва ҳоказо) чекланмаган марта ўтиш ҳуқуқини беради.

Мақсад турларига қараб визалар хизмат (амалий, хусусий), меҳмон бўлиш, ишлаш ҳуқуқи билан, муҳожирлик, туристик бўлади. Туристтик виза — вақтнинг муайян даврида муайян муддат — саёҳат ёки тур муддатига туристик мақсадлар билан мамлакатни кўришга рухсатдир.

Шу виза билан мамлакатга келган турист ҳақ тўланилган иш билан машғул бўлиш ҳуқуқига эга эмас ва кўрсатилган муддатда мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига қаралсин.

Визаларни бериш билан одатда элчихоналарнинг консуллик бўлимлари ёки минтақалар бўйича бош консулликлар шуғулланади. Виза берганлик учун йиғим олинади.

Туристларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида туроператорлик ва турагентлик фаолияти ва туристик индустрия объектларини лицензиялаш ва стандартлаш ҳамда туристик маҳсулотни сертификатлаштириш ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ лицензия унинг эгасининг туристик фаолиятни амалга оширишга ҳуқуқини тасдиқловчи махсус рухсатнома бўлиб, муайян муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

Қуйидагилар лицензия беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:

- ариза берувчи тақдим этган ҳужжатларда ноаниқ ёки нотўғри ахборот бўлиши;
- халқаро туристик фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган шароитларга ва хавфсизлик шароитларига номувофиқлик топилган салбий экспертлик хулосаси.

**Сертификат** — туристик хизматлар сифатини ва уларнинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Туристик фаолият субъектининг туристик хизматларни мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортиши, туристик хизматларни сертификатлаштиришнинг натижаси салбий бўлиши, шунингдек сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш туристик фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ёки лицензиядан маҳрум қилишга сабаб бўлади (10-модда).

Ўзбекистон халқаро туризмни ривожлантиришнинг яхши рақобатли устуворликларига эга. Ўзбекистон ҳудудида тарих, архитектура ва археологиянинг ноёб ёдгорликлари бор, улар Марказий Осиёда энг машҳур ҳисобланади. 1996 йилда ЮНЕСКО қарори билан 21 та тарихий объект жаҳон тараққиётининг бойлиги рўйхатига киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг рекреацион ресурслари турли хил туристик йўналишларни ташкил этиш ва туристларни йил давомида қабул қилиш имконини беради. Чунончи, Ўзбекистон экологик туризмни, шу жумладан унинг саргузашт турлари — рафтинг, «tour off road» деб номланадиган туризмни ривожлантириш учун ноёб имкониятга эга. Туризмнинг ушбу турлари оммавийлиги ўсишининг жаҳон тамойили туристик индустриянинг айна шу соҳасини ривожлантиришга эътибор беришга ундайди. Шу би-

лан бирга, туризмнинг тарихий-архитектура, илмий-амалий, этник-маданий турларини ривожлантириш ҳам муҳим бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда туризм Ўзбекистонда давлат хазинасига қўшлаб валюта тушумлари манбаси ҳисобланади. Бу соҳа (агар фақат «Ўзбекистон туризм» миллий компанияси доиралари олинадиган бўлса) бугун мамлакат ЯИМининг салкам 0,4%ини бермоқда. Бу, айниқса агар айрим мамлакатларда бу кўрсаткич ЯИМнинг 25%ига етаётгани ҳисобга олинадиган бўлса, албатта, кам.

Ўзбекистон Республикасида туризм ривожланишининг замонавий ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирча турагентларнинг кўпроқ сони қабул қилишга қараганда, хорижга жўнатишга ихтисослашмоқда. Охириги 5 йилда республикага туристик оқимнинг ўсиши 1,6 марта, шу жумладан хорижий меҳмонлар — 2,9 марта ўсди. Ички туризм ҳам кўпайди, шу даврнинг ўзиде у 120%ни ташкил этди. 1998 йилда Ўзбекистонда 731,2 минг туристга хизмат кўрсатилди, жумладан 271,1 минг хорижлик меҳмонлар қабул қилинди. 1998 йилда туристик хизматлар ҳажми 3653,3 млн. сўмни, умумий фойда — 544,3 млн. сўмни, валюта тушумлари — 20,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

БМТ ТД (ПРООН) экспертларининг баҳоларига қараганда, 2002 йилда Республикага 1,2 млн. киши келиши, даромад эса — 1 млрд. АҚШ доллари бўлиши кутилмоқда. Бир вақтнинг ўзиде Жаҳон туристик ташкилоти мамлакатимизга тур оқимнинг 15%га кўпайишини башорат қилмоқда, бу эса Осиё қитъасининг бошқа мамлакатларига қараганда 2 марта юқори бўлиб, яна бир бор Ўзбекистоннинг янги минтақавий туристик марказ сифатида халқаро миқёсда тан олиншини исбот қилади.

Визаларни бериш билан одатда элчихоналарнинг консуллик бўлимлари ёки минтақалар бўйича бош консулликлар шуғулланади. Виза берганлик учун йиғим олинади.

Туристларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тuroператорлик ва турагентлик фаолияти ва туристик индустрия объектларини лицензиялаш ва стандартлаш ҳамда туристик маҳсулотни сертификатлаштириш ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ лицензия унинг эгасининг туристик фаолиятни амалга оширишга ҳуқуқини тасдиқловчи махсус рухсатнома бўлиб, муайян муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

Қуйидагилар лицензия беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:

- ариза берувчи тақдим этган ҳужжатларда ноаниқ ёки нотўғри ахборот бўлиши;
- халқаро туристик фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган шароитларга ва хавфсизлик шароитларига номувофиқлик топилган салбий экспертлик ҳулосаси.

**Сертификат** — туристик хизматлар сифатини ва уларнинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Туристлик фаолият субъектининг туристик хизматларни мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортиши, туристик хизматларни сертификатлаштиришнинг натижаси салбий бўлиши, шунингдек сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш туристик фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ёки лицензиядан маҳрум қилишга сабаб бўлади (10-модда).

Ўзбекистон халқаро туризмни ривожлантиришнинг яхши рақобатли устуворликларига эга. Ўзбекистон ҳудудида тарих, архитектура ва археологиянинг ноёб ёдгорликлари бор, улар Марказий Осиёда энг машҳур ҳисобланади. 1996 йилда ЮНЕСКО қарори билан 21 та тарихий объект жаҳон тараққиётининг бойлиги рўйхатига киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг рекреацион ресурслари турли хил туристик йўналишларни ташкил этиш ва туристларни йил давомида қабул қилиш имконини беради. Чунончи, Ўзбекистон экологик туризмни, шу жумладан унинг саргузашт турлари — рафтинг, «tour off road» деб номланадиган туризмни ривожлантириш учун ноёб имкониятга эга. Туризмнинг ушбу турлари оммавийлиги ўсишининг жаҳон тамойили туристик индустриянинг айна шу соҳасини ривожлантиришга эътибор беришга ундайди. Шу би-

лан бирга, туризмнинг тарихий-архитектура, илмий-амалий, этник-маданий турларини ривожлантириш ҳам муҳим бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда туризм Ўзбекистонда давлат хазинасига қўшлаб валюта тушумлари манбаси ҳисобланади. Бу соҳа (агар фақат «Ўзбекистон туризм» миллий компанияси доиралари олинандиган бўлса) бугун мамлакат ЯИМининг салкам 0,4%ини бермоқда. Бу, айниқса агар айрим мамлакатларда бу кўрсаткич ЯИМнинг 25%ига етаётгани ҳисобга олинандиган бўлса, албатта, кам.

Ўзбекистон Республикасида туризм ривожланишининг замонавий ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирча турагентларнинг кўпроқ сони қабул қилишга қараганда, хорижга жўнатишга ихтисослашмоқда. Охириги 5 йилда республикага туристик оқимнинг ўсиши 1,6 марта, шу жумладан хорижий меҳмонлар — 2,9 марта ўсди. Ички туризм ҳам қўпайди, шу даврнинг ўзида у 120%ни ташкил этди. 1998 йилда Ўзбекистонда 731,2 минг туристга хизмат кўрсатилди, жумладан 271,1 минг хорижлик меҳмонлар қабул қилинди. 1998 йилда туристик хизматлар ҳажми 3653,3 млн. сўмни, умумий фойда — 544,3 млн. сўмни, валюта тушумлари — 20,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

БМТ ТД (ПРООН) экспертларининг баҳоларига қараганда, 2002 йилда Республикага 1,2 млн. киши келиши, даромад эса — 1 млрд. АҚШ доллари бўлиши кутгилмоқда. Бир вақтнинг ўзида Жаҳон туристик ташкилоти мамлакатимизга тур оқимнинг 15%га қўпайишини башорат қилмоқда, бу эса Осиё қитъасининг бошқа мамлакатларига қараганда 2 марта юқори бўлиб, яна бир бор Ўзбекистоннинг янги минтақавий туристик марказ сифатида халқаро миқёсда тан олиншини исбот қилади.

## САККИЗИНЧИ БОБ

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ СУҒУРТАЛАШ

## 8.1. Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталашнинг моҳияти ва турлари

Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталаш — давлатнинг, унинг хўжалик юритувчи субъектлари ва фуқароларининг муайян воқеалар содир бўлганда (суғурта ҳоллари) улар томонидан тўланадиган суғурта мукофотлари (яъни бадаллари)дан шаклланадиган пул фондлари ҳисобига мулкый манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро иқтисодий муносабатлардир.

Суғурта мукофоти (ёки бадал) — суғурта учун ҳақ бўлиб, уни суғурталанувчи суғурталовчига суғурта шаҳодатномасига (полисига) мувофиқ киритишга мажбур.

**Суғурта шаҳодатномаси (полиси)** ( франц. police итал. polozzadan — тилхат, тўлов қоғози) — суғурталовчи томонидан суғурта қилиш тўғрисида гувоҳнома сифатида бериладиган суғурталаш (ёки қайта суғурталаш) тўғрисида ёзма шартнома.

Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталаш жараёнида иккита субъект иштирок этади: шаҳодатнома (полис) соҳиби ва суғурталовчи.

**Шаҳодатнома (полис) соҳиби (суғурталанувчи)** — суғурта қизиқшини ифодаловчи, суғурта мукофотини тўлайдиган ва қонун кучи ёки икки томонлама битим (суғурта шарномаси)га кўра суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатига кирадиган хўжалик юритувчи субъект ёки фуқародир.

**Шаҳодатнома (полис) соҳиби бўлиб суғурталовчи билан суғурталаш шартномалари тузган ёки қонун кучига кўра суғурталанувчи бўлган шахс тан олинади.**

Суғурта шартномасини тузганда шаҳодатнома (полис) соҳиби суғурталовчига ташқи иқтисодий хатарни баҳолаш учун аҳамиятга эга бўлган, унга маълум бўлган барча вазиятларни ҳамда суғурта қилишнинг мазкур объектига нисбатан тузилган ёки тузилаётган барча шартномалар тўғрисида хабар бериши керак. Суғурта вазияти содир бўлганда полис соҳиби суғурта қилинган мол-мулкка зарар етишини олдини олиши ёки камайиши учун барча зарур чораларни кўришга мажбур.

**Суғурталовчи** суғурта фаолиятини амалга ошириш учун яратилган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланиб, суғуртани ўтказувчи ва суғурта фондининг яратилиши ва сарфланишини юритувчи бўлади.

Мамлакатнинг тўлов балансида суғурта операциялари шаҳодатнома (полис) соҳиби (яъни суғурталовчи) ёки суғурталовчи норезидент бўлганда акс эттирилади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталаш ташқи иқтисодий хатарларни суғурталашни англатади ва у ёки бу шаклдаги халқаро ҳамкорликнинг маҳаллий ва хорижий иштирокчилари манфаатларини таъминловчи суғурта турларининг мажмуидан иборатдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурта қилиш умуман суғурта каби мол-мулкнинг шахсий суғуртаси, жавобгарликни суғурта қилишни ўз ичига олади.

Шахсий суғурта фуқароларнинг суғурта ҳимоясини амалга оширишни англатади. Мулкий суғурта қилишда суғурта муносабатларининг объекти бўлиб турли турдаги мол-мулк ва мулкий манфаатлар чиқади. Мулкий суғуртанинг иқтисодий аҳамияти суғурта вазияти оқибатида вужудга келган зарарни қоплаш ҳисобланади.

Жавобгарликни суғурта қилишда **суғурта муносабатларининг объекти** шаҳодатнома (полис) соҳибининг (яъни суғурталанувчининг) бирор-бир ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида жисмоний ёки юридик учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик ҳисобланади. Полис соҳибига (суғурталанувчига) фуқароларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг шахсий мол-мулки ва уларнинг мулкий манфаатлари тааллуқли бўлган мулкий суғурта қилишдан фарқли равишда ва суғурта қилинганлар ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ бўлган муайян ҳодисалар содир бўлиши ҳолатига ўтказиладиган шахсий суғурта қилишдан фарқли ўлароқ, жавобгарликни суғурталашнинг мақсади ҳар бир суғурта ҳодисасида ўзининг аниқ пул ифодасини топадиган эҳтимол бўлган зарар келтирувчилар манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилиш ҳисобланади. Жавобгарликни суғурталаш суғурта суммаси ва суғурталанганни, яъни зарарнинг ўрни тўланиши керак бўлган фуқаро ёки хўжалик субъектини белгилашни назарда тутмайди.


Суғурта қилинган ва суғурта суммасининг қиймати суғурта ҳодисаси содир бўлганда, яъни учинчи шахсларга зарар етганда аниқланади.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг энг кўп тарқалган турига туристларни суғурта қилиш, ташқи савдо юкларини (юк ва /ёки транспортни) ташиш, валюта хатарларидан суғурта қилиш, хорижий инвестицияларни суғурта қилиш, автотранспорт эгасининг жавобгарлигини суғурта қилиш, тўланмаган кредит учун қарздор жавобгарлигини суғурта қилиш ҳисобланади.

Суғурталашнинг кўпгина турлари учун уларнинг юридик жиҳатдан тузилиши ихтиёрий ҳисобланади. Бироқ товар етказиб бериш тўғрисида, туристик хизматлар тўғрисида, қурилиш ва та-



шишга пудрат тўғрисида, у ёки бу мол-мулкнинг ижараси ва бошқалар тўғрисида битимлар тавсифи, қоидага кўра, суғурталашни шартнома амал қилишининг зарурий шарт-шароити сифатида ҳисобга олади. Тегишли контрактларнинг мазмунига боғлиқ ҳолда суғурталаш харажатларини тарафларнинг исталгани олиши мумкин, у ўз манфаатларига ва маҳаллий суғурта ташкилотларига мўлжал қилиб суғурта компанияси ва суғурталаш шартларини танлайди (10-чизма).



10-чизма. Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталаш шакллари

## 8.2. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг айрим турларини суғурталашнинг мазмуни

Туристларни тиббий суғурталаш

**Тиббий суғурталаш одатда туристнинг қуйидаги харажатларини қоплайди:**

- тиббий;
- касалхонада даволаниш;
- тез ёрдам машинасида ташиш;
- дори-дармонларни сотиб олиш;
- бахтсиз воқеа туфайли ёки тўсатдан бетоб бўлган беморни парвариш қилишга доир;
- хорижда вафот этганда жасадни олиб келишга доир;
- беморни Ўзбекистонга репатриация қилиш зарурияти бўлган ҳолда.

Агар суғурта қилинувчининг ёши 65 ошса, икки барабар ҳажмда тариф олинади. 70 ёшдан ошган шахслар суғурта қилинмайди. Суғурта қилиш тиббий кўриқдан ўтказилмай амалга оширилади.

Тиббий хизматларни хорижда суғурталашга Ўзбекистон Республикаси фуқароларида барқарор талаб бор.

Суғурта ушбу турининг оммавийлиги бошқа мамлакатга жўнаб кетаётган ўзбекистонликлар сонининг ўсиши сабабли кун сайин ошиб бормоқда. Бу яна шу нарса боғланганки, хорижда тиббий хизматлар нархи анча юқори ва уларни кўпчилик ўзбекистонлик туристлар мустақил тўлашга қодир эмас. Туристлик фирмалар ишининг амалиёти шунга кўрсатмоқдаки, хорижга жўнаб кетишда суғурта шаҳодатномаси — дабдаба эмас, балки ҳаётий заруратдир.

Ўзбекистонда берилган шаҳодатнома хорижий тиббиёт ташкилоти томонидан қабул қилиниши учун уни чиқарган суғурта ташкилоти таниқли бўлиши керак. Шунинг учун ўзбекистонлик суғурта ташкилотлари хорижий шериклар — жаҳонга машҳур бўлган суғурта ёки сервис ташкилотлари хизматларидан фойдаланишга мажбур.

Тиббий харажатларни суғурталашда тўсатдан касал бўлиш ёки бахтсиз ҳодиса оқибатида туғилган фақат шошилинч тиббий харажатлар қопланади, холос. Бундай шаҳодатномалар билан даволашни мақсадида жўнаб кетиш мумкин эмас ва уларга кўра борлиги тўғрисида жўнаб кетишга қадар маълум бўлган сурункали касалликларни даволашга ҳақ тўланмайди.

Айрим суғурта компаниялари ўз мижозларига тиббий суғуртага қўшимча равишда суғуртанинг бошқа турларини ҳам таклиф этишади: бахтсиз ҳодисалардан, фуқаролик жавобгарлигидан,

молия хатарларидан, йўлга чиқишнинг бекор бўлиши билан боғлиқ ва бошқа.

Бундан ташқари, шаҳодатнома тиббий хизматларнинг бутун-бир мажмуини таъминлаши мумкин: амбулаторияда ва стационар хизмат кўрсатиш, шошилишч стоматологик ёрдам, шифокор тайинлаган дори-дармонлар қийматини тўлаш, беморни транспортировка қилиш харажатлари, жумладан Ўзбекистонга олиб келиш.

Агар шаҳодатномага кўра хизматларни таъминлаш билан халқаро сервис хизмати шуғулланса, унда суғурта ҳодисаси содир бўлганда унинг эгасига шаҳодатномада кўрсатилган телефон бўйича кўнгироқ қилиш етарли бўлади. Унга нафақат тез ёрдам, балки амалий маслаҳатлар берилади, бу ҳол нотаниш жойда муҳим роль ўйнайди. Бунда суғурталанган кишига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича барча харажатларни суғурталовчи тўлайди.

Ҳозирги пайтда кўпинча маҳаллий суғурта ташкилотлари хорижга жўнаб кетаётган туристларга хорижда тиббий хизмат кўрсатишга бўлган нархларга мувофиқ келмайдиган, жавобгарлиги жуда паст лимитли шаҳодатномаларни ҳамда анча нуфузли хорижий шериклар иштирок этмаган шаҳодатномаларни таклиф этишади. Шунинг назарда тутиш лозимки, ташкилотлар таклиф этган паст тарифлар унинг рақобатли курашдаги муваффақиятининг аломати ҳисобланмайди.

Тиббий суғурта қилишнинг хусусияти шундайки, унда соф нархга оид рақобат бўлмаслиги керак, чунки шаҳодатномани арзонлаштириш асосан ё суғурта хизматининг паст сифати ҳисобига ёхуд жавобгарлик лимитини пасайтириш ҳисобига эришилади. Бунда шаҳодатномани сотиб олган суғурталовчи нафақат тиббий ёрдамни олмаслик (кўплаб суғурталовчилар хорижда нақд пул тўлаб суғурта қилинган киши харажатларини Ўзбекистонда компенсация қилиш принципитига кўра ишлайдилар), балки элчихонада виза олишга рад жавобини олиш билан ҳам таваккал қилади.

Шунинг учун, суғурта шаҳодатномасини танлашда нафақат нархига, балки суғурта хизматлари (суғурта маҳсулоти) сифатига ҳам мўлжал қилиш зарур. Уни танлашда эътибор қаратиш лозим бўлган асосий жиҳатлар — жавобгарлик лимити, таъминланадиган тиббий хизматлар рўйхати, франшизанинг мавжудлиги ва хорижий суғурта ёки сервис ташкилотларининг иштироки.

### **Ёмон об-ҳаво ҳодисасини суғурталаш**

**Ёмон об-ҳаво ҳодисасини суғурталаш тижорат хатарини суғурталаш учун мўлжалланган.**

**Суғурталаш объекти бўлиб, мисол учун, уларни ташкил этиш**

учун антрепренернинг каттагина харажатларини қоплаши керак бўлган стадион ва бошқа очиқ майдонларда йирик концерт-спорт тадбирларини ташкил этишдаги тўла аншлаб бўлиши мумкин. Антрепренер учун ноқулай омил ёмон об-ҳаво бўлади (ёмғир, қор, ҳавонинг манфий температураси ва ҳоказо), шу сабабли концерт-спорт тадбири томошабинларнинг йўқлиги ёки артист ёки спортчиларнинг чиқишларига жисмонан имкон бўлмагани туфайли бекор қилиниши мумкин.

Ёмон об-ҳаво ҳодисасидан суғурта шартномасида суғурталовчи антрепренерга суғурта шаҳодатномасида санаб ўтилган об-ҳаво омиллари билан шартланган муваффақиятсиз антрепризадан кўрилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

### **Делькредерени суғурталаш**

**Делькредере** (итал. *del credere* — ишончга) — коммиссионернинг учинчи шахс билан тузилган шартномасини бажариш учун коммиссионернинг комитент олдидаги кафолати. Делькредере учун коммиссионер алоҳида мукофот олади. Учинчи шахс томонидан битимга доир мажбурият бажарилмаган тақдирда ўзига делькредере олган брокер ёки агент тақдим этган шахсга зарарларни қоплайди. Делькредере шартлари тақдим этаётган шахсга тижорат хатарини анча камайтириш ёки истисно қилиш имконини беради, чунки брокер (агент), маҳаллий бозорни билишидан фойдаланиб, битимнинг муваффақиятли бажарилиши учун шароитларни таъминлаши мумкин.

**Делькредерени суғурталаш** — 180 кундан ортиқ бўлмаган муддатга ички ва хорижий буюртмачи томонидан товар ва хизматларни етказиб беришга доир қисқа муддатли дебиторлик қарзи бўйича хатарлардан суғуртавий ҳимоялашдир.

Делькредерени суғурталаш етказиб бериш бажарилган, уларга кўра ҳисоб қилинган ва улар харидор томонидан батамом қабул қилинган пайтдан бошланади. Шаҳодатнома ушловчисига харидорнинг тўловга қобилиятсизлиги оқибатида туғилган дебиторлик қарзи бўйича зарар қопланади.

### **Депозитларни суғурталаш**

**Депозитларни суғурталаш** суғурта қилишнинг банклар томонидан амалга ошириладиган бир тури бўлиб, унга кўра омонатчиларга банкни банкрот деб эълон қилинган ҳолларда уларнинг омонатлари қайтарилиши кафолатланади. Депозитларни суғурта қилиш суғурта қилишнинг ихтиёрий шакли ҳисобланади.

## Валюта хатарларидан суғурталаш

**Валюта хатарлари** (яъни валюта курслари ўзгаришидан зарарлар) экспортчи ҳисобварағига тушум тушган пайтдан бошланади. Ташқи иқтисодий контрактда валюталарнинг иккита тури қайд қилинади: нарх валютаси ва тўлов валютаси.

**Нарх валютаси (ёки битим валютаси)** — товар (хизмат) нархи белгиланадиган ёки тақдим этилган халқаро кредит суммаси ифодаланадиган валютадир.

**Тўлов валютаси** — товар (хизмат)нинг ҳақиқатдаги тўлови ёки халқаро кредитни сундириш амалга ошириладиган валюта. Бу икки валюталар бир бирларига мос келиш ёки келмаслиги мумкин.

Валюта хатарлари ташқи савдо операциясини амалга ошириш вақтида тўлов валютаси ва экспортчининг чиқимлари ифодаланган ёки унинг валюта тушумлари (валюта нархлари) ҳисобга олинадиган валюта билан мутаносиблиги ўзгаришида пайдо бўлади. Валюта хатарларининг қиймати валютанинг харид қобилияти йўқолиши билан боғланган, шунинг учун у битимни тузиш муддати ва тўлов пайти орасидаги вақтдаги узилишга бевосита боғлиқликда бўлади.

Экспортчининг (сотувчининг) курс йўқотишлари тўлов валютаси курсининг тушишигача контрактлар тузилган ҳолда туғилади, шунинг учун тушган маблағларга экспортчи миллий пул маблағларини камроқ олади.

Импортчи (харидор) эса нарх валютаси кўтарилганда зарар кўради, чунки унинг харид қилишга миллий валюта маблағларини кўпроқ сарфлашига тўғри келади.

**Валюта хатарини қуйидаги икки усулни қўллаб камайтириш мумкин:**

- нарх валютасини тўғри танлаш;
- контрактлар бўйича валюта позицияларини тартиб солиш.

Ташқи иқтисодий контрактда нарх валютасини тўғри танлаш усули контрактда нархни шундай валютада белгилаш кераклигидан иборатки, унинг ўзгариши мазкур ташкилот учун фойдали бўлсин. Экспортчи учун бундай валюта «кучли» валюта бўлади, яъни шундайки, унинг курси контракт амал қилиш муддати мобайнида ошади. Импортчи учун курси пасаядиган «заиф» валюта фойдали. Бироқ шуни назарда тутмоқ лозимки, валюталар курси ҳаракатининг прогнози зўр бўлганда 70% дан ортиқ бўлмаган эҳтимолга эга бўлади. Бундан ташқари, контрактни тузишда ҳар доим ҳам валютани танлаш имкони бўлмайди, чунки бу масалада шерикларнинг манфаатлари қарама-қарши бўлиши мумкин ва, бинобарин, қулай валютани танлаб шартноманинг бирон-бир бошқа

бандига кўра (нарх, кредит, таъминот ва ҳоказо) ён беришга тўғри келади, бу эса ҳар доим ҳам мумкин ва фойдали бўлмайди. Тузилаётган ташқи иқтисодий контрактлар бўйича валюта позицияларини тартибга солиш усули турли давлатлардан бўлган шериклар билан кўп сонли ташқи иқтисодий битимларни тузадиган хўжалик юритувчи субъект томонидан қўлланилиши мумкин.

Усулнинг мазмуни тузилган контрактлар бўйича пул талаблари ва мажбуриятлар таркибининг баланслашганини таъминлашдан иборат бўлиб, бунга икки усулда эришиб бўлади:

а) экспорт ва импортга контрактларни бир вақтнинг ўзида имзолашда шу нарсани кузатиш керакки, ушбу контрактлар бир валютада тузилсин ва тўлов муддатлари тахминан мос келсин. Ушбу ҳолда экспорт бўйича валюта курси ўзгаришидан зарарлар импорт бўйича фойда ҳисобига компенсацияланади ва аксинча;

б) агар хўжалик юритувчи субъект ташқи иқтисодий фаолиятнинг фақат бир турида ихтисослашган бўлса, унда валюта таркибининг диверсификацияси мақсадга мувофиқ бўлади, яъни курс ўзгаришининг қарама-қарши тамойилига эга бўлган турли валюталарни қўллаш билан контрактлар тузилади.

Валюта хатарларидан суғурталашнинг иккита усули қўлланилади:

- 1) валюта таъкидлари;
- 2) форвард операциялари.

Валюта таъкидлари контракт матнига махсус киритиладиган шартдан иборат бўлиб, унга мувофиқ тўлов суммаси таъкид валютасига нисбатан тўлов валютаси курсининг содир бўладиган ўзгариши ўша нисбатда қайта кўриб чиқилиши керак бўлади.

Валюта таъкидлари валюта товар бозорларидаги ўзгаришлар билан тўланиши керак бўлган тўловлар миқдорини боғлаб қўяди. Бу валюта хатарларидан суғурталашнинг энг кўп тарқалган усулидир. Валюта таъкидлари:

- билвоста;
- бевосита;
- мультивалюта;
- экспортчи фойдасига бир тарафлама;
- индексли бўлади.

Билвосита валюта таъкидлари товар нархи халқаро ҳисоб-китобларда энг кўп тарқалган валюталарда (АҚШ доллари, Япония иенаси ва бошқа) қайд қилинган, тўлов эса бошқа пул бирлигида, одатда миллий валютада назарда тутилган ҳолларда қўлланилади. Бундай таъкид матни тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

«Нарх АҚШ долларида, тўлов Япония иенасида. Агар иенага доллар курси тўлов арафасида контракт тузилган кун курсига қара-

ганда ўзгарса, тегишинча товар нархи ва тўлов суммаси ўзгаради».

Бевосита валюта таъкидлари нарх валютаси ва тўлов валютаси мос келганда қўлланилади, бироқ контрактда келишилган тўлов суммаси миқдори тўлов валютаси курсининг бошқа, валюта таъкиди деб номланмиш анча барқарор валютага нисбатан ўзгаришига боғлаб қўйилади. Бевосита валюта таъкиди тўлов валютасининг олдинги даражадаги харид қобилятини сақлаб қолишга қаратилган.

Бундай таъкиднинг ифодаланиши тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

«Товар нархи ва тўлов АҚШ долларарида. Агар тўлов кунда долларнинг иенага нисбатан курси Нью-Йоркнинг валюта бозорида контракт тузилган кунга нисбатан паст бўлса, унда товар нархи ва тўлов суммаси долларда тегишинча кўтарилади».

Мультивалюта таъкидлари — амал қилиши тўлов суммасини тўлов валютаси курсининг, лекин битта валюта эмас, балки курслари муайян услубият бўйича уларнинг ўртача миқдори сифатида ҳисоб-китоб қилинадиган валюталарнинг махсус танланган термасига /«валюта халтаси»га/ нисбатан ўзгаришига мутаносиб равишда тузатишга асосланган таъкидлардир. Масалан, «халта» валюталари ҳар бири курсининг бошланғич даражадан тафовут қилишининг ўртача арифметик фоизи базасида ёки таъкидланган валюталар термасининг ҳисоб-китоб қилинган ўртача арифметик курсини ўзгартириш базасида.

СДР ва ЭКЮ базасидаги таъкидлар мультивалюта таъкидининг бир тури ҳисобланади, чунки уларнинг курси ҳам муайян валюта термаси таркибида «валюта халтаси» асосида ўртача ҳисобланган миқдори сифатида белгиланади.

Халқаро валюта фонди ҳар куни кўп валюталарга нисбатан СДР котировкасини беради. Европа валюта тизими ҳам ЭКЮга нисбатан ана шундай қилади.

СДР базасидаги таъкиднинг ифодаланиши тахминан қуйидагича бўлади:

«Товар нархи ва тўлов «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ сон контракт имзоланган пайтга қадар икки иш куни учун АҚШ долларарида. ХВФ котировкаси бўйича СДР \_\_\_\_\_ АҚШ долларига тенг».

Агар тўлов санасидан олдин келадиган икки иш куни учун АҚШ долларларидаги СДР қиймати мазкур контракт имзоланган пайтга қадар икки иш куни учун қайд этилган АҚШ долларларидаги СДР котировкаси билан қиёслганда 2 фоиз ва ундан кўпга ўзгарса, тўлов суммаси харидор томонидан автоматик тарзда тўлов санасида АҚШ долларларидаги СДР қиймати мазкур контракт

имзоланган пайтдаги ушбу котировка билан қиёслаганда ўзгарганидек нисбатда қайта ҳисобланиши мумкин. Мазкур контракт бўйича ҳисоб-китобларни бажариш учун Рейтер агентлиги эълон қилиб борадиган ХВФ котировкаси қўлланилади.

Шуни назарда тутиш жоизки, валюта таъкидларининг юқорида айтилган барча турларини қўллаш валюта хатаридан сугурталашни тўлиқ таъминлаши мумкин эмас. Лотин Америкаси бир қатор мамлакатларининг қонун ҳужжатлари умуман валюта таъкидларини қўллашни ман этади. Бундан ташқари, контрактга валюта таъкидини киритишга розилик бергани учун чет эл фирмаси Ўзбекистон томонидан контрактнинг бошқа позициялари бўйича, биринчи навбатда нархда ён беришини талаб қилади.

Экспортчининг фойдасига бир томонлама таъкид ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, нарх валютаси курсининг ўзгариши тарафлар томонидан белгиланадиган ўзгаришлар доирасидан чиққанда контрактга контракт нархини қайта кўриш тўғрисида таъкид киритилиши мумкин.

1998 йилдан бошлаб ягона Европа валютаси ЭКЮ Евро билан алмаштирилди. Европа Иттифоқи 1999 йилда давлатлараро ва нақдсиз ҳисоб-китоблар учун Евро валютасини узил-кесил жорий этди. Нақдли оборотга Евро 2002 йилда келиб тушиши керак.

Бундай таъкиднинг матни қуйидаги мазмунда бўлиши мумкин:

«Товар нархи ва тўлов АҚШ долларида. Агар доллар курси контракт тузилган кундаги котировка билан қиёслаганда — фоиздан кўпга пасайса, сотувчи тугалланмаган етказиб беришларга доир нархларни қайта кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Келишувга эришилмаган тақдирда сотувчи импортчига ҳеч қандай компенсациясиз бундан кейинги етказиб беришлардан бош тортиш ҳуқуқига эгадир».

Мазкур сотувчи (яъни экспортчи) фойдасига бир томонлама таъкид ҳам унинг манфаатларини тўлиқ даражада таъминламайди, чунки унинг ифодаланиши тарафларнинг келишувига боғлиқ ҳолда нархнинг эҳтимол бўлган ошиши миқдорини белгиламайди. Ушбу ҳолда нархнинг мумкин бўлган «сирғаниш» доирасини кўрсатган таъкид анча мақбулдир. Конъюнктура экспортчининг фойдасига бўлганда бу шарт самарадор бўлиб, у бошқа харидорларни осонлик билан топиши мумкин.

Индекс таъкидлари ҳам мавжуд бўлиб, улар бўйича тўлов суммаси нарх индексларига боғлиқ бўлади. Индекс таъкидларидан фойдаланилганда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

**Биринчидан**, нарх индекслари ўртачалаштирилган тусга эга, уларнинг ўзгаришлари мазкур товар бозорида ишларнинг ҳақиқий



аҳволини тўлиқ акс эттирмаслиги ёки мазкур товар нархлари ҳаракатига айнан бўлмаган нархларнинг ўзгаришига доир умумий манзарани бермаслиги мумкин.

Иккинчидан, нархларнинг энг мақбул индексини танлаш жуда мураккаб, чунки нарх индексларини у ёки бу мамлакатнинг миллий статистика органлари ҳам, турли халқаро ташкилотлар ҳам эълон қилади. Шу нуқтаи назардан олганда миллий статистика органлари эълон қиладиган нарх индекслари импортчи валютаси харид кучининг динамикасини одатда анча ишончли акс эттиради.

Ташқи иқтисодий контрактга доир ҳисоб-китоблар одатда халқаро тўловлар учун фойдаланиладиган учинчи мамлакатлар валюталарида юритилиши назарда тутилган ҳолларда халқаро ташкилотлар эълон қиладиган индексларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Тайёрлаш муддати ва етказиб бериш цикли узоқ давом этадиган товарларни сотишда ёки харидорга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилганда валюта талафотларидан ҳимоя қилишнинг муқобил усулларидан бири сифатида нарх валютаси курсининг ёки харид қобиляти пасайишининг ҳисоб-китобли суръатига, яъни нархни ҳисоб-китоблар валютасининг тахмин қилинаётган қадрсизланишига мутаносиб равишда ошириш суръатига мувофиқ нархни тузатишдек усулни қўллаш мумкин.

Суғурталашда форвард операциялари форвард қопламани, яъни нарх хатарига қарши суғурталашни англатади.

Форвард қоплами ўзини валюта курсининг назарда тутилмаган ўзгаришидан суғурталаш учун валюта харидори ёки сотувчиси томонидан тузилган муддатли контракт орқали амалга оширилади.

Валюта хатарларини суғурталашга доир форвард операцияларининг моҳияти куйидагидан иборат. Тижорат таклифини тақдим этганда ёки контрактни имзолаган пайтда экспортчи контракт бўйича тўловлар келиб тушишининг намунавий графигини билган ҳолда ўз банки билан олдиндан белгиланган форвард курси бўйича валютада олинадиган тушумларни унга қайтадан бериши тўғрисида келишувни тузади. Шу тариқа, экспортчи ўзининг миллий валютадаги тушуми суммасини аниқлаши ва, шундан келиб чиқиб, контракт нархини белгилаши мумкин. Ушбу форвард курси тегишли тўловларда депозитлар бўйича банклараро бозорда фоизли ставкалардаги тафовутга боғлиқ ҳолда, бундай битимни амалга ошириш санасида валютанинг нақд курсига қараганда кўпроқ (яъни мукофот билан котировка қилиниши) ёки камроқ (яъни дисконт билан котировка қилиниши) бўлиши мумкин.

Форвард операцияларини ваколатли банклар амалга оширади.

### Чет эл инвестицияларни суғурталаш

Чет эл инвестицияларини суғурталашга доир хизматларни Жаҳон банкининг аъзоси бўлган ва 1988 йилнинг 12 апрелида асос солинган Инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлик (МИГА ёки MIGA) тақдим этади.

МИГАнинг вазифаси ривожланаётган мамлакатларга чет эл инвестицияларини:

- инвестицияларга валютани ўтказиш, экспроприация қилиш, уруш, фуқаролар тартибсизликлари ва сармоя қўйилган мамлакат ҳукумати томонидан контракт шартлари бузилиши билан боғлиқ хатарларга қарши кафолатлар бериш;
- агентлик аъзоси бўлган ривожланаётган мамлакатларга ана шу мамлакатларни чет эл сармоясини қўйиш учун жозибалироқ қиладиган чораларни амалга оширишга доир маслаҳат хизматларини тақдим этиш йўли билан рағбатлантириш ҳисобланади.

**Валютани ўтказиш билан боғлиқ хатарларни суғурталаш** инвесторнинг уларни мамлакатдан олиб чиқиш учун пул маблағларини (даромадлар, қарзнинг тўланган суммаси, қарз бўйича фоизлар, сармоя ва бошқа тўловларни) маҳаллий валютада конвертациялашга ноқобиллиги билан боғлиқ зарарлардан инвесторни ҳимоя қилади. Инвестор ривожланаётган мамлакат ҳукуматининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, валюталарни айирбошлашга доир қонунларнинг нохуш тарзда ўзгариши ёки чет эл валютасини айирбошлаш ва олиб чиқишга таъсир кўрсатадиган шартларнинг ёмонлашуви сабабли конвертацияланадиган валютани олиш кечиккан тақдирда суғурта олади. Суғуртанинг ушбу тури маҳаллий валюта девольвациясини қопламайди.

Блокировка қилинган маблағлар маҳаллий валютада олинганидан сўнг МИГА кафолати таъкидланган валютада компенсация (товон) тўлайди.

Экспроприация билан боғлиқ хатарларни суғурталаш инвестор суғурталанган инвестицияларга доир ҳуқуқларининг бир қисмини ёки барчасини йўқотиши мумкин бўлган ҳукумат ҳаракатлари натижасида суғурталанган сармояни қисман ёки тўлиқ йўқотишдан инвесторни ҳимоя қилади. Суғурталаш миллийлаштириш, мусодара қилиш ва «яширин» экспроприацияни — ҳукуматнинг пировардида экспроприация муқобилига айланадиган, бир-бирининг давоми бўлган ҳаракатлари туркумини ҳам қоплайди.

Суғурталаш чекланган миқдорда қисман экспроприация ҳолатида, яъни пул маблағлари ёки асосий фондларнинг бир қисми мусодара қилинганда мумкин бўлади. Суғурталаш ҳукумат томонидан ўз фаолиятини амалга ошириш учун қонун йўли қўядиган

доирада қабул қиладиган ҳуқуқни камситмайдиган чораларга татбиқ этилмайди.

Сармоя тўлиқ экспроприация қилинганида МИГА суғурталанган инвестицияларнинг номинал қийматини тўлайди. Пул маблағлари ёки асосий фондлар нотўлиқ экспроприация қилинганида Суғурта тадқиқотлари халқаро уюшмаси (МАСИ) пул маблағларининг суғурталанган қисми ёки экспроприация қилинган фондларнинг номинал қийматини тўлайди. Ссудалар ва ссуда кафолатлари бўйича МИГА ссуда суммасига суғурта ҳақини ва компенсация кунда тегишли бўлган ҳамда келажакда тўланадиган фоизни ҳам тақдим этади.

Компенсация инвестор МИГАга экспроприация қилинган инвестицияларга нисбатан ўзининг тўлиқ ёки қисман эгалик ҳуқуқини берганидан сўнг тўланади.

**Урушлар ва фуқаролар тартибсизликлари билан боғлиқ хатарларни суғурталаш** инвесторни ривожланаётган мамлакатда уруш ёки фуқаролар тартибсизлиги натижасида асосий фондларнинг шикастланиши, вайрон бўлиши ёки йўқолишидан ҳимоя қилади. Суғурта инқилоб, қўзғолон, ҳарбий тўнтариш, саботаж ёки террорчилик ҳаракатлари ҳолатларига татбиқ этилади. Корхонанинг асосий сармоясига (equity) инвестициялар суғурта қилинганида МИГА жабрланган тарафга инвестициялар номинал қийматининг ва асосий фондларни алмаштириш қийматининг кам суммасини тўлайди. Шикастланган асосий фондлар бўйича уларни тузатиш қиймати тўланади. Ссудалар ва ссуда бўйича кафолатлар суғурталанганида МАСИ, агар тўламаслик асосий фондларга уруш ёки фуқароларнинг тартибсизликлари етказган зарарнинг бевосита оқибати ҳисобланса, жабрланган тарафга ссуда суммаси ва тўланмаган фоизни тўлайди.

Суғуртанинг ушбу тури бир йилгача бўлган муддатга лойиҳа устида ишлашни тўхтатишга олиб келадиган ва ушбу лойиҳа устида ишлашни молиявий мулоҳазалар бўйича давом эттириш мумкин бўлмаган ҳолларни қоплайди.

Агар лойиҳа батамом зарар кўриладиган ва суғурталанган инвестицияларнинг номинал қиймати ҳажмида бўлгандагина тўлов амалга оширилади. Ссудалар ва ссуда бўйича кафолатлар суғурталанганида МИГА, агар тўламасликлар лойиҳа устидаги ишни тўхтатишнинг бевосита оқибати бўлса, жабрланган тарафга ссуда суммаси ва тўланмаган фоизни тўлайди.

**Контракт шартларини бузиш билан боғлиқ хатарларни суғурталаш** инвесторни сармоя қўйилган мамлакат ҳукумати томонидан контракт шартлари бузилиши ёки бекор қилиниши натижасида юзага келган талафотлардан ҳимоя қилади. Бундай ҳолларда жабр-

ланган тараф аввал Арбитражда зарарлар тасдиғини олиши керак. Агар Арбитраж қарорида белгиланган вақтда зарарлар қопланмаса, МИГА компенсация тўлайди.

МИГА МАСИ аъзоси бўлган исталган ривожланган мамлакатга МИГА исталган аъзосининг исталган янги инвестицияларини, лойиҳани сармоялаштиришни кенгайтиришга, модернизациялаш ёки ўзгартиришга ёки хусусийлаштириладиган давлат корхоналарини харид қилишга йўналтирилган қўшимча инвестицияларни суғурталашни амалга оширади.

Инвестицияланаётган сармоя асосий сармоя, акциялар эгалари тақдим этадиган ссудалар ёки асосий сармоя эгалари тақдим этган ссудалар кафолатлари шаклида, агар ушбу ссудалар ўртача уч йилгача муддатга берилган бўлса, бўлиши мумкин. Мазкур лойиҳа билан боғлиқ миқозлар учун ссудалар ушбу лойиҳада асосий сармояни бир вақтда суғурталаш шarti билан суғурталаниши ҳам мумкин. Суғурта инвестициялашнинг бошқа шакллари ҳам, шу жумладан техник ёрдамни, менежментга доир хизматлар кўрсатиш бўйича контрактларни, башarti улар камида уч йил муддатга тузилган ва хизматлар кўрсатилишига ҳақ тўланиши бевосита лойиҳанинг даромадлигига боғлиқ бўлса, лицензиялаш ва корхоналар тармоғини очиш тўғрисидаги келишувларни қоплайди.

МИГА фаолиятининг пировард мақсади иқтисодий ўсиш ва ривожланишни таъминлаш ҳисоблангани учун суғурталанувчи лойиҳалар қатъий молиявий, иқтисодий ва экологик талабларга мувофиқ келиши керак. Улар ривожланаётган мамлакатга иш жойларини ташкил этишда, ишлаб чиқаришни техник жиҳозлаш ва экспортни ривожлантиришда ҳам ёрдам бериши керак.

Алоҳида лойиҳа бўйича суғурталашнинг энг юқори миқдори — 50 миллион доллар.

Маблағлар қўйиладиган мамлакатдан ташқари, МИГА аъзоси бўлган исталган мамлакатнинг исталган инвестори ўз инвестицияларини суғурталашни мумкин. Агар у МИГА аъзоси бўлган мамлакатда рўйхатга олинган ёки у ерда операцияларнинг асосий қисмини амалга оширса ёки ушбу корпорация соҳибларининг кўпчилиги МИГА аъзоси бўлган мамлакатларнинг юридик шахслари ҳисобланса, корпорация суғурта ҳақини олиши мумкин. Агар улар тижорат фаолияти билан шуғуллансалар, давлат корхоналари суғурта ҳақини олишлари мумкин.

Кафолатлар одатда 15 йилга берилади, лекин МИГА буни зарур деб ҳисобласа, 20 йилга қадар узайтирилиши мумкин. Инвестициялаш тўғрисидаги контракт муддати, асосий сармояга инвестициялашдан ташқари, одатда бериладиган кафолатлар муддатига мувофиқ келади. Агар суғурта ҳақини олган инвестор ўзининг

суғуртага доир контракт мажбуриятларини бузсагина, МИГА кафолатлар бериш тўғрисидаги контрактни бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Инвестор исталган йилда, контракт кучга кирган пайтдан бошлаб тўртинчи йилдан контракт тузилган кунда суғуртани бундан кейин олишдан воз кечиши мумкин.

### Автотранспорт эгаларининг масъулиятини суғурталаш

Автотранспорт воситалари эгаларининг йўл-транспорт ҳодисасини содир этиш чоғида бошқа шахсларга эҳтимол бўлган зарар етказилиши учун фуқаролик масъулияти уларни суғурталаш объекти ҳисобланади. Етказилган моддий зарар ва азият чеккан фуқароларга шикаст етказилиши билан боғлиқ бошқа харажатлар суғурта ташкилоти томонидан қопланиши керак. Суғуртанинг ана шу тури бўйича шикастланган транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни тиклаш билан боғлиқ моддий зарар тўланади, азият чеккан фуқароларни даволаш, протезлаш, овқатланишни кучайтириш, малакасини ўзгартириш билан боғлиқ харажатлар ҳақи тўланади, азият чеккан кишиларнинг шикастланиши ёки ўлим муносабати билан оила даромадининг талафотлари қопланади, шу жумладан болалар ёки бошқа қариндошларга умрбод пенсия тўланади.

Халқаро амалиётда автотранспорт эгаларининг масъулиятини суғурталаш «яшил карта» номи билан маълум.

**Яшил карта** — автомобиль воситаси эгасининг фуқаролик масъулиятини мажбурий суғурталаш тўғрисидаги халқаро шартномалар тизимидир. Ўз номини у суғурта полисининг ранги ва шаклига қараб олган.

«Яшил карта» тизимига 1949 йилда асос солинган. У транспорт воситаларининг 32 давлат чегаралари доирасида эркин ҳаракат қилишини кафолатлайди.

Зарар етказилиши муносабати билан жавобгарлик ҳажми, одатда, мазкур мамлакатда амал қиладиган автофуқаролик масъулиятини мажбурий суғурталаш тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. Амалда Европадаги барча мамлакатларда автофуқаролик масъулиятини суғурталаш мажбурий ҳисобланади. Бундай мамлакатлар ҳукуматлар, «Яшил карта» миллий бюроси ва суғурта бозорлари яқиндан ҳамкорлик қиладиган Яшил карта тизимига бирлашадилар.

1997 йилда «Яшил карта»нинг Европа бюросига янги аъзоларни қабул қилиш қоидалари ўзгартирилди. Мамлакат автофуқаролик масъулиятини мажбурий суғурталаш тўғрисидаги қонунга эга бўлмасда, барча бошқа талабларни бажариб, «яшил карталар» тизимига кириши мумкин.

Бундай аъзолар «транзит аъзолар» деб аталади, чунки уларнинг ваколатлари ва бўлиш муддати (икки йил) чекланган бўлади. Тегишли қонунни қабул қилиб, мамлакат тенг ҳуқуқли аъзога айланиши мумкин. Агар бу нарса юз бермаса, мамлакат «Яшил карта»нинг Европа бюросидан ўчирилади ва уни қабул қилиш масаласи янгидан икки йилдан олдин кўтарилиши мумкин эмас.

### Экологик хатарларни суғурталаш

Экологик хатарларни суғурталаш суғурталовчининг атроф муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ хатарлар учун масъулиятини назарда тутати. Бундай хатарларга, масалан, танкерлардан нефть маҳсулотларининг денгизга оқиб кетиши ва у билан сув ҳамда соҳилларнинг ифлосланиши учун кема эгаларининг масъулиятини суғурталаш; ядро энергиясидан тинч мақсадда фойдаланиш жараёнида учинчи шахсларга етказилган ядровий зарар учун масъулиятни суғурталаш; ер ости сувлари, ер ва ҳавони ифлослантирганлик учун масъулиятни суғурталаш; кон-қазув фаолиятдан етказилган зарар учун масъулиятни суғурталаш ва ҳоказолар киради.

Экологик хатарларни суғурталаш муайян мамлакатда амал қиладиган табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг меъёрларига асосланади. Мазкур суғурталашдан мақсад — полис соҳиби (суғурталанувчи)нинг фаолияти туфайли атроф муҳитни ифлослантириш натижасида етказилган зарарни қоплаш зарурати билан боғлиқ зарарларни қоплашдир.

Баъзан ҳатто полис соҳиби (суғурталанувчи) атроф муҳитни ифлослантиришда айбдор бўлмаган ҳолда ҳам ускунанинг атроф муҳит учун хавфлилигини исботлашгина етарли бўлганда (яъни оширилган хавф манбалари учун — айб даражасидан қатъи назар зарарни қоплаш мажбурийлиги қоидаси амал қилганда) экологик хатарлар бўйича жавобгарлик юзага келади. Бу ҳол муайян давлатнинг экологияга оид миллий қонун ҳужжатларининг хусусиятлари билан боғлиқ. Айни вақтда суғурталовчилар одатда ўзларининг қоплаш ҳажмларига бирор-бир авария билан боғлиқ атроф муҳитни ифлослантириш ҳолларинигина киритиб, полис соҳиби (суғурталанувчи)нинг қасддан қилинган ҳаракатлари билан боғлиқ, аввалдан режалаштирилган ташлама ва зарарларни чиқариб ташлайдилар, шунинг учун унинг шартларида кўпинча халқаро конвенция ва шартномалар тизимига биноан белгиланадиган тўловларнинг энг юқори миқдори таъкидланади.

### 8.3. Халқаро суғурталаш ва унинг институтлари

Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталаш турли халқаро суғурта операцияларини ўтказиш воситасида амалга оширилади. Халқаро суғурта операциялари — турли мамлакатлар миллий иқтисодиётлари ўртасида суғурта фондини рўёбга чиқариш бўйича хўжалик алоқалари суғуртасидир.

Халқаро суғурта тизимида Англиянинг «Ллойд» суғурта корпорацияси алоҳида ажралиб туради, бугунги кунда у халқаро суғурта бозори ва денгиз кемачилиги ҳамда тижоратга доир ахборотларнинг энг йирик ноширлик маркази ҳисобланади.

«Ллойд» суғурта корпорацияси Эдвард Ллойд (1713 йилда вафот этган) соҳиби бўлган Ллойд қаҳва уйидан келиб чиққан. Ллойднинг қаҳва уйи ҳақида дастлаб 1688 йилда эслатилган эди. Бу қаҳвахонада суғурталовчилар, кема эгалари ва савдогарларнинг мунтазам учрашувлари ўтказиларди. 1696 йилдан Эдвард Ллойд «Ллойдз Ньюс» деган, 1734 йилдан эса «Ллойдс Лист» деган суғурта газетасини нашр эта бошлади. 1760 йилда Ллойд тизимида дунёда биринчи марта малакали жамият — судлар регистри (Ллойд Англия регистри) ташкил топди. 1871 йилда Британия парламентининг қарори билан «Ллойд» суғурталовчилар бирлашмаси суғурталовчилар корпорацияси расмий мақомини олди.

Халқаро суғурта операцияларини ташкилий-ҳуқуқий белгилашга кўра гуруҳларга бўлиш мумкин.

Бевосита халқаро шартнома операциялари бир мамлакатнинг полис соҳиби (суғурталанувчиси) бошқа мамлакатнинг суғурталовчиси билан суғурта шартномасини тузишини англатади. Мазкур операциялар бевосита чет эллик суғурталовчининг бош идораси томонидан ҳам, суғурта брокерлари томонидан ҳам тузилади.

Бевосита суғурталаш шуни англатадики, суғурта шартномалари суғурталовчининг хориждаги агентлик ташкилотлари орқали тузилади. Ушбу операциялар миллий суғурта бозори йўқ бўлган, аниқ молия-тижорат афзалликлари (анча паст тарифлар, катта ҳажмдаги суғурта қоплами, валюта омиллари ва ҳоказолар) ёки юридик (амалда) мажбурлаш фактлари (масалан, СИФ шартларида ташқи савдо контрактга мувофиқ) мавжуд бўлган, экспортчи импортчи томонидан тайинланган чет эллик суғурталовчидан товарни суғурталаш мажбуриятини қабул қилган тақдирда амалга оширилади.

Воситачилик суғурталари суғурталаш шартномалари чет элдаги юридик жиҳатдан мустақил ташкилотлар, яъни шубъа суғурта ташкилотлари томонидан тузилишини англатади.

Қайта суғурталаш шундай иқтисодий муносабатлар тизимидирки, унга мувофиқ суғурталовчи хатарларни суғурталашга қабул қилиб, балансланган суғурталар портфелини яратиш, суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларга доир масъулиятнинг бир қисмини келишилган шартларда бошқа суғурталовчиларга беради.

Қайта суғурталаш бир суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан шартномада белгиланган шартларда бошқа суғурталовчи (қайта суғурталовчи)нинг суғурталанувчиси олдида ўз мажбуриятларининг ҳаммасини ёки бир қисмини бажариш хатарини суғурталаш демакдир.

Халқаро суғурта бозорида хатарларни бутунлай бошқа суғурталаш ёки қайта суғурталаш ташкилотларига топшириш мақсадида кўпинча фронтинг (ингл. Front — ... га чиқиш) қўлланилади.

**ФРОНТИНГ** — шундай операцияки, унинг жараёнида ташкилот суғурта полисини расмийлаштиради, лекин хатарни (бир қисми ёки ҳаммасини) шартномада номи келтирилмаган ва кўпинча суғурталанувчига номаълум бўлиб қоладиган бошқа суғурталовчига топширади. Бошқача айтганда, фронтинг кўпинча уларнинг илтимосига кўра тегишли ҳақ эвазига бошқа суғурта ташкилотларига тўлиқ ёки қисман бериш мақсадида хатарларни суғурталашга (қайта суғурталашга) қабул қилишни англатади.

Унинг ўзи ёки полислари киритилмайдиган бозорга суғурталовчи қандай бўлмасин кириб олишни хоҳлайдиган ҳолда амалга оширилади. Бунда суғурталовчи ҳақ эвазига суғурта полисини расмийлаштириш таклифи билан мурожаат қилади, сўнгра хатар ва суғурта бадалларини ўзига ўтказди.

Бошқа суғурталовчининг илтимосига кўра суғурта полисини ўз номидан берадиган, қабул қилинган хатарнинг 100 фоизи ушбу суғурта полиси бериладиган суғурталовчининг ўзида қайта суғурталанишини эътиборда тутадиган суғурта ташкилоти фронтландиган ташкилот, суғурта полисининг ўзи эса **ФРОНТ-ПОЛИС** (front policies) деб номланади.

Суғурта компаниялари фронт-полисни расмийлаштиришга жуда танлаб ёндашадилар, чунки полисни берган юридик шахс эҳтимол бўлган даъволар юз берганда жавобгар ҳисобланади.

Халқаро суғурта бозорида бир талай халқаро суғурта институтлари: уюшмалар, бюролар, гуруҳлар, бирлашмалар, жамиятлар, қўмиталар, иттифоқлар, федерациялар фаолият кўрсатади.

«Ўзбекинвест» экспорт-импортни суғурталаш миллий компанияси ҳам халқаро суғурта бозорининг иштирокчиси ҳисобланади.



#### 8.4. Ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталашнинг Ўзбекистон бозорида таклиф қилинаётган турлари

Янги бозорга кириш ва уни ўзлаштириш ҳар доим ноаниқлик хатари билан боғланган, бизнес юритиш масаласини ҳал этиш эса бутунлай қўйилган маблағлар қайтаришлилиги ва сақланиши ҳамда фойда келтиришининг тақдим этиладиган кафолатлари олиниши ва ишончилиги имкониятига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатлар билан ташқи савдо операцияларини кенгайтириш кўп жиҳатдан келажакдаги иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий ривожланишда бўлғуси чет эллик шерикларнинг аввало ноаниқлигини барҳам топтириш ёки минималлаштириш имконияти билан шартланган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш давлат дастурининг бир қисми бўлиши керак бўлган хатарларни бошқариш ва хатарларни бошқаришнинг ўз дастурларини рўёбга чиқариш учун тегишли ташкилий-бошқарув тузилмаларини яратиш концепциясини ишлаб чиқиш Ўзбекистон ТИФ субъектлари учун ғоятда долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистоннинг улкан инвестицион салоҳиятини ҳисобга олиб, инвестицияларнинг давлат томонидан самарали қўллаб-қувватланиши мақсадларида 1994 йилда Республика Ҳукуматининг қарорига кўра «Ўзбекинвест» компанияси томонидан энг йирик АИГ молия гуруҳи (АҚШ) билан ҳамкорликда сиёсий хатарларни суғурталаш бўйича «Ўзбекинвест Интернешнл» компанияси барпо этилди, унинг қароргоҳи Лондон шаҳрида бўлиб, устав сармояси 100 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Компания суғурта фаолиятини Буюк Британия ҳукумати Савдо ва саноат департаментининг лицензияси асосида амалга оширади. Бутунги кунда «Ўзбекинвест Интернешнл» хорижий банклар ва компанияларга инвестициялар ва савдо контрактларини суғурталаш бўйича хизматларнинг кенг доирасини таклиф этади. Ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошира бориб, «Ўзбекинвест Интернешнл» компанияси инвестициялар реципиенти бўлган мамлакатнинг давлат мадади билан суғурталаш хусусий бозорини ривожлантириш имкониятларини бирлаштириш афзалликларини яққол акс эттиради.

Чет эллик инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга доир вазифаларни рўёбга чиқариш билан бир қаторда, 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Ўзбекинвест» ўзбекистонлик экспортчилар ва республика тижорат банкларининг технологиялар, товарлар ва хизматларнинг халқаро бозорларида сиёсий нотижорат

тусдаги хатарлардан ишончли суғурга кафолатларини таъминлашга доир вазифаларни рўёбга чиқариш учун экспорт-импортни суғурталаш миллий компаниясига айлантирилди. Устав сармояси 60 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган компаниянинг муассислари Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидир.

Экспорт кредитларини суғурталаш бўйича давлат агентлиги функциясини бажариш экспорт хатарларини суғурталашнинг таъмили янги услубий базасини яратишга, хорижий мамлакатларнинг экспорт-кредит агентликлари билан яқиндан амалий алоқаларни ўрнатишга имкон яратди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасида шаклланган зарур иқтисодий-ҳуқуқий муҳит ва суғурталаш инфратузилмаси ўз ичига экспорт-импорт юк ташишларини суғурталаш, божхона ходимларининг касбий масъулиятини суғурталашни<sup>1</sup> оладиغان суғурга хизматларининг кенг доирасини таъминлаш имкониятини беради.

Бугунги кунда «Ўзбекинвест» компанияси суғурга хизматларининг қуйидаги турларини тақдим этади:

### **Контрактни бекор қилишдан суғурталаш**

Мазкур суғурга полиси чет эллик шеригини ўзбек томонидан контракт мажбуриятларини уруш, фуқаролар ғалаёнлари, исён сингари сиёсий воқеалар, экспорт-импорт эмбаргосини жорий этиш, лицензияни чақириб олиш, Ҳукумат кафолатини чақириб олиш, Ўзбекистон Республикасида тарафлар томонидан контракт мажбуриятларининг бажарилишига тўсқинлик қиладиган қонун ҳужжатларининг жорий этилиши натижасида контракт мажбуриятларининг бажарилмаслигидан ҳимоя қилади.

Бу ҳимоя қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

- давлат харидори томонидан тўламаслик;
- давлат банки томонидан очилган аккредитив бўйича тўламаслик;
- давлат ёки давлат томонидан назорат қилинадиган муассаса берган кафолатларнинг бажарилмаслиги;
- арбитраж ҳукмининг бажарилмаслиги;
- кафолат бўйича мажбуриятлар бажарилишини қонунга хилоф талаб қилишдан суғурталаш.

Суғуртанинг ушбу тури бўйича контракт мажбуриятларини бажармасликни уруш ҳаракатларининг бошланиши ёки мамлакат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунига қаралсин.

ҳукуматининг лицензияни бекор қилиш, экспорт/импортга эмбаргони жорий этиш, қонун ҳужжатларини ўзгартириш сингари ҳаракатлари юзага келтирган контракт бўйича кафиллик ёки кафолатлар бўйича тўлашнинг ғайриқонуний талаби етказган зарарни қоплаш назарда тутилади.

Суғурталаш ўз ичига қуйидагиларни олади:

— мустақил ёки давлат муассасаси томонидан чақириб олинувчи аккредитивлар ёки кафолатларни асоссиз талаб қилиш;

— шартларни бажармаслик уруш, ҳукумат ҳаракатлари ёки сиёсий тусдаги бошқа воқеалар туфайли юзага келган чақириб олинувчи аккредитивлар ёки кафолатларни асосли ҳолда талаб қилиш;

— бир неча давлат иштирокидаги молиялаш дастурлари бўйича чақириб олинувчи аккредитивлар ёки кафолатларни асоссиз талаб қилиш.

— ўзбекистонлик экспортчиларнинг суғурта ҳимояси.

Халқаро бозорларда миллий экспортчилар манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилишнинг мазкур дастури доирасида «Ўзбекинвест» экспорт-импортни суғурталаш миллий компанияси қуйидаги суғурта полисларини тақдим этади:

### **Чет эллик харидор томонидан экспорт контрактлари бекор қилинишидан суғурталаш**

Сиёсий хатарлар оқибатида (контрактнинг чет эл томони давлат харидори томонидан бир тарафлама бекор қилиниши, уруш, фуқаролар ғалаёни, харидор мамлакатаида импортга эмбаргонинг жорий этилиши, чет эл харидори мамлакатаи ҳукуматининг тарафлар томонидан контракт мажбуриятлари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳаракатлари) чет эллик харидорнинг контракт бўйича юклашга қадар бўлган мажбуриятларининг бажармаслигига суғуртавий қопламни назарда тутати.

### **Экспорт контрактини комплекс суғурталаш**

Полис чет эллик харидорнинг узоқ вақтга тўловга ноқобиллик ва/ёки банкротлик сингари тижорат хатарлари, шунингдек сиёсий хатарлар (уруш, фуқаролар ғалаёнлари, харидор мамлакатаида импортга эмбаргонинг жорий этилиши, улар тарафлар томонидан контракт мажбуриятлари бажарилишига тўсқинлик қилади, трансфертни кечиктириш — чет эллик харидор мамлакатаида маҳаллий валютадаги депозитни контракт валютасига ўтказишни кечиктириш) туфайли ўз вақтида тўлаш бўйича мажбуриятларини бажар-

маслиги хатаридан суғуртавий қопламни тақдим этади. Мазкур полис билан алоҳида экспорт контракти ҳам, Ўзбек экспортчисининг йиллик портфелига кирадиган барча контрактлар ҳам қопланиши мумкин.

### **Чет эллик харидор кафолатчиси томонидан кафолат ва/ёки аккредитив бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаслигини суғурталаш**

Чақириб олинмайдиган аккредитив очадиган чет эллик кафолатчи ёки банк молиявий мажбуриятларини бажармаслигидан суғуртавий ҳимояни тақдим этади, бунда кафолатчилар банк кафолат ёки чақириб олинмайдиган аккредитивнинг муддатлари ва шартларига биноан Ўзбек экспортчисига тегишли суммани тўлашдан воз кечиш учун ҳуқуқ ёки сабабларга эга бўлмайди.

### **Ўзбекистон тижорат банкларининг «Кредит харидорга» туридаги экспорт кредитларини суғурталаш**

Экспорт конкретини тўлаш учун чет эллик харидорга ёки Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан чет эл банкига бериладиган кредитлар бўйича тижорат ва сиёсий хатарлар оқибатида чет эллик шерикнинг молиявий мажбуриятларни бажармаслигидан суғуртавий ҳимояни назарда тутади.

### **Лизинг операцияларини суғурталаш**

Мазкур полис билан чет эллик лизинг олувчи ўз молиявий мажбуриятларини узоқ муддат тўламаслик, лизинг олувчининг ночорлиги ва/ёки банкротлиги сингари тижорат хатарлари, шунингдек сиёсий хатарлар: уруш, фуқаролар ғалаёнлари, лизинг олувчининг мамлакатада импортга эмбаргонинг жорий этилиши, лизинг олувчи мамлакат ҳукумагининг лизинг келишуви шартларининг умуман ёки унинг қисмлари бўйича бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳаракатлари, лизинг объектини қайтариб бўлмаслиги, трансфертни кечиктириш оқибатида бажармаслигидан суғуртавий ҳимоя тақдим этилади.

### **Ватанни инвестицияларини суғурталаш**

Полис инвестициялаш мамлакатада мол-мулкни мусодара қилиш, экспроприация этиш ва миллийлаштириш ёки Ўзбек инвесторининг ўзи қўйган инвестицияларни инвестициялаш мамлакатидан реэкспорт қилишга ноқобиллиги хатарини қоплайди.

Экспорт-импорт юк ташишларини суғурталаш:

Полис халқаро юк ташишларининг белгиланган қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва суғурта қоплами:

- барча хатарлар учун масъулият билан;
- хусусий авария учун масъулият билан;
- ҳалокат ҳолларидан ташқари, шикастланиш учун масъулиятли бўлмасдан тақдим этилади.

**Халқаро юк ташишларини амалга оширишда юк ташувчининг масъулиятини суғурталаш дастурлари таклиф этилади, уларда қуйидагилар назарда тутилади:**

— Юкларни йўлда ташиш халқаро конвенцияси CMR шартларида халқаро автоюк ташувчиларнинг масъулиятини суғурталаш, халқаро автоюк ташувчиларнинг юкнинг бутлиги ва етказиб беришда муддатни кечиктирганлиги учун масъулиятини қоплайди. Конвенцияда автоюк ташувчилар масъулиятининг пайдо бўлиш шартлари ва юк эгасига етказилган зарарни қоplashдаги чеклашлар назарда тутилади. «Ўзбекинвест» ЭИСМК тақдим этадиган халқаро автоташувчилар масъулиятини суғурталаш мазкур конвенция талабларига тўлиқ жавоб беради ва мазкур қопламни талаб этадиган халқаро экспедиторлар ва божхона органлари томонидан қабул қилиниши мумкин;

— халқаро экспедиторлар масъулиятини FIATA тизими бўйича суғурталаш. Буюк ипак йўли, TRACECA сингари транспорт йўллари ривожланиши муносабати билан миллий экспедиторлар халқаро транспорт-экспедиторлик ҳужжатлари ва FIATA шакллари бўйича ишлашга тайёрлар, улар экспедиторларнинг юк бутлиги учун масъулиятини белгилайди. Бизнинг суғурта маҳсулимиз FIATA талабларига тўлиқ жавоб беради ва юкларни аралаш ташишда қўлланилади;

— ташувчининг божхона органлари олдидаги масъулиятини суғурталаш (Карнет ТИР) Халқаро автоташувчилар миллий уюшмаси ёрдамида амалга оширилади ва ХЮТ (Халқаро юк ташиш) халқаро конвенциясига асосланган, унда божхона органлари учун мақбул бўлган суғурталаш шартлари таъкидланади.

**Божхона ходимларининг касбий масъулиятини суғурталаш:**

божхона брокерлари,

божхона ташувчилари.

ЎЗР Божхона кодекси Республика импортчиларига хизмат кўрсатадиган божхона брокерлари ва божхона ташувчиларининг касбий

масъулиятини мажбурий суғурталашни назарда тутати.<sup>1</sup> «Ўзбекинвест» ЭИСМК мазкур хизмат турларини кўрсатиш чоғида касбий пала-партишлиги учун божхона брокерлари ва божхона ташувчиларининг касбий масъулиятини суғурталайди.

Ҳар қандай бошқа суғурта компанияси сингари «Ўзбекинвест» ҳам эътибор марказига хатарлар даражасини минималлаштириш вазифасини қўяди. Экспорт операцияларини суғурталашга доир тақдим этилаётган хизматларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекинвест»нинг хориж мамлакатларининг етакчи суғурталаш ва қайта суғурталаш компаниялари, экспорт-кредит агентликлари билан ҳамкорлиги ривожланаяпти. Уч йилдан буён «Ўзбекинвест» Кредит ва инвестициялар суғурталанувчилари халқаро иттифоқи (Берн Иттифоқи) Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экспорт-импорт агентликлари шўъбасининг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

---

1 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қаралсин.

## ТУҶҚЗИНЧИ БОБ

## ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ

Ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнида турли низолар, шу жумладан ташқи савдо операциялари билан боғланган ва фуқаролик ҳуқуқи тусида бўлган низолар юзага келиши мумкин. Бундай низолар нафақат судда, балки арбитраж тартибида ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

**Арбитраж** деганда алоҳида ишни махсус кўриб чиқиш учун ташкил этилишидан ёки доимо фаолият кўрсатувчи арбитраж муассасаси, хусусан Халқаро тижорат арбитраж суди бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай арбитраж (ҳакамлар суди) тушунилади.

**Ҳакамлар суди** яккабош арбитраж ёки арбитражлар ҳайъати (ҳакамлик судьялари)ни англатади.

Халқаро тижорат арбитражи номи шартли тусга эга, чунки халқаро тижорат арбитражи муайян давлат ҳудудида фаолият кўрсатади, мазкур давлат йўл қўядиган низоларни тартибга солишнинг қонуний воситаларидан бири ҳисобланади ва бирор-бир миллий хусусиятларга эга эмас. Арбитражнинг давлат судидан асосий тафовути шундан иборатки, арбитраж хусусий (яъни давлатга қарашли бўлмаган) тергов қилиш институти ҳисобланади, бу эса тижорат низоларига нисбатан унинг давлат судидан бир қатор афзал жиҳатларини шартлайди. Чунончи, низода қатнашаётган тарафлар низони кўриб чиқиш учун энг мақбул деб топадиган ҳар қандай арбитраж ва арбитражларни танлаш ҳуқуқига эгадир. Бу эса тарафларга зарурат бўлганда ихтисослаштирилган арбитражларга мурожаат қилиш ва чуқур касбий билимларга эга бўлган арбитражларни танлаш имконини беради.

Давлат суди ўз мамлакатининг фуқаролик процессуал кодексини қўллайди. Бунда тарафлар улар низосини кўриб чиқадиغان судьяларни танлаб олишда эркин бўлмайди. Суд тергови кўпинча расмийликларга тўлиқ бўлади ва узоқ вақт давом этади.

Арбитраж тергови одатда оддийгина процессуал шаклда ва анча тез муддатда ўтказилади. Халқаро тижорат арбитражида фуқаролик ҳуқуқи низолари кўриб чиқиладиганида процессуал муносабатлар ҳузурда арбитраж (савдо палатаси, биржа, уюшма ва ҳоказо) фаолият кўрсатадиган институт томонидан тасдиқланган низоларни кўриб чиқиш қоидалари асосида ёки низо бўйича тарафлар (алоҳида арбитраж) белгилаган тартибга мувофиқ тартибга солинади.

Арбитраж давлат суд терговига қараганда анча кам пул чиқимларини тақозо этади. У шунингдек низоларни ёпиқ мажлисларда

кўриб чиқиш имконини беради, бу эса тижорат сирининг сақла-нишига имкон яратади ва арбитраж тергов қатнашчиларининг ишлаб чиқариш — савдога оид ва бошқа сирлари тўғрисидаги ахборотнинг маълум бўлиб қолишига тўсқинлик қилади.

Халқаро тижорат арбитражи икки шаклга эга:

- алоҳида арбитраж;
- институцион арбитраж.

Алоҳида арбитражни низолашувчи тарафлар фақат битта низо-ни кўриб чиқиш учун ташкил этадилар. У ўз тузилмасига, техник аппаратга, арбитражлар рўйхати ва низоларни кўриб чиқиш қоид-ларига эга бўлган доимо фаолият кўрсатувчи орган сифатида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Институцион арбитраж — доимо фаолият кўрсатадиган арби-траждир. Арбитраж одатда савдо палаталари, биржалар ва ҳоказо-ларда ташкил этилади. Моҳиятан фақат арбитраж институтининг ўзи доимо фаолият кўрсатади. Арбитраж таркибини эса тарафлар ҳар бир аниқ низо бўйича арбитраж институтининг арбитражлари рўйхатларидан олиб сайлайдилар.

Халқаро тижорат арбитражи унинг ваколатига кирадиган ни-золар характерига қараб турларга бўлинади. Умумий халқаро ти-жорат арбитражи ташқи иқтисодий битимлар муносабати билан ва унинг ваколатига кирадиган барча низоларни кўриб чиқади.

Ихтисослаштирилган арбитраж ташқи иқтисодий битим ёки аниқ товар (хизматлар, ишлар) билан битимнинг аниқ турига тааллуқли низоларни кўриб чиқади.

Халқаро тижорат арбитражига тарафларнинг келишувига би-ноан қуйидагилар оширилиши мумкин: башарти тарафлардан ақалли бирининг тижорат корхонаси хорижда жойлашган бўлса, ташқи савдо ва халқаро иқтисодий алоқалар бошқа турларини амалга ошириш чоғида юзага келадиган, шартномавий ва бошқа фуқаро-лик-ҳуқуқий муносабатларга доир низолар; шунингдек чет эл сар-мояси иштирокида барпо этилган корхоналар ўртасидаги низолар ва улар иштирокчилари ўртасидаги халқаро низолар, уларнинг ҳуқуқ бошқа субъектлари билан низолари.

Тарафлар бирдан ортиқ тижорат корхонасига эга бўлган тақ-дирда арбитраж муносабатига энг кўп дахлдор бўлгани тижорат корхонаси деб ҳисобланади. Башарти тараф тижорат корхонасига эга бўлмаса, унинг доимий яшаш жойи эътиборга олинади.

Агар ЎЗР халқаро шартномасида Ўзбекистоннинг арбитраж (ҳакамлар суди) тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилангани-дан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоид-лари қўлланилади.

Ҳар қандай ёзма хабар, агар тарафлар бошқа нарса тўғрисида



келишиб олмаган бўлсалар, башарти у манзилга шахсан ёки унинг тижорат корхонасига, доимий яшаш жойига ёки почта манзилига етказилган бўлса, олинган деб ҳисобланади. Агар бу нарса оқилона сўраб-суриштириш орқали аниқланмаса, ёзма хабар тижорат корхонасининг охириги маълум жойлашган ерига, доимий яшаш жойига ёки почта манзилига буюртма хат ёки ушбу хабарни етказишга уринишни рўйхатга олишни назарда тутадиган ҳар қандай бошқа тарзда юборилган бўлса, у олинган деб ҳисобланади. Хабар у етказиб берилган куни олинган деб ҳисобланади.

У шартнома тусига эгаллиги ёки эга эмаслигидан қатъи назар, улар ўртасида қандайдир аниқ ҳуқуқий муносабат сабабли юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган барча ёки муайян низоларни арбитражга ошириш тўғрисида тарафларнинг келишуви **арбитраж келишувидир**.

Арбитраж келишуви шартномада арбитраж таъкиди ёки алоҳида келишув кўринишида тузилиши мумкин.

Арбитраж келишуви ёзма шаклда тузилади, яъни тарафлар имзолаган ҳужжатда берилади ёки телетайп, телеграф орқали ёхуд бундай келишув қайд этилишини таъминлайдиган электр алоқанинг бошқа воситаларидан фойдаланиб хатлар, хабарларни айирбошлаш йўли билан ёки тарафлардан бири келишув мавжудлигини таъкидлайдиган, бошқа тараф эса бунга эътироз билдирмайдиган даъво аризаси ҳамда даъвога доир мулоҳазани айирбошлаш йўли билан тузилади. Башарти шартнома ёзма шаклда тузилган бўлса ва мазкур ҳавола тилга олинган шартномани шартноманинг бир қисмига айлантирса, шартномада арбитраж таъкиди бўлган ҳужжатга ҳавола қилиниши арбитраж келишуви ҳисобланади.

Арбитраж келишуви мавзуси бўлган масала бўйича даъво топширилган суд, агар тарафлардан исталгани бу ҳақда низо моҳияти бўйича ўзининг биринчи аризасини тақдим этишидан кечиктирмай илтимос қилса, суд ишини тўхтатиши ва, башарти келишув ҳақиқий эмас, ўз кучини йўқотган ёки бажарилиши мумкин бўлмаसा, тарафларни арбитражга юбориши шарт.

Тарафлар ўз танлашларига кўра арбитраж қанча бўлишини белгилай оладилар.

Агар тарафлар бу миқдорни белгиламасалар, учта арбитр тайинланади.

Агар тарафлар бу ҳақда келишиб олишмаса, бирорта ҳам шахс унинг фуқаролиги сабабли арбитр сифатида чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Тарафлар ўз хоҳишига қараб арбитр ёки арбитрларни тайинлаш русум-қоидаларини келишиб олишлари мумкин.

Бундай келишув бўлмаганда:

• учта арбитрдан иборат арбитраж пайтида — ҳар бир тараф биттадан арбитрни тайинлайди ва шу тарзда тайинланган икки арбитр учинчи арбитрни тайинлайди: агар тараф муайян муддат мобайнида арбитрни тайинламаса, бу ҳақда иккинчи тарафдан илтимос олинганда ёки икки арбитр улар тайинланган пайтдан бошлаб муайян муддат мобайнида учинчи арбитр тўғрисида келишиб олмасалар, исталган тарафнинг илтимосига кўра у мамлакат Савдо палатасининг раҳбарияти томонидан тайинланади;

• биргина арбитрдан иборат арбитраж пайтида — агар тарафлар арбитр ҳақида келишиб олмасалар, исталган тарафнинг илтимосига кўра уларни Савдо палатасининг раҳбарияти тайинлайди.

Агар тарафлар томонидан келишилган тайинлаш жараёнида: тарафлардан бири бундай русум-қоидаларга риоя қилмаса; тарафлар ёки икки арбитр бундай русум-қоидаларга мувофиқ келишувга эриша олмасалар; учинчи шахс, шу жумладан муассаса бундай русум-қоидаларга мувофиқ унга юклатилган бирор-бир функцияни бажармаса, исталган тараф Савдо палатасидан зарур чоралар кўришни илтимос қилиши мумкин.

#### **Ҳакамлар суди қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

у ўз ваколат доираси бўйича, шу жумладан арбитраж келишувининг мавжудлиги ёки ҳақиқийлигига доир ҳар қандай эътирозларга доир қарор чиқара олади. Ушбу мақсад учун шартноманинг бир қисми бўлган арбитраж таъкиди шартноманинг бошқа шартларига боғлиқ бўлмаган келишув сифатида талқин этилиши керак. Ҳакамлар судининг шартнома аҳамиятга эга эмаслиги тўғрисида чиқарган қарори арбитраж таъкидининг ҳақиқий эмаслигини қонун кучига киритмайди;

ҳакамлар судида ваколат йўқлиги хусусидаги баёнот даъво бўйича эътирозлар тақдимидан кечиктирмай қилиниши мумкин. Тарафнинг арбитрни тайинлаши ёки унинг арбитрни тайинлашда иштироки тарафни бундай баёнот бериш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Тарафларнинг фикрича, масала бу доирадан чиқиб кетиши билан, ҳакамлар суди ўз ваколатини суистеъмол қилаётгани ҳақидаги баёнот арбитраж тергови жараёнида қўйилиши керак. Ҳакамлар суди ушбу ҳолларнинг исталганида, агар у кечикишни ҳақли деб топса, кейинроқ берилган баёнотни қабул қилиши мумкин;

ҳакамлар суди дастлабки тусдаги масала бўйича ёки низони моҳиятига кўра ҳал этиш бўйича аризага доир қарор чиқариши мумкин. Агар ҳакамлар суди дастлабки тусдаги масала бўйича қарор чиқарса, у ваколатга эгадир, исталган томон ушбу қарор ҳақида хабарнома олганидан кейин муайян вақт мобайнида суддан мазкур масала бўйича ҳал қилув қарорини чиқаришни илтимос қилиши

мумкин. Бундай қарор устидан шикоят қилиб бўлмайди. Тарафнинг илтимоси ҳал қилингунига қадар ҳакамлар суди терговни давом эттириши ва арбитраж қарорини чиқариши мумкин.

Башарти тарафлар бошқа нарса ҳақида келишиб олмаган бўлишса, ҳакамлар суди исталган тарафнинг илтимосига кўра низо мавзусига нисбатан ўзи зарур деб ҳисоблайдиган таъминлаш чораларининг бирор-бир тараф томонидан қабул қилиниши хусусида фармойиш бериши мумкин. Ҳакамлар суди исталган тарафдан бундай чоралар муносабати билан тегишли таъминот тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

Учрашувда тарафларга тенг муносабатда бўлиниши керак ва ҳар бир тарафга ўз позициясини баён этиш учун барча имкониятлар тақдим этилиши лозим.

Махсус қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя этилиши шарти билан тарафлар ўз хоҳишларига қараб ҳакамлар суди томонидан тергов юритиш русум-қоидаларини келишиб олишлари мумкин.

Бундай келишув бўлмаганида ҳакамлар суди юқорида кўрсатилган қонун қоидаларига риоя этган ҳолда арбитраж терговини ўзи зарур деб ҳисоблаган тарзда олиб бора олади. Ҳакамлар судига берилган ваколатларга ҳар қандай далилнинг мумкинлиги, нисбийлиги, муҳимлиги ва аҳамиятга моликлигини аниқлаш ваколати ҳам киради.

Тарафлар ўз хоҳишларига қараб арбитраж жойи тўғрисида келишиб олишлари мумкин. Бундай келишув йўқ бўлганида арбитраж жойини ҳакамлар суди иш ҳолатларини, шу жумладан тарафлар учун қулайлик омилини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

Ҳакамлар суди, агар тарафлар бошқа нарса хусусида келишиб олишмаган бўлса, арбитражга маслаҳатлар бериш, гувоҳлар, экспертлар ёки тарафларни тинглаш ёки товар, бошқа мол-мулк ёки ҳужжатларни кўриш учун мувофиқ деб топадиган бошқа жойда йиғилиши мумкин.

Агар тарафлар бошқа нарса хусусида келишиб олмаган бўлишса, аниқ низога доир арбитраж тергови жавобгар томонидан бу низо ни арбитражга ошириш тўғрисида илтимос олинган кунда бошланади.

Тарафлар ўз хоҳишларига қараб арбитраж терговда фойдаланиладиган тил ёки тиллар тўғрисида келишиб олишлари мумкин. Бундай келишув бўлмаган тақдирда ҳакамлар суди терговда фойдаланиладиган тил ёки тилларни белгилайди. Бундай келишув ёки белгилаш, башарти уларда бошқа нарса таъкидланмаган бўлса, тарафнинг ҳар қандай ёзма аризасига, ишни ҳар қандай тинглаш-

га ва ҳакамлар судининг ҳар қандай арбитраж ҳал қилув қарорига, қарори ёки бошқа хабарига тааллуқлидир.

Ҳакамлар суди ҳар қандай ҳужжатли далиллар тарафлар келишиб олган ёки ҳакамлар суди белгилаб берган тил ёки тилларга таржима қилиб борилиши тўғрисида фармойиш бериши мумкин.

Тарафлар келишиб олган ёки ҳакамлар суди белгилаган муддат мобайнида, агар тарафлар баённомаларнинг зарур реквизитлари хусусида бошқа нарсани келишиб олишмаган бўлса, даъвогар унинг даъво талабларини тасдиқлайдиган ҳолатлар, низоли масалалар ва талаб қилинадиган қаноатлантириш тўғрисида гапириши, жавобгар эса ушбу бандларга доир ўз эътирозларини айтиши керак. Тарафлар ўз аризалари билан бирга ишга тааллуқли деб ҳисоблайдиган барча ҳужжатларни тақдим этишлари ёки улар кейинроқ тақдим этадиган ҳужжатлар ёки бошқа далилларга ҳавола қилишлари мумкин.

Агар тарафлар бошқа нарса тўғрисида келишиб олишмаган бўлса, башарти ҳакамлар суди йўл қўйилган кечиктиришни ҳисобга олиб, бундай ўзгартишни мақсадга мувофиқ деб топмаса, арбитраж тергови давомида исталган тараф ўз даъво талабларини ёки даъвога доир эътирозларини ўзгартириши ёхуд тўлдириши мумкин.

Тарафларнинг исталган бошқа келишувига риоя этилиши шарт билан ҳакамлар суди исботлашларнинг олдини олиш ёки оғзаки мунозаралар юритиш учун ишни оғзаки кўриб чиқиш ёхуд терговни фақат ҳужжатлар ва бошқа материаллар асосида амалга ошириш хусусида ҳал қилув қарорини қабул қилади, бироқ тарафлар оғзаки тинглашни ўтказмаслик тўғрисида келишилган ҳолдан ташқари, ҳакамлар суди бундай тинглашни, агар тарафлардан исталгани буни илтимос қилса, арбитраж терговига мувофиқ ҳолда амалга ошириши керак. Тарафларга товарлар, бошқа мол-мулк ёки ҳужжатларни кўриқдан ўтказиш мақсадида ўтказиладиган ҳакамлар судининг ҳар қандай мажлиси ва ҳар қандай ҳал қилув қарори тўғрисида олдиндан хабарнома юборилиши кифоя қилади.

Тарафлардан бири ҳакамлар судига тақдим этадиган барча аризалар, ҳужжатлар ёки бошқа ахборотлар бошқа тарафга (тарафларга) берилиши керак. Экспертларнинг ҳар қандай хулосалари ёки ҳакамлар суди ўз қарорини чиқаришда асосланиши мумкин бўлган, далиллаш аҳамиятига эга бошқа ҳужжатлар ҳам берилиши керак. Башарти тарафлар бошқа нарса ҳақида келишиб олишмаган бўлса, узрли сабаб кўрсатилмаган бошқа ҳолларда:

агар даъвогар ўзининг даъво аризасини тақдим этмаса — ҳакамлар суди терговни тўхтатади;

агар жавобгар даъвога доир ўз эътирозларини тақдим этмаса —

ҳакамлар суди терговни давом эттириб, бундай тақдим этмасликни ўз ҳолича даъвогарнинг даъволарини тан олиш деб қарамайди;

исталган тараф ҳакамлар судига келмаса ёки ҳужжатли далилларни тақдим этмаса — ҳакамлар суди терговни давом эттириши ва ўзидаги мавжуд далиллар асосида ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин.

Ҳакамлар суди ўзи белгилайдиган аниқ масалалар бўйича маърузани тақдим этиши учун битта ёки бир нечта экспертни тайинлаши; тарафдан ишга тааллуқли ҳар қандай ахборотни экспертга тақдим этишни ёки ишга тааллуқли ҳужжатлар, товарлар ёки бошқа мол-мулкни кўриқдан ўтказишга тақдим этишни ёки кўриқдан ўтказиш имконияти берилишини талаб қилиши мумкин.

Тарафларнинг бошқа нарса хусусида келишуви бўлмаган тақдирда, агар тараф бу ҳақда илтимос қилса ёки ҳакамлар суди бунга зарур деб топса, эксперт ўзининг ёзма ёки оғзаки хулосасини тақдим этганидан кейин тинглашда иштирок этиши керак, унда тарафларга экспертга саволлар бериш ва низоли масалалар бўйича кўргазмалар бериш учун мутахассисларни таклиф этиш имконияти берилади.

Ҳакамлар суди ёки тараф ҳакамлар судининг розилиги билан ЎзР ваколатли судига далилларни олишда ёрдам беришини сўраб муурожаат этиши мумкин. Суд далилларни, шу жумладан суд топшириқларини таъминлашга тааллуқли қоидаларга амал қилиб, ушбу илтимосни бажариши мумкин.

Ҳакамлар суди тарафлар низо моҳиятига қўллаш учун танлаган ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ равишда низони ҳал қилади. Бирор-бир давлатнинг ҳуқуқи ёки ҳуқуқ тизимига ҳар қандай ҳавола қилиш ушбу давлатнинг коллизия меъёрларига эмас, балки моддий ҳуқуқига бевосита ҳавола этувчи кўрсатма сифатида талқин этилиши керак.

Коллизия (лотинча *collisio* — зиддият) — бир давлатнинг айрим қонунлари ўртасидаги тафовут ёки турли давлатларнинг қонунлари, суд қарорлари ўртасидаги зиддият.

Коллизия меъёр юридик меъёр бўлиб, давлат ҳуқуқи халқаро ҳаёт шароитларида пайдо бўладиган фуқаролик ҳуқуқи тусига нисбатан қўлланиши кераклигини кўрсатади. Коллизия меъёр икки унсурдан иборат: ҳажм ва боғланиш. Ҳажм ушбу меъёр қўлланиладиган муносабатлар доирасини кўрсатади. Боғланиш эса қандай ҳуқуқни қўллаш кераклигини аниқлатади. Бундай боғланишларнинг асосий турлари фуқаролик ёки доимий яшаш жойи қонуни, ашёнинг жойлашган ери қонуни, ҳаракат содир этилган жой қонуни, суд қонуни ва бошқалар ҳисобланади.

Давлат томонидан қўлланиладиган коллизия меъёрларнинг жами коллизия ҳуқуқни ташкил этади. Бу ҳуқуқ ўз ичига манбалари мазкур давлатнинг қонун ҳужжатлари ва унинг суд амали-

ёти ҳисобланган «ички» коллизияон меъёрларни ҳам, давлатнинг ваколатли органлари тан оладиган халқаро таомиллар воситасида бирхиллаштирилган коллизияон меъёрларни ҳам олади, мазкур ҳуқуқ коллизияон меъёрларга мувофиқ белгиланган, уларни қўллаш мумкин бўлган ҳуқуқдир.

Барча ҳолларда ҳакамлар суди шартнома шартларига мувофиқ ва мазкур битимда қўлланиладиган савдо таомилларини ҳисобга олиб қарор қабул қилади.

Арбитраж ҳайъати амалга оширадиган арбитраж тергови чоғида ҳакамлар судининг ҳар қандай қарори, агар тарафлар бошқа нарса ҳақида келишиб олмаган бўлсалар, кўпчилик арбитражлар томонидан чиқарилиши керак. Бироқ русум-қоида масалалари ҳакамлар судининг раиси ҳисобланган арбитраж томонидан ҳал қилиниши мумкин, башарти унга тарафлар ёки барча бошқа арбитражлар бунинг учун ваколат беришган бўлса.

Агар арбитраж тергови мобайнида тарафлар низони ҳал этсалар, ҳакамлар суди терговни тўхтатади ва тарафларнинг илтимосига кўра ҳамда суд томонидан эътирозлар йўқлиги шароитида бунинг келишилган шартлардаги арбитраж қарори кўринишида қайд этади. Бу қарорда у арбитражнинг ҳал қилув қарори эканлиги ва низо моҳиятига кўра ҳар қандай бошқа арбитраж қарори сингари кучга эгаллиги ҳамда бажарилиши шартлиги кўрсатилиши керак.

Арбитраж қарорини ёзма шаклда битта арбитраж ёки бир нечта арбитраж чиқариши керак. Арбитраж ҳайъати амалга оширадиган арбитраж терговида, бошқа низолар борлигини кўрсатиш шarti билан, ҳакамлар суди кўпчилик аъзоларининг ҳозирлиги кифоя қилади.

Арбитраж қарорида у асосланган сабаблар, даъво талаблари ёки арбитраж йиғими ҳамда ишга доир ҳаракатларни қондириш ёки рад этиш тўғрисидаги хулоса, уларнинг тарафлар ўртасида тақсимланиши кўрсатилиши керак.

Арбитраж қарорида унинг санаси ва арбитраж тергови ўтказилган жой кўрсатилиши шарт.

Арбитраж қарори, башарти тарафлар бошқа муддатни келишиб олишмаган бўлсалар, арбитраж қарорини олиш учун қонунда белгиланган муддат мобайнида, ушбу жойда чиқарилган деб ҳисобланади:

- исталган тараф бу хусусда бошқа тарафни хабардор қилиб, ҳакамлар судидан қарорда йўл қўйилган ҳар қандай ҳисоблаш хатолари, янглишувлар ёки шу тусдаги бошқа хатоларни тузатишни илтимос қилиши мумкин;

- тарафлар ўртасида тегишли келишув мавжуд бўлганида тарафлардан бири бу хусусда бошқа тарафни хабардор қилиб, ҳакамлар судидан суд қарорининг бирор-бир муайян банди ёки қисми-

ни шарҳлаб беришни илтимос қилиши мумкин. Ҳакамлар суди агар бу илтимосни ҳақли деб ҳисобласа, қонун билан белгиланган муддат мобайнида уни олиши билан тегишли ўзгартиришлар киритиши ёки шарҳлаши керак. Бундай шарҳ арбитраж қарорининг таркибий қисмига айланади.

Ҳакамлар суди қонун билан белгиланган муддат мобайнида, арбитраж қарорининг санасидан бошлаб, ўз ташаббуси билан ҳар қандай хатоларни тузатиши мумкин.

Агар тарафлар бошқа нарса ҳақида келишиб олишмаган бўлишса, исталган тараф бу хусусда бошқа тарафни хабардор қилиб, қонун билан белгиланган муддат мобайнида, арбитраж қарори олингач, ҳакамлар судидан арбитраж тергови пайтида айтилган, бироқ қарорда ўз аксини топмаган талабларга доир қўшимча қарор чиқаришни илтимос қилиши мумкин. Агар ҳакамлар суди илтимосни ҳақли деб ҳисобласа, уни олгандан кейин қонун билан белгиланган муддат мобайнида қўшимча арбитраж қарорини чиқариши керак.

Зарурат бўлганда суднинг ўзи хатоларни тузатиши, шарҳлаши ёки қўшимча арбитраж қарорини чиқариши керак бўлган муддатни узайтириши мумкин.

Судда арбитраж қарори устидан норозилик билдириш фақат бекор қилиш тўғрисида илтимоснома бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Арбитраж қарори суд томонидан фақат уни бекор қилиш тўғрисида илтимоснома берган тараф қуйидагиларнинг далилини тақдим этгандагина бекор қилиниши мумкин:

тарафлардан бири арбитраж келишувида бирор-бир даражада муомалага лаёқатсиз бўлса ёки бу келишув унинг тарафлари бўйсунадиган қонун бўйича, агар бундай кўрсатма бўлмаса — Ўзбекистон Республикасининг қонуни бўйича қонунга хилоф бўлса;

у арбитражни тайинлаш ёки арбитраж тергови тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаган бўлса;

қарор арбитраж келишувида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига мувофиқ келмаган низо бўйича чиқарилган ёхуд арбитраж келишуви доирасидан чиқадиган масалалар бўйича қоидаларни ўз ичига олса, бироқ, башарти арбитраж келишуви билан қамраб олинмаган масалалар бўйича қоидалар бундай келишув билан қамраб олинмаганларидан ажратилиши мумкин бўлса, арбитраж қарорининг фақат арбитраж келишуви билан қамраб олинмаган масалалар бўйича қарорлари бўлган қисмигина бекор қилиниши мумкин;

агар бундай келишув тарафлар бўйсунуши шарт бўлган ЎЗР қонунининг исталган қоидасига зид келмаса ёки бундай келишув

бўлмаганида юқорида кўрсатилган қонунга мувофиқ келмаса, ҳакамлар суди таркиби ёки арбитраж русум-қоидалари тарафларнинг келишувига мувофиқ келмаса.

Суд:

низо объекти Ўзбекистон Республикасининг қонунига кўра арбитраж терговининг предмети бўла олмаслигини;

арбитраж қарори Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зидлигини белгилайди.

Бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома уни тақдим этаётган тараф арбитраж қарорини олган кундан бошлаб, илтимоснома ЎЗР қонунига мувофиқ берилган тақдирда эса ҳакамлар суди томонидан ушбу илтимос бўйича қарор чиқарилган кундан бошлаб 3 ой ўтгач берилиши мумкин эмас.

Арбитраж қарори қайси мамлакатда чиқарилганидан қатъи назар, мажбурий ҳисобланади ва ваколатли судга ёзма илтимоснома берилганидан кейин бажарилади.

Арбитраж қарорига асосланадиган ёки уни ижро этиш тўғрисида илтимоснома берувчи тараф арбитраж қарорининг тегишлича тасдиқланган асл нусхасини ёки тегишлича тасдиқланган унинг кўчирма нусхасини, шунингдек арбитраж келишувининг тегишлича тасдиқланган асл нусхасини ёки тегишлича тасдиқланган унинг кўчирма нусхасини тақдим этиши керак. Башарти арбитраж қарори ёки келишуви чет тилда баён этилган бўлса, тараф ушбу ҳужжатларнинг рус тилига таржима қилиниб, тегишлича тасдиқланган таржимасини тақдим этиши керак.

Арбитраж қарори тан олинганда ёки бажаришга йўналтирилганда, у қайси мамлакатда чиқарилганидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

унга қарши йўналтирилган тарафнинг илтимосига кўра, агар бу тараф қуйидагиларни исбот учун тан олиш ёки ижрога келтириш сўраладиган ваколатли судга тақдим этса:

тарафлардан бири арбитраж келишувида қандайдир даражада муомалага лаёқатсиз бўлса; ёки агар бу келишув унинг тарафлари бўйсунадиган қонун бўйича, бундай кўрсатма бўлмаганда эса — қарор чиқарилган мамлакатнинг қонунини бўйича қонунга хилоф бўлса;

унга доир қарор чиқарилган тараф тегишли тарзда арбитражларни тайинлаш ёки арбитраж тергови тўғрисида хабардор қилинмаган ёхуд бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаса;

қарор арбитраж келишувида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига мувофиқ келмайдиган низо бўйича чиқарилган ёки арбитраж келишуви доирасидан четга чиқадиган масалалар бўйича қоидаларни ўз ичига олган бўлса, бироқ, агар арбитраж кели-



шуви билан қамраб олинадиган масалалар бўйича қарор бундай келишув билан қамраб олинмайдиганларидан ажратилиши мумкин бўлса, арбитраж қарорининг арбитраж келишуви билан қамраб олинадиган масалалар бўйича қарор кирган қисми тан олинishi ва ижрога йўналтирилиши мумкин;

ҳайъатлар суди таркиби ёки арбитраж русум-қоидалари тарафларнинг келишувига мувофиқ келмаса ёки бундай келишув бўлмаганида арбитраж ўрин олган мамлакатнинг қонунига мувофиқ келмаса;

тарафлар учун қарори мажбурий тус олмаган ёки унинг қонунига мувофиқ қарор чиқарилган мамлакат суди томонидан бекор қилинган ёхуд бажарилиши тўхтатиб қўйилган бўлса;

агар суд:

низо объекти Ўзбекистон Республикасининг қонунига кўра арбитраж терговининг мавзуси бўла олмайди;

ушбу арбитраж қарорини тан олиш ва бажариш Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зид келади деб топса.

Агар судда арбитраж қарорини бекор қилиш ёки ижросини тўхтатиб туриш тўғрисида ариза берилса, тан олиш ёки ижрога йўналтириш сўраладиган суд ўз қарорини чиқаришни кейинга қолдириши ва шунингдек, арбитраж қарорини тан олиш ёки ижрога йўналтиришни илтимос қилган тарафнинг илтимосномаси бўйича иккинчи тарафни тегишли маълумотни тақдим этишга мажбур этиши мумкин.

Халқаро тижорат арбитражи низолашувчи тарафлар келишуви асосида муайян низоларни кўриб чиқишга ваколат олади. Бундай келишув юзага келиб бўлган низога тааллуқли бўлиши мумкин. Бундай ҳолда у муроса ёки ҳакамлик қайди деб аталади.

Тарафлар томонидан бўлғуси низоларга нисбатан тузиладиган келишув арбитраж таъкиди деб аталади.

Халқаро тижорат арбитражи нафақат миллий қонун ҳужжатлари, балки икки тарафли ва кўп тарафли халқаро шартномалар билан ҳам тартибга солинади.

Арбитражнинг турли жиҳатларига бағишланган кўп тарафли халқаро конвенциялар (лотинча *conferece* — шартнома, келишув) мавжуд. Масалан, Нью-Йоркда 1958 йил 10 июнда тузилган Чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога йўналтириш конвенцияси; Женевада 1961 йил 21 апрелда қабул қилинган Ташқи савдо арбитражи тўғрисидаги Европа конвенцияси; олди-сотди шартномалари тўғрисидаги БМТ конвенцияси (Вена, 1980 йил); муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциялар; денгиз ҳуқуқига доир халқаро конвенциялар ва ҳоказо.

## ХОТИМА ЎРНИДА

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон нафақат иқтисодий, балки бир қатор ижтимоий ва сиёсий масалаларнинг ечилишида ҳам яхши натижаларга эришди. Дастлаб давлат ислохотларни амалга оширишда бош ислохотчи сифатида чиқди ва бу йўлнинг мақсадга мувофиқлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Ҳозирги босқичда иқтисодни давлат томонидан тартибга солишнинг янги стратегияси талаб қилинади. Фаол ҳаракатлар зарурати бирданга турли йўналишларда пайдо бўлди — қонуний-меъёрий негизларнинг янгиланишидан бошлаб, институционал асосларнинг мустаҳкамланиши ва бу соҳада амалдаги иқтисодий механизмларни қайта ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ қилишгача бўлган жараёнларда давлатнинг қатнашувини босқичма-босқич қисқартириш, шунингдек, бозор ислохотларининг фаол қатнашчилари учун кафолатлар ва рағбатлар тизимини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ эканлиги аён бўлиб қолди.

Бозор ислохотлари янги стратегиясининг асосий йўналишларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишни оптималлаштириш (мақбуллаштириш) ҳисобланади. Мамлакатнинг иқтисодий мустаҳкамланиши, барқарор ривожланиши, унинг жаҳон хўжалиги тизимига муваффақиятли интеграциялашуви кўп жиҳатдан давлатнинг барча кўринишдаги ташқи иқтисодий сиёсатини (ТИС) эркинлаштиришга боғлиқ.

Ташқи иқтисодий фаолиятни (ТИФ) оқилона тартибга солиш иқтисодий ривожланишда давлат стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатнинг ўзига хос ички ва ташқи шароитларини инобатга олган ҳолда, жаҳон бозорининг салбий ўзгаришларидан ҳимоя қилувчи, унда эгалланган мавқеларни сақлаб қолиш ва кенгайтиришни таъминловчи мақбул даражадаги протекционизм ва эркин савдо сиёсати қўлланилишини тақозо этади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, агарда ТИФ соҳасидаги ислохотлар барқарорликка эришишнинг қисқа муддатли масалалар ечимига эмас, балки узоқ муддатли стратегик вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлса, шак-шубҳасиз, бу иқтисод самарадорлигининг умуман кўтарилишига имкон беради. Ўзбекистонда, бизнинг фикримизча, асосий эътиборни қуйидаги муаммоларга қаратишимиз лозимдир:

**биринчидан,** ТИФни давлат томонидан тартибга солишнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини кучайтиришга йўналтирилган ишларни давом эттириш жуда муҳимдир. Амалдаги қатор қонунларга, хусусан, валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун-

га қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, вазирликлар ва давлат идоралари томонидан қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари мазмунларини аниқлаштирувчи норматив актларни ишлаб чиқиш ижобий рол ўйнаши мумкин;

**иккинчидан**, ТИФни давлат томонидан тартибга солишнинг институционал асосларини мустақкамлаш мақсадга мувофиқдир, чунки бу йўналишдаги биринчи қадамлар (экспортни рағбатлантириш бўйича ташкил этилган Республика комиссияси фаолияти) керакли самара бергани йўқ. Маъмурий-бошқарув аппарат ходимлари сонини механик тарзда кўпайтирмасдан, амалдаги ташкилий бўғинлар, муҳим бўлинмаларнинг бирлашиши, функционал қайта бўйсиниши ва шу кабилар орқали уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаган ҳолда республика ТИФ бошқаруви механизмини такомиллаштириш лозим. Бу ўринда маслаҳатчи органлар фаолиятлари халқаро тажрибасига эътиборни қаратиш аҳамиятта молиқдир;

**учинчидан**, республика бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган (имкон қадар тадбиркорлар тизими ресурсларини жалб қилган ҳолда) ва махсус ваколатли ташкилотлар томонидан бошқариладиган (Япониянинг ДЖЕТРО ташкилоти нусхасида) ташқи савдо фаолиятининг информацион таъминланишида умумдавлат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш зарур.

Бундай тизим самарали амалда қўлланилишининг муҳим шарт, информацион-консультатив хизмат идораларининг кенг тармоғини ташкил этишдир. Агарда Ўзбекистон Ўрға Осие минтақасида информацион-молиявий марказ сифатида ўзининг ўрнини мустақкамлай олса, унда мамлакат салмоқли фойдани қўлга киритади. Шунинг учун мамлакатда информацион технологияларни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш ва информацион бизнес соҳасида фаолият кўрсатувчи компанияларни трансмиллийлаштиришни қўллаб-қувватлаш зарур. Ушбу тизим реклама-кўргазма ишларини ташкил қилувчи, ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатувчи, маркетинг маълумотларини йиғувчи, таҳлил қилувчи турли тармоқларга бўлинган бўлиши керак. ТИА муаммолари бўйича кенг илмий изланишларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш ҳам ТИФ самарадорлигини кўтаришга ёрдам беради;

**ниҳоят тўртинчидан**, ТИФ нинг ривожланишига миллий операторларнинг манфаатларини турли хил турдаги хавфлардан ҳимоя қилувчи савдо ва инвестицияларни давлат томонидан суғурта қилишнинг диверсификацион тизими бевосита туртки бўлиши мумкин. У ўзида савдони умумий суғурталаш, валюта хавфларини суғурталаш, импорт учун аванс тўловлари, хорижий инвестиция-

лар ва ҳоказоларни суғургалашни мужассамлаштириши мумкин.

Танланган ишлаб чиқариш соҳаларида иқтисодни модернизациялаштириш ва экспортга йўналтириш концепцияларига кўра давлат янги технологияларни қўллаш ёки янги бозорларни эгаллашда баланд молиявий харажатлар талаб этадиган янги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва бу соҳада изланишлар ўтказишни қўллаб-қувватлаши зарур.

## ГЛОССАРИЙ

**Авизо** — ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолатидаги ўзгаришлар тўғрисида бир контрагентнинг иккинчи контрагентга жўнатадиган хабари, шу жумладан унинг ҳисобварағига ўтказмалар келиб тушгани ҳақида, аккредитив очилиши ва ҳоказолар тўғрисида банк томонидан миждозга юбориладиган хабарнома.

**Автаркия (autarky)** — мамлакатнинг жаҳон бозоридан ихтиёрӣ ёки мажбурий тарзда маҳдудланиш сиёсати, давлатнинг хўжалик жиҳатидан алоҳида яшаши. Олиб кириладиган товарларга юқори чеклаш божларининг белгиланиши, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи шарт-шароитларни яратиш автаркиянинг асосий воситалари ҳисобланади.

**Автоматик барқарорлаштирувчилар** — иқтисодиётдаги ўзгаришга дарҳол муносабат билдирувчи, давлат томонидан бирор-бир қадам қўйиш заруратисиз жами талабнинг ўзгаришига ЯИМ даражасининг муносабатини юмшатадиган иқтисодий механизм.

**Авуарлар** — миждознинг банкдаги турли активлари, мол-мулки, пул маблағлари. Кўпинча банкнинг хорижда жойлашган бошқа банкнинг ҳисобварақларида бўлган чет эл валютасидаги пул ресурсларига, қимматли қоғозлари ва олтинга нисбатан қўлланилади. Бирор-бир мамлакатга тегишли бўлган бундай маблағларнинг жами унинг чет эл авуарларини ташкил этади.

**Адаптив кутишлар (adaptive expectations)** — ўтмишда жараёни ривожлантириш тамойилларини экстраполяция қилиш асосида юз берадиган ўзгарувчан миқдорларнинг бўлғуси қийматиға нисбатан иқтисодиёт агентининг кутишларини шакллантириш.

**Адвалор тариф (ad valorem tariff)** — импорт қилинадиган товарлар қийматиға фоизларда белгиланадиган бож.

**Айирбошлаш курси (exchange rate)** — айирбошлаш чоғида икки мамлакат валюталари ўртасидаги нисбат.

**Аккредитив** — ҳужжат, бир молия-кредит муассасасининг бошқа шундай муассасаға товар ёки хизмат учун ҳақ тўлашни ёхуд тақдим этувчиға муайян суммани тўлашни топшириши. Пул ва товар аккредитивлари мавжуд.

**Актив савдо баланси (favorable balance)** — мамлакат экспортининг унинг импортидан ошиб кетиши.

**Активлар (assets)** — пуллар, қимматли қоғозлар, банк депозитлари, кўчмас мулк ва иқтисодиёт агентлари мулкининг бошқа объектлари.

**Акцепт** — тўлов ҳужжатининг қабул қилиниши: тақдим этилган тўлов ҳужжатиға розилик ифодаси.

**Акциз** — товар ёки хизмат нархига киритиладиган билвосита солиқнинг тури.

**Акция** — акциядорлик жамиятига сармоя қўйилганлигидан гувоҳлик берувчи ва фойданинг бир қисмини дивиденд кўринишида олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган қимматли қоғоз.

**Акция курси** — акциянинг сотилиш нархи.

**Акциядорлик жамияти** — акцияларни сотиш воситасида пул маблағларини марказлаштиришга асосланиб ташкил этилган ҳужалик ташкилоти. Акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар хатарига ўзларига тегишли бўлган акциялар қиймати доирасида жавоб берадилар.

**Арбитраж (arbitrage)** — турли бозорларда товарлар, валюта ва бошқа активларни сотиш чоғида нархлардаги фарқни ўзлаштириш йўли билан фойда олиш.

**Асосланилган (базавий) мамлакат (home country)** — ҳудудида кўп миллатли компаниянинг бош корхонаси жойлашган мамлакат.

**Аукцион (кимошди)** — очиқ савдо, бунда сотилаётган мол-мулкка эгалик ҳуқуқи савдо пайтида энг юқори нархни таклиф этган харидорга ўтади.

**Афзалликлар ўхшашлиги фаразияси (preference similarity hypothesis)** — С.Линдер яратган назария, жон бошига даромад тахминан бир хил даражада бўлган мамлакатлар ўртасида қайта ишлаш саноатининг маҳсулоти билан халқаро савдони истеъмолчилар афзал кўришларининг ўхшашлиги билан изоҳлайди.

**ВВ чизиғи (BB line)** — фоиз ставкаси билан ишлаб чиқариш ички ҳажмининг комбинацияси, тўлов балансининг мувозанатини таъминлайди.

**Баланс** — ўзаро боғланган, бирор-бир ҳодиса ёки жараёни унинг айрим томонларини таққослаш йўли билан тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизими; даромадлар билан чиқимлар ўртасидаги айирма.

**Банк кафолати** — банкнинг миждоз учун кафиллиги, бунда банк миждоз тегишли муддатда ўз тўловини тўламаган тақдирда бу тўловни ўз ҳисобидан амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олади.

**Банкнинг актив операциялари** — турли хил кредитларни бериш (жойлаштириш)га доир операциялар.

**Банкнинг пассив операциялари** — бошқа банкларнинг омонатлари, кредитларини жалб этишга доир операциялар, ўз қимматли қоғозларининг эмиссияси.

**Банкнота** — эмиссия банклари чиқарадиган қоғоз пуллар; банкир номига вексель, банкир номига қарз мажбурияти.

**Бартер (barter)** — пул ёрдамисиз амалга ошириладиган товар айирбошланиши.

**Бартер савдоси** — пул ҳисоб-китобларини жалб этмасдан туриб, бир товарни бошқасига тўғридан-тўғри алмаштириш.

**Бевосита чет эл инвестициялари (direct investments)** — хориждаги корхона, ер ва бошқа инвестиция товарларига доир ҳақиқатдаги инвестициялар, у инвесторга сармойани жойлаштириш объектини назорат қилиш имкониятини беради.

**Бефарқликнинг ижтимоий эгри чизиги (community indifference curve)** — икки товарнинг бир қанча комбинацияларини акс эттирадиган эгри чизиқ, булар жамиятга фаровонликнинг бир хилдаги даражасини таъминлайди.

**Бизнес-режа** — фирма ташкил этадиган ишлаб чиқариш (хизматлар)ни таъминлаш мақсадлари, йўллари ва воситаларининг қисқача баёни. Инвестицияларни асослаш ва инвесторларни жалб этиш учун ҳам фойдаланилади.

**Билвосита солиқлар** — муайян товар ва хизматларга доир солиқлар, товар нархига устама қўйиш орқали ундирилади.

**Биржа** — ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, доимий асосда фаолият кўрсатувчи бозор, унда товарлар (товар биржаси), қимматли қоғозлар (фонд биржаси), чет эл валютаси (валюта биржаси) савдоси амалга оширилади.

**Бож** — солиқ турларидан бири, чегара орқали келиб тушадиган (олиб келинадиган, олиб чиқиладиган) товарлардан ундирилади.

**Бож тарифи** — товарлар гуруҳлари бўйича бир тизимга солинган божлар рўйхати.

**Божхона божи** — чегара орқали ўтказиладиган товарларга доир солиқ. Олиб кириш ва олиб чиқиш учун божхона божлари мавжуд.

**Бозор ҳажмларини кўпайтириш самараси (effects of increased market size)** — халқаро савдо таъсирида монополистик рақобат бозори ҳажмининг кўпайиши, бунинг натижасида истеъмолчилар автаркия шароитларига қараганда товарларни анча кенг танлашга муваффақ бўладилар.

**Бозорнинг давлат томонидан тартибга солиниши** — давлатнинг бозор механизмлари фаолиятига аралашуви, иқтисодиётга маъмурий (қонун ҳужжатлари ва ҳокимият ижроия органларининг уларга асосланган ҳаракатлари), иқтисодий (валюта-молия, пул-кредит, бюджет-солиқ ва ҳоказо) усул ва воситалар орқали таъсир кўрсатиш.

**Бозорнинг кўринмас қўли (invisible hand)** — А.Смит киритган атама, унинг моҳияти шундан иборатки, индивидуумнинг чеклашларга учрамаган ҳолда ўз фойдасини оширишга интилиши ўз-ўзидан умуман жамият фойдасининг кўпайишига олиб келади.

**Бреттон — Вуд тизими** — 1944 йилда яратилган халқаро валюта тизими. Унинг асосий унсурлари куйидагича: олтин-доллар стандарти; АҚШ ҳукумати томонидан кафолатланган чет эл марказий банкларига долларни олтинга алмаштириб бериш; валютанинг бозор курслари олтин ёки доллар паритетининг +1% доирасида қайд этилади; валютани халқаро миқёсда тартибга солишни Халқаро валюта фонди амалга оширади.

**Брокер** — мижозларнинг топшириғи билан ва уларнинг ҳисобига битимлар тузиш пайтида ҳаракат қилувчи воситачи, агент улардан комисион ҳақ (воситачилик ҳақи) олади.

**Валюта** — мамлакатнинг муомалада бўлган пул бирлиги.

**Валюта курси** — бир мамлакатнинг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган пул бирлиги курси.

**Валюта назорати (exchange control)** — миллий валютани олиб чиқишни чеклашга йўналтирилган ва тўлов балансининг ёмонлашувига қарши қўлланиладиган ҳукумат сиёсати. Одатда маҳаллий валютанинг курси ошганда қўлланилади.

**Валюта операциялари** — мулкчилик ҳуқуқи ва валюта бойликларига доир бошқа ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ операциялар, шу жумладан тўлов воситаси сифатида чет эл валютасидан фойдаланиш билан боғлиқ операциялар.

**Валюта босқини (exchange market intervention)** — чет эл валютасининг Марказий банк томонидан харид қилиниши (сотилиши), у белгиланган валюта курсини ушлаб туришга ёки ўзгарувчан валюта курсига зарур йўналишда таъсир кўрсатишга интилади.

**Валюта чеклашлари (exchange controls)** — бошқа давлатлар валюталари билан операцияларни тартибга соладиган ҳукумат чоратадбирлари.

**Валютанинг конвертацияланувчанлиги (convertibility of currency)** — мазкур мамлакат валютасининг бошқа мамлакатлар валютасига эркин айирбошланиш ва барча операцияларда чеклашларсиз чиқиш қобилияти. Тўлиқ ва чекланган конвертацияланувчанлик мавжуд.

**Валютанинг ўрнини босиш (currency substitution)** — маҳаллий валютанинг ўрнига ёки у билан ёнма-ён чет эл валютасидан муомала воситаси сифатида фойдаланиш.

**Гиперинфляция (ўта инфляция)** — нархлар ва муомаладаги пул массасининг ғоятда тез ўсиши билан таърифланадиган инфляция тури. Гиперинфляция даврида нархлар ўсишининг йиллик суръатлари 10000% дан ошиб кетади.

**Давлатнинг ташқи қарзи** — давлатнинг хорижий фуқаролар, корхоналар ва бошқа мамлакатлардан қарзи.

**Девальвация (devaluation)** — ҳукумат ёки Марказий банкнинг



қарорига кўра маҳаллий валютанинг белгиланган айирбошлаш курсининг чет эл валютасига нисбатан пасайиши.

**Девизлар** — халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган, чет эл валютасидаги тўлов воситалари.

**Депозит** — сақлашга топширилган пул суммаси ёки бошқа хил бойлик; кўпинча банкларга пул суммалари ёки қимматли қоғозларнинг омонатлари сифатида қўлланилади.

**Демпинг (dumping)** — товарнинг ташқи бозорда таннархи ёки ички баҳосидан паст нархларда сотилиши. Демпингнинг доимий, спорадик ва шафқатсиз турлари мавжуд.

**Демпингга қарши бож (antidumping duty)** — товар демпингидан кўрилган талафотларни қоплаш мақсадида импорт қилувчи мамлакатда жорий этиладиган вақтинча йиғим, у ички ва дунё бозорларидаги нархлар ўртасидаги фарқ ҳажмида бўлади.

**Дефляция** — иқтисодиётда нархлар ўртача даражасининг тушиб кетиши, инфляцияга қарама-қарши жараён.

**Диверсификация** — бевосита бир-бири билан боғланмаган кўплаб ишлаб чиқаришларнинг бир вақтдаги ривожланиши; фирма ишлаб чиқаришининг диверсификацияси — фирма таркибида бир-бири билан бевосита боғланмаган бир нечта ишлаб чиқаришларнинг ривожланиши ёки унга киритилиши.

**Дивиденд** — муайян вақт даври, одатда бир йил учун унинг хўжалик фаолияти якунлари бўйича акция эгасининг акциядорлик жамияти фойдасидан оладиган даромад.

**Дилер** — биржа ёки савдо воситачилигини амалга оширадиган шахс ёки фирма, ўз номидан ва ўз ҳисобидан фаолият кўрсатади.

**Дисконт** — бухгалтерияда — векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш операцияси; банк хизмати кўрсатилишида — банклар ундирадиган фоиз.

**Дисконтлаш** — мавжуд фоиз меъёрида муайян вақт ўтгач тўланадиган, сармоя активларидан олинган даромад суммасининг бугунги, жорий ўхшашини ҳисоблаш йўли билан бўлажак даромадларни жорий вақтга келтириш усули.

**Европа валюта тизими** — Европадаги бир қатор мамлакатларнинг валюта тизими, унинг воситасида ўз валюталари курсини бир-бирига нисбатан ушлаб турадилар.

**Европа Иттифоқи** — алоҳида турдаги халқаро институт, Европадаги 15 давлатнинг халқаро иқтисодий ташкилоти ва сиёсий федерацияси хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Иқтисодий жиҳатдан олганда уларни иқтисодий ривожлантиришга, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришга, ягона валютали ва сармоялар, товарлар ва ишчи кучи тўлиқ эркин ҳаракатланидиган аъзо мамлакатларнинг ягона бозорига аста-секин ўтишига ёрдам беришга даъват этилган.

**Ер (land)** — ишлаб чиқариш омили, иқтисодий назарияда ер деганда ишлаб чиқариш фаолиятида ишлатиладиган турли хил табиий ресурслар тушунилади (ер, ўрмон, яйлов, фойдали қазилмалар ва ҳоказолар).

**Ёпиқ иқтисодиёт (closed economy)** — хорижий мамлакатлар билан алоқаси бўлмаган иқтисодиёт.

**Ёш тармоқларнинг ҳимояси (infant industry argument)** — протекционизм сиёсати тарафдорларининг далил-исботларидан бири, унга мувофиқ янги тармоқлар жаҳон бозорида чинакам рақобатбардошликка эришгунга қадар тариф ёрдамида ҳимоя қилинишга муҳтож бўладилар.

**Жаҳон банки (World Bank)** — қароргоҳи Вашингтонда бўлган халқаро молия ташкилоти, у қарз маблағлари билан шуғулланади, ривожланаётган мамлакатларга кредитлар ва техника ёрдами шаклида ёрдам кўрсатади.

**Жаҳон бозори (World market)** — ишлаб чиқариш омилларининг халқаро меҳнат тақсимооти базасида мавжуд бўлган, мамлакатлар ўртасидаги барқарор товар-пул муносабатлари соҳаси.

**Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)** — унга кирувчи давлатлар (1996 йилда — 123 мамлакат) ўртасида кўп томонлама битим, битим қатнашчиси бўлган давлатлар ўртасидаги савдо муносабатлари норма ва қоидаларини белгилайди.

**Жей эгри чизиги (J — curve)** — валюта курси билан савдо баланси сальдосининг динамикаси ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи эгри чизик, кўриниши J ҳарфини эслатади.

**Жисмоний шахс** — ҳуқуққа лаёқатли шахс сифатидаги киши, ҳўжалик фаолияти субъекти сифатида мустақил фаолият юритади.

**Жорий операциялар ҳисобварағи** — мамлакат тўлов балансининг бўлими, унда товарлар ва хизматлар экспорти ва импортининг ҳажмлари, инвестициялардан олинган даромадлар ва трансферт тўловлари ҳажми қайд этилади.

**IS линияси (IS line)** — товарлар ва хизматлар бозорида бир талай мувозанатли ҳолатларни акс эттирувчи линия.

**Имтиёзли акция** — акциядорлар йиғилишида овоз ҳуқуқини бермайдиган, лекин биринчи навбатда тўланадиган белгиланган дивидендни олиш ҳуқуқини берадиган акция.

**Иммиграция (immigration)** — чет элликларнинг доимий яшаш жойи сифатида мамлакатга кириб келиши, муҳожирлик.

**Импорт (import)** — товарлар ва хизматларни чет элда сотиб олиш.

**Инвестициялар (investment)** — миллий даромаднинг мамлакатда инвестиция товарларини ишлаб чиқаришга йўналтириладиган қисми.

**Ялпи инвестициялар** — ишлаб чиқариш мақсадидаги янги товарларга доир умумий харажатлар, соф инвестициялар — уларнинг сармомияни кенгайтиришга мўлжалланган қисми.

**Инжиниринг (engineering)** — технологияларни халқаро узатиш шаклларида бири, лойиҳани техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш, консултациялар, ускуналар назорати, синови ва уларга қарашга доир тадбирларнинг кенг доирасини ўз ичига олади.

**Инновациялар (innovations)** — ишлаб чиқаришнинг янги жараёнлари ва усуллари бунёд этиш учун ихтиролардан фойдаланиш.

**Инфляцион ошиш** — миллий иқтисодиётда инвестицияларга талабнинг инвестиция талаби устидан ошиши миқдори.

**Инфляцион солиқ** — пул маблағлари соҳибларининг инфляция натижасида кўрадиган талафотлари.

**Инфляция** — талаб ва таклифнинг нархлар ўсишида намоён бўладиган мутаносибсизлиги; иқтисодиётда нархларнинг умумий даражаси ўсади ва пул муомаласи каналлари тўлиб кетади.

**«Ипидан игнасиғача» лойиҳалар (turnkey projects)** — корхонани қуришга контракт, фойдаланиш учун тўлиқ тайёр бўлганда, корхона белгиланган тўлов эвазига эгасига топширилади.

**Истеъмолчи оладиган ортиқча фойда (consumer surplus)** — истеъмолчи оладиган ва у товарларни талаб нархи бўйича эмас, балки мувозанатли нарх бўйича харид қилгани туфайли юзага келадиган фойда.

**Ихтисослашишга доир ютуқ (gains from specialization)** — халқаро савдо давомида мутлақ ёки нисбий устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган мамлакат оладиган устунлик.

**Ички тармоқ савдоси (intra-industry trade)** — бир тармоқ табақалаштирилган маҳсулотининг халқаро савдоси. Масалан, Италия билан Германия ўртасида ўз мамлакатларида ишлаб чиқарилган автомобиль маркалари айирбошланиши.

**Ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси (production possibility frontier)** — барча ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш ва энг яхши технологияларни қўллаш чоғида турли мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ҳолатини акс эттирадиган эгри чизиқ.

**Ишлаб чиқариш омилининг нисбий нархи (relative factor price)** — ишлаб чиқариш бир омили нархининг бошқа омил нархига нисбати.

**Ишлаб чиқариш омиллари (factor of production)** — товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш учун зарур ресурслар ёки харажатлар.

**Ишлаб чиқариш омиллариининг ички ҳаракатчанлиги (internal factor mobility)** — ишлаб чиқариш омиллариининг мамлакат тармоқлари ва минтақалари ўртасида эркин ҳаракатланиши.

**Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракатчанлиги (international factor mobility)** — ишлаб чиқариш омилларининг мамлакатлар ўртасида эркин олиб ўтилиши.

**Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсмоти (international division of factors)** — ишлаб чиқариш айрим омилларининг турли мамлакатларда тарихан шаклланган ёки ҳосил этилган ҳолати.

**Ишлаб чиқариш функцияси (production function)** — ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг мақбул миқдорини қўлланиладиган ишлаб чиқариш омиллари ҳажми билан боғлайдиган функция. Энг оддий ҳолда  $Y = f(N, K)$  кўринишида бўлади.

**Ишлаб чиқарувчи оладиган ортиқча фойда (producer surplus)** — ўз маҳсулотини бозорда таклиф нархи бўйича эмас, балки мувоzanатли нархда сотиши натижасида ишлаб чиқарувчи оладиган фойда.

**Ишчи кучининг миграцияси (labor force migration)** — иқтисодий, сиёсий, диний ва бошқа хил сабаблар туфайли меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир мамлакатдан бошқасига ўтиши.

**Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури** — ишлаб чиқаришнинг ўсиши ишлаб чиқариш, технологияларнинг анча такомиллашган омилларини қўллаш ҳисобига амалга ошириладиган иқтисодий ўсиш.

**Иқтисодий ўсишнинг экстенсив тури** — моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига кўп миқдордаги ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ҳисобига эришиладиган иқтисодий ўсиш.

**Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)** — мамлакатларни унга мувофиқлаштиришни амалга оширадиган халқаро ташкилот, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига кўмак беради.

**Касса операциялари бўйича айирбошлаш курси (spot rate of exchange)** — 48 соат мобайнида тузиладиган битимлар учун валюталарнинг айирбошлаш курси.

**Кафолат** — кафилик; мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш. Масалан, агар унинг тўловга қобилигидан сотувчи шубҳаланса, харидор банкнинг кафолатини тақдим этади.

**Кафолатланган ссуда** — алоҳида гаров билан тақдим этиладиган кредит.

**Квота (quota)** — импорт (экспорт)нинг муайян муддатга белгиланадиган миқдорий чекланиши.

**Клиринг** — савдо ҳисоб-китобларида ўзаро талаблар ва мажбуриятларнинг ҳисобга олиниши.

**Комбинацияланган (аралаш) тариф (compound tariff)** — адвалор ва хос тарифларни бирлаштириш йўли билан белгиланадиган бож.

**Комиссионер** — ўз номидан, лекин келишилган ҳақ эвазига бошқа шахс (комитент) ҳисобига ва унинг топшириғига кўра товарни сотувчи ва сотиб олувчи шахс.

**Конвертацияланмайдиган валюта (inconvertibility)** — ташқи валюта бозорларида муомалада бўлмайдиган валюта.

**Котировка** — қимматли қоғозларнинг нархлари ва курсларини товар ва фонд биржаларида рўйхатга олиш.

**Копирайт (copyright)** — муаллифлик ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш шакли.

**Кредит** — иқтисодийдаги шериклар ўртасидаги ссуда шаклини оладиган битим, бунда бир шерик иккинчисига муддатлилиқ, қайтаришлилик ва, одатда, тўлаш шартларида пул ёки мол-мулк тақдим этади.

**Кўп миллатли корпорация (multinational corporation)** — 1) ўз маҳсулотини биттадан ортиқ мамлакатга сотадиган; 2) икки ва undan ортиқ мамлакатда ишлаб чиқаришга эга бўлган; 3) турли мамлакатларда мулкдор резидентларга эга бўлган фирма. Фирма ана шу санаб ўтилган аломатлардан ақалли биттасига жавоб берса, кўп миллатли деб ҳисобланади.

**LM линияси (LM line)** — пул бозорининг бир талай мувозанатли ҳолатларини акс эттирувчи линия.

**Леонтьев парадокси (Leontief paradox)** — В.Леонтьев томонидан АҚШнинг урушдан кейинги экспорти ва импортининг таркибини ўрганиш натижалари шундай ном олган, у Хекшер — Олин назариясига зид келади.

**Лизинг** — асосий фондларни узоқ муддатга ижарага бериш. Лизинг компаниялари ижарага бериш учун ускуналарни сотиб оладилар.

**Ликвидлик** — моддий бойликлар, бошқа ресурсларнинг тезда пулга айланиш қобилияти; корхонанинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида тўлаш, баланс активи моддаларини пулга айлантириш қобилияти.

**Лицензия** — муайян иқтисодий фаолиятни юритиш учун давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бериладиган махсус рухсатнома.

**Лицензия келишуви (битими) (licensing agreement)** — технологияларни халқаро узатишнинг асосий шакли, унга мувофиқ лицензиар технологияга доир ўз ҳуқуқларидан муайян доирада фойдаланиш учун бошқа томонга (лицензиатга) рухсат беради.

**Маклер** — воситачи, даллол. Биржа маклери — фонд, товар ва валюта биржаларида битимлар тузилганида воситачи, уларни мижозлар ҳисобига амалга оширади ва комиссия ҳақи кўринишида ҳақ олади.

**Макроиқтисодиёт (macroeconomics)** — ҳозирги иқтисодий назариянинг бир қисми, умуман миллий иқтисодиёт ва унинг йирик таркибий қисмлари унинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Кенг маънода: яхлит иқтисодиёт ёки унинг энг муҳим таркибий қисмлари.

**Маркетинг** — корхона фаолиятини ташкил этиш тизими, бозорни, бозор эҳтиёжларига мувофиқ келадиган товарларни ишлаб чиқариш, уларнинг сотиш бозорига ҳаракатланишини ҳар томонлама ўрганишга асосланади; иқтисодий назариянинг бир бўлими, кенг маънода товарларни сотиш муаммоларини тадқиқ этади.

**Маржа** — банк оладиган ва тўлайдиган фоизлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланадиган банк фоизи; биржа ва савдо амалиётида турли битимларни тузиш чоғида нархлар билан курслар ўртасидаги фарқни белгилаш учун ҳам ишлатиладиган атама.

**Маршалл-Лернер шарт (Marshall-Lerner condition)** — агар экспорт ва импортнинг эластиклик коэффициентлари суммаси бирдан катта бўлса, валюта бозори барқарордир. Агар ушбу коэффициентлар суммаси бирдан кам бўлса, валюта бозори нобарқарор бўлиб, айирбошлаш курслари кучли ўзгаришларга учрайди.

**Мақбул тариф (optimum tariff)** — савдо шартларини яхшилаш йўли билан мамлакатнинг савдодан оладиган даромадини илжи борица кўпайтиришга асосланган тариф.

**Маҳсулотнинг ҳаётий цикли модели (product cycle model)** — 1960 йиллар охирида Р.Вернон яратган модель. Ҳар бир янги маҳсулот ўз ҳаётий циклининг бир қатор босқичларидан ўтади. Маҳсулотнинг янги турлари саноати ривожланган мамлакатларда малакали меҳнатни кўллаш орқали яратилади, кейинроқ эса уларни ишлаб чиқаришни малакаси унча катта бўлмаган ишчи кучига эга бошқа мамлакатлар ўзлаштиради.

**Менежер** — тадбиркор ўртага қўйган вазифаларнинг амалга оширилишини ташкил этадиган ёлланма ходим; бошқарувчи; корхонани бошқариш функцияларини амалга оширадиган ходим.

**Менежмент** — корхонани ташкил этиш ва бошқариш тизими; иқтисодий фан бўлими, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш ҳамда бошқариш назарияси ва амалиётини ўрганади.

**Меркантилизм (mercantilism)** — XVII-XVIII асрлардаги назарий таълимот, унинг тарафдорлари импортни чеклаш ва экспортни рағбатлантиришни мамлакат бойлигини кўпайтириш йўли деб ҳисоблаганлар.

**Меҳнат (labor)** — ишлаб чиқариш омили, кишининг фойдали натижа олишга йўналтирилган жисмоний ва ақлий фаолияти.

**Миллий ҳисобварақлар тизими** — мамлакат ялпи миллий маҳ-

сулоти ва миллий даромадини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнини ҳисобга олишнинг кенг қамровли тизими, барча асосий иқтисодий жараёнлар ва ишлаб чиқариш босқичларини акс эттирувчи ўзаро боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимига асосланган. БМТ ҳомийлигида ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилмоқда.

**Микроиқтисодиёт (microeconomics)** — ҳозирги иқтисодий назариянинг бир қисми, миллий иқтисодиётда уй хўжаликлари ва фирмаларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатларини ўрганиш унинг тадқиқот объекти ҳисобланади.

**Миқёсга доир ички тежаш (internal economics of scale)** — фирманинг ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши юзага келтирган товар ишлаб чиқариш солиштирма чиқимларининг пасайиши.

**Миқёсга доир ташқи тежаш (external economics of scale)** — тармоқда ишлаб чиқариш солиштирма чиқимларининг пасайиши.

**Миқёсга доир ўсиб боровчи самара (increasing returns to scale)** — ишлаб чиқариш вазияти, бунда ишлаб чиқариш ҳажми чиқимларга қараганда анча юқори суръатлар билан ўсади.

**Миқёсий тежаш (economics of scale)** — фирмани йириклаштиришнинг боришига қараб узоқ даврда ўртача харажатлар пасайишини таърифлайдиган шароитлар кўпинча доимий чиқимлари кўп бўлган тармоқларда юзага келади.

**Молия бозорлари (financial markets)** — пул маблағлари оқимини жамғармалар эгаларидан қарз олувчиларга йўналтирадиган бозор институтлари мажмуи.

**Монетар сиёсат** — пул-кредит тизимининг иқтисодиётнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишига жиддий тарзда таъсир кўрсатиш қобилиятига таянадиган иқтисодий сиёсат.

**Монополия** — бозорда устун мавқени эгалаб олган корхона ёки корхоналар гуруҳи, бу ҳол унга нархларни назорат қилиш ва белгилаш имконини беради; битта ёки бир нечта корхоналар томонидан назорат қилинадиган бозор шакли.

**Монопол нарх** — монополиячи томонидан белгиланадиган нарх тури. Мақсадларга мувофиқ монополиячи монопол юқори ва монопол паст нархларни белгилаши мумкин.

**Монопсония** — бозорда бирор-бир аниқ турдаги товар ёки хизматларнинг ягона харидори.

**Монополистик рақобат (monopolistic competition)** — табақалаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўшлаб майда фирмалардан иборат бозор тузилмаси.

**Мослашувчанлик (elasticity)** — фоиз ўзгаришлари нисбати сифатида ифодаланган, бир ўзгаришчи миқдорнинг бошқасига ўзгаришига муносабат мезони.

**Муддатли операциялар бўйича айирбошлаш курси (forward rate of exchange)** — келгусида амалга ошириладиган битимлар учун фойдаланиладиган валюталарнинг айирбошлаш курси.

**Мукамал рақобат** — ҳар бири маҳсулот нархига таъсир кўрсата олмайдиган маҳсулот сотувчилари ва харидорлари кўп бўлган, бозорга кириш учун ташкилий, иқтисодий ва маъмурий тўсиқлар бўлмаган бозор.

**Муқобил чиқимлар** — бошқа товарни олиш имкониятига эга бўлиш учун қурбон қилиш зарур бўлган бир товарнинг миқдори.

**Мутлақ афзаллик (absolute advantage)** — мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан таққослаганда кам чиқимлар билан бир ёки бир нечта товарни ишлаб чиқариш қобилияти.

**Муҳожирлик (emigration)** — меҳнатга лаёқатли аҳолининг доимий яшаш учун хорижга чиқиши.

**Нарх** — товар бирлиги учун тўланадиган пул миқдори; товар бирлигининг пулда ифодаланган қиймати.

**Нархга доир камситиш (price discrimination)** — бир жинсдаги (бир хил) маҳсулотга турли нархларни белгилаш амалиёти, у товарлар сифати ёки чиқимлар даражасига боғлиқ бўлмайди.

**Нархлар индекси** — муайян тўшамдаги товарлар ва хизматлар нархи ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич.

**Нархлар мослашувчанлиги** — нарх ўзгаришига талаб ва таклиф муносабатининг интенсивлигини таърифлайдиган тушунча.

**Неомеркантилизм (neomercantilizm)** — унга мувофиқ мамлакат бирор-бир сиёсий ёки ижтимоий мақсадга эришиш учун фаол савдо қилишга очикдан-очик интиладиган сиёсат.

**Нотариф савдо чекловлари (nontariff trade barriers)** — тарифларни истисно этганда товар ва хизматларнинг халқаро оқимлари ҳаракат йўлидаги кўндан-кўн чекловлар (квоталар, субсидиялар, экспортни ихтиёрый чеклаш, демпинг, экологик, санитария ва бошқа меъёрлар).

**Нотариф тўсиқлар** — чет эл товарларини олиб келишга қарши йўналтирилган маъмурий чора-тадбирлар.

**Ноэластик таклиф** — бозор ҳолати, бунда нархнинг фоиз ўзгариши таклифнинг фоиз ўзгаришидан катта бўлади.

**«Ноу-хау» (Know-how)** — техник тажриба, ишлаб чиқариш сирлари, ахборот ва ҳоказоларни тақдим этиш. «Ноу-хау» предмети, гарчи патент ҳимояси билан таъминланмаган бўлсада, ишлаб чиқаришда фойдаланилган тақдирда маълум афзалликлар яратади.

**Оддий акция** — акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ва дивиденд олиш ҳуқуқини берадиган акция.

**Олигополия** — стандартлаштирилган ёки табақалаштирилган то-



варлар ишлаб чиқарувчи бир нечта йирик фирма ҳукмронлик қиладиган бозор.

**«Олимларнинг хорижга қочиши» (brain drain)** — олий маълумотли кишилар ва мутахассисларнинг одатда ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга миграцион оқимлари.

**Олтин стандарти (gold standard)** — Наполеон урушларидан кейиноқ Европада қарор топган ва биринчи жаҳон урушига қадар ҳукм сурган пул тизими. Олтин танга стандарти чоғида мамлакат пул бирлиги қонунга биноан белгиланган муайян таркибдаги олтин билан таъминланган, банкноталар эса олтинга эркин айирбошланган.

**ОПЕК** — нефть қазиб олувчи давлатлар томонидан нефть қазиб олиш ва экспорт қилиш, унга нарх белгилаш бобида ягона сиёсат юритиш мақсадида барпо этилган ташкилот.

**Опцион контракти (options)** — келажакда муайян муддатга белгиланган нарх бўйича валюта ёки қимматли қоғозларни харид қилиш ҳуқуқини (мажбуриятини эмас) берадиган контракт.

**Очиқ бозордаги операциялар (open market operations)** — мамлакат Марказий банки томонидан қимматли қоғозлар олди-сотдиси.

**Очиқ иқтисодиёт (open economy)** — хорижий мамлакатлар билан импорт, экспорт ва молиявий операциялар механизмлари билан боғланган миллий иқтисодиёт.

**Оқилона кутишлар (rational expectations)** — агент фойдалана оладиган барча ахборотлар асосида юз берадиган иқтисодий миқдорларнинг келгусидаги қийматига доир кутишларни шакллантириш, бу ҳол унга мунтазам равишда хатолар қилмаслик имконини беради.

**Париж клуби (Paris Club)** — ривожланаётган мамлакатларнинг икки томонлама давлат қарзларини реструктуризациялаш билан шуғулланадиган ҳукумат кредитлари гуруҳи.

**Пассив савдо баланси (unfavorable balance)** — мамлакат импортининг экспортдан ошиб кетиши.

**Пассивлар (liabilities)** — фирма ёки юридик шахсга қўйилган талаб.

**Патент битими (patent agreement)** — халқаро савдо битими, унга кўра патент эгаси ихтиродан фойдаланишга оид ўз ҳуқуқларини патент харидорига беради.

**Портфель (portfolio)** — иқтисодий агент активларининг мажмуи.

**Портфель инвестициялари (portfolio investmets)** — маҳаллий валютада туланадиган, хорижда акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни харид қилишга доир молиявий операция. Портфель инвестициялари хатар даражасини сармояли диверси-

фикациялаш ҳисобига пасайтиради, лекин инвесторга харид қилинган мулк устидан амалдаги назоратни бермайди.

**Портфелни бошқариш (portfolio manager)** — мол-мулкдан иложи борича кўп фойда олишга эришиш мақсадида иқтисодий агентнинг актив ва пассивларини бошқариш.

**Протекционизм (protectionism)** — ички бозорни чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш мақсадида товар ва хизматлар халқаро оқимлари йўлига давлат томонидан жорий этиладиган чекловлар тизими.

**Пул** — муомала воситаси ҳисобварақ бирлиги ва жамғариш воситаси бўлиб измат қиладиган активлар, тўловнинг ижтимоий воситалари.

**Пулниг нейтраллиги (neutrality of money)** — иқтисодий назария қойдаси, унинг моҳиятини муомаладаги пул миқдорининг ўзгариши фақат нарх даражасини ўзгаришига олиб келиши, лекин амалдаги ўзгарувчан миқдорларга таъсир этмаслиги ташкил этади.

**Расмий айирбошлаш курси (official exchange rate)** — Марказий банк томонидан маҳаллий валютани сотиш ва харид қилиш курси.

**Рақобат** — товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилари ўртасида энг кўп фойда олиш ҳуқуқи учун қарама-қарши кураш, беллашув; бозорда бир талай ишлаб чиқарувчилар ва харидорларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг бозордан эркин чиқиш ва унга эркин кириш имконияти.

**Реал ЯММ** — инфляция даражасига тузатилган, пул ифодасида ялпи миллий маҳсулотнинг миқдори.

**Ревальвация (revaluation)** — ҳукумат қарорларига кўра амалга ошириладиган, валюта айирбошлаш курсини ошириш.

**Резидентлар** — мамлакатда доимий яшаш жойига эга бўлган ёки вақтинча ундан ташқарида бўлган фуқаролар; мазкур мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, унинг ҳудудида жойлашган юридик шахслар, шунингдек резидентларнинг хорижда жойлашган ваколатхона ва филиаллари. Атамадан валюта операциялари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида фойдаланилади.

**Ресурсларни тақсимлаш самарадорлиги (allocative efficiency)** — ресурсларни шундай тақсимлаш усулики, бунда ресурсларнинг мазкур ҳажмида ва ресурс тежовчи техника ҳамда технологияларни қўллаш билан иложи борича мумкин бўлган маҳсулот ҳажминини ишлаб чиқариш таъминланади.

**Резпорт** -товарни уни ишлаб чиқарган мамлакатдан ўз истеъмоли учун эмас, балки сотиш учун учинчи мамлакатларга олиб чиқиш; илгари мамлакатга олиб келинган товарни олиб чиқиш.

**Реэмиграция (re-emigration)** — муҳожирларнинг ўз ватанларига қайтиши.

**Ривожланаётган мамлакатлар таснифи** — БМТ, ИХТТ ва Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган таснифлар мавжуд.

БМТ мамлакатларни уч гуруҳга бўлади: энг кам ривожланган 44, ривожланаётган 88 ва ОПЕКнинг нефть қазиб чиқарувчи 13 аъзо мамлакати. ИХТТ таснифида аҳоли жон бошига даромад даражаси паст бўлган (1990 йилда — 600 доллардан кам) 61, даромад даражаси ўртача бўлган 73, янги индустриал 11 ва ОПЕК аъзоси бўлган 13 мамлакат бор. Жаҳон банки таснифида ривожланган ва ривожланаётган 125 мамлакат бўлиб, улар тўрт гуруҳга бўлинади: даромад даражаси паст, ўртача, ўртадан юқори ва юқори бўлган мамлакатлар.

**Роялти (royalty)** — лицензиялар савдосида ҳақ тўлаш шаклидани бири, унга кўра лицензиядан тижорат йўлида фойдаланилганда ҳақиқатда олинган фойдадан ёки сотиш ҳажмидан фоизларда белгиланган даврий ажратмалар белгиланади.

**Савдо баланси (trade balance)** — муайян вақт давр, одатда бир йил учун мамлакат экспорти ва импортининг нисбати.

**Савдо сиёсати (commercial policy)** — импортни чеклаш мақсадида товар оқимларини ўзгартиришни назарда тутадиган ҳукумат сиёсати.

**Савдо уйи** — ички ва ташқи бозорда операцияларни амалга ошириш учун корхоналар бирлашмаси шакли.

**Савдо тушуми** — товарларни бозорда сотишдан олинган даромад. Муайян вақт доирасида бозорда ҳосил этилган, товар нархининг ушбу товар бирлиги миқдорига кўпайтмаси сифатида ҳисобланади.

**Савдо шартлари (terms of trade)** — экспорт ва импорт нархлари индексларининг нисбати. Товар ёки соф бартер савдо шартлари, шунингдек даромад ва факториал савдо шартлари мавжуд.

**Савдога доир ютуқ (gains from trade)** — бошқа мамлакатлар билан савдо қилиш натижасида мамлакат оладиган афзалликлар.

**Савдони эркинлаштириш (trade liberalization)** — халқаро савдо йўлидаги тўсиқ ва чекловларни баратарф этиш.

**Савдонинг соф назарияси (pure theory of trade)** — халқаро иқтисодий бўлими, позитив усул асосида савдо шароитлари ва фойдаларини таҳлил қилади.

**Самара** — бирор-бир фаолият натижаси.

**Самарадорлик** — натижалар билан ушбу натижаларга эришиш учун қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат.

**Сармоя (capital)** — товар ва хизматларни яратиш учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш омили.

Ишлаб чиқариш, пул ва товар шаклларида амал қилади.

**Сармояталаб товар (capital-intensive commodity)** — ўзининг ишлаб чиқарилиши учун меҳнатта нисбатан кўпроқ сармоя талаб қиладиган товар.

**Сармояни олиб чиқиш** — фуқарола, корхоналар ёки давлат томонидан қимматли қоғозлар сотиб олиш ёки инвестицияларни амалга ошириш учун маблағларни бошқа мамлакатларга олиб ўтилиши.

**Сармоянинг қочиши (capital flight)** — мамлакат резидентлари томонидан сармояларнинг хорижга легал ва нолегал ўтказилиши.

**Сермеҳнат товар (labor-intensive commodity)** — ўзининг ишлаб чиқарилиши учун сармояга нисбатан кўпроқ меҳнат талаб қиладиган товар.

**Солиқ** — махсус қонун ҳужжатлари асосида фуқаролар (жисмоний шахслар) ёки корхоналар (юридик шахслар) дан давлат ёки маҳаллий ҳокимият органи ундирадиган мажбурий тўлов, йиғим.

**Сотилмайдиган товар ва хизматлар (nontraded goods and services)** — ишлаб чиқарилган ерида ишлатиладиган товар ва хизматлар. Сотилмайдиган товар ва хизматлар халқаро савдо объекти ҳисобланмайди.

**Соф инвестициялар** — ялпи (умумий) инвестициялар билан эскирган ишлаб чиқариш воситаларини алмаштиришга сарфланган суммалар ўртасидаги фарқ сифатида белгиланадиган инвестициялар.

**Соф талофотлар (deadweight-loss)** — ҳеч кимнинг фойдаси билан компенсацияланмайдиган, истеъмолчи ёки ишлаб ишлаб чиқарувчининг ортиқча фойдасидан талафотлар.

**Соф экспорт (net exports)** — импортни чегирган ҳолда товар ва хизматлар экспорти.

**Спот бозори (spot market)** — валюта дарҳол етказиб бериладиган бозор.

**Ссуда, қарз, кредит (loans)** — кредиторнинг қарз олувчига муайян муддатга ва муайян фоиз билан пул бериш.

**Стагнация** — иқтисодиётнинг ҳолати, бутун иқтисодий фаолиятнинг турғунлиги билан таърифланади.

**Стагфляция** — ишлаб чиқаришнинг турғунлиги ёки тушкунлиги билан борадиган инфляция.

**Суғурта** — суғурталовчининг пул бадаллари ҳисобига мақсадли суғурта фондини шакллантириш ва ундан зарарни қоплаш ва суғурта суммаларини тўлаш учун фойдаланишига доир иқтисодий муносабатлар мажмуи.

**Суғурта шаҳодатномаси (полиси)** — суғурталанувчиларга бе-

риладиган, суғурта шартномасини ва ундаги шартларни тасдиқлайдиган ҳужжат.

**Суғурта хатари** — зарарнинг юзага келиш эҳтимоли.

**Суғурта ҳодисаси** — суғурталовчи суғурта қоплами ёки суғурта суммасини тўлашга мажбур бўлган воқеа.

**Субвенция** — молиявий ёрдам шакли, айрим тармоқлар, хўжаликлар, минтақалар, корхоналар ёки уларнинг эгаларига бериладиган нафақалар.

**Сэй қонуни** — таклиф билан талаб ўртасидаги сабаб-оқибат алоқасини ифодалайдиган қонун. Унга кўра таклифнинг ўзи талабни тугдиради.

**Табий афзаллик (natural advantage)** — шароитлари туфайли ёки табиий ресурсларга эгалик қилиш натижасида мамлакатнинг бирон-бир товарни нисбатан кам чиқимлар билан ишлаб чиқариш қобилияти.

**Таклифнинг эгри чизиги (offer curve)** — товарлар нархи ўсишига қараб таклифнинг ўсишини акс эттирадиган эгри чизиқ.

**Талабнинг эгри чизиги (demand curve)** — ўзгараётган нархга боғлиқ ҳолда тўловга қобил талаб тақдим этилган товар миқдори-ни акс эттирувчи эгри чизиқ.

**Такомиллашмаган рақобат** — бозордаги вазият, бунда харидорлар ёки сотувчилар нархлар даражасига мустақил таъсир кўрсатишга қодир бўладилар. Такомиллашмаган рақобат турлари: соф монополия, монополистик рақобат, монолсония.

**Танга паритети (mint ratio)** — олтин вазни бирлиги расмий қийматининг худди шундай кумуш бирлигининг расмий қийматига нисбати.

**Тариф (tariff)** — ҳукумат томонидан белгиланадиган, хорижий товарларнинг импорти, экспорти ёки транзитига доир солиқ.

**Тармоқлараро савдо (inter industry trade)** — турли тармоқларнинг гомоген маҳсулоти халқаро савдоси.

**Ташқи савдо** — давлатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси, товарларни олиб кириш ва олиб чиқишни ўз ичига олади.

**Ташқи валюта бозорлари (foreign exchange market)** — халқаро савдо ва чет эл валюталарини айирбошлаш амалга ошириладиган бозорлар.

**Ташқи савдо баланси** — муайян вақт даври учун мамлакат экспорти ва импорти қийматлари ўртасидаги нисбат.

**Ташқи савдо камомати** — товар олиб келиниши (импорт)нинг товарлар олиб чиқилиши (экспорт)дан ошиб кетиши.

**Тақиқловчи тариф (prohibitive tariff)** — тариф ставкасининг юқори даражаси, у товарлар импортини иқтисодий жиҳатдан фойдасиз қилиб қўяди.

**Тендер** — товарлар етказиб берилиши, объектлар қурилиши, бошқа ишлар бажарилиши учун танлов ўтказиш таклифи. Ариза топширганларга танлов шартлари юборилади. Тендер шаклини олган корхоналар уни тўлдирадилар, ўз нархлари ва бошқа шартларни кўрсатиб, зарур ҳужжатлар билан бирга танлов ташкилотчисига юборадилар. Келиб тушган ҳужжатларни таққослаш натижасида танлов ташкилотчилари томонидан энг яхши вариант танланади ва мазкур аризани топширувчи билан ишларни бажариш ёки битимни амалга ошириш мақсадида тегишли шартнома тузилади.

**Технология (technology)** — ишлаб чиқариш омили, иқтисодий назарияда технологик жиҳатдан қўлланиладиган билимлар мажмуи.

**Технологияларнинг халқаро узатилиши (International technology transfer)** — илмий-техника ютуқларини давлатлараро олиб ўтказиш, тижорат асосида бепул амалга оширадилар.

**Товарларнинг нисбий нархи (relative commodity price)** — бир товарнинг бошқа товар нархида ифодаланган нархи. У биринчи товарнинг муқобил чиқимларига тенг ва ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасини мутлақ оғиши билан берилади.

**Товар маркази (trade mark)** — технологияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш шаклларида бири, маҳсулотда жойлаштириладиган сурат, график тасвир, фирма асосчиси (эгаси)нинг номи ва ҳоказолардан иборат бўлади.

**Трансакция чиқимлари** — контрактлар тузиш, товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш, фирманинг ўз иштини ташкил этиш чоғида алоқаларни йўлга қўйиш бўйича барча хил ишлар ва хизматларни ўтказиш учун зарур бўлган энг кўп харажатлар.

**Трансмиллий корпорация (ТМК)** — халқаро концернлар; халқаро бозорда фаолият кўрсатувчи, муайян товарни ишлаб чиқиш ва сотишда етакчи мавқени эгаллаган энг йирик компаниялар.

**Трансферт** — эвазига товарларнинг бевосита олинishi юз бермайдиган тўловлар; агентлар ўртасидаги иқтисодий операциялар ёки агентдан бошқасига ҳеч қандай қоплашсиз ижтимоий тўловларнинг тури.

**Траст** — ишончли бошқариш; мулкдорнинг бирор-бир мол-мулкни бошқаришга доир ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома.

**Турли афзал кўришлар асосидаги савдо (trade based on differences)** — халқаро савдо учун мўлжалланган фақат битта товарни ишлаб чиқариш учун мамлакатнинг барча ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш. Одатда доимий чиқимлар шароитида ўрин тутади.

**Тўлов баланси (balance of payments)** — мамлакатнинг муайян

вақт даври учун ташқи дунё билан молиявий битимларнинг натижаларини ҳисоблаш.

**Тўлов баланси жорий ҳисобварағининг сальдоси (current+accout+balance)** — савдо балансининг, сотилган хизматлар ва бир томонли тўловларга доир даромадларнинг сальдоси.

**Устав фонди** — корхонанинг уни барпо этиш чоғида мол-мулкни ташкил этадиган восита ва маблағлар суммаси.

**Факторинг** — молиявий хизматлар турларидан бири, бунда банк ёки фирма ўз миждидан унинг қарздоридан пул олишга доир ҳуқуқларини сотиб олади.

**Фан-техника тараққиёти (ФТТ)** — фан ва техника ютуқларини жорий этиш базасида ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасининг барча томонларини узлуксиз такомиллаштириш.

**Филиал (branch)** — бевосита инвесторга тегишли бўлган корхона.

**Фирма** — бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий агенти; юридик жиҳатдан мустақил, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилот. Фирма ўз ичига бир ёки бир неча корхонани олиши мумкин.

**Фискал сиёсат** — иқтисодиётга таъсир кўрсатиш мақсадида солиқ солиш ва давлат харажатлари таркибини тартибга солиш боёдаги сиёсат.

**Фишер тенгламаси (Fisher equation)** — кутилаётган инфляцияни чегириб ташлаган ҳолда номинал фоиз ставкалари алоҳида олинган мамлакатларда бир хил бўлган амалдаги фоиз ставкаларига тенг.

**Фоиз (interest)** — қарз олинган маблағлардан фойдаланганлик учун тўланадиган нарх.

**Фоиз ставкаси (interest rate)** — кредит номиналидан ташқари олинган кредит суммасига фоизли ифодаланган кредитларнинг қарз олувчи томонидан тўланиши.

**Фоизнинг ҳисоб ставкаси** — фоиз ставкаси, унга мувофиқ Марказий банк тижорат банкларига ресурслар тақдим этади.

**Фонд биржаси** — қимматли қоғозларнинг уюштирилган иккиламчи бозори.

**Форварда контракти (forward contract)** — келгусида валютанинг муайян санага контрактни тузиш пайтида белгиланган нарх бўйича олди-сотдиси тўғрисидаги келишув.

**Форс-мажор** — олдиндан қутилмаган ҳодиса; битимда иштирок этадиган тарафларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, лекин шартнома мажбуриятларининг бузилишига олиб келадиган ҳодиса, масалан, табиий офат, ҳарбий ҳаракатлар ва ҳоказо ҳоллар.

**Фритрадорлик** — давлатнинг савдо эркинлигига ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслиги қондасига асосланган иқтисодий назария ва ҳўжалик сиёсатидаги йўналиш.

**Фьючерс контракти (futures contract)** — товарлар, молиявий воситаларни келишилган муддатда контрактни тузиш чоғида белгиланган нарх бўйича сотиш ёки харид қилиш тўғрисидаги келишув.

**Халқаро бозор (international market)** — миллий бозорларнинг хорижга йўналтириладиган бир қисми.

**Халқаро валюта резервлари (international reserves)** — бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган олтин, эркин конвертацияланадиган валюта ва бошқа активлар.

**Халқаро валюта фонди — ХВФ (International Monetary Fund — IMF)** — 1944 йили асос солинган халқаро иқтисодий ташкилот. Халқаро валюта-молия муносабатларини тартибга солувчи, халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигига кўмак берувчи асосий орган.

**Халқаро иқтисодиёт (international economics)** — ҳозирги иқтисодий назариянинг мустақил қисми, миллий иқтисодиётлар ўзаро ҳамкорлиги қонуниятларини: жаҳон ҳамжамияти ичида товарлар, хизматлар ва тўловлар оқимлари ҳаракати, бу оқимларни белгилайдиган ва тартибга соладиган иқтисодий сиёсат ҳамда уларнинг жамият фаровонлигига таъсирини ўрганади.

**Халқаро макроиқтисодиёт (international macroeconomics)** — халқаро иқтисодиёт бўлими, очиқ иқтисодиётлар модели ва умуман жаҳон ҳўжалигининг ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

**Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)** — БМТнинг фаолияти меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган махсус муассасаси.

**Халқаро меҳнат тақсимоти (international division of labor)** — алоҳида олинган мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқаришни муайян маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш.

**Халқаро микроиқтисодиёт (international microeconomics)** — халқаро иқтисодиёт бўлими, товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари ни мамлакатлар ўртасида олиб ўтиш қонуниятларини, шунингдек уларнинг бозор тавсифномларини ўрганади.

**Халқаро молия (international finance)** — халқаро иқтисодиёт бўлими, чет эл валюта бозорлари, тўлов баланси ва уни келиштиришни ўрганади.

**Халқаро савдо (international trade)** — жаҳон ҳамжамияти барча мамлакатлари ташқи савдосининг жами.

**Халқаро техник кўмаклашиш (technical assistance)** — технология, маҳсулотлар ва бошқарув соҳасида жаҳон ҳамжамияти томо-



нидан ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига кўрсатиладиган ёрдам.

**Харид қобилиятининг паритети (purchasing power parity)** — инфляция билан турли мамлакатлар валюталарининг айирбошлаш курслари ўртасидаги узоқ муддатли алоқани акс эттиради. У мутлақ шаклда валюталарнинг айирбошлаш курси уларнинг истеъмол халтаси қўйматида ифодаланган нархлар даражасига нисбатига тенг деб уқтиради. Харид қобилияти паритетининг нисбий шакли валюта курсларининг фоиз ўзгаришлари инфляция миллий суръатлари айирмасига тенглигини кўрсатади.

**Хеджерлар** — нархнинг нохуш тарзда ўзгариши эҳтимоли оқибатида тўқнаш келишлари мумкин бўлган хатарни камайтириш мақсадида фьючерс бозорларидан фойдаланувчи шахслар.

**Хеджлаш (hedging)** — муддатли контрактлар ва битимлар тузиш тизими, ушбу ўзгартиришларнинг нохуш оқибатларига йўл қўймаслик мақсадида келгусида валюта курсларининг эҳтимолий ўзгаришларини эътиборга олади.

**Хекшер-Олин назарияси (Heckscher-Olin theorem)** — мамлакатлар ишлаб чиқарилишида нисбатан мўл-кўл ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланадиган товарларни экспорт қилишга ва ишлаб чиқарилишида улар учун нисбатан камёб бўлган ресурслар талаб қилинадиган товарларни импорт қилишга интиладилар.

**Хизмат** — натижаси кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжларини қондирадиган фаолият.

**Холдинг** — активлари таркибига бошқа корхоналарнинг назорат пакетлари кирадиган компания, бу корхоналар холдингга нисбатан шўъба корхоналар ҳисобланади.

**Чет эл валютаси** — муомалада бўлган ва тегишли хорижий давлатларда қонуний тўлов воситалари ҳисобланадиган банкноталар, ҳазина билетлари, тангалар кўринишидаги пул белгилари.

**Чиқимлар ва фойдалар таҳлили (cost-benefit analysis)** — иқтисодий таҳлилнинг асосий воситаларидан бири, бевосита ва билвосита харажатларнинг индивидуал ва ижтимоий фойдалари билан нисбатини кўзда тутди.

**Шартнома** — тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, битимни амалга ошириш шартлари, муддати ва ҳоказоларни белгилайдиган асосий ҳужалик, тижорат ҳужжати. Олди-сотди, кредит, суғурта, пудрат, маркетинг ишларини ўтказишга оид ва ҳоказо шартномалар айниқса кенг тарқалган.

**Шўъба компаниялар (subsidiary)** — кўп миллатли фирмалар ундаги сармоянинг ярмидан кўпига эгаллик қиладиган ташкилотлар.

**Экспорт (export)** — товарлар ва хизматларни хорижга сотиш.

**Экспорт субсидияси (export subsidy)** — савдони нотариф чеклашлар шаклларида бири, бунда ҳукумат ўз экспортини рағбатлантириш ва импортни яширишга камситиш мақсадида мамлакатнинг ишлаб чиқарувчиларини очиқдан-очиқ ёки ниқобли кўринишда субсидиялайди.

**Экспортни «ихтиёрий чеклаш» (voluntary export restraint -VER)** — нотариф савдо чекловлари шаклларида бири, бунда мамлакатлардан бири бошқа мамлакатни экспортни «ихтиёрий равишда» чеклашга ундайди.

**ЭКЮ (european currency unit)** — 12 мамлакатнинг валюта халтаси базасида ҳисобланган умумий Европа валютаси. Ҳар бир валютага берилган вазн алоҳида олинган мамлакатларнинг Европа ҳамжамияти ЯММга нисбатан ҳиссасини акс эттиради.

**Эмбарго (embargo)** — мамлакат билан савдо қилишга тўлиқ тақиқнинг жорий этилиши.

**Эмиссия** — пул ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ва муомалага чиқариш.

**Эркин савдо сиёсати (free trade)** — халқаро савдога асосан талаб ва тақдирнинг эркин кучлари таъсирида ривожланиш имконини берадиган сиёсат.

**ЮНКТАД** — БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича анжумани — БМТ Бош ассамблеяси органи, унинг иши халқаро савдони ривожлантиришга ёрдам беришга, халқаро иқтисодий алоқаларни тартибга солиш қонун-қоидаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган.

**Ягона нарх қонуни (law of one price)** — турли мамлакатларда бир хил товарларга маҳаллий валютадаги нархлар билан айирбошлаш курслари ўртасидаги алоқани ифодалайдиган қонун. Бу қонунга биноан ўхшаш товарлар нархларидаги фарқ халқаро савдо натижаларида силлиқлаштирилади. Масалан, 1 доллар 380 сўмга алмаштириладиган курсда 1 гамбургер Нью-Йоркда 1 доллар, Тошкентда 380 сўм туради. Мазкур қонун харид қобилияти паритетининг асосини ташкил этади.

**ЯММ дефлятори** — номинал ялпи миллий маҳсулотнинг амалдаги ялпи миллий маҳсулотга нисбати.

**Ялпи ички инвестициялар** — мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча ишлаб чиқариш воситаларининг умумий қиймати, шунингдек товар-моддий захираларни тўлдириш харажатлари.

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Божхона тарифлари тўғрисида»ги Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 1995 йил 25 июлдаги 287-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида» 1999 йил 10 октябрдаги Фармони.

9. И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон» 1997 й.

10. И.А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 й.

11. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, "Ўзбекистон", 1995 й.

12. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, 1999 й.

13. Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақриқ биринчи сессиясида қилган маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 23 январь.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2000 йил 1 февралдаги йиғилишида қилган маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 2 февраль.

15. М.Портер. Международная конкуренция. М. Международные отношения, 1993 й.

16. Рикардо Д. Принципы политической экономии и налогообложения. М.: 1992.

17. Смит Адам. Исследование о природе и причинах богатства народов. М: 1992.

18. Стровский М.Е. Внешнеэкономическая деятельность предприятия. М., ЮНИТИ, 1999.

19. Симонов В.В. Маркетинг в текстильной промышленности. М.: Легпромснабиздат, 1991.

20. Синецкий Б.И. Внешнеторговые операции. М.: «Международные отношения», 1987.

21. Синецкий Б.И. Внешнеэкономические операции: организация и техника. М.: «Международные отношения», 1989.

22. Тихомиров М.Г. Модели и методы прогнозирования рынка. М.: МИНХ им. Плеханова, 1991.

23. Швалбье Х. Практика маркетинга для малых и средних предприятий. М.: «Республика», 1995.

24. Горячев А.А. Изучение внешнеторговых рынков: цели, средства, эффективность. М.: 1984.

25. Картер Г. Эффективная реклама. Пер. с англ. М.: «Прогресс», 1991.

26. Левшин Ф.М. Внешнеторговые цены. М.: Внешнеторгиздат, 1990.

27. Левшин Ф.М., Мухин С.Б., Соловьев В.К. Мировые рынки. Конъюнктура и цены. М.: «Международные отношения», 1998.

28. Линдерт П.Х. Экономика хозяйственных связей. М.: «Прогресс», 1992.

29. Мануковский А.Б., Хартунов Е.М. Экономическая конь-

юктура. Как изучать современный рынок. М.: МГИМО, 1991.

30. Государственная программа развития экспортного потенциала Республики Узбекистан. Т., 1997 г.

31. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари. Т.: Мирзо Улуғбек номидаги ТДУ, 1999.

32. Материалы Международной конференции «Вопросы содействия экспортной продвижению продукции». Ташкент, 1999.

33. Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее. Т.: «Узбекистон», 1992.

34. Э.Трушин, Б.Эргашев «Внешнеторговая политика: выбор стратегия для Узбекистана». «Экономическое обозрение», февраль 2000 г. с. 7.

35. Agosin M.R. Trade policy reform and economic performance: empirical experience // Trade and Growth. New Dilemmas in Trade Policy. Martin's Press, 1993.

36. Белоконь Ю. Открытость экономики и экономический прогресс: опыт Японии и азиатских НИС // МЭ и МО, 1997. № 1.

37. Пичугин Б. Импорт капитала: мировой опыт и практика России // МЭ и МО. 1996. №12.

38. Mihn Kyoung — Hwie. Industrial Policy for Growth and Development of Korea-Seoul: KIET, 1997.

39. Помфрет Р. Торговая политика для переходной экономики сырьевого характера // Экономическая политика Республики Узбекистан после обретения независимости. Международная конференция 30-31. 1997. г.Ташкент.

40. Helpman E. and Krugman P. Market Structure and International Trade — Cambridge, Mass: MIT Press, 1985.

41. Hirshman A.O. The Strategy of Economic Development. — New Haven, Yale Univ. Press, 1958.

42. Hodendorn J.S. Economic Development, 3-rd ed. — New York, Harper Collins Publishers, 1995.

43. Ethier W.J. Modern International Economics. — 3-rd ed. — New York: W.W. Norton & Company, 1995.

44. Porter Michael. The Competitive Advantage of Nations. — New York: The Free Press, a Division of McMillan Inc., 1990.

45. Deepak Lal and Sarath Rajapatirana. Foreign Trade Regimes and Economic Growth in Developing Countries // The World Bank Research Observer. 1997, №2.

46. Khan M.S. and Villanueva D. Macroeconomic Policies and Long-Term Growth: A Conceptual and Empirical Review // IMF Working Paper. 1991.

47. Kruger A.O. The effects of trade strategies on growth // Finance and Development. 1983. Vol. 20.

48. Пичугин Б. Импорт капитала: мировой опыт и практика России // МЭ и МО. 1996. №12.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....3

Кириш.....4

## БИРИНЧИ БОБ

✓ Ташқи иқтисодий фаолиятнинг назарий, ҳуқуқий ва ташкилий асослари.....6

1.1. Ташқи иқтисодий алоқалар тушунчаси, моҳияти ва таснифи.....6

1.2. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий базаси.....18

1.3. Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ташкилий асослари.....28

## ИККИНЧИ БОБ

✓ Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш ва тартибга солиш.....38

2.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий сиёсатининг моҳияти, қоидалари ва мақсадлари.....38

2.2. Ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий турлари тавсифи.....44

2.3. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш органлари тизими ва ҳуқуқий мақоми.....49

2.4. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг умумий қоидалари.....61

2.5. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг иқтисодий усуллари.....67

2.6. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг маъмурий (тарифсиз) чора-тадбирлари.....	82
--	----

## УЧИНЧИ БОБ

Ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми.....	91
---	----

3.1. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.....	91
3.2. Ташқи савдо операцияларини ўтказишни ташкил этиш ва унинг русум-қоидалари.....	103

## ТЎРТИНЧИ БОБ

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг валюта-молиявий асослари.....	115
---	-----

4.1. Асосий тушунча ва тарифлар.....	115
4.2. Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилигининг асослари ва валютани тартибга солиш соҳасидаги ислохотнинг асосий босқичлари.....	124
4.3. Тўлов баланси ва уни шакллантиришнинг принципиал асослари.....	138
4.4. Тўлов баланси таҳлилининг услубий масалалари.....	145

## БЕШИНЧИ БОБ

Экспорт сиёсатини амалга ошириш.....	159
--------------------------------------	-----

5.1. Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни яратиш бўйича жаҳон тажрибаси ва унинг назарий асослари.....	159
5.2. Ўзбекистонда экспортнинг экспортнинг ривожланиш босқичлари ва муаммолари.....	166
5.3. Экспортни ривожлантиришда валюта сиёсати.....	176
5.4. Ўзбекистон Республикасида экспорт сиёсатини ривожлантириш истиқболлари.....	181



5.5. Мамлакат экспорт салоҳияти истиқболларини белгилашнинг минтақавий жиҳатлари.....	189
--	-----

## ОЛТИНЧИ БОБ

✓ Чет эл инвестицияларини жалб этиш ва тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	196
---	-----

6.1. Қўшма тадбиркорлик ва чет эл инвестицияларини жалб этиш ташқи иқтисодий фаолиятнинг шакли сифатида.....	197
6.2. Бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда қўшма тадбиркорлик ва чет эл инвестицияларини тартибга солиш амалиёти.....	210
6.3. Иқтисодиёти ўтиш босқичида бўлган мамлакатларда қўшма тадбиркорликни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	217
6.4. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш механизмини ривожлантириш мантифи ва босқичлари.....	228

## ЕТТИНЧИ БОБ

✓ Халқаро туризм ташқи иқтисодий фаолият шакли сифатида.....	236
---	-----

7.1. Халқаро туризмнинг иқтисодий моҳияти ва мазмуни.....	236
7.2. Туристлик экспорт, импорт ва туристик бозор тушунчаси ва мазмуни.....	240
7.3. Туризмнинг шакллари, турлари ва хиллари.....	243
7.4. Туризмни ривожлантириш кўрсаткичлари тизими.....	247
7.5. Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ташқил этиш.....	250

## САККИЗИНЧИ БОБ

Ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталаш.....	258
---	-----

8.1. Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталашнинг моҳияти ва турлари.....	258
8.2. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг айрим турларини суғурталашнинг мазмуни.....	261
8.3. Халқаро суғурталаш ва унинг институтлари.....	274
8.4. Ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталашнинг Ўзбекистон бозорида таклиф этилаётган турлари.....	276

## **ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ**

Халқаро тижорат арбитражи.....	282
ХОТИМА ЎРНИДА.....	293
ГЛОССАРИЙ.....	296
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	318

**ҲАМЕДОВ**  
**Иса Аҳлиманович**  
**АЛИМОВ**  
**Аваз Мирзомурадович**

**Ўзбекистон Республикасида**  
**ташқи иқтисодий**  
**фаолият асослари**

Дарслик

**Китоб Очиқ Жамият Институти —**  
**Кўмак Жамгармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси**  
**кўмагида чоп этилган**

# **Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари**

**Муҳаррир**  
**Техник муҳаррир**  
**Мусаҳҳиҳ**

**Д. Сиёев.**  
**М. Буянов**  
**Т. Файбуллаев**

Босишга рухсат этилди 01.08.2001

Бичими 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Ҳажми 20 б.т. Адади 3000.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг  
Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди  
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.  
Буюртма № 147  
2001.

